


БТ571
Ш97

Шүхрат

ЖАННАТ КИДИРГАНЛАР



• РОМАН •

ШУХРАТ

**ЖАННАТ
ҚИДИРГАНЛАР**



Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2018

УЎК 325.86(575.1):82-43

КБК 84(5Ў)

Б 94

Шуҳрат.

Жаннат қидирғанлар: Шуҳрат. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги нашрёт-матбаа ижодий уйи, 2018. – 460 б.

Шуҳратнинг «Олтин зангламас» асарида маърифат соҳиби – ўқитувчи деган шарафли қасб улуғланса. Шунингдек кўпгина асарлари қардош халқлар ва хорижий тилларга таржима қилинган. У Ўзбекистон халқ ёзувчисидир.

Ўйлаймизки ушбу китоб Сиз азиз китобхон мухлис ва мухлисаларимизга яна бир бор мароқли муртоала инъом этади деб ўйлаймиз.

Abdulla Qodiriy nomidagi
viloyat AKM
INV № X-4658-20190

УЎК 325.86(575.1):82-43

КБК 84(5Ў)

ISBN 978-9943-5295-7-1

© Faafur Fулом
номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйи,
2018

ТУЛКИ ТУМШУГИДАН ИЛИНДИ

Бир эҳтиётсиз ҳодиса сабаб бўлмагандан Аъзам Нафисага уйланмаган бўларди.

У осмонда эди, осмонда бўлмаганида ҳам ўзини шундай ҳис қиласарди. У шундай кишига, ёки шундай оиласинг қизига, жилла бўлмагандан, қариндошига уйланиши керак эдики, бу қариндошлик уни амал ва обрў чўққисига сакрашига бир трамплин ролини ўйнасин. Эсини танибдики шу ниятда. Студентлигида бир қиз билан донлашиб юрди. Қиз ниҳоятда чиройли эди. Ҳатто муаллимлар орасида ҳам уни кўзи остига олиб қўйганлар бор экан. Лекин қиз Аъзамни маъқул топиб, у билан учрашиб турди. Бу орада Аъзам ўз андазасига солиб ўлчаб кўрса, қизнинг на оиласида, на уруг-аймоғида «трамплин» бўладиган кимса бор; қиз институтни тугатса уруғда ўрта бармоқ бўлиб кўзга ташланадиган одам шу бўлади. Бундан кўнглининг бир томони чўккан бўлса ҳам, Аъзам қоронгида қора, ёруғда оқ кўриниб, умидини узиб кетмади. Унинг ҳусни лангар бўлиб қирғоқдан узоқлашга қўймасди. Лекин шу орада, бир ўргонининг тўйида бошқа бир қиз билан кўз уриштириб қолди. Қиз ҳам ортиқча гожлик қилмай, учрашувга рози бўлди. Учрашиди. Аъзам кўриниб турган ҳусни, барвасталигидан ташқари ўз ички фазилатларини ҳам очиб ташлади. Қиз ҳам худди шундай йигит учун яратилгани, вақти-соати келгунча якка юргандек чиппа ёпишди-қўйди. Унинг тофаси катта амалдор, амалдор бўлганда ҳам қаерга узатса қўли етади, нима

деса сўзи ўтади. Аъзам уни орқаваротдан таниб, бир маросимда учрашиб, жиндай ровиш ҳам қилиб қўйди. Тарқалиш вақтида у билан қуюқ хайрлашиди, орқаси билан анча ергача юриб борди, юзини табассумга тўлдириб, қўлини кўкрагидан узмади.

— Зап тоғангиз бор экан-да, — деди қиз билан эртасига учрашганда очилиб, — бирам хушмуомала, бирам маданиятли эканлар, лабларидан бол томади. Бунақа одам билан йўл юриб адашсанг, нақ жанннатнинг ўзгинасидан олиб чиқади. Ё тавба, уч соат ёнларида ўтирибман, бир лаҳзадек ўтиб кетибди-я, юзларидан нур ёғилади. Фариштали одам деб шунақаларни айтса керак-да, а? Сизларнига кўп келиб турадиларми? Ойингизга ака бўладиларми, ука?

— Акалари. Келиб турадилар, лекин кўп эмас.

— Нега унақа қиласидилар? Мен сизнинг ўрнингида бўлсам тез-тез келадиган қилиб олардим.

— Ҳо, — деди нозлангандек қиз, — ҳолаларимдан балога қоларман. Ойимлардан бошқа яна бешта опа-сингиллари бор. Расамади билан бориб-келадилар-да.

Аъзам гўё шу қизга уйлангану, арзанда жижян-куёв бўлмаганига ўкингандек ичидаги ҳолаларини койиб қўйди. Қани энди ёлғиз тойлоқ бўлиб тоғани эмса! Дарров ўзига далда берди: бу ёғи ўзимга борлиқ, косовида кириб, кули билан чиқиб турсам менга боқмай, кимга боқади.

Лекин... Лекин қиз бир кўргандаги жиз этиб жигар-бағрингдан оладиган чиройли эмас, совуқроқ, бунинг устига чиллак оёқ, сал лапанглаброқ ҳам юради. Шу томонини ўйлагандаги Аъзамнинг кўнгли хира тортар, иззат-нафси камситилганга ўхшарди. Ахир мавқели одамнинг хотини ҳам чиройли бўлиши керак-да.

Аъзам икки ўт ўртасида эди: ё чиройли хотину ўзинг учун ўл етимлик, ёки чиллак оёқ, совуқ хо-

тину обрў ва амал. Иккиси икки бармоқ бўлиб, қайси бирини тишласа шуниси оғрир эди. Анча вақт боши қотиб юрди. «Эй худо, шу амалдор чиройлигининг тоғаси бўлиб қўя қолса нима қиларкан!» деб ўкиниб, на унисининг, на бунисининг бошини очиб қўйди. Лекин мақолда «икки кишини тенг қуҷоқлаган биридан ажралади» дейилса ҳам, Аъзам иккаласидан ажралди. Аввал чиллак оёги унинг эгар-жабдуини йифиб қўлига тутди:

— Қани, туёғингизни шиқиллатиб қолинг — шериклик ош қорнимни оғритади.

Аъзам ганграб, «ҳой-ҳой, ўзи нима гап?» дегунча қиз этагини қоқиб жўнади.

Худди шунинг эртасига чиройли ҳам ўшқириб, ҳар қадам босишидан қаҳр-ғазаб ёғиб ваъдага келди. Салом ўрнида:

— Уятмасми? — деди ва йигламсираб бир-икки тарсаки қўйиб юборди, — мунофиқ!!

Аъзам юзини ушлаганча қолаверди.

Бу икки зарба Аъзамнинг кўзини мошдек очди. Анча вақтгача бирор қизга гап ташлагани юраги бетламай юрди, ҳатто сотувчиси аёл бўлган магазинларга ҳам кирмади. Лекин вақтдан яхши дори йўқ: не-не жароҳатларни даволайди. Не-не аччиқ аламларни унут қиласди.

Аъзам институтни битириб, инженерлик дипломи қўлига тегиши билан ўзини яна бошқача ҳис эта бошлади, гўё бутун гаплар ўша студентлик билан, институт даргоҳида қолиб кетди. Энди ўз нијатини рўёбга чиқарса бўлади. Лекин барибир ўша ҳодиса кўнглининг аллақайси бурчагида чағир тош бўлиб ётарди. Албатта энди.у илон чаққан кишидек ҳар ола арқонга гумонсираб боқади. Шундай бўлса ҳам бир-икки қизни чўқилаб ташлаб кетди, гўё у ўз тенгини қидиради. Баъзи бир ўртоқлари таъна қилишса, ахир итлар ўзига жўра топгунча қанча бир-бирини ҳидлашади-ю, ахир биз одам-

миз, табиатнинг олий санъати! – деб фалсафа со-тарди. Шу туфайли бўлса керак, студентликдаги баъзи бир ўртоқлари уни ташлаб кетишиди. Лекин бунга Аъзам ортиқча парво қилмай, «ҳозир оддий инженерман, шундай қилишяпти, сал баданимга нам югуриб, стулим креслога алмашсин, ҳаммаси ҳид билган қумурсқадек ўрмалашиб қолади», деб ўзига тасалли бериб юрди. Не ажабки, унинг стули креслога ҳадеганда алмашмас, нияти уфиққа ўхшаб, у интилган сари нарига кетиб борарди. Бўлмаса у тинч ётгани йўқ: бошлиғига саломни ҳамманикidan қуюқроқ беради, уйини, бола-чақасини сўраб туради, байрамларда идорада табриклагани етмагандек, уйига алоҳида меҳри барқ уриб турган телеграмма юборади, командировкага кетса кузатиб, келса кутиб туради. Интизоми яхши, ишига ҳам бажону дил киришади-ю, назарга тушмайди. Кимdir унинг олчи ошигини чикка қилиб қўяётганга ўхшайди, қадрига етмаёттандек. Бу нарса мушук бўлиб ичини тирнаса ҳам, «сабр қил, азизим, ҳар нарсанинг ўз мавриди бор. Тувакда бевақт очилган гул, барибир, гул эмас, салга сўлади», деб ўзини босиб юрарди. Лекин у барқ уриб, мангу очиладиган фурсат қачон келишини энтикиб кутарди, баъзан диққинафас бўлиб кетарди. Бу диққинафаслик шишанинг бўғзини ушлатди. Ана шунда муроди мақсадига ета-ёттандек яйрайдиган бўлди. Ана шундай яйраган кунларидан бирида такси ёллаб, орқа ўтиргичида оёғини тираб (гўё раҳбарининг юришига тақлид ва бир томони машқ қилиб) келаёттганда бир аёл киши қўйл кўтарди. Шофёр:

– Олсам майлимни? – деган эди, сахийлиги тутиб кетиб:

– Марҳамат! – деди.

Лекин машина ойнасидан ўрта ёш бўлиб кўринган аёл ёшгина дўндиқ қиз экан. Унинг йўли терс

бўлса ҳам, Аъзам розилик билдириди. Шофёр елка-
сини қисиб олгач, Аъзамдан сўради:

— Ундай бўлса, сизни олдин ташлаб келаман-да?

— Йўқ, маданиятсизлик бўлмасин, аввал бу ки-
шини. — Қиз «йўқ, йўқ!» дейишига қарамасдан Аъ-
зам машинани қизнинг йўлига солдириб юборди.
Қиз аввалига қизарди, кейин миннатдорлик бил-
дириди:

— Борадиган жойингизга кеч қоладиган бўлдин-
гиз-да, меники жудаям тиқилинч эмас эди.

— Вокзалга эмаски, поезд кетиб қолса. Уйга
қайтияпман. Иш кўпайиб, бир оз кечроқ қолишга
тўғри келди.

Қизи тушкур шўхгина экан, олдин бир кулиб,
кетидан сўз билан чимчилаб олди:

— Янгамдан қўрқар экансиз-да!

— Оҳ, қани қўрқсам ҳам, ўзлари бўлса!

— Қаёққа кетганлар?

— Билмасам.

— Вой, бу кишини қаранг, ўз хотинларининг
кетган ерини билмайдилар.

— Чунки менга хотин бўладиган қиз ҳали оий-
сининг сочини ўриб, уйда ўтирибди.

Қиз «Вой!» деди-ю боягидан ҳам баттар қизарип
кетди, кўзини ерга олди.

Машина чорраҳага келганда бирдан тўхтаб,
иккала йўловчини ҳам қалқитиб юборди. Қизнинг
тиззасидаги сумкаси ерга тушиб кетди. Ровиш қил-
моқчи бўлиб сумкага энгашган Аъзам бошини қиз-
нинг бошига уриб олди. Урилиш зарби идрокига
етиб боргунча, қизнинг янги ювилган сочининг ҳиди
Аъзамнинг димогини қитиқлааб, этини жимиirlатди.
Бундай мушк-анбарни умрида илк марта мафтуни
бўлгандек қаддини кўтарганидан кейин ҳам узун
нафас олиб қўйди, қизнинг сочита қараб намхуш-
лигини пайқади. «Ювениб-тараниб худди ваъдага

кетяпти», деган фикр хаёлидан ўтди, рашки келтандек бўлди.

Қиз сумкасини ўзи ердан олган бўлса ҳам, Аъзамга ташаккур билдириди. Аъзам шу ердан илиб кетди:

— Қилинмаган хизматга раҳматингиз малол келади, яхши қиз.

— Мен энгашмаганимда олиб берардингиз-да.

— Албатта. Лекин ўзингиз олдингиз.

— Фараз қиласиз, сиз олиб бердингиз.

— Ундай бўлса, раҳмат! Қилмаган хизматимни шундай юксак баҳоладингиз. Қани энди сизга ўхшаб одам бошлиқ бўлса-ю, мен қўлида ишласам.

— Нима, бошлиғингиз ёмон кўрадими?

— Йўқ, лекин сизчалик қадрламайди.

— Киши хизматини қадрламаса ёмон раҳбар экан-да.

— Ёмон десам инсофдан бўлмас-ку, лекин ёшларга ишонқирамай қарайди.

— Бу ундан ҳам ёмон! — деди қиз шарт кесиб.

— У қандай раҳбарки, ҳосил берадиган ёш новда турганда кундага куч беради.

Аъзам бу гапларни бошлиғи эшишиб қолиб, таъзирини берадигандек ҳадиксираб, гап чалғитди:

— Агар сир бўлмаса, ўзлари қаерда ишлайдилар?

— Бутун меҳру муҳаббат ёшларга берилган жойда.

— Яъни?

— Яъни, болалар боғчасида, — кулди қиз.

— О, албатта сизларда ёшлар кафтда тутилади.

Қиз машинадан тушиб, шофёр билан ҳисоб-китоб қилаётуб кулиб қўйди:

— Ўша бошлиғингизни бизга юборинг, беш-үн кун практика қилиб кетсин.

Аъзам дарров илди:

— Келарди-ю, адресингизни билмайди-да!
— Адрессимиз шу кўриниб турган оппоқ бино.
Қиз майда қадам билан йўлкадан борар экан, Аъзам машинадан бошини чиқариб яна тегишиди.

— Айтаман, албатта келади.

Бу гал қиз индамади, қайрилиб ҳам қарамади. Шундай бўлса ҳам, Аъзамнинг қулогида унинг товуши, димофида сочининг мушк-анбари қолган эди. Уч кун ўтгач, боғчани сўроқлаб келди. Қаршисига пешвоз чиққан қизга:

— Бошлиғимизнинг ишлари кўп экан, ҳозирча мени практикага юбордилар, — деб кулди.

— Демак сиз ҳам бир куни каттакон бўлар экан-сиз-да.

Аъзамнинг «албатта!» деб юборишига сал қолди, қизнинг бу гапи мойдек ёқиб, уни ўзига анча яқин ҳис қилди.

Қизнинг исми Нафиса, шу боғчанинг мудираси экан. Кўринишдан ёш ва дўндиққина бўлса ҳам, аслида йигирма уч-йигирма тўртга бориб қолган, зуваласи пишиқ бу қиз Аъзамнинг дидига бирдан ўтириб қолди. Ҳаммадан ҳам унинг шу боғча ёнида бир дугонаси билан туриши, ҳозир дугонасининг қишлоқдаги касал онаси олдига кетгани узугининг йўқотган гавҳар кўзини топгандек яшнатиб юборди. «Омадининг келгани шу! Уч-тўрт кун оёғимни узатиб майшат қилиб олсам бирор билиб ўтирибдими! Ўзи ҳам менга ўхшаган дилбар йигитга муштоғу учратолмай юрганга ўхшайди, қани тўрга ўтинг, мулла Мираъзам бойвачча!»

Аъзам кўзига содда ва тайёрдек кўринган қизнинг у енгидан кириб, бу енгидан чиқди. У сухбатни шунақа эшиб ташладики, бечора қиз «излаганим сиз, Аъзамжон ака!» деб юборганини ўзи ҳам билолмай қолди. Аъзамга шу керак эди. Ўша куни жиндай ичимликдан кейин Аъзам қизникида ётиб

қолди. Эрталаб Нафиса ҳовридан тушиб пешанаси-
ни чангаллади. Олдинига йиглади, кейинига:

– Сўз битта-я, Аъзамжон aka? – деб тундаги
ваъдасини эсига солди. Аъзам дилидан бўлмаса
ҳам, тилида:

– Бўлмасам-чи, тентак! – деб бағрига босиб
ўпди, Нафисанинг кўзида йирик маржондек қалқиб
турган ёш донасини бармоғи билан сидириб ташла-
ди, лекин юзида узун изи қолди.

Бўлар иш бўлгунча, иссиқ ўриннинг тапти кўта-
рилгунча Аъзам энтикиб Нафиса олдига елиб-
юрган бўлса, кунлар ўтган сари Нафиса уни ин-
тизор кутиб, у эса, ваъдани оралатадиган, шунда
ҳам совуққина келиб-кетадиган бўлиб қолди. На-
фиса билдики, у орқага тисариляпти, ваъдалар
пуч. Масалани шартта қўйди:

– Тўйни қачон қиласиз?

– Қанақа тўй? – талмовсиради Аъзам. Нафиса
шундай жавобни кутганидан эсанкирамади, оёғини
қаттиқроқ тиради:

– Сиз билан менинг тўйим-да!

Аъзам тирноини тозалаётган одамдек бепарво
тўнгиллади:

– Битимга қиласанми! Нафисанинг хаёлига бир
учрашганларида Аъзамнинг кўрсатган омонат кас-
саси дафтарчаси келди. Унда анчагина пул бор эди.
Шуни эсига солди.

– Сичқон тортиб кетибди, – деди Аъзам яна
ўша оҳангда.

– Менга қаранг, ҳазилни қўйинг. Ҳар қанча ҳа-
зилу чин бўлса ўтиб бўлди. Сан-манга бориб, ўрта-
даги ҳаё пардаси кўтарили масин, мен сизга етти ма-
ҳаллага ош беринг, қўш сурнай ёлланг деяётганим
йўқ. Қайси аҳволимга чиранаман... – деди кўзига
ёш олиб Нафиса, кичкинагина вечер қиласийлик,
беш-ўнта таниш-билиш бўлса бўлди.

— Кичкинагина вечер?! — бургадек сапчиб тушди Аъзам, кейин мен бошимни кўчада қанақа қилиб кўтариб юраман, паранжига кираманими?

— Э, хотинларга йўқ паранжи сизга қаёқда! — кўзида ёш билан кулгига олди Нафиса. Лекин Аъзам ўзгармади. Чунки унинг эсидан ваъдалар эрта тонг туманидек йўқолиб битган, аслида Нафисага уйланиш нияти йўқ эди. Ахир Нафиса унинг андозасига сал ҳам тўгри келмас эди: тафовут фил билан қумурскача! Унинг бошидаги режаси ҳам уч-тўрт кун кўнгил хушлик қилиш эди-да. Қизиқ устида баъзи сўзлар оғзидан чиқиб кетса кетган-дир, қоғозга ёзиб, остига муҳр босиб берибдими!

— Бўлмаса тузукроқ қиласайлик, менинг ҳам озги на жамғармам бор.

— Нима?! — иззат-нафсига тегаёттандек жеркиб ташлади Аъзам, — бир камим хотин зотидан қарз бўлиш эди!!

— Нега қарз бўласиз, — уни юмшатмоқчи бўлди Нафиса, — тўй битта сизникими...

Нафисанинг ўзига teng қилаётгани унга баттар алам қилди:

— Ҳой, менга қара, кўп жиблажибонлик қила-верма, мақсадингни айт!

— Мақсадимиз битта!

— Ҳеч қачон битта бўлмаган!

— Қачондан бери?

— Бошидан!

— Ваъдаларингиз кўпикмиди?

— Сенга ҳеч қанақа ваъда бермаганман!

— Уялинг! Шу гапга қандай тилингиз боряпти? Мен буни кўтариб қаёққа бораман? Эл-юрт олдида қандай бошимни кўтариб юраман.

— Олдириб ташла!!

Нафиса йиглади-ялинди, ялинди-йиглади. Лекин Аъзамнинг бемехр кўнгли юмшамади. Сув сепилган цементдай баттар тош қотди.

«Итдан бўлган қурбонликка ярамас!» деб газабланган Нафиса докторга учраши, болани олдириб ташлагани йўл қидирди. Лекин докторлар «кеч, вақти ўтибди» деб абортга рози бўлмади. Кейин, биринчи болани олиб ташлаш хавфилигини, келажакда зиён беришини айтиб, уни бу ёвуз ниятидан қайтардилар. Унга бошқа маслаҳат бердилар, бу маслаҳатлар Нафисани она бўлишга – bemehр бир эркакни деб, норасидасини нобуд қилимасликка ундарди. Бу инсоний ундаш, инсофга чақириш Нафисанинг кўнглига олов бўлиб қўйилиб, димоғидан тутун бўлиб чиқарди, ҳар мўйини бир нафрат тифига, ҳар нафасини газабга айлантиради. У умрида бир марта ва илк марта севган кишисидан келган бу ношукурлик ва пастликка асло кўниколмас, кўниши эмас, кун ўтган сари аламга айланарди. Бу алам уни қасос олишга даъват этарди.

«Эй тақдир, – деб бир куни нола қилди у, – етим қолиб болалар уйларида ота-она меҳридан бебаҳра ўсганим етмасми? Менда нима қасдинг борки, шу кўйларга соляпсан? Ёки мен бу ҳаётда ортиқчаману адашиб яшаб юрибманми? Ундай бўлса, мана бу бегуноҳ мурғакка раҳминг келсин, шунинг ғамини егин».

Кўрса, бундай тушкунлик билан ўз баҳти эшигини ўзи тамбалаб қўйиши мумкин. Шундай танблайдики, кейин ўзи ҳам очолмайди. Жим турса сув бузилади, демак, ҳаракат керак.

Нафиса бу ҳаракатни яна Аъзамга учрашувдан бошлади (бу вақтда у келмайдиган бўлиб кетган эди). Идорасидан димоғ билан хомуш чиқиб келган Аъзам саломига ҳам алик олмасдан, «гапинг бўлса гапиравер, иккала қулогим сенда», дегандек гўдайиб турди. Лекин бу гал Нафиса ҳам аввали учрашувлардаги каби унинг оёғига ташланиб, йиғламоқчи эмас, балки оёқ ости бўлган номусини бир инсонча ҳимоя қилмоқчи, керак бўлса курашга

кирмоқчи эди. Буни Нафисанинг авзойидан сезган Аъзамнинг юраги орқасига тортиб кетди, бир четга олиб ўтмоқчи бўлиб, юрди.

— Менга шу ер ҳам бўлаверади.

— Бу ёққа юр!

— Раҳмат! Хилватта ўтиб бўлганман – оғзи-бурним тўла қон!

— Бу ёққа кел, деяпман.

— Бақирманг! Ширин сўзларингизга ишонганин, дўқларингиздан энди қўрқмайман.

Аъзам орқасига қайтишга мажбур бўлди.

Улар Аъзам ишлайдиган катта бинонинг шундоққина бўсағасида туришар эди. Ҳар ўткинчи Аъзам кўзига бу кўнгилсиз учрашувнинг гувоҳи бўлиб, кўнглига фулгула соларди. Буни сезган Нафиса жўрттага гап бошламас, уни узил-кесил синамоқда эди.

— Гапир, нима ишинг бор! — Аъзамнинг сабри тугади.

— Нега шошасиз? Ёв босиб келяптими? Сизни соғиндим, дийдорингизга тўйиб олайн деяпман. Февраль ойидек йигирма тўққизингизни тўрт йилда бир кўрадиган бўлиб қоляпман.

Аъзам унинг пичингини бўлди.

— Гапир! Гапирсанг-чи!

Нафиса бирдан жиддий тус олди:

— Гап шу, бола туғилгунча ҳам бирга туролмайсизми?

— Йўқ.

— Шу қатъий-а?

Бу гал Аъзам нима учундир боши билан тасдиқлади.

— Кейин ўқинмайсиз!

— Нима, устимдан арз қиласанми? Гувоҳинг борми?

— Гувоҳим – виждоним! Ноинсоф! Шунаقا дегани уялмайсизми, бола уволи туткур!

Нафиса худди шу куни Аъзам ишлайдиган идоранинг парткомига учрашди. Партком аёлкиши эди, Нафисанинг дардига дарров тушунди. Маслаҳат учун директор олдига чиқди. Директор мулойимгина юрган йигитдан шунча шайтонлик келганидан ажабланди. Суҳбатга Аъзамнинг ўзи ни чақирди. Чакирилиш сабабини олдиндан билган Аъзам ролини ёд қилиб кирди-ю, тузатиб ўйнолмади. Директор вазминлик ва донолик билан унинг кўпикларини бир-бир ўчириб чиқди.

— Ёшлигингилини покликка хиёнат билан бошласангиз у ёфи нима бўлади? Сиздан умидимиз катта эди, Аъзамжон! Ўйланг, жуда пухта ўйланг. Эскиларнинг гапи бор: киши кўнглини ноҳақ оғритиш Маккага тош отиб келиш билан баробар, — деди директор ва унга жавоб берди.

Ўзи парткомни ҳузурига таклиф этди. Уни ўрнидан туриб, кабинети ўртасида қарши олди.

— Шундай қобилиятли инженер шунақа номаъ-қулчилик қилиб ўтиrsa, бу қизиқ-ку, — деди ажабланиб у.

Партком гап ким ҳақида кетаётганини дарров тушунди:

— Оласи ичиде шекилли-да!
— Кечаги кварталдаги ишини қаранг, бир оғиздан ҳаммага маъқул бўлди-я!

— Ана шунинг учун бу ҳангамани эшитганимдан бери ҳайрон бўлиб, бармоғимни тишлийман. Ҳар нарса дeng, орқаваротдан эшитсам ишонмасдим.

— Гап шунда-да, — уни яна қувватлади директор, — лекин унинг киши дарров тушуниб етмайдиган қилиқлари бор, буни анчадан буён кузатиб юраман, бир кўрсанг зукко, тадбиркор, хушфеъл, бир кўрсанг димоғ етти қават осмонда-ю, унча-бунча кишини оёғи учиди кўрсатади.

— Топдингиз, — унга қўшилди партком. — Ҳамма бало шунда. Мана шу кейинги хислати босиброқ юради. Бўлмаса шундай қизга раҳми келмасмиди?

- Суриштирдингизми, қанақа қиз әкан?
- Үйланса ҳақи кетмайды: рисоладагидай!
- Зора уйланғандан кейин таптидан түшса!
- Шояд?

Икки кун ўтгач, директор яна Аъзамни чақирди:

- Хўш, қандай фикрга келдингиз?

Аъзам ҳамон бирор сўз айтишдан ожиз эди: ахир Нафиса унинг ўлчовига келмас эди-да! Буни директор ўзича тушуниб, қамчини босди:

- Мен қизни суриштирдим. Рисоладаги қиз. Қаттиқчилик кўриб катта бўлган, яхши кунда яйраб-яйраб ҳаёт кечиради. Қани, тўйни қачон қиласиз?

Аъзам гангиг қолди, лабига беихтиёр кулги чиқди: Энди...

- Энди-пендиси йўқ. Бу шанба ўтсин, эндиши шанба бир бежиримгина ўтириш қиласиз. Хўпми? Мен ўртоқларга айтаман, сизга кўмаклашадилар. Келинга мендан салом айтиб қўйинг.

Аъзамнинг оғзида, бўғзида бўғзида қолди. Директор сухбатидан кейин ўша ўзи билган Нафиса бутун бошқа бўлди-қўйди, гёё бирор алмаштириб кетди. «Чиндан бошқами?» – шу савол кўнглини аллақайси бир бурчагида ингичкагина қора чизиқ ташлаб туради.

Директор айтган куни тўй бўлди.

2

БЕВАФО

Назоратчининг камера эшигини кулиб очишини биринчи марта кўриши.

«Ё тавба, қаёқдан кун чиқди», деб қўлидаги китобини бир четта сурган Умматали, назоратчининг «Қани юринг!» деганига ҳайрон қолди. Чунки бугун

шанба. Бунинг устига иш вақти тамом бўлган, қоронги тушган. Терговчилар аввалгидек ҳозир кечаси ишлашмайди, ҳатто кундузи овқат вақтида чақиришмайди.

Бу кутилмаган тақлифдан ҳайрон қолған Умматали икки қўлини қўймичига қилиб, унинг олдига тушди. Қаншари паст, бўтакўз назоратчининг юзидан ҳамон табассум аrimас эди. Бу эса Умматалига далда берди, сўрашга жазм этди:

— Тинчликми? Нима гап?

Умрида маҳбус билан гаплашиш у ёқда турсин, башарасига ёлчишиб қарамайдиган назоратчи тап тортмасдан ўша табассумида:

— Тинчлик, юраверинг! — деб қўйди.

Бу яхшилик белгиси эди, қаттиқ қишдан сўнг илк баҳорда бирдан кўринган қалдирғочдек қалбini нурга тўлдирди, яшнатиб юборди. Қандай қилиб эшиклардан ўтганини, зиналардан чиққанини билмади. Бир маҳал қараса, шу вақтгача кирмаган кабинетнинг эшиги олдида турибди, назоратчи ундан олдин ўтиб эшикни қия очди, киришга ижозат сўради, кейин уни олдинга ўтказиб, ўзи ортидан кирди.

Умматали бу яқин орада бир кабинетда шунча расмий одамларни кўрмаган эди: лейтенантдан тортиб полковниккача бор.

Умматалига кираверишда ўнг томондан, бурчакка яқин ердан жой кўрсатишиди. Кутилмаган бу учрашувдан кўзи тиниб, бутун вужуди қулоққа айланниб ўтирган Умматали асабдан кафтини кафтига қўйганда терлаб кетганини билди.

Юқорида ўтирган, столининг усти катта-кичик папкалар билан тўла майор гап бошлади:

— Хўш, аҳволлар қалай?

— Яхши.

— Тергов тугаб қолдими?

- Йўқ, менимча ҳали анча бор.
- Ўртоқлар тугади дейишишти-ку?
- Йўқ. Икки киши билан юзлаштиришларини илтимос қилганман, ҳали учрашганим йўқ. Менинг йўқ гуноҳимни зоғора нон қилиб шиширган ўшалар.

Боядан бери бефарқдек савол-жавоб қилиб ўтирган майорнинг кўзи атрофни юмшоқ бир жил-майиш билан кезиб чиқди, кейин Умматалига тикилиб тўхтади:

- Энди у зоғора нон гувоҳликларнинг юридик кучи йўқ.

- Бор! - гожлик қилиб, оёқ тиради Умматали.

Гўё у кўрсатмалар ўз кучида қолиб, яна айбланаётган кишидек безовталаниб, ўрнидан қўзгалди:

- Барibir юзма-юз қилинг.

- Йўқ, бизга ишонинг, ўртоқ Қурбоналиев!

Бу яқин орада фамилиясига қўшиб айтилмаган «ўртоқ» сўзи бутун баданини ҳаяжондан зирқирабиб юборди, хўрлигини келтирди. Чунки шу биргина сўзнинг исмига қўшиб айтилиши тақдирининг нима билан ҳал қилинганини билдириб турарди.

Умматали уйқудан ногоҳ уйғотилган кишидек гангид тураган, майор аниқроқ қилиб якун ясади:

- Терговингиз тугади. Бугундан бошлаб озодсиз!

Кўпдан бери кутган, аммо шу лаҳзада рўёбга чиқишидан бехабар қувончдан Умматали шошиб қолди. Ранги ўзгариб кетди шекилли, майорнинг ишораси билан унга стаканда сув тутишди:

- Ичинг!

Майор уни қувватлади:

- Ичинг! Ичинг, яхши бўлади!

Шунча йиллик тухмат гирдобига бардош берган, эътиқодига қилнинг қийигича ҳам путур етказмай иродасининг кучи билан мусаффо сақлаб келган Умматалига қўйилуп олини титраб,

Viloyat Akm

стакандаги сувни аранг оғзига олиб борди, энтикиб бир-икки ҳўплади. Муздек сув бирдан кўзини мондек очди. Майор уни бу кутилмаган ўзгаришдан бутунлай жалос этмоқчи бўлди шекилли, яна луқма ташлади:

— Ишонамизки, ўтган-кетган гапларни кўнглингизга олмасдан, аввалгида ҳам ўтқизиб ўз гражданилик бурчингизни ўтайсиз. Биздан нимаики ёрдам керак бўлса, марҳамат. Истаган пайтингизда мурожаат қилишингиз мумкин. Сизнинг ҳаётдан ўз ўрнингизни тезда топиб олишингиз учун доим кўмакка тайёрмиз.

— Раҳмат! — деди ҳаяжондан аранг Умматали. Бу янгилик томдан тараша тушгандек қўққисдан бўлмаган бўлса ҳам, Умматалини анча маҳалгача гангитиб қўйди, ҳадеганда ўзини йиғиб ололмади. Камерага тушиб йиғиштирилар экан, майорнинг «буғундан озодсиз» деган сўзи минг бир оҳангда ҳамон жаранглаб турар эди.

Камбағал бўлсанг кўчиб боқ, дегандек, йиғиштирилишга келганда доим юкинг кўпга ўхшайди, нимадир эсингдан чиқиб қолаётгандек бўлади, нимадир ўз жойига жойлаштирилмаётгандек кўринади. Умматали ҳам қанча жадал бермасин шу ахволда эди. Бунинг устига маҳбуснинг камерада ҳеч нарсани қолдирмаслиги керак, акс ҳолда яна қайтиб келади деган ўз ақидаси бор. Лекин нима учундир, қошиқни қолдириши шарт. Гарчанд, бу ирим-чиrimларга у ишонмаса ҳам, кўнглига ғашлик солмаслик учун ҳозир барчасини ўташи лозим. Худди шундай қилиб йиғиштирилди-да, камеранинг охирги марта очилишини кутиб, қулоғи даранглаб очиладиган залварли қулфида бўлди. Бундай пайтда кишининг ҳис қилиш аъзолари фавқулодда сезгир бўлиб кетади, ҳар эшитган товуш ёки ҳаракатдан дарров якун ясайди, ўзига тегицлигини ажратиб олиб, яна энтиқади. Ана бошқа бир камера ҳам

очилиб ёпилди, ҳар вақтдагига ўхшамаган баланд гаплашиш эшитилди. Демак, бугун ёруғ дунёning ёрқин юзини кўрадиган, ноҳақликнинг зим-зиё тунидан қутуладиган, салдан кейин әркин нафас оладиган, ҳар учрашган кишисига мурожаат этиб, тенг гаплашадиган ёлғиз угина эмас. Бу яна яхши. Дунёда ноҳақлик қанча камайса, тухмат барҳам еса, шунча яхши. Инсон умри минг йил эмаски, унинг беш-олти йилини ғам-ғуссада ўтказса, туя баданидан юлиинган юнгчалик сезилмаса. Ўзи жиндаккина. Бунга ҳеч ҳам доф тушмаслиги, бир куни ҳам зое кетмаслиги керак. Ҳар ким шуни ўзига шиор қилиб, бошқалар унинг умрига посбон бўлганидек, у ҳам ўзгалар умрининг манфаатини кўзласин, токи қариб-чириб бу дунёдан кўзини юмаётгандага вижданода игнанинг учича ҳам хиравлик кўрмасин. Бу инсон қўлидан келади, бу унга қодир, у шу учун аслида инсон бўлиб яратилган, акс ҳолда қашқирдек ув тортиб, бойқушдек кукулайдиган бир махлуқ бўлиб яратилиши керак эди. Бас, инсон бўлиб яратилдингми, инсонча яша, инсонлик қил, инсоний умид-орзулар билан ҳаёт кечир!

Умматали шундай олий ҳислар оғушида ўйи чувалиб, камера эшигининг очилишини кутиб ўтирас экан, бирдан хаёли хотинига кўчди. Нега у сўнгти вақтда хат ёзмай қўйди? Мен хатимда эҳтиётсиз бирор нарса ёздимми, кўнглини оғритдимми? Ўрлим қалай экан, йигитча бўлиб қолгандир! Эшикдан киришим билан «дадалаб» бағримга ташланиши қандай завқли! Хотиним қандай кўришар экан, бўйнимга ташланармикин ёки ўз беларволигидан хижолат тортиб, қўлини бериб қўя қолармикин? «Қўрқма, хотин, оддийгина бир хат ёзмаганинг учун сенинг кўнглингни чилпарчин қилиб, синиқлари устида шиддат билан босиб ўтадиганлардан эмасман. Бу ахир кичкина синов бўлмади, бирорлар эри ёки хотини у ёқда турсин, оқ сут берган она-

си, тиргак бўлган отасидан воз кечиб юборди! Сенники нима! Ёзмасанг, беш-олтита хат ёзмабсан-да, шунга ҳам ота гўри – қозихонами! Ҳаммаси унтутилиб кетади – ким қишида бўлиб ўтган икки кунлик қаҳратонни умрбод эслаб юрибди; баҳорнинг илк ғўрасини тотиган чоқдаёқ унут бўлиб кетади. Ахир ўргада ўглимиз бор-а! Сен билан менинг ўртамиздаги арзимаган ади-бадидан унинг кўнгли заха бўлиши мумкин. Ана шунга әҳтиёт бўлишимиз керак. Аҳиллик бор ерда темир ҳам сувга чўкмайди. Ўтган ишга салавот!!

Эшик бирдан даранглаб очилди. Умматалининг ўйи бўлинди. Қаншари паст, қозоқ башара ўша назоратчи боягидек юмшоқ табассум билан остонаядан бир қадам ичкари кирди. Камерани кўздан кечираётуб сўради:

– Ҳеч нарсангиз эсдан чиқмадими? – тумбочка устидаги сири кўчган, ҳатто бир чети қачонлардир асабдан тишланган ёғоч қошиқни кўриб, кулиб қўйди, – қошиқни қолдириб яхши қилибсиз!

Бу сўз Умматалига ҳам кор қилди, юзига нурдек мамнун кулги ёйилди. Назоратчининг имоси билан юкини кўтариб, унга эргашди. Наҳотки шуним қоронги йўлаклардан сўнгти бора ўтиб боришим! – деган фикр хаёлига келиб, юраги бир ҳаприқиб кетди.

Ҳужжатларни олиш кўп вақт ўғирламади. Ҳаммаси тайёрлаб қўйилган экан.

– Истасангиз бир оз сабр қилинг, машинамиз қайтиб келади, ташлаб келиши мумкин, – деди ҳужжатларни салмоқлаб тушунтириб бераётган капитан.

– Раҳмат! Уйим олис эмас, – деди Умматали.
– Ихтиёрингиз.

Умматали кўчага чиққанда тун соат 11 бўлиб қолган, одамлар ҳаракати анча товсилган эди. Шунга қарамасдан нурга тўла кўча унинг кўзига жуда

гавжум ва файзли кўринди. «Қайси кўчадан кетсам экан?» деб турганда март ойининг ёқимли нафаси димоғига уриб, кутилмагандан баданини чексиз яшнатиб юборди. У осмонга боқди. Аслида оидин бўлса ҳам, баҳор булутлари ағдарилиб-тўнтарилиб сузуб борарди. Ана ойни тўсди. Ойнинг фаши келди шекилли, ҳаваскор артист бола саҳна пардасининг ўртасидан бошини чиқариб залга қизиқиб қарагандек булутни йиртиб мўралади, яна ёпиб, яна мўралади, охири ўзини тўсиб турган булат пардасини юзидан сидириб ташлаб, бутун жамолини мағрур намойиш қўйди, олам ёришиб кетди, Умматалининг тепасидаги симёғоч чирогининг ранги ўчгандек бўлди.

Умматали юкини орқалаб катта кўча томонга юрди. Унга машина қерак эди, трамвайдага сабри чидамайди, тезроқ уйига кириб боришга ичикади.

Чорраҳада туриб атрофга қаради: анави беш қаватли қулранг бино у қамалгандаги йўқ эди, кўча четига киприкдек тизилиб кетган симёғочлар ҳам бунақа эмас, бошқача эди: энди уларнинг уни кўча ўртасига ишком бўлиб, лампочкаларни шокиладек ушлаб турибди. Йўл бўйидаги дараҳтлар йўғон тортибди, остига чамбарак панжара ётқизилибди. Кўчаларга ҳам аввалгидан файз кирган, нимаси биландир яхшигина ўзгаргану, Умматали пайқаб ололмаяпти. Кишиларнинг юриш-туриши, ўзини тутиши ҳам унинг кўзига алланечук бошқача кўринади. Демак, ҳаёт у йўғида камол топиб борган, ўсган, ўзгарган, янгилик кашф этган.

Умматали шундай кўтаринки руҳий ҳолатда эдики, ҳар ўткинчи одамни ўзига яқин ҳис этар, ҳар бири билан суҳбатлашадиган бир олам гапи бор, ҳар бирини у танийди, ҳар бири уни таниши қерак. Лекин нима учундир ҳозир, улар Умматалини пайкашмаяпти. Лекин Умматали умидини узмайди, ҳар ўткинчида аллақайси танишининг белгисини кўриб,

то у олдидан ўтиб кетгунча кузатиб туради, ҳатто баъзисига «Сиз фалончи эмасмисиз?» деб юборишига сал қолади. Шу орада у баъзи машиналарга қўл ҳам кўтарди, бирортаси парво қилмади. Такси-лар доим одам билан тўла. Умматали-юкини-кўтариб, кўчани кесиб ўтди. То хиёбон оралаб трамвайга келгунча қора терга ботди. Қаерга жойлашини билмаганидан кийиб олган бушлатини ечиб, юки устига ташлади, ҳаяжонданми ёки қўникмаганданми энти-киб, терини артди, трамвай кутди.

Боядан бери ойдан йирокда ағдарилиб-тўнтарилиб юрган баҳор булути яна унинг юзини тўсиб, бирдан чироги ўтган уйдек ҳамма ёқни қоронги босди. Аллақаерда ҳуштак чалиб, кейин остановка асфальтини бир сидра биракайига шипиллатиб супуриб ўтган муздек ел энди Умматалининг этини жунжитди. Елкасига бушлатини ташлаш ниятида юки турган скамейкага сукланиб боқиб қўйди. Шу маҳал қаршидан ширакайф бир одам келиб, ўша скамейканинг бир четига оғир чўқди. Бошидан шляпасини олиб, бўйни аралаш бошини анча қашиди, яна шляпасини бостириб кийиб, нафаси ичиди узоқ вақт қамалиб қолган одамдек чуқур хўрсинди. Папирос олиб тутатди, тутунини шунаقا буруқсатиб чиқардики, ҳатто қоронгида кўриниб кетди.

Умматали бушлатини елкасига ташлар экан, ҳалиги одам иргиб ўрнидан турди.

— Умматали ака! — деди ва бунга ҳам қаноат қилмасдим, — ўртоқ Қурбоналиевмисиз? — дея унга ташланиб, қўлини олди. Шу вақт булут остидан бирдан чараклаб чиққан ой унинг юзини ёритди, бу ёруғда Умматали уни танигандек бўлди:

— Аъзам... ҳа, фамилиянгиз... — дея ҳижжалай бошлаган эди, Аъзамнинг ўзи мушкулини осон қилди:

— Топдингиз! Фамилиянинг аҳамияти йўқ. Сизнинг ўрнингизда бошқа одам бўлса, ўзганики туриб, ўзиникини ҳам бу тўполонда унутиб қўярди.

Умматали уни энди эслади: бу йигит идорасида-
ги кишилар билан ҳар йили пахта терими вақтида
Умматали агроном бўлган совхозга ҳашарга чиқиб
турарди. Оёқ-қўли чакқонгина йигит. Теримдан ҳам
кўра дастёрлик ишларини маъқул кўрарди. Котиба
қизга тегажаклик қилиб, совхоз йигитларидан кал-
так ейишига сал қолган. Кейинчалик ўша йигит-
лар билан апоқ-чапоқ бўлиб, байрамларда табрик
телеграммалари юбориб турди. Ҳатто иккитасини
ўқишига жойлашда «отаси қилмаган яхшиликни қи-
либ» миннатдор этиб қўйди. Совхоз бир йили пла-
нини дўндирганда шаҳардан бир тўда артистларни
бошлиб чиқиб, дирекциянинг ҳам кўнглини олди.
Шу муносабат билан совхозда яхши танилиб қол-
ган, баъзилар уни: «Учар! Юлдузни бенарвон ура-
ди!» деб хуш кўрмаса, баъзи бировлар: «Ҳозирги
кунга шунағаси қўй келади. Сувда балиқ, қуруқда
тулки бўлмаганинг косаси оқармайди», деб, унинг
этчилигини маъқул кўрарди. Ҳулласи калом, бир
оз вақт ичида бировга әгилиб, бировни эгилтириб
салом берадиган қилиб олди. Айниқса, унинг ду-
тор чалиб жиндек ашула қилиши кўпларга маъқул
тушди. Бу əса уни ўтиришларда тўрга чиқарар,
тилини бурро қиларди, кўпларни оҳанрабо бўлиб
ўзига тортарди.

Аъзам бирпасда Умматалининг ҳол-аҳволини
сўраб, қўйнига кириб кетди. Аччиқ кунига ачиниб,
яхши кунларига тож кийгизди. Аллакимларнинг
гўрига тош қалаб, аллакимларнинг соясига салом
берди.

— Оббо, сиз-эй! Яхши бўлибди! Бутунлай оқлан-
дингизми? Жуда яхши. Душманингиз фарёд уриб,
дўстингиз қарсак чаладиган иш бўлибди. Шунга
ҳам анча йил бўлиб қолди-а, Умматали ака? — жа-
воб кутмасдан бир эснаб яна гапга тушиб кетди.

— Ҳамма айб лаънати Берияда. Мана, охири нима
бўлди! Юқорига тупурсанг мўйловингга, пастга ту-

пурсанг соқолингга тушади, деганлари шу. Тўғри тупургин эди... Йўқ, у тупуролмади, тупургани қўй-маймиз!

Бу гаплар Умматалининг ҳали яхши битиб кетмаган ярасини тирнаш билан баробар эди. Унинг нафаси бўғзига тиқилди:

— Қўйинг шу гапларни, Аъзамжон ука! Эшитган қулокқа хунук.

— Ҳақиқат-а? Йўқ, сиз қўрқманг. Буни баралла айтиш керак, токи кар эшитиб, кўрнинг кўзи очилсин.

— Хўп, ганингиз тўғри, лекин бу ерда эмас-да.

— Ие, ошинг ҳалол бўлса кўчада ич.

— Бу ердагиси тилингизни куйдиради, — ҳазилга олиб енгмоқчи бўлди Умматали. У ҳам кулди:

— Шопириб ичамиз-да! Ё сиз холодильникка қўйиб ичадиган бўлиб қолдингизми!

Бу Умматалининг иззат-нафсига тегди:

— Аъзамжон, қуюшқондан чиқманг!

Аъзам гап оҳангидан бир оз ҳуашёр тортди. Лекин сал ўтмай яна унутди.

— Қани ростини айтинг-чи, чиндан дадангиз чет элга қочиб кетганми?

Бояги гаплар Умматалининг ёнидан ўтган бўлса, буниси жонидан ўтиб кетди. Унинг ҳаёти ҳақида бериладиган саволнинг энг мушкули шу эди. Бу савол унга доим айил бўлиб ботади, тергов ҳам шу билан бошланиб, шу билан тугади. Агар Умматали дадасининг қачон ва ким билан ўтиб кетганини билганида бунчалик қийиноққа қолмас эди. Гап шундаки, у билмайди. Гўдак бўлган. Салдан кейин онаси ўлган. Кимdir уни асраб олган. Қийинчилик иили болалар уйига элтиб берган. Мана ўндан бу ёғини у яхши билади, ҳатто асраб олганларни ҳам зўрга эслайди. Мабодо, ўшалардан бири ҳозир келиб, «ўша менман» деса, таниши гумон. Мехри эмас, ўзи ҳам кўнглидан кўтарилиб кетган. Отасини-ку мутлақо

эслолмайди. У суриштирганда бирор: «Бойнинг қароли эди», деса, бошқа бири: «Шериги!» деди. Яна биттаси: «У ҳаммас, бу ҳаммас, бойнинг босмачига узаттан қўли эди», деди. Ҳуллас, Умматали очиқ бир тасаввурга эга эмас. Лекин бу факт, Умматали институтни битириб, совхозда ишлаган пайтда, айникса бош агрономликка номзоди қўйилган пайтда кимгadir керак бўлиб қолди. Кимдир буни қурол қилди, Умматалини шу билан айблади.

Аъзамнинг кайф аралаш берган ана шу саволи Умматалининг ярасига ҳўл латта бўлиб ёпишувининг сабаби ҳам шу эди. Шундай бўлса ҳам ўзини босди.

— Шунаقا дейишади, — деб қўя қолди. Лекин у боя Аъзамни кўрганида, танишини учратганидан кўнгли яйраган, бир оз гапиришиб, баҳрим очилади, дея қўнгли сув ичган бўлса, энди ундан қочгани жой тополмай қолди. У мурвати бураб қўйилган ўйинчоққа ўхшаб, бетўхтов айланарди. Умматали эса, унинг тўхташини орзиқиб кутарди.

Умматалини бу гаплар эмас, у йўқ вақтда бўлган ўзгаришлар, ёру дўстлар, совхоз ҳаёти кўпроқ қизиқтирас эди. Модомики, пружина ҳали-бери айланишдан тўхтамас экан, жилла бўлмагандан, шу ҳақда сайрасин, деган умид билан гапни совхозга бурди.

— Совхоздан гапиринг, совхоз қалай?

— Кам чиқаман, энди оёқда занжир бор! — деди уйланганига ишора қилиб ва нима учундир чекиб турган папиросини қаттиқ бир тортиб, юз-кўзларини тутунга кўмди-да, зарб билан узоққа улоқтириди. — Сиз бундоқ бўлиб кетгандан кейин директорга ҳам шамоли тегди. Баъзи бирорлар оғзига сўк солиб олди, бирорлар эса, посонгини олиб ташлаб ликиллаб қолди, тилига куч берди. Қарасам, энди бошимга офтоб тушмайди.

Шу орада аввал жиринги эшитилиб, кейин трамвайнинг кўзи милтиллаб кўринди. Умматали юкига ёпишган эди, Аъзам қўярда-қўймай қўлидан олиб, ундан олдин трамвайга чиқди. «Бу гал биздан!» деб кира ҳақини ҳам тўлаб юборди. Кондуктор юкни эслатган эди, «ҳа, касофат, қўймадинг-а!» дегандек отриниб уни ҳам тўлади.

Трамвайдаги ҳеч ким йўқ ҳисоби. Бир қиз билан бир йигит бир-бирининг қаршисида ўтириб, адоқ бўлмас ёшлиқ сухбатини давом эттиради, бир-бираiga энгашган бошлари трамвай қалқитганда уришиб кетай дейди. Уларнинг орқасида бир чол «мен ҳаётда кўрадиганимни кўриб бўлдим» дегандек бепарво мудраб, трамвай тебранишига аллаланиб борарди. Яна икки киши бор – бири мук тушшиб китоб ўқияпти, у бирининг икки кўзи кўчада: ўтиб кетиб қолишдан қўрқаётганга ўхшайди.

Трамвай бир-икки тўхтаб ўтгач, Умматали шеригидан сўради:

- Сиз қаерда тушасиз?
- Сиз тушган жойда.
- Беҳазил?
- Чиндан!

Манзилга келиб, трамвайдан тушишлари билан Аъзам яна юкка ёпишиб олди. Умматали шунча қиласа ҳам бўлмади. У шундай ҳаракат қиласа эдики, Умматали рози бўлмаса умрбод дийдор кўришмасдан кетадиган дўстга ўхшарди. Табиатан бирорнинг мушугини пишт деёлмайдиган, кўнгилчан Умматалининг ётиғи билан қилган барча уринишлари бекор кетди. Аъзам кутмаганда ҳам нозик, ҳам қаттиқ еридан олди:

– Суюнчини эконом қиляпсизми? Янгамнинг суюнчисини олмасдан ҳеч қаёққа кетмайман, овора бўлманг.

Умматали гарчанд ҳазил тариқасида айтилган бўлса ҳам, индолмай қолди. «Енгдим, марра меники» деган Аъзам яна сайраб кетди:

— Ҳойнаҳой, сизнинг келишингиздан у кишининг хабари йўқ. Бўлмаса такси олиб чиқиб, дарвоза олдига кўндаланг қилиб қўймасмиди! Бу ҳам менинг бахтим! Роса омади келган йигитман-да! Ким билади, ҳали янгам сизнинг оёғингиз остида маъратиб бўрдоқи сўйиб, менинг елкамга беқасам тўн ташлайдиларми! Ҳой, мен сизга айтсам, Умматали ака, ҳозир сизнинг гўшангага энди кириб келаётган куёвча иззат-ҳурматингиз бор. Нима қилса ярашади. Бахтингиз, янгамнинг ҳам бахти! Ростдан у киши билмайдими? Сал-пал сездирмаган экансиз-да. Юрагингиз ҳам Баҳри Кабирча бор экан. Ё билдирганмисиз?

— Йўқ, билмайди, — деди чўэзид Умматали. У хаёл билан банд: нега хотини сўнгти вақтда хат ёзмай қўйганикин? Шу савол хаёлига келибдики, кўнгли фаш. Мана ҳозир ҳам уйга оёғи тортинқира майди. Қамалиш олдидан ҳам худди шунаقا бўлган эди. «Энди нимага бунақа бўлади?»

— Тўсатдан кириб келишингиз қизиқ, — яна гапга тушибди Аъзам. — Бир қойил қилай дебсиз-да! Ишқилиб, янгамнинг юраги яхшими? Яна товонларига қолиб ўтирумайлик. Ё мен олдинроқ бориб, этларини сал-пал ўлдириб турайми? Ростдан! Бу нарсада ҳазиллашиб бўлмайди. Бизнинг кўчада битта кампир фронтда дом-дараксиз бўлиб кетган ўғли тўсатдан кириб келиб қолганда ўтакаси ёрилиб, ўлиб қолган.

— У кампир-да! — тегишибди Умматали. Нима учундир шу маҳал ўзида ҳазилга мойиллик сезди.

— Албатта, янгам қари әмаслар, шундоқ бўлса ҳам...

Унинг сўзини бўлди Умматали:

— Мабодо, ўзини ташлаб юборса, сувга югуриш эсингиздан чиқмаса бўлди!

Умматалининг хотинига бунчалик совуқ муносабатда бўлиши, заҳаромуз ҳазили уни баттарроқ қочириққа ундади:

— Томизганими, ичиргани?

Лекин бунга Умматали жавоб қайтармади.

— Мана етдик, — деди у икки қаватли бинонинг олдига келгач.

— Тўғридаги эшикми? Тўхтанг, олдин мен тақиллатаман! — Аъзам юкни ерга қўйиб, икки зинани битта ҳатлаганича Умматалидан олдинга ўтиб кетди. Энтикиб эшикни қоқди. Ҳадеганда товуш бўлмади. Бу орада Умматали ҳам чиқиб келди. Аъзам яна тақиллатди. Яна ҳеч ким товуш бермади. «Ҳеч ким йўқ шекилли?» дегандек Умматалига қаради. У елкасини қисди. Лекин унинг юраги ниманидир сезгандек гурсиллаб урди, нафаси оғзига тиқилиб келди, энтикли. Аъзамнинг тақиллатишига сабри чидамай устма-уст қўнгироқ тугмачасини босди. Олдин қандайдир бесаранжомлик сезилиб, кетидан эркакми, хотин кишиникилиги аниқ бўлмаган товуш келди. Бу эса Умматалини яна тутақтириб юборди. Қўнгироқ қолиб, эшикни муштлади. Охир эшик орқасидан хотин кишининг «ким?» деган товуши келди. Бу овозни таниган Умматали ўзини босиб:

— Мен, оч! — деди.

Эшик очилиш ўрнига ичкаридан ҳалиги товуш эгасининг фарёди эшитилди. Қимдир югуриб ичкарига қочди, нимадир гуппиллаб ерга тушди, нимадир полда даранглаб думалади, синди. Бирпасда ичкари айқаш-қуйқаш бўлиб кетди. Эркак кишининг асабий товуши хотинникига қўшилди, ғовур кўтарили. Кейин бирдан жим бўлиб қолди. Бу жимлик Умматали юрагига яна даҳшат солди, асабларини титратиб юборди. Бу орада эшик орқасида кимдир пайдо бўлди, эшик калитини буради. Эшикнинг ичкаридан очилишини кутмай, Умматали уни тепиб, ўзини ичкарига урди.

— Нима, эрингни танимай қолдингми, эшик очишинг қийин бўлди? — деди дир-дир титраб девор-

га суюниб турган хотинига. Хотин жавоб беришдан ожиз эди: на рангида қон бор, на сўзлашга тили. Унинг сурати турарди. Лекин Умматалининг сўрашмасданоқ хонага ўтиши билан оёғи остига ўзини ташлади:

— Ҳамма айб менда, мени ўлдир!

Хона ўртасида бўйни калта ва йўғон, қошлари туташ ва қоп-қора ғўлабир бир йигит девдек қотиб турарди. Умматалини кўриши билан ғаламисона бир қарааш қилди-ю, кейин бошини қуий солди.

— Гап бундоқ демайсанми, — деди Умматали ўзини аранг босиб хотинига, — мен сени нимага ўлдирап эканман, деб ҳайрон бўлиб ўтирибман. Ўлдириш-ку ҳеч гапмас, лекин қўлни булғашга арзимайсан! Ё арзийсанми? Гапир, арзийсанми?! Шилемшиқ қуртнинг нархи қанча, балки сиз жавоб берарсиз, бойвачча?!

Умматали ўзини қанчалик оғир тутмасин, дағ-дағ титрарди. Шаънига доғ туширадиган бирор хунук иш қилиб қўйищдан ўзини аранг тийиб турарди. Нафратдан муштини туғиб келди-ю, асабдан титраб хотинининг бетига тупурди ва «қанжиқ!!!» деганича эшикка отилди.

Боядан бери тарвузи қўлтиғидан тушиб, нима қилишини билмай гангид, кесак бўлиб турган Аъзам бирдан ҳушёр тортиб унга эргашди.

Умматали шу куни Аъзамникида ётиб қолди.

3

ҚОЛГАН КЎНГИЛ – ЧИҚҚАН ЖОН

Умматали кечаги кўргилигининг бутун даҳшатини эрталаб турганда билди. Кеча қизиқ устидаги охиригача ўйлаб кўрмаган экан: хотини-ку энди унга ҳаром. Қолган кўнгил – чиққан жон! Бола

нимади бўлади? Боласи, битта-ю битта боласининг кеча эсига келмаганидан бугун ҳайрон! Бола ўзи уйда бормиди-йўқмиди? Кўринмади шекилли. Ёки тўполондан қўрқиб, бошини кўрпага буркаб ётган эди-ю, Умматали-кўрмадими?—У бўйни-йўғон-йигит ким эди? Қимматхоннинг ҳозирги эrimi ёки...

Бирдан Қимматхон билан танишиш ва уйланиш тарихи мағзавага тушган варақ хатлариdek чаплашиб, суркалиб кўз олдига келди.

Умматали то унга уйлангунча аёл кишининг билагини ушлаган йигитмас. Қиз бола гапирса, қулогигача қизариб, ўйинга тортса, қора терга тушарди. Унинг бунчалик тортичоқлиги кўпларни ҳайрон қолдирса, баъзиларни «ўз уясида қанот чиқармаган шунаقا ҳуркович бўлади!» деган фикрга келтиради. У ўқищдан яхши, қўй оғзидан чўп олмас эди. Қачон кўрсанг, кутубхонада ёки ётоқхонада мук тушиб мутолаа қилаётган бўларди. Баъзан ҳаммасини йиғиштириб кино, театр, цирқдан бери келмай қоларди. Шунда ўртоқлари: «Умматалининг уясига илон кирди», деб кулишарди. Кейин яна ишга ўнғиб, ҳамма билан дим ўйнайди. Буни кўрган ҳазилкаш синфдошлари «Умматали курк бўлди, тухум бостирган мард, нуқул хўroz очтириб олади», деб тегишардилар. Бу гапларга унинг ғаши ҳам келмас, фақат улардан: «Ҳа, қўними йўқ жиблажибонлар!» деб қутулган бўларди. Чиндан ҳам у жуда тиши-тироқли эди. Интилган нарсасини ёузиб олар, ёки унга ёпишиб қолиб кетарди. Боғбонликка-ку ихлоси бекиёс. Унинг назарида ҳар гиёҳнинг жони бор, тили бор, улар билан гаплашсанг, жонига ора кирсанг бўлади, ҳар бир мева ўз хислати, ўз хулқ-атвори билан яшайди, улар билан ҳам дардлашса бўлади. Тилига тушунган одам олмани беҳига, олчани анорга қариндош қила олади. Тоғнинг ёввойи табиат мевасини шаҳарга олиб тушиб, шаҳар боғларининг сархил гулларини тоғу тошга

ёйса бўлади. Айниқса, у ёнгоқча ўч эди. Магизи минг дардга даво ва тотли таом, барги нафталинни алмаштиради, бўёқча ҳам ярайди, илдизи тоғларни, қиялик қирғоқни уқаланиб кетишдан асрайдиган жонли, пишиқ арматура. Тароги қизлар сочини силлиқ тарайди, мебели уйингнинг тўрини безайди, ёғочи араванинг гупчагига ҳам ярайди. У ҳар йили кўчат мавсумида аллақаёқлардан ёнгоқ кўчатлари олиб келиб, институт ҳовлисига, йўл ёқаларига ўтқазади, баъзи бирорлар: «Дод ёнгоқ дастидан, ажиналарнинг уяси, ҳаммамизни чалиб кетади!» деб кулгига олса, у беларвогина: «Сизни жин ҳам урмайди! Виждонингизга жинлар уя қўйишдан эҳтиёт бўлинг», дерди. Ҳатто у тажриба учун ўзи турган хонада тувакда ёнгоқ ўстирди. Ўстирганда ҳам, кўчатдан эмас, худди ғалвирак ёнгоқнинг ўзгинасидан ундириди. Бу кўпчилик учун кутилмаган нарса эди. Бир ётоқ бола талашиб-тортишиб, на қишлоғида, на шаҳарда бирор таниш-билишнинг ёнгоқ экиб, ундирганини эслай олади. Қаерда кеккайиб, кўм-кўк чодирини ёйиб турган ёнгоқни кўз олдингизга келтирманг, уни ё бирор аллақаёқдан кўчатини келтириб ўтқазган, ёки ўзи «пайдо» бўлиб қолган бўлади. Шу сабабдан Умматалининг ёнгоқ экиши кўпларга эриш кўринарди. Шунда у:

— Ҳамма қилган ишни қилиш ҳамманинг қўлидан келади, сен мард бўлсанг, ҳеч кимнинг эсига келмаганига қўл ур! — деб дадил туриб оларди.

Чиндан ҳам у эккан ёнгоқ униб, хонага файз кириттандек бўлди. Бу учинчи курсда эди. Тўртинчи курс бошланганда кўчатни бошқа катта тувакка кўчириб, йўлакка олиб чиқиб қўйишга мажбур бўлишди. Охирги йил эса, Умматалининг ўзи уни ётоқхона ҳовлисидаги бир тегирмон сув ўтадиган ариқнинг шундоққина қирғогига яхшилаб ўтқазди. Атрофига тиканли дарахт шохларидан гов қилиб, бир тахтачага экилган йилини қайд қилди ва унинг

остига: «Ким парвариши қилиб турса шу дарахт умрини күрсін!» деб ёзиб қўйди.

Худди ана шу йили ётоқхона ёнидаги омонат кассада ишлайдиган Қимматхон исмли шўхгина, бодом қовоқ, хипча бел, оёқлари чиройли бир қиз, Умматали ёзда ишлаб йиққан жамғармасидан бир озини байрамга олгани кирганда: «Келинг, ёнгоқ-шунос!» деб кулди. Яна бир кирганида: «Ёнгоғингиз бирам чиройли бўлибди, кишининг ҳаваси келади. Бир-икки йилдан кейин соясида дутор чалиб, «Қо-расочим»ни айтиб, bemalol ўтируса бўлади», деб тегишиди. Шунда Умматали умрида илк марта, бўйи етиб турган қиз боланинг юзига тикилиб қаради ва сўз қотишга журъат этди:

— Ҳозир ҳам ўтирангиз бўлади, сояси сизга етади.

— Битта ўзим ўтиришимнинг қизиги йўқ-да!

Умматали яна соддалик қилиб қолди, карашма билан айтилган қочириққа тущуниб етмади.

— Бирорта дугонангиз йўқми?

Қиз қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— У ерда дугонамни бошимга ураманми!

Йигит гангиб қолди. Наридан-бери пулинин олганича чиқиб кетди. Яна бир кирганда қиз:

— Қўйиш ўрнига нуқул оляпсиз, тугаб қолади-ку? Тўйни нимага қиласиз? Ёки ёнгоқ ҳосилини кутасизми? — деб тегишиди.

— Қанақа тўй? — ажабланди Умматали.

— Йигит бўлгандан кейин уйланмайсизми? Ёки ёнгоқ соясида «омон ёр» айтиб, ёлғиз умр ўтказасизми?

— Мен оладиган қизнинг қулоғини онаси кечатештирибди, — деди Умматали қизнинг ҳазилларига кўнинкан, синашта одамдек.

— Унда яна бир-икки туп ёнгоқ экинг, бўлмаса зерикиб қоласиз, — деди қиз жилпанглаб, кейин

хотиржам қўшиб қўйди: – Сочингизга оқ тушганда уйланар әкансиз-да!

– Сиз бор-ку! – бирдан журъат этди Умматали.

– Ҳа, оладиган қизингиз бўйига етгунча мен эрмак әканманми! Зап гапни айтдингиз-да!

Қимматхон бу гапни бодом қовоқларини ўйнатиб, қўзини сузиб шундай айтдики, бу карашмада йигитнинг ҳирсини уйғотадиган нимадир бор эди. Бундан бу ёғини Умматали ҳали-ҳали тиниқ эслолмайди. Кечқурун қараса у билан ёнма-ён кетяпти.

Бир хиёбонда ўтириб, яна нима тўғрисидадир гаплашишди. Ундан туришганда Қимматхон бир хилват кўчага йўл бошлади. Энди иккисидан ҳам нидо чиқмас эди. Бир оздан кейин қиз, «адашмасдан чиқиб кетасизми?» деб карашма қилди-ю, қисқагина хайрлашди, ҳатто қўлини бермади, фақат нарироқдан эркаланиб сијкиди. Кейин бир-икки кинога киришди. Вассалом. Қанақа қилиб уйланганини Умматалининг ўзи ҳам билмай қолди, институтни битириш кечасида уни Қимматхон билан эр-хотин қўрганларнинг бир қисми «узумнинг асилини ит ейди!» деса, аллақайси бир хотин «бу ёнгоқшуносингизга шу қиз ҳам хайр, меҳри ёнгоқдан ортмайди», деди. Қиммат бу кечадан бениҳоя хурсанд эди. Гўё ҳамма битирувчиларга: «Йигитнинг сараси менинг жиловимда, ҳавасларинг келсин! Бопладимми!» дегандек кибрланиб. Савлат тўкиб юрар, хипча бели, чиройли оёқларини у ёқ-бу ёққа ўтиб намойиш қилиб қўярди. Умматалини бирор тортуб олаётгандек ўтирган ерида ҳам қўлтиқлаб ўтиради. Олдинига тортиниб турса ҳам, бир-икки рюмкадан кейин ўзини қўйиб юборди. Мусиқа чалиниши билан Умматалини танцага таклиф этди. Бир-икки айлангац, уни ёқтирмай, барчанинг ҳавасини келтириб зал ўртасида чир-чир айланниб ўйин туша-

ётган йигитни кўз остига олиб қўйди. Янги танца бошланиши билан ўша йигитта киши билмас ишора қилиб, кечак охиригача у билан танца тушди. Бундан Умматали ажабланмаган бўлса ҳам, баъзи бир студентларнинг гаши-келди. Ҳатто биттаси: «Келинпошша ҳалитдан тўқимини қорнига олиш тараддутида», деди Умматалига эшиттириб.

Қимматхон ҳаддан ташқари эрига меҳрибон эди. Айниқса бироннинг олдида-ку «жоним», «азизим», «дадаси» деб оғзидан бол томади. Умматали гарчанд «очилиб ёққан ҳаводан, кулиб боққан одамдан қўрқ» деган халқнинг доно мақолини ҳали билмаса ҳам, охир бир куни хотинининг бу бачканалигидан нолиди:

Бу сўзларингиздан ўзимнинг жуфт исмим яхши.

Бунга ҳам Қимматхон важ топди, сувдан қуруқ чиқди:

Жуфт исмингизнинг ўзинигина айтольмайманда, сансираган бўламан, охирига «ака» қўшишим лозим. Наҳотки, киши ўз эрини «акам!» деса!

Умматали яна жим қолди. Унинг назарида хотини хом сув ичса ҳам юраги оғримайдиган, қилни қирқ ёриб, Афлотунга дарс айтадиганлардан ёки эрини яхши кўрган хотин шунаقا дангал бўладими? Эҳтимол, бошқаларнинг хотинлари ҳам шунақадир, у қаёқдан билсин: бош ёриғи бўрк ичида, қўл синиги енг ичида!

Бир куни Умматали совхоздан келса, дастурхон ясатилган, кимдир кириб-чиқиб кетганга ўхшайди, лекин у ишонмади. Эрини кўриши билан Қимматхон авраб кетди:

Кўрдингизми, сизнинг келишингизни туш биламан! Қайси хотин эрининг соясига етти қават кўрпача солиб, тиқ этса, кўзини эшикка тикиб ўтиради. Буни менгина қила оламан, жоним. Яна, баъзан кўнглингиз тўлмайди...

Қимматхон эрига сочиқ тутди, юз-қўлига сув қўйди. То у кийим-бошини алмаштириб чиққунча дастурхоннинг у ёқ-бу ёғини артиб, тозалаб, рюм-каларга вино қўйиб қўйди. Эри кўриниши билан мушук боладек юмшоқ суркалиб, ёнига келди. Студени суриб, сонини сонига тегизиб ўтирди, қўлига рюмка тутди.

— Олинг, чарчаб келгансиз. Кейин ошимни сузаман, — деди Қимматхон ва кулди, — кишини бирам соғинтирасиз. Икки кундан ўтди, кўзим эшикда. Сиз бўлсангиз парвойи фалак. Шу ишингизни шаҳарга кўчира қолсангиз бўлмайдими, азизим?

Сўзининг бошланишидан Умматалининг ғаши келган бўлса ҳам, минг марта такрорланадиган «азизим»дан энсаси қотди, чурқ этмади. Рюмкани бўшатиб, закускага қўл чўзди. Қимматхон яна қўймоқчи бўлган эди, қайтарди:

— Қорним оч, ошингни суз.

Хотининг кўнгли олинган бўлди:

— Қорнингиз очса-ю, чарчасангиз дам олгани мени олдимга келасиз шекилли... Эрларга ўхшаб, бундоқ бир оз чақчақлашиб ўтирсангиз нима қилади? Не-не умид билан дастурхон тузган эдим...

У оғринган кишидек ҳафсаласизлик билан туриб ошхонага ўтиб кетди.

Овқатни кўтара келиб Қимматхон деди:

— Олтин ўрага ташласа қуруқ чиқадиган эрсиз-да, келишингизда иккитагина жўжга товуқни бўғизлатиб, сеткага солиб келсангиз, дарёning суви камаярмиди! Бозорда муштумдай жўжга фалон пул.

Бунақа гапларни шамолнинг қўлтигига қистириб, булутнинг бағрига жойлаб учирадиган хотининг қилифини билган Умматалининг энсаси қотди:

— Кир бўлган виждонни нима билан ювади, хотин?

Қимматхон эрига сездирмай бурнини жийирди.

Чиндан ҳам Умматали чарчаган, совхозда ишнинг кўплигидан қўли қўлига тегмас, на еганида, на ичганида ҳаловат бор. Бунинг устига у янги. Кўп нарсани билиши, кишиларни ўрганиши, синаши керак. Совхознинг иши умуман яхши кетаётган бўлса ҳам, асосан суяги дехқончилик, боғдорчилик билан қотган, иш кўзини билган зеҳнли кишиларнинг тажрибасига суюнган. Агротехника янгиликлари ўгай боладек кўнгилларида меҳр уйғотмайдиган кишилар ҳам бор эди. У билади: тарки одат, амри маҳол. Лекин даврни, эртаги кунни ҳисобга олмай ишлаш мумкин эмас. Бунинг учун ниманидир букиш, ниманидир, ҳатто синдириш керак, кимгадир қаттиқ гапириб, кимнидир ийлаб йўлга солиш керак, ҳатто баъзи бировни ишдан четлатишга тўғри келади. Бу ишлар ҳаммаси хамирдан қил суғурган сингари енгилгина бўлмайди. Билим, куч, иродат, ишонч, одамийлик керак, техника, техникани уқув билан ишлата биладиган одамлар керак. Булар бари вақт талаб қилади. Вақт эса, ҳар вақт бизда зик.

Умматали, нима учундир, дами қайтган ошни иштаҳасизлик билан еб, диванга чўзилди. Чойни ўша ерда ичди. Радио эшишиб, ҳордигини чиқармоқчи эди, зерикарли мавзуда сухбат кетаётган экан. Кўчани бир айланиб келиб, ўрнига кирди. Кўзи энди уйқуга кетиши билан хотинининг бўйнита ташланган муздеқ қўли сескантириб юборди.

– Ҳа, дарров ухладингизми? Бундоқ кўзингизни очиб, бирпас одамга қараб ётсангиз-чи!

Хотин шундай елим ҳаракатлар қиласи, Умматали унинг нимадир илтимос қилмоқчилигини, жилла бўлмаганда, бачканалик қилишини билаб, ўзи гап бошлиди:

- Тушундим! Тушундим, гапингни айтавер!
- Хўп дейишга сўз берсангиз айтаман.
- Қани, аввал эшитай-чи?

- Йўқ, хўп денг.
 - Бирор марта раъйингни қайтарганимидим, гапиравермайсанми!
 - Биласизми, бўйимда бўлибди!
 - Жуда яхши. Табриклайман, – қувониб кетди Умматали. Қимматхон эса, бирдан бўшашиб, сўлиб тушди.
 - Ҳа, – деди эри, – ўзгариб қолдинг?
 - Шуни айтмоқчи эдим-да.
- Унинг сўзини бўлди эри:
- Эшитдим, яхши. Ўзингни эҳтиёт қил.
 - Йўқ, гапимга тушунмадингиз, – деди Қимматхон салмоқланиб, – бола деркансизу, мени ўйламас экансиз-да.
 - Хўш? Хўш? – бошини кўтарди эр. Унинг наزارида хотинининг катта бир дарди бор экану, у шу маҳалга пайқамай юргандек юраги орқасига тортиб кетди.
 - Шуни... шуни бир ёқлик қилсам...
 - Нима? Аборт қилдирмоқчимисан?! – боя Умматали ёстиқдан бошини кўтарган бўлса, энди туриб, ўтириб олди. Қулоқларига ишонмади. Баданидан муздек тер чиқиб кетди, босинқираган кишидек кўзлари чақнади.
- Эрининг авзойини кўриб, Қимматхоннинг нафаси ичига тушиб кетди. Бир оздан кейин чойшаб остидан пиқ-пиқ йиғлагани эшитилди. Йиги аралаш: «Дўстинг ҳам эринг, душманинг ҳам эринг! Сўраш йўқ, суриштириш йўқ...» деган товуши келарди. Умматали унинг юзидан чойшабини тортди, ўзига қаратди:
- Гапир, бирор сабаби борми?
 - Туғиб кўрмагансиз-да, билмайсиз, – деди ўпкалаб хотин. «Ҳа, туғишдан қўрқаётган экан, ёшда», деб унга ачинган Умматали ҳазиллашди:
 - Сен туғиб кўрганмисан?

- Тұғмаган бўлсам ҳам, биламан! Доктор учтўрт йил ўтсин дейди.
 - Ўн саккизга тўлмабсанми?
 - Ҳа, сизга ҳазил бўлса. Бирор үламан деса, бу киши-куламан-дейди. Ҳамма эркакларнинг ахволи шу: иши битдими, хўroz бўлиб қичқиргани қўндоққа чиқади!
 - Хўш, очиқ сўзла, нима гап?
 - Айтяпман-ку, олдириб ташламасам бўлмасмиш.
 - Шунга ўзинг розимисан?
 - Иложим қанча! Ҳавасга abort қиласди, деб ўйлайсиз шекилли! Ўлганимнинг кунидан... Ўзи бўладими! Тунов куни қўлингизни пичоқ кесганидаги дод-фарёдингизни кўринг... Бу.. бу.. – йиглаб юборди Қимматхон. Лекин йифи нима учундир, эрининг кўнглини юмшатиш ўрнига, малол келди. Ҳаёлига: «Бу йифиси ғалати-я, аввал ҳам шунаقا йиглармиди ўзи?» деган савол келди. Лекин аввал йиглага-ни кўрмаганидан бир равshan фикрга келолмади. Бу ғалати йифи кўнглида алланечук из қолдирди, алламаҳалгача эслаб юрди.
- Қимматхоннинг йифиси соxта эди. У ҳали бирор докторга кўрингани ҳам йўқ. Кўринса-кўринмаса, унинг нияти аниқ: уч-тўрт йил келинчаклик гаштини сурмоқчи, кимдандир эшитган «туққан хотининг фигураси бузилади», деган сўзга амал қилиб, хипча белларига путур етказмоқчи эмас, рангига доф-дуг тушиб, кейин кеткизолмай юрсинми! Йўқ, ҳалитдан бола туғиб унга зарур келибдими! Бир ками кўтлик ювиб, ўрнини шилтир бостиришмиди! Шу эри бўладиган бўлса, қачон тусса ҳам кеч эмас. Болага оталик қилиб ёлчитармиди, кечаю кундуз ўйи – совхоз, ҳосилу план. Эр деган ёнингда мундок ўтириб ҳамдамлашса әкан! Ундан кейин тузуккина уй-жойнинг тайини йўқ, беданадай қайга борса питпилдиқ. Шу ҳам ҳаётми? Бунинг устига эр

совхозда, бу шаҳарда. Ҳафтада бир келади. Шунда ҳам баъзи эрлардек очилиб-сочилиб ўтирумайди, ичимдагини топ! Бу етмагандек келаётганида ё китоб, ё бирорта журнал қўлтиқлаб келади. Бўш қолди, кўзи ўшанда.

— Ҳой, — деди бир куни Қимматхон тегишиб, — мунча китоб ўқийсиз. Миянгизни бўлар-бўлмас нарсалар билан тўлдириб оласиз-да, кейин кўтаришда қийналиб юрасиз.

— Бўйним бақувват! — деди бошини кўтармасдан Умматали ва хотинининг нозу карашмасига парво ҳам қилмади. Қимматхонга қолса эрини бир кун ҳам совхозда қўймайди, шаҳарга келтириб олади, лекин Умматали кўнмайди, «мен балиқман, сувим — дала», деб оёқ тирагани тираган. Қимматхоннинг эса, қишлоққа чиқиб «чангга ботиб, тезак ҳидлаб юришга» тоқати йўқ, киндик қони шаҳарга тўкилган, шаҳарда юрганини ота-боболарининг арвоҳи хуш кўради. Фақат мева гарқ пишган пайтда қишлоқ унга ёқади. Баҳорда лола тергани қирга, ёзда чўмилгани тог этакларига чиқишга ҳам, албаттга, қарши эмас!

Шу кечаси Қимматхон Умматалининг енгидан кириб ёқасидан чиқди. «Ҳали белингиз тўла бола. Иссиқ ўрнимизни ҳалитдан совутиб нима қиласиз», деб орқаларини силади, «дала кезиб чарчагансиз» деб оёқларини уқалади. Эрталаб туриб соқол олишга сув тайёрлади, «дазмоли ўлиб қолибди» деб кўйлагига қайта дазмол босди. Алдади-авради, авради-алдади, хуллас, аборт учун эрининг розилигини олди. Шунда ҳам жилпанглаб қўйди:

— Мен туғишда ўлиб қолсам, худо кўрсатмасин, сизга мендақа фидойи жон хотин қаёқда. Пайтавангиз бошга чиқиб, кўйлагингизнинг ёқаси кирдан аrimай, шимингизни шалвиллатиб юрасиз. Буни қаранг, сизни қандай қилиб қўйибман.

Умматали у ёига қулоқ солмай, шанба куни қайтажагини айтиб чиқиб кетди.

Қимматхон қувониб қолди. Уйга кириб, бузилиши хавф остида бўлган хипча белини ойнага солди, тутамлаб кўрди: «Қандай чиройли, ўзи ҳам бир тутам!»

Аборт Қимматхонга қимматга тушди. Шу сабаб бўлдими, ё бошқа бир важ биланми, бир неча йил бўйида бўлмади. Бугдойни кўрсатиб, арпани қоплаб юборган айёр тумшуғидан илиниб, роса ташвишини торти. Маслаҳат солмаган кишиси, кўрсатмаган врачи қолмади. Мағурланиб юрган «бир тутам хипча бели» энди кўзига бало бўлиб кўринарди. Бошида парво қилмаган бўлса, кейин ваҳимга тушди, ваҳима сўнгги йўқ ташвиш – азобга айланди. Бу орада «ёт деса ётиб, тур деса туриб» етовида юрган «мўмин қобил» эрининг ҳам аччиқ тили чиқиб, бир-икки узиб олди. «Уч-тўрт йил ўтсин деган докторингизни бир кўрсак бўларди. Энди ғурраги бола очиб қолгандир», деди бир куни. Бир куни ширакайф келиб: «Қисир сигир нима деб маърайди? Итқовунни ер неъмати қаторига қўшса бўладими?» дея учирақлар қилди.

Қимматхон бундоқ қараса, бино қўйган қасрига путур етиб, еган-ичгани, қилган майшатлари бурнидан булоқ бўлиб чиқадиган. Патагига қурт тушди, елди-югурди. Ҳомиладор бўлганини сезган куни эрини совхоздан телефонда чақиртириб олди, бўйнига осилиб ҳўнг-ҳўнг йиглади, энди дунё ташвишидан холи бўлган кишидек шу куни оёгини узатиб ётди.

Ана шунда туғилган фарзанд мана шу арзанда Масъуд. Лекин боланинг манглайи шўр экан, «ада»га тили чиққунча Умматали бундоқ бўлиб кетди.

Унинг дийдорига тўймаган ота мана бугун катта бир ғурбатдан қутулиб, бошқа бир даҳмазага йўлиқиб ўтирибди. Хотини аслида бир кўзи билан

кулиб, бир кўзи йиғлайдиганмиди, ёки кейин шунақа бўлдими? Унинг назарида Қимматхоннинг ўзи дарз пиёла эди-ю, Умматали авайлаб олиб юрган, у йўғида қаттиқроқ нарсага тегиб синган. У келиб, ана шу синиқ пиёланинг сочилиб ётганини кўрди. Бир томондан бу кўргани яхши бўлди, акс ҳолда яна бу дарз пиёлани ардоқлаб юргандан кишилар кулларди, башарасига кулмаса ҳам, орқасидан кулларди.

Умматали кечак шу синиқ кир пиёлага қўл урмаганидан, ўзини тутиб, жирканибгина чиқиб кетишга журъат қилганидан бугун мамнун. Мамнуну лекин ўғли эсига тушган сари юраги туз сепган ярадек жиз-жиз ачишади. Ахир унинг суратини хаёлида озмунча чизиб, озмунча бир кўришга зор бўлганми! Бугун эса, чақирса әштиилгудек ерда-ю, боришга ор қиласи. Ўша хотини бўладиган бўлса, ўнгайлик билан жон бериб, унга болани рўпара қила қолмайди. Бунақа хотинда уят бўлмайди, юзи пахса девордек қалин тортиб кетади. Шармандага – шаҳар кенг! Бормай деса, докторлар чекишини қатъий ман қилган кашандадай ўғлини бир кўришга зор!

Қулни хаёли ўлдирибди, дегандек, бу кети йўқ ўйлар Умматалининг бошини зирқиратди.

«Бораман! Азроил бўлиб жонимни олса ҳам бораман. Ҳамма вовиллаган ит ҳам қопавермайди!» деб энди ўрнидан турганда:

– Ҳа, йўл бўлсин? Аввал сал заҳар босди қилайлик! – деб қўшни хонадан Аъзам чиқиб келди. Унинг соқоли олинниб, билинар-билинмас упа суртилган, соchlари чаккадан парқ очилиб икки томонга чиройли қилиб ҳўл тараалган. Ўзи оқ кўйлак, қора галстукда, аммо сарпойчанг оёғида ола, енгил шиппак. У Умматали билан қисқагина қўл олишиб кўришганда ҳамма ёқни атир ҳиди босиб кетди. Кейин дераза рахида турган совуқ чойли чойнак-

ни олиб, оғзига карнай қилди. Бунинг устига чиқиб қолган хотини:

— Ичингизга шоли экканмисиз, бунча сув ичалисиз? — деб тегишиди. — Ҳозир чой олиб келаман.

Чой устида хотини Умматалига раҳми келиб бир-икки мўлтиллаб қараб қўйди. Одоб юзасидан эри орқали меҳмонга чой узатар экан, ётиги билан гап бошлади:

— Қимматхон опам сизга рафиқа бўлар эканлар-да?

— Сиз уни қаёқдан танийсиз? — вазминлик билан сўради Умматали. Ҳўплаб турган чойини ерга қўйди. «Эри ҳамма гапдан хабардор қилибди», деган фикрга келди.

— Болалари туфайли танийман.

— Сиз врачмисиз? — Умматали Масъудни кўриб турган врач гумон қилди.

— Йўқ. Масъуджон менинг боғчамга қатнайди. Бирам ёқимтой бола. Қош-кўзлари худди сизнинг ўзингиз.

Умматали мушкули осон бўлгандек бирдан енгил тортди, кишида бундай ҳолат куни билан сиқиб юрган тор этигини ечганда пайдо бўлади. .

— Ҳозир ҳам сиздами? — шошиб қолди у.

— Ҳа, шу кунларда кеча-кундуз турадиганида. Бизда битта шунақа группа бор. Бир йилча бўлди, онаси шунга илтимос қилиб ўтказди.

— Уйни бўшатиш керак бўлиб қолган! — деди шартта Аъзам. Эрининг бу гапидан Нафиса қизарип кетди. «Тўнкадай қўполсиз» деган каби ер остидан унга қараб қўйди. Аъзам эса, баттар авжга чиқди.

— Ҳа, рост-да, мана кеча кўрдик топган бўйни йўғонини. Бульдог икки оёғида турса ўшангага ўхшайди. Ё нотўғрими? — Умматалига қаради у. Умматали индамади, у Нафиса олдида ҳаё тортарди. Ҳатто Аъзамнинг «бегона эркак бор» демасдан хо-

тинига бундай муомала қилишидан хижолат ҳам бўлди. Аъзам яна оғиз очмоқчи эди: «Бўлди, суюқлик ҳам эвида. Ёмон бўлса ўз бошини ейди, сизга оғирлиги тушмай қўя қолсин!» дегандек Нафиса стол остидан унинг оёғини босди.

— Масъудни кўрсам бўладими? — жимликни бузди Умматали.

— Бемалол.

...Масъуд дадасини танимади. Ётсираб боғча опасига ёпишди. Салдан кейин дадаси олиб келган ўйинчоқ машинани оёғи билан туртиб кўрди, у гилдираб кетди. Кетидан бориб қўлига олди, яна гилдиратди. Умматали унга энгаштан эди, яна боғча опаси олдига қочди. Хижолат тортган опа, уни юпатди:

— Даданг-ку, Масъуджон! Яхши бола дадасидан ҳам қочадими? Қани, «дадажон», деб бир ачом қилгин. Дарров!

— Ҳеч келмайдилар-ку? — деди бола дадасига қуаш қарашиб қилиб, кўздан кечирап экан.

— Энди ҳар куни келиб турадилар. Шунақами, дадаси?

— Албатта. Яна ўйинчоқлар олиб келаман.

— Аям-чи? Аям ҳам келадиларми?

Умматали «нима, онаси хабар олмайдими?» дегандек боғча опага қаради. У болага эшиттирмасдан: «Кам келади», деди. Умматали ўкиниб, бошини силкиб қўйди.

— Энди аянг ҳам келади. Даданг ҳам келади, — деди опаси.

— Нега шу вақтгача дадам ҳеч келмади?

— Узоқда, ишда эди.

— Энди кетиб қолмайдими?

— Йўқ, кетмайман. Шу ерда ишлайман, — деди опаси ўрнига Умматалининг ўзи. Боласининг бийрон тилидан юрагидан офтоб чиқса, саволларидан бағри ўртанаарди. Кўзида ёш қалқиди, димоги ачи-

ди. Ёшни киприк қоқиши билан ютиб, ердан ўйинчоқ машинани олди, калит билан бураб-бураб полга қўйиб юборди. Машина елиб кетди. Мастьуд унга югурди, Умматали бу орада ўпкасини босиб олди.

Шу машина сабаб бўлди-ю, ота-бола топишиди. Умматали уни бағрига босиб-босиб лўпни юзларидан ўпди, мунчоқ кўзларига тўймасдан боқиб, уҳфа соchlарини силади.

Буни кўриб, узоқдан кўзига ёш олган Нафиса бетараф туролмади. Боласини сигирдай ялаб-юлқаётган Умматалига раҳми келди. Қимматхон эсига тушиб, «энди бу ёғи нима бўлади?» дея бу катта жумбоқ қаршисида лол қолди. Нима учундир, Қимматхонга раҳми келмас, билиб туриб кетмөннинг дамини босиб, сопидан зарб еган одамга ўхшатарди уни. Умматали эса, худди гарқ бўлганда қутулиб, қирғоққа чиққандা кийим-бошини йўқотган одам. Ҳар ким унга «жонинг омон қолганига шукур қил, йигит мулки ерда» дейиши керак, раҳмини еб, йўлини кўрсатиши лозим. Нафиса ҳам ўзини шулардан бири ҳисоблаб, бир-бирининг дийдорига тўймаётган ота-боланинг олдига келди.

– Қандай яхши! Мастьуджоннинг бўйи бугун бир қарич ўсадиган бўлди.

– Қарич нима ўзи? – деб қолди бола.

– Қаричми? Мана бу, – деди Умматали ва ўғлининг бўйини ҳазил аралаш ўлчаб, яна бир қарич қўшди-да, – эртага яна шунча ўсасан! – деди.

– Ундан кейин сиздан баланд бўлиб кетаманми?

– Албатта.

– Маза! Буфетдаги шоколад, конфетларни стул қўймасдан олиб ейдиган бўламан.

– Сўрасанг аянг олиб бермайдими? – қизиққан бўлди Умматали.

– Фақат битта олиб берадилар. Анави киши келганда вазаси билан қўядилар.

— Ўша кишини ҳайдаб юбормадингми?

— Ҳо-о. Бир куни: «Энди келмасин, менга кўзини олабўжи қиласиди», деган эдим, аям қанақа урдики... Энди айтмайман десам ҳам урди, қулоқларимни буради. Кейин-чи, кейин ўша кўзини олабўжи қиласидиган киши келганда аям мени уйта қамаб қўядиган бўлдилар.

— Аянг ўлсин, сенинг кўнглингни оғритмай, — деди гёё ўзича оҳистагина Умматали. Буни эшитган Нафисанинг кўзидан дув этиб ёш тўкилди, юзини бир четга ўгириб, артинди. Булар бари унинг учун янгилик эди. Қимматхондек ширин сўз, айланиб-ўргиладиган, ҳатто ерда ётган баргни босишдан жони ачийдиган бўлиб кўринган хотиндан шунчалик бағритошлиқни сира ҳам кутмаган эди. Лекин бола ёлғон гапирмайди, бу муқаддас ёшда ёлғон гапириш боланинг қўлидан келмайди. Бу ёшда улар фаришта.

Нафиса, отасининг иссиқ ва меҳрибон бағрида кўзларини жавдиратиб турган Масъудга, уни бутун меҳри-муҳаббати билан эркалаётган Умматалига қараб туриб, ўз турмушини ўйлаб кетди. Қани энди Аъзам шунақа болажонгина бўлса! Ҳафтада бир қўлига қизини олмагани олмаган, «биз учта бўлиб ЗАГСдан ўтганимиз!» деб таъна қилгани қилган. Одам боласининг бунчалик устамон бўлишини кейин-кейин билиб Нафиса ёқа ушлади! Турмушчилик экан, ичига ютиб кетаверар экан киши. Бўлмаса, ташдан кўрган одамнинг Аъзамга ҳаваси келади: бир-икки сухбатлашганда маҳлиё қиласиди қўяди. Аслида-чи? Сўзларидан илон пўст ташлайди.

— Ўша киши энди уйимизга келмайдими? — деди Масъуд ўйнаб турган ерида бирдан.

Умматали нима дейишини билмай ногоҳ Нафисага қараб қолди. Нафиса аввалига кўзини ерга олди, кейин югуриб келиб Масъудни бағрига босди:

— Энди-чи, энди, Масъуд, сен ўртоқларингнинг олдига боргин. Боғча опанг яхши әртак айтиб беряпти.

«Алдамоққа бола яхши!» дегандек Масъуд мушкүл саволини эсдан чиқарди.

— Айиқполвон ҳақидами? — деганича чопиб кетди.

— Кечирасиз, — деди Масъуд узоқлашгач Нафиса Умматалига, — шунақа қилмасам боланинг кўнгли чўқадиганга ўжшайди. Шу гап сал эсидан чиқсин. Бундан бу ёқ шу ердасиз-ку.

Нафиса Умматали билан хайрлашар экан, кулди:

— Болалик уйда сир ётмас, деганлари шу.

— Сир эмас, жиноят денг.

Худди шу пайт дарвозадан Қимматхон кириб келди. Умматалини кўриб сал орқага депсинган бўлди, лекин ҳайиқмади. Юпқа лаби титраб, бодом қовоғи пир-пир учди.

Нафиса: «Ана энди харсанг кўчирадиган бўрон бўлади», деб турган эди, Умматали гапни қисқа қилиб, Қимматхондан ҳазар қилгандек бетига ҳам қарамасдан бир четга ўтиб кетди. У дарвозадан чиқиши билан Қимматхон югуриб Нафисанинг олдига нафаси тиқилиб келди.

— Болани нима қиласман деяпти? — сўради у.

— Ҳеч нарса! Соғинган экан... — Нафисанинг энсаси қотиб жавоб қайтарди. Ичиди «шундай эрни билмасанг кўр бўласан» деб қўйди, нафрати қўзгади.

— Нафисахон, тағин бериб юборманг.

— Берсам ҳам ярмини бераман. Ярми ўзингизга қолади!

Бу жавобдан Нафисанинг кайфиятини фаҳмлаған Қимматхон жилпанглашга ўтди:

— Оповси Нафисахон, бунақа бетгачопар бўлманг, ҳали ёшсиз. Ким ҳақ, ким ноҳақ — билмайсиз.

Эркак зотининг ўз хотинига бир тили, бегона хотинга бошқа бир тили бўлади.

«Менинг эримнинг хислатини айтяптими бу!» деган Нафиса индамасдан ўз кабинетига кириб кетди, Қимматхоннинг или узун, игнаси синиқ эди.

4

ШЎРТУМШУҚ

Аъзамнинг ҳамон хотинидан кўнгли тўлмас эди. Унга «бахтимнинг тўғаноги» деб қаарди. Ахир хотини туфайли тенгдош, таниш-билишлари орасида ёруғ юлдуздек ялт этиб, мавқ қозониб олмоқчи эдида! Кейин унинг хотини кўркам бўлиши шарт эди. Энди-чи? Энди на униси бўлди, на буниси. Нафиса оддийгина бир хотин. Аъзам уни «хунук, кийим ярашмайди. Ўзи ундоқ, юриши бундоқ» деёлмаса ҳам ўша ўз андозасига тушмаганидан кўнглининг аллақаери гоҳ ачишиб, гоҳ хира бўлиб ётади. Бу етмагандек, тўнгичга қиз туғиб берди, бу билан гўё унинг эркаклик фуурини буккандек бўлди. Гўё, ўғил – эрнинг устунлиги!

Совуқлик билан бошланган турмушнинг қори кетса ҳам, музи қолиб, ҳамон кўнглига иссиқ югромасди.

Оқкўнгил Нафиса ишонувчанлик билан йўл қўйган хатосига иқрор, кул деб олов чангллаб олганидан дарди ичида. Эрининг инсофга келишини кутиб, тош келса кемириб, сув келса симириб, ширин сўзини аямайди. Минг қилганда ҳам эр авра, хотин астар, деб баъзи койишларини ўзига олмайди, кўнглини овлаб, оғзини пойлаб туради. Хас-чўпни шамол учиради, харсангни ҳам қўзғатиб кўрсин-чи, деб ўзини оғирликка солади. Бундай қараса, қизи Сурайёнинг тили «қақа», «шоколад»га келиб, пил-

дираб юриб ҳам кетдики, Аъзам димоғидан тушмайди, юзингда кўзинг борми, демайди. Кўча хандон, уй зиндан. Нафиса бу ёқда турсин қизига ҳам тузуккина қайрилиб қарамайди, «болам-бўтам» қилмайди. Гўё Нафиса уни кетида эргаштириб келган! Кейин билса, қизни ёмон кўрар экан!

— Хой, ишкур банда, — деди шунда Нафиса, — ўнтасини кетма-кет қалаштириб қўйганим йўқ, ҳали битта...

— Бўлмаса яна қиз туғ!

— Қизга нима қилиби! Қиз одаммасми? Ўғил ёққан чироқни қиз ёқолмаяптими? Ёки узатган ерига қўли етмаяптими?

— Биттаси сенми?

— Нима мен, сочимни пахмоқ қилиб, ўттиз иккита тишимни такиллатиб, берсанг ейман, урсанг ўламан, деб кўзимни лўқ қилиб ўтирган рўдапоманми?

Хотин кишининг рўзгор аррасини баробар тортишини ҳеч тан олмайдиган Аъзамнинг жон-пони чиқиб кетди. Назарида хотини рўзгорга қўшган улушини пеш қилиб, олахуржуннинг бир кўзидаги меники демоқчи, жуда бўлмаганда, хўroz бўлиб кекирдагингни чўзаверма, барибир тухум товуқники ҳисобланади, деб уни камситмоқчи. Уйнинг устуни қолиб, синчини кўз-кўз қилмоқчи! Бунга инженер Аъзам, эрта-индин ўз фаолияти билан ҳамманинг оғзини очириб қўядиган Аъзам чидайдими! Ҳеч ҳам!

— Ҳа, сен бўлмасанг, чоригимни судраб қоламан, Орифхўжабойнинг¹ қизи!

— Орифхўжабойнинг қизи бўлмасам ҳам, ҳеч кимдан камлигим йўқ. Ҳа, бунча осмондасиз, хоннинг қизини олармидингиз!

— Олардим! — пичинг бўлса ҳам дилидагини айтиб юборди Аъзам.

¹ Тошкентлик машҳур бойга ишора.

— Сизнинг шу феъл-атворингизга хон қизини бераман, деб қирқ қокилини санаб, сепини ортиб турибди. Чопинг, бўлмаса қуруқ қоласиз!

Аъзам ундан ҳам баланд келмоқчи бўлди:

— Сен чўтири тикан бўлиб оёғимга кирмаганингда хоннинг ўзи қизини олиб келиб берарди.

— Шунинг учун ҳар кўринган қизга бир илиқиб, тилингизни осилтириб юрган экансиз!

— Шунинг биттаси сен!

— Ҳа, мен! Мен ўлгур, сизнинг пахтавон гапларингизга учган. — Нафисанинг хўрлиги келди, қараса, димоги ачишиб; кўзига ёш чиқадиган. Оғзинг тўла қон бўлса ҳам рақибинг олдидага тупурма, деганлари эсига тушиб, заҳрини қулт этиб ичига ютди: — Ҳа, менга нима қилибди? Кимсан, фалончи деганинг тантис қизини олиб, йиртиғингизга ямоқ, узугингизга улоқ тегмай юрадингиз. Кишига инсоф керак. Инсоф — ярим имон! Ё, мен эгни-бошига сон тегмаган маданиятсиз ношуудманми?!

— Сенга ўхшаш маданиятли бўлгандан, сигир бўлиб ўтлаб юрган яхши!

Аъзам бу гапни кўзлари қинидан чиқиб кетай деб титраб айтди. Нафиса кўрдики, ип жуда тараңг тортилди, энди ширт этиб узилиб кетиши мумкин. Шундай бўлса ҳам ҳақини қўймади, бурилиб уйга кириб кетар экан, ачитиб олди:

— Итнинг иши ҳуриш, зўравонники иши уриш бўлмай ўлсин! Маҳмаданалик ҳам донолик бўлибдими!

Ана шундай хўрликларга гоҳ чидаб, хилватга ўтиб йиғлаб, гоҳо «худо ўлим берсин шунақа турмушга, олтин косам бор деб заҳар-закқум ичгандан, сопол товоқдаги оби ёвғон яхшимасми», деб бошини олиб чиқиб кетишга қасд қилиб юрганда, Аъзам ўзгариб қолди. Ўзгарганда ҳам шунақа ўзгардики, Нафисанинг ўзи «ишқилиб, кўз тегмасин!» деб ҳали-ҳали ишонмайди, гўё у кунлар босинқи-

раб күрган тушга ўхшайди. Түгри, бу ўзгаришдан сал олдин бир айнаб келди. Бу айнаш идорасидан бошланди. Уни қандайdir бир ишга күтаришмоқчи бўлиб туришган эди, нимадир сабаб бўлди-ю, жимиб кетди. Бир оз вақт ўтгач, институтни Аъзамдан кейин битирган бир ёшгина инженерни тайинлашди.

— Кўуллаб-қўултиқловчи бўлмаса, илминг сариқ чақа! — деганича куфури чиқиб, уйга қайтди. У бу лавозимни анчадан бери илҳақ бўлиб кутиб келарди, ундан кейинги поғонани ҳам мўлжаллаб қўйганди. Аламига чидолмай, уч кун ётиб ичди. Сал ҳуашёр тортса, приёмникни аллақаёқларга тўғрилаб мук тушиб эшитди. Шу қунгача ортиқча парво қилмаган чет эл мусиқаларига маҳлиё бўлиб, уйни бошига кўтариб қўйди. Ўзининг асари чалинаётган бастакордек яйраб кетарди. Баъзан приёмникни бошига қўйиб ётиб, кечалари қандайdir станцияларни қидирди, тўлқинлар қоришиб кетса жаҳли чиқарди. Қинога ортиқча ҳуши йўқ одам, ҳатто Нафиса билан тушадиган бўлиб қолди. Чет эл фильмларини кўрганда:

— Лаънатилар қойил қиласди... кино қўйишини шуларга чиқарганда. Сиёsat билан ҳам ортиқча ишлари йўқ. Ҳаммомга тушган одамдек енгил тортиб, маза қилиб чиқасан! — деб оғзини кўпиртириб юрарди. Айниқса унга киборлар оламидан олинган фильмлар жуда маъқул бўларди.

— Яшаш мана бундоқ бўлибди, хотин, — деб ўз турмушидан шикоят қиласарди.

— Қани бутун халқи шунаقا яшаса! — эътиroz билдириди Нафиса.

— Билмайсан, хотин, халқи ҳам ёмон яшамайди. Американи-ку қўявер. Франциянинг мустамлакаси бўлган Жазоирда тўрт кишига битта енгил машина тўғри келаркан.

- Бўлмаса нега халқи бош кўтариб, курашяпти!
- Қутургандан! Тўқлик қутуртиради!

Нафиса ишонмади. Наҳотки турмуши тинч ва тўқ ўлка қутуриб, ўз осойишталигини бузса! Йўқ, халқ сабр-косаси тўлиб, зулму қашшоқлик жонидан ўтиб кетганда қўлига қурол олади, жонини тикиб, умрини гаровга қўяди.

Лекин Нафиса бу гапни эрига айтиб, тортишгиси келмади. Ундаги бу кайфиятни фильмнинг таъсири, деб ўйлади. Қолаверса, эрининг феълини яхши билади: у қуруқ хазондек гув этиб ёниб кетиши мумкин. Бироннинг фикрига қўшилишдан кўра, ўзиникини маъқуллашни яхши кўради. Ахир оловни пуфлаш билан ўчириш ҳам мумкин, ёндириш ҳам.

Аъзамга «худо инсоф бериб», эпақага келганидан бери Нафиса бир нарсага амин: турмушим тинч бўлсин деган кишининг әшак миниб оёғининг тагига қарайвергандан, туж миниб узоқни кўзлагани яхши. Бенуқсон дўст қидирган дўстсиз ўтади, дегандек, бенуқсон әр хотин ҳам йўқ. Модомики, эрингнинг нуқсонини пайқаган экансан, унга тегма. Бу унинг яраси, тирноғинг тегди – ачишади, аламга киради. Лекин бу ярага бепарво ҳам бўлма. Фазилатига куч бериб, шу фазилати орқали нуқсонини йўқотишига урин. Шундагина ютасан. Қаловини топса қор ёнади! Тўгри, ўзингни унга боғлаб ҳам бермаслигинг керак. Баъзи фикрингни тўғри айтиб ўтқизолмасанг, йўли билан турмушга татбиқ қилиб, уни иқрор эт. Афсонада макри қирқ әшакка юқ бўлган хотин зотининг олижаноблиги наҳотки, юз туяли карвон қопларини тўлдирмаса!

Ана шунинг учун ҳам эри билан бўлган бу мунозарани чўзмади, унинг қитиқ патига теккунча калта қилиб қўя қолди.

Кейинги кунларда Нафисанинг юзига қон югуриб, ўзи ҳам анча сув тортиб қолди. Кийим кийса

ярашиб, овқат еса, оғзи таъм билади. Лекин бир нарсадан ҳамон күнгли ғаш, түғриси, дилида ҳамон армон. Нега Аъзам ўз пушти камаридан бўлган Сурайёга бунчалик бемеҳр? Мурғаклигига майли, тили йўқ эди, серкасаллигидан эл севаргина бўлмади. Энди эса шунақа ширин, шунақа қақилдоқ бўлганки, гапирмаганин гапга солиб, гапирганинг ўпкасини узади. Ҳар куни бир ёқимтой қилиқ чиқариб, меҳрингни товладайди. Дадаси эшикда кўринди дегунча қарқиноқ боласидек қанотларини ёзив талпинади, оёқлари тагида мушук боладай ўрмалайди – қани энди Аъзам қўлига олиб «болам-бўтам» қилса! Бўлмаса, худди ўзининг қўйиб қўйгани. Дадасини билганлар кўриши билан «Аъзамнинг қизими?» деб дарров танишади. Буваси-ку «Дадасидан бир туки кам эмас» деб, Аъзамнинг болалик чорини эслайди.

– Ё тавба, ўзи-я, – деб ёқа ушлайди бобо. Келиб қолса, кетгунича тиззасидан қўймайди. Бола ширин сўз гадойи, дегандай, Сурайё ҳам бувасига бутун «санъати»ни кўрсатади.

Тўғри, Аъзам аввалгидан анча эгилиб, шохига қуш қўнадиган бўлиб қолди. Баъзан плитка шоколадми, арzon-гаров қўғирчоқми олиб келади, қизчини тиззасига олади. Лекин чет эл радиосини эшитадиган вақти бўлди дегунча, қизини четга сурди. Бир куни соатига қараб шундай шошиб қолдики, Сурайёни тиззасидан ерга тушираман, деб йиқитиб юборди. Бола йигламаган бўлса ҳам, етимчадек алланечук ҳолга тушди.

– Ҳа, мунча қисталанг, дами ўтиб кетадими? – деса Нафиса.

– Бўлмаса-чи, дами ўтиш ҳам гапми, ёғлиги қолмайди, – деганича нариги уйга кириб қамалиб олди.

– Боладан ҳам азиз бўлмай ўлсин ўша радионингиз! Боламнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди,

— деб Нафиса Сурайёни кенг бағрига босди, уұфа сочларини қоқындиқ бўлиб ўпди.

Нафисанинг Умматалига ҳаваси келади. Ана ота! Бўш қолди, ўғлининг олдига келади. Гиргиттон бўлади! Масъуднинг бир-икки қув тоби қочганда-ю, ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Боғчанинг врачи билан қаноатланмай аллақаердан профессор бошлаб келди. «Касалнинг олдини олган яхши, яна қўнглингларга келмасин», деб узр ҳам сўради. Бир кеча ишидан қолиб, тепасида ўтириб чиқди. Тунгги энаганинг айтишига қараганда, кечаси йиғлабди ҳам!

«Нега бундай?» деб ўйлади Нафиса. Табиат ота-онага бир бутун меҳр беради-ю, тақсимланишда бирига кўп, бирига оз тушиб қоладими? Кўпроғи Умматалига тушганми! Ундоқ деса, Қимматхон ҳам келганида она сигирдай ялаб-юлқаб ўлади. Тўғри, худди сигирдай ялаб-юлқийди. Унисига одамийлик етмайди, самимият, болажонлик етмайди, қўр, ҳарорат етмайди. Баъзан хўжа кўрсинга қилаётгандек бўлиб кетади. Шунакалиги яққол кўриниб турса ҳам, тили билан силаб-сийғаб, айланиб-ўргилаверади, бир жонини минг бор садақа қиласиди. Минг қилганда ҳам Умматалиниги бошқача: оғир, вазмин, тадбирли. Докадай ҳилпиллаб, жездай йилтиллайвермайди. «Эр деган мана бундоқ бўлибди!» деган фикр хаёлига келди, эри эшитиб қолаётгандек кўзлари жавдираб ёнди.

Бу фикр уйга қамалиб қолган қовоқаридек анча вақтгача бошида ғўнгиллаб турди.

Бирдан эшик қўнғироги жиринглаб қолди. «Наҳот дарров келадиган вақти бўлди», дегандек, соатига қаради. Эрининг бир-икки кундан бери сал кечикиб ширақайф билан келишига ишора қилиб эрталаб «кўп «тутилманг!» деган, Аъзам эса «Эрта келсам оригинг семириб, хоминг пишадими?» деб кулгига олган эди. Шу эсига тушиб, қандайдир қу-

вонч ичида барқ уриб, кўксига тепди, кўзлари ча-рақлаб кетди.

Лекин эшик олдида қайнатаси Тешабой турар эди. Салом бериб ичкарига таклиф этди. Қайната ичкари кириш ўрнига:

— Ишқилиб уйдамидиларинг, — деганича орқа-сига қайтди. Эшакка солинган хуржун кўзидан оғзи рўмол билан боғланган бир челак олиб, кириб келди. Уни келини қўлига тутар экан сўрашди:

— Яхши ўтирибсизларми? Мол-жон омонми? Бойвачча ҳали қайтганлари йўқми?

Тешабой ота, нима учундир ўғли Аъзамни «бой-вачча» дер, бу сўздан эри кибрланса ҳам, Нафиса анча вақтгача кўниколмай юрди.

— Шукр, ўзинглар тинчмисизлар? Жуда жим бўлиб кетдинглар. — Ўз навбатида сўраб чиқди На-фиса.

— Бизлар-ку келиб турибмиз. Сизлардан дарак йўқ. Ёз ўтиб ҳам ҳали боққа чиққанинглар йўқ. Ҳар якшанба кўз тутамиз. Ҳозир дала жуда яхши бўл-ган-да, мева зоти борки бол томади. Наҳорда ишком оралаб, иқинг севган узумни тирноғинг билан ширт узиб муздай тиник сувда бир чайиб еганга нима етсин! Дардки бор, давоси шу. Одамлар кўч-кўлани билан кўчиб чиқади. Сизлар тайёрини ёлчитиб на-фини кўрмайсизлар. Сизларга одам ҳиди ёқмайди. Билмадим, шу каталакдан нима топгансизлар. Да-лага чиқмайсизларми, яйраб-яйраб юрмайсизлар-ми! Ҳовуз бўйида, кунда ётган қурбақанинг ўйлп этиб сувга ташлаб, шўнғиб кетишининг ўзи қанча маза! Тонгдаги булбулнинг нолишини айтмаёқ қўя қолай! Биз сизлардай вақтимизда ўзимизниги қаноат қилмай, ўртоқларниги кезиб кетардик. — Тешабойнинг юраги тўлиб кетган экан шекилли, яна анча гинахонлик қилди ва галининг охирида «мана, боғнинг ҳам бир-икки йиллиги қолди» дей-иш билан тугатди.

– Бузилармишми? – қизиқиб қолди Нафиса.

– Завод йилдан-йил кенгайиб борялти. Уйлар қуриляпти. Ахир кетади-да. Ана ундан кейин шаҳарда, бемалол пашшангларни қўриб ўтираверрасизлар. Қадоқлаб бозордан мева олиб, санаб еб ёзни ўтказасизлар.

Тешабой ота белбогига қистирган каттагина дастрўмолини олиб, терлаган юз-бўйинларини артди. Қорасидан оқи кўп соқолини силаб, шукроналик қилди:

– Бир ишкомда озроқ ҳусайнин билан бувакидан сизларга аatab олиб қўйган эдим, карасам, чукурчуклар қўймайдиган. Узиб, ўзим олиб туша қолдим. Олма билан тошнокни ҳам пай уриб қўйдим. Қишида олиб тушиб бераман.

– Бекорга овора бўлибсиз. Раҳмат, ота!

– Илмли ўғил отадан улуғ дейишади. Энди хизматларингни қиласиз-да! Оворагарчилиги борми? Идишини бўшатиб қўйинг, қайтишимда олиб кетаман, керак бўлиб туради.

Ота қўзғалди. Нафиса шунча қиласа ҳам ўтирмади. Бозорга жиндай ҳўл мева олиб тушиб кетаётганини важ қилиб, сўзида туриб олди.

Улар кўчага чиққанда сим ёғочга боғланган ювошгина эшакни қўшни болалар аллақачон ўраб олишган, бири олиб, бири қўйиб алланималарни чуғурлашарди. Отани кўриши билан «Ана эгаси!» дейишиди, дув қочишиди. Ота уларни кўрмагандай кексаларга хос салмоқлаб борди, эшакни ечар экан, келинига гинахонлик қилди:

– Сизда ҳам айб бор, келин. Хотин – халаҷўп. Эркакни туртиб, йўлга солиб туриши керак.

Нафиса ичида «хотиннинг халаҷўпига юрадиган эр бўлса экан ўғлингиз» деса ҳам, ишни баҳона қилди.

— Иш...

— Иш — сайёхнинг йўрғаси. Баъзан-баъзан дам олади. Ёки сизларники дам олмайдиган хилиданми? — Эшакни йўлга сола туриб, ота яна гапирди:

— Мен ҳам жилдираб турган ариқман — бугун бор, эртага йўқ. Кейин нима қилсанглар ўзинглар биласизлар... Ҳа, айтгандай, токларни ёпдим, кенжаларимнинг қўлини ҳалоллаб олмоқчиман, жуда уят бўлиб кетди. Бойвачча келса айтинг, у ёқ-бу ёққа жилмай турсин, бозордан қайтишда кираман, жиндай маслаҳатли ишим бор.

— Хўп бўлади, отажон! Бирпас ўтирмадингиз-а! Қуруқ кетяпсиз. Бирпасда...

— Биламан, чаққонсан, келин. Бозордан қайтай, бафуржга ўтираман.

— Кутамиз бўлмаса.

— Хўп-хўп!

Нафиса эшак орқасида дўмбиллаб кетаётган қайнатасига узоқ қараб қолди. «Қариб қолибди, бечора! Шунга ҳам қийин. Жўжабирдай жон. Каттасининг аҳволи бу — етти ёт бегона нима-ю, бу нима!» деб кўнглидан ўтказди, унга раҳми келди.

У эри келиши билан қайнатасининг узум ташлаб кетганини ва маслаҳатли иши борлигини айтган эди, Аъзам бургадай сакраб тушди, сутнинг кўпигидай кўтарилиб кетди!

— Қанақа маслаҳат бўларди! Пул керак бўлиб қолгандир-да. Айт, пулим йўқ. Энди бир камим ўғил тўйига қарашишмиди! Шунга бир чедак узумни ликиллатиб тушибдими! Бериб юбор!

— Вой, нега унақа дейсиз? Отангиз-а! Энди олиб тушибдиларми? Қачон кўрсангиз катта бошларини кичик қилиб мева ташиғанлари ташиған. Бирор эшитса нима дейди!

— Нима деса деяверсин! Мен ётоқда ётиб қора нон билан совуқ сув ичиб ўқитанимда қаёқда экан! Ёш хотинни олволиб... Энди керак бўлиб қолдимми!

— Кўйинг-эй, унақа деманг. Дадангиз баъзи бирорвлардай чақани танга ҳисоблаб, ўн еридан тугадиган одам эмаслар. Балки қўллари қисқалик қилгандир...

Аъзам яна ўзиникини маъқуллади:

— Қиши билан тишимнинг кирини сўриб чиқиб, ёзги отпускаларимда ишлардим. Ўшанда ҳам шу боғ бор эди. «Кўй, болам, дам ол!» демагандар.

— Шу боғ бўладиган бўлса ўшанда ҳам ботмон ёғ бермагандир. Ҳадеб кекса одамнинг орқасидан тош отаверманг, уят бўлиб кетди.

— Бетига ҳам айтаман керак бўлса... — яна баланддан келди Аъзам.

Бундоқ қараса, эрининг кўпиги тинмайдиган. Ҳали ошига сабзи босгани йўқ. Ҳадемай қайнатаси келиб қолади. Ошхонага ўтиб кетар экан:

— Минг қилса ҳам дадангиз. Ҳали келсалар яна бетларига чопиб юрманг, кекса одамнинг кўнгли оғрийди. Ётиги билан муомала қилинг. Ўзлари ҳам мункиллаб қолибдилар, — деди.

Бу гал Аъзам индамади. Унинг отасига даъвосида жиндай жон ҳам бор эди. Лекин у бир томонини фалакка чиқариб, ўзга томонини тан олмаяпти. Аъзам билан унинг синглиси Тешабойнинг олдинги хотинидан. Уларнинг онаси вафот этгандан кейин Тешабой ўгай она қўлига бериб, болаларимнинг кўз ёшини оқизмайман» деб икки-уч йил уйланмай юрди. Қузда ёнғоқ қоқаётганда йиқилиб, боши ёстиққа тегди-ю, оиласа бир меҳрибон қўл жуда зарур бўлиб қолди. Фарзандсизлик туфайли эри жавобини бериб юборган бир бевага уйланди. Ўгай она аввалги эридан кўп дашномлар эшитавериб сиқилган хотин экан. Тешабойнинг уйига келиши билан қизини қизим, ўғлини ўғлим деб меҳр қўйиб кетди. «Зора худонинг раҳми келиб, менга ҳам фарзанд ато қилса», деб икки етимни ювиб-таради, емай едирди, ичмай ичирди, киймай кийдирди. «Худо-

нинг раҳми келди» шекилли, учинчи йил деганда бир эмас, биракайига эгизак ўғил туғди. Ўз-ўзидан маълумки, онанинг меҳри бўлинди. Бу албатта «ўз болангни тиззангдан тушир, ўрнида мен ўтираман» дейдиган мушук табиат Аъзамга ёқмади. Ҳатто бир куни гайирлик қилиб Ҳусанинг кўзига чўп тиқиб олишига сал қолди. Шундан кейин она гўдаклари ни эҳтиёт қиласидан бўлди. Бу эса, Аъзамга яна алам қилди. Яна ўгайлигига йўйди. Ўгай онанинг тўғриси эгри, ўгити дўқ, йўтали бақириқ бўлиб эшитилди. Бу орада қариндошларнинг билгани – у, билмагани – бу, деди. Қиз барвақт узатилиб кетди. Болалигидан инжиқ, манман, чирончоқ бўлган Аъзам эса, ҳамон ўгай онаси билан дадасидан до-мангир. Бўлмаса ўгай она бечора, бирортасини сенсирагани йўқ, ҳали-ҳали айланиб-ўргилади. Орқасидан ҳам ҳурматлаб, эрига «ўғлингиз» демайди, «катта ўғлимиз» дейди. Барибир Аъзам учун юзи қора, ўгай она! Тешабой-ку қўйининг оғзидан чўп олмаган ювош одам. Меҳнатдан қўли қаттиқ, кўнгли юмшоқ. Эсини танибдики, икки таноб ерида боғбон, олти ой ёз қўлидан ток қайчи тушмайди. Олдини уруг-аймогига улашиб, кетини ўзи ейди. Бир оёғи оқсоқ бўлганидан, уруш ҳам уни четлаб ўтди. Лекин кимнинг уйига қорахат келса, бошлаб унинг кўзига ёш тўларди. Шундай одам ўз фарзандининг зидига иш қиласидими? Кейинги хотинидан фарзандлар кўрганда ҳам, хаёлини бўлгани йўқ, бўлиш у ёқда турсин фикрига ҳам келтирмади. «Ўнта бўлса ўрни бошқа! Ҳар бири бир бармоғим, қайси бирини тишласам ҳам оғрийди», деб бирини биридан кам кўрмади. Ҳатто: «У дунёда худойи таоло ҳаммадан олдин шу етимлар ҳақида мендан сўроқ қиласиди», деб доим уларнинг кўнглини овлади, бошини силлади. Ўз косасидан жаз олиб, Аъзамнигига солса солдики, уникидан бирорвга олдирмади. Лекин жўжабирдай жонлигидан (кейинги хотинидан олти бо-

ласи бор эди) қозонида борини ҳаммасининг олдига тенг сузив турди, доим норози Аъзамдан алоҳида хабар ололмади.

Аъзам эса, шарт-шароитни ҳисобга олгиси келмас, нуқул ўзига тузук синфдошларни кўриб ўкинар, кўнгли чўкар, бу кўнгил чўкиш бора-бора отасига бўлган аламга айланар эди. Ўзганинг ҳимматини дарё, ўзингникини мисқол бил, деган сўзни у билмасди. Болалигидан бошқалардан ажралиб туришга интилиш балогатта етган сари говлаб кетди. Бунга унинг келишган қош-кўзи, кенг елкалари, чиройли қомати ҳам озми-кўпми сабаб бўлди. Ҳамма оталардек Тешабой ҳам ўғлининг нуқсонларини кўрмас, кўрса ҳам, «Ёшлик ғуури. Бориб-бориб тафтидан тушиб қолади», деб парво қилмас, кексалик – кўприк, қанча гап бўлса кўтаради, деб ҳамма оғирликни ўзига оларди...

Отасининг келиб-кеттани Аъзамнинг хаёлини ўғирлаган эди. У ечинмай ўтиарди. Атрофида мушук боладек беозор ўрмалашиб юрган қизи ҳам кўнглига сифмади. Уни онаси олдига – ошхонага киритиб юборди. Хотинига овқатни тезлатишни буюрди.

– Вой, дадамни кутмайсизми? – деган Нафиса эрининг қош-қовофини кўриб ошини тезлатди.

«Маданият ва маърифатнинг мақсади имкон борича ҳамма нарсадан лаззат олиш», деб билган Аъзам устига товўқ босилган ошни паққос тушириб, арзимаган бир нарсани баҳона қилиб чиқиб кетди. Нафиса орқасидан:

– Дадангиз келсалар нима дейман? – деганича қолаверди.

Ундан салдан кейин келган ота, невараси билан бирпас «дардлашгач»:

– Башқа бир келарман. Қоронғига қолмай! – деганича жўнаб кетди.

Нафиса хижолатдан ўзини қўйгани жой топол-
мас эди...

5

ТАМАННОНИНГ СЕВГИСИ

Таманно француз йигити Ренени севиб, отаси
Сайдакбар ҳожидан балога қолди.

Ота қизининг қўлидан бу иш келишини ҳеч
ўйлаб кўрмаган экан. Бир маҳаллар она юртида
рус-тузем мактабини кўрган, дунё кезган Ҳожи як-
каю ёлғиз қизига яхши тарбия ва таълим бермоқчи
бўлиб қолди. Болалигидан тарбиясига одам ёллади,
она тилимдан бебаҳра бўлмасин, деб аллақаердан
отинбиби топиб келиб, ўзбек тили ўргатди. Эси-
ни танигач, қиз француз мактабига қатнаган бўл-
са ҳам, ота уйда ўзбекча гаплашишни шарт қилиб
қўйди. Ўзи бунинг намунасини кўрсатиб, бошқа-
ларга ҳам кўз-қулоқ бўлиб турди. Бу отанинг ўзбек
тилига бўлган оташин меҳридан әмас, «вақти соати
келиб, киндик қоним тўкилган тупроққа қадам бос-
сам, болаларим эл-юрт таънасига қолмасин», деб
шундай қиларди. Бу бир томондан бўлса, иккинчи
ёқдан ўзбек сўзларининг уйида эшитилиб туриши,
уни ўзи қочиб чиққан юртдан жуда ҳам узоқлашиб
кетмаганини гўё кўрсатиб турарди. Тошкентдан
тишида тишлаб олиб қочган ўғли Абулбаракани
ҳам худди шундай қилиб тарбия қилди. Тўғри, у
Тошкентда, ўзбек хотинидан туғилган. У хотини-
дан уч қиз, бир ўғил кўрди. Муштоқ бўлиб кутган
ўғил туғилиб, Ҳожи ўзини қўйгани жой тополмай
севиниб юрганда шўролар сиёсатини ўзгартириб,
«эркин савдо-сотиққа» чек қўя бошлади. Рус-ту-
зэм мактабини тугатган, савдо ишлари юзасидан
аввал отаси билан, кейин ўзи Москва, Петербургни

кўрган, саноат кўргазмаларида қатнашган Сайдакбар ҳожи чархи фалакнинг қаёққа қараб айланаштаганини дарров фаҳмлаб олди. Дўкон-дастакнинг танобини торти, синчилаб атрофга назар солди. Идрок қилиб қараса, у билан борди-келди қилишган баъзи афанди-ю, қалдирғоч соқол жадидларнинг гапи пуч, бундан буёқ улар тегирмонининг айланиши гумон. Булар кўпроқ сўз билан овора. Ҳукумат эса, меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб амалий ишга кўчган. Ҳушёр ва тажрибали Сайдакбар ҳожи улфатларидан ҳеч бирининг гапига қулоқ солмади. Зимдан ишини битириб, бир кечада йўқ бўлди-қолди. У она юртини ташлаб қочган эди. У ички-ташқи ҳовлининг ҳам, Оқтеракдаги ер-сувининг ҳам, молларининг ҳам баҳридан кечди. Молларнинг эмас, касалманд хотини билан учта қизини ҳам ташлаб кетди.

— Тинчиб олдим, одам юбораман! — деб уларнинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирди. Лекин ўғли Абулбаракани хизматкори Қурбоналининг қўлига тутиб:

— Кўз-қулоқ бўлиб юр, — деди. Қурбоналининг Ҳожи билан кетиш нияти йўқ эди. У: «Пичоқ ўз сопини кесмайди, ўро камбағалники», деган фикрга келиб қолган эди. Лекин бой дарров нозик еридан олди:

— Босмачига чиқарган отларимни ким ҳайдаб борган?

— Мен, — деди Қурбонали бўшашиб.

— Вассалом. Босмачи ким? Шўронинг душмани. Унга от етказиб берган-чи? Унинг думи. Шу қилмишларингга ўро сенинг бошингни силармиди? Тентак бўлма! Йўлга туш. Ма, буни таяниб ол, дармон бўлади!

Сайдакбар ҳожи Қурбоналининг қўлига оддийгина ҳасса тутди. Қурбонали олди-ю, салмоғидан ҳайрон бўлиб, Ҳожига қаради. Ҳожи «дамингни чиқарма!» дегандек, кўзини қисиб қўйди: ҳассанинг

иши пармаланиб, нуқул ўн сўмлик олтин тўлдирилган эди.

— Бола-чақам нима бўлади? — деган эди Қурбонали, Ҳожи ўз хотинига айтган жавобни қилди.

— Қовун сайилига кетаётганимиз-йўқ, Қурбонали! Вақти билан тўрт кўз тугал бўламиз.

Ночор қолган Қурбонали вақтнинг зиқлигидан онасиникида бўлган хотинини тунда бориб кўриб келди. Касал ўғли Умматалининг пешанасидан ўпаётганда ўзини тутиб туролмади, ўпкаси тўлиб, воқеани хотинга билдиришга мажбур бўлиб қолди.

— Ҳожи отам кетаётган бўлса бўйнида иллати бор — давлатидан қўрқади. Сизга нима?

— Энди мен ҳам... — Қурбонали у ёғини айтолмади, гапни бурди: — Тузини ичганман.

— Тузини ичган бўлсангиз, қиши-қирив демай хизматини қилдингиз.

— Уйинг буғдойга тўлгир, хотин, гапни чўзма, кетмасам бўлмайди.

Эрининг сўзи қатъий эканига энди шак келтиrolмаган хотин:

— Биз-чи? Биз нима қиласми? Умматалининг аҳволи бу бўлса! — деди касал боласининг пешанасига қўлинни қўйиб.

— Дард берган худойим, шифосини ҳам ўзи беради. Ўзига сифин. Менинг қўлимдан нима келади. — Қурбонали ҳам қўлинни ўғлининг пешанасига қўйган эди, муздек тегди шекилли, кўзини очди. Отасини таниб жилмайгандек бўлди. — Опоқмисан, ўғлим? Ҳа, баракалла, азamat. Ойингизни кўп ҳам қўрқитманг, кўзингизни очиб ёting, «опоқман!» денг. Сен ортиқча ташвиш тортма, — деди Қурбонали хотинига юзланиб, — Ҳожи ҳам болаларини ташлаб кетяпти. Одам юборар эмиш. Шунда сен ҳам бирга борасан. Үнгача Умматали ҳам дикиллаб юриб кетади. Хайр, дийдор кўришгунча.

Мана ўттиз йилки, Қурбонали бола-чақасининг дийдорини кўрмайди. Ҳожи ҳали одам юборади! Чегарадан ўтиб, муқим бир ерга ўрнашиб олгунча ипакдек мулойим бўлган Саидакбар ҳожи касб-кори юришиб кетгач, яна асли ҳолига келди-қўйди. Теридан бит семириб, бағбақа солди. Қурбонали кейин билди – у жуда усталик қилган экан. Тошкентдан чиқиши кечаси отхонада туни билан уймалашган эди. Шунда йўлга оладиган иккала отига бир талай тилла сўмлар ютқизган экан. Чегарадан ўтиши билан сўйиб, қорнидан олди. Булар олдида Қурбоналиниң ҳассасидаги урвоқ бўлмайди. Ўғли Абулбараканинг дўпписи жияигига майда гавҳар доналари жойлаган экан, уни анча кейин, бир араб бойи билан шерикликка кўн заводи очганда олди. Кейин Ҳожи бир араб қизига уйланди. Ундан мана шу Таманнони кўрди. Она бечора кўзи ёригандан кейин ўнгланмай юриб, ахир ўлиб кетди. Ҳожи бу хотинни яхши кўрганидан бир йил азасини тутди, уйида бирор кун ўйин-кулги бўлишига рухсат бермади, бутун маросимларини беками-кўст ўтказди.

Улгайган сари онасига тортиб келаётган қизи Таманнога бутун меҳрини тўқди, нима деса оғзига қаради, нима истаса қўлига тутди. «Тобутим устида сочини ёйиб йиглайдиган меҳрибон қизим, пошшохон қизим», деб эркаларди.

Бунинг бошқа бир сабаби ҳам бор эди: кўзининг қорачифидай ардоқлаб бир хотину уч қизига алмашган арзанда ўғли Абулбарака у кутганидай ота чизган чизигидан юрадиган чиқмади. Бўлмаса унга ҳам ҳазилакам меҳнат сарф қилмади! Бу араб ўлкасида тургун бўлиб қолиши билан ўғлини «тили қотмасдан» муаллим ёллаб араб ва француз тилларини ўргатди. Ўзбекчага ўзи пайидан бўлиб турди, Қурбоналига қўшиб қўйди, буларнинг ўзаро ўзбекча гаплашишларидан кейинча Таманно ҳам баҳраманд бўлди.

Абулбарака, Сайдакбар ҳожининг бир жадид ўртоғи «аждодларимиз тарихининг ёрқин саҳифаси билан танишиб қўйинг» деб ташлаб кетган бир кам нусха китобда учраган исм бўлиб, Ҳожига ёқиб қолган, ўша кезда дунёга келган фарзандига катта фахр билан қўйган эди. Бу исм унинг қайта қад кўтартган савдо-сотигининг руҳига жуда мос эди. Ҳожини шошириб қўйган НЭПнинг гулхани сўниб, уни бу ёт ўлкага учқунлардан сачратиб юборган бўлса ҳам, «табаррук номли» ўғлидан умиди катта эди. Энди бўлса Парижга юбориб ўқитгандари, доктор қилиб фахрланганлари юзини ёруғ қилмайдиган кўринади. На отасининг савдо-сотик ва орзу-ниятлари билан иши бор. Унинг бутун акси.

Ўғлидаги бу нуқсонни Таманнонинг тарбияси билан тўлдирмоқчи бўлган Ҳожининг қизидан ҳам куйишига сал қолди. Тилини кўндаланг тишлаганча нафасини ичига ютди. Минг бир ўгиту насиҳатлар билан Париждаги зодагон қизлари ўқийдиган мактабга юборилган Таманно француз йигитини севиб қолиб, бир дугонасининг отаси орқали Ҳожига билдириди. Ўлимдан хабар келгандек Сайдакбар ҳожининг кўзи ола-кула бўлиб кетди. Чўғ босиб олган ялангоёқдек типирчилаб қолди, бир оз шамоллаб юргани учун касалхонага – Абулбаракага одам югутирирди, зудлик билан етиб келишини алоҳида таъкидлади. Операциясини қолдириб келган ўғлига воқеани қисқагина тушунтириди-да:

– Мен билдим, соат учда самолёт бўлади. Синглинг олдига уч. Агар у рейс бўлмай қолса, ўзинг самолёт ёлла! Бугуноқ етиб бор. Бил-чи, нима гап? Сўзингга кирмаса, кучук боладай бўйнига арқон солиб судраб кел!

Отасининг ҳурматини доим ўрнига қўядиган Абулбарака унинг гапини иккита қилмади. Шу қуниёқ Парижга учиб кетди. Синглисига учрашди. Гаплашди. Рене билан ҳам танишди. Рене унда яхши

таассурот қолдирди. Ҳушрўй, мулойим, дидликкина йигит экан. Етимлиқда чиниқиб ўсиб, оёққа турган журналист. Оз-моз шеърлар ҳам машқ қиларкан. Шу эллигинчи йилларнинг илгор кишиси. Ҳаётта ҳушёр қарайди, қўлига олган ёнғоқнинг пуч-тўклигини фарқига боради. Синглисига ҳам Рене шу томонлари билан ёққан бўлса керак, унга бўлган олов севгисини Таманно яширмади:

— Бахтим кўкининг юлдузи шу! — деди.

Абулбарака отасининг сўзини, ниятини ётиги билан тушунтирган эди:

— Дадамга ўлигим керак бўлса мени шу йўлдан қайтаради! — деди ва кўзига ёш олиш ўрнига бутун вужуди билан кучга тўлиб, онасини эслатиб турадиган тим қора кўзлари чараклаб кетди.

Абулбарака билдики, Дездемонани ўлим чохига етаклаган, Анна Каренинани шону шавкатдан воз кечтирган муҳаббат ана шу. Бундай муҳаббат на қилич дамидан, на жаллод доридан қўрқади. Демак, ортиқча гап фақат бу муҳаббат оташига дам бериш бўлади.

Абулбарака пайт пойлаб, синаш учун:

— Уйга кетмаймизми? — деган эди, Таманно ўйлаб-нетиб ўтирмай:

— Рене ҳам борадими? — деди. Маълум бўлдики, ундан ажраладиган эмас.

Абулбарака орқасига қайтиб, бўлган гапни отасига етказди. Ўғлининг Таманнога хайриҳороқ бўлиб гапираётганини сезган Сайдакбар ҳожи:

— Ҳаммангнинг тужуминг битта! Қачон менинг айтганимни кўнглимдагидек қилиб ўринлатувдингки, энди ўринлатасан! Сенга иш буюрган мен аҳмоқ! — деди-ю, ўзи қизи олдига жўнади.

Отасининг авзойини кўрган Таманно аввалига жуда қўрқиб кетди. Кейин ўзини тутиб, тушунтиromoқчи бўлган эди, отаси оғзига урди:

— Мен таълим олиш давридан ўтганман! Тушингни сувга айт!

Оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзидаги қолган Таманно эшикда кутиб турган машинага қанақа қилиб ўтирганини билмай қолди. Отасининг бутун аъзойи бадани безгак тутган одамнидек титрарди, кўзлари ҳализамон қинидан чиқиб кетадигандек шунақа нафратга тўла эдики, Таманно умри бино бўлиб, отасини бунақа ҳолда кўрмаган эди. Воқеадан хабар топиб аэропортга энтикиб етиб келган Рене Таманного яқинлашган эди, ҳе йўқ, бе йўқ Ҳожи тарсаки билан қўйиб юборди, алланима деб бақирди. Одам тўпланиб, полиция аралашган эди, Рене:

— Айб менда, мсьега тегманг! — деди ва юрт осоийшталигини бузгани учун жарима тўлади.

Самолётда ота-бала бегонадай ўтириб келишди. Ҳожи бир-икки марта қизининг димоғини тортганини эшилди. Лекин «бу кунингдан баттар бўл» дегандек, чурқ этмади. Чурқ этиши у қизининг ала-ми устига чипқон бўлар ёки ўзининг дилсиёҳлиги билан тугар эди. Ҳозир унга иккиси ҳам керак эмас. Қизини айни вақтида қайириб олди, энди бу ёғи қийин эмас. Ёшларнинг кўнгил яраси тез битади. Орани ортиқча бузишнинг ҳожати йўқ. Иложи бўлса бундан кейин ярани тирнамайди, ҳар қанча дори-дармон бўлса индамасдан, орқаваротдан қилаверади — қизи қўлида.

Ҳожи айтганини қилди. Таманнони аввалига кўчага чиқармади (қизнинг ўзи ҳам хоҳламасди). Бир оз вақт ўтгач, кўчага чиқишга каршилик билдирамади-ю, ёлғиз қўймади. Ўзи ҳам кўз-қулоқ бўлиб турди. Лекин бир кун унинг қўлига бир хат тушиб, бутун эҳтиёт чоралари бекор эканини исботлади. У Рененинг Таманно юборган хатга жавоби эди. Демак, у узид ташладим деган севги кун ўтган сари чиyrалиб бораётган экан.

Бу ҳодиса ўзини тадбиркор ҳисоблаган Ҳожининг қиличини қинидан чиқарди. Шу куни қизининг хонасига шиддат билан кириб борди:

— Бу нима? — деди хатни унга улоқтириб. Ўлдиган ҳўқиз болтадан тоймас, дегандек, Таманно хотиржам жавоб берди:

— Рененинг хати.

Бу жавобни Ҳожи кутмаган эди. Тасбеҳ деб, қўйнига илон солиб юрган кишидек сапчиб тушди:

— Сени нима учун Париждан олиб келдим, айт-чи, нима учун? Кимсан, кимнинг фарзанди-сан, сал танантга ўйлаб кўрасанми?! Наҳотки, отам шу ишинга рози бўлади, деб ўйладинг? Бу мумкин эмас, ахир у гайридин! Мен сени бир гайридин учун пайпаслаб юрибманни, қизим! — Ҳожи ҳаддан ошибб, энди сирганиб кетишини билди шекилли, ёлворишга ўтди. — Аканг-ку мисқоллаб топган обрўйимни ботмонлаб совуриб юрибди. Нима, менда қасдинглар борми, ажалимдан беш кун олдин гўримга тиқмоқчимисанлар, қизим? Сенларда раҳм деган нарса борми? Жилла бўлмаса сенлар беватан бошимни ҳам қилмаларинг. Ватангдолигим ҳам ўзимга етади.

— Отажон, — деди Таманно, Ҳожининг ён босиб келаётганини кўриб, — бекорга ўзингизни диққат қиляпсиз. Рене яхши йигит.

— Минг яхши бўлганда ҳам гайридин. Бисмилло, деб еган билан чўчқа гўшти ҳалол бўлмайди, қизим. Мен худо олдида нима деб жавоб бераман. Мени ҳам ўйланглар. Мен сенларнинг душманинг эмасман. Нимаики тишимда тишлиб шу хонадонга ташиган бўлсам, сенлар учун, сенларнинг баҳтинг учун. Мени ортмоқлаб кетадиган бошқа еrim ийқ. Наҳотки мен сенинг баҳтсиз бўлишишингни ўйласам, жон қизим, бир танантга ўйла!

Таманно чиндан ҳам «танасига ўйлади». Оқибат шу бўлдики, отасининг моли мулки, орзуси унинг

бахтига зид. Унинг бахти Рене! Модомики, севгилисига етишмоқнинг иложи йўқ экан, яшашдан не наф!

Шу кечаси у заҳар ичди.

6

СУДХЎР ЁКИ МУНОФИҚ

Аъзамнинг бунчалик «қуюлиб», сонга кириб қолишининг сири бор эди.

Билдики, хотини билан ади-бади айтиша бергани билан шохи чиқмайди. Нафиса ҳам «хўп, эржон, сизники тўғри» деб муте бўлиб, бўйин эгадиганлардан эмас. Ҳовлида ўсган гулнинг ҳиди тенг иккимизники дейди... Бу резинани чўзаверганинг фойдаси йўқ, чирт этиб бир ёғи қўлидан чиқиб кетса кўзига тегади. Демак, бирдан-бир йўл, заҳрини дилда-ю, шакарини тилда тутиш.

Бу масаланинг бир томони.

Масаланинг яна бир томони ҳам бор. Бу томони ҳам Аъзамнинг кўнглидагидек бўлмади. Шунча кутди, шунча уринди, бошлифи унинг қадрига етмади, талантини пайқамади. Ўзининг фаҳмича, у аллақачон бир идоранинг бошлифи бўлиши керак эди. Йўқ, уни ҳеч ким «эй, ҳали ҳам сиз шу ерда ётибсизми? Жабр бўлиб кетибди-ку! Бу инсофдан эмас!» демади. Ундан кейин институт битирганларнинг остида машина! Баъзиларининг кўкрагида орден лентасиними, депутатлик нишониними кўрганда-ку, Аъзамнинг жони ҳалқумига келиб қолади, «ахир улар меҳнатига яраша обрў топаётгандир», деб ўйламайди, кечаси билан ажириққа ағанаб чиқади.

Унинг ҳаётида мурғак фикрини заха қилиб кетган яна бир воқеа ҳам бор эди. Бу воқеа у студентлигида рўй берди. У институтнинг охирги курсида

катта шаҳарлардан биридаги улкан бир заводда узоқ амалиётда бўлди...

Унинг диққатини бир инженер тортди. Бу одам деярли кунда кўйлагини алмаштирас, унга мослаб галстук ҳам тақарди. Кечқурунлари-ку яна бошқача кийимда кўринарди. Унга ўхшаб кийинадиган кишилар заводда деярли йўқ эди. Кейин Аъзам билса, бу инженернинг исми Жемс, ўзи чет эллик, тажриба олишга келган мутахассислардан экан. «Чет элда инженер мана бундай яшар экан!» деган биринчи ҳавас Аъзамда ана шунда уйгонган эди. Унинг ҳаваси келиб, сукланиб қараб юрганини Жемс ҳам сезди шекилли, бир куни сал бошини силкиб ўтди, бошқа бир учраштанда қўл бериб кўришди, ишларини, қаерданлигини суриштиреди. Отаси борлигини билгач, «зориқтирмай чолга хат ёзисб туринг ёки ундан ҳам зарурроқ ишингиз борми?» деб тегишди. Жемс жуда хушмуомала, юртидаги ҳаётдан кўп гапиради. Аъзам унинг ҳар бир сўзини коптоқдек илиб олиб, кийим-боши ва юриш-туришига ишқибоз бўлиб юрганда Жемс бирдан йўқ бўлиб қолди. Лекин унинг қаерга кетганини бирордан сўрашга Аъзам ботинмади. Кейин билса юртига таътилга кетган экан, яна ўзгacha бўлиб келди: аввалги юриш-туриши ҳам гапми! Буни кўриб, Аъзам бақа бўлиб қолди, ичида «мана буларга маза!» деб қўйди. Бу етмагандай Жемс у билан қуюқ сўрашиб, бу ерларда ҳали расм бўлмаган чиройли шарикли ручка совға қилди. «Бизнинг томонларда мана шунақа ажойиботлар бор!» дегандек кулиб қўйди.

Аъзамнинг Жемсга ҳаваси ортиб, ичида бир ғувур пайдо бўлиб амалиётдан қайтди. Инженер бўлиб, иши юришмаганидан кейин эса ўша Жемс кўз олдидан кетмай қолди: ахир мен ҳам инженерман-ку! деган фикр хаёлида гирдикапалак бўлаверди. Бу фикр бора-бора Жемслар юртига ҳавас

үйготди. Гүё ўша ерда қадрини топадигандай ту-юлди. Кунлар ўтган сари бу фикр юмалатилган қор уюмидай катталашып бораверди. Охири бу ниятдан ўзи ҳам чўчиб, ниятини ичига ютди. Кўз-кўз қилиб юрган совға ручкани ҳам бир четга яшириб қўйди. Энди унинг нияти бузилган эди... Энди унинг дарди ичида! Аламини чет эл радиосидан, кинокартинасидан олди. «Тушга нималар кирмайди, душман нималар демайди», демасдан уларникини маъқуллай бошлади. Бу маъқуллаш бора-бора чет элнинг ҳаётига ҳавас уйғотди. Ҳавас орзуга, кетиш ниятга айланди. «Ана улар кишининг қадрига етади. Кайф-сафо ўша ерда деган ақидага келди. Кўзида уларники йилтиллаб, бизникининг устини хира боса бошлади. Ҳатто шунгача бориб етдики, уларнинг ариғидаги сувининг таъми тугул, ранги ҳам бошқача, товуғи ҳам тухум қўйганда алланечук ўзгача қақиллайди. Киносини кўрсанг баҳринг очи-либ, мусиқасини эшитсанг, ўйинга тушиб кетгинг келади. Кийимлари-чи? Кийсанг ярашади, тақсанг кўркингни очади. У ерда эса, буларнинг барини му-шук ҳидламас экан!

Бу кайфият бориб-бориб «қани ўша юртларда яшасанг» деган фикрга олиб келди. Лекин фикрни рӯёбга чиқаришнинг ўзи бўладими? Унинг бу ниятини идорасидагилар билиб қолишса борми, ойини ўттиз қилиб, кавушини тўғрилаб қўйишади.

Демак, эҳтиёт шарт. Пайт ва йўриғ топиш керак. Шу якунга келгандан кейин хотин билан бўладиган ади-бадига чек қўйди, ишхонасида «фаоллашди». Ҳушомадга ўтиб олди. Бу йил ўтган йилдаги-дек эшиги олдига ўтқазилган кўчат энди тутганда кечаси чиқиб остига керосин қўймади. Ахир эски ҳовлисидаги тутни ҳар йили колхозчилар қуртига каллаклаб кетаверганда: «Фойдаси сенларга-ю, заҳмати менгами», деб аламидан қуритган ҳам шу Аъзам-да.

Энди у «бошқа» одам. Энди у чет эл либосла-рига ҳам ишқибоз эмас, имкон борича киймайди. Киймайди эмас, ёқтирмайди ҳам. Ҳатто бир куни хотини:

— Ҳа, мунча, шўрва ичиб паловдан юз ўгирадиган бўлиб қолдингиз. Бир маҳаллар оғзингиз кўпирарди-ку, — деди эрига олиб келган итальян кофтаси унга ёқмаганидан ажабланиб.

— У маҳаллар тушунмас эканман! — деди Аъзам мийигида кулиб, — ўзимизники яхши!

— Бунинг фасони бошқача.

Аъзам индамади. Ичидаги қўлига олиб кўргиси, оғзини кўпиртириб мақтагиси келса ҳам, ўзини тийди.

Эртасига меҳмонга борадиган бўлиб, Нафиса ўша кофтасини кийиб чиқди. Эрига ҳам фин нейлон кўйлаги билан ҳинд ботинкасини кийишни таклиф этди:

— Сизга яхши ярашади.

— Қўй, кишилар, бу ҳам чет элпааст бўлиб кетибди дейди. Жайдари кўйлагимни олиб беравер, — деди.

— Вой, бутун эл-юрт кийиб юрибди-ку!

— Улар эчки, биз қўй.

Эрининг инжиқлиги сабабини тушуниб етмаган Нафиса, меҳмонда ўтириб, эрининг сонини аста чимчилади, Аъзам қараган эди «ана кўрдингизми, одамлар нималар кийиб юрибди» деган имони қилди. Чиндан ҳам уларнинг қарисида ўтирган меҳмоннинг кийгани бошдан-оёқ чет эл кийими эди!

Аъзамнинг ҳаваси келган бўлса ҳам, сўлагини ичига ютишга мажбур бўлди. Қўнглидан «бу нима бўлибди! Мен ҳали шунақаларни кияманки, булар етти ухлаб тушида ҳам кўрмайди!» деган мағрур фикр ўтди.

Унга биринчи навбатда пул керак эди. Хотинининг пичоққа илинадиган бирор уруг-аймори йўқки,

оғзини мойлаб қарзга юборса! Ўз отасининг аҳволи бу: халачўп қўлидан тушмайди. Бунинг устига ўғлининг тўйига қараашмаганидан кўнгли олинган, сиртидан сездирмаса ҳам, Аъзам билади. Асли ўшанда чакки қилган экан. Ўшанда жиндак қарашиб юборганда, ҳозир тили узун бўларди. Ҳар ҳолда дадасида пул бор. Дадаси – заранг. Заранг ерда сув тўхтайди. Ҳеч бўлмаганда ўлимлигини ажратиб қўйгандир. Эҳ, аттанг!!

Аъзам ўйлаб-ўйлаб, тоғасида онасининг мероси борлигини топди. Лекин тоғаси анчадан бери касал, кўрпа-ёстиқ қилиб ётган касал. Шу аҳволда мерос сўраб борса яхши бўлмас!

У бу ишни ийлашдан бошлади: бир куни ўзи бориб тоғасини кўриб келди, янаги ҳафтасига хотинига:

– Юр, хотин, тоғам бечора оғир ётибди, бирга кўриб келайлик. Беш кунлиги борми-йўқми? – деди.

– Раҳмат, мана бу ишиңгизга мен борман, – деди Нафиса, эрининг одамшаванда бўлиб қолганидан қувониб ва наридан-бери кийиниб унинг олдига тушди. – Дунёда кишининг кишига қилган яхшилиги қолади. Уруғ-аймоқ билан борди-келди қилиб, хабар олиб турмоқ ҳам катта зийнат. Ёғ ичганда ёт яхши, қон ичганда қариндош, деб бекорга айтишмайди.

– Албатта! Иш ўлгурдан қўл тегмайди, – ёзғирди Аъзам, – бўлмаса-ку...

– Бу ишда ихтиёрингизни менга беринг, мен вақт топаман.

– Хўп.

Эрининг бу соҳада ҳам ён бериб келаётганидан хурсанд Нафиса, тоғани кўриб қўрқиб кетди. Тоға жуда мэррасига етиб қолган эди. Қайтишда эридан миннатдор бўлиб қўйди.

— Яхшиям олиб келдингиз, кўриб қолдим. Худо кўрсатмасин, бир нарса бўлсалар, ётганларида бир хабар олмаган одам эшикдан қайси юз билан кириб келардим!

Аъзам индамади. У ўз хаёли билан банд эди: тога ўлса меросни кимдан олади? Ё бугун рози-ризолик сўраганда шуни юзига солиш керакми? Аттанг, сал сездирса бўлар экан, тепасида ўғли ҳам бор эди. Отасидан кейин у ё тан олади, ёйўқ.

Аъзам маслаҳат тариқасида шу тўғрида гап очган эди, тогага раҳми келиб, кўнгли эзилиб турган Нафиса:

— Қўйинг, ўзи қайси аҳволда ётибди-ку! Қайси бола-чақангизга етказолмаяпсиз! — деб қаршилик билдириди.

— Қиёмат қарзи бўлиб бўйнида кетмасин дейман, — Аъзам гапни бу томондан илди.

— Ўғиллари ёмон йигитга ўхшамайди, меросингиз бўлса берар. Нокасдан қарз бўлсанг ҳам йўлда тутар, ҳам гўрда тутар дегандек...

— Гап-сўзи тузук ўғлининг. Тағин ким билади, ичи қанақа? Одамнинг оласи ичиди бўлади.

Тоға бир ҳафтага ҳам етмади, оламдан ўтди. Аъзам уч кун белини боғлаб, ўғли ёнида туриб берди. Агар савоб кўз ёшига қараб тақсимланадиган бўлса, ҳаммадан кўпи Аъзамга тегарди! Лекин шундай меҳрибон жияни бор экан-ку, нега шу вақтгача бошқа маросимларда кўрмас эканмиз, дегувчилар ҳам бўлди.

Кузда меваси пишадиган дарахтта баҳордан салом берувчи Аъзам сал вақт ўтгандан кейин ўз ишини қилди. Бели боғлиқнинг дили боғлиқ, деб меросдан оғиз очишга ботинмади. Гапни отасининг маросимларини яхши ўтказаётганидан, элу юртнинг ундан жуда хурсандлигидан, ҳатто «Йил оши»га келган икки-уч кишининг оғзидан ўз қу-

логи билан «киройи кетинг-да туёқ қоладиган бўлса шу марҳумнигига ўхшаган бўлса. Барака топкур, кўп расамади билан отасининг ҳурматини қиляпти. Отасининг арвоҳини шод қилган асти кам бўлмайди!» деганини эшитганидан бошлади.

— Сиздан ҳам хурсандман, Аъзамжон ака, — деди кўнгли юмшоқ ўғил кўзида ёш билан, — шунча обрўйимни олиб бердингиз!

— Бизни қўя беринг. Бир йил қора кийиб, бел боғласак ҳам бундай одамга кам. Бизнинг онамиз ҳаёт вақтларида бу ака-сингилнинг бир-бирларига меҳрибонлигини кўрмагансиз. Бай-бай-бай! Уч кун бир-бировларини кўришмаса, узоқдан қарқуноқ боласидай қанотларини ёзиб, йиглаб келишарди. Богда туриб, бирор-бировларига мева юборишарди.

— У маҳалда мен ёш бўлганман, — афсусланган-дек бўлди ўғил.

— Ҳа, ёш эдингиз. Лекин ҳозиргидек пишиқ эдингиз. Бувимиз раҳматлик иккитадан парварда берса, биз дарров еб қўярдиг-у, сиз биттасини эртага олиб қўярдингиз. Мана тадбиркорлигинги (пишиқлигинги, дейишга тили бормади), ҳозир ҳам бор. Бўлмаса, ўлик кўмишнинг ўзи бўладими? Йўғон ингичкаланиб, ингичка узилади бундай вақтда!

— Шукур, йўқ эмасман! — деб қўйди оқ кўнгил ўғил. — Ўзларининг ҳам ўлимликлари бор экан.

— Яна яхши. Сиз ортиқча чиқимдор бўлмадингиз, ёнингизда қолди.

Ана шу «ёнида қолган»ни усталик билан эсига солиб, бир ойдан кейин Аъзам қарзга беш минг сўм узуб кетди. Гарчанд ўғилга: «Москвага кетяпман. Бир-иккита гилам олиб келаман. Қайтдим — бераман!» деган бўлса ҳам сал ўтмасдан «меросимни олдим!» деб тил чайнади. Бу гап ўғилнинг қулогига етиб:

- Бу қандай бўлди, Аъзам ака? — деган эди:
- Нима қилибди? — деди тик туриб у.
- Қарзни мерос деяётган эмишсиз.
- Энди, ука, — дангалига кўчди Аъзам. — Мерос деб борсам бермас эдинг. Пул ўлгур, жондан ҳам ширин. «Сен», «мен»га бормайлик, деб қарз деган эдим.
- Онангиз меросини олиб бўлган-ку, отам раҳматлиқ айтган эдилар.
- Қачон? Кимдан? — кўзи қинидан чиқиб кетаётгандек бўлиб деди Аъзам.
- Отамдан. Дадангиз камхаржроқ бўлиб юрганда ўша пулга сизнинг қўлингизни ҳалоллаган эканлар.
- Бўлмаган гап! Ҳужжатингиз борми?
- У маҳалда ҳужжат қаёқда эди? Лабз инобат бўлган.
- Лабз эмиш... — писанд қилмади Аъзам, ҳатто масхаралагандек бўлди.
- Дадангиз билсалар керак.

Аъзам ана шу ерда тарвузи қўлтиғидан тушгандек бўлди: дадаси тасдиқлаб қолса нима бўлади? Бутун режалари пучга чиқади-ку! У шу маҳалда «тирик бўлиб тўрда, ўлик бўлиб гўрда бўлмаган» дадасининг ҳаётлигидан ҳам хафа бўлиб кетди! Сариқ чақалик нафи тегмагани тегмаган, шу ерга келиб каттагина зарари етадиганга ўхшаб қолди. Кўз олдига дадаси эмас, унинг бахтига чанг солган ёвуз одам келгандек бўлди, нафратидан тишлари қирсиљлаб кетди.

— У мияси айнаган чолнинг эсида нима бўларди, оғзига келганни алжирайверади-да! — деди Аъзам титраб-қақшаб.

Ўз отасининг таъзиясида кўнгли яримта ўғилнинг кўз олди қоронгилашиб кетди: бу гапни гапираётган ким? Аммасининг ўғли Аъзамми? Ё тавба! Ё адаш эшиттими? Ё туш кўряттими? Нажот-

ки киши ўз отасини, «болам-бўтам!» деб елкасида ортмоқлаб, иссиқда пуф-пуфлаб, совуқда ҳув-ҳувлаб улгайтирган отасини шунаقا беҳурмат қилса! Нима учун? Пул учун, инсон қўлининг кири бўлган пул учун-а! Астағфирулло!

Ўрилга жуда малол келди. Суриштирганига ҳам пушаймон еди.

— Аъзам ака, пул бўлса топилади, дадангизни беҳурмат қилманг. Мен қарзимдан кечдим. Бемалол юраверинг: Сиз олганингиз йўқ, мен берганим йўқ! Ўгил шартта орқасига бурилиб кетди. Аъзам хижолатдан ерга кириб кетиш ўрнига:

— Аҳмоқ! — деди. Қандай қилиб йўқотолмай юрган оғир юқ елкасидан тушгандай енгил тортиб, лабига папирос қўндириди. Хумордан чиқаётгандек сўриб-сўриб тортди. Уйга ҳеч нарса қўрмаган мов мушукдек кўзларини йилтиллатиб кириб келди. Кечки овқатни иштаҳа билан еди. Ҳар кунгидек аллақандай тўлқинларни радиодан тутди, бутун вужуди қулоққа айланиб тинглади. Нима учундир, ўша тўлқин тараалган ерлар унга ҳар кунгидан бугун яқин туюлди, тўғриси, ўзини ўша ерларга анча яқинлашиб бориб қолгандек сезди.

Ўғилнинг сўзи унга ҳамон кор қиларди, кулгиси қистарди. «Шу билан қойил қилдим деса керак ўзича», деб масхараларди.

— Кечдим эмиш. Кечсанг кечавер!!!

Эрининг оғзидан беихтиёр чиқиб кетган бу сўзни дастурхон йигиштираётган Нафиса эшитиб қолди.

— Ким, нимани кечади? — деди эшикдан бошини суқиб.

— Ишинг бўлмасин, хотин, ютдим! — Аъзам жуда мамнун эди.

Хотини қанча қистамасин, нимадан ютганини айтмади.

Бу «ютуқ» уни қанотлантириб юборди. Эртасидан бошлаб ниятини амалга оширишга астайдил киришди. Ниятининг миси чиқиб қолмаслиги учун жуда катта санъат керак эди. Ў шундай қилиши керакки, ҳатто бир ёстиққа бош қўйиб ётган хотини ҳам билмай қолсин.

У энди ишни идорасидан бошлади. Қизи Сурайёнинг туғилган кунини баҳона қилиб, зарур кишиларни чақирди. Меҳмонларнинг атрофида гирдика-палак бўлиб кўнгилларини олишга интилди. Ўша куни умрида бу хонадонга кирмаган кит балифнинг икрасигача дастурхонга қўйилди.

— Бунча ҳотам бўлиб кетдингиз? — деб хотини тегишган эди:

— Ҳаётда шу ҳам зарур экан-да, хотин! — деди Аъзам ва хотинининг нимага зарурлигини сўраб қолишидан, шу билан юрак сири очилишидан чўчиб, гапни дарров бошқа ёққа бурди. — Нима, Сурайё шундай дастурхонга арзимайдими! Давлатим бўлса ҳафтада меҳмон чақириб, йилда бир тўй қилардим.

— Бу гапингиз жойида! Одамнинг кўрки одам билан! — Нафиса яна бир қадам инсоф томонга бурилган эридан мамнун бўлиб, гул-гул очилиб дастурхон тузди, меҳмонларни очик юз билан қарши олди. Икки гапнинг бирида дастурхонга таклиф қилиб турди.

Уч-тўрт кишилик меҳмондорчилик жуда яхши ўтди. Ўтириш охирига етиб, чойга навбат келганда бир маҳал «Аъзамнинг иши»га аралашиб, тинчитиб юборган — хушмуомала аёл Аъзамнинг ёнига стулини суриб келди. Энгашиб, қулогига:

— Шундай қизга уйланмайман, деб юрган эдингиз, унга қаранг, бир хотин бўлса шунчалик бўлади-да.

Аъзам, нечундир, бу гал қулогигача қизарди:

- Ёшлик, опа! – деёлди фақат.
- Ўшанда гожлик қилганингизда қўғирчоқдек бу қаёқда эди сизга!
- Шуни айтинг-а! Тўрт оёқлик от қоқилади-ку, биз...
- Эҳтиёт бўлинг! Энди қоқилсангиз уят бўлади.
- Хўп, опа!

Лекин қасамга ўхшаган бу жавоб Аъзамнинг ичидан, алланечук бир титраш билан чиқди. Бу титрашдан ўзи ҳам чўчиб кетди. Опа эса, буни ёш йигитнинг уялишига йўйиб, яна бир пиёла чой сўради. Шерга ногоҳ йўлиқиб қолиб, қандай қилиб қутулишни билмасдан титраб турган қуёндек безовта Аъзам жон деб опа қўлидан пиёлани олди. Олдида, чойнакда чой бўлишига қарамай, шошиб қолганидан ошхонага югурди.

– Чой бор-ку! – хотини эслатган эди, бунга ҳам баҳона топди:

– Иссиғидан!

Меҳмонлар кетгач, Аъзам бунинг аламини хотинидан олди:

– Эр бир иш қилаётганда хотин човлисини солмайди, киши уялиб кетди.

– Билмабман, кечиринг. – Нафиса чиндан ҳам: «Эримни ноқулай аҳволда қўйибман», деб ўйлади. Яна изоҳ берди: – овора бўлаётганингизга...

– Туриб дарров қўлимдан олгин эди, – Аъзам унинг гапини бўлди.

– Бундан кейин албатта шундоқ қиласман, эржон!

Нафисанинг юз-кўзи яшнаб, кулиб айтган бу сўзи Аъзамнинг юрак сирини яна қалинроқ пардалади.

Аъзамнинг қулоғи шу кунларда кўп уюштирилаётган чет эл турист гурухларида эди. Шундай сафардан қайтган бир нечта одамнинг суҳбатларида бўлди, хотираларини ўқиди. Ўзига керак ерларини кўнглига жо қилиб, режасини пухталаб борди. Уни

сафарнинг расмий томонлари кўпроқ қизиқтиради: кимлар юбора олади, қанақа қилиб юборилади?

Аъзамнинг яқинда Ҳиндистонга бориб келган бир таниши унинг ҳижжалай берганини кўргач:

— У ёқ-бу ёққа бориш ниятинг борми? — деб сўраб қолди.

— Ҳамма бориб келяпти, мен ҳам...

— Имконинг бўлса бор! Эшитган бошқа, кўрган бошқа. Ишингга нафи ҳам тегиши мумкин.

— Мен ҳам шу томонларини ўйлаб...

— Бор, дўстим. Иккиланмай боравер. Кўрганинг қолади! Шайх Саъдий етмиш ёшида сафарга чиқиб, қайта туғилдим, деган экан.

— Киши яшаради ҳам дегин! — ҳазилга олди Аъзам.

— Сенга яшариш керакмасдир, ё қариб қолдингми?

— Шу ёшимда беш-үн йил тўхтаб турсаммикин девдим.

— Бу бошқа гап!

— Расмий томони қанақа бўларкин, мана шуни-сига сал ҳайронман, — гапни амалий томонга бурди Аъзам.

— Расмий томони нима? Жиноятчимисан? — ажабланди сұхбатдоши. У Аъзамнинг юрагида, гўштни босган қуртлардек ғимирлашаётган бадбўй ниятларини сезмас, сезиш у ёқда турсин, хаёлига ҳам келтирмас эди. Аъзам эса, бўйнида иллати борнинг оёғи титрар қабилидан бўлиб, ўзини эҳтиёт тутар, нияти сув юзига шишиб чиққан мурдадек кўриниб қолишидан гумонда эди. Сұхбатдошининг «жиноятчимисан» сўроғи қулогига «жиноят қилмоқчимисан?» бўлиб әшитилди. Бу сўздан аъзори бадани ларзага келди. Одатдаги ҳозиржавоблиги билан оғир аҳволдан енгил чиқди:

— Жиноят нимаси! Бир маҳал хотиним билан...

— У бир маҳал эди. Ҳозир яхшимисан? Бирга турибсизми! Вассалом!

Аъзам, шугина бўлса, бу ёғи ҳеч гап эмас экан, деб турмушининг яхшилигини, агар шунга уйланмаганида жуда катта хатога йўл қўйиши мумкинлигини ярим соат вайсади.

— Мақтамайману, менинг жаннатим уйимда! — деди «хотининг ёмон бўлса, сенинг жаҳаннаминг бу дунёда» деган гапнинг аксини келтириб.

Аъзам шундай синов ва суриштиришлардан кейин таътилини турист сафарларидан бирига тўгрилади. То фалон куни йўлга чиқасан, дегунларича ётиб уйқуси келмади. Ҳатто бир куни туш кўрибди: унинг сири очилиб қолганмиш. Уни ушлаймиз, деб аллақандай кишилар томма-том қувармиш, У оёғи ерга тегмай қочибди. Энди қўлга тушдим, деганда олдидан катта бир ит чиқиб қолибди. У ўтиб кетибди-ку, ит қувиб келаётганларни талаб, йўлини тўсибди. Қора терга тушиб уйғонса — туш! Изтиробдан эзилиб, нариги ёнбошига ағдарилиб ётди. Кўзи уйқуга кетиши билан яна туш кўрди. Бу гал итлар уни талаётганмиш. Ичиди бояги катта ит ҳам бор. Фарёд урса, товуши чиқмайди. Итлардан зўрга қочиб қутулиб, ўзини сувга отса, шундоқ тимсоҳнинг оғзига тушибди, Жемс тимсоҳ әмиш. «Войдод!» деб уйғонса, хотини ёнида. Чўчиб бошини кўтарди.

— Тинчгина ухласангиз бўлмайдими! Болани уйготиб юбордингиз! — деди Нафиса ёнидаги каравотда ётган Сурайёнинг устини ёпаётиб. Елкасига чойшаб тортар экан, яна гинахонлик қилиб қўйди:
— Хуррагингиздан қутулиб, энди кўзим уйқуга кетган эди.

— Хуррак отаманми? — деди Аъзам безовталигининг сабабини айтмаслик учун жўрттага. Кўз олдидиа Жемс турарди. Энди у гоҳ ўзи, гоҳ тимсоҳ, бўлиб кўринарди.

— Отганда қандоқ! Мен-ку, майли, Сурайё бечора неча марта уйғониб кетади. Бир томони құшнидан уяламан.

— Йүг-э!

— Мушукдек пишиллаб ухлайман, дейсиз шекилли!

— Шу хуррак нимадан бўларкин, хотин? — шилқимлик қилди Аъзам Нафисага, — хотинини яхши кўрганданмасмикин?

— Жим ётинг, бачкана бўлманг! — унинг қўлини кўкрагидан итариб ташлади хотини. — Агар севгидан бўлса сизникини фаришта ҳам эшитмас эди!

— Ҳали менинг тўғримда шунаقا фикрдамисан? Қўй-э!

— Бўлмасам-чи! Ўша қилган қилиғингизга ҳали дугоналарим ичидা бошимни кўтариб юролмайман. Шунчалик кўнглингиз йўқ экан, йўлимни тўсиб нима қилардингиз. Мен лақма ўлгур, сизнинг ёлгонларингизга учиб, шарманда бўлиб юрибман!

— Ҳозир ҳам хафамисан? — деб оғирига тутди эр.

— Ҳозир-ку... шукур... ўшанда орага совуқлик тушмаганида яна ҳам...

— Ўтган ишни қўйсанг-чи, барака топкур, кимлардан хатолик ўтмаган! Бир синааб кўрмоқчи бўлгандим.

— Синаш ўлсин, шунаقا бўлса! Синаган одам башрасига балчиқ сочиб синайдими?

— Нима, оқибати ёмон бўлдими?

Нафисанинг айтадиган анча гапи бор эди-ку, эрининг қадогини босиб олишдан ҳадиксиради. Ўша кунлар алами эсига тушиб, ўзини шунча қилди — босолмади: ўпкаси тўлиб, кўзига ёш келди.

— Вой тентак, йиғлаяпсанми? — Аъзам бағрига олди.

— Йиғламайманми... — Нафиса у ёғини айттолмади, кўз ёшини чойшабнинг бир четига артди.

Шу кечаси иккаласининг ҳам кўзига уйқу келмади.

Нафиса ўтмишини эслаб, хўрлигидан ухлолмаган бўлса, Аъзам «у ёққа» ўтгандан кейин бошланадиган тенги йўқ ажойиб ҳаёт завқи-шавқида масти эди. Лекин Жемснинг тимсоҳ бўлиб тушига кирганидан кўнгли бир оз хира эди. Нега у тимсоҳ бўлиб кўринди?

7

КИЗ КУТИШ

Таманнонинг заҳар ичганини оқсоч хотин айтишга кирганда Сайдакбар ҳожи ноз уйқуда эди.

Кеча эрталаб шериги билан завод ишларининг боришини кўздан кечириб, натижасидан мамнун бўлган Ҳожи иккита гумашта ишлайдиган пойабзал магазинига ўтмади. Бугун пайшанба бўлгани учун пешин намозини кенг жамоа билан ўқиши ниятида машҳур Фотима Алфаҳрия масжидига йўл олди. Масжид атрофида доим ўралишиб ётган етим-есир ва ғарибларнинг дуч келганига майда улашди-да, ичкари кирди. Нақшин ва аломат устунларни оралаб ўтиб, имом кўринадиган ердан жой олди, намозини ўқиб, марҳум хотинининг мозорига ҳам шампули ташлаб ўтди. Қархисидан чиққан жуда катта «кока-кола» рекламасига кўзи тушиши билан энсаси қотгандек лабининг бир чеккаси учди-ю, заргарликка бурилиб кетди. У «кока-кола»ни хуш кўрмас эди.

«Севги можароси»дан кейин анча тинчиб қолган, лекин бир йил – ўн икки ой касали аримаган кишидек ранги синиққан Таманнони севинтирмоқчи бўлди. Алдамоққа бола яхши, деб кўнглидан ўtkazdi Ҳожи, бор бисоти намуналарини витриналарга маҳорат билан намойиш қилиб қўйган қатор

заргарлик магазинлари олдида тұхтаб үтирмасдан, әнг машұрига түғри кириб борди. Не-не бадавлат хонадон хотин-қызыларининг күзини ўйнатадиган бу улкан магазиннинг хұжайини Ҳожини иссиқ кутиб олди. Олдига стул қўйди. Ялпиз чой қўйиб узатди. Ҳожининг келиш мақсадини эшилгач, кўзи шода-шода марварид ва тилла буюмларда кезиб юрган меҳмоннинг диққатини ўзига қаратди:

— Ҳожи, сиз бопи бу ёқда, — деди очиқ юз билан ва усти никелланган, йилтироқ сейфига калит солди. Сейф ўзига хос нозик товуш чиқариб очилиб бўлгач, яна сўз қотди, — ўзини ҳам кечагина Париждан олдим, ҳали расм бўлганича йўқ.

Гарчанд «Париж» сўзи Ҳожининг хаёлига қизи ҳангамасини ялт этиб туширган бўлса ҳам, «ҳа тулки, авраяпсан-а!» деган фикр кўнглидан ўтди, зоҳиран, сукут сақлаб кутиб турди.

Дўкондор «сизга шу молимни кўрсатишдан ўзим ҳам мамнунман» дегандек юз-кўзи тўла табассум билан тим сиёҳ соқолини серкиллатиб тундек дуҳоба қутичани атайин очмасдан харидорнинг олдига қўйди.

Сайдакбар ҳожи қутини бепарвогина очди-ю, кўзи тиниб кетди. Унда чиндан ҳам завқи бениҳоя баланд ва серҳафсала устанинг мўъжизакор санъати ўзининг бутун жозибасини намойиш қилиб турарди: бу «етти қароқчи» юлдузининг гавҳар доначалари билан акс этган олтин узук эди! Буни қарангки, худди Таманнонинг бармоғига лойик! Бу ёғидан ҳам хурсанд бўлган Ҳожи ичида: «Қизим баҳтли қиз! Муддаомдай!» деб қўйди.

Ҳожининг юзидаги ўзгаришни касбиға хос сезгирилик ва диққат билан кузатиб турган дўкондор жўрттага:

— Қалай, маъқулми? — деди. Узукни икки бармоғи билан ушлаб кўздан кечираётган Ҳожининг қўлидан назокат билан олиб, ўз жимжилогига кий-

дирди, ёриққа солиб товлади, кейин ўзига айтаёт-гандек таъкидлади: – буюм! Бебаҳо буюм.

Ҳожи ўз харидидан мамнун бўлиб қўрасига қайтганда ҳар кунгидай Таманно ўз хонасида эди. «Қизимнинг ақли кириб қолди!» деб кўнглидан ўтказган Ҳожи, яна оқсоч хотиндан унинг аҳволини суриштириб, хотиржам бўлди.

Муҳаббат нималигини билмаган, аксинча, уни уят ҳисоблаб келган Ҳожи қизининг ичи ёниб, тиши кулиб турганини билмас, билиш хаёлига келмас эди. Кемаси ҳалокатга учраб, ўзи кимсасиз оролга чиқиб қолган кишидек кўнгли вайронга Таманнони бу бадавлат хонадоннинг на дабдабаси, на жиҳози қизиқтирар эди. У ўз аламида яккаю ёлғиз эди. Ҳатто қаердан нажот келишини ҳам билмас, унинг нидосини ҳеч ким эшитмас, кўнгли чироқ ёқса ёри мас эди.

Шунинг учун отасининг қувона-қувона минг бир мақтov билан олиб келган гавҳар кўзли узуги ҳам уни қизиқтирмади. Отасининг ҳурмати ва одоб юзасидан бармогига солиб кўрди.

– Жуда ярашди, – деди Ҳожи қизининг кўнглини кўтариш ниятида. Тили билан маъқуллашга мадори етмаган қиз қўзини очиб юмибгина отасининг фикрига қўшилди. Қимматбаҳо узукдаги етти гавҳар донаси муродига етмаган кўзларининг етти томчиси бўлиб унинг назарида жилваланмоқда эди!

«Ана энди қизим ҳаммасини унутади!» деб хотиржам бўлган Ҳожи кечқурунги овқатга қизининг чиқмагани билан ҳам иши бўлмади. Чунки қизи шундай бир узукни бир маҳаллар орзу қилган, лекин Ҳожи: «ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор. Бевақт ейилган ширинлик меъдани айнитади», деб галга солган эди. Демак қизи орзусига етди, Ҳожи тинчили. Ана шундай енгил руҳ билан ўринга кирган Ҳожи, ширин хаёллар оғушида ухлаб қолгани-

ни билмади. Оқсоч хотиннинг уйни бошига кўтариб солган фарёди ва кейин Ҳожи ётган хона эшигининг бетартиб кетма-кет муштланиши Ҳожига даҳшатли тушнинг босинқираши бўлиб туюлди. Не иложки, ўнги эди.

У чиқиб боргандада Таманно қаравоти оёғидаги ипак гилам устида ғужанак бўлиб ётарди. Жон ҳолатда унинг бошини тиззасига олган Ҳожи нима қилишини билмас, зўр бериб оқсочга: «Нима қилди? Сен қаёқда эдинг?» деб бақиради.

— Шу ерда эдим, — йиглади оқсоч, — ғафлат босиб кўзим илинган экан, бир вағт қулогимга хириллаган товуш кирди. Кўзимни очсан, бекам ерда ётибди. Ўлимдан хабарим бор, бошқа ҳеч нарсани билмайман!!

Бу гап-сўзларни ортиқча билган Абулбарака синглисими дарров касалхонага олиб кетди. Ҳар кўринган тиббий ходимдан најжот кутиб, кўзлари жавдираб турган Ҳожи, воқеанинг нималигини салдан кейин ўғлидан эшитиб, ҳангуманг бўлиб қолди.

— Тирикми? — дея олди аранг.

— Тирик. Тадбирини кўришяпти, — деди Абулбарака ва отасининг кетаверишини, ўзи шу ерда бўлишини билдириди, — бу ерда турганингизнинг фойдаси йўқ.

Барибир Ҳожи кетмади. Бирдан узук эсига тушиб қолди.

— Қўлида... яна бирортаси...

— Олиб қўйдим, — деди Абулбарака ва шу пайдада узук отасининг эсига келганидан ғижинди. Бу ғижинишими тили билан айтиб қўйишдан чўчиб, синглиси олдига кириб кетди.

Таманно тирик қолди. Лекин узоқ ётди. Бир оз оёққа турса ҳам, ҳадеганда кучга кириб кетмади. Билағон докторлар ҳаво ўзгартиришини, яхшироқ бирорта курортда даволанишини маслаҳат беришиди. Абулбарака ҳам:

— Қанча тез юборилса, шунча яхши! — деган фикрни айтди. Лекин қизининг бу ножүя ишидан дили олинган, ёру биродарларига кўринишдан юзи шувут бўлиб юрган Ҳожи аввалига рози бўлмади, кейин тақдирга тан берди, кўникди, тирик қолганига шукур қилиб, Таманнонинг ёнига киши қўшиб курортга юборди.

Бугун ана шу қизи, отаси кўнглини оғритган қизи курортдан келади.

Бу орада ўтган кунлар, ҳафталарнинг шамоли Ҳожининг кўнглидаги не-не гина-кудуратларни елпиб кетган. Аламлари ўрнини соғиниш олган. Энди барча қўнгилсизликлар бир туш эди. Туш ўтди. Тонг отди — Ҳожи уйғоқ. Кўзида ҳаёт ва севинч нури, қалбида қизининг соғинчи. Эрталаб жойнамоз устида тўрткўз тугаллиги билан дийдор кўрсатишини дуо қилди. «Эй ношукур банда, шунисига ҳам хурсанд бўл!» деб ўзига тасалли берди. Руҳи енгил тортиб, хоналарни айланиб чиқди. Қизининг хонасини алоҳида кўздан кечирди — назарида Таманно ҳалигина чиқиб кетган бўлиб туюлди. Ана шу ҳис бошқа бир тадбирини келтириб чиқарди: қизи мана шу хонада бахтсизликка учради, энди бунда турмасин! Дарров хизматкорларни чақирибириб жиҳозларни бошқа хонага кўчиритирди, ўзи бош бўлиб турди. Ҳамма нарса жой-жойига қўйилиб, кўнгли тинчигач, Қурбоналини бир четга имлаб олди:

— Бу қорасоқоллар, — деб араб хизматчисига ишора қилди у, — қўй танлашни билмайди. Сен ўзинг битта яхши қўй олиб келгин.

Қурбонали шофёрни чақириб машинага ўтираётган эди, яна Ҳожи тайинлади:

— Қорасидан олгин. Ёш бўлсин. Кейин ўз қўлинг билан сўй, эҳтиёт бўл, пашша ўтирмасин.

Эсини таниганидан буён Ҳожининг эшигига умри ўтган Қурбонали бу хонадоннинг қумурсқаси-

дан гиёхигача, ҳаммасининг феъли-авторини яхши билади, Ҳожиникини-ку анчайин. Унинг қайси вақтда йўталишидан нима маъно чиқишини бемалол айтиб беради. Шунинг учун Ҳожининг бугунги Таманнонинг келишига кўраётган тайёрлигини кўриб ажабланиб қолди. Ахир Таманно унинг биттаю битта қизимас. Она юртда ҳам учтаси қолган. Ҳожи буларнинг ҳеч бирига бунга ўхшаш илтифот қилган эмас. Қурбоналининг кечагидек эсида: Ҳожи кетма-кет икки қиз кўрди. Учинчисини энди ўғил бўлишини бесабрлик билан кутарди. Хотинининг дард тутиши билан дояга одам жўнатди. Доя келиб, ўтиб кетиши билан ичкаридан кўзини узмай қолди. Тиқ этса қулоғи динг. Шунда Қурбонали тегишиди:

— Ҳожи ота, нарироқ бориб туринг, биз ҳам суюнчилик бўлиб қолайлик. Хотиржам бўл, бир червон сеники, — деди Ҳожи ва занжири осилиб турган ён соатини очиб қараб қўйди. Бир маҳал ичкари эшитида опаси бўшашибина кўринди.

— Ҳа, нима? — энтикиб қолди Ҳожи.

— Ўзингни ўрганганинг, иним! — деди опа.

Ҳожи шунда қиз туққан хотинини шунаقا ҳақорат қилдики, ҳатто опаси уялиб ичкарига кириб кетди. Шу сабаб бир қанча вақт хотинига кўнгилсиз бўлиб юрди. Бегона хотин орттириди. Шулардан биттаси бир зиёфатда кўзига кабобнинг сихини тиқиб олди-ю, унинг оёғи тинди. Бир кўзининг ҳозирги қийиги ўшандан. Кетма-кет учта қиз кўрган хотин бечора Абулбаракани тұғди-ю, «устингга хотин оламан»идан қулоғи тинчили. Кейин савдо-стикдан путур кетди. Бу ёққа қочди. Шундан бери на ўша хотинини, на тирик етим қолган қизларини эслайди. Бу орада Қурбоналининг ҳам оиласи қолиб кетди. Ҳожи ваъдасида турмади — «бориб олиб келадиган одам» ҳали йўлга чиқади! Бу туфайли Қурбоналининг Ҳожидан кўнгли олинган, ҳамон сўққабош ўтиб келади. Хаёлида она юрт, кўз ол-

дида касал ётган ўғли Умматали ва унинг тепасида йифлаб қолган хотини. Мўмин-қобил, заҳматкашгина хотин эди бечора. Ҳожи бўлса ҳаммасини унуди. Бугун эса «якка қизим, арзанда қизим», деб Тамманонинг йўлида кўзи тўарт.

Қурбонали шуларни ўйлаб, қўй бозорига ётганини билмай қолди. Ўнни кўриб, биттасини танлади-да, оёгини боғлаб машинанинг орқасига ётқизди.

У қўйнинг бўғзига энди пичоқ тортганда эшикда Ҳожи кўринди. Қурбоналининг олдида майда қизгиш қум устида ётган Қоплон Сайдакбар ҳожини таниб истиқболига турди, ҳатто уч-тўрт қадам ҳам қўйди. Соҳибининг қўлидаги қофозга ўроғлик нарсадан умидвор бўлди.

Ҳожининг соқол-мўйлови яхшилаб текисланган, сочи қирилган эди. Бошига туркча фасини бостириб-роқ кийиб олган. Қўлидаги нарсани шу ерда турган стулнинг устига аста қўяркан:

— Эсингдан чиқмасин! — деб таъкидлади. Бунинг нималигини айтмаса ҳам, Қурбонали билади: бу — Сайдакбар ҳожининг сочи! Бу ўлкага келибдики, Ҳожи сартарошларнинг «азиз бошнинг сочи»ни супуриб, ахлатга ташлашини маъқул кўрмай, қаерда сочини олдирса қофозга ўратиб олади. Кейин уни Қурбонали «ўзингдан олдин сочинг мозорга бормай ўлсин», деб яқин қабристонлардан бирининг чўйкан ёки оғзи очиқ мозорига ташлаб келади.

Қоннинг ҳидини билиб, қари Қоплон аллақачон ўзига ҳам гажак қилиб кўтариб олиш малол келиб қолган узун думини ликиллатиб Қурбоналига яқинлашди. Қурбонали уни кўриб:

— Сабр қил, жонивор, сеникини ўзим айириб бераман, бунда сенинг ҳам ризқинг бор, — деди ва уни ширин сўз билан нарироқ ҳайдаган эди, Ҳожи кесак отиб ундан ҳам нарига қувиб юборди.

— Ҳайдаманг, Ҳожи, ватанимизни кўрган ит!
— деди Қурбонали пичоқни кўндаланг тишлаётиб.

Қўйнинг жони чиқиб бўлганига ишонч ҳосил қилгач, бошини хандақдан четга тортиб, оёғини ечди.

— Ватанимизни кўрган бўлса, бир товоқдан ош ичиб, қўйнимизда олиб ётамизми, одамдан нарироқ турсин-да!

— Эгасининг сиз билан бир товоқдан овқат ейиш даъвоси йўғу, итнинг ҳадди сифармиди, Ҳожи, қизиқ гапларни гапирасиз-а! — ватангадолик жонидан ўтиб кимдан аламини олишни билмай юрган Қурбонали узиб олди. Ҳожи индамади.

У Сайдакбар ҳожидан ортиқча ҳайиқмас эди. Бир томондан, бир-икки ёш катталиги бўлса, иккичидан, бу хонадонга ўтқизиб қўйган меҳнатининг қадрини биларди. Лекин кейинги уч-тўрт йил ичida Ҳожи Қурбоналини ўз дастурхонидан четлата-четлата, қўранинг этагидаги эски кулбага тиқиб қўйди. У билан ортиқча иши ҳам йўқ. Шу жихатдан Қурбонали ўз тақдиди билан Қоплонникида қандайдир муштараклик кўради. Шунинг учун ҳам Ҳожининг итга отган кесаги унга жуда малол келган, кўнглини оғритган эди. Аслида бу Қоплон улар билан йўл азобларини тортиб, ютидан келган ит Қоплоннинг боласи. Қурбоналининг эсида: улар тун қоронгусида йўлга тушишлари билан Қоплон ҳам пайдо бўлиб қолди. Олдинига Қурбоналининг ўзи ҳам ҳайдади, кейин Ҳожи қамчи ўқталди, барибир ит эргашаверди, бирпас тўхтаб қолади-ю, яна югуради. Шунда Қурбоналининг унга раҳми келди:

— Қўяверинг, ҳамроҳ бўлади!

— Ҳамроҳ бўлмай ўлсин, панд бериб қўяди, — қаршилик кўрсатди Ҳожи.

— Ит-да, Ҳожи, эгасига эргашади, мушук бўлганда эди, уйда қоларди. Ит — вафо.

Шунда Қурбонали машҳур эртакни айтиб берган эди: савдогар сафардан қайтгунча ўйнаши билан яшаб турган хотини, эрининг келаётганини эшитиб, нима қилишини билмай шошиб қолади. Ўйнаши би-

лан қочади. Савдогар келса хотин ҳам йўқ, мол-дунёй ҳам. Кетидан қувади. Етиб бориб, ёқалашади. Шунда хотини эрининг эмас, ўйнашининг ёнини олиб, савдогарга ташланади. Ит эса, эгаси бўлмиш савдогарни ҳимоя қилади. Голиб чиққан савдогар ўйнашини қиличдан ўтказиб, хотинини банди қилиб уйига қайтади. Шу кундан бошлаб хотинини итнинг темир катагида тутиб, итни уйнинг тўрига чиқаради... Ҳозирги ўз ҳаётига озми-кўпми тегишли бўлган бу воқеа ўшанда Ҳожининг кўнглини юмшатган ва шундан кейин орқаларида эргашиб келаётган Қоплон билан иши бўлмаган эди. Қоплон эса, Қурбоналиники, тўғриси, унинг ўғли Умматалиники эди. Уни кўзи очилмасдан олиб боққан. Қулоги ва думини кесаман деганда Умматали «огрийди» деб кўнимаган эди. Шундан кейин Қурбоналининг ўзи ҳам, нима учундир, қулоқ-думи кесилган итни кекса одамнинг бачканга кийинишига ўхшатиб, ёқтирмас эди. Ўғли Умматалига онаси атайлаб ёпиб берган кулласининг ёки шиннига ботириб берган нонини Қоплон олиб қочганда, хотинининг жаҳли чиқса ёки калтак олиб қувласа, «Урма, хотин, итнинг нияти яхши бўлади: хонадоннинг бола-чақаси кўпайсин. Қўлидаги нон-нунларини мен олиб қочиб еб юрайин», дер экан. Шунда хотини шахтидан қайтарди. Қурбонали эса, йиғлаб қолган ўғлини қўлига олиб, ёши билан ҳўл бўлган ўртак юзларидан ўпарди, «ўзингнинг Қоплонинг-ку, шунга ҳам йиглайсанми? Катта бола йигламайди!» деб овутарди.

Ана ўша ёш ва зийрак итнинг боласи ҳам бугун Қурбоналининг ўзидек қариган. Бу ит ўша ватандош итнинг боласи эканини ҳам Қурбонали аллақачон унугтган. Унинг назарида бу Қоплон ўша Қоплон. Унга ўша Қоплондек қадрдон. Итнинг ҳеч нарса билан ортиқча иши йўқ, ҳатто қўнган пашшаларини қўришга ҳам ҳафсаласи келмайди. Қур-

боналига ўхшаб, улкан қўранинг бир чеккасида ортиқча буюмдек ётади. Унга Қурбоналигинага гап қотади, тилсиз дўстининг бош қимирлатиши, кўзини очиб-юмиши, думини ликиллатишидан ўзича мально топади. Ҳатто баъзан, ўшандаги, Ҳожи ҳайдаганида, индамай қўя қолмасдан бу бегуноҳ маҳлуқнинг ҳам бошига мусофириликни солганидан ўксис қўяди. «Ҳарна бир ватангадо кам бўлармиди!» деб ўзини койийди. Баъзан унинг борлигидан хурсанд бўлади. Қоплон бўлмаганида ким билан дардлашар эди. Абулбарака, гарчанд, уни яхши кўрса ҳам, ҳурматини доим бажо келтирса ҳам, болалигида юртидан чиқиб кетгани учун соғиниш нималигини билмайди. Саидакбар ҳожининг эса, мол-мулк тўплаш, дунё орттиришдан қўли тегмайди. Қўли текканда ҳам хизматкори билан «бачканалашиб» ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Демак, шу Қоплондан бошқа доим бирга бўладиган дилкашу ватандоши йўқ. Нима деса эшитади, нима берса миннатдор бўлиб ейди!

Ҳожининг ҳозир итни қувганда Қурбоналига малол келиши ана шундан эди.

Саидакбар ҳожи Қурбонали қўйни пулфлаб, осгунича тепасида турди, ҳатто осишда қарашиб юборди. Териси чала шилинган қўйга синчиклаб қаради-да:

— Тузук чиқди! — деди, кейин таъкидлади, — терисига пичноқ тегиб кетмасин, эҳтиёт бўл.

Унинг орқасидан қараб қолган Қурбонали: «Шунча давлатни гўрига орқалаб кетадими! Битта терига ҳам очкўзлик қиласди-я!» деганича чарвини ажратиб, тогорага шалоплатиб ташлади. Жўрттага қилгандек, Ҳожи кўздан гойиб бўлиши билан Қоплонни чақириб, олдига бир парча гўшт итқитди:

— Ол, жонивор, олдини сен еб тур! Буларнинг баридан менга сен қадрдонроқсан!

Саидакбар ҳожи уйга кириб, кийим-бошини алмаштириди, оқсоч хотинга ҳаммомга олов ёқиб қўй-

иши буюриб, телефонга қўл узатди. Самолётнинг қачон келишини яна бир суриштириди. Кейин бурчакда турган зангли улкан соатга қараб қўя қолмасдан, нимчасининг кўкрак чўнтағида олиб юрадиган олтин занжирли қопқоғи чиқиллаб очиладиган ён тилла соатига ўйчан назар ташлади. Ҳали сартарошда шошмасдан текислатиб келган ихчам мўйловини икки ёнга бош ва кўрсаткич бармоғи билан бир-икки бураб, қоматли калта соқолини кафтига олиб қуйига қараб силади. Бир маҳал «бегона хотин» кабоб сихи тиқиб олган сўл кўзи қисилиб, ўзи хаёлга толди. Бир нарса эсига тушгандек яна телефон трубкасини олди. Абулбаракани чақирди:

— Аэропортга чиқасанми? — деди. Ўғли важ кўрсатди шекилли, — оғир бўлса сендан бошқа доктор йўқми? Сен касалхонанинг хўжайинимисан ёки ёлланган докторими? — деб силтаб берди, трубкани шиддат билан жойига қўйди. «Тавба! Хусусий касалхона очаман, деди, хўп дедим. Аллақайси бир шаҳардан аппаратлар ёздириб олиб бердим. Даромади тузук бўлади, деб ўйлаган эдим, кўнгилдагидек чиқмади. Қачон кўрсанг, бева-бечора билан тўла. «Ҳой, ўғлим, фалон пул сарф қилиб қўйибмиз, бу масжид эмас, касалхона!» десам ҳам қулоқ солмайди. «Савоб бўлади!» деб менинг нозик еримдан ушлайди: «Сиз ҳаж қилганда мен бева-бечораларнинг савобига қолсам ёмонми! Шу савобнинг ярми барибир сизники», деб ҳазилга олади. Мана, битта бенавонинг касали оғир, деб синглисини кутгани чиқмай ўтирибди. Шу ҳам иш бўлдими! Ажали етиб, нон-насибаси узилган бўлса, сен тепасида турсанг ҳам ўлади, турмасанг ҳам. Йўқ, ёшларга бир нарсани тушунтириб бўлмайди!»

Шуларни кўнглидан ўтказган Сайдакбар ҳожи ёлғиз ўзи қизини кутгани чиқиб кетди.

НОМАРД

Аъзам кетиши аниқ бўлгандан кейин жуда энтикиб қолди.

Ишни хотинидан яшириб юрган пулини йириклишдан бошлади. Бунга омонат кассасида ишлайдиган бир таниши қўл келди. Гўё у, нимага шунча пулни йириклиш керак бўлиб қолди деяётгандек, Москвага кетаётган эдим, деб баҳона кўрсатди. Ўртоғи:

- Аккредитив қилиб олинг, бехавотир бўлади,
- деган эди:
- Имзом ҳеч бир-бирига ўхшамайди, қайта қўйдира бериб кишини қизартиришади, — деб баҳона қилди. Елкасини қисган ўртоғи:
- Ихтиёргиз, — деганича илтимосини қайтармади.

Аъзам пулни уйда, хотини йўқ вақтида эшикни ичидан қулфлаб кийимлари орасига жойлади. Бу пул унга «у ерда» қаддини ростлаб кетгунича керак бўлади!

Савлат тўкиб юрадиган Аъзамнинг анчагина тузук кийим-боши бор эди. Албатта ҳаммасини ололмасди. Лекин қайси бирини ташлаб кетишини кўнглидан ўтказса ҳам жони ачирди. Кўйлакнинг иши енгил. Уч-тўртта олгани билан ҳам бироннинг назарига ташлана қолмайди. Костюм билан пальто масаласи оғир. Иккита янги костюмни олай деса, ширикларидан ҳадиксирайди. Сафардошларидан бирортасини танимайдики, қўйнига қўл солиб кўрса! Шундай бўлса ҳам иккита янги костюмини олишга қарор қилди. Бирон: «Ҳа, мунча? У ерда қишлий-сизми?» деса, жавоб тайёр: «Бири кундалик, бири кишилик. Дўст-душман олдида эртаю кеч битта костюмда юраманми? Уят!» дейди. Қани, ишонмай ҳам кўрсин-чи!

Лекин пальтога келганды боши қотди. Олди ёз. Уни ҳеч ҳам олиш имкони йўқ. Тащлаб кетишига кўзи қиймайди. Шу йил баҳор чиқиши олдида тиктирган эди. Бир ой ҳам ёлчитиб кийгани йўқ. Хўш, кимга қолдириб кетади? Баҳтини қаро қилган, унинг шу дайдиб кетишига сабаб бўлаётганлардан бири – хотинига ташлаб кетадими! У нима қиласиди? Ё олиб чиқиб сотади ёки ундан кейинги эрининг елкасига ташлайди!

Аъзам шуларни ўйлаб ётиб туш кўрди. Тушида Нафиса эрга тегаётган эмиш. Янги эрининг қарши сига хандон солиб пешвоз чиқди. Унинг эгнидаги эски чопонини ечтириб ташлаб, ана шу пальтони кийдирди.

– Мана шу сизга ярашади. Асли сизга тиктирилган эди! – деб ғижимланган ерларини кафти билан текислайди.

Аъзам уйгониб юраги орқасига тортиб кетди. Бундоқ қараса, бегуноҳ хотини бу дунё ташвишларидан холи ёш қизлардек пишиллаб ухляяпти! Хайрият, тушим экан, деди. Бошқа уйқуси келмади. Хаёличувалиб кетди: қаёқларга бориб келмади!

Аъзам чорасини топди: сотади!

Худди шундай қилди. Яқингинада куя дорига босилган пальтони хотини йўғида сандиқдан олди. Ёнига Нафисанинг яхши кўрган кофтасини ҳам аламдан қўшди. Наридан-бери куя дорисини қоқиб, бозорга элтиб сотди. Пулинин қўлида нима қилишини билмай бир оз чанглаб турди. Йўқ, бунинг ҳам йўли топилди. У кимдандир, чет әлда фотоаппарат билан соат яхши қадрланади, деб эшитган эди. Бундоқ қараса, пули яхши бир фотоаппаратга етади. Дарров харид қилди.

Ҳеч нарсадан хабари йўқ хотини ишдан қайтганда фотоаппарат лаш-лушлари билан қозиқда илиғлиқ туради.

— Бу нимаси? Қаёқдан келиб қолди? — ажабланди Нафиса.

— Сенга ажайиб кўринишларнинг расмини олиб келаман. Сирти духоба альбомингга жуда кетади-да.

— Олишни билмайсиз-ку, ё ўргандингизми?

Шунда аппаратдан фойдалана билмаслиги, бу эса панд бериб қўйиши мумкинлиги Аъзамнинг ёдига тушди. Унинг хаёли яна ишлаб кетди: жилла бўлмаганда чиқиллата билиши шарт!

— Энди ўрганамиз-да, онаси! Ҳамма ҳам бизга ўхшаб хом сут эмиб, эсини таниган. Ё менинг гапим нотўғрими?

— Тўғриликка тўғри-ю, бирдан кўтариб келганингизга... — содда Нафиса сўзини тугатгунча Аъзам жавобини қилди:

— Бир маҳал магазинчи танишимга «ишқибозлигим бор» деб оғзимдан гуллаб қўйгандим. Бугун кўчада кўриб, «жуда яхшии келди. Ниятингиз чин бўлса шундан олинг. Бунақаси энди яқин орада бўлмайди. Асли экспортга тайёрланган экану, нима сабаб бўлиб, ўзимизга чиқиб қолибди», деб асти қўймади. «Ҳозир қўлим қисқароқ!» десам ҳам кўнмади. Одамшавандалик қилиб пулини ҳам ўзи тўлаб юборди.

— Ишқилиб, сиз йўғингизда эшигимни қоқиб келмаса бўлди.

— Унақа назари пастлардан эмас. Дўсти учун ўтта кирадиганлардан.

— Хайрият, шунақа ўртоқларингиз ҳам бор экан!

Аъзам ҳар кун икки ҳолатга тушарди. Эрталаб тиниқиб турганда фикри жуда яхши ишлайди, ниманики сафарига олмоққа мўлжаллаган бўлса дадил кириша беради. Ҳаммаси тўғри, ҳеч ким гумон қилмайдиган бўлиб кўринади. Кечга бориб толиққанда эса, бўшашади. Ҳудди сафардошларидан кимдир унинг ёвуз ниятидан хабар топиб қола-

ёттандек, қўша-қўша қийим-бошларини кўриб, гумонсираб аллакимга маълум қилаёттандек, у одам келиб: «Қани, бу ёққа юринг, бир гаплашиб қўяйлик!» деб олдига солиб кетаёттандек бўлади. Шунда унинг жони кўзига кўриниб, ҳамма нарсадан возкечтиси келади.

Ана шундай ташвиш, умид ва хаёллар билан у жўнаш кунига етиб келди. Чамадонга жойлаётган буюмларини кўриб, Нафиса ҳайрон қолди:

— Кўчиди кетяпсизми? — деб сўрашга мажбур бўлди. — Хавотирланманг, келгунингизча сотиб емайман!

— Эсингни едингми, хотин! — баланддан келди Аъзам, — нима, бегона юртда, дўст-душман олдида майкада юришим керакми?

Мана шу кейинги жумла хотинининг нафасини ичига туширди.

Попуги пасайган хотин гапни бурди:

- Кўтариб юришни ҳам айтинг.
- Керакли тошнинг оғирлиги йўқ.
- Чамадонда фижим бўлиб кетади-ку.
- Илож қанча! Ё меҳнатингга ачиняпсанми?
- У ерларда ким дазмол уриб беради демоқчи-ман.

- Одам топилиб қолар. Бўлмаса, ўзим-чи!
- Бунақа ишларга баъзи эркакларга ўхшаган удли-шудликкина бўлсангиз ҳам гўрга эди! — кулди Нафиса.

- Бошга тушганни кўз кўради! Сен қараб тургин, шунақа қойил қилайки, довруги сенгача етиб келсин!

- Ишқилиб, аксини эшитмасам бўлди. — Аъзам у гапни ўз ниятига тўғрилаб бошқа маънода айтган. бўлса ҳам, хотини ўзича тушунди. Лекин у эрида қандайдир қувончдан кўра, безовталикка яқин бир ҳолатни кўради. Сафар олдидан киши ўзи шунақа сал ташвишлироқ бўлади, деса, Аъзам энди йўлга

чиқаётгани йўқ. Ё чет элга кетаётган одам бошқача бўладими? Эҳтимол! Нафиса эридан «Бунча безовтасиз?» «Қўлингиз ҳам титраяптими?» деб сўрагиси келди-ю, сафар олдидан кўнглига ғашлик солишни истамади. Бунинг устига Аъзамнинг жаҳли бурнининг учидагу туради.

«Қўй, тинчгина кетсин!» деб ўзига тасалли берган Нафиса, аэропортда эри билан хайрлашаётганда жуда ҳам ҳайрон бўлди. Аъзам қора терга ботган, нуқул сўзидан адашарди. У билан икки марта хайрлащи, Сурайёни қўлига олиб туриб, Нафисани ўпиди юрибди!

— Тўрт кўз тугаллик билан кўришайлик, хайр! — деган эди Нафиса, Аъзам-энтикиб, фақат:

— Хайр! — дея олди ва орқасига қарамасдан самолётта чиқиб, бошқалар сингари қўл силтамасданоқ ичкарига кириб кетди.

Нафиса: «Қизиқ, унга нима бўлди?» деганича Сурайёни бағрига босди. Юраги қандайдир номаълум бахтсизликни сезаётгандек қисилди. Боядан бери киприкларининг учидаги илиниб турган айрилиқ кўз ёшлини дув этиб тўкилди. Бир томчиси бўрқсан юзида йилтироқ ҳўл из қолдириб лабига думалади. Беихтиёр тамшанган Нафиса унинг шўртаъмини энди билгандай галати бўлиб кетди. «Баъзи одамларни «пешанаси шўр» деб юришади, шу шўрлик кўз ёшига нисбатан олинмаганмикин?» деган фикр бирдан хаёлига келди. Хаёлига келди-ю, юраги баттар қисилди.

У куни бўйи сабабсиз хафа бўлиб юрди.

Аъзам эса, самолётда ҳам асабий изтиробдан терга ботиб, артиб тутатолмасди. То самолёт маълум юқориликка кўтарилиб, ҳаво вентилятори ишлагунча лоҳас тортди. Муздай ҳаво уни ҳушёрлантирди, бу ҳушёрлик хаёлини яна аллақаёқларга судраб кетди. То йўлга чиққунча у сафар тайёрлигининг ташвишларида қуйиб-пишган бўлса, энди

йўлнинг иккинчи қисми ҳақида фикр юритарди. Аввал йўлнинг бу ёғи мушкул кўриниб, у ёғи ҳеч гап бўлмаган бўлса, энди аксинча. Тайёрлик кунларида бекорга изтироб чекканидан ажабланади. У нима?—Мана бу ёғи у ҳали шўнгига кўрмаган катта дарё. Унга таваккал қилиб қандай калла ташлайди-ю, қирғоқнинг қайси ерига қараб сузади. Қандай ердан чиқади. Қирғоқка чиққунча қандай тўлқинлар учрайди. Тўлқинлар безиён, безаҳмат ўтадими? Қокилса, йиқилгунча ушлаб қоладиган топиладими?

Энди Аъзамнинг кўнглида аввалги қувончлардан асар ҳам қолмаган, шубҳа гирдобида эди. Бу гирдоб уни минг оҳангга соларди.

Шунда самолёт ҳали чет элга тўғри кетмаётгани, Москвада ҳам қўниши эсига тушиб, ўзига анча таскин берди. Лекин Москвада қўниш, у ерда ўтадиган бир-икки кун ҳам юрагига бирдан вахима солди. Нимадир керак бўлиб қолиб, Нафиса уйда сандиқни очса, унда пальто ва кофтанинг йўқлигини билиб қолса, нима бўлади? «Эримнинг чамадон тўлдириб кийим-бош олиши бежиз эмас. Бунинг бир балоси бор!» деб уввос солса-я! Асли ўша лаънати пальто билан Нафисанинг яхши кўрган кофтасига тегмай қўя қолсам бўлар экан. Ўзим ҳам баъзан жуда очкўзлик қилиб юбораман! Энди нима бўлди?

Шу маҳал бирдан хотинининг ўша куни ишдан қайтиб «нафталин ҳиди келяптими?» деб бурнини жийиргани эсига тушиб кетди. Гарчанд, ўшанда Аъзам хотиржамлик билан «костюмдан, ҳали қоқувдим» деб қутулиб кетган бўлса ҳам, энди бу савол бутун бошқа маъно кашф этган, унинг тақдирини ҳал қиласиган ҳаёти қалитига айланган эди. Шу вақт олдинги ўринда тўрут кишилашиб, домино ўйнаётганларга ҳаваси келди. Шу вақт сариқлигидан қошининг бор-йўғи аранг сезилиб турган

дұмалоқ юз йигит домино тошини баланд күтариб, тарсиллатиб урмоқчи бўлди-ю, жойнинг торлиги-дан аста қўйди:

— Тишимнинг кавагида асраб қўйган битта бешлигим бор эди.

— Мен ўтдим, — деди қўшниси тахтани бармоғи билан кетма-кет чертиб. — Ҳамма бешликни йириб олган экансизлар-да. Менда битта эди, холос.

— Деворнинг остида қолаёттан бўлсангиз ҳам, йигламасдан ўйнанг! — хурсанд бўлиб тош қўйди унинг ёнидаги кўзойнаклик.

— Унга тенг келиб бўладими: қачонги зангти! — деди «мен ўтдим» деганинг чуст дўппили шериги.

— Ҳа, шуни айт-а, бир донодан «қайси илм эўр?» деб сўрашганда «нодонга ёқмагани!» деган экан. — Юра туриб деди сариқ йигит. Ҳамма кулди. Чуст дўппили ҳам ҳақини юбормади, тош қўяётиб деди:

— Ёша донодан «баҳосиз давлат нима?» деганларида «камтарлик» деган экан», дўстим. Қани, юр!

Сариқ йигит яна гап сотиб юрди:

— Мана, шайтон ухлаганда қўлимга тушиб қолган яна битта бешим бор экан! Бошқа ҳеч кимда йўқдир-а, мана мен ёпдим! Қани, қўлингдагиларни сананглар.

Санаши: сариқ йигит ютибди! Ўйинни яна қайта бошлишди. Қолганлардан бири — чуст дўппилик домино доналарини аралаштираётган эди, яна сариқ йигит тегиши:

— Бошинглар ишламаганига яраша, қани, қўлинглар тузукроқ ишласин, яхшилаб аралашти-ринглар.

Уни бошқа шериги илиб кетди:

— Кейин яна ёмон аралашибди, танлаб олдинглар, деб ўтирганлар. Қани, олинглар, ерда қолгани меники.

Ўтган ўйинни тугаллаган думалоқ сариқ йигит доналарни кафтига тизаётиб, бирдан хандон солиб кулди:

— Дупел уч юради, а? Марҳамат! — тақ этиб тахтага кўнадаланг қўйди.

— Тагин сиз ютдингизми? Бугун тоза омадингиз келган экан.

— Бугун эмас, ҳар вақт омади келган йигитмиз, дўстим!

— Лекин ҳусндан эмас!

— Ҳусн? Омади бор одамнинг ҳусни ўз-ўзидан очилиб кетади, ҳали шуни ҳам билмайдилар шекилли, дўстимиз.

«Омад» ва «Ҳусн» сўзи Аъзамнинг диққатини тортди. У ўз ҳуснининг бенуқсонлигига амин эди. Лекин омади-чи? Назарида омади келмас эди. Омадлик бўлиб туғилганда шу қўйларга тушиб ўти-рармиди! Ана энди, беш-олти кундан кейин, четга ўтиб олганидан кейин омади юришиб кетади. Ана ўшанда у ҳам омад ҳақида доминочи думалоқ йигит сингари bemalol керилиб гапиради. Лекин ана ўша кунга етиш қийин бўляпти. Ишқилиб, йўлда бирон ишқал чиқмасин! Чегарадан ўтиб олса, марра уники. Омадининг чарақлаб кулгани шу! Ундан кейин хотини тугул ундан зўрроғи ҳам фарёд солсин! Бефойда!

Аъзам ўзини босиб, бошқалардек хотиржам ўтирмоқчи бўлди-да, атрофига назар ташлади. Ҳеч ким унингдек безовта эмас. Энг олдинги қатордаги жувон беланчакдаги боласига шишадан сут эмизяпти. Ёнидаги ўсмир йигит эса, самолётга чиққандан бери китобдан бошини кўтармайди. Китоби қизиқ бўлса керак, мийигида кулиб ҳам қўяди. Ундан нарида кимдир чаккасига қўлинни қўйганича донг қотиб ухлаб ётибди. Анави қилтириқ мўйловли, соchlari бўйини босиб кетган йигит эса, боядан бери қўшини қизнинг қошида гиргиттон. Гоҳ кулиб, гоҳ кулдиради.

У йигит Аъзамга ўзининг Нафиса билан илк учрашувини эсига солди. Ичида, ҳой йигит, кул деб

оловни чангалилаб қўйма, деди ва нима учундир йигитга раҳми келиб қизни кўздан кечирди.

Шу вақт стюардесса унча-мунчага ағдарилмайдиган ости оғир бақалоқ шиша идишларда сув билан лимонад олиб чиқиб қолди. Аъзам томогининг қақраганини ана шунда билди. Муздек минерал сув унинг кўзини мошдек очиб, фикрини тиниқ торттирди. Бу фикрий тиниқлик хотиржамликка олиб келди. Креслосини орқага тушириб, кўзини юмди. Уйқудан олдин уни яна хаёл босди. Хаёлининг охирни нима билан тугалланганини билмайди, бир вақт кўзини очса, ҳали сув тутган қиз патнисда нордон конфетлар билан қошида турибди. «Демак, ҳозир қўнамиз» деган ўй билан конфет олиб оғзига солди.

Москвадан учинчи кун йўлга чиқишиди. Уларга бу ердан ҳам одамлар қўшилди. Биттаси Аъзамни кўриши билан танишишга қўл узатди.

— Сиз инженер эмасмисиз? — деди қўлини сиқиб туриб.

— Ҳа. Қаёқдан танийсиз мени? — Аъзамнинг юраги «шув» этиб кетди.

— Инженернинг кўзи айтиб туради, — кулди у одам. — Демак, ҳамкасаба эканмиз. Мен транспорт инженериман.

«Ана, ҳалитдан кетимга одам тушди», деб ўйлаган Аъзам табиати хира бўлиб, ҳадиксирай бошлади. Инженер эса, жўрттага қилгандек ундан Тошкентни суриштирас, Ўзбекистонни мақтар, бу яқин уч-тўрт йил ичидаги боролмаганидан ўкинар эди.

— Ажойиб юрт! Кавказни мақташади, бу оғизга тушганидан. Ўзбекистон Қавказдан сира ҳам қолишмайди.

Аъзам уни ўзича тушунди. Бу «инженер» унинг ниятидан хабардор. Қўйнига қўл солиб кўриш учун ёнига чиққан. Ўзбекистонни кўкларга кўтариши ҳам бежиз эмас, менинг фикримни билмоқчи. Шундай қилиб, тилимдан илинтиради-да, «қани, туриңт

бўлмаса!» деб дуч келган ерда оёқ-қўлимни боғлаб беради. Демак, жуда эҳтиёт бўлиши шарт. Бунинг бирдан-бир йўли унга қўшилиб, Ўзбекистонни мақтай бериш. У худди шундай қилди.

— Бир йил ўн икки ой ҳўл мевадан оғзи узил-майдиган ўлка бошқа қаерда бор? — деган саволига Аъзам ундан олдинроқ отини қамчилади:

— Ҳеч қаерда! Ўн уч ойга ҳам етарди-ю, йил ўзи ўн икки ой!

— Жуда тўғри! Юртингизни астойдил яхши кўрар экансиз.

— Бўлмасам-чи!

— Аслида туғилиб ўсган юртнинг ёмони бўлмайди. Ёмон деганинг ўзи ёмон. Қўшнининг товуғи фоз кўринади, дегандек баъзилар чет элни мақташади.

— Мана мен бир нечтасида бўлдим. Сизнинг энди чиқишингизми?

«Ўсмоқчилашга тушдинг-а, тулки?» деган Аъзам ўзини босиқ тутиб:

— Ҳа, — деди.

— Мана, омон бўлсак, кўрамиз.

«Омон бўлсак» сўзи Аъзамнинг қулогига «ниятингдан қайтсанггина у ўлкаларни кўрасан, бўлмаса умидингни узиб қўявер», маъносида эши билди, баданини муздай тер босди, палағда тухум ютгандай кўнгли нари бориб, бери келди.

— Ёқангизни бўшатинг, исиб кетдингиз. Ҳали ерда тушганимизда бу савлатлар керак бўлади, — деди инженер ҳамроҳига раҳми келиб. — Ҳойнаҳой қора костюм ҳам олгандирсиз. У ерларда қора костюм, оқ қўйлак кечқурун жуда керак, айниқса, бирор зиёфатда бўлиб қолсак.

«Бу менинг чамадонимда нимам боридан ҳам хабардорга ўжшайди! Наҳотки, ҳар қадамимни кузатиб келяпти? Ҳа, гапларининг тагида бир балоси бор. Бекорга ёнимдамас. Ҳозирда шунақа қиляпти,

пастга тушгандан кейин хира пашшадек ёнимдан кетмаса нима бўлади?

Аъзамнинг ҳафсаласи пир бўлиб, тарвузи қўлтиғидан тушди, баттар тер босди.

«Пешанам шўр бўлиб туғилган эканман. Умрбод қийналиш менинг ҳиссам экан!» деган ишончга келган Аъзам пешанасини чангалига олди, юрагидан сирқиб келган икки томчи ёш кипригида йилтиллади.

— Сизга нима қилди! Бирор ерингиз оғрияптими? — шошиб қолди инженер ҳамроҳи. То Аъзам жавоб қилигунча шифтдаги кўк кнопкани босиб стюарт қизни чақирди. Аъзамни кўрсатиб дори сўради.

— Шуни ичib юборинг. Баъзан киши самолётда шунаقا бўлади. Ўтиб кетади.

Икки ўт ўртасида қолган Аъзам чор-ночор кераксиз дорини ичишга мажбур бўлди. Кўз ёшини артди.

— Юрагингиз яхшими? — яна қизиқди инженер. Аъзам бош иргади. — Унда хавотир олманг.

«Буларнинг қўлидан меҳрибонлик ҳам келади! Бу найрангларни билмаётган бўлсан майли эди! Бу, бўйнингдан боғлаб «қалай, занжири чиройли эканми?» деганга ўхшаган гап. Бўйнимга соладиган бўлганингдан кейин занжирнинг хунук-чиройлигига нима фарқ! Олтин бўлмайдими!»

Аъзам ҳар хил ўйлар билан, хаёли матрабга тушган беданадай тигирчилаб Парижта қанақа қилиб етиб келганини билмади.

Инженер чиндан ҳам ундан ажралмас эди. Мехмонхонага жойлашиш олди-да, яна келиб:

— Жойлар икки кишилик экан. Бирга туришга қаршимасмисиз? — деди. Аъзамнинг «ҳа» дейишдан бошқа иложи йўқ эди. Рози бўлди. Энди унинг учун ким билан туриш барибир эди. Қаерда бўлмасин бу инженер уни ёлғиз қўймайди, изини қувгани-қувган. Ким билади унинг ҳали қандай ҳунарлари бор?

Юваниб чиқишгач, ионушта бўлди. Ресторан ҳашаматли. Одам кам. Дераза остидаги столда бир қиз, бир йигиту, ундан берироқда иккита чол кофе ичиб ўтирибди. Қора кийиниб, билагига оппоқ сочиқ ташлаган-официантлар бир ерга гуж бўлиб, қизик бир нарсани гаплашяпти: ҳаммасининг юз-кўзида табассум. Битта ҳам хотин йўқ. «Ийи, буларда нуқул эркак ишлар экан!» деди ичиди Аъзам ва кўнглида маъқуллаб қўйди: «Шилқимлик камроқ!»

Булар ўтириши билан официантлардан биттаси тўвидан ажralиб, улар ҳузурига бош әгиброқ келди, хизматини тақлиф этди. У буюртма олиши билан ёнида икки-учта ёш йигиттча пайдо бўлди. Уларга астагина нимадир айтди, улар олдин-ма-кейин йўргалашиб, ошхона томон кетди. Бирласда патнисларда нарсалар кўтариб келиб, столга қўйишиди. Иккитаси қошиғу вилка билан тақсимлаб турди, иккитаси ташиди.

Аъзам товуқ яхнасига янги помидор қўшиб еди. Ҳали баҳор ўтмасдан дастурхонда янги помидор билан диркиллаган бодринг бўлиши уни ажаблантирди. Буни инженер пайқагандек: «Африкадан, мустамлакасидан келтиради булар», деб қўйди. Иссиқ овқатга балиқ тортилди.

Балиқ ҳиди юққан қўлларни ювиш учун ҳар кишига маҳсус идишчаларда ичига яримта лимон солинган сув келтиришиди. Қўшниларига қараб туриб, Аъзам ҳам бармоқларини идишга тиқиб, лимонни эзрилаб, суркаб, қўлини ювди. Кетидан апельсин арчиб, ҳар тилимини битталаб оғзига солди. Энг охирида алоҳида идишда ўртага қўйилган тиш ковлагичдан биттасини одоб билан олиб, тишига бирор нарса киргани гумон бўлса ҳам, ҳузур қилиб ковлади.

Унга ҳаммадан ҳам лимонли сув билан тиш ковлагичнинг столда маҳсус туриши манзур бўлган эди. Ичиди «мана булар яшашни билади» деб қўйди.

«Мамнун бўлиб ресторандан чиқди. Кўнглидан: Ана шундай ҳаётда яшайман энди!» деган тотли фикр вужудини эркалаб ўтди. Лекин инженерга кўзи тушиб таъби тирриқ бўлди. Инженер унинг кўзига, касалнинг жонига теккан тиббий ҳамширанинг яна қўлида укол асбоби билан кўрингандек этини жимиirlатиб юборди.

Лекин инженер, Аъзамнинг кўп нарсага ҳафса-ласи йўқлигини билгач, у билан ортиқча иши бўлмай қолди. Тушки овқатдан кейин дам олиш ўрнига икки-уч хил фотоаппаратларининг бирини елкасига осиб, бирини қўлига олиб, эрталабки экспурсия кифоя ҳилмагандек, яна шаҳар кезиб кетди. Бурнидан чертса йиқилгудек чарчаган бўлса ҳам жуда хурсанд қайтди. Қаерларда бўлганини, нималарни қанақа қилиб суратга олганини оғзини кўпиртириб гапириб берди. Ҳатто Аъзамнинг аппаратини ҳам олиб кетмаганига ачиниб қўйди. Бир оз ўтгач, Аъзамга илтифот қилди:

— Москвага келганингизда бир телефон-қилинг, кўрсатаман, худди кинохроника дейсиз. Яна бир саёҳатга чиққандек бўласиз. Одамнинг хотираси ҳам елимлаб ёпиштирилган қоғозга ўхшаган гап — ҳамма нарсани ушлаб туравермайди. Бу эса, дарров ёдингга солади, киши учун жиндай ишора кифоя,

— деди у кечқурун аппаратларининг тўлган плён-каларини алмаштирас экан. Кейин бугун бошидан ўтган бир воқеани ҳикоя қилиб берди.

— Бу ишқибозликнинг ҳам ўз инжиқлиги бор. Баъзан соатлаб юриб бир тузук нарса ололмайсан, баъзан энтикиб қоласан. Бугун аксига юрди. Ёдгорликлардан, чиройли кўчалардан ташқари бирон тузук манзара учрамади. «Кун бир кунми, эртага ҳам шу ердамиз-ку», деб энди майдондан ўтиб келяпсам, биттаси Наполеон давридан қолган яроғу аслаҳаларни елкасига осиб, белига боғлаб, қўлида ушлаб, савлат тўкиб турибди. Менинг хари-

дор эмаслигимни билди-ю, аппаратимга имо қилди. Билдимки, ўрганиб қолган. Жиндай чойчаңа түлаб суратга олдим. Менга ўжшаган ишқибозларга кўп йўлиқкан шекилли, айтганимдек қилиб туриб берди; ҳатто қўйнидаги антиқа қалпоғини ҳам олиб кийди.

— Тирикчилиги шудир эҳтимол? — қизиқди Аъзам.

— Бўлиши мумкин. Дунёда тирикчилик кишини не кўйларга солмайди! Африкада йўғон-йўғон илонларни чет эл туристларига ўйнатиб кўрсатдиганлар бор. Касби ҳам шу, тирикчилиги ҳам шундан.

— Жуда хавфли-ку, бирор ерда ишласа бўлмайдими? — Илоннинг муздай силлиқ териси кўз олдига келиб, Аъзамнинг эти жимирлаб кетди.

— Иш қани? Бу-ку ҳунар. Ҳунари йўқлар қанча! «Чет элда ҳам булар пропагандани қўймайди! Ёки мени синаяптими? — деб ўйлади Аъзам. Бу сўзларга ишонмаса ҳам, индамади.

— Мен сизга бошқа нарсани айтмоқчи эдим. Ҳа, қаерга келувдим?

— Эски яроғ-аслаҳа кўтариб юрган одам ҳақида...

— Ҳа, бўлди, эсимга тушди. Уни роса суратга олдим. Замонавий бинолар, кишилар фонида жуда яхши чиқди. Лекин кўнглим тўлмади. Қани, унинг ёнига ўзига ўхшаш харидор келса экан, деб пайт пойладим. Қани келса! Бошқа нарсага чалғиб кетиб, бир вақт бундоқ қарасам, унинг ёнида ленталари титилиб кетган турли орден ва медаллар таққан, эски-туски чавандоз кийимли, шоп мўйлов, мөш-гуруч соқоли ўсган, галифе шимли, оёғига шиппак кийган, бир маҳал азамат бўлса ҳам, ҳозир шарти кетиб, парти қолган ориқ, новча киши турибди. Қўлида ҳалигининг тепкиси занг босиб кетган узун милтифи. Ёшлигини эслагандек уни маза қилиб томоша қиляпти. «Собиқ гвардиячи ўз со-

биқ дүсті билан», дегани худди шунинг ўзи бўла-ди дедим-у, қулай жой қидириб қолдим. Шу маҳал битта олифта келиб: «Аппаратингни сотмайсанми? Фалон пул бераман», деб йўлимни тўсса бўладими! Йўқ десам ҳам қутулмайман. «Ростингни айт, арzon бўлса, яна қўшишим мумкин», дейди. «Йўқ, сотил-майди», десам ҳам хира пашшадек атрофимда ай-ланади. Менинг қўл силтаб кетмасдан, ўз ишимда куйманаётганимни у ўзича тушунди шекилли, тир-сагимдан бир четга тортиб: «Бу ерда қўрқсангиз, ҳув анави ёққа ўтайлик», деди, хилватни кўрсатиб. Жон-поним чиқиб кетди!.. Ҳа, туёғини шиқилла-тиб қолмас экан. Лекин бундоқ қарасам, «бизнинг қаҳрамон» ҳам аллақачон жўнаб қолибди. Ўзимга ҳам тоза алам қилди. Бунақаси ҳар вақт ўнг кела бермайди-да. Бу етмагандай, берироқ келсам, бит-таси «чёрвон йўқми?» деб қулогимга шивирлайди. Энсам қотганидан жўрттага «Бор! Нечта керак?» дедим. Ана шунда бу лаънатининг гўшт ўғирлаб еган мушукдек кўзини кўрсангиз эди.

— Кейин қанақа қилиб қутулдингиз? — суҳбатга киргандек бўлди Аъзам.

— Нархини осмондан келдим, — кулди инженер, — у абллаҳ қон ҳидини билган лайчадай кетимдан эргашиб то шу ергача келди, — у мусофирихона эшиги томонни ишора қилди. — Нуқул сал туширинг нархини, мсье, бу баҳо йўқ, деб гоҳ у ёғимга-гоҳ бу ёғимга ўтади. Мен бўлсам ичимда: «Червон кўзингга чиройли кўринмай ўлсин-а! Фойда шунақа ширинми!» деб куламан, червонни нимага ишлатишларини ўйлаб нафратланаман.

— Майли, беринг, деса нима қилардингиз?

— Мен айтган нархга олиб бўлибди!

Аъзам атайин суҳбатга аралашиб, қанчалик ўзини чалғитмасин, хаёлида бошқа нарса эди: буларнинг барчасини инженер тўқиди, мен учун тўқиди. Фотоаппаратни нима учун олиб келганимни

билади. Яширган пулларимдан ҳам хабардор. Мени синаб, олдимга дон сепяпти. Ёнига тузогини қўйган. Нега бунақа қилади? Шартта айтиб қўя қолса бўлмайдими? Атайлаб резина қилиб чўзяпти. Минг чўз, тан олмайман. Хиппа-бўғдинг — ютуқ сеники, бўлмаса овора бўласан — ўз оёғига ўзи болта уриб берадиган тентак йўқ.

Аъзам сирини пардалаш мақсадида содда савол берди:

— Улар червонни нима қилади? Бу ерда ўтмайди-ку?

— Ўтмайди-я! Йўлини билади, бу кazzоблар, бу кazzоблар! Анойи эмас, сиз билан менинг кетимдан думини ликиллатиб юриб.

Инженер фотоаппаратлари билан бўлган ишини тугатиб, ўрнига чўзилди.

— Биринчи куниёқ оёқдан қолдим. Энди бунақа қилмайман. Хўш, қалай, шаҳар сизга ёқдими? Зўр-а?

— Чаккимас! — унинг мақтоворидан чўчиб, ерга урди Аъзам.

— Чаккимас?! Париж-а! Ҳой, менга қаранг, ҳазиллашяпсизми? — бошини кўтарди ажабланиб инженер. Аъзам билди, жуда баланд кетибди. Дарров эпини қилди:

— Ҳали нимасини кўрдик.

— Эйфель минори, Сен-Жермен хиёбони, унинг нарёғидаги арклар-чи! Жуда дидингиз баланд-ку!

Салдан кейин инженернинг қиз боланикига ўхшаган юмшоқ хурраги эшитилди. «Шунча масъулият билан бунинг ухлашини қара-я! Юрак ҳам дарё!» деб ўйлади Аъзам.

У бугун кўп қатори автобусда шаҳарни томоша қилди. Лекин кўнгли нотинчлигидан ҳеч нарсани кўргандай бўлмади, унинг бу ҳолати чарчаган кишининг китоб ўқишига ўхшарди. Овқатдан кейин

дам олишди, лекин инженер шаҳар кезиб кетиб ҳозир келиб тургани. Мана, ҳолдан тойиб ухлаяпти. Ҳали туриб яна дайдиб кетади.

Чиндан шундай бўлди. У уйғониб, совуқ душга тушди-да, яхшилаб патли сочиқ билан ишқалаб артинди. Бадани қизариб кетди.

— Сув яхши-да, дарров ҳордигингни сугуриб олади, мана курортдан келгандаи бўлдим, — деди у, кейин Аъзамга юзланди: — Қани, қора костюм билан оқ кўйлакни кийинг, қора галстукни тақинг. Ужиндан кейин шаҳар айланамиз. Бу гўзал шаҳарнинг кечаси ҳам ажойиб.

Аъзамнинг, энди ишим тамом, деган фикр хаёлидан ўтди-ю, турган ерида қотиб қолди. Унинг бу ҳолатини инженер ўзича тушунди:

— Нима, шаҳар ёқмадими? Ўзингиз нимага келгансиз? Парижда тухум босиб жўжа очиб берасизми? Туринг, бўлмаган гапни қилманг.

Чорасиз қолган Аъзам хушёқмасдан кийинди. Бу орада инженер гуруҳ бошлиғига телефон қилиб, Аъзам билан шаҳар кезмоқчи эканини билдириб қўйди.

— Мана бу томони ҳам тахт. Ҳеч ким биздан хавотир олмайди. Бўлдингизми? Мана бу бошқа гап, — деди у Аъзамни ҳазил билан у ёқ-бу ёққа буриб қўриб. — Бу диққинафас хонада нима бор? Қани, кетдик.

У чақмоқ тошли фотоаппаратини елкасига солиб олди. Аъзамникини кечасига ярамаслигидан ачиниб қўйди:

— Майли, истасангиз Москвага қайтгач, ўзимникидан бир нусхадан кўчириб бераман. Ишқилиб, бирор учари биз йўғимизда номерга кириб, куйдирриб қўймаса бўлди.

— Ҳали шунақаси ҳам бўладими? — қизиқди Аъзам.

— Бўлганда қандоқ!

— Ичи қораликдан шундай қилишадими?

— Йүқ. Гумонсираганидан.

Аъзам, ужин вақтида нохуш ўтирди. Бўшашиб ўрнидан турди. Шаҳар кезишга, айниқса, ҳамхонаси билан бирга юришга ҳеч юраги йўқ эди. Очиқ айтганга тили бормай турганда, инженернинг ўзи гап очди:

— Бирор ерингиз оғриётган бўлса, майли зўрламайман. Нимага бунақа қиласиз, касалмисиз, айтинг!

— Чарчадим шекилли...

— Дарров-а! Ундей бўлса, юринг. Қизиқ-қизиқ нарсаларни кўриб, ёзилиб кетасиз:

Аъзам чор-ночор унга әргашди. У ўзини кушхонага олиб кетилаётган бузоққа ўхшатди. У юз қадам юрмасданоқ хаёли шунақа айқаш-уйқаш бўлиб кетдики, кўзи ҳеч нарса кўрмай, қулоги эшитмай қолди. Охири:

— Мен ғалати бўлиб кетяпман, биродар! — деди ҳамроҳига. Бу билан инженерни синаб кўрмоқчи эди. Агар шунда инженер «ҳа, майли, бўлмаса, сиз бораверинг, мен ўзим айланаман» деса, бу — унинг Аъзам билан иши йўқлиги. Чиндан ҳам инженернинг у билан иши бўлмади. Аъзамни бошдан-оёқ кузатиб, кўзи «қизиқ одам!» деган маънони ифодалади-ю, тили гапга қовушмади. Фақат:

— Адашмасдан топиб кета оласизми? — деди. Аъзам ҳолдан тойиб бораётган одамдек оғир бош силкиди.

У калтакланган одамдек хонасига шол-шол бўлиб қайтди. Лекин бу ерда ёлғиз қолиб бирдан ғайрати қўзгади: «Нимани кутяпман? Нега энди орқага силтаяпман? Бирор битмаган ишим борми? Таваккал!» деди-ю, қочишига тайёрлик кўрди. Эшикка чиқиб, хабар олиб келди: таниш-билиш йўқ. Энг зарур нарсаларини олиб, бир кичик бўхча қилди. Яна ихчамроқ кўринсин учун тизимча билан чан-

дид боғлади, устидан газета ўради. Кўп нарсаси қолиб кетаётганига юраги ачиса ҳам, энг керагини олганига амин бўлгач: «Худо, ўзинг ишимни ўнгидан келтири», деб энди хонадан чиқай деганда, эшик тиқиллаб қолди. Аъзам турган ерида қотди!

9

ҚОПЛОНБЕК ТАМАННО ПАЙИДА

Полковник Кларк ўз ҳузурига чақириб:

— Шу ишга сизни маъқул кўрдик, бек, — деганида Қоплонбек «қора-қураларнинг бу жазирамасида ёнишим қолувдими энди!» деб энсаси қотган ва полковникни ичида қанчалик ўжшатиб ясаган бўлса, самолётта чиқиб Таманно билан танишгач, шунча курсанд бўлди ва Кларкка ғойибона миннатдорлик билдириди.

Таманно билан унинг жойи ёнма-ён тушган эди.

Қоплонбек аввалига кўринишдан унча дилрабо бўлмаган бу қизга ортиқча диққат қилмади. Шу иссиқда галстукда чиққанидан хафа бўлиб, терени артди, кейин ёқасини бўшатиб қўйди. То самолёт маълум баландликка чиқиб чекишига ижозат бўлгунича ёрилиб кетай деди. Табло ўчиши билан ҳамроҳига одоб билан юзини ўгириб:

— Чексам мумкинми? — деди немисчалаб. Қиз немисча тушунса керагу, яхши гапиролмайдими ёки ўзига енгилми, французначалаб:

— Марҳамат, мсъе! — деди. У жуда хомуш эди. Буни Қоплонбек, «Яқин кишилари билан хайрлашган бўлса, шунинг ғурбати», деб ўйлади ва унинг ғамгин бўлса-да, ажиб бир жилва билан ёниб турган кўзларини, қорачадан келган юзига кўрк ва латофат бахш этиб турган сал қайрилма чиройли лабларини пайқамади. Сигаретани лабига қўндириши билан ёнида бўлган бирдан-бир китобини олиб,

ҳикоя қилиш билан кифояланмасдан, унинг қанақа қилиб фронтлардан ўтиб келганини фурур билан айтиб берди. Охирида:

— Титилиб кетганини кўрмайсизми, лўлининг кўйлагига ўхшайди. Минг киши ўқигандир! — деди, лекин минг кишининг бу томонларда қаерда бўлишини, қачон ўқиганини айтмади. Чунки Туркистон легионини тилга олишга ҳозирча ботинмас эди, ахир ҳозир ҳамма ҳам маглуб Гитлер Германияси ҳақида унингдек «холис» фикрда эмас-да! Қиз ҳам суриштирмади. Бу нарса унинг хаёлига ҳам келмас эди.

Улар ерга тушганда Таманнонинг ранги синиққандек эди. Буни кўриб Сайдакбар ҳожи: «Курортнинг ҳам тузуккина нафи бўлмабди-да», деб ичидан зил кетган бўлса-да, очиқ юз билан келиб қизининг пешанасидан ўпди.

— Балли, қизим, балли! Яхши келдингми? — деб эркалаб кетди. — Ўзимиз ҳам тоза соғиндик-да! Борган жойинг ёқдими? Маъқул бўлган бўлса, яна борасан, қизим!

— Таманно бу меҳрибонликларга табассум билангина жавоб қайтариб, самолётдан ёнма-ён тушиб келган Қоплонбекка юзланди:

— Дада! Танишинг, ватандошингиз! — деди.

Ҳожи: «Нима бало, яна биттасини орттирибди-ми!» деб чўчиб кетган бўлса ҳам, сир бой бермади:

— Жоним билан! Анчадан бери ватандошимдан ҳеч кимни кўрмаган эдим.

Қоплонбек Ҳожи қўлини узатгунча қўлини кўксига қўйиб мулоим жилмайди. Унинг қўлини олиб, миннатдор бўлаётгандек астойдил қисди. Қоплонбекнинг бу ҳаракатида одоб билан такаббурлик кўриниб турса ҳам, қизи билан омон-эсон дийдор кўришганидан хурсанд Ҳожи пайқамади. Анча сўлинқираб қолган бўлса ҳам соғлом, паст-баландни кўргани билиниб турган бу йигит Ҳожининг диққа-

тини ўзига тортди. Аэропорт олдидаги майдонга-ча бирга чиқишиди. То юкларини олгунча қизидан кимлигини сурыштиришга ҳам улгурди. Қаёққадир бир неча дақиқа йўқ бўлиб кетган Қоплонбек келиши билан ундан кутиб олувчиси бор-йўғини, қайси томонга кетишини, лозим топса тайёр машина борлигини илтифот қилди.

— Раҳмат! Ташибишлиманн, ҳаммаси жойида.

— Ватандош, — деди шундан кейин Ҳожи яна ўша мулоимликда, — бир кўришайлик. Бизниги марҳамат қилинг. Қачон бўлса сизни кўришга муштоқмиз.

Сайдакбар ҳожи Қоплонбекнинг жавобини кутмасдан оппоқ, яхши қоғозга зар билан босилган ташрифномасини унга узатди.

— Марҳамат!

— Миннатдорман, бениҳоя миннатдорман! — тилининг енгил айланишига қарамасдан Қоплонбек ўзини оғир тутди.

Сайдакбар ҳожи қизи билан зулукдек енгил машинада жўнаб кетгач, Қоплонбекни кутиб олгани чиққан одам унга яқинлашди, сўрашди.

— Бу ким, танийсизми? — деди Ҳожининг кимлигини тўла аниқламоқчи бўлиб Қоплонбек.

— Шахримизнинг кузерларидан. Бутун давлати шу қизи. Ўсли ҳам бор, лекин у отаси бичган тўнни тор ҳисоблаб юрганлардан, отасини кўпда ёқтирамайди.

— «Тинчлик тарафдорлари»данми? — деди Қоплонбек бу сўзга ўз маъносини бериб.

— Топдингиз.

— Кўпчиликми?

— Кейинги вақтда авж олиб қолишиди, яқинда намойиш ҳам уюштиришиди.

— Лаънатилар! — гижинди Қоплонбек, кейин бирдан яна Таманно эсига тушиб қолди, — куёви ким?

— Гап шунда-да! — нима учундир яшнаб кетди сұхбатдоши. — Ҳали әр қилмаган. Түғриси, қизига қолса аллақачон жуфтини топиб кетар зди-ю, отасининг дидига ёқадигани йўқ. Ўзиникини қидиради шекилли-да...

Қоплонбекнинг қалби алланечук уриб, ширин нарса еб таъми оғзида қолган одамдек тамшаниб қўйди. Самолётдаги сұхбат қандайдир унда галати таассурот қолдирган, лекин унинг қандайлигини эслаб ололмасди. Шунинг учун бўлса керак:

— Бир йигитни бахтли қиласди! — деб қўйди.

— Отасининг давлати ҳам ҳазилмас ўзи!

— Наҳотки шу вақтгача лойиқ куёв топилмаган бўлса! Газига унча-мунча одам тўғри келмаса керак-да! Лекин қизи ҳушёр, унча-мунча шохга қўнмайди.

— Қаёқдан келаётган экан?

— Курортдан. Швейцариядан.

— О, — деди ҳамроҳ, — мана шунисидан билаверинг! Қизини Швейцарияда дам олдирадиган отасининг нияти қандайлиги маълум!

— Яна хўжакўрсинга бўлмасин!

— Ким билади! У эмас, бу эмас, омад билади. Юрганники эмас, буюрганники! Осмоний никоҳ ерга тушгунча рад қилиш учун доим баҳона топилади. Вақти келдими, кўзи кўр, қулоғи кар бўлади-қолади. Кўрибсанки, кутилмаган илиб кетибди. Бу шунаقا беандаза нарса. Нима, бир қармоқ ташлаб кўрасизми?

— Бизга йўл бўлсин! Бизнинг қармоққа майда-чуйдаси илинади, бунақа китга ярамайди, — деди Қоплонбек қалвидаги тугён тилига чиқиб қолаётгандек эҳтиёт билан.

— Омад-да!

— Шеригининг нуқул «Омад! Омад!» деявериши Қоплонбекнинг хаёлини суриб олиб кетди: нега бир уриниб кўрмайди. Хотини бўлса йўқ. Борлари ҳам

ўша ерларда әсдан чиққан кўйлакдек қолиб кетган. Тўғри, ҳозир ҳам бир хотин билан туради, лекин хотини эмас, мижоз деса ҳам бўлади. Истаган пайтида галстукдек бўйнидан соқит қилиб ташлаб кетаверади. Бу – бошқа. Агар Таманнони илинтирса, асти ўшанақа ишларни қилмас эди. Шуни дерди, шу билан ўтарди. Гарчанд, унинг режасидаги хотин товусдай чиройли, қўзичоқдай ювош, сичқондай эҳтиёткор, кўзгудек тўғри, балиқ сиртидай тоза бўлиши керак... Ҳар ҳолда бу ҳам ёмон нарса эмас. Самолётда ўтирганда билмаган экан, пастга тушгандан кейин хипча бели, чиройли оёқларини кўриб оғзи очилиб қолди. Юришини айтмайсизми! Минг қилса ҳам Парижда ўқиган! Кейин, ҳусни ҳам чакки эмас, бир қизникича бор, лекин «жаз» этиб кўрган заҳоти кўзига ташланадиган эмас. Шуниси ҳам яхши, бегонанинг суқи кирмайди. Катта чироқ ёқилган меҳмонхонага ҳар ўткинчи бир қаррагандек гўзал хотинга ҳам назар ташловчи кўп бўлади. Яхиси, кичикроқ чироқ билан тинч яшаб, катта чироқларга қараб юриш – шуниси тинч. Отасининг давлати-чи! Бу ҳамма чироқдан ҳам зўр. Зотан, Таманнонинг ҳуснини очиб турган тилсимлардан бири ҳам шу эмасми! Олло, «ол қулим», деб юборса борми, отаси ярим давлатини сеп қилиши манави ерда турган гап. Сеп қилмаганда ҳам Ҳожини «ота-отажон!» – деб ийлаб турса, ўтини билан кириб, кули билан чиқиб турса, кўкрагидан итараардими, бир куни «ҳам куёвим, ҳам ўғлим» деб меросини хат қилиб берса ажаб эмас! Ана унда Мирза Қоплонбекнинг юришини кўрасиз! Ҳаммадан зўри щуки, бу «тинчликпарвар» ўғлини хуш кўрмас, бутун умиди қизидан экан. Умиди қизида бўлган одамнинг куёвига қандай муносабатда бўлиши аниқ. Айниқса, атрофида капалакдек гиргиттон бўлиб турган куёвига! Ундан кейин ўзи ҳам дунёга устун бўлмайди-ку – соқолининг қорасидан

оки кўп. Бир куни келиб... Йўқ, ҳалитдан бунақа дейишим яхшимас. Майли, яшайверсин! Эҳтимол, менга яшаб тургани қўл келар. Ўз ёнига тортиб ҳунарини ўргатар, бориб-бориб шериги қилиб олар. Унда ўзишм-нима бўлади? Хўжайнларим нима дейди? Бу лаънатилар мандек олғирни: «Бора қол, ихтиёринг ўзингда», деб бўйнимдан арқонимни ола қолмас! Рози бўлармикин?

— Шундай ўй-хаёллар оғушида маст-аласт юрган Қоплонбек Кларкнинг тошпиригидан шунча қилса ҳам вақт орттиrolмади. Ҳар куни Ҳожиникини бир мўлжаллайди-ю, иложини қилолмади. Тўғри, бир куни кечаси, ўша кўчадан машинада атайин ўтиб, қўрасига кўз ташлади. Дабдабали дарвоза, ёнида кичик эшик. «Бойнинг томи бўғотидан маълум», деб қўйган эди. Юраги бир оз чўчиб ҳам қўйди. Шофёр олдидаги ойнага ўзини солиб, ёши ўтинқираброқ қолганидан ҳам ўкинди. Ажин босган от чакак юзи ни текисламоқчи бўлгандек бир-икки силаб қўйди. Ҳожи чиндан ҳам ақлли ва тадбирли киши бўлса, куёвнинг оғзидан она сутининг ҳиди келиб турганидан, суяги қотган, олам кўргани яхши. Дарров аравага кира қолади. Оғирини енгил, узогини яқин қиласди. Ёшининг турган-битгани машмаша!

Бу фикр Қоплонбекка анча тасалли берган бўлди. Бу шаҳарда иши битиб, Кларк ҳузурига қайтар экан, яна бир атайин келишга аҳд қилиб қўйди. Топшириқларини бажаргани ҳақида батафсил сўзлаб бўлиб, сигарага қўл узатган эди, Кларк:

- Бу ёғини ҳам гапираверинг! — деди.
- Тамом, — елкасини қисди Қоплонбек.
- Таманно масаласи-чи? Нега бу ёғини айтгиниз келмаяпти, бек! — деб кулди.
- Бу шахсий масала бўлганидан..
- Шу оддий ҳақиқатни ҳам билмайсизми, сиз-бизнинг ҳаётимизда ҳеч шахсий нарса йўқ.

Қоплонбек ҳаммасини айтиб беришга мажбур бўлди.

— Яна бир эпизод қолди, бек! Кўчасидан ўтиб, уй-жойига маҳлиё бўлганингизни айтмадингиз-ку!

«Оббо, лаънатилар-эй, шуларимгача ҳам ҳисобга олиб юрган эканларми!» деб ҳайратда қолган Қоплонбек икror бўлди:

— Лекин боплаб солган экан! — деди охирида. Кларк бу ёғини майдаламасдан бирдан ишга кўчди:

— Жуда яхши. Бу одам бизга керак. Анчадан бери доирамизга тортолмай юрган эдик, айни муддао бўлибди. Сизнинг бу бошлаган ишингизни маъқуллаймиз ва қадрлаймиз. Ишга дадил киришаверинг. Нима бўлса, бизга бемалол суюнаверинг. Хўш, қачон у ёққа қайтмоқчисиз? Шу ҳафта ичиёқ жўнанг. Лекин огоҳлантириб қўяй: чол чақиртош — унча-мунчага майдаланмайди.

Гўё ҳамма иш тугаган эди. Лекин икки кун ўтгач, Кларк Қоплонбекни сўратиб қолди. Уни пешвоз чиқиб кутиб олди. У овга чиқадиган сафар кийимида эди. Қоплонбек саломлашар-саломлашмай: Юринг, бек, балиқ овига! — деди. Қоплонбек бу сўзнинг таклифлигини ҳам, буйруқлигини ҳам билмади. Лекин Кларкнинг юзида гайрирасмий вақтларда камдан-кам кўринадиган юмшоқлик бор эди. Бу юмшоқлик уни сийлади. У ҳали жавобини қилгунча, яна Кларк гап ташлади:

— Кийиниб чиқасизми, ё шундай кетаверасизми?

Энди Қоплонбекка сўзлаш ўрни қолмаган эди. У йўл ёқасида турган машинага чиқди. Ундан кейин Кларк ўтирди. Машина қимирлаши билан рулда ўтирган Кларк гап бошлади:

— Шаҳар ҳам кишининг юрагини сиқиб юборади. Баъзан-баъзан шамоллаб ҳам туриш керак. Нима дедингиз, бек!

Ҳамиша қовоғидан қор ёғиб туралынган полковникнинг бугун бунчалик очилиб гаплашувидан Қоплонбек ажабланди. Бунинг тагида бир гап борлигига шубҳа қилмади. Чиндан ҳам шундай бўлиб чиқди. Савлат тўкиб рулда ўтирган Кларк машина шаҳардан чиқиши билан жуда учираш кетди. Анчадан кейин катта йўлдан чиқиб, сўқмоққа бурди.

У ёқда қилич дамидай йилтиллаб дарё кўринди. Кларк бу ерларни яхши билса керак, қирғоққа чиққач ҳам, тўхтамасдан елиб кетаверди. Охири машина бу томонларга одам киргани гумон бўлган хилватда тўхтади. Машинадан сакраб тушиб, атрофга суқланиб назар ташлади. Ундан завқланётгандек чехраси очилди. Кейин машинадан қармоқларни олди. Биттасини Қоплонбекка тутди. Қирғоққа яқинлашар экан, овни мақтаб қўйди:

— Биласизми, бек, балиқ овининг ҳикмати зўр. Аввало сув бўйида ҳаво тоза бўлади. Танинг яйрайди. Ундан кейин асабларни тинчтади. Айниқса, сиз-бизнинг ишда бу жуда зарур.

Сув аслида каттароқ дарёning тармоғи бўлса керак, ёйилиб, бепарвогина оқарди. Қирғоги ҳам босилиб янчилмаган. Ёввойи гиёҳлар новча бўйларини адил тутиб, осларидағи майсаларга қоровуллик қилаётгандек кеккайиб турарди. Лекин уларга ҳалақит бермасдан буталар оралаб кетган Кларк, дарёning оқими равшан кўриниб турган ясси қирғоқда тўхтади. Чапдан буралиб, тўлқинланиб чиққан сув худди шу ерда эркинлик олгандек ёйилиб оқарди. Худди шу ёйилишнинг бошида Кларк қармоғини сувга ташлади:

— Сув ўралган жойда балиқ зоти кўп бўлади, деб изоҳлаб қўйди ва ёнидан Қоплонбекка жой кўрсатди. Қоплонбек йиғма курсисини хўжайинидан салнарига ўрнаштираётган эди, Кларк:

— Яқинроқ ўтираверинг, мақсад балиқ эмас, дам олишга бир баҳона.

Лекин бу ов дам олишга баҳона бўлмади. Ўларкнинг ўз режаси бор экан. У аввал шу вақтгача Қоплонбек сезмаган бир йўсинда мулоимлик билан унинг қўлтиғига сув пуркади. Кейин Қоплонбекнинг ишларидан миннатдорчилигини алоҳида таъкидлади.

— Сиздан умидимиз катта. Энди сиз ҳам ёш йигит эмассиз. Аччиқ-чучук қўрдингиз, паст-баланд бўлдингиз. Мана шу Сайдакбар ҳожи оиласи билан танишиб келишингизнинг ўзи катта гап.

Сувдаги қўқ-қизил пўйқак ликиллаб Ўларкнинг диққатини бўлди. Бир оз кузатиб туриб, қармоқни тортган эди, ҳеч нарса чиқмади:

— Алдаб кетди, лаънати! — деб қўйди ва қармоқнингчувалчангини тўгрилаб, узоққа улоқтириди, мўлжалига тушмади шекилли, тортиб олиб, қайта ташлади. Кейин ёғочни қирроққа зарб билан суқиб қўйди. Ёнига қўл солиб, қора фотоконвертда бир неча сурат олди.

— Мана бу ким? — деди биттасини кўрсатиб.

— Сайдакбар ҳожи! — деди уни таниб Қоплонбек. Ҳожи эгнида камзул, бошида фас билан хаёлчан боқиб турарди.

— Биласизми, Ҳожи қандай одам?

«Унинг сурати қандай қилиб дарров Ўларкнинг қўлига келиб туша қолибди?» деб ажабланиб турган Қоплонбек жавоб бергунича бўлмай, унинг ўзи изоҳлаб кетди:

— Ўзи ўта пулдор одаммас, лекин ўта тадбирли. Осмондан ўтган ғознинг әркак-ургочисига товушдан ажратиб беради. Тезда бойиб кетиши ҳеч гапмас. Ўша юртдан ўтадиган нефть қувури компаниясига қўшилиш тайёрлигини кўриб турибди. Шаҳар мулкдорлари орасида мавқеи баланд. — Ўларк яна икки-учта сурат олиб, картага ўхшаб, қўлига терди. — Мана бу француз бойи Ҳожининг измидан чиқмайди: бир олма арчиса, ярмини унга олиб қўя-

ди. Мана бу араб бизга мойил, лекин журъатсиз: Ҳожининг оғзига қараб туради. Мана булар ҳам унинг атрофида. Кўрдингизми, Ҳожи қанақа одам! Кармони уччалик қопчиб чиқмаган бўлса ҳам, ақли бутун, таъсири кучли: Унинг бизнинг таъсирга ўтиши қанчалик зарур эканини айтмасам ҳам бўлади.

Яна ола пўйак сувга шўнгигб кетди. Кларк зарб билан тортган эди, жинжилоқдай балиқ жилпан-глаб чиқди. Кафтига олган полковник унинг қанақа балиқ экани билан ҳам қизиқмасдан, қармоқдан чиқариб сувга эмас, буталар орасига отди.

— Пишмалоқлар билан қизиқадиган болалик давримиз ўтган, шундай эмасми, бек? — деб кулиб қўйди.

Бу гапнинг балиққа эмас, ишга доир эканини Қоплонбек тўғри тушунди ва кулиб маъқуллади.

— Тортинг, бек! — бирдан шеригини огоҳлантириди Кларк. Бошлиғининг гапида хаёли бўлиб, қармоғидан бехабар қолган Қоплонбек шошиб тортган. эди, бир қарич мўл балиқ сувдан лапанглаб чиқиб, энди Қоплонбек ўзига тортаман, деганда чўлп әтиб тушиб кетди.

— Лаққа экан! — деб Қоплонбек ачинган эди, Кларк яна қўш маъноли қилиб уни огоҳлантириди.

— Турмушдагиси қўлингиздан чиқиб кетмаса бас!

— Унисига эҳтиёт бўламиз: қармоқни роса ютмагунча тортмаймиз, — керилди Қоплонбек.

— Бу гапингизга ишонамиз. Бу ҳам тушиб кетмас эди-ку, сал шошилик радиингиз. Кўрдингизми, бек, ҳатто балиқ тутишда ҳам шошмаслик керак.

Шундан кейин овлари ўнгидан келиб, патиллаб тушаверди. Ёнларидаги резина челяк тўлиб, суви четидан тошиб чиқди. Айниқса, Қоплонбекка сараси тушарди. Ишининг юришиб кетганидан оғзи қулогида экан, Кларк яна бир сурат кўрсатди:

— Буни ҳам яхши танисангиз керак.
— Йўқ.
— Ҳожининг ўғли, бодининг шумфияси! — Кларк ранжиган каби жавоб қилди. — Сирдошлари қаторига ўтиб олсангиз чакки бўлмас эди. Лекин жуда ҳушёр, илдизи сертармоқ. Эҳтиёт бўлмоғингиз шарт! Синглисининг кўнглини олсангиз, эгилиши мумкин. Унинг қадам олиши бизни Ҳожидан кам қизиқтирмайди: ўқ отишдан олдин нишонни аниқ кўрган яхши — бехато бўлади.

Кларк Абулбарака хақида фижингансимон гапириб турганда бирдан қармогининг пўкаги кетма-кет шўнғиб, кейин кўринмай кетди. Бепарвогина тортган эди, балиқ чиқди. Уни қармоқдан шундай зарда билан айириб олдики, балиқ бечоранинг лунжи йиртилиб, қоп-қора қонга беланди, гўё қармоққа илинган балиқ эмас, Абулбарака эди. Буни кўриб турган Қоплонбек Кларкнинг нафрати қанчалигини тушунди ва бу соҳада ҳам анчагина иши борлигини билди.

Тушлик пайтида Кларк гапни Таманнога буриб келди:

— Қиз отасига тортган бўлиши керак. Бу сизнинг баҳтингиз, — деди ва рюмкадаги винони қўтариб Қоплонбекни книга чўқишитирди: — Сизнинг баҳтингиз учун, бек!

— Сизнинг ҳам!

— Бизники баҳт эмас, бек, энди бундан бу ёғи хизмат. Сизнинг баҳтингиз бизнинг хизматга эгизак бўлиши учун! — у битта ташлади.

Ўз орзусининг бунчалик жиддий тус олиб кетишини ўйламаган Қоплонбек, аввалига ҳайрон қолгандек бўлди, кейин: «Қайтага яхши! Ҳаражатдан қийналмайман», деб қирчанги отини йўргага алмаштиргандек қувонди, кенг ва узоқ уфқни дадил кўзлади. Қанот ҳосил этди. Муродига етишга шуб-

ҳаланмай қўйди. Энди узангига қанча оёқ тираса бўлади. Йўл-йўриқ кўрсатиб турган Кларк:

— Биздан узоқлашманг, биз доим қўлтифингиздамиш! — деди.

• Бу гапнинг маъносини Қоплонбек яхши билади: унга Таманно ва давлати керак бўлса, Кларкларга Ҳожининг савдо аҳллари орасидаги мавқеи ва обрўйи зарур.

Ҳафта охирига қолмасданоқ Қоплонбек: «Эй худо, ишимни ўзинг кушойишини бер», деганича жўнаб кетди.

Бир ҳафта бурун бу шаҳар «қора-қуралар» юти эди. Энди унга яна ўша Қоплонбекнинг кўзи билан қаранг: бундан кўра таниш ва жозибадор, бундан кўра ёқимли кўркам шаҳарни умрида учратгани гумон!

У энг азиз кишиси бир қучоқ гул билан интизор кутиб тургандек шошинқираб самолётдан тушди. Кўзига ҳамма нарса иссиқ кўриниб, назари аллакимни соғингандек қидирди. Ҳеч ким «хуш келибсиз», деб кутиб олмаган бўлса ҳам енгил ва қувноқ кайфият билан кўчага чиқиб борди. Унинг навбати арабчалаб «сагир такси», француздечалаб «петит такси» деб ёзиб қўйилган қўғирчоқдеккина кичик машинага тўғри келди. «Ҳозир шунақаси ҳам бўлаверади, Таманно билан сайилга чиққанда у бошқа гап», деб пастак машинага икки буқчайиб кирди. Офтобда қолиб кетиб туршак бўлгандаккина қовжироқ ва қотма араб йигити — шофёр Қоплонбекдан ижозат олди-ю, икки томони кўм-кўк дарахтлар билан қопланган кенг кўчага шўнгиб кетди. У йўл-йўлакай ёлига оқ, қизил латта ўраган, усти соябонли извошларни қувиб ўтар, уни эса, зулукдек қоп-қора «лимузин»лар йўлда қолдириб кетар эди. Курканинг бўйнидек яланғоч танали, фақат энди учидагина бир тўп шокила — шоҳ-шаббаси бор новча хурмо дарахтлари узоқдан тўзғоқ чиқариб тур-

ган қамишларга ўхшаб кетарди. Бунча бу атрофда лайлак кўп. Ана биттаси пастдеккина, ҳатто новча киши сакраса бўйи етадиган қандайдир қуруқ дарахтнинг бутогидаги уясига бесёнақай узун оёқларини осилтириб қўняпти. Шаҳар марказига яқинлашган сари бўйин аралаш оқ салла ўраган кишилар ва кичик-кичик кулбалар камайиб, ўрнини европача кийинганлар ва савлатли баланд бинолар алманиб борди.

«Сагир такси», «ESSO» ва «Шелл» бензинколонкаларининг ёнида чапга бурилиб «Узбекия» боғининг худди ўзидан чиқди. Фонтани ҳавонинг иссиғига сув пуркаб турган боғни ёқалаб бориб, яна бир бурилди-да, шундоққина «Гран отель» деб, катта қилиб ёзиб қўйилган мусофирихонанинг олдида тўхтади. Шофёр тезлик билан машинадан чиқиб, Қоплонбекнинг эшигини чаққон очди:

– Марҳамат, мсье!

Бу маҳал қуёш уфққа олов лабини босиб, қизартириб юборган эди.

Қоплонбек бешинчи қаватдаги номерида яхшилаб ювениб-тарангач, нима қилишини билмай қолди: ҳозир кийиниб Таманноларникига бора берсинми, ё эртага қўйисинми? Борадиган бўлса бошқача-ю, кўча айланадиган бўлса бошқача кийиниши керак. У очиқ дераза олдида туради. Иссиқ куннинг тафти қайтган, боягидан ҳам кўчада одам гавжум. Бу шаҳарнинг одати шунаقا: кўчага эрталаб бир одам ёғилади-ю, кечқурун бир. Тушда энг иши зарурларгина юради. Худди шундай дўконлар ҳам бир эрталаб, бир куннинг олов нафаси қайтган чоқда очилади. Қоронги – қуёш оёғининг шарпаси борган сари қуюқлашиб, магазинларнинг турли рангдаги электр рекламалари, турли фасонда ёзилган номлари борган сари ярақлаброқ кўринарди.

Қоплонбек шуларга беихтиёр қараб турди-да, бирдан орқасига бурилди: дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема!

Ҳожи ўтган гал аэропортда берган ташрифномани ардоқлаб қўйган жойидан олиб, телефон номерига қаради. Энди иккиланмасдан қўнгироқ қилди. Трубкани Ҳожининг ўзи олди:

— Марҳамат, азизим!

Қоплонбек вақтнинг кеч бўлиб қолганини жўрттара баҳона қилган эди, Ҳожининг:

— Бизнинг шаҳарнинг кундузидан кечи серфайз. Асло тортилманг, келаверинг, айни вақти! — деган товуши эштилди.

Шу Қоплонбекка кифоя. У шуни кутган эди. Дарров махсус олиб келган кийим-бошини кийиб, йўлга чиқди. Ҳожи ҳали: «Адашмасдан топиб келласизми?» деганида: «Кўрганман!» деб юборишига сал қолган Қоплонбек, «Дарров етиб келибди. Ўзи ҳам бир имога муҳтоҷ бўлиб турган экан!» демасинлар деб, таксида әмас, қўшотли извошда кетди. Энди извошларнинг соябони туширилган, отлар ҳам ортиқча ҳансирамас эди.

Қоплонбек юмшоқ ўриндиққа талтайиб ўтириб, оёгини олдинга тиради. Қўш отнинг оёқларидан чиқаётган бир текис овоз унинг хаёlinи узоқларга олиб кетди. Бу овоз унинг дўпписига кўзмунчоқ тақиб, йўрма бекасам чопончасининг елкасига мушк-анбар билан мунчоқлар ва яна алланималарни қадаб юрган чоғларини эслатди. Оёғида баланд пошнали бежирим этиги бўларди. У ёғ ичида яйрамаган буйракдек озгин, сержанжал бола эди. Ким билан уришса ҳам ҳеч айбига иқрор бўлмас, жабр тортгандан кўра баландроқ айюҳаннос солиб, ўзиникини «исботлаб» оларди. Лекин бу одати учун болалар «яккамохов» қилиб қўйса, ойисининг қутисидан ҳовуч-ҳовуч мевалар ўғирлаб чиқиб улашарди-да, «ярашиб» оларди. Боққа кўчиб чиқишганда, унинг дастидан ҳовузлар сасиб кетар эди. Бунинг сабаби «шўх» Қоплонбек. У қўлига ёғоч олиб, ҳозвузни айланиб юради. Ҳовуз четида оппоқ бағбақа-

си ни ликиллатиб чиқиб турган қурбақаларни тир-
силлатиб солади. У жон ҳолатида сакраб ҳовузга
тушади, йилтироқ оқ қорнини осмонга қилиб су-
лаяди. Бундан Қоплонбек маза қилиб завқланади.
То зериккунча ёки таёғи етадиган жойда қурбақа
ўлдирилиб битгунча ҳовуз айлангани-айланган.

- Нега мунақа қиласан, увол бўлади, — десалар:
- Фийқ этиб ўлишини яхши кўраман, — дерди.

Шаҳарда бўлса мушукларнинг таъзирини бе-
рарди. Ушлади, минг бир қийноққа соларди. Бир
йили қўшнисининг бўғоти остида мушук бола оч-
ганини билиб қолди. Энди-энди ўрмалаб юрган
беш-олтита болаларнинг ҳаммасини йигиб олиб
тушди. Зериккунча «ўйнаб», кейин ҳожатхонага
ташлади. Она мушукни ушлаб олиб, майдондаги
толга оёғини осмонга қилиб осиб қўйди. Қийналиб
миёвлашини томоша қилди. Эрталаб ўлигини дада-
си олиб ташлади:

- Увол, болам, қарғайди, уволни биласанми?
- Увол қанақа бўлади? — деб ишшайиб турди.

Онаси куйиниб, чўчир эди:

— Болам, бунча бераҳмсан, меҳринг қаттиқ,
бағринг тош бўлмасанг гўрга эди!

Қоплонбек ота-онасининг ерга қўйсам чанг
бўлади, осмонга қўйсам гард ўтиради, деб ар-
доқлаган боласи эди.

Лекин у мактабда яхши ўқиди. Бунда дадаси-
нинг ҳам ҳиссаси бор, у ишдан қайтди дегунча ўғ-
лини ёнига чақириб оларди, нималар ўқиганини
суриштириб, кейин ўргатар, машқ қилдиради эди.
Айниқса, ҳусніхатга алоҳида аҳамият берарди.
Ўзи эса, расмдек хат ёзарди. Баъзан эрталаб ўғ-
лини извошда мактабга ташлаб ўтарди (у извошда
юради).

Қоплонбек таниш кўчага извош бурилиши би-
лан ўзига оро берган бўлди. Ҳақини тўлаб, извош-

дан чаққонгина сакраб тушди, унинг зарбидан из-воши қалқиб кетди.

Ҳожининг дарвозаси кноپкасини боса туриб, яна у ёқ-бу ёғини тузатган бўлди. Эшикни очган хизматкор-оғоҳлантирилган бўлса керак, «марҳамат, мсье» деганича бошлаб кетди ва ҳовлидан олиб ўтга, бинонинг эшигини кўрсатди. Ўзи ташқарида қолди. Бино эшигини ичкари томондан оппоқ саллали, миллий оқ либосли, сарпойчан оёғига бабуши кийган қоп-қора соқолли кекса одам очди. Мехмонни олдинга ўтказиб, эшикни ёпди-да, югуриб Қоплонбекка етиб олди, йўл бошлаб кетди. Оёқ остига тўшалган юмшоқ гилам пойандозларида бора туриб Қоплонбек қора мармар зиналарга, нақшли устунларга киши билмас суқланиб қаради. Мойли челяк сиртидан маълум, деб кўнглидан ўтказди. Бир эшик олдида Ҳожининг ўзи пешвоз чиқди. Шу уй-жойига хос салобат ва гуур билин унга мамнун қўл узатди:

— Келиб жуда яхши қилдингиз. Ўзим ҳам зерикиб ўтирувдим. Отамлашадиган бўлдик. Яшанг! Раҳмат!

Ҳожи уни ўзи чиққан хонага эмас, ундан наригисига бошлаб кирди. Бу ер меҳмонхонаси бўлса керак, жуда серҳашам ва дабдабали эди. Бурчакда одам бўйидан баланд қурант соат, тўрда туркман қора байиридек тим сиёҳ пианино, унинг орқаси — деворда антиқа рангли «қизил оёқ» гилам. Гиламда эса Таманнонинг рангдор, чиройли сурати. Шифтда муҳташам, уйнинг ҳуснига яна ҳусн қўшиб турган биллурин қандил. Жавонда япон чиннилари. Жавон устида бир жуфт аждаҳо нақшли хитой кўзаси. Деразаларда ҳарир парда. Хонанинг гир айланган навосида тошкентча ганч ўймакорлигининг ажойиб намунаси.

Анча паст-баландни кўрган Қоплонбекнинг эси оғиб қолди. Ичида беихтиёр «мана яшаш!» деб

юборди. Осилган дорининг жуда баланд эканини энди бутун салобати билан ҳис қилди ва юраги орқасига тортиб кетди. «Унча-бунча одамнинг бу хонадонга йўламай юрганича ҳам бор экан! Менчи, мен журъат қилиб, ютдимми? Ё хокисор бўлиб, ковушимни судраб қочаманми?..» деди юраги увушив, «Орқамда Кларк бор-ку» деб яна ўзига далда берди. Ҳожи кўрсатган ерга ўтиб ўтирди.

— Ишларингиз яхшими? Уй ичи, бола-чақа тинчми? — деди Ҳожи фотиҳага қўл очиб бўлгач.

Қонлонбек сұхбатдош «бола-чақа»дан бошланганидан хурсанд бўлса ҳам, ўзининг «бўйдоқ» лигини қанақа қилиб билдиришга келганда қийналиб қолди. Бу ерда унинг шаддодлиги, бешармлиги иш берди. Узоқ ўйлаб ўтирмасдан кулибина:

— Бола-чақа йўқ ҳали, Ҳожи ота! — деди. Гарчанд Ҳожи бу жавобни олиш учун эмас, фақат илтифот юзасидан сўраган бўлса ҳам, қизини пеш килаётган одамдек жавобдан лоҳас тортди. Сал жимжитликдан кейин, қўнғироқ босиб, бояги оқ саллали тим сиёҳ соқолли арабни чақириб аччиқ қора чой дамлашни буюрди.

— Тошкентча бўлсин! — деб алоҳида тайинлади, кейин меҳмонга юзланди. — Нега бундоқ бўлди, азизим? Яхшимас. Ўтган умр — куйган кўмир!

Ҳожининг бу сўзларида жони ачитган бир кишининг меҳрибонлиги сезилиб турса ҳам Қоплонбек хижолат тортгандек бўлди. Лекин муддао учун кичкинагина туйнук очилганидан хурсанд эди. Гапнинг калити — шу, демак, бу ёрини пиёзнинг қобигидай битта-битта айириб борса хато қилмайди.

— У ёқдалигимда ўқиши билан бўлиб... бу ёқда мусофиричилик... — Қоплонбек бу гапни шундай йўсинда айтдики, гўё у онасининг бағридан тушиб кетган мушук бола-ю, бўғотнинг остига олиб чиқиб қўядиган бир меҳрибон йўқ. Сайдакбар ҳожи: «Жудаям қатиқ билан қаймоқнинг фарқига бормайди-

ган бўлмаса керак», дегандек ер остидан унга қараб қўйди. Ҳожининг молу мулкидан ажраб, советдан дақки еб, қочиб бу ерларга келиб қолганидан хабардор. Қоплонбек, бу ерга келишни ният қилганидаёқ тайёрлаб қўйған таржимайи ҳолини бошлади. Ўзини тузук хонадоннинг боласи-ю, советлар туфайли нони яримта бўлганлардай қилиб кўрсатди. Бирдан ватанфуруш бўлиб кўринишдан чўчиб, урушда кўплар қатори асир тушгани, асирикда қипик қўшилган нон еб, номи номаълум оби ёвғон ичиб, очидан ўлишга сал қолгани, Мустафо Чўқоев билан Вали Қаюмхондек одамохун кишилар (Ҳожи уларни танийди деб ўйларди) туфайлигина омон қолганини, Туркистон легионида ўлмаснинг кунидан хизмат қилганини, эндиликда ватанига қайтгани қўрқиб юрганини киши раҳми келадиган қилиб бир ипга чизиб чиқди. Лекин унинг айёр кўзи, ичидагайнаб, бижгиб ётган алам ва нафрат баъзан-баъзан юрагини фош қилиб қўяй дер эди. Ҳатто ўзи ҳам Ҳожининг бу гапларига ишонқирамаётганини сезиб туради. Аммо илож йўқ эди. Наҳотки, ўзининг ипак латтага ўралган қонли қиличлигини ўз оғзи билан фош этиб берса! Қани шундай бошлай берсин-чи, гап қаёққа қараб оқади, шу ёққа қараб тош бўлиб думалаш қийин эмас.

Ҳожи уруш пайтида туркистонликлар нима бало иш қилиб юрибди, деб эшитган, ёлғиз Мустафо Чўқоевни танигани, унинг «Қўқон мухторияти»даги ношудлигини билганидан ортиқча аҳамият бермаган эди. У маҳалларда ўзининг иши ортиқча ривож топмаган, бундай ишларга вақти ҳам йўқ эди. Лекин Гитлернинг ўролларга уруш очганида: «Шояд она юрт сувини ичиш бизга ҳам насиб қилган бўлса», деб ният қилган, умид боғлаган эди.

— Мен ўролларнинг бунчалик куч олиб кетган, деб ўйламаган эдим, — деди Ҳожи уруш йилларини эслаб. Бу аламзада Қоплонбекнинг энг нозик торига

теккан тош эди. У ўзи гарчанд қайноқ сутни қатиқ деб ичиб, бир марта тили тугул кекирдагига-ча куйган бўлса ҳам шўроларнинг куч-қудратини, ғалабадаги улкан ҳиссасини асло тан олгиси келмас эди. Боядан бери инидан тушиб кетган маъсум мушук бола бўлиб ўтирган бўлса-да, бу масалада сиртлонлик қилишдан тоймасди. Ичида түғён уриб турган ғазабини босиб:

— Америка бўлмаганда... — дея олди аранг. Бунака пайтда титилиб кетган асабларини тутиб туриш ундан катта куч ва ҳаракат талаб этарди.

— Америка деймизу, Қоплонбек, мен сиёsatчи эмасман, тан ҳам бериш керак. Ўзида ҳам анча куч бор экан. Мен аввалига, Америка лапанглаб ёрдамга боргунча муккалаб кетар девдим. Йўқ, бардош берди. Ахир немис Москвагача ҳазилакам ҳамла билан бормади! Немиснинг тўхтаганини кўриб: «Оҳ, қоқилди! Шу ерда бир бало бўлмасайди», деб юбордим. Қулогим кунда радиода бўлди. Гумоним тўғри чиқди. Ана шунда немиснинг ишонган ғалаба жоми дарз кетди. Шунча чега соламан деб уринди, бўлмади, охири чил-чил синди. Уяммас, буяммас сиз билан бизнинг баҳтимиз кулмагани! — Якка-ма-якка бўлганда-ю... — ҳамон тақдирга тан бермас эди Қоплонбек.

— Кейинги йиллардагисига кафил туролмайману, деди ўзиникини яна исботламоқчи бўлиб Ҳожи.

— Москва бўсағасида ёлғиз эди, яккама-якка эди. Бу гапнинг рости. Тағин кўнглингизга: «Ҳожи ота шўроларнинг қўли баланд келишини тўрт кўз бўлиб кутган экан», деган фикр келмасин. Менинг ҳам урушдан умидим катта эди. Эгар-жабдуққа ҳам кўз ташлаб қўйган эдим. Бўлмади. Мана ёши-миз ҳам фалон ерга бориб қоляпти. Тушимга нуқул марҳум ота-онам киради.

— Умидингизни узманг... — сухбатдошининг кўнглини кўтармоқчи бўлди Қоплонбек хушомадомуз.

Ҳизматкор оёқ учида олиб кирган чойни Ҳожи шошмасдан қайтарди. Бирпас тинитиб қўйди. Шамасини туширмасликка ҳаракат қилиб, эҳтиёт билан қўйди:

— АлбаттА, ноумид шайтон. Лекин ўшанда анча нақд бўлиб қолган эди. Шўронинг омади келган, баҳтигинг чопгани шу! Марҳамат, азизим, дастурхонга қаранг.

Қоплонбекнинг диққатини қўлидаги пиёланинг четидаги байт тортди.

— Она юртдан ёдгор. Яхшиям шу бор: ҳар қўлимга олганда ўтган-кетганлар бир кўз олдимга келади. Тошкентдаги меҳмонхонамда ўтиргандек бўламан!

— Ўзини ҳам, — дея кулди Ҳожи, — ҳеч кимга бийлатмайман. Васият ҳам қилиб қўйдим: вақти қазо келиб мусофириликда кўз юмсан, шу пиёлада сув қуиб ювгайлар!

Ҳожининг кўзига ёш чиқди. Қоплонбекнинг тош кўнгли эзилгандек бўлди.

— Ҳали бақувватсиз, Ҳожи ота, худо хоҳласа ниятингизга етасиз!

— Иншоолло! Кошки бир кафт тупроғим отонам ёнига қўйилса!

Ҳожи ўлим ҳақида гап очиб сұхбатга совуқлик тушириб қўйганини билиб қолди, дарров ёшини артиб, меҳмоннинг кўнглини овлашга киришди:

— Қани, меҳмон, қанд тишлаб ичинг. Кексалик қурсин, кишининг кўзи сернам бўлиб қолар экан. Қани, пиёлани беринг! Хуббил ватани миналиман, яъни ватани севиш имондин.

Қоплонбек пиёлани узата туриб, байтни ўқолмаганига афсусланишсимон бир ҳаракат қилди. Буни пайқаган Ҳожи ёддан айтиб берди:

*Аҳбоб, йигилмоқни фарогат тутунгиз,
Жамиятингиз борини давлат тутунгиз.*

*Чун гардиши чарх будурур, тенгри учун,
Бир-бирни неча куни ганимат тутунгиз.*

— Бай-бай, кўп етқизиб айтган экан. Кимдан?
— Қоплонбек гарчанд маъносига тўла тушуммаган бўлса ҳам қироат билан келиштириб ўқиган Ҳожининг ҳурмати учун мақтаб қўйди.

— Бобурдан. Бобуршоҳдан, — гўё шундай ажойиб рубоийни Бобур шоҳ бўлгани туфайлигина айттолгандек унинг шоҳлигини алоҳида таъкидлади Ҳожи.

Бобурнинг кимлигини яхши билмаган Қоплонбек тусмоллади:

— Ҳам шоҳ, ҳам шоир бўлганлар-а! Қандай ажойиб!

— Жуда нозик табиатли шоиру забардаст шоҳ бўлганлар, — тасдиқлади Ҳожи.

Бобурнинг шоҳ ўтгани сабаб бўлдими ёки Қоплонбек шундай бир фурсатни пойлаб турганмиди, гапни ўтмишдан, қолаверса, ҳозирги аҳволотлардан айлантириб келиб, Американинг шаъни-шукӯҳига тақади. Шу билан Ҳожининг бу масаладаги фикрини билмоқчи, шунга қараб сұхбатга тўн бичмоқчи бўлди.

— Қурмагур, савдо-сотиқни уюштиришга печан, — деди у Ҳожининг табиатидаги шу нозик ва севимли торни аста холис чертиб. Бу гап чиндан ҳам савдо ишларига суюги йўқ Ҳожига мойдек ёқа қолди. Оғзининг таноби қочди.

— Мен сизга айтсам, ватандош, савдо — ҳаётнинг жон озиғи. Бу ўзи зўр санъат. Ундан кейин гашти ҳам бор! Савдо юришиб тургандаги кайфиятта нима етсин! Американи савдо-сотиқقا печан дедингиз. Бу тўғри. Бунинг отаси — пул. Пул бўлса-ю, жиндай идрок билан иш тутилса, бу ёфи мойланган гумбур аравадек силлиқ кетаверади. Кўрибсизки, пичоқ ҳам мой, чўмич ҳам!

— Ўша пулни топишни айтинг-да, Ҳожи ота, — деди Қоплонбек гап қистириб. Бу билан Американинг уқувини, тадбиркорлигини, билимдонлигини таъкидламоқчи эди, сұхбатдоши түгри тушунди.

— Уддабурроликка үддабурро. Еал-тулкилиги ҳам бор. Бўлмаса ер юзини титратган шундай муҳорибадан бунчалик енгил қутулмас эди.

— Бойиб ҳам олди денг.

— Ҳа, анча давлат ҳам орттириди. Асти-ку ўзи шўрони ёқтирмайди, чор-ночор иттифоқчилик қилди. Кўзига шўродан кўра Гитлер даҳшатлироқ кўринди шекилли-да! Мана, яна эски изига тушиб олди: даҳанаки жанг қилишяпти.

— Айб шўроларда, жуда қанотини ёзиб юборяпти.

— У пул топишга уста бўлса, — деди Ҳожи Американи кўзда тутиб, — бу, фуқаронинг кўнглини яхши овлайди. Иккиси икки йўл билан дунёни қамраб олмоқчи. Қўш қўчқор. Иккисининг боши бир қозонга сифмайди. Пулдори ютадими, фуқаропарвари ютадими — энди билмадим.

— Сиз билан бизнинг умид, Ҳожи ота, гапнинг дангалини айтганда, ўша пулдоридан.

— Албатта. Бизга шуниси маъқул. Феъли кенг.

— Жуда тўгри топдингиз: феъли кенг, лекин унинг усул-идорасини маъқуллаш билан иш битмайди шекилли-да.

Қоплонбекнинг кейинги ўйлаб айтган бу гапини Ҳожи ёшлиқ шошинқираши тарзида тушуниб, мийифида кулди:

— Яна нима қилиш лозим бўлади?

— Уни қўллаб-қўлтиқлаш керак! — очигини айтди-қўйди Қоплонбек.

— Шундай катта давлатнинг биздек гарibu бенавога муҳтожлиги бор эканми?

— Бўлганда қандай!

— Ё тавба, — Ҳожи ҳамон сұхбатдошининг тубли, сүзига тушуниб етмас әди, ҳазилнамо сўроқ ташлади: — Қани, айтинг, эшитайлик?

Полковник Кларк томонидан яхшигина ўқитилиган Қоплонбекка шу керак әди. У мазкур ўлканинг мустақилликка интилиши, шу боришда ахир бир куни бунга эришуви, ана ўша пайтда давлат тепасига шўроларга хайриҳоҳ, ҳатто унинг тарафдорлари чиқиб қолиши хавфи борлигини ваҳимали баён этиб, бунинг олдини олишда бирдан-бир чора — ўлкада Америка таъсирини кучайтириш, тўғриси, Америка капиталини қалқон қилиш эканини жуда усталик билан тавсифлади.

— Сиз билан биз, — деди охирида у, — хусусий мулк кишилари, савдо аҳлимиз. Ахир қараб туриб, кетмон сингари ўз томонимизни чопмасдан, болта бўлиб, орани айириб ташлашимиз керак. Бу аччиқ тажриба мендан кўра, сизга яхши аён. Бир кун келиб бармоқ тишлашнинг фойдаси йўқ.

Она юртидаги инқилобдан кейинги олаговур йиллар Ҳожининг эсига тушди, юраги орқасига тортиб, орзиқиб кетди. Қоплонбек унинг нозик еридан олган әди. Ўйга толиб қолди — Қоплонбек уни авраб қўйган әди.

Ўз тадбирининг таъсирили чиққанини бутун вужуди кўз-қулоқ бўлиб кузатиб турган Қоплонбек конкрет ишга кўчди:

— Масалан, ҳозир Америка қўшнингиздаги нефтни яқин йўлдан, яъни сизнинг ўлка орқали қувур билан олиб ўтиб кетмоқчи. Бу денгиз орқали ташиб кетишдан анча арzon. Иккинчидан, шу муносабат билан у мамлакатга одам киритади. Эҳтимол, бу обьектларни қўриқлаш учун қўшин ҳам лозим бўлар. Мамлакатга кирган кишилар — мутахассислар ўз юртининг маънавий таъсирини ёйса, қўшин вақтики келса, сизга ўхшаган юрт-эл казоларининг манфаатини қуроли билан ҳимоя қилади.

Қоплонбек сўзидаги мантиқ Ҳожига ёқди. Унинг кўзини очди. У мамлакатдан нефть қувури ўтказиши масаласидан хабардор эди. Бунинг молиявий томонларинигина ўйлаб, ўтган ҳафта бўлган маслаҳат мажлисида ёқлаб чиқсан эди. Лекин масаланинг бу томонлари борлиги хаёлига келмаган экан. «Ҳар нарса бўлса ҳам Қоплонбек кўп чийриқдан ўтган, юрт-эл кўрган, кўп нарса билади» деган фикрга келган Ҳожининг суҳбатдошига меҳри товланди.

— Гапингиз тўғри, — деди ҳамон турли мулоҳазалар оғушидан қутулмаган Ҳожи, — биз бу томонларини ўйламаган эканмиз.

— Ҳа, балли, — деди катталардек Қоплонбек ва яна тадбиркорлик билан қўшди: — Кейин бу сизга ўхшаган шерик бўладиганларга жиққа мой. Худди антишванадай қутичадаги қурт уругини иссиқ ерда очтириб олгандай гап: сал муддатда кўрибсизки, қоп-қоп пилла — тилла-да!

Олдида совиб қолган чойни узун симириб, бўшатган Қоплонбек, одоб билан кўкрагига қўлини қўйиб пиёлани Ҳожига узатар экан, топшириқомуз деди:

— Бу масалада қаттиқроқ туришингиз зарур бўлади. Давлатингиз бўлса, худога шукур, бор, юрт ичида таъсирингиз ундан кам змас. Кишилар билан якка гаплашинг, тушунтиринг. Тезлатиш керак. Кейинги пушаймондан фойда йўқ. Ҳозир айни пайти.

Бир маҳал Таманно Қурбоналини бошлаб кириб қолди. Суҳбат бўлинди.

— Ҳамشاҳрингиз шу ерда дейишган эди, ҳойнаҳой сиз бўлсангиз керак, деб яна битта элатингизни бошлаб келяпман! — деди Таманно ҳамроҳини кўзда тутиб нозу карашма билан.

У тунов кунги Таманнога сира ҳам ўхшамас эди. Йўл ҳордиқларидан из ҳам қолмаган, гул-гул очи-

либ кетган. Кўзларида олов ёниб, юзларидан нур тўкилади. Оппоқ тишлар қўшқават дур маржонга ўхшайди. Тирноғи бўялган оёғида юзи очиқ енгиличувак, эгнида ҳарир кўйлак, кесилган соchlари елкасига тушиб, ажиб бир фусун баҳш этиб турибди. Учсан, қаерга қўнаман, деб турган каптар кўкраги бутун ҳуснининг тожи.

Меҳрибонлик муҳаббат элчиси, деб билган Қоплонбек читтак чаққонлиги билан ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқди. Одобу икром билан бармоқла-ри нозик ва ингичка қўлини олди. Бир бармоғида-ги «етти қароқчи» узугининг гавҳар кўзлари чироққа тўғри келиб чакмоқдек ярақлаб кетди, Қоплонбекнинг дикқатини тортди. Стул тортиб, жой кўрсатган эди, Таманно:

– Ўз ўрним бор! – деб дадасининг чап томонига ўтиб ўтирди.

Таманно бирга кирган ҳамроҳини қанчалик са-мимият билан тавсия этган бўлмасин, унинг уст-боши, юриш-туриши, ранги-рўйи кимлигидан дало-лат бериб туарди. Шундай бўлса ҳам Қоплонбек: «Шунинг ҳам кўнгли қолмасин, згасини сийлаган итига суяқ ташлайди», деб икки қўллаб кўришди, ҳол-аҳволини сўради. Шундан кейин у билан ҳеч кимнинг иши бўлмади. Суҳбат орасида Қурбонали бир чой дамлаб кирди. Табиатан камгап бу одам ҳар нарсага човлисини солавермайди, гапиришдан тинглашни яхши кўради. Орада ўтаётган суҳбатга қулоқ солиб ўтириб «бу ҳам эски қочоққа ўхшайди» деб бир ихлоси қайтди. Ўз юрагига ҳадеб тош отаверганини кўриб «ўзингникини ёмонласанг, бе-гонанинг меҳри совийди, нодон!» деб фижиниб қўяди ичиди. Гапни ўргимчак уясидек тўқиб ташлай берган эди, қўшни ҳовлида тахта арралаётгандек ғашини келтирди. Охири бардоши тугаб, «Бунинг гапидан латта ҳиди келади», деганича аста чиқиб кетди. «Ҳамشاҳаримни кўриб, шояд баҳрим очил-

са», деган бечора мусофири аксинча дили сиёҳ бўлиб, кулбасига қайтди, анча вақтгача хаёли қочди: «Бу одамларга ўзи бир нарса бўлганми, иккитаси бир бўлди фийбату, она юртига мағзава сочиш билан овора! Теша бўлиб ўз томонини чопади. Ё бу юртда нуқул шунақалари юрадими? Емон қушга ўхшаб, ўз уясини ахлатга тўлдиргани уялмагани буларнинг!»

Бир ҳафтадан сўнг мамлакатдан нефть қувури ўтказиш масаласи юзасидан бўлган фикрлашув мажлисида Сайдакбар ҳожи тадбиркорлик билан шунақа куйиб-ёниб ҳимоя қилдики, ҳатто Американинг расмий вакили ёқа ушлаб қолди. Ҳатто уни бир чеккага олиб, қўлини сикуб қўйди.

Ҳожи эса, бу йиғилишга Қоплонбек ўргаттанидек керакли кишилар билан битта-битта суҳбатлашиб, гапни бир ерга қўйиб келган эди. Уни бундан келадиган даромаддан ҳам кўра, масаланинг анави томони кўпроқ ташвишлантириб қўйган эди.

Ахир у ҳассасини бир йўқотган кўр-да!!

10

КЎНГЛИ ҚОРАНИНГ ЮЗИ ҲАМ ҚОРА

Эшик тақиллатган монтёр қўлида лампочка билан тезда кириб келавермасдан яна бир оз кутиб турганда ёки ичкаридан жавоб бўлгунича сабр қилганда Аъзам ўзидан кетиб йиқиларди. Унинг миясини «Энди тамом. Мени пойлаб турган эканлар!» деган фикр чақмоқ тезлигида тешиб ўтиб, идрокини шол қилиб кетган эди. Бахтига монтёр кириб, лампочкани алмаштириш лозимлигини узр сўраб айтди. Қархисида ранги девор бўлиб қотиб қолган одам билан иши бўлмади. Унинг ёнидан лип этиб ўтиб, ўз ишига киришди. Ана шундагина Аъзам ўзига келиб: «Шу маҳалда лампочка алмаштириш

қисталанг бўлмай ўлсин! Эсхонам тескари бўлиб кетди-я!» деганича қўлидаги бўғчани ўрни устига ташлаб, умивальник томонга ўтди. Муздек сув ичиб, юзларини ювди. Ўзини тетиклаб олди. Бу орада монтёр лампочкани алмаштириб чиқиб кетди.

Аъзам юрагини ушлади: ҳалигача ўзига келмапти. Шундай бўлса ҳам сал дам олишга сабри чидамай, эшикка отилди. Зиналардан физиллаб тушди. Кўчага чиқиши билан қаёққа юришини билмай қолди. Аввал режа тузиб қўймаганига ачинди. Кўп ўйлашга вақти йўқ. Ўнгга бурилиб, нариги кўчага ўтди. Дуч келган машинага қўл кўтарди. Парво қилмади. Яна бошқасига. У ҳам тўхтамади. Шунда ёнидан ўтиб кетаётган киши: «Такси керакми? Остановкаси анави ерда», деб қўли билан кўрсатди. Аъзам у кўрсатган ерга бориб етиши билан машина келди. Орқасидан ёв қуваётгандек нафаси оғзига тиқилиб, машинага ўтирди. Жон ҳолатида эшикни ёпиб: «Қаёққа буюрадилар?» деб термилиб турган шофёрга: «Полицияга ҳайда, полицияга!» деди. «Бошига бир мушкул иш тушибди шекилли бу гарининг», деб ўйлаган шофёр тезда машинасини елдириб кетди. Олдидаги кичкина ойнадан уни кузатиб борарди. Мехмон қора терга тушган, ташқарига қарашга ҳам тоқати йўқ. Машинанинг бир бурчида бўйинини ичига олиб тиқилиб олган.

Шофёр қандайдир кўча ва хиёбонларни ўтгач, бир ерга бориб таққа тўхтади. Аъзам: «Худога шукур, етдим», деб машина ручкасига ёпишган эди, шофёр: «Ҳали етганимиз йўқ», деб қаршисидаги қизил чироқни кўрсатди. То Аъзам уни идрок этгунича юриб кетди. Аъзам бирор кўриб қолиб, машинани тўхтатаётгандек яна бошини паст қилиб, ўзини бурчакка олди.

Охир манзилга етди. Шофёр вивескани қўли билан кўрсатди. Аъзам боядан бери қўлида чангальлаб, кафтининг тери билан ҳўл қилиб юборган пул-

ни шоша-пиша шофёрга узатиб, ўша шошинқираш билан машинадан тушди. Назаридан ҳозир дунёда бош суқса пешанасини силайдиган яккаю ягона ер шу полиция эди. Худди шундай умид ва ишонч билан остонаядан-ҳатлаганда қаршисида сўхтаси соvuқ ўрта ёш полициячининг қовоқ-димоғини кўриб, юраги орқасига тортиб кетди: «Бундан бирон яхшилик чиқармикин?»

Аъзам арзини қилди. Полициячи уйқуга тўймаган одамнинг ҳафсаласизлиги билан телефон трубкасига қўлини узатди. Ўша тундлик билан кимгадир Аъзамнинг арзини доклад қилди. Жавобини Аъзамга билдирамасдан, бепарвогина папирос тутатди. Папирос тутуни орасидан унга қараб қўйди. Бу қарааш Аъзамга: «Ўла, шу кунингдан кўра!» маъносида таъсир қилди. «Бошланиши чилланинг сувидек совуқ, бу ёғи нима бўлади. Ювиндига зор бўлмасам гўрга», деган фикр кўнглига келиб, ўз тақдиридан норизо бўлиб, чет элга қочишга қасд қилганидан бери биринчи марта ўқинди. Унга ҳамиша ибрат бўлиб турган Жемс шу маҳал кўэига бадбашара кўриниб кетди. Бошини қутии солди. Ҳар дақиқаси бир соатга ўжшаган бу гарип ўтиришдан зериккандек бошини кўтарган эди, полициячининг оғзини очмасдан жағи билан эснаётганини кўрди. Унга ҳам юқди, кўзидан ёш чиқиб узоқ эснади.

Бу кўнгилсиз ўтириш узоқ чўзилмади.

Аъзамнинг шу дақиқадан кейинги умри эртакка ўхшаб кетди.

Бир маҳал эшикдан икки киши кириб келди. Бири полиция формасида, бири оддий кийимда. Бошлаб оддий кийимлиги қўл бериб кўришди. Формадаги ичкари хона эшигига калит солди. Уни очиб, шеригининг қўзини ўзига тушишини кутиб, эшикнинг бандини қўйиб юбормай турди. Беформа буни пайқаб:

— Марҳамат, мсье! — деди Аъзамга ва уни бошлаб хонага кирди. Ўзи тўрга ўтиб, қаршисига Аъзамни ўтқазди. Формали эса унинг ёнидан жой олди.

— Демак, сиёсий бошпана сўрайсиз, шундайми? — деди беформа Аъзамнинг француздан нўноқлигига қаноат ҳосил этгач, русчани французча маъинлик билан талаффуз этиб.

— Шундай! — боши билан ҳам тасдиқлади Аъзам.

— Яхши! Лозим топсангиз ватанингизни тарк этиш сабабингизни қисқача айтиб берсангиз.

Аъзам бундай ошкор таклифни кутмаган эди.

— Ажабланманг ва хавотир олманг, — деди суҳбатдоши қандайдир ғалати ишшайиб. Унинг кулиши чиройликкина юзини хунук қилиб юборди.

— Ўртамиизда бўлган гап ҳеч қачон ошкор этилмайди. Модомики, сиёсий бошпана сўпар экансиз, сизни бунга журъат эттирган сабабларни билишимиз шарт. Яна жиноятчи бўлманг!

— Йўғ-э!

— Бўлмаса нега тортинасиз? Конституциямиз сизни ҳимоя қиласиди. Шу дақиқадан бошлаб ўзингизни бемалол тутаверинг. Сизга пашша ҳам қўнмайди!

Шундан кейин муродига етганига энди қаноат ҳосил этгандек Аъзам сайраб кетди. Демак, у ишончли қўлда. Унинг тақдиди ҳақида ғамхўрлик қиласидилар. Биринчи учраган сўхтаси совуқ полициячидан хафа бўлгани бекор. У ўзи шунаقا, тўнкага ўжшаган қўпол. Мана унинг меҳрибонлари, унинг ҳуқуқи посбонлари. Булар билан ҳар қанча дардлашса бўлади. Дардингга эм бўлиб, баҳрингни очади...

Аъзамнинг булбулигўёлиги суҳбатдошига кутганидан ортиқ озуқа берди шекилли, у формадаги ҳамроҳига: «Бу лаққага ўхшайди-ку!» деб сўл

кўзини қисиб қўйди. У ҳам иккала кўзини салмоқлаб юмиб, тасдиқлади. Шундан кейин ортиқча савол-жавоб бўлмади. Қандайdir қоғозларга қўл қўйди, гапини қисқагина ёзиб берди.

Беформа қаёққадир қўнгироқ қилиб, киши тушуниши қийин бўлган узуқ-юлуқ тилда ким биландир гаплашди. Кўпроқ қулоқ солди. Гаплашаётган одами ўзидан лавозим жиҳатидан юқори бўлса керак, одоб сақлаб, ҳарбийларга хос тетик муомала қиласарди. Трубкани жойига қўйса ҳам, қўлини унинг устидан олмай:

— Ишимиз битди, ўртоқ, — деди у «ўртоқ» сўзини алоҳида айириб. — Лекин сизни қўйиб юбориб бўлмайди. Чиқдингиз матрабга тушасиз. Отликими-яёв қидириб юришган бўлишса керак. Ҳеч ким сезгани йўқми?

— Йўқ.

— Ҳеч ким билан бу ҳақда гаплашмаганмидингиз?

— Йўқ.

— Жуда соз, — у бу савол-жавобдан ўзича маъно чиқариб, сал ўйлаб қолди. — Ундай бўлса эрталаб билишади.

У қандай қилсам подасидан адашган сен тойлоқ бузоқни иссиқ ва бехавотир ерга олиб қўяман, дегандек бармоқлари билан столни чертиб турди. Лекин унинг кўзлари бошқа маънони ифодаларди. Бу кўзларда меҳрибонликдан кўра бағритошлиқ, одамгарчиликдан кўра ёвузлик ёниб туради. У аллақачон Аъзамнинг тақдирини ҳал қилгану, энди қандай йўсинда юмшоқ рўёбга чиқариш учун режа тузар, уни кўнглида муҳокама қиласарди. У шундай қилиши керакки, оёқ-қўлидан чандиб боғланиб қолганини Аъзамнинг ўзи ҳам билмай қолсин. Ҳозир айни пайти. Ҳали бу томонларнинг ҳавосини олгани йўқ. «Гаҳ» деса, «чағ» дейди. Нима деса, хўп дейди, қаёққа бошласа шу ёққа юради. Бошлиғи ҳали

телефонда шу түгрида йўл-йўриқ берди, чунки вакилининг характеристикасидан Аъзамнинг қўлидан қанақа иш келишини, уни қандай мақсадларда фойдаланиш мумкинлигини аллақачон фаҳмлаб олган эди. Ахир у бунақа қўли ишдан олдин ошга югурадиганларни энди кўярптими? Унинг ўзи бунақа дайдиларга, ўзи сув ичиб турган қудугига туплаб, биронникини орзу қиласидиган ношукурларга кўп ҳам ишонавермайди. Булар куз шамолига ўхшаган нарса; гоҳ у ёқдан, гоҳ бу ёқдан эсади, турғуни йўқ. Вақти келса, қарга бўлиб, кўзингни чўқиб кетишдан ҳам тоймайди. Ўз она тупроғининг қадрига етмаган ўзганикини кўзига тўтиё қиласиди? Ҳеч ҳам! Юздан бири эпақага келиб, сингиб кетмаса, сув юзидағи керосиндай йилтиллаб турраверади: керосинини ишлата олмагандек, сувини ҳам ичиб бўлмайди.

Лекин уларни қирчанги бўлгунича минса, анча иш қилиб олиш мумкин. Аъзам унга минса мингудек, етакласа юргудек бўлиб кўринди. Шунинг учун ўз кишисига уни керакли ерга олиб бориш учун ийлашни буюрди. У ёги билан маълум кишилар шуғулланади: ёгини ёқقا, сутини сутга, сувини сувга ажратади.

Беформа ана шу бошлиғининг топшириғини мойланган паркетдай силлиқлик билан амалга ошириш ниятида эди. Нимадан бошласа экан? Силаб-сийпасинми ёки дабдурустдан нишонга олаверсинми! У қайси бирини қўллаш учун Аъзамни кузатар, унинг маъюс мўлтиллаб турган қора кўзларига назар ташларди. Неча кунлик гумонсираш, ташвиш билан сўлинкираган юзларининг ҳар бир чизигини синчиклаб ўрганаради, ундан ўзига хулоса чиқарди. У амин бўлдики, Аъзам тубсиз жар устига ташланган омонат кўприкдаги кишидек юраги дукиллаб турибди. «Қўлингни бер!» деган кишига

жонини ҳадя қилади. Беформа ана шу қўлни узатишидан гап бошлади:

— Албатта ҳозир сизга оғир. Бутун катта бир шаҳарда «бу ёққа кел!» дейдиганингиз йўқ. Кўчага чиқдінгиз ўз кишиларингиз илмогига тушасиз. Бу — Сибирь деган гап. Сибирнинг қанақалиги ўзингизга маълум: ўн икки ойи қиши, қолгани ёз. Қиши бўлганда ҳам тупугингиз ерга музлаб тушади. Келинг, шундай қилайлик, юрагингиз тоза одам бўлсангиз мени дуо қилиб юрарсиз, бўлмаса худо йўлига. Ҳозир бир четга ўтиб туринг, шерикларингиз из йўқотсин, шаҳардан чиқиб кетсин. Ё энди бемалол юравераман, деб ўйлайсизми? — ўсмоқчилади у. Аъзам буни чин тушуниб, ҳализамон шериклари қўлига тушадиган, шериклари юзига қора суркаб, юритига қайтариб юбораётгандек кўринди:

— Ихтиёр сизларда! — деди «раҳминглар келсин мен бенавога» деган мазмунда.

Суҳбатдоши айни шуни кутиб турган эди, унинг кўзлари чақнаб, кемтик тишлари кўринди. Ўрнидан иргиб туриб, зарга ўралган сигарета қутисини очиб, олдин Аъзамга тутди, кейин ўзи олди. Олов тутатди:

— Мана бу мард йигитнинг гапи! Бўлмаса кетдик. Шерикларингизнинг бу ерга босиб кириб қолиши ҳам мумкин. Биз уларни яхши биламиш: бунақа пайтда жар бўлса ҳатлаб, тог бўлса тирмашади.

У машина чақирди. Машина ҳам тайёр турган экан шекилили, қўлларидағи сигарета чекилиб бўлгунча етиб келди. Боядан бери гапи аралашмасдан, фақат бош чайқаш, энгак қоқиши, кўз қисиши билан суҳбатга аралашиб турган полиция формасидаги киши эшикка чиқиб келди. Келди-ю, ҳамроҳига ўзи тушунадиган бир имони қилди.

— Эҳтиётдан мана буни тутиб олинг! — деди беформа киши ёнидан қора кўзойнак чиқариб. Аъзам индамай кўнди.

Улар орқа эшикдан чиқиб, машинага ўтиришди.
Улар машинага ўтирган пайтда сўхтаси совуқ по-
лициячи олдида Аъзамнинг шериклари:

— Шу ерга келган Аниқ биламиз. Қаерга яши-
дингиз? Топиб беринг! — деб туришган эди.

Улар Аъзамнинг қочганини кечки сайилдан
қайтган заҳотиёқ билишди. Бошлиб буни инженер
сезди. Гарчанд, у Аъзам гумон қилгандек унинг ке-
тига қўйилган киши бўлмаса ҳам, қандайдир бир
изни ҳис билан пайқади. Гуруҳ бошлиғига хабар
берди. Аъзам чамадонининг алғов-далғов бўлиб
ётиши уларнинг бу шубҳасини оширди. Навбатчи-
дан сўрашган эди: «Қўлида тугунча билан чиқиб
кетганига анча бўлди», деди. Бу уларнинг шубҳа-
сини тасдиқлади.

— Ичиди бунақа ҳаром дарди бор экан, шунинг
учун ҳеч нарса ёқмай, ўзини минг ёққа ураётган
экан, хоин! — деди инженер. Унга ҳаммадан ҳам
танлаган ҳамроҳининг мунақа одам чиқиб қолгани
алам қиласарди.

— Элбурутдан хулоса чиқаришга шошилманг!
— деди гуруҳ бошлиғи босиқлик билан, — эҳтимол,
бошқа сабаби бордир.

— Қанақа сабаби бўлиши мумкин: кераклигини
йиғиштириб олиб кетиб бўлибди-ку! Бу хоинлик-
дан бошқа нарса эмас!

Бошлиқ индамади. Икки кишини ёнига олиб,
қолганларини огоҳлантирди:

— Подадан олдин чанг чиқарманлар! Кириб да-
мингларни олинглар. Биз ҳозир анигини билиб ке-
ламиз. У бошлиб шериклари билан мухокама қил-
ди: қаерда бўлиши мумкин?

— Бунақа нияти бор одам сирини бировга айтадими?
— гапга аралащди учинчиси.

— Энди фол очиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ас-
лида-ку элчихонамизга телефон қилиш керак. Ле-
кин вақт кеч. Бунинг устига ўзимиз топиб қолсак

ёки ўзи дайдиб юриб-юриб, тавбасига таяниб келса, хижолатга қоламиз. Келинг, аввал шу атрофни қарайлик, бир-икки полицияга кириб күрайлик, суриштирайлик. Зора тинчлик билан ўтиб кетса.

Худди шундай қилишди. Ҳар-ўткинчи уларнинг кўзига Аъзам бўлиб кўринди, четроқ скамейкада ўтирган одамнинг олдидан айланиб ўтишди. Такси олиб, бир-икки полицияга кириб чиқиши. Ана шунда шофёр уларнинг хатти-ҳаракати билан қизиқиб қолди:

— Нима иш билан юрибсизлар? — деди у аввал узр сўраб.

Уч ҳамроҳ бир-бирига қарашиб олгач, инженер максадларини айтди.

— Қани, шириккомасини чиқаринг, мен бошлаб бораман, — деди шофёр кулиб. Қидиувчилар бу кутилмаган жавобдан қотиб қолди, кўзлар бир-бириларига қадалди.

— Сиз уни қаёқдан танийсиз? — аниқламоқчи бўлди бошлиқ.

— Қора қош, қора кўз, чиройли йигитми? Бўптида! Қўлида газетага ўралган тугунчали ҳам бор.

— Тўппа-тўғри! — қувониб кетди инженер. Шофёр пассажирларининг сабр-тоқатини синамоқчи бўлгандай бирпас кулиб турди.

— Хўш, шириккома бўладими?

Бошлиқ агар «йўқ» деса, шофёр Аъзамнинг қаердалигини айтмай қўядигандек, шошиб-пишиб:

— Бўлади! Бўлади! — деди.

Шофёр машинасини орқасига бурди. Ҳалигина кириб-чиқишиган полиция эшиги олдида тўхтади:

— Боя уни шу ерга олиб келганиман! Лекин мен айттанимни бирор билмасин. Нақ бошимда ёнгоқ чақишиди. Биз полиция ишига аралашмаймиз.

— Хотиржам бўлинг.

Такси ҳақини олиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Қидирудчиларнинг қайтиб келганини кўриб, сўхтаси совуқ полициячининг яна ҳам совуғи ошиди. Керак бўлмаса ҳам бошини бир томонга қилиб, бўйинни узоқ қашиди. Туриб, қаёққадир ўтмоқчи бўлган эди, гурӯҳ бошлиги боягидек суриштириб эмас, талаб қилиб масала қўйди.

— Бизга ҳеч ким келгани йўқ! — деб сурбетлик билан оёғини тираб туриб олди сўхтаси совуқ полициячи.

— Йўқ, шу ерда!

Сўхтаси совуқ жўрттага гап чалғитди:

— Ичиб, тўполон қилиб тушганми?

— Мумкин бўлса, гап айлантирмасангиз. Тўғрисини айтинг, ҳаерда ўша одам?

— Биз одам ўғирламаймиз, мсье. Туҳмат қилманг!

— Туҳмат эмас! У шу ерда. Ҳозир олдимиизга солиб беринг. Акс ҳолда...

— Бошда бир давлатнинг полициясига дўқ қилмоқ одобдан эмас, жаноб! — деди шу гап устига Аъзам олдидан чиқиб қолган формали киши. — Акс ҳолда биз қувиб чиқаришимиз мумкин. Биз ҳеч қандай совет кишисини кўрганимиз йўқ. Полициянинг унақаларга иши ҳам тушмайди. Шундай экан, бизни безовта қилиб, ўз асабингларни бузманглар.

— Йўқ, у шу ерда!

— Афсуски, жаноблар, хоналарга кириб қидиришингизга ижозат этолмайман. Акс ҳолда ўз туҳматингиздан шармандангиз чиқарди! Бизга халяқит берманглар! — у шундай деди-ю, чиқиб келган хонасига бепарвогина кириб кетди. Ана шундан кейин улар Аъзамни орқа эшиқдан олиб чиқиб кетишга мажбур бўлган эди.

Қидирудчилар ўз кучлари етмаслигини фаҳмлашгач, элчихонага қўнғироқ қилишга мажбур бўлишди. Ундан келган одам ҳам бир иш чиқаролмади.

— Шофёрнинг сўзи биз учун асосий дастак бўлолмайди, — деди у бўшашиб.

Сўхтаси совуқ полициячи эса, ҳамон оғзини очмай чакаги билан эснарди. Кириб-чиқиб турган ҳамкасабаларига ҳам эснаш-аралаш-жавоб берарди.

Бир ҳафтадан кейин Аъзамнинг сиёсий бошпана сўраб француз маъмуриятига мурожаат этгани ҳақидаги хабар газетада чиқди.

Бу вақтда Аъзам Париждан ташқарида, хилват бир бօғда оёғини bemalol узатиб ётарди.

Бунинг бир сабаби ҳам бор эдики, у Аъзамнинг нархини ошириб юборди.

Франциядан Иттифоққа турист бўлиб борган бир одам жосуслик ишлари билан қўлга тушган, бу ҳақда совет матбуотигина эмас, илфор француз газеталари ҳам барадла ёзмоқда эди. Уларнинг оғзини бекитиш учун Аъзам жуда қўл келарди. Худди шундай ҳам бўлди.

Аъзамнинг дарагини эшитган француз разведкаси уни дарров қўлга олди. Полицияга келган беформа одам худди унинг вакили эди. У телефонда бошлиғига хабар қилиш билан қаноатланмай, Аъзамни бехавотир ерга олиб бориб қўйгач, дарров қайтиб келди. Унинг қувончи ичига сифмас эди:

— Айни биз боп! Сал мураватини бураб олсан, биз истаган оҳангга сайрайди. Оёқ-қўли ҳам чаққонгина, мсье майор.

Майор ёш йигитдек бирдан қувониб кетмади. Тепакал сочининг олди қолдиқларини бир-икки оҳиста силаб, орқа томонини — соч қалин ерини кўпроқ босиб текислади. Бошини сал қийшайтириб бир нуқтага тикилиб турди ва бирдан сўради:

- Неча ёшда дедингиз!
- Ўттизга бориб қолгандир.
- Ҳали йигирма бешлар атрофида дедингиз-ку,
- майор оғрингандай бўлди.
- Эҳтимол, — бўшашиб беформа.

— Эҳтимол әмас-да, биродар, ўттиз билан йиғирма бешнинг ўртасида катта фарқ бор. Ўттизда киши муҳокамали бўлиб, қони совинқираб қолади. Йигирма бешда эса, сувга ташланган балиқчадай дингиллаб туради. Қизил гул кўрса, тиканини суриштирумай чангал солади, — майор сал кулган эди, беформанинг оғзи қулогига етди. Ўз бошлигининг ақлига қойил қолди. Кўнгли аниқ чопмаса ҳам:

— Йигирма беш деганим тўғри! — деди бошлигининг кўнглини овламоқчи бўлиб атайин.

— Бу бошқа гап! Ана шунга қараб дон сепамиз. Йўргалаб чўқийди.

Аъзам ҳақида ўз хизматчисидан яна баъзи нарсаларни суриштируди. Лекин якун чиқармади. Якунни эрталабга қўйди. Эрталаб кела солиб, Аъзам билан бирга қолдирилган одамини чақириб олди.

— Хўш, қалай, йўргами? — деди кулиб.

— Ёмонмас. Сал боқса яна ҳам яхши бўлади, манзилга чопади.

— Яхши! Винога тузук дедингиз-а?

— Сал тортиниб... — деган эди сухбатдоши, майор илиб кетди:

— Ароққа ўхшатмаган. Улар ароқнинг гадойи. Буни ҳисобга олинг. Агар кўнгли тўлмагудек бўлса, конъякка ўтинг.

— Хўп!

— Шундай қилингки, олтин қопнинг оғзини истаганда очиб, истаганда боғлаб қўядиган бўлайлик.

— Ўзи ҳам байронгина! — юзига кулги сочилиб деди сухбатдоши, — кечаси билан анча гаплашдик.

Уни оғзига урди майор:

— Яна сизни лақиљатиб кетмасин! Атайин юборилган бўлиши мумкин, чакагингизни тутиб оғиз очинг.

Сухбатдоши: «Бу ёғидан хотиржам бўлинг, хўжайин мурватимизни ўзингиз маҳкамлаб қўйгансиз! — дегандек мутеларча бўйинини эгди.

— Уларнинг разведкаси Гитлерникини мукка-
латган-а! Шу ҳеч қачон эсингиздан чиқмасин, лей-
тенант!

Майор шу ўгитдан кейин яна суриштиришга
ўтди.

— Кофега тоқати йўқ дедингизми? — Бу тўғри.
Улар аччиқ қора чой ичади. Уйланган эканми? Бу
ҳам яхши! Бир оз вақт ўтса, ем еган тўрвасини
согинади. Унда яна яхши!

— Хотинини ёмон кўрар экан. Идорам бошлиги
зўрлаб олиб берган дейди.

— Сиз уни зўрлабгина эмас, ўз нишхўрдини,
сарқитини тобе кишисига оширган, деб бир ерга
қайд қилиб қўйинг! — Энди эсига тушгандек майор
бирдан сўраб қолди: — Хонага қўйилган аппарат
ишляяптими?

— Ишлаганда қандоқ! Ўзим икки марта текши-
риб кўрганман. Тунда ёзилгандан бир қисмини олиб
келганман.

— Эҳтиёт бўлинг! Хонага яширин аппарат қў-
йилганини билиб қолса, кўнглига шубҳа тушади.

— Хотиржам бўлинг! — қатъий деди лейтенант.
Шундан кейин майор тушки овқатни Аъзам билан
қилди. Уни кўриши билан:

— Журъатингизга балли. Ўз иродаси билан иш
тутадиган кўпми сизда? — деди, қўлинни олиб қаттиқ
сиқди. Шу сиқишидаёқ касбига хос синчковлик билан
Аъзамни кузатиб чиқди. Кечадан бери унинг олди-
да бўлган кишиларнинг маълумоти ва ундан ўзи-
нинг чиқарган якунларини дарров тарозига солди.
Асосан тўғри. Уясини тарқ этган бу қушча ўз ҳус-
ни билан мағрурланадиган чиройли, касби-корини
кўз-кўз қиласидиган, доим кўнгли нимадандир тўл-
май юрадиган мағрур, сал энгагини кўтариб қўй-
санг мутеларча хизматингни қиласаверади. Маишат-
га мункиб қетган. Унинг ярим шубҳа билан маъ-
юс боқиб турган мушук кўзлари ҳамиша бундай

туравермайди, ўз ҳукмини ўтказадиган пайт топса шерникideк қонга тўлади, ўт бўлиб чақнаб, тиф бўлиб қалбга ботади. Лекин ўзи довюракка ўхшамайди. Буниси ҳам яхши. Пайти келганда ана шу педалини ҳам босиш мумкин бўлади, ахир дононлар қўрқоқ хиёнат чоҳига яқин туради, деб бекорга айтмаганлар. Бу қадди-қоматлар ўз вақтида унга иш берган. Энди бизга ҳам хизмат этиши мумкин. Кўп вақт чиройли кишининг бахти ҳуснидек очилиб турмайди, бу унда норизолик, нохушлик, қадрига етмаётгандаридан нолиш каби ҳисларни уйготади. Бу ҳислар бориб-бориб түғёнга келади, ё жиноят қилиб бошини буткул ейди, ёки иложини топиб умрбод кибрланиб яшайди. Бу ҳам шу тоифа кишилардан. Акс ҳолда бундай қалтис йўлга қадам босиб, менинг қаршимда турмас эди.

Бир лаҳзада шундай ўйларнинг эгри-бугри кўчаларини кезиб чиққан майор Аъзамни дастурхонга таклиф этди: — Излаб келган меҳмонни дўппидек бошга кўтариш керак эди-ку, ошпазларимиз ношудлик қилиб қолди. Сизнинг миллий таомларингиздан ҳеч нарса қилишни билишмас экан.

Бу гапнинг ёлғонлигидан бехабар Аъзамнинг кўнглига сув югуриб, оғзининг таноби қочди, менинг ҳам қадримга етиб, ғамимни ейдиган бор эканку дунёда, деб юборишига сал қолди.

Дастурхондаги ичимликлардан қайси бирини олишга атайнин иккиланган майор яна Аъзамга мурожаат этди.

— Қайси бирини маъқул кўрадилар?

Аъзам бирдан камтарлик қилди:

— Менга барибир.

— Соғлиқ кўтарганда танлаб ичмоқ керак. Бизнинг ёшга борганда ўз-ўзидан енгил винога ўтиб қоласиз. У Аъзамга француз конъягидан қўйиб, ўзига вино олмоқчи бўлди-ю, яна бу ниятидан қайтди:

— Келинг, сиз билан биринчи қадаҳга конъяк ичай. Анчадан бери оғзимга олмаган эдим. Конъяк кишининг йигитлигини эсга солса ҳам, кай-фи тарқагандан кейин ёшинг қайтганини баттар намойиш қилади-қўяди. Сизни айни ичадиган пайтингиз. Бизда «конъягу қиз, туни билан сизу биз» деган бир гап бор. Қани, олдик.

Майорнинг бунчалик очилиб гаплашиши Аъзамнинг кўнглидаги хижилни тарқатгандек бўлди, руҳи ёришди. Бунда конъякнинг ҳам анча-мунҷа хизмати бор эди. Майор эса, унинг миллий ҳисларига борган сари яқинлашиб, уни бир тордек қайта-қайта маҳорат билан чертиб турди.

— Темур тарихини яхши биламан, ўсмирлигимда кўп ўқиганман. Ажойиб саркарда. Нима учун тарихчиларингиз уни тан олмайди — билмайди. Бошқаларнинг ерига киргани учунми! Наполеон, Александр Македонский бироннинг ерига кирмабдими, қон тўқмабдими? Нега уларни улуғ лашкарбошилар деб жар соламиз-ку, Темурга келганда қонхўр деймиз, уришқоқ қабилаларнинг бошини бириктириб, буюк бир давлат тузганини инкор этидилар. Худо ҳаққи, шу ерга келганда бошим қотади? Нега?

Бу сўзлар Аъзамга мойдек ёққан бўлса ҳам Темур тарихини тузуккина билмаганидан бу пойгани суриб кетолмади. Лекин ичида: «Буларни бизнинг тарихимизни объектив билишини қаранг!» деб қўйди. Уларга нисбатан меҳри товланиб, шундай киши билан ўтирганидан мамнун бўлиб қўйди.

Бу ҳолатни зимдан кузатиб турган, қилни қирқ ёрадиган майор, яна шу нозик торни черта бошлиди:

— Самарқандда бўлмаганимга афсус қиласман. Римдан қолишимайди дейишади. Лекин беқаров эмиш. Тўғрими? — майор уни сухбатга тортмоқчи

бўлди. Бир умрда Самарқандда бўлмаган Аъзам тилёғламалик қилиб:

— Тўғри! — деди, лекин бир маҳал газетада тарихий обидалар ремонт қилинаётгани ҳақида ўқигани эсига тушиб, сал тузатди, — сал-пал ремонт қилишяпти. Бунаقا ремонт филни қошиқ билан суғоришдек, гап.

Сўнгги жумла майорга ёқиб тушди. Шуни баҳона қилиб, яна қадаҳ таклиф этди:

— Ҳамма гап шунда, азизим! Қани олдик! Москва миллий республикаларнинг тақдирига бефарқ, обидасини қадрламайди. Бир маҳаллар Бағдод билан мавқеи талашган Бухорони ҳам таниб бўлмайди, дейишади.

Аъзам Бухорони кўрган эди. Қадаҳни эпчиллик билан бўшатиб, жиндеккина закуска қилиб гапга тушиб кетди.

— Айтишларича, аввал мадрасалар кўп бўлган экан, — яқунилади Аъзам.

— Ҳозир камми? Аттанг! — куйиниб қўйди майор. Кейин бирдан жонланди. — Рухсат этинг, бир қадаҳ таклиф қиласман: сизнинг факт ва воқеаларга шунчалик ҳушёр ва билимдонлик билан қараганингиз учун.

Майор қадаҳни баланд кўтариб, ўрнидан турди. Бу ҳаракат шеригининг иззат-нафсига, гурурига жуда мос тушишини биларди. Худди шундай бўлиб чиқди. Оғзи қулогига етган Аъзам иргиб ўрнидан туриб, қарши қадаҳ таклиф этди.

— Сиз учун, сиз орқали Франция учун!

Аъзам шунаقا ҳаяжонланиб, конъякни оғзига ташладики, қалқиб кетишига сал қолди. Озгинаси димогига ўтиб, бурнини ачитди, кўзига ёш чиқарди.

Майор қўлга тушган бедананинг сайроқилигидан хурсанд бўлди. Шу сайраши бўладиган бўлса, ҳали анча иш беради. Россияда қўлга тушган француз жосусини bemalol босиб кетади. То ўзи

сұхбат қылгунча: «Хозир сайраб турибди, кейин оғзига сүк солиб олса нима бўлади?» «Менинг сиёсат билан ишим йўқ. Мен – инженерман, иш беринг!» деб икки оёгини бир қўнжга тиқиб олса нима қилиб бўлади!» – деган андишада эди. Ахир шунаقا қилиши ҳам мумкин эди-да! Йўқ, бу майорнинг бахти, француз разведкасининг бахти. Бахти бўлмаса, ўз оёги билан эшигини тақиллатиб келадими! У разведка қўлидаги бир сиқим лой. Думалоқлаб сопқонга солиб отса ҳам бўлади, тешик кулча қилиб, деворга ёпиштириб қўйса ҳам бўлади.

Аъзам разведка қўлидаги лой тувоқ бўлди. Бу тувоқ билан француз реакцияси Россияда қўлга тушган бир жосусини фош этиб, бир ҳафтадан бери оламга жар солаётганларнинг оғзини ёпди.

Аъзамнинг: «Мен нима учун ватанимни тарк этдим», деган мақоласи барча реакцион газеталарнинг кўзга кўринадиган ерида сурати билан босилди. Мухбирларнинг у билан бичиб-тўқиб қилган сұхбатлари чиқди. Ўзини радиога таклиф этишди.

К. Рене имзоли журналист «Парижур» газетасида бир мақола бостириб, бу ловиллаб ёнишларга сув сепмоқчи бўлди. Зўр эҳтирос билан бу шов-шуввлар жуда ўринсиз экани, икки қадрдан халқ ўртасига рахна солиб қўйиши мумкинлигини айтди. Бу шов-шувларнинг сабаби фош бўлган француз разведкаси агентининг нопок хатти-ҳаракатларини хас-пўшлаш эканини алоҳида қайд қилди. Инглиз мақолини келтириб: «Қоронгидан тош отишгандан, жилла бўлмаса жўнгина шам ёқиб бўлса ҳам бир-биrimizning дийдоримизни кўришганимиз яхши», деди. Эртасига чиққан бир талай газеталар Ренени алланима балоларда айблаб, дўппослаб кетди. Рене ҳам қўл қовуштириб, тавба қилмади. «Юманите» газетасида катта бир мақола билан чиқди. Бу гал яна ўша тезисини кенгайтириб, Аъзамнинг гапларидан, мухбирларга берган

савол-жавобларидан мисоллар келтириб, астар-аврасини ағдариб ташлади. Бир қанча тарихий фактлар келтириб яна дүйстликка, сув бетида оққан бир парча чириган чўпга қараб, бутун бир ўрмонга ўт қўймасликка чақирди.

Бу гаплардан Аъзам бехабар эди, албатта. Лекин уни бегона кўздан яшириб, пайпаслаб турган разведка сўрадиганини сўриб бўлдими ёки жамоатчилик таънасидан ҳайиқдими, унинг арқонини бўшаштиргди.

— Мана, азизим, энди бехавотирсиз. Нима ишни кўнглингиз истайди? — деди майор. Унинг товушида: «Биздан миннатдор бўлинг, биз сизнинг меҳрибонингиз», деган уқтириш сезилиб турарди. Ичиде кеккайиш ва кибр қуртлари қимиirlаб турган бўлса ҳам, Аъзам мутелик билан қўлини кўксига қўйди:

— Менда не ихтиёр! Сизлар нима ишни лозим кўрсанглар шу-да!

Гарчанд, ҳозир у: «Кафтингларда бир ҳовуч сувман, истанг сепиб ташланг, истанг ҳўплланг», деб турган бўлса-да, унинг бундан бурунроқ инженерлигини рўкач қилганини, шу соҳада ишлаш мақсади борлигини майор кишиларидан эшитган эди. Бунинг устига Аъзам ҳозир турганидек мўмин-қобил ҳам эмас. Майор уни элакдан яхшилаб ўтқазиб бўлган.

— Ахир инженерсиз-ку, — деди майор гўё ҳеч нарсадан хабарсиздек.

— Ҳа, албатта! — бирдан фахрлангандек бўлди Аъзам.

— Вассалом. Инженерликдан яхши касб борми!

Шу куни кечқурун бақалоқ бир киши пайдо бўлди. Аъзам билан эринмасдан суҳбатлашди.

— Дипломингиз бор-а? — деди бирдан.

— Бор, лекин бу ердамас, — ташвишда деди Аъзам.

Бақалоқ киши бир нарсанинг андишасини қилаётгандек тилла тишини йилтиллатиб гоҳ паст, гоҳ юқори лабини тез-тез тишлади. Шунча тадбир билан қочгани ҳолда дипломини эсидан чиқарганидан Аъзамнинг юрак-бағри-эзилиб,-ваҳима-тоғи_елка-сидан босди: энди нима бўлди? Ишонмаса-я? Тўғри, ишонмасликка ҳақи бор. Бирорта гувоҳи бўлмаса!

— Синаб кўринг! — деди охир Аъзам. Шуни кутуб тургандек бақалоқ тезда оғзига урди:

— Синаш диплом эмас-да!

Олаётган отини гоҳ йўрттириб, гоҳ чоптириб синаб кўраётган чавандоздек бақалоқ шошмади. Бу орада чиройли қутисидан зар ёқалик сигарета олиб чекди, хаёл денгизида гарқ бўлиб ётган Аъзамга тутди. У чекмаслигини билдирган эди, баттар юрагига мой қўйди:

— Чекмайдиган инженерни энди учратишим!

Бундан олдинги гапи Аъзамни йиқитган бўлса, буниси устидан тепиш бўлди. Гапга майор аралашди:

— Сизу бизни қора тортиб келган кишига бундай қаттиқ талаб қўйиш инсофдан эмас, мсье!

— Бўлмаса, сиз кафил турасизми? — барибир бўш келмади бақалоқ.

— Майли!

Аъзам иргиб ўрнидан туриб, майорнинг оёғи остига ташланиб мингдан-минг раҳмат айтишдан ўзини аранг тийиб қолди. Лекин унинг жавдираган кўзлари ич-тошини намойиш қилиб турарди. Бақалоқ ён босди:

— Унда марҳамат, эртадан бизда иш бошлигиниз мумкин.

Эрталаб келган ёшгина йигит Аъзамни бошлаб кетди. Бу ишхона Аъзам ўз юртида ишлаган тўқимачилик машиналарини лойиҳалаш билан шуғулланар экан, қўп нарсалар Аъзамга таниш эди. Ортиқча қийналмасдан ишга тушиб кетди. Атрофда-

гилаар ундан ётсираётган бўлишига қарамай у зўрга ишга олган бақалоқ хўжайинининг кўнглини овлаш пайида эди. Унинг назарида, жиндай баҳона ишдан бўшатилиши учун кифоя. Демак, бақалоққа ёқса, бас. Шу хавфсирашда бақалоқ йўталса ҳам «лаббай» деб қулоги динг бўлди, то кўздан ғойиб бўлгунича илҳақ кўзини ундан узмайди. Баъзан унга яхши кўрина қолай, деб танаффусни ҳам чала-чулпа қиласди, баъзан барвақтроқ иш бошлайди. Унинг бу тиришқоқлигини қилни қирқ ёрган бақалоқ пайқамай қолмади. Бир кеч унинг бу фазилатларини тақдирлаган бўлиб, ресторонга таклиф этди. Яхшилаб меҳмон қилди. Дипломини сўраб, кўнглини ранжиттани учун узр сўраган бўлди.

— Мен сизнинг кечаги ҳафтадаги лойиҳани қўлдан чиқаришдаги жонбозлигингиздан беҳад хурсандман. Шу кетишда узоққа борасиз. Бизда қобилият, жонбозлик баҳт қалити! — деди бақалоқ алоҳида таъкидлаб. Унинг қўйинини пуч ёнгоққа тўлдириб ташлади.

Бақалоқнинг нўноқ русча гапларидан оғзи қулогида бўлиб ўтирган Аъзам, бундай меҳрибон хўжайин учун кечалари ҳам қолиб ишлашига тайёр эди!

Улар узун-қисқа бўлиб ресторондан чиқишар экан, танноз бир хотин йўлларини кесиб, атир буруқсатиб ўтиб кетди. Унинг чиройли оёғига жуда ярашган мих пошиали туфлиси паркет полни бир текисда, нотада ёзилгандек ёқимли оҳангда тақилатиб борарди. Аъзамнинг тикилиб қолганини кўрган бақалоқ:

— Гўзал хотинлари билан машҳур бизнинг шаҳарда ёлғиз зерикиб қолаётганингиз йўқми? — деб унинг диққатини ўзига қаратди.

Аъзам жавоб ўрнида ишшайди.

Лекин бақалоқ уни зериккани қўймади. Аъзамнинг бор-йўқ билимини бир-икки ҳафтада ёввойи

зулукдек сўриб олди. Энди Аъзамнинг бошқадан ортиқчалиги йўқ эди. У бу ердагиларга маълум бўлмаган анчагина нарсадан хабардор экан. Лекин хўжайин ёмон тўламади. Мана шунисига Аъзам маст эди. Бўш қолди шаҳар-айланиб, кўнгли тураган ресторанларда толиққунча ўтиради. Ҳатто бир куни Эйфель минорининг юқори қаватидаги ресторанда овқатланди. Ёнидаги ҳамроҳи ўша ердан туриб, бутун Парижни таништириб чиқди. Айниқса, тепадан қарагандаги машиналар сони ва ҳаракати Аъзамнинг кўзини ўйнатди. Сал қаддини кўтариб, имкон туғилиши билан у ҳам хусусий машина олади. Шу кўчаларда, шу кишилар қаторида ўзи ҳайдаб юради. Ҳа, айтгандек бу шаҳарда ҳамма машинасини ўзи ҳайдар экан. Шофёр ёллаш уят шекилли! Уят бўлса, у давлати ошиб-тошиб кетганда ҳам шофёр ёлламайди! Қизиги, эркак-аёл баробар рулга ўтириб кетавераркан! У уйланса, хотинини рулга ўтқизадими? Ўтқазмаса, хотинига раҳми келганидан ўтқизмайдими, ёки машинани кўзи қиймайдими? Нега машинани кўзи қиймасин! Ўзи инженер бўлса, иши зўр, пул деган нарса новдаги сувдек шариллаб келиб турса, эҳтимол, икки-уч йил ичида хусусий бир корхонанинг хўжайини бўлиб олар, шундай бўлгач, битта машина нима деган нарса! Гугурти чақиб бўлинган қути! Қутига хасислик қилса уят, жуда уят! Ана ўшанда жўрттага Нафисага қимматбаҳо нарсалар олиб посилка юборади, сал вақт ўтқизиб яна жўнатади – бу гал Сурайёнинг номига. Бир кўзи ўйнасин. Яаша қанақалигини билиб қўйсин! Унинг назарида ердан чиққандай қадрим йўқ эди. Бир ичи куйсин! Үндан идорадагилар эшитади. «Шундай талантли экану, аттанг, пайқамаган эканмиз!» деб ўкинишади, ҳасад билан мен қўйл қўйган қоғозлардан имзомни томоша қилишади. Ёки ўшанда улардан битта-яримтасига ҳам бир посилка қилсанмикин? Қи-

ламан. Худди ўша бошлиғимнинг ўғлига қиласан. У моне бўлиб, йўлга кўндаланг тушиб ётган одамнинг қўлидан қандай ишлар келиб, қобилияти қай дара-жада эканини билиб қўйсин. Бўлмаса, лаънатига, яхши ҳам гапириб кўрдим, хушомад ҳам қилдим, йўқ, мендаги уқувни пайқамади, қобилиятимни тан олмади. Бўлмаса, бир бўлимга бошлиқ қилиб қўйса арзимасмидим! Арзиганда қандоқ! Мана ўзига жабр бўлди. Бир яхши инженердан ажради!

Аъзам ана шундай ширин орзулар оғушида маст бўлиб хонасига келса, бир хат ётибди. «Кимдан экан?» деб юраги жиф этиб кетган Аъзам, уни ўқигач, кесакдек қотиб қолди. Хатнинг имзосини ўқиб бўлмас эди.

«Лаънати нон тепки, келгинди» деб бошланган бу хатда Аъзамнинг жонбозлиги туфайли икки киши хўжайиндан дакки егани, бир кишининг ишдан қувилиш хавфи борлиги, агар шу ҳодиса содир бўлса, унинг соғ қўйишмаслигини очиқ-ойдин ёзив, дўқ уришарди. Хат «Хоин, ҳаддингдан ошма, оёғингни тўғри бос, кўзингга қара!!» деган хитоблар билан тутарди.

Аъзам туни билан шагалда ётган кишидек ағанаб чиқди. Эрталаб бош оғриги билан ишга жўнади. Ҳар бир киши унга ўша хат ёзган бўлиб кўринарди. Хатдаги ҳар бир жумла қулоги остида куни билан жаранглаб ишлагандек бўлмади. Эрта-индини ҳам бундан яхши ўтмади. Қўли ишга титраб бораради. Гўё бирор «Ҳали ҳам эсинг кирмадими?» деб орқасидан мушт тушираётганга ўхшарди.

Аъзамдаги бу сусткашлини бақалоқ пайқамай қолмади, ахир. Дарров хузурига чақирди. Қарашидан заҳар томарди. Изоҳ сўраб ўтирамади:

— Хўш, бу нимаси? Тўйдингми?! — деди еб қўйгудек бўлиб. — Ҳай, менга қара, билиб қўй, шундай бадном қилиб қуваманки, тиланчилик қилсанг, кишилар садақа ташламайди!

Аъзамда жавоб бергудек мажол йўқ эди. У икки ўт ўртасида ёнарди. Кимдан кўмак тилаб, кимга арз қиласди?

Бақалоқ ҳузуридан бошини қути солиб чиқиб кетган Аъзам: «Ҳарна бўлса ҳам хўжайиннинг кўнглини овлаганим яхши», деб эртасидан ишига сал жон киритган эди, яна шундай бир хат олди. Хат тезда ишдан бўшаб кетишни қатъий талаб этарди. Акс ҳолда... Шу куни кечаси кимдир деразасидан тош отди. Сал бўлса бошини ёарди. Эртасига ҳафталик маошини олган эди, иккитаси йўлини тўсди. Иккиси ҳам қора кўзойнакда. Биттаси қорнига тўппонча тираб, пулинини шилиб олди ва икки марта: «Раҳмат, мсье!» дейишга мажбур этди. Кейин: «Орқангга қарамай тўғри кет!» деб кетига бир тепди. Ҳаммадан Аъзамга шуниси алам қилди.

Бу воқеадан кейин Аъзам адойи тамом бўлган эди. Қайси тошга бир бош уришини билмасди. Шунда, муҳтарам китобхонга таниш бўлган ўша беформа киши қаршисидан тасодифан чиқиб қолди.

— Хўш, бунча паришонсиз? — деди куйиниб. Аъзам ана шундай бир меҳрибонга жуда-жуда муҳтоҷ эди. Бир лаҳзада дардини айтиб солди.

— Бадбахтлар! — деди ҳамроҳи сўкиниб. — Ақл бовар қилмайдиган воқеа! Бошқа одам айтса, ҳар нарса дeng, ишонмасдим.

Аъзам бу учратган меҳрибонининг бирон маслаҳат бермасдан ачиниш билан кифояланганидан кўнгли тўлмай, орқасидан термилиб қолди.

Икки кун ўтгач, у яна йўлиқиб қолди. Боши қотиб қолган Аъзам маслаҳат сўраган эди, ҳамроҳи далда бериш, бирон йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига юрагига гулфула солиб кетди:

— Ёмон! Жуда ёмон бўпти! Улар учун одам ўлдириш ҳеч гап эмас! Уларда раҳм деган нарса бўлмайди!

Чиндан ҳам улар кимдан ҳайиқади? Аъзамнинг кими бор эдики, орага тушиб, йиқилса қўлидан тортса! Бирор ерда сулайтириб кетса, «Қайда қолди?» деб суриштирувчиси йўқ.

Ўзи табиатан қўрқоқроқ бўлган Аъзам талвасага тушиб қолди. Шу кечаси мижжа қоқмади. Ташқаридан келган ҳар бир товуш қотилнинг оёқ босиши бўлиб эшитилди. Кимдир телефонга чақириб, шунаقا дағдага қилдики, Аъзам идрок этгунича бўлмай хонанинг чироги ўчиб қолди. Бу икки кутилмаган зарбдан гангид қолган Аъзам, буни баҳтсизликнинг бошланиш белгиси деб, жон ҳолатда эшикка қочди. Қоронги йўлакда кимгадир ўзини уриб, чалпакдай бўлиб йиқилганини билади, бу ёғини эсламайди, кўзини очса, ўрнида ётибди, бошида мўйсафид бир қўшниси елпиб ўтирибди. Шу йиқилганича бир ҳафта ётиб қолди. Кейинчалик ҳам кўнгли безовта бўлиб, тузук ишломмади. Бир ишини хўжайин бекор қилди, харажатини ундириб олди. Бу етмагандек ўхшатиб ҳақорат қилди. Эртасига паттасини қўлига берди. Шундоқ ҳам камхаржроқ бўлиб юрган Аъзамнинг сал ўтмаёқ қулогидан ой кўриниб қолди.

Бир куни эрталаб наридан-бери нонушта қилиб, қолган чақасини кафтида қисимлаб, қўлини чўнтағига солиб келаётган эди, яна ўша беформа киши учраб қолди. Ачиниб арзини тинглади. «Сен бечора гарибга жуда жабр бўлибди-ку», дегандек папиросини сўриб-сўриб бир икки тортди, Аъзамнинг қулоги унинг оғзида эди. Беформа папиросини ерга ташлаб, оёғи билан эзғилар экан:

— Начора! Бир иш топиш керак бўлади! — деди қатъий.

Аъзамнинг «Оҳ, қани эди!» деб юборишига сал қолди. Ўпкаси тўлиб, димоги ачишди.

Бефаҳм Аъзам бу барча ишлар — ишга киришдан қувилишгача бўлган воқеалар, шуларнинг ўз қўли билан бўлаётганидан бехабар эди!

Арқонини жўрттага сал бўшатган разведка эртасига яна уни қўлига олди. Аъзам жон-жон деб уларнинг етовига тушди. Уни яна шаҳар четидаги ўша хилватга олиб чиқиб кетдилар.

— Уни кутиб олган майор барча воқеани ҳеч нарсадан хабарсиз кишидек тинглаб.

— Хайрият, безиён ўтибди! — деб қўйди. Кейин сўроқ ташлади: — Биласизми, бу кимларнинг иши?

Аъзам елкасини қисди. Майорнинг ўзи жавоб қилди:

— Коммунистларнинг иши! Сиз уларнинг севимли ўлкасини ташлаб чиққанингиз учун ўндан ўзинчаликни ўшишган.

Бир четда турган беформа: «Ҳа, ишонаверинг, бу уларнинг иши дегандек бош чайқади.»

Шу кундан бошлаб, гўё Аъзам ҳеч қаёққа бориб келмагандек ўша «Эски ҳаёт» давом этди. Сал кунда Аъзамга эт битиб, рангига қон югурди. Лекин: «Энди қандай ишга рўбарў қилишаркан», деган ваҳима баъзан-баъзан уйқусини қочиради.

Бир куни Аъзам ўша беформа билан шаҳардан қайтиб келса, майор бир чиройли қиз билан стол тениси ўйнаб турарди.

Қиз баданига чиппа ёпишган ҳаворанг шимда. Эгнида келишган хипча белини, чиройли дўмбоқ кўкрагини жони жаҳди билан қисиб, кўркини на мояиши қилиб турган енги калта йўл-йўл тўр кўйлак. Оёғида енгил чувак. Бўялганга ўхшаган қўнгир сочини лента билан боғлаб қўйибди. Ҳар тенис урганда бир тўлқинланиб, кўкраги билан мусобақа ўйнаётганга ўхшарди.

Улар машинадан тушиб, тенисчилар олдига келганда ҳам ўйин ҳадеганда тўхтамади. Майор боши билан кўришиб, гоҳ ўнг, гоҳ чапдан келган соққани ёшига нисбатан чаққонлик билан қайтара берди. Қиз ундан қолишмас. Гоҳ оҳудай сакраб, гоҳ бургутдек ҳамла билан рақибининг ҳужуми-

ни қайтарарди. Сал ичиб бадани қизиган Аъзамниң унинг чаққон ва моҳирона ўйинидан кўра, ўзи, түғриси, сух киргудай келишган қадди-қомати ва «қоч, бағрингни ёндиради» деб ўйин шавқида порлаб турган кўзлари қизиқтиарди. «Кекса бўлса ҳам, майор бало! Қанддан асалнинг ширинлигини билади!» деган фикр хаёлидан ўтди, ҳатто ҳасад қилгандек бўлди. Майор эса, «кўр, ҳавасинг келсин, шунача қизлар бор дунёда», дегандек атайин ўйинни тўхтатмасди. У шундай ўйнардики, қизнинг жозибаси, латофати борган сари очилиб кўз-кўз бўла-ётганга ўжшарди.

Аслида майорни ўйин эмас, Аъзамдаги ўзгариш: қизга қандай назар ташлаши, юриши, туриши кўпроқ қизиқтиарди. Қани, кўзи ёнадими – йўқми? Билдики у ем тўрвасини соғинган!

Майор ўйинни тўхтатди. Қизнинг кўнглини кўтарарадиган бир-икки луқма ташлади:

– Бу асли ёшлар ўйнайдиган ўйин. Чакқонлигини кўриб ҳавасинг келади.

– Ёшлигингни эсга туширади денг! – табассумда ёниб деди қиз.

– Туширади-ю, бефойда: дарё кетига оқмайди. Майор қизнинг тирсагидан йигитлардек назокат билан ушлаб, Аъзамларнинг олдига олиб келди.

– Модомики, энди бизда яшар экансиз, тил билишингиз шарт. Мана мен сизга муаллима олиб келдим. Танишинг, мадемуазель Симона!

Қизнинг юмшоқ қўли, эҳтиросдан ёниб турган Аъзамнинг кафтида эриб кетди. Ногоҳ икки ёниқ кўз учрашди, ўртада ўт чақнаб кетгандек бўлди.

ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИФИ ОРТИҚ

Нафиса туш кўрса, тушида Аъзам зўрлаб гул хидлатяпти. «Ўзимга беринг» деса кўнмайди, «қў-

лимдан ҳидлайсан!» дейди. Энди бурнини олиб борган әди, күзига тиқиб олди, қоп-қора қонга беланди. «Бу нимайди ўзи!» деса ҳингир-ҳингир кулади, бузук хотинга ўхшаб кулади. «Қўйинг-э, шу ҳам ҳазил бўлибдими!» деб қўлига бир урган әди, чўчиб уйғониб кетди. Бундоқ ёнига қараса бифиллаб Сурайё йиғлаяпти, қўли унинг устига тушган экан. Жон ҳолатда уни бағрига олиб, ипак соchlарини силади-ю, уйқуси ўчиб кетди. Қизи ухлагандан кеийин, мижжак қоқмади. Ҳаёл гадой топмас кўчаларга судраб кириб чиқар, туви йўқ жарлар ёқасига олиб бориб қўярди. Соатга қараса, тонг яқин. Саҳарнинг оппоқ нафаси уфқ қирғоғида. Аллақаерда куйиб-пишиб бедана сайдайди. Қўшнисининг бобоқ хўроzi тонгни олқишилаб, бир-икки устма-уст қичқирди. Аллақайси бўғот тагидан мушук миёвлади. Кейин бирдан чумчуқлар чуғурлашиб, кўча беткайидаги теракка ёпирилишди. Қандайдир дўриллаган товушли ит бир-икки «ғўп-ғўп» қилди, кетидан лайчанинг ангиллагани эшитилди. Трамвайнинг бурилишдаги чийиллаши ҳаммасини босиб кетди.

Тушининг этагини ушлаб ололмаган Нафиса, «Тушим яхшиликка кўринсин», деганича қизини уйғотиб юбормасликка ҳаракат қилиб, оҳиста сирғаниб каравотидан тушди. Тушга ортиқча эътибор бермайдиган Нафиса бу гал унинг оғушидан чиқолмай қолди. Эри кетган куни ҳам бир туш кўрган әди, лекин уни тузук англаб ололмаган әди. «Чарчаган бошга нималар кирмайди», деб Аъзамнинг кетишига йўйган ва дарров унутиб ҳам юборган әди. Буниси жуда тиниқ — миясига мих бўлиб қоқилганича, ҳеч чиқиб кетмади. Атайнин совуқ сувда узоқ ювинди, тўш-бўйинларини қўшиб, ҳўл сочиқ билан артинди. Эрталабки концертни баланд қўйди, қизини боғчага кийинтирди, кийимларига атир сепди, қўлига сумкачасини олиб, ичига шоколад конфет солиб берди. Қани бу туш ўлгур кўзи-

нинг олдидан нарироқ кетса! Кўзини юмса, Аъзамнинг гул ушлаган қўли рўпарасида намоён бўлади.

Нафиса кўнгли хира тортиб, боғчасига кетди. Бир ошпази оғриб қолган экан, ўрнига ўзи қарашиб юборди. «Кўйинг, уят бўлади!» дейишган эди. «Қачондан бери бу ишни қилса уят, бунисини қилса уят бўлмайдиган бўлиб қолди!» деб койиб ташлади. Битта бола бир ҳафтадан бери боғчага келмас эди, бугун қараса чопқиллаб юрибди. Ҷақириб бағрига босди:

— Опоқ бўб кетдингми?

Бола бошини тез-тез иргади.

— Опоқ бўлиб кетганингга справка ҳам олиб келдингми?

— Аям «сен кетавер, ўзим обораман» деб айтди.

— Жуда яхши! Энди ҳеч қаеринг оғримаяптими?

Бола бошини сарак-сарак килди.

— Сен бугун-эрта кўп чопмагин, хўпми? — деди.

Нафиса уни яна бир бор эркалаб, кейин мураббиясига, — кўз-қулоқ бўлиб туринг, мана бу опоқ бола кўп уринмасин, — деб тайинлади. Бошқа гурӯҳдаги бир қизчанинг бугун келиш-келмаганини суриштириди.

— Бугун шундан сиз хабар олиб ўтинг, опаси! Чикмаганига бугун уч кун бўлди, — деб, ўз кабинетига кириб кетди. Райгазга телефон қилиб: «Кечаги ҳафтадагидек газнинг кети узилиб қолмаслигини», илтимос қилди. Кетидан ҳазиллашиб қўйди:

— Агар шунаقا қилаверсангиз Илҳомжон мактабга чиқиб кетса, ўрнига укасини олмайман! — у ёқдан жавоб қайтарди шекишли қулоқ солиб турди. Кейин бирдан қувониб, — табриклайман. Қизми, ўтилми? Бизнинг куёв Илҳомжон-ку, шундай бўлса ҳам бир суриштириб қўйдим-да. Ўртоғимнинг ўзи яхшими? Салом айтинг! Ота-онаси билан берган бўлсин.

Бу қувонч трубкани қўйиши билан яна бир зумда каёққадир йўқолди. Нима билан шуғуллан-масин, ўша лаънати туш хаёлидан кетмасди. Аъзам тоби қочиб, ётиб қолдими? Бирор фалокат... Йўғ-а, худо асрасин! Кечачерикларидан биттаси-нинг синглисини кўрган эди, ҳеч нима демади-ку! Бирор гап эшитган бўлса айтмасмиди!

Боғчада овқат вақти бетинч бўлади: бири қошиқ ўйнаб, овқатини тўқади, бири бошқасиникига нон ташлаб юборади. Бир хили еб уддалолмайди. Шундай пайтда Нафисанинг емакхонада айланиб юрадиган одати бор. Бугун ҳам оқ халатни кийиб, энди биттасига танбеҳ берган эди, эшик қўнғироғи жи-ринглади. Эшикни очган хизматчи хотин, «Сизни!» деб Нафисани имо қилди.

Эшикда бир норғул йигит билан ўрта ёш бир аёл туарар эди. Саломлашишгач, ўрта ёш аёл:

— Сизда жиндай ишимиз бор, — деди.

— Марҳамат! — кабинетига бошлади Нафиса. Жой кўрсатди. Унинг биттагина Абу Али ибн Сино сурати осилган кичкинагина кабинети одамга тўлиб кетгандек бўлди.

— Марҳамат, қулогим сизларда! — деди Нафиса ва очиқ юз билан улар томонга энгашди.

— Уйингизга борсак, эшигингиз берк экан, — деб узоқдан гап бошлади аёл салмоқлаб.

— Эрим сафарда, қизим билан мен боғчада, — кулгига олди Нафиса. — Бизни қидирган одам уйимизга кечқурун келади. Чироқда гаплашади.

— Шунақа экан. Лекин қуруқ қайтмадик, мушу-гингиз миёвлаб жавоб қилди.

— Уйда эканми? Э, жонивор, қамалиб қолибдими! Миёвлайвериб қўшниларнинг жонига тегадиган бўлибида, эҳ аттанг. Қизим тушкур, яхши кўради.

— Бола-да! Ёлғиз бўлса керак?

— Ҳа.

— Икки-учта бўлганда мушукка эҳтиёжи қолмайди, — кулди аёл.

— Ўзлигиси мушук-кучук бўлишадими?! — унга кўшилди норгул йигит. Ҳамманинг юзига табассум нури сочилди. Лекин йигитники дарров сўнди. У кўзининг қирини ҳамроҳига ташлаб, ерга боқди. Хотин ҳам бошини қўйи тушириб, бурчакка тикилиб қолди. Шундан Нафиса билдики, булар болаларининг иши билан келадиган одатдаги ота-оналардан эмас. Юраги шиф этиб кетди. Ўз ишини тўғри тутишидан кўнгли тўқ Нафисанинг хаёлига яна туш ва Аъзам келди. Аъзамга бир нарса бўлгану, булар мудҳиш хабарни айтгани ботинолмаётгандек туюлди. Эти сесканиб, нафаси тиқилди.

— Нима гап — тинчликми? Эримга бир нарса бўлибдими? — деди энтикиб. Унинг кўз олдига, нима учундир, ағдарилиб кетаётган самолёт келди. Нафисанинг ҳаяжонини кузатиб турган йигит яна шеригига кўз ташлади. Гўё келишиб олгандек бўлди-ю, салмоқлади:

— Биз ҳам шу эрингиз тўғрисида гаплашмоқчи бўлиб келган эдик.

Нафиса чўғ босиб олган одамдек типирчилаб қолди, жон ҳолатда:

— Тирикми? — деди.

— Тирик. Оёқ-қўли бутун. Лекин... — йигит у ёғини қанақа қилиб айтишга сўз тополмаган кишидек тўхтаб қолди, бу тўхташ Нафисанинг энди ўрнига тушган юрагини яна ўйнатиб юборди:

— Нима «лекин»?

— Айтишга мажбурмиз, синглим, бошқа иложимиз йўқ. Латтани чўғга ташлаб, яшириб бўлмайди, сассиги чиқади. Лекин сиздан битта илтимос: ҳозирча овоза қилмай турасиз.

— Албатта! Албатта! Айтаверинг! — Нафисанинг сабри чидамас, бутун аъзойи баданини тер босиб кетган эди.

- Эрингиз қочиб кетибди!
- Қаёққа қочибди? — яна ҳайрон бўлди Нафиса.
- «Ватанимга қайтмайман», деб Франция маъмурларидан бошпана сўрабди.
- Вой, жуванмарг бўлғур! Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ деб... Қаёқдан билдинглар?
- Бу аниқ, — деди йигит «бизга ишонаверинг, биз ёлғон гапирмаймиз», деган бир оҳангда. Нафисанинг кўз олдига аэропортда қора терга тушиб типирчилаб юрган Аъзам келди. Бунинг маъноси ни энди тушунгандек бўлди. Оёқ-қўли бўшашиб, димоги ачиdi, мижжасида ёш кўринди. Лекин бу аччиқ томчини бир-икки киприк қоқиш билан ичига юtdи: кимдан йиглаяпти? Уни одам ўрнида кўрмаган одамданми? Ёки хўрланганига чидолмаяптими? Ким хўрлади? Яна ўща ғаламис паст одам. Жўн одам бўлмаганида бошқа гап эди. Модомики, жўн одам экан, сатқай кўз ёши кетсин! Бу воқеа унга битган яранинг устидаги терини кўчириб олиб ташлаганчалик таъсир қилди. Димогидаги аччиқ нарсани ичига ютиб, худди чўккандек елкасини ўнглади, бошини кўтарди — ўз қадрини эъзозлаб, сухбатдошларига мағрур боқди. Шундай бўлса ҳам:
— Ким йўлдан урдийкин нонкўрни? — деди ажабланниб.

Нима қилса ҳам хотинига оғирлигини тушуниб, уни ўзига қўйиб бериб ўтирган меҳмонлар Нафисадаги дадиллик ва мустақилликни кўриб, анча енгил тортишди. Нафисанинг саволига норгул йигит жавоб қилди:

— Бизни ҳам шу нарса қизиқтиради. Айтольмайсизми, сўнгги вақтда кимлар билан кўпроқ борди-келди қиларди?

Нафиса дангал жавоб беради бошлади:

— Биттаям тузук ўртоғи йўқ. Одам иси ёқмас эди. Ўз отасининг келган-кетганини хуш кўрмай-

диган одам, биревга эл бўлармиди! Бўш қолди, топгани радио эди. Аллақаёқлардан олиб эшитарди.

— Авваллари ҳам шунақамиди?

— Айниқса, кейинги вактда хуруж қилди. Гап радиода эмас, ўзини қўноққа урган. Радио эшитадиган битта уми?

— Албатта! — унга қўшилди норгул йигит. Лекин нима учундир қоши чимирилди. — Таассуротини гапирамиди!

— Энди сизларга очигини айтмасам бўлмайди: биз ноаҳил турардик. Аҳил оиласда темир ҳам сувга чўкмайди, бизда, бизникида қоғоз ҳам сузмас эди. Сўнгги ойларда бир оз эпақага келганга ўхшаб юрган эди, мана бунинг ҳам чуви чиқди: Найранг экан! Эсимда бор: бир чет эл киносини кўргандা очилиб «Лаънатилар яшашни билади!» деган эди. Мен аҳамият бермаган эдим, энди билсан...

— Кўнглидаги сассиқ булоқ бир тошган экан денг! — уни қувватлади ўрта ёш аёл.

— Оқибатига қараганда шундай бўлиб чиқади!

— Албатта! — яна гапни норгул йигит олди. — Айтинг-чи, уйда баъзи бир хатлари, ёзишмалари ёки кундалик дафтари йўқми?

— Бир қараб боқсам бўлади! — Нафиса бирдан ўрнидан турди, — яхиси, юринглар, уйга бора қоламиз. Бу ерда фол очгандан нима наф. Ўладиган касалнинг ўлиб, қолганларнинг тинчигани яхши!

Суҳбатдошлари шундай таклифга эҳтиёжи бўлиб, қандай қилиб айтишни билмай турган эканми, дарров ўринларидан қўзғалишиди.

— Бу ҳам тўғри, — сўз билан қувватлади аёл. — Бошқа куни яна вақт йўқотиб юрамизми? Нафиса-хоннинг иши бошидан ошибб ётибди.

— Сизларники камми? — тегишиди Нафиса. — Дангасага иш топилмайди, холос: у лой қилишдан олдин, лойхонада ухлаб олади.

Яра дөғи кетса ҳам, күнгил дөғи кетмайды, деб бекорга айтмайдилар. Нафисанинг Аъзамдан олган «күнгил дөғи» бу учрашувдан кейин янгилангандек бўлди. Шунинг учун юраги туз сепган ярадек жиззилаб-ачишса-ҳам, еган қалтак, эшитган даккилари, таҳқирлаш-хўрлашлари эсига тушиб, юраги тош қотди, қахри келди. Чунки, ўзининг илк учрашган кунларида гина эмас, доимо алданганини, уларнинг умрдошлик биноси қум устига қурилганини, энди унинг бутунлай нураб бўлганини тушуниди. Бу тушунча унинг Аъзамга бўлган нафратини алангалатиб юборди. Бу аланга биринчи лаҳзадаёқ зрининг кейинги вақтдаги қаллобона «мехрибонлик»ларини ҳам жизранак қилиб ташлади. Ахир шу кичкина одамгарчилик ҳам сохта бўлиб, уни лақиљлатиб юрган экан-да! Шунинг учун ундағи ички бир қувват «хотин кишининг кучи икки кўзига етади» деган қолоқ бир тушунчани эски дўппидек бошидан олиб бир четга улоқтириб ташлади. Дақиқалар ўтган сари ўз қадри-қимматини билган, уни жони борича ҳимоя қила оладиган метин иродалик, мустақил кишидек тетикланиб борди. Қўли муштга туғилиб, кўзлари чараклади, юраги ўзга бир соғлом қон билан тепиб, сўзлари кескинлашди. Фақат оғзига кучи етмаган баъзи бир одамнинг таънасидан уяларди. Охири бунга қарши ҳам ўзида куч топди: қарға қағиллагани учун қор ёғмайди.

Улар уйига кириб келганда Нафиса руҳан етилиб, бошқа одамга айланиб бўлган эди. Шунинг учун бўлса керак, ҳатто Аъзам кириб-чиқиб турган эшик ҳам кўзига жуда хунук кўриниб кетди. Ўзиники ёнида турган унинг сочиғини қозиқдан олиб, ерга отди. Аъзамнинг нимасики кўзига тушса, нафратини қўзғар, тилга кириб, эгасидек тилёғламалик, иккисозламалик қилаётган, уни қўйинини пуч ёнгоққа тўлдираётган, бахтига чанг солаётган бўлиб кўринарди. Емакхона деворидаги Аъзамнинг

кatta фотосурати яккаю ёлғиз фарзандининг бoшини олган жаллоддек кўзига шунақа бадбашара кўриндики, ўзини тутиб туролмади.

— Мени кечиринглар. Қизиққонлик қиляпти, деб кўнглингларга келса ҳам майли! Шуни олиб ташламасам, бу хонада юролмайдиганга ўхшайман!

— деди ва силтаб узиб, орқасини ўтирганича ҳожат-хонага олиб кириб кетди. Кейин меҳмонларни қи-зиқтирган нимаики бўлса; келтириб ўртага қўйди.

— Қозонга яқин юрсанг қораси юқади, дегандек бу касофатнинг касри тегмаса эди!

— Ишонтириб айтаманки, сиз хотиржам бўли-шингиз мумкин, Нафисахон! Гап фақат эрингиз ҳақида боряпти! — деди йигит.

— Менга қолса, «эрингиз» сўзини ҳам ишлатмас-дим! — уни тузатди аёл. «Бу сўзни айтишга менинг ҳақим бор», — дегандек норғул йигитга кўз ташлади.

— Эр шунақа бўлса, бир умр эрсиз ўтганим яхши! — деди Нафиса бошқа бир хонага ўтиб бо-рар экан. Бир вақт стол ғаладонидан Аъзам номи-га ёзилган омонат касса дафтарчаси чиқиб қолди. Уни қўлига олди-ю, бирорнинг ҳўл сочиғига қўлини артган кишидек кўнгли баттар хира тортиб, истеҳ-золи култанича ҳамроҳлари ҳузурига чиқиб келди:

— Одамнинг ичи қора бўлгандан кейин ҳеч қандай фирибгарликдан қайтмас экан. Мана бу дафтарчани кўринг: менга «ошибу шайдо» бўлиб юр-ганда, кўрсатиб мақтанган эди. Анчагина пул қўйилган. «Минг қилса ҳам инженер, жамғарса жамғаргандир» деб, мен лакма ўлгур, ишонибман. Кейин билсан, қалбаки экан.

— Қандай қилиб? — ажабланди аёл.

— Беш сўм тўлаб, дафтарча очиб олган экан-у, бу ёғига ўзи ёзиб «қўйиб-олиб» юрган экан.

— Бу ҳам ҳамманинг қўлидан келавермайди! — деди кулиб йигит. Кейин дафтарчани кўздан ке-чирди. — Эринмасдан икки бетини тўлдирибди.

Бу энг охирги катта жиноятнинг кичик ҳалқачаларидан биттаси. Мана шунақа қилиб, бўғизидан ботқоқда ботган.

— Ҳар дарахтнинг қурти ўз ичидан пайдо бўлади денг!

— Жуда тўғри! — Нафисани қувватлади норгул йигит. — Булар подани булғайдиган бузоқчалар.

— Булғаганда қандоқ! Фалон шаҳарлик, фалончининг әри бундоқ бўлиб кетибди, деган яхши гапми! Одам оласи ичида. Бўлмаса, қани, вақтида ёқасидан тутиб, «Хўш, нима қилмоқчисан, кўрнамак» деб эзиб қўйсанг! — ўрта ёш аёл гапга кирди. Аъзамнинг битта кичкина суратини қўлига олиб яна давом этди. — Биз еб, бу қуруқ қолгандек бўйнини эгиб туришини қаранг. Ҳе, эгилмай бўйинларинг узилсин. Қайси юзи билан: «Мен ватанимни тарқ этаман», дея олган экан.

— Сотқинда уят бўлмайди! — деди йигит.

— Нафисахон, — деди аёл ишлар охир бўлгач унга юзланиб. — Боя «менга қолса «эрингиз» сўзини ишлатмас эдим» деганимга ҳайрон қолгандек бўлган эдингиз. Элбурутдан вағвағалик қилгим келмовди. Мана буни ўқиб кўринг. У аллақачоноқ сизга бегона бўлиб қолтан экан.

Бу Аъзамнинг Париж газеталаридан бирида чиққан сұхбати әди. Сұхбатда Нафиса ва оиласи турмуши ҳақида шунақа уйдирма тухмат, бетутурук гапларни ёзар әдики, бегона ўқиса сочи тикка бўлиб, қўли муштга тугиларди.

— Вой, доно бўлмай, овозинг лаҳатдан келгур, мен бошлигининг сарқити эканманми! Зўрлаб унга олиб беришган эканми! Тухмат қилмай, бир лаҳзаликка учрагин, тил тортмай ўлгин! Болангни уволи тутсин! — Нафиса кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу тухматдан ёниб кетди. Ҳатто бегоналар олдида қарғашдан, қўлларини тиззасида мушт қилиб босиб, кекса хотинлардек қарғашдан ҳам уялмади.

Ҳаммадан Сурайёнинг ўзидан бўлган-бўлмаганига щак келтириши унинг жонидан ўтиб кетди. Ала-мига чидамай йиғлади, йиғлади-қарғади, қарғади-йиғлади.

— Жон биродарлар, — деб ялинди, — менга адресини топиб беринглар. Ўзим битта хат ёзай. Кўзингта тупроқ тўлгурнинг ўзгинасига битта хат ёзай! Мен унга барча шаллақи бетутуруқлигини битта-битталаб ёзиб, узиб-узиб олмасам асти ҳисобмас! Жон биродарлар, ёрдам беринглар!

Нафисанинг бунчалик тутоқиб ёниб кетишини кутишмаган эканми, шошинқираган бўлишди, бир-бирига қарашибди. Уларнинг бу қарашибда «бу хотин ўзини бир нарса қилиб қўймаса эди, аччиқ устида» деган маъно бор эди.

— Синглим Нафисахон, — унинг елкасига қўлини қўйди аёл салмоқлаб, — жаҳл билан тошни тепсанг оёғинг оғрийди. Ўзингизни босинг. Ҳали ўзингиз айтдингиз-ку, ноаҳил эдик деб. Ноаҳил оила — пишмаган чипқон. Мана энди «пишибди», ёрилибди. Қайтанга қутулдингиз.

— Вой, опажон, мен унинг ташлаб кетганига ачинаётганим йўқ. Менга деса ундан нарига ўтиб кетмайдими! Туҳматини кўринг! Одам ҳам ўз қучогида ётган хотинига, ўз пушти-камаридан бўлган фарзандига шунаقا туҳмат қиласдими! Бу гапларни тош эшитса ёрилиб, мурда оёққа туради-я!

— Бунинг битта йўли бор, — деди унинг сўзини бўлиб норғул йигит, ўшоққа эшитиладиган радиода битта сўзга чиқасиз.

— Жоним билан! Кимга учрашсам бўлади?

— Радиодаги ўртоқларга йўлиқинг, биз ҳам ёрдам берамиз.

— Раҳмат! Эсинглардан чиқмасин-а!

Йигит мийиғида кулди. Бу кулиш: «Бундан биз ҳам манфаатдормиз. Кишиларимизнинг шаъни-шукухини ҳимоя қилиш бизнинг бурч. Келишдан ни-

ятларимизнинг бир томони шу эди. Хотиржам бўлинг, биз сизни бу ўт ичидаги қолдирмаймиз», деган маънони ифодалаб туради. «Афсус, фафлатда қолибмиз», дейишиганича улар Аъзамнинг баъзи бир қоғозларини олиб кетишиди. Қуюқ хайрлашар экан:

— Нимаики маслаҳат ёки ёрдам керак бўлса, марҳамат! — деди норгул йигит, — биз хизматингизга ҳозирмиз.

У бир парча оппоқ қоғозга телефонларини ёзив берди.

Ўрта ёшли хотин эса, ўзича тасалли берди:

— Дардингизнинг аригани шу, Нафисахон. Бундай эр хотинни сил қилади. Парво қилманг, боингизни bemalol кўтариб юраверинг. Ташибаридаги гап — кир ўрадаги мағзава. Ҳали унинг хор-зор бўлиб, пушаймонидан қайси тошга бошини уришини билмай юрганини ҳам эшишиб қоламиз. Ҳали у пуфланган шардай кеккайиб юрибди, ели чиқиб кетганини ўзи билмай қолади. Билмадим, ўшандакимнинг оёғи тагига келиб тушаркин!

— Қани ўша кунларини кўрсам!

— Кўрасиз, албатта, кўрасиз, синглим!

— Кўрганда қандай, — уни тўлдирган бўлди йигит.

Улар кетгунча уй тўлиб турган экан. Уларни кузатиб уйга кирса, уй ютиб юборай деялти. Аъзамнинг бу уйга қайтиб келмаслиги, энди ёлғиз қолганда аниқ маълум бўлгандек ғалати туюлди. Бу туйғу унинг ожизлиги белгисига ўхшаб кетиб, Нафисанинг нафсониятига тегди. «Мен ожизу бенавомидим унинг этагига ёпишиб яшашим керак! Бўлмаганга бўлишма! Эрлик бўлиб нима ёруғлик кўрувдимки, йўғида ўкинаман! — деди ўзича ва барига бир нарса илашгандек уни бир-икки қўли билан қоқди. Гўё Аъзам шу барига илашиб ётган хас эди-ю, шу қоқишида ундан халос бўлгандай руҳи енгил тортиб, уйини йиғиштиришга киришиди. Аъ-

замнинг бу уйда эслатиши мумкин бўлган нимасики бўлса, олиб, бир бурчакка тикди, ўрнини артди, супурди, изини йўқотди. Кейин бундоқ қараса кеч кирибди. Қизини, энди тирик етим қолган қизини боғчадан олиб келиш пайти бўлибди. Ана шунда Нафисага кор қилди. У ўзи отасиз катта бўлган эди. Баджаҳл отаси «паранжимни ташлайман» деган онасига пичноқ уриб қўйиб, қамалиб кетган эди. Баъзилар қамоқда ўлган деса, «мен фалон шаҳарда кўрдим» деганлар ҳам бўлди. Ҳуллас, у болалигидан отасиз қолиб, ота меҳридан бебаҳра бўлиб ўсган эди. Наҳот, унинг қизи ҳам шундай бўлади? Бу савол унинг кўкрагини парма бўлиб ўярди. Мана шу ерига келганда изтироб чекди. Албатта Нафиса ўз онасидек әрнинг қўлига қараб қолган муте заифа эмас. Бир фарзанд эмас, бутун бир оилани тебратишга қобил. Қизига керагича тарбия бера олади. Қўғирчоқдай кийинтириб, кўнгли тусаганини қўлига тутишга қурби етади. Лекин ота меҳри ўрнини тўлдира оладими? Ёки бу қизининг кўнглида ўзиникидек армон бўлиб қоладими? Тенгдошлари «адам», «дадам» деганда бир ўкиниб, кўнгли ўксисиб улғаядими? Ана шу саволлар уни бирдан исканжага олди. Бу саволларга у узил-кесил жавоб беришдан ожиз эди. Шу саволлар кўнглида пирпирак бўлиб айлангани сари Аъзам кўзига баттар бадбашара кўрина берди. Унга бўлган нафрати газабга, тилига келган ҳар бир сўз қарғишига айланди.

Демак, Аъзам уни эмас, нораста қизини ҳам энг нозик туйғудан – оталик меҳридан бебаҳра қилиб кетибди, бегуноҳ норастанинг қалбига йиллар ўтган сари чуқурроқ ботадиган ниш уриб кетибди. Бу нишнинг ўрни тузалиши гумон, бу ниш ўрни мангуболади!

Нафисага ўз тақдиридан ҳам кўра, қизининг истиқболи қаттиқ алам қилди. У шу лаҳзагача маса-

ланинг бу томонини ўйламаган экан. Демак, у Сурайё учун ҳам она, ҳам ота бўлиши керак.

Нафиса шундай мулоҳазалар билан қизини, бугундан бошлаб отасиз қолган тирик етим қизини бағрига босгандা ўзини тутиб туролмади. Юрагини фижимлаб келган аччиқ ёш кўз косасидан тирқираб томди. Маъсума қизининг ипак соchlарига тўкилди...

Бунинг устига баногоҳ кириб қолган Умматали бирорвнинг сири устидан чиқиб қолган кишидек хижолат тортиб, орқасига тисарилди. Лекин ички бир куч: «Нега чекинасан? Аксинча, унинг кўз ёшини артишинг керак. Ахир у сенинг дўстинг, ёлғиз ўғлингнинг мураббияси!» деб уни олдинга ундали. Шундай бўлса ҳам ҳадиксираб, Нафисанинг қошига борган Умматали зўрга:

— Тинчликми, Нафисахон? — дея олди.

Бу меҳрибон нидо Нафисанинг эзилиб турган қалбини яна бир қалқитиб юборди.

— Асти сўраманг, бизни худо уриб қолди! — деди Нафиса кўз ёшларини четига гардим тутилган жажжи, юмшоқ рўмолчасига артар экан, — Аъзамингизнинг чет элга кетганидан хабарингиз бор эди.

— Хўш? Хўш? — Умматали қуздан совуқ, ўлимдан бадном хабар эшитаёттандек шошилди.

— Ўша ерда қолибди.

— Қанақа қилиб? — тушунмади у.

— Қайтмайман дебди.

— Вой, аҳмоқ! — юкни ерга энди қўйган одамдек бир оҳангда деди Умматали. — Жуда, жуда қисқа ўйлабди! Бегона билан ўпишгандан ўзингники билан тепишган яхшимасми!

Нафиса энди дардкаш киши топгандек ҳаммасини айтиб, юрагини бўшатди.

— Мана шунақа куракда турмайдиган гаплар, Умматали ака! — деди охирида.

— Бола ёшлик қилиб, төг деб сояга салом бериб қўйибди, Нафисахон. Охиривой!

— Нимаси бола! Икки гапнинг бирида «мен фалончиман» деб кўкрагига уарди.

— Бола бўлмаса, мурдалар гўрда ётиб, «тириклар пашмак ҳолва еяпти» деб ўйлашганидек, ўзга юртни ҳавас қиласмиди!

— Ҳавас эмас, ёвуэзлик бу! Кўрнамаклик бу! — Нафиса шунаقا титраб гапирав эдики, Умматали ўзининг ўта кўнгилчанлик қиласётганини пайқаб қолди. Чиндан ҳам у бола эмас, институтни битириб, бир фарзандлик киши бола бўладими! У билиб туриб қўлини қонга ботирган. Бу ҳасадгўй, ичи қоралик оқибати.

— Оёғи ёмон тўрни, оғзи ёмон элни булгайди, дегани шу! — деди Умматали Аъзамнинг газетадаги гапини эшлитиб. — Наҳотки, шуларни айтишга тили борган бўлса! Бу ўта пастлик-ку. Бу гапни айтиш учун киши ит бўлиб увиллаши, тўнғиз бўлиб чийиллаши лозим!!

— Бу жиноятнинг номи йўқ, Умматали ака, номи бўлғанда ҳим тилга олиб бўлмайди, оғизни куйдиди!

Умматали бундоқ танасига чуқурроқ ўйлаб қараса, Нафиса ҳақ, Аъзам оиланинг башарасига тупуриб, эл-юртнинг юзига оёғини тирайпти. Эл-юртнинг бетига оёғини тираган одам кечада турилиб, бугун кўчага чиқсан бўлмайди. У ичидан сасиб юрган, бир хил нок ҳудди шунаقا бўлади: бандида йилтиллаб, оқи оқ, қизили қизил бўлиб туради, ерга тушди пилчиллаб, ичи қорайиб ириб кетган чиқади.

— Сал ёлғончироқ эди-я! — деди Умматали бундай ишларнинг боши гўё ёлғончиликдан бошланадигандек.

— Ёлғончилик ҳам гапми! Ёлғонни чин, чинни худо урдириб гапираварди!

Мана бир неча ойки, Умматали Нафисани кунда бўлмаса ҳам, ҳафтада бир кўриб туради: қачон ўғлини кўргани келмасин у шу ерда. Баъзан қўли тегмасдан телефон қилиб қолса, Масъуд ҳақида меҳрибон кишидек маълумот беради, олдига яқин бўлса телефонга чақириб, товушини эшиттиради. Кетидан: «Хавотир олманг, қоғозга ўралган қанддек сақлаймиз», деб кулиб қўяди. Қачон кўрсанг чехраси очиқ, гап-сўзлари ўринли, босик, ишининг кўзи ни билади. Хизматдошлари: «Нафисахон йўқ куни боғчамиз кўчган ҳовлидек ҳувиллаб қолади», деб кулишади. Чиндан ҳам шундай: эрталаб юрт қатори келади, «мен мудираман» деб ўтирмасдан нима иш тўғри келса шунга киришиб кетади. Уйга қайтиш эса, ҳаммадан кейин. Лекин унинг бирорга товушкини ўзгартириб гапирганини ҳеч ким билмайди. Демак, унинг бугунги куйиб-ёниши жонидан ўтиб кетганидан. Тўғри, Умматали бундан сал бурун унинг Қимматхон билан «даҳанаки жанг» қилиб олганини Маъсъуднинг мураббиясидан эшитган эди.

Нафиса бундоқ қараса Қимматхоннинг пардоз-андози ҳар қачонгидан бузук. Аввал ҳафтада бир хабар олмаган одам энди кунда, кун оралаб қатнайди. Болани суюлтириб, тантик қиляпти. Бачкана қилиқлар билан эркалайди. Бунинг маъноси аниқ: эрим ўзига оғдириб олмасин! Табиати босик, сохталикни ёмон кўрган Нафисага бу малол келади. «Сиз боланинг кўнглига шакар деб сепаётган нарса туз» дебди ва Маъсъудни олиб, мураббиясига берибди, унинг камроқ келишини илтимос қилибди. «Вой, нега энди бунақа дейсиз, ўз боламни ҳам мендан қизғанасизми», дегандек Қимматхон ёзгирибди. Бу ҳам етмагандек Нафиса: «Шу ялаб-юлқашингиз рост бўлса ҳозир олдингизга солиб бериб юборардим-ку...» деб яна қаттиқроқ тегибди. Қимматхоннинг ўсма тортилган қалин қошлари чимирилиб кетиб, «Қўрқманг, устингиздан шикоят қилмайман»,

дебди кесатиб. Нафиса, арз қилмаганлардан энди сен қолувдинг, дегандек кулиб, кетидан бигизини тиқиб олибди: «Сизнинг шикоятингиздан қўрққанимдан эмас, болага жабр бўлади, болага! Ахир арз тингловчи ҳам «ўзинг кимсан?» деса керак! Ёки сизникини ҳамма тинглайверадими, Қимматхон опа!»

Шу билан сўзим тамом, кетаверишингиз мумкин, дегандек Нафиса ўз кабинетига кириб кетади. Қимматхонга бу гаплар тоза алам қиласди. Шимилган доридек борган сари аччиғи чиқа беради. Тупуриб ташламаса бўлмайдиган кўринади. Кўчага чиқиб, кетаётган еридан қайтиб келади. Дуч келган одамни тириклайн ютиб юборгудек шиддат билан ҳовлидан ўтади-ю, Нафисани кўриши билан, нима учундир, ҳовридан бирдан тушиб «тавба дент, синглим, ҳали ёшсиз!» дейиш билан кифояланади. Лекин унинг титраб-қақшаб турганини кўрган Нафиса, яланғоч қиличнинг дамига оёқ босмайди. Уни ёнига ўтқазади, ҳатто чой ҳам тутади. Кейин ётиги билан этини ўлдиради: «Оппоқ қилиб ювиб қўйтан кирингизга бирор лой сачратса, жонингиз ачийдими? Ачийди, албатта. Трамвайдаги бирор оёғингизни босса-ю, жонингиз оғримаса ҳам, туфлигингизга бир қараб қўясиз. Қирилган ери табиатингизни хира қиласди. Шундайми? Шундай бўлгач, сизни хафа қијлан нарса одам-ку! Сизнинг ўз ичингиздан тушган бола. Мендан кўра сизга азиз. Биз уни тарбиячиси, холос. Аммо тарбия қилиш туғишдан оғир. Шундай бўлгач, биз меҳнатимизнинг елга учишини истамаймиз. Меҳнатгина эмас! Сиз буни истамаганингиз ҳолда бизга зид иш қиляпсиз. Боланинг кўнглини заха қиляпсиз. Заха нарса ахир бир куни сасийди. Келинг, келишиб олайлик, бундан кейии тарбияга зид ҳаракатлар қилмайсиз: кунда, кун оралаб кираверманг, бошқа болаларнинг кўзини ўйнатиб, нарса олиб келаверманг. Келишдикими? Мен сизнинг жавотирингизни биламан: жавотирлан-

манг. Худди шундай шартни Умматали ака олдига ҳам қўйганмиз. Ёки у киши келмасинми?»

Кейинги жумланинг жўрттага айтилганини билган Қимматхон шошиб қолади: «Вой, нега?» дейди. «Ундей бўлса, гап шу!» дейди Нафиса-ва-унинг қитиқ патини битталаб юлиб, чиқариб юборади. Муррабиялар: «Бу гапдан кейин Қимматхон боласини эртагаёқ олиб кетади. Тоза тузладингиз!» дейишади. Нафиса эса бунинг аксини билдириб, қатъий ишонч билан: «Хотиржам бўлинглар, олиб кетмайди, олиб кетолмайди», дейди. Ҳамма ажабланиб елкасини қисади. Чиндан ҳам бир кун ўтади, икки кун ўтади, беш кун ўтади, Қимматхондан дарак йўқ. Фақат олтинчи куни ҳалимдай бўлиб бирровгина келиб кетади. Қимматхондек хотиннинг бу ўзгаришидан ҳайрон қолишади. Бунга яна Нафисанинг ўзи: «Ажабланадиган ери йўқ. Унинг орттирган кишиси жўн нарса бўлиш керак. Акс ҳолда «ўзинг – гул, боланг – тикан» деб она-болани иккига ажратмас эди», деб жавоб беради.

Мана ўгулар хаёлига келган Умматали Нафисадай тадбирли одамдаги бу ўзгариш, унинг титраб-қақшаб гапиришининг сабаби бор вужудининг куйиб кетгани, унга отилган туҳмат тоши кўнгил кўзгусини чил-чил қилгани, синиқлари юрак-бағрини қоп-қора қонга булгагани эканини ҳис этди. Ҳис этди-ю, унга жуда раҳми келди. Эҳтимол, уни ўзига яқин тутмаганда бунчалик тўлиб-тошиб гапирмас эди. Модомики шундай экан, унга ана шу оғир дақиқада шафқат қўлини чўзиши, битмас ярасига малҳам қўйиши керак. Умматали буни Нафисанинг кўнглини кўтаришдан бошлади. Унга тасалли берадиган сўзларни айтиб, ўзининг оғир ҳаётидан мисоллар келтириб юпатди. Гапни айлантириб келиб:

– Ўрмон қинғир дарахтсиз бўлмайди, Нафисахон! – деди у, – афсус, шу қинғири сизнинг ҳиссангизга тушган экан. Ўзингизни тутинг. Сиз ку-

йиб-пишганингиз билан унинг қозони қайнамай қолмайди. У ҳаром бўтқасини сизсиз емоқчи. Еяверсин. Сиз ўз ҳалол қозонингизни осинг. Ўзингизни, қизингизни ўйланг. Сурайё учун ҳам она, ҳам отасиз.

Сўнгти жумла, Нафисанинг бағрини тилиб турган «оталик меҳри» ҳисси яна бир яллиғланиб, вужудини ларзага келтирди. «Мана шу икки кишининг меҳрини фарзандимга бера оламанми, унинг ўрнини босишга қобилманми, деган хаёл мени ўртаётган нарса. Бўлмаса бундай эр садқаи сар! Менга деса, ундан нарига ўтиб кетмайдими, Умматали акажон!!» деяётгандек Нафиса бир жавдираб ҳамроҳига қаради-да, қизини бағрига босиб, йўлга тушди.

Умматали ўғлини наридан-бери бир-икки эркалаб, силлиқ, тор пешанасидан ўпди-да, болалар тўпига қўшиб юборди:

— Шўхлик қилмай юргин, хўпми? — деди.
— Хўп! — бола бошини тез-тез иргади. Кейин тилга кирди: — энди қачон келасиз!
— Келаман, ўғлим, келаман! Умматалининг кўнглидан «Сендан бошқа кимим бор, ўғлим, сени соғинаману сенга интиламан!» деган фикр ўтди ва Масъуд дардлашадигандек катта бола бўлиб туюлди. Барибир болага бу фикри айтиб бўлмайди!

Умматали ҳамон кўзини дадасидан узмай турган ўғлига сўнгти марта устма-уст қўл силтади-да, эшикдан чиқди. Ўғлининг ҳар бир ҳаракати кўнглига муҳр бўлиб босилган, бу муҳр яна кўришгунича унинг қалбига қувонч ва фахрланиш бахш этади. Уни яна шу оstonага бошлаб келади. То кўришиб, дийдорига тўйғунча энтиклиради, ширин орзулар қанотида олиб юради!

Умматали катта кўчага чиқиши билан Нафисага кўз ташлади. У ёмон эрдан ёдгор ширин қизласини бағрига босганича қабристонга энг яқин кишисини қўйиб келаётган одамдек бошини хомуш эгиб, йўл-

када аста борар эди. Умматалининг кўзига у шу маҳалда дунёда бирор меҳрибони йўқ гарибдай маъсум кўриниб кетди. Ким билади, унинг ноҳақ әзғиланган кўнглидан қандай мудҳиш хаёллар ўтапти. Бу хаёллар уни гоҳ чоҳга отиб, гоҳ тўзов қилиб кўкларга тўзитиб юргандир. Умматали яхши билади, киши бундай пайтда бир оғиз, фақат бир оғиз ширин сўзга ҳатто муҳтоҷ бўлади. Бу бир оғиз ширин сўз уни чоҳ олдидан қайтариб, вайронна кўнглига баҳор гулларини сочади, унга қанот бўлиб, умид ва мурод уфқига учиради, бағрини нурга тўлдириб, ҳам бошини мағрур кўтаришга ундаиди.

Ҳани энди шу бир оғиз сўзни айтиш Умматалининг қўлидан келса.

У шу умид билан Нафисага етиб олди. Индамасдан ёнида ҳамроҳ бўлиб бораверди. Зийрак Нафиса унинг нима мақсадда етиб келганини сезди шекилли, унга хомуш бир назар ташлаб қўйди. Бу назарда: «Менга раҳминг келган бўлса раҳмат! Мен ҳозир ёлғизман, ёлғизлик даҳшатида ўртаниб бораяпман. Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, қадр қилиб қадрланмаганимга ўқинаман. Мен нима ёмонлик қила қолган эдимки, туҳмат тошлари остида кўмилиб, кўз ёшларим билан юзимни ювishing керак. Бошқалардан нимам кам менинг? Нега менинг умрим эсимни таниганимдан бери ташвишдан чиқмайди? Бу ҳасрат мерос бўлиб, наҳот тирик етим қизимга ҳам ўтади! Мана шунга чидолмайман», деган маъно бор эди.

Умматали такси тўхтатди.

— Ўтилинг, Нафисахон, ҳасрат йўлининг қисқа бўлгани яхши!

Нафисанинг юраги кичик бир машинага тиқилишга эмас, кенгликларга, уфқига кўз етмас кенгликларга интилиб турган бўлса ҳам, Умматалининг шу сўзи учунгина таксига ўтирди.

— Бекорга овора бўлдингиз! — деди у қизининг
ғижимланган кўйлагини тузатар экан.

— Оворагарчилиги борми, Нафисахон! Бу
ташвиш бир ўзингизга оғирлик қиласди. Жилла
бўлмаса, остоңангизгача бўлишиб борай!

— Раҳмат. Шуни эр қилибманки, ташвишим қў-
шалоқ. Энди бир ками шу тужмат қолган экан!

Умматали уни ҳазил билан чалғитмоқчи бўлди:

— Эшитмаганмисиз, ёмоннинг бир қилиғи ортиқ
деб...

— Ҳе, қилиғи бошини есин!

Машина уларни тушириб жўнагач, Умматали
уйига йўл бошлиётган Нафисани тўхтатди.

— Синглим, — деди у, — мен шу ердан қайтаман.
Совхозга чиқиб кетишум керак. Сиздан битта катта
илтимосим бор. Агар «хўп!» дессангиз айтаман.

Нафиса, «Бу одам шу вақтда ҳазиллашяпти-
ми?» дегандек унга қаради. Йўқ, у ҳар вақтдагидек
босиқ, ўз қадрини билиб вазмин турибди. Шундай
бўлса ҳам унга фалати туюлиб:

— Айтаверинг! — деди оҳиста.

— Ростини айтсам, Аъзам сизнинг қайғурга-
нингизга арзимайди. Ўзингизни қўлга олинг, оғир
бўлинг. Қумни шамол учиради, тошни қимирлат-
син-чи! Жон синглим, тош бўлинг!

Нафиса индамасдан бошини яна қуий туширди.
Умматали Сурайёга:

— Сен яхши қиз бўлиб, ойингни гапга солиб
ӯтиргин, хўпми? «Мен борман, ёлғиз эмассиз, де-
гин, хўпми?» — деб гап қотди. Қизча болаларга хос
уюят аралаш маъсумлик билан маъқуллаб бош теб-
ратди.

Умматали жўнаб кетди.

Нафиса эшикка калит солиб очди-ю, ичкари-
га киришга нима учундир, юраги бетламади. Ўлик
чиққан уйдай кўзига хунук кўринди. Орқасида тир-
гак бўлиб Умматали тургандек қайрилиб қаради. У

одамлар оқимиға шўнгигб кўздан ғойиб бўлган эди. Нима учундир уни кўрмаганидан ичида муздай ел юргандек бўлди. Уни ўйлаб «Аччиқ-чучукни кўрганлигидан одамга шунақа меҳрибонми, ёки табиати ўзи шунақами? Бўлмаса менга етти ёт бегона!» деб қўйди.

Умматали эртасига эрталаб боғчага телефон қилиб Нафисанинг кайфиятини сўради. Кечагидек: «Қумни шамол учиради, тошни ҳам қўзгатсин-чи!» деб кўнглини кўтарди.

12

НАФИСАНИНГ НАФРАТИ

Шу куниёқ Симона дарс бошлади. Аъзамнинг мактабда немисча ўрганганини билиб ўқинди:

— Қани, ўшанинг ўрнига французыча ўқиганингизда ишимиз тез юришиб кетарди, аттанг! Майли, ёшлик хотирасини ёзилмаган оқ варақ дейдилар, ҳатто магнит зарралари суртилган эмиш. Ўзига тез олади.

Аъзамнинг кўзи муаллимасининг ярим очиқ тўши ва кўкрагининг аниқ сезилиб турган тугмачадаккина учиди эди. Шайтон уни минг хаёлга олиб кетарди. Қулоғига кирган гап қиз айтгандек магнит заррасига чип ёпишмас, балки силлиқ муз устидаги турмаган тиши йўқ калишдек сирғаниб алла-қаёқларга кетарди.

Қиз билдики, талабасининг қулоғига гап кираётгани йўқ. Гарчанд бу, майорнинг тайинлашича, айни муддао бўлса ҳам, Симонанинг унга раҳми келди. Сухсурдай йигит қаршисида ҳирсдан кўзи тиниб, қассоб дўкони олдидаги кучукдай қулоғини динг қилиб турибди-ку, бир оғиз илиқ сўз, бир неча лаҳзали ихтиёрини унга барашлаш билан кўнглини ололмайди. Албатта ўзига қолса жон дерди. Бу

унинг деярли касби. Лекин бутун майор бу ёққа бошлаб келар экан «Симона! Бошвогингни қаттиқ тут. Мен сенинг чиройли йигитлар қаршисида оловга дуч келтан муздек эриб кетишингни биламан. Лекин сенга ишонаман. Сал бурнига сув кирсин, кейин майли. Сенга ҳам бўлади, бизга ҳам. Бизнинг ундан умидимиз катта!» деди. Бу гап унинг қулоғида биринчи кун ўқишга борган бола қулоғида илк қўнғироқ қолдирган таъсирдек жаранглаб турибди. Шундай бўлса ҳам Симона сал ён босди. Бир-икки нозик табассум инъом қилиб, ўқишни тугатди. Ўрнидан қўзгалар экан, Аъзамнинг кайфига имо қилиб:

— Бугун бир оз толиққан кўринасиз, дам олинг. Иложи бўлса, муздай душга тушинг, ҳоврингизни босади, — деди.

Буни Аъзам ўзича тушунди: қиз унинг ҳирсий ниятини пайқади. Кайфи борида: «Сесса нима! Нега ўзлигиси бунақа ёш қиздан муаллим танлайди!» деб писанд қилмаган Аъзам, ухлаб, тиниқиб тургандан кейин юраги орқасига тортиб кетди: яхши ҳам тегишиб қўймабди! Эҳтимол, бирортасининг хотини ёки қизидир. Борди-ю, майорга тегишли, унинг кекса кўнглини ёшартирадиган мижози бўлса-чи! Француздарда бу оддий гап: ўн саккиз ёшлиқ қони қайноқ қиз, эллик ёшлиқ билан севишаверади. Буни ҳеч ким айб қилмайди. Эҳтимол, Симона шунақадир. Бирортасиники, ҳатто майордан ҳам улугроғиникидир. Ана унда томошани томдан кўрардинг!

Ўз бардошига шукроналик ўқиб, эрталабни куттиб олган Аъзам, ионушта пайтида муаллимасини дастурхон тепасида кўрди. Бай-бай! Кечаги кийиниши, юриш-туриши ҳам бир нав экан! Бугун жуда ҳам очилиб кетибди. Ҳарир кўйлак остидан унинг оппоқ беғубор бадани сирли бир жозиба кашф этиб ҳар қандай совиган қонни кўпиртириб, сўниқ қўзни

чақнатиб юборадиган даражада дилрабо эди. «Бунинг менда бирор қасди борми, бунча жонимга жабр қиласи», деган Аъзам ўзини аранг босиб ўтириди. Фикрини қанчалик тизгинда ушлаб туришга уринмасин, уарқонга энди тушган қўчкордай гожлик қилиб орқасига тисарилар, бўйнидан буғовини чиқариб, тирақайлаб қочарди. Унинг бутун бадани мис бўлиб қизирди. Бир соатлик дарсдан кейин, Симона танаффус берар экан, шундай ҳам кичкина оғзини луччак қилиб кулди-да:

— Боринг, юзингизни муздак сувга ювиб келинг!
— деди.

Бу қочириқ Аъзамни баттар ловиллатиб юборди.

— Ювмасам кимга жабр бўлади: сизгами, менгами? — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Ҳеч кимга-ку жабр бўлмайди, лекин ювганингиз яхши!

Бу жавобдаги маъно дарров Аъзамга бориб етди. Гарчанд, у тушунмайдиган томони ҳам йўқ эди. Симонанинг ҳарир кўйлакда минг товланиб туришидан узун киприкларининг карашма билан очилиб-юмилишигача, қалам ушлашидан, ҳар ўргатаётган сўзини таманно билан чиройли талафуз этишигача ҳаммасида унинг юраги, дарди, эҳтироси, кўрки, нияти яққол кўриниб турарди. Лекин у Аъзамга номаълум сабабларга кўра, ихтиёр тизгинини ҳали-бери қўлдан чиқармоқчи эмас. Буниси ҳам сезилиб туриби...

Бир ҳафта ичиди Симона кунда икки бор кийим-бошини алмаштириб, пардозини шунга мослаб, Аъзамни адойи тамом қиласи. Аъзам энди ўз назарида кундан-кун пастга тушиб, Симона ой-юлдузларга яқинлашиб бораарди. Шоти қўйган билан етиб бўлмайди. Қаноти йўқки, учиб қувса!

Шу орада майор келиб қолди. Эски қадрдонлардек қўл олишиб бўлгач, Аъзамнинг елкасига қўлини ташлади:

— Хўш, ўқишилар қалай? — деди французчалаб. Аъзам қийналиб бўлса ҳам бир-икки оғиз сўз билан жавоб қайтарди.

— Мадемуазель Симона! Практика томонига кўпроқ куч беринг. Кўпроқ вақт ажратмасангиз бўлмайди. Ё беш-үн кун шу ерга кўчиб чиқиб турасизми?

Симона елкасини қисди.

— Лозим бўлса...

— Лозим бўлганда қандай.

Майор олдида ўзини жуда вазмин сақлаб турган Симона, у кеттач, нолиб қўйди:

— Ҳеч ёмон гапирмайди-ю, нима учундир, кўрсам қўрқиб тураман, худди юрагим унинг кафтида-ю, қаттиқроқ бир сиқса оғзимдан жоним чиқиб кетадигандай.

— Ўзи нима иш қилади? — анчадан бери сўрамоқчи бўлган саволига энди журъат этди Аъзам.

— Яхши билмайман! — Симонанинг кўзлари «билиман, лекин айтолмайман» деб турарди, — кимдир мени тавсия этибди шекилли, бир куни чақириб қолди. Билсам, сизни, сиздай бир инженер болани ўқитиш керак экан.

— Менинг инженерлигимни ҳам сизга айтишдими? — магрурлангансимон сўради у.

— Ё инженерлигингиз сирмиди?

— Йўқ, йўқ!

— Шундай бўлгач, нега ажабланасиз. Улар кўчадан мени ушлаб олдингизга юборишмаганидек, сизни ҳам тарозига солиб тортиб, газга солиб ўлчаб олишмагунча бу ерга келтириб қўйишмагандир. Ё адашиб тушганмисиз? Бир нарсага фаҳмингиз етиб тургандир.

Аъзам аниқ жавоб айтолмади. Аслида айтолмас эди ҳам. Биринчи куни уни пайпаслаб, ёнига одам қўшиб, эл кўзидан четга олганларининг маъноси аниқ эди. Лекин нима учун шу вақтгача унинг

атрофида гиргиттон бўлишади, уни нега шу вақтгача бу ерда сақлаб туришади. Одам ёллаб тил ўргатишади, меҳрибонлик қилишади – буни Аъзам яхши тушуниб етмасди. Симонанинг саволи бу масалани-яна бир-чукур-ўйлашга мажбур этди. Чиндан ҳам, нега энди қўйиб юборишмайди? Ёки ҳали ҳам шериклари уни пойлаб юришибдими? Ёки қоидаси шунақами: муҳожир бўладиган одамни қоқилса йиқилмайдиган, қаерда бўлса ўз нонини бутун қилиб ейдиган бўлгунича парвариш қилинадими? Бунинг тагида бошқа зил маъно йўқми? Бошини силаётган бу меҳрибон қўл бир куни жонини ҳалқумидан сугуриб олмайдими? Йўқ, нега ундан бўлсин! Мен уларга бевақт шамолни раво кўрмоқчи эмасман. Яхшиликнинг қадрига етадиган, бирни ўн қилиб қайтарадиган одамман, бундан хавотир олишмаса ҳам бўлади.

Шундай ишонч билан Аъзам Симонага жавоб қилди:

– Албатта! Уларнинг меҳрибонлигини унутмайман.

– Унутмасликнинг ўзи кифоя эмас-да! – маъноли кулди қиз.

– Яна нима қилишим керақ бўлади? – ажабланди Аъзам. У чиндан ҳам нима қилиши мумкинлигини, нима қилса майорлар хурсанд бўлишини билмас эди.

Симона бу саволнинг жавоби нималигини билса ҳам элбурутдан жар солишини лозим топмади, тўғриси, буни у айтиши лозим эмас. Пайти келади – айтишади. Лекин уни масаланинг бошқа томони ажаблантирди: у илк кўргандан буён бу қора қош, қора кўз келишган инженер йигитни қилдан қиё кетсанг пайқайдиган, калава ўраса тугун туширмайдиган пишиқ, абжир, деб юрган эди. Бундоқ қараса, анча содда! Ўргимчак уясини ипак парда дейдиган бўлмаса ҳам, анча содда. Симона била-

дики, бунақалар бир ишга киришса, астойдил жон куйдиради. Севса-чи! Севса ҳам жони-дили билан мукка тушади. Симонага ана шуниси керак эди. У кимларни кўрмади, кимлар нималар ваъда қилмади. Ҳаммаси тошқин кўпигидек тезда сўнди. Яхши китобдай қўлдан-қўлга ўтавериш жонига тегди. Энди биттасининг этагини ушламаса, бу гулдек ҳусн ҳадемай сўнади, кўзларининг завқ-шавқ билан порлаши ўчади. Унинг бошига шу майор етди. Симона институтда ўқир, славян тилларини ўрганар, синфдош бир йигит билан юрар, ўз баҳтидан ўзи мамнун эди. Бир куни шу майор чақиртириб қолди. У вақтда капитан эди. Гапни ватанпарварликдан бошлади. «Ҳар бир француз қизи Жанна Д'арк бўлиши кераклигини» оғиз кўпиртириб гапирди. Гапнинг оқими қаёққа нишаб олиб бораётганидан беҳабар маъсума қиз Симона оғзини очиб, бош чайқаб маъқуллаб ўтиради. Гапни балиқ тўридек тўқиб ташлаган капитан якунлаб: «Ватан сизга бир топшириқ бермоқчи!» деди. Бу топшириқ умрининг заволи эканини фаҳмламаган Симона «Қўлимдан келса...» деб қолмасми бўшашиб! Бир томондан ватанининг унга иши тушганидан, бу иш унинг қўлидан келишига тажрибали кишининг кўзи етиб турганидак курсанд ҳам бўлди. Капитаннинг «Албатта келади!» дейиши ишончини комил қилди.

Симонани учинчи киши орқали бир чех мутахассиси билан «тасодифан» таништирдилар. Чех бу ерга илмий командировкага келган, ўттизлардан сал ўтган уддабуро, яғрини кенг киши эди. Капитан ва кейин кимлигини унча-мунча билиб қолган аллақандай кишилар топшириги ва йўл-йўриги билан у чехнинг бағрига шундай силлиқ ва ишонч билан кириши керак эдики, у ҳеч нарсасини сир тутмайдиган бўлсин. Бунинг бош қалити Симонанинг келишган қадди-қомати ва ширин сўзи. Лекин бу-

нинг ўзи бўлмайди. Бир юртдан иккинчи юртга иш билан борган одам оғзини боғлоқсиз қопдай очиб ўтиrmайди. Ундан кейин Симонанинг чехни кўриб раҳми ҳам келди. Чех унга нима ёмонлик қилибдики, уни чоҳга итариши-керак. Юраги яхшиликка тўла, умрида пашшага ҳам озор бермаган Симона орқасига тисарилди, қўлидан келмаслигини важ кўрсатди, бўлмади. «Касал» бўлиб кўрди – бўлмади. Шаҳардан қочиб кетмоқчи бўлди-ю, барибир бу идоранинг қўли жуда узунлигига, қаерга борса ҳам томогидан хиппа бўғиб, оёғидан судраб келишига ақли етди. Ундаги кайфиятни билган капитан яна аврай бошлади. Қараса, қиз ўнғайлик билан оғзига жилов солдирадиган эмас, олдидан келса тишлайди, кетидан келса тепади.

Шунда капитан Симонанинг тажрибасизлик қилиб, бир томондан катта аҳамият бермай ўз қўли билан «ушбу идора билан ўз хоҳишимча ҳамкорлик қилишга розиман» деб ёзиб берган (тўғриси ёздириб олган!) тилхатини пеш қилиб: «Биласанми бу нима! – деди ўдағайлаб. – Бу осмонга чиқсанг оёғингдан, ерга кирсанг қулогингдан тортади. Энди қичифинг кетмайди. Айтганимизни қиласан. Дунёга икки марта келсанг ҳам, биздан бошингни олиб қочиб кўр-чи!»

Симона ўзининг разведкага қўл-оёғи билан чандиб боғланиб қолганини бутун даҳшати билан ана шунда билди. Билди-ю, ўз тақдирига хўрлиги келди. Бошларини тошга уриб йиглади – бефойда. Оқибати нима билан тугашига тўла ақли етмаса ҳам шунга доир китобларда ўқиган даҳшатлар бутун ваҳимаси билан тушларида ҳатто тинчлик бермади.

Унинг гожлиги нафи шунга тегдики, кейинги учрашувдан бирида капитан унинг қўлига мўмайги на пул тутди. Гёё кечагина маъсума қизни ҳақорат этган у эмасдек, кулиб: «Ёшликка либос ярашади.

Аъло навидан бўлса яна яхши», деб нимага сарф этиши зарурлигига имо-ишора қилди.

Кишиларни не-не кўйларга соладиган пул Симонани ҳам аврагандек бўлди...

Чех оғзиға пишиқ эди. Қоғоз ва чертёжларини эҳтиёт тутарди. Лекин Симонани кўкрагидан итариб ҳам юбормас эди. Бўш вақтини у билан ўтказарди, паркларда, театрларда у билан бирга бўлишга мажбур эди.

Бундан хабар топган синфдош йигити «Бу ким?» деди. Симона жавоб беролмади. Ёлғонлаганига йигити ишонмади. Яна бир куни йигити: «Симона! Бу бемаъниликни қилма, орамизга совуқлик тушади», деди. Симона чехни тарқ этолмасди, этиши ҳам мумкин эмас эди. Йигити охирги марта хонасига қамаб: «Айт, у ким? Нега очиғини айтмайсан», деб қистовга олди, «Мени севасанми?» деса, «ҳа» деди-ю, чехнинг кимлигини, нима учун у билан учрашувининг сабабини айттолмади. Йигит эса, қизни мунофиқ ҳисоблаб, ташлаб кетди, ёлворишларига қулоқ солмади. Шундай қилиб, илк муҳабbat яксон бўлди. Чех эса, мусофириликнинг оғир кунларини у билан қувноқ ўтказиб, вақти тугагач ташлаб кетди. Шу-шу Симона разведка қўлида. Истаган одамининг қўлига сочиқдек тутишади. Аввалига малол келган бу иш кейин касбга айланди. Унинг жиринг-жиринг пуллари, аъло нав вино-конъяклири хумор бўлиб қолди. Институтдаги ўқишиб ҳам ойдин кўрмай адойи тамом бўлди – разведка билан боғлангандан кейин ярим йилгина ўқиди холос. Рус тилини ҳам ўша вақтда ўрганганди.

Мана энди у Аъзамнинг ҳузурида. Унинг тил ўқитувчиси Аъзам у шу вақтгача суҳбатдоши бўлган кишиларнинг бирортасига ўхшамайди. Биринчи кунлари унинг қора мағизлигига, келишган гавдасига беш кетган бўлса, бугун ёнгоқ қилиб думалатса думалаттудек оқадиган ўзида йўқ хурсанд. Ҳозир

унинг эшик тақиллатиб келадиган ҳеч кими йўқ. Кўчага чиқса бирор салом бермайди. Ширин гапирганга пешвоз туриб, яхшиликка жон фидо қиласди. То йўлини топиб кетгунча жиловлаган ютади. Баданигә нам юргурдан кейин кўзи очилиб қарайдиган бўлиб қолади. Симонани майор чақиртириб «Иш бошлайсан!» деганда яна қанақасини олдига мени сужак қилиб ташлаяпти? — деб энсаси қотган бўлса ҳам, сал суриштиргач баданига иссиқ юргурди. Ўзини кўргач эса, кўзи ёнди. Ахир кўзининг ёнганича ҳам бор: ўзи ёш, билаклари бақувват, европа қизлари хуш кўрадиган қорачадан келган.

Аъзам Симонани ҳар кўрганда бир энтикса ҳам, ботиниб бир ҳаракат қилишга юраги дов бермас эди. Кечаси ўрнига кирганда, ҳирс кучи билан хаёлнинг минг кўчасига кириб чиқар, тушларидан хандон солиб гаплашиб, баъзан бағрига тортар эди-ку, ўзини кўрганида уйидан адашган боладай кўзини мўлтиллатиб турарди. Тўғри бир куни кеч қолганда: «Куёв бола хафа қилса, хафаликни менга елкангииздан ошириб юбориб, шодлигини ўзингизга олиб қолинг», деб қочириқ қилди.

Шунда у ҳам: «Куёвлик бўлганимда ўзини ҳузурингизга юборамиз, тушунтириб қўясиз», деди.

Яна бир куни Аъзам: «Қайтишда адашмасам, кузатиб қўйган бўлардим», деб одамгарчилик қилган эди қиз: «Қўйинг, адашсангиз тагин бирортаси олиб қочиб жетмасин» дея ҳазилга олди.

— Сизларда йигитларни олиб қочишадими? Бизда...

— Олиб қочганда қандоқ! — юз-кўзига қулти сочилди.

— Унда эҳтиёт бўлай, — ҳазилга олди Аъзам.

— Ҳа, эҳтиёт бўлинг. Тағин майор фарёд уриб, мен уввос солиб қолмайлик.

Симонанинг гапи тубли бўлса ҳам Аъзам унча аҳамият бермади. У ният кўчасига бурилиб бора-

ётган сұхбатдан маст эди. Қиз гапни яна ҳазилга бурди:

— Ундан кейин-чи, ҳали сизнинг чиллангиз чиққани йүқ. Күчага чиқсанғиз уят бўлади.

— Ҳали мурғаксан денг! — ўзича тушунди Аъзам. — Бўлмаса мени ёлғиз қўйманг!

Шу гап сабаб бўлдими, ёки майор топшириқ бердими, эртасидан бошлаб, Симона ётиб қоладиган бўлди. Унинг хонаси Аъзамнинг рўпарасида. У энди вақти-бевақт кирадиган бўлиб қолди. Овқатга бирга чиқиб, бирга қайтишади. Ҳар куни тунда уйқу олдидан борни икки айланиб чиқишади. Бир гал қиз «қоқилиб» кетди. Ёнида бораётган қиздан бехабар йигитдан гинахонлик қилди ва Аъзамни қўлтиқлаб олди. Ана шунда Аъзамнинг ҳам куч билан босиб келаётган суюқлиги тутиб, «ундоқ эмас, бундоқ бўлиши керак» деб қизни қаттиқ қўлтиқлаб олди. Симона худди шуни кутгандек унинг бағрига кириб кетай дер, дўумбоқ тўшини йигитнинг тегиб турган қўлидан олиб қочмас, аксинча, турли баҳона билан қаттиқроқ босар эди. Баъзан Аъзамнинг елкасига бошини ногоҳ қўйган киши бўлиб, аъло нав француз атрини соchlаридан гуркиратарди. Буни ем тўрvasини айчадан бери йўқотган йигитга қандай таъсир қилишини билар, билиб туриб, юрагига қўл соларди. Мойдай эриб турган Аъзам нималарни гапириб ташламади! Симона бир томондан ана шу гапларни билиш учун ҳам унинг ёнига ташланган. Сұхбатнинг бунчалик «самимий» тус олиши Симона учун икки ёқдан яхши эди: майор олдида юзи ёруг бўлса, иккинчи томондан ўзи шахсан унинг ишончига кириб боряпти. Шу кейингиси эндиликда унга жуда зарур эди. Шундай бўлса ҳам: «Менга қармоқ ташлаб, хўжайинига илинтириб бериш учун қўлтиғимга кирган әкан», демасин деган хаёл билан гапни шахсий ҳаётига буриб кетди.

— Ижозат беришса, хотинингизни чақиририб олармидингиз?

— Нима деяпсиз! Ўзим зўрға қутулдим-ку! — Аъзамнинг эсига машхур Ҳожар хақидаги ўзбек эртаги тушди. Кейин кулиб қўйди: — Гилос деб яна оғзимга чўғ ташлайманми!

— Шунаقا жонингизга текканми? Нима ёмонлик қила қолган эди, бечора. — Хотин киши сифатида Симонанинг узоқдаги нотаниш жувонга раҳми келгандек бўлди.

Аъзам бу саволга нима деб жавоб беришини билмай қолди: бундай ўйласа, хотини унга нима ёмонлик қилган? Аъзам алдаб қочиб кетмоқчи бўлганида баридан маҳкам ушлаб қолганими? Унинг қўлига тушган бошқа баъзи қизлардай йиғлаб, арзини сувга айтиб қолаверса яхши бўлармиди!

Шундай бўлса ҳам, Аъзам хотини устига шунақа мағзава ағдардики, Симона кўз олдига бундай хотинни келтиролмади. Энди Аъзамга раҳми келди. «Бечора! Сени ҳукуматдан безиб қочгансан десам, бунақа дардларинг ҳам бормиди ҳали», деди кўнглида.

— Шунинг учун бу ерда юзингизга қон югуриб қолган экан?

Симонанинг бу қочириғига Аъзам ҳам чертди:

— Сизни кўргандан бери!

— Унда эҳтиёт бўлинг, менинг муаллимлик муддатим тугаб қолди.

Синаш учун айтилган бу гап Аъзамнинг юрагини ларзага келтирди:

— Йўғ-э! Энди дарс бошлидик-ку!

— Шу билганингиз етади.

Аъзам бирдан хомуш тортди. Не-не эркакларнинг муомаласини кўрган Симона бунинг сабабини дарров сезган эди. Шундай бўлса ҳам унинг кўнглини кўтармади. Эҳтимол, шу баҳона сал қаттиқроқ ёпишиб келса! Лекин Аъзам у кутганидек ёпишиб

келмади. Чунки у Симонадан қўрқарди. Орқасига қўйилганидан гумони бўлмаса ҳам, шундай чиройли қизнинг боши очиқ бўлишига ишонмас. Уни бирортасининг хотини, жилла бўлмаса, яқин мижози деб ўзини тиярди. Эҳтимол, яна хотин сабаб бўлиб, бу ерда ҳам бахти қаро бўлур! Сабр қилгани яхши. Хотин топиладиган нарса! Олдин ўзи оёққа туриб олиши шарт!

Симона эса, Аъзамнинг сустлигини ўзича тушунди: ё мижози суст, ёки уни ёқтирамайди. Ундан ҳам чиройлиларни кўрган! Шу кейингиси унинг хотинлик иззат-нафсига тегди. Астойдил қўйнига қўл солишга қасд қилди. Шу орада яна бир нарса унинг мушкулинни осон қилди. Эрталаб беформа келган майор Аъзамнинг олдига машинкада босилган икки варақ қофоз ташлади:

— Ўқинг!

Аъзам уни ўқиб бўлгунича, ҳар мўйи остидан бир булоқ пайдо бўлди.

— Бу қаердан?

— Совет радиоси берди. Тошкентдан. Аъзамнинг кўзи пирпиради.

— Ишонмаяпсизми?

Аъзам жавоб қайтаргунича бўлмай, майор машина олдида нима биландир уймалашиб юрган лейтенантни чақирди:

— Ҳалигини олиб келинг!

Лейтенант худди шундай фармойишни кутиб тургандай тулки чаққонлигига қоғозга ўроғлик нарса келтирди. Бу Тошкентдан берилган эшиттиришнинг лентага ёзиб олингани эди. Майор уни хонада турган приёмник-магнитофонга қўйиб, эшиттириди. Бир оздан кейин таққа тўхтаб, сўради:

— Шу товуш сизга танишми?

Аъзам боши билан тасдиқлади, кетидан яна:

— Хотинимники, — деди.

Майор эшиттиришни давом эттирди.

Бу Нафисанинг ўзгинаси эди. У Аъзамнинг хатти-ҳаракатини қоралаб, уни мунофик, ичи қора, ношукур, кўрнамак сифатида фош этарди, унинг ўзини тутишларидан мисоллар келтириб, расвосини чиқаарди. У бир ерида шундай дер эди: «Майли, мен-ку ёмон эканман. Наҳотки, ўз пуштикама-рингдан бўлган нораста қизинг ҳам ёмон. У сенга нима ёмонлик қилган эдики, уни ҳаромга чиқара-сан, юзига балчиқ сочасан. Сенинг шундайин пастлигингни билганимда боламни отасиз туғардим, отасизлигини билдирамай катта қиласадим. Сени ота дегандан уйда ит сақлаган яхши. Нимангга кекка-йиб, нимангга кериласан, фарзанд уволи туткур! Бегона юртларда қўтирилдек санқиб, ватангадо-ликда хор-зор бўлиб, кўзларингга қора тупроқ тўл-маса асти розимасман! Сендеқ эр, сендеқ ота бизга керак эмас, бетинг қурсин!!»

Қулогига гувланган беданадек караҳт бўлиб қолган Аъзам бу эшиттиришнинг нима муносабат билан берилганини анчадан кейин билди. Бу унинг газетадаги мақоласи ва радиодаги суҳбатига жавоб эди.

Аъзам Нафисадан бунчалик гап чиқишини кутмаган эканми, ёки айтилган сўзлар жон ерига бориб тегдими, тилига гап келмай, гангид қолди. Но-нуштанинг қанақа қилиб ўтганини билмади, нима еб, нима ичганини бирор сўраса, айтиб беролмас эди. У оёқ ости қилиб, ташлаб келган хотини бошига чиқиб тепкиларди, тепкилаганда ҳам ҳеч эсдан чиқмайдиган қилиб таъзирини берарди. Қани, шу маҳал у қўлига тушиб қолса-ю, «Қани ўша тилингни кўрсат деса, сугуриб олиб итга ташласа. Бу ҳам етмагандек ерга ётқизиб то ҳолдан кетгунча дўппосласа! Илож йўқ! Бу иложсизлик ўтмас пичоқ бўлиб унинг бағрини кесарди. «Қанжиқ» деб ўрнидан туриб кетди.

Майор атайин уни ўз ҳолига қўйиб бермоқда эди: қуйсин, ёнсин! Қанча кўпроқ қуйса, аламга тўлса ундан шунчалик яхши фойдаланиш мумкин. Жони-дили билан хизмат қиласди. Нафратланади, газабланади. Устига юк ортса кейин гинг демайди. «Оҳ, қани ўз юртим!» деб нола чекмайди. Майор: «Ватанингдан бутун умидингни уз, унинг эшиклари энди сенга очилмас бўлиб тамбалангган. Энди биздан бошқа меҳрибонинг йўқ. Биз эса, истасак сени ҳўқиз қилиб қўшга қўшамиз, истасак эшак қилиб минамиз», деб атайин бу эшиттиришни эрталабданоқ олиб келган эди. Унинг оқибатидан мамнун. Аъзам бевақт очилиб, совуқ урган сассиқ алаф гулидек сўлиб тушди.

Имо билан Симонани хонадан чиқариб юборган майор, Аъзамнинг елкасига қўлини ташлади.

— Ҳеч хафа бўладиган ери йўқ, азизим! Ёшликда бева қолган хотиннинг алами одатда шунаقا аччиқ бўлади. Ёки қайтиб бориб, бирга яшаш умидингиз бормиди?

Ўз ҳолатидан номусга келган Аъзам бошини кўтарди:

— Йўғ-э! — деди гўё бирор Нафисани зўрлаб қўйнига солиб қўяётгандек.

— Демак, нега бундай паришонлик! Келинг, азизим, жиндай-жиндай қиласми. Бунинг давоси шу лаънати! — у Аъзамни қўлтиқлаб олиб, столга келди. Ўтираётиб тўқиди: — Кеча биз ҳам хотин билан ади-бади айтишиб қолдик. Нега яхшилаб эркаламайсан дейди. Ухласам, уйғотиб, «менга қараб ёт!» дейди. Унга қараб ётишнинг ўзи бўладими! Баҳор тошқинлари ўтиб, куз келганидан бехабар. Хотин зоти шунаقا беандоза бўлади. Бекорга форслар, «бир хотиннинг макри қирқ эшакка юк», демаган. Қани, олинг! Соғлиқ бўлсин! Қилич бўлсин, қин топилади!

Майор бу гал Аъзамнинг ичишини кутмай кўттарди. Яна қўйди. Қўлига олди.

— Рюмкаси бунча кичик. Ичагимда қолиб кетди ҳалигиси. Қани, шуни ҳам олайлик, кейин дардлашиб ўтирамиз.

Аъзам индамади. Оғзига битта ташлаб, закуска қилиш заруриятини ҳам сезмади.

Иккинчи рюмка чизиллаб бориб, Аъзамнинг ми-ясига тепди. Хотинининг гапига чидолмай, аламидан нима қилишини билмай ўтирган одам, бошқа оламга кириб борди. Шу олам учинчи рюмкадан кейин яна чиройли кўриниб, Нафисанинг сўзлари бир жаранглаб сўнган акс-садодек йироқлашиб кетди. Бир оздан кейин бутунлай эшитилмай қолди. Яна бир-икки рюмка ичганини билади. Ундан кейингисидан хабари йўқ. Бир вақт кўзини очса, ўрнида ётибди. Кийим-боши наридан-бери ечилган. Қачон маст бўлди-ю, ким келтириб ётқизди? Наҳотки, майор! Кўзи чараклаб кетди. Иргиб турибчувагини кийди. Ҳали нима қилишини билгунича стул устига қўйилган хатга кўзи тушди. Жон ҳолатида олиб ўқиди: «Азизим! Жуда яхши кайф қилишдик. Кўнглингиз хижил бўлмасдан дам олинг». Имзони танимади. Майорники фараз қилиб, охирги жумлада бир гап борлигини тушунди. Бўлмаса нега «хижиллик»ни әслатган?

Уни бу хижолатдан Симона чиқарди. Унинг уйғонганини сезиб, кириб келди-да, очилиб-сочилиб тегишли:

— Жуда қизиқ маст бўлар экансиз. Нуқул кишининг кўкрагига ёпишасиз! Кўкракни шунаقا яхши кўрасизми? Ўрнингизга ётқизгунча ўлиб бўлдим. Мана, буни қаранг, лифчигимнинг тутмаларини узиб юбордингиз!

Бу гап асли ёлғон эди. Аъзамни бир хизматчи ётқизган эди. Лекин ҳеч нарса эсида йўқ, Аъзам ишонди. Қандайдир бир хижолат аралаш ёқимли

ҳис вужудига югурди. Демак, у дилидагини кайфида юзига чиқарибди. Бу Симонага малол келмабди. Малол келганда авваламбор кирмасди, кирганда ҳам бундай завқ билан очиқ гапирмас эди. Лекин у хафа эмас. Унинг ҳам майли бор экану, менинг бир имо-ишорамга маҳтал экан. Кайфим бекор кетмабди.

Аъзам Симонага яқинлашди, узр сўраган бўлди:

— Кайфчилик...

— Вой, нега унақа дейсиз! Бинойидай ҳушёр эдингиз. Мен жўрттага қиляпсиз, деб ўйладим. Бирар ӯзингизга ярашди. Худди артист бўлиб кетдингиз!

Бу ноз-карашма тўла сўзлар ҳали кайфи тарқалиб бўлмаган Аъзамнинг кўзини баттар тиндириб юборди. Баданининг аллақаери жимиirlаб, Симонага аста яқинлашди:

— Ростдан хафа бўлмадингизми? — деди. Қиздан нидо чиққунча уни бағрига олиб, титраб турган лабини интизор бўлиб турган қизнинг қайноқ лабига босди. Симонанинг қўли Аъзамнинг бўйнига чирмашди.

13

ОТА КЎНГЛИНИ ОФРИТГАН ФАРЗАНД

Тешабой карвон муздан совуқ, ўлимдан бадном хабарни эшигандан ишкомда хомток қилаётган эди.

Унинг қўйполлигидан Садир тўйнка лақабини олган қўшниси бор. Қулоғи қўшнисининг эшигига бўладиган бу одам миши-миши ҳаммадан олдин эшигади, шамолдай кўчада изғиб, тарқатишни яхши кўради. Бўлмаса қулоғи «офир», тили «чучук». Қўшнилар ёқтиришмайди, айниқса, Тешабой карвон. Қачон у боғига сув очиб келса, йўлдан бўғиб олади. «Ўзинг бошлиб келсанг бўлмайдими!»

деса, «Жой ҳақи оляпман!» деб қиқир-қиқир кулади. Бир маҳал у обжувозхона тутган, кишилар ундан кунжара олишмас, «зиқнанинг кунжарасидан мол баҳра олмайди, қотириб юборади», дейишар экан. Илон ёмон кўрадиган гиёҳини оғзида-ўсади» дегандай Тешабой ёқтирмайдиган шу одам унинг ён қўшниси!

Ана шу Садир тўнка Аъзамнинг қилмишини кимдандир эшитганда: «Ҳа, оқсоқ чол, қўлга тушар экансан-ку!» деб бир яшнаб қўйди. Шаҳардан қайтиб, уйига ҳам кирмади, хуржунини йўлакка қўйиб, хотинига бақирди:

— Мана буни ол!

— Ҳа, мунча шошилинч, ёв босиб келяптими? — деган касалванд хотини инқиллаб-синқиллаб хуржунни судраганича ичкарига олиб кириб кетди.

Садир тўнка бу маҳалда Тешабойнинг боғдалигини билган, унинг олдига кўса соқолини силаганича лапанглаб борарди. Йўл усти: «Карвонга бўйил ҳам худо берибди, узуми шифил», деб кўнглидан ўтқизди. Курси устида ишкомнинг тепа томонини тараашлаётган Тешабой ўзи билан ўзи овора бўлиб, Садир тўнканинг келганини ҳам билмади.

— Ҳорманг, карвон! — деди у.

— Бор бўлинг! Келинг, қўшни! Шаҳардан барвақт қайтибсиз?

— Шаҳарда ҳамёни дўмбоқ узоқ юради. Бизга ўҳшаганинг иши бозорнинг бир четида битади.

Бу Тешабой карвонга қочириқ эди. Тешабой ичи қораликни ёмон кўрарди.

— Ношукур бўлманг, қўшни, худо ҳамманинг феълига яраша беради!

Кутилмаганда нишонга тўғри бориб теккан бу ўқ, «Қандай қилиб бошласам бўлар экан?» деб турган Садир тўнкага қўл келди.

— Бўлмаса, Аъзамжоннинг иши ҳам отасининг феълига яраша экан-да!

Тешабой бу гапга аввал «яна хотини билан қирпичноқ бўлибди-да, нодон! Ҳеч эси кирмади-кирмади-да. Битта болалик бўлганда уят!» деб парво қилмади, фақат энсаси қотиб, узун бир эркак новдани шартта қайчилаб, шиддат билан сувуриб олди. Шу беҳосил новда Садир тўнкага ўхшаб кетди.

Садир тўнка фахмладики, карвон ҳали бу «қизик» гапдан бехабар. Бунинг устига Тешабой:

– Эр-хотиннинг ўртасидаги гапни эси йўқ одам кўтариб юради. Эр-хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши! Бугун ундоқ, эртага бундоқ. Ё ўзингиз фариштамисиз? Ўттиз йилдан бери ўтган йил қулғимиз тинди!

– Ўзингиз нима деяпсиз, қўшни! Ўзингиз каттасини қилиб қўйибди-ку!

Тешабой карвоннинг тоқати тоқ бўлди. Ахир иқинг севмаган кишининг сўзини тинглашдан ма-лол иш борми?

– Каттасини қилган бўлса, сизнинг иштонингизни булғатдими! Қўяверинг, сизга оғир-енгиллиги тушмасин, ўзи тозалаб олади.

– Йўқ, ҳаммамизникини булғаб кетибди!

Ана шунда Тешабой карвон ўзлининг қаёққадир чет элга кетмоқчи бўлиб юрганини эслади. Ҳали ҳам кетмаган экан-да, деб қўйди. «Сафарга чиқса, хайрлашгани келарди!» деган фикр кўнглидан ўтди, Аъзам отаси билан хайрлашмаган, ҳатто хайрлашиш хаёлига ҳам келмаган эди.

– Хўш, гапиринг, нима қилибди? – деди Тешабой ичи ҳувиллаб. «Бу лаънати тўнка ҳамма-совуқ гапни билади. Бир нарсадан хабари борга ўхшайди», деб ўйлади карвон. Садир тўнка эса, қўшнининг кўнглига ғулгула тушганини сезиб, атайин жавобга шошилмасди. «У ерда ётган ҳом новдани олиб, шартта синдириди, милтиллаб чиққан сувига қараб турди, нима учундир, ялаб боқди:

— Шунинг нимаси ширин? Баъзилар шимигани-шишимиган.

— Биринчи хомтокдагиси ширин бўлади. Ҳозир суви қочиб қолди, — деди Тешабой ҳам: «Айтмасанг, айтма! Ҳунук-гап — илоннинг ташлаган пўстига ўхшаган нарса, ичи бўш бўлса ҳам этни жунжитади», дегандек парво қилмаган бўлди. Лекин бирдан юраги ҳаприқиб кетди, эшитмаса бўлмайдигандек кўринди.

— Ҳа, нафасингиз ичингизга тушиб кетди, Садирвой, топиб келган гапингиз пахтавонмиди?

— Йўқ, жуда гумбурлаб отиладигани!

— Отинг бўлмаса!

— Ўғлингиз чет әлга қочиб кетибди-ку!

— Нега қочади, ҳукумат ўзи юборган.

— Ҳукумат-ку бу ёқдан юборса, юборгандир, лекин у ёқка ўтгандан кейин думини хода қилиб қолибди. Қайтмайман дебди.

— Нафасингизни совуқ қилманг, Садирвой, олдингизда фарзандларингиз бор.

— Ана, холос! Ҳали тұхмат ҳам дерсиз.

Тешабой индамади. Курсидан тушиб, ток қайчи-сини белбогига қистирди. Ердан бир қучоқ хомток қилинган кўм-кўк новда — баргларни олиб, нарироқда турган эшаги олдига кетди. «Сўзинг ўзингдан баттар қўпол бўлмай ўлсин. Бекорга эл-юрт «тўнка» демайди сени», деган хаёл билан қўргонга кириб кетди. Нашвати нок остидаги ҳовузчада асабийлашиб юз-қўлини ювди. Хаёлидан «тўнка»нинг гали кетмай қолди. Тушликка ўтиromoқчи бўлди-ю, кайфиятига қараса, томогидан овқат ўтадиган эмас. Анигини билмаса, тинчимайдиган. Эшаги олдига ташланганини еб бўлгунича сабр қилиб турди. Бу орада хаёли гадой топмас кўчаларга кириб чиқди. Нега ўғли қочади? Бўйнида бирор иллати бормиди? Қочганда кимдан қочади, нимадан қочади? Боши хунук бошланган бўлса ҳам, сўнгти вақтда

хотини билан тузук эди. Кейин хотинидан нолий-диган ери йўқ. Ўтли-шудли, тиш-тироқли. Унга шунаقا хотин бўлмаса ҳам, бири икки бўлмайди. Келиним бечора яхши жувон. Яхшилигидан унинг зуғумини кўтариб, тош келса кемириб, сув келса симириб ўтиб келяпти. Бу вақтда бунақаси кам. Бошқа бўлганда этагини бошига ёпиб қўярди. Хўш шундай бўлгач, Аъзам кимдан қочади? Ё идорасида чалкаш иши бормиди? Чалкаш иши бор одамни хукумат четга ўзи чиқармаса керак. Йўқ, гап бошқа ёқда. Бирортаси уни йўлдан урган. Олтинни кўрсатиб, жезни қўлига тутган. Ундей деса, кўзи очиқкина бола. Арпа билан буғдойнинг, қатиқ билан қаймоқнинг фарқига боради, фалон йил ўқиган. Кирар ақли кириб, чиқар ақли чиққанда бу нима қилган иши? Йўқ, бунинг бир балоси бор!

Тешабой, ёшлигиданоқ от-аравага етолмаганидан эшак арава минган, кимнингдир заҳархандаси билан «карвон» лақабини олган чол шошиб эщагини эгарлади. Ҳалачўп ҳам эсидан чиқиб, уни эшикка етаклади. Эрининг авзойини кўрган хотини мулойимлик билан:

— Тинчликми, дадаси? — деди.

— Тинчлик! Тинчлик! Болаларингга айт, ишкомдаги хомтокларни йигиштириб олсин. Қўйга кўп бермасин, ичини шилиб кетади! — деганича Тешабой эшакка минди. У ҳар йили кеч баҳорда бир эслик қўзи олиб, ёзи билан боқади. Қишига сўйиб, ёғини хумчага босиб, гўштини тузлаб осарди. Жуфт қилиб боқишига қурби етмас, ҳар баҳор Аъзамга: «екон болам, битта қўзи олиб бер, кузгача боқиб, қишинингга сўйиб бераман. Яхши бўлади», деб ялинар, ўғли эса, назар-писанд қилмагандек кулиб қўяқоларди.

«Боланинг эси кеч кирди. Баъзиларникидай ишга қовушимгина эмас. Бойваччароқ. Ўтдаги чўпни бўтга олиб қўйгиси келмайди. Гап-сўзда ҳам

калондимоғ. Кимга ўхшади? Жиян тоғасига тортади, дейишади. Тоғаси раҳматлик меҳнатнинг ошини ширин биларди, ҳаромдан ҳазар қилиб, егулик хўрлиқ келтиради, деб юрарди. Бу ўзи алоҳида чиқди. Ҳеч кимга ўхшамади. Қачон-кўрсанг димогидан қор ёғади, нимадандир нола-фигон. Ҳаммадан норози, ҳамиша кўнгли ўксик. Тавба, киши ҳам шунақа бўладими! Шукур қил, кимдан камлигинг бор? Ўқийман дединг, ўқидинг, инженер бўламан, дединг, бўлдинг. Яна нима керак сенга. Бирордан олдин, бирордан кейин бўлиб яшайвер. Ношукур банда! Бўз кўйлак кийганмидинг, этинг қичиыйди! Чакаги узилган кавуш кийганмидинг, оёғингдан сув ўтади! Кийганинг ипак, еганинг оқ нон! Яна нима керак сенга? Шоҳ бўлиб тахтга ўтиromoқчимидинг, нодон бола!»

Шундай ўйлар билан Тешабой ўғлиникуга етиб келганда Нафиса уйда эди. Кечадан бери унинг тоби йўқ. Буни ота ўзича тушунди: «Тўнканинг гапида жон борга ўхшайди, келинни фам йиқитибди». Қаршисига пешвоз турмоқчи бўлган келинини жойидан қимиirlатмади. Ўзи унинг ёнига, диванга яқин ўтирди:

— Уринманг, келин! — деди ва фотиҳага қўл очди.
— Худоё, ёмон кундан, қуруқ тухматдан ўзинг асрар!

Нафиса қайнатасининг кайфиятидан дарров билдики, у воқеадан хабар топибди. Нафиса эса, атайин: «Ноҳуш хабарни кеч эшитган яхши. Ҳарна беш-ён кун тинч бўлгани!» деб унга маълум қилмаган эди. Ундан кейин, нима деб айтишни ҳам билмади, Аъзам баъзи ўғиллардек отасига меҳрибон ҳам эмас: ойда-йилда бир боради. Гарчанд, қайнатаси баъзи кишидек кек сақлаб, «яхши куннингда хаёлингта келмасдим, бошингга ёмон кун тушиши билан учқуннинг учидага учидаги!» дейдиган бўлмаса ҳам, барибир Нафисанинг юзи чидамади. Лекин шу қилган ишидан ҳозир лоҳас тортди.

Нафисанинг қайғу-алам тубигача чўккан маъсум кўзлари билан қайнатанинг ҳамон гумон хаёллари қалқиб турган сернам кўзи тўқнашди.

— Шу ростми, келин? — деди Тешабой изоҳла-масдан.

— Рост!

Ота бирдан бўщашиб тушди. Ҳамон гумон бўлиб турган қайғу юки уни чўктирган эди. Кўзига жиққа ёш тўлди. Томирлари ўйнаб кеттан, кафтла-ри тош-метин қўли титрарди.

— Нодон бола! — деди у кўзини чирт юмиб. Ёш томчилари қорасидан оқи кўп бўлган соқолига кетма-кет тўкилди.

Нафиса ўрнидан турди. Бу гал ота индамади...

Нафиса термосдан иссиқ чой ҳуийб, унга узатди. Тешабой титраган қўллари билан уни олиб, аранг бир ҳўплади.

Хона пашиша учса эшитилгудек жимжит. Ташиб-рида чумчук боласини илонга олдиргандек чирқиллайди. Ана, трамвай гийқиллаб ўтиб кетди. Яна жимлик. Нафисанинг қулоғи шанғиллаб кетди. Тешабой беихтиёр қулт-қулт чой ичади. У бирпасда қора терга тушди. Белбогига икки ўраб қўйган каттагина дастрўмолини олиб, пешанасини, бўйини, юз-кўзларини артди. Кейин тўмтоқ соқолини узоқ асабий силади.

— Нега бундоқ қилибди, билмадингизми?

— Йўқ.

Нафиса қисқагина қилиб айтиб берди.

— Нодон бола! Ёмоннинг тўрида бўлгандан яхшининг гўрида бўл! — салмоқлади ота. — Нодон бўлмасанг, хашак ёқиб ўтиргандан ўтин сўрайсанми! Ношукур банда, ватангадоликни ҳавас қилдингми?! Душман уйида нон ҳам заҳарли эканини билмасми-динг!

Нафиса нима деб қайнатасига тасалли беришни билмасди. У яхши биладики, нима деса ҳам бефой-

да. Кексаликда фарзанд йўқотиши, ёзда шох кесиш – ўрни тўлмайди! Шунинг учун у ҳам яраси янги бўлиб, бошини қуи солганича ўтириди.

Ўтирса ўрни, юрса йўли куяётган Тешабой яна бир боз кўз ёши қилди-ю, ўрнидан қўзгалди.

– Келин? Бу – кўргилик. Элга қўшилиб, эр бўломмай, элдан ажралиб қаро ер бўлгани шу! Оёғим сагана тошини босиб турганда менга бир ками шу ҳасрат эди! Жуда, жуда ортиқча бўлди. Аттанг! Аттанг! Бола жуда қисқа ўйлабди.

Отанинг кўз олдига шаҳарда юрадиган бир ҳинд келди. Бир вақт юртидан келиб қолган кимсасиз бу одам, қачон кўрсанг, бўйини эгид юрарди. Ҳужрасида ўлиб қолганини ҳеч ким билмабди. «Бечора ғариб кўринмай қолди», деб қўшнилари хабар олгани киришса, у аллақачон ҳидланган экаи.

Шу ҳинд, унинг назарида, ўғлига ўхшаб кетди. Бутун баданини совуқ тер босди. Энди у бир ерда туролмай қолди. Кетишга отланди.

Эшикдан тетик кирган Тешабой инқиллаб чиқиб, аранг эшагига минди. Унинг кучи гўё узилиб бўлганди. Эшакнинг бошини кўчага бурав экан, «Ёғ ичида яйрамаган эссиэ болам», деб қўйди.

...У довдираб қўргончасига кирди-ю, хотини «Хой, дадаси, сизга нима бўлди?» деб, сўрагунича айвон четига йиқилди. Шу ётганича, «Ана кетди, мана қайтди», бўлиб бир ойча ётди. Доктор чақирмоқчи бўлишган эди. «Дардимнинг докторлик иши йўқ», деб розилик бермади. Бир-икки алаҳлаб Аъзамни чақирди. Бу алаҳлаш хунук тусга киргач, азбаройи юрак-бағри әзилиб кетган хотини ёлғон билан бўлса ҳам уни тинчитмоқ ниятида бир ўғлини «Мана, дадаси, Аъзам келди» деб кўрсатди. Тешабой чараклаб кўзини очди-ю, уни танимаётган кишидек тикилиб қолди, кейин бирдан лабини буриб, тескари ўгирилиб олди. «Унга ўхшатмади», деганича бечора хотин дока рўмолининг учини аса-

бий ҳимарганича ўчоқ бешига ўтиб кетди. Ўша томондан:

— Ҳа, ноқобил фарзанд, отангни қийнаб қўйдинг-а! — деган товуши келди.

Тушдан кейин Тешабой анча ўзига келди. Райхон кертилган суюқ ошдан бир-икки қошиқ ҳўплаётган эди, эшик тақиллаб, уч-тўрт қўшнисининг ҳол сўрагани келгани маълум бўлди.

— Кираверишинми? — ижозат сўради хотини. Тешабойнинг кўнгли беҳузур бўлгандек чаккаси тиришиб, кўзи қисилди. Овқатни бир четга сурди.

— Қайси кўзим билан уларнинг юзига қарайман, хотин. Менинг касалим номус касали! — деди у аранг ва ёстигини тўғрилаб, устига чойшаб тортиди. Гўё бу билан кимларданdir яширинмокда эди. Буни пайқаган хотини, келганларга:

— Туни билан мижжак қоқмай, ҳалигина мизғиган эдилар, уйғотишга... — деб ёлғон баҳона кўрсатди. Яхши ниятли бечора қўшнилар: «Ундей бўлса, асти безовта қилманг», дейишганича қайтиб кетишиди. Умрида бировга ёлғон гапирмаган хотин эри қошига қайтгач, эшик тақиллаганда олиб қўйилган овқатни Тешабойга узатмоқчи бўлди.

— Керакмас, хотин, иштаҳа қолдими! — деди Тешабой хотинига раҳми келган бир йўсинда. Хотининг кифти оша нок шохидаги қанотларини пирпиратиб турган боласининг оғзига овқат солаётган чумчукка бир оз тикилиб турди-да, кейин салмоқлади:
— Ўлим ҳақ, хотин. Эртами-кечми олиб кетади. Ҳеч ким бу дунёга устун бўлмайди. Лекин армон билан, юзи шувутлик билан кўз юмадиган бўлдим...

— Ундей деманг, дадаси, зора инсофга келиб, Аъзамжон қайтиб қолса.

— Оҳ, хотин, сопол косанинг синиги кимга керак.

Шу гап сабаб бўлдими, ёки ноқдаги чумчуқнинг қанотларини пирпиратиб турган боласининг оғзига овқат солиши сабаб бўлдими, Тешабойнинг кўз

олдига Аъзамнинг болалиги келди. Ана у самовар чўғи тушиб, бир неча жойи куйган рангсизгина кигиз устида эмаклаб юрибди. Бирдан унинг кўзи кигиз йиртиғидан кўриниб турган бўйра титифига тушди. Жажжи қўлларини ноумидгина тиқиб торта бошлади. Қараб турган отанинг жони-пони чиқиб кетди, дарров уни кўтариб қўлига олди: «Ҳой, болам, қўлингни қийиб кетади, бунинг дами пичоқни-кидан ўткир-а!»...

5-6 ёшларда эди шекилли, Аъзам жуда қаттиқ оғриди. Кўрсатмаган табибу, қилмаган ирим-чиirim қолмади. Икки марта қўчириқ қилиб, бир марта жўжахўроз қучоқлатиб ўқитди – бўлмади. Аллақайси авлиёнинг мозорига опичлаб олиб-бориб келди – бўлмади. Ўшанда бир кўса табибнинг довругини эшилди: «Ўғлингни тузатса, шу тузатади. Дуо ҳам ўқийди – нафаси ўткир! Лекин ноинсофнинг нафси ғолиб, унча-бунчани кўрдим демайди. Калондимог», дейишди. Дунё кўзига тор кўриниб турган ота: «Жон сўрамас экан-ку, пул билан бўладими?! Имонимдан бошқа ҳамма нарсани сотишга ҳозирман! Ўзи қаерда туради?» деди. Азроил жон талашиб турганда отанинг кўзига мол-дунё кўринармиди: елин солиб турган битта-ю битта бўғоз сигирини олиб чиқиб арzon-гаров сотди. Пулини белига тугиб, ўғлининг дардига шифо топадиган ўша табибни қидириб кетди. Аксига олиб, табиб улфатлари билан бир ўртоғининг даласига қовун сайлига чиқиб кетган экан. Ўша куни тун оғгунча кутди, охири бўлмагач, эрталаб унинг хотинидан қаердалигини суриштириб, тахмин билан йўлга тушди. Адашиб-улокиб энди топиб борганда, бундан бир соатча бурун қайтиб кетишганини билди. Зуд билан орқасига қайтди. То у шаҳарга етиб келгунча тун тушди, анча вақт бўлиб қолди. Минг бир истижола билан табибнинг эшигини қоққан эди, меҳмонхонасида ётган табибнинг ўзи елкасига чопон ташлаб, сарпойчанг чиқиб

келди. Юпунгина кийинган кишини кўриб энсаси қотди:

— Ҳа, бунча ярим кечаси келмасант, Азроил эшигинг турмини сугуриб оляптими!

— Тақсир...

Тешабойнинг илтижоси ерда қолди.

— Эрталаб кел! — деган табиб эшикни Тешабойнинг юзига тарсиллатиб ёпиб кириб кетди. Табибининг бу калондимоғлиги Тешабойга қанчалик малол келган бўлмасин, унинг кўзига арзанда ўғлининг жони кўриниб, чор-ночор таъзим билан:

— Ҳўп, хўп, тақсир! — деди, холос.

Энди қаёққа боради! Бонига бориш ўзи бўладими!

Бўғин-бўғинлари зирқираётганини энди билди. Борди-қайтолмайди. «Тонг отиб қолар, ана уфқ оқаринқиради», деган умид билан шу атрофда гоҳ ўтириб, гоҳ юрди. Қараса, тиззалари зирқираб, куни билан елиб-югургандлари энди ўзини билдиряпти: тез-тез эснайди, ҳар эснаганда кўзи ўшланади, эти увшади. Бу аҳволда тонг оттиришига кўзи етмай қолди. Салгина мизгиб олиш ниятида жой қидирди. Бир чойхонага кирган эди, куни билан ивирсиб кетган чойхонасини саранжом-саришта қилаётган чойхоначи меҳрибонлик қилиб, олдига чой қўйди-ю, бу ерда ётиш ман этилганини ётиги билан тушунтирди. Оч қоринга аччиқ саримсоқдек туулган чойдан бир пиёласини чўзиб ичган Тешабой, чойнакни ўзидан сал нари суриб, бошқа бир жой топиш умидида қўзгалар экан, яна чойхоначининг ўзи жонига ора кирди. Унинг қаерданлигини, нима важдан тун кечаси овора бўлиб юрганини наридан-бери суриштирмади-да, уйига олиб кетди... Тешабой эрталаб чойхоначининг: «Захар босди қилиб, бир бурда нон тишлиб кетинг», дейишига ҳам қарамасдан: «Яна бирор ёққа кетиб қолмасин, ўзи серзардагина экан», деганича табибникига чопди. Та-

бид азон намозидан қайтмаган экан. Кутди, бесабрлик билан кутди. Бир-икки қари-қартанг ўтди-ю, у қайтмади. Яна безовталанди. Табибнинг хотинини чақириб: «Бирон ёққа ўтаман демовдиларми?» деб суриштириди. Эшик орқасига келган хотин-унинг кўнглига далда бериш ўрнига: «Баъзан ўшанақаси у ёқ-бу ёққа кетиб қолиш одатлари ҳам бор», деб ёниб турган юрагига мой қуиди! «Худо урганин пайғамбар ҳассаси билан туртади» деганлари шу, деб тарвузи қўлтигидан тушган Тешабой кўчанинг нариги бетига ўтиб, теракка суюниб ўтириди. Хўрлиги келиб, йиғлаб ҳам олди. Йўқ, бу интизорлик узоқ чўзилемади. Бир маҳал табиб кўса соқолини эрталабнинг юмшоқ елида серкиллатиб, Тешабой кутмаган томондан келиб қолди. Тешабойнинг қўйловуштириб берган саломига лабининг четидагина алик олди. Унинг арзини чала-чулпа эшлитиб, «Олисдан муштоқ бўлиб келибсан, бўлмаса бормасдим», деб ўз қадрини оширганича уйига кириб кетди. Орқасидан минг тасаддуқ бўлиб, икки букилиб қолган Тешабойнинг кўзи у кириб кетган эшикдан узилмади. Бир маҳал табиб тўриғ отини етаклаб чиқди, йўлкага тўғрилаб, чаққон минди, йўлга тушди. Тешабой унга эргашди. Отга етиб юраман, деб отанинг ўпкаси узилди. Лекин табибни олиб кетаётганидан бениҳоя хурсанд эди. Гўё шу табиб ўғлини бугун кўради-ю, эртага у тойчадек дингиллаб юриб кетади. Шунда бу тортган азобларининг барчаси унут бўлади!

Барибир «машҳур кўса табиб» бир неча бор қатнаса ҳам, Аъзамнинг дардига эм бўлолмади. «Бу ёғи оллонинг қўлида» деганича кетини узди-қўйди. «Ҳа, энди, ўғлим олло таолонинг ўзига керак экан, тузалса шу вақттacha оёққа туриб кетмасмиди» деб умидини узиб, тақдирга тан бериб, парҳезни бузиб «ўғлим кўнгли тусаганини еб кетсин» деб турганда ҳол сўрагани чиққан, темир йўлда ишлайдиган бир

қўшниси: «Болага жабр бўлиб кетибди-ку, гожлик қилманг, касалхонага ётқизинг», деб маслаҳат берди. Ёлғиз ўғли учун ўтга киришга рози бўлиб турган ота: «Бизга ўхшаган ҳукуматда ишламайдиганларга касалхона қаёқда», деб бўшашиб тушди. «Бу ёғини ўзим тўғрилайман» деган қўшни шу куниёқ Аъзамни темир йўлчилар шифохонасига олиб кетди. Орқасидан йиглаб қолган Тешабойнинг бир оёғи касалхонада, бир оёғи боғда бўлди. Кўнглида умид учқунлари пайдо бўлган бўлса ҳам ҳамон бир нарсанинг андишасида тунлари уйқуси бузиларди: ўғли касалхонада ўлса, қорнини ёрса... Номус! Ўзи-ку, кўриниб турувди! Эл-юрт нима дейди? Эй, аттанг!!

Шундай бўлса ҳам «Чиқмаган жондан умид» деб, тиқ этса қулоғи касалхонанинг эшигига, кўзи оқ ҳалат кийганларнинг юриш-туришида!

Йўқ, отанинг умиди пуч чиқмади. Бир ҳафта ўтгач, Аъзам ориқлаганидан хунук бўлиб кетган кавушдек оғзини очиб кулди, бир ойчадан кейин оёққа турди, «Дада!» деб уни қучоқлади. Ана шунда Тешабойнинг қувонганларини кўрсангиз!

Ана шуларни ўйлаб туриб Тешабой ўзича якун ясади: «Эй, аттанг, ўшанда бир нарса бўлиб кетганда-ю, шу номуслар йўқ эди. Бунақа бетавфиқ фарзанд чиқадиган экан, ўшанда бунча куйиб-ён-масам! Олло таолонинг ўзи билиб, менинг ташвишимни камайтираётган экан-ку, мен гумроҳ ношукурлик қилиб, ўзимни азроил оғзига қопқоқ қилган эканман! Мана оқибат! Эй, аттанг! Ҳа, нодон бола! Ҳа, яхшиликни билмаган ношукур банда! Гилос деб чўғ чанглаб юрибсан-а!!»

Тешабойнинг кўзига ёш қалқди. Узоқ «ух» тортиб, шу бир-икки ҳафта ичи оппоқ оқариб кетган соқолини тутамлаб силади. У ҳам куйиб, ҳам газабланарди!

Тешабой шу ётганича чиллаки ожир бўлиб, ҳусайнинг таъм кирганда бошини кўтарди. Эмаклаб боққа чиқди...

Лекин барибир асли ҳолига қайтиб келмади. Унар-унниса кўзи ёшланиб, салга чарчайдиган бўлиб қолди.

— Асо тутинг, Тешабой, белга дармон бўлади! —
дэйишди ёши улууроқлар.

У асо тутди.

Бироқ асо белига қувват бўлмади!

14

САМОЛЁТ КАШФ ЭТИЛГАНДА ТУГИЛГАН ОДАМ

Умматали хотинининг ёмон йўлга кириб кетишини олдиндан билгандек уйга совуқконлик билан келгани яхши бўлган экан. Бўлмаса, худо кўрсатмасин... Қайси әркак хотинининг ўйнаши устидан чиқиб қолади-ю, тўс-тўполнонсиз: «Бетинг қурсин, чўл қурбақа!» деганича қайтиб кетади! Бу журъатига Умматалининг ўзи ҳам анча вақт қойил қолиб юрди!

Хотинининг бу бевафолиги Умматалига қанча алам қилмасин, унинг қанча уйқусини қочирмасин, ўша кечаси Аъзамларникида ётиб қолганидан кейин уйи томонга ўтмади. Қимматхон ҳам думини кесган одамдан қочган лайчадай у юриши мумкин бўлган кўчадан четлаб ўтади.

Умматали ўша куни эрталаб Аъзамларникидан тўғри Қишлоқ хўжалик вазирлигига чиқиб борди. Ўзининг келганлигини маълум қилиб, иш сўради.

— Ўша ўз совхозимга! — деди. Умматалига алам ўтган ери бор: модомики, ўша ерда «аллаким»нинг меъдасига ботмай, ёмонга чиққан экан, ўша ерда ишлаб ўзини кўрсатмоқчи. Тили ёки қўли билан бўлмаса ҳам ана ўша «аллаким»дан ўч олмоқчи. Қанақа қилиб ўч олишни камерада ёлғиз ўтирганда роса режасини тузган. Агар шу режасини рўёбга

чиқара олса, марра уники. Ҳеч қандай «аллаким» унинг мушугини «пишт» деёлмайди.

Лекин вазирликдагилар унинг илтимосини инобатта олишмади. Ўзини яқин тутган раҳбарлардан бири уни бир четга чақириб олди.

— Менга қаранг, Умматали, айбингиз бекор бўлгани билан, амалидан бекор бўлмаганлар бор. Улар сизнинг йўлингиздаги тошни «эҳ нима қилиб ётибди бу» деб олиб ташлаша қолмайди. Балки янада кўндалангроқ қилиб қўйишлари мумкин. Тарки одат амри маҳол деган гап бор. Ёшлик қилиб «Совхозим! Совхозим!» деяверманг. У ерда нима қиласиз? Ўч оладиган одамингиз борми?

Умматали очигига кўчди: — Бир ишлаб...

— Ҳамма ерда ҳам ишласа бўлади. Чўғдек ерда йилтиллаб ётмасдан, юлдуз бўлиб осмонга чиқсангиз барча кўради. Ўша сиз ўзингизни кўрсатмоқчи бўлган рақибингиз ҳам кўради. Яхшиси, тузук бир совхозга тавсия этайлик. «Хўп!» денгу, жўнаб кетинг. Майда гап кўпаймасин.

Умматали ажабланди, ҳайрат кўзларини суҳбатдошига қадади:

— Яна қанақа гап бўлиши мумкин?

— Ҳали ҳам соддасиз...

Лекин суҳбатдоши унинг соддалиги нимадан иборат эканини изоҳлаб ўтирмади. Балки, лозим топмади. Қулдонга папиросининг кулини қоқар экан:

— Келишдиқми? — деди. Унинг кўзларида «ўлқонга ўзингни ташлаб нима қиласан! У совхозда жўжанг товуқ бўлмайди. Менинг гапимга киравер. Мен сенга ёмонлик кўзлаётганим йўқ. Тезроқ қаддингни ростлаб оласан. Кеча қамоқдан келасан-у, бугун орқангни силайдиган ҳамма ерда топила қоладими? Рози бўлавер!» деган самимият порлаб турарди.

Умматали унинг кўзларидан бу маънони ўқий билмаган бўлса ҳам, кўнглини олиб, яхши гапириб турган одамнинг зидига боришни ўзига эп кўрмади. Юраги узил-кесил чопмаса-да:

— Майли! — деди оҳиста:

— Мана бу бошқа гап. Ўғил бола деган мана бундай бўлади! — сұхбатдошининг чеҳраси очилди. Папиросини узун бир тортиб, юз-кўзларини тутунга кўмди. Ҳалқа бўлиб юқорига кўтарилаётган тутунга қўли билан йўл чизиб, қўшиб қўйди, — шуни эсдан чиқармангки, дўстим, ҳамма кўча асфальтланган эмас, киши қоқиладиганлари ҳам бор. Кўзингизга қараб юринг. Сизни тўғри йўлдан тойдиргандар осонлик билан жон бериб, «хато қилган эканман» демайди. Иложини топса, ҳали ҳам ўзининг «ҳақлигини» исботлайди.

Умматали ичида «наҳотки...» деди-ю, тили билан ўз фикрини билдиришга журъат этмади: бу одам билмасдан бир нарса демайди. Минг қилганда ҳам юқори-да, узоқ-узоқлар унга кўринади.

Сұхбатдоши папиросини кулдонда эзиб ўчириб, ўрнидан турди. Умматалининг қўлини олди.

— Ҳаво энди тозаланяпти, дўстим! — деди ва икки кундан кейин хабар олишини маслаҳат кўрди. Икки кун ўткизиб келганда унинг кабинетида эллик ёшлар атрофидаги тўладан келган, калта бўйин, тепакал бошини устарада қирдирган, қалин кўзойнакли рангпаргина бир одам ўтирад эди. Раҳбар Умматалига кўришгани қўлини чўзар экан:

— Танишинг, сиз борадиган боғдорчилик совхозининг директори ўртоқ Азимхўжаев Алихўжа Сайдович, — деди.

«Бунча дабдаба қилмасанг!» дегандек Азимхўжаев мийигида кулди ва Умматалининг қўлини қаттиқ сиқди. Унинг қарашида, «Ҳа, сенмидинг, боядан бери дўстим таърифингни қилиб ўтирган лочин. Мен сенга ўхшаган тўпори ишчиларни яхши

кўраман. Хотиржам бўл, менда қоқилмайсан», деган ифода бор эди.

— Яхши, — деди Азимхўжаев узун сухбатга қисқа якун ясагандек раҳбар дўстига, — бошқа ганингиз бўлмаса биз кетдик.

Раҳбар ўрнидан туриб:

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, — деди Умматалига оқ йўл тилаб, хайрлашар экан, қўлини қўйиб юбормай туриб. — Бу кишининг этагини маҳкам тутинг. Калхатга олдирмайди. Ҳо, айтгандай... шахмат ўйнайсизми?

— Ҳа.

— Домино-чи?

— Унча-мунча.

— Унда жуда топишибисизлар!

Бу савол-жавоб Азимхўжаевга жуда кор қилди шекилли кулиб юборди. Бунинг сабаби бор эди, албатта. У шахмат ўйнаб зерикмайдиган, доминога суяги йўқлардан эди. Кабинетида шахмат сақлаб, машинасида домино олиб юради. Бўш қолди совхоз клубига кириб, то кетма-кет бир неча марта қолгучина ёки қорни очиб, ҳолдан толгунча терлаб-пичиб ўйнайди, қирилган тепакал боши тердан йилтиллаб кетади. Лекин ишқибозлигига яраша уқуви ҳам бор: унча-бунчадан қолмайди. Тез юради. Узоқ ўйлайдиган билан юрганини қайтиб оладиганни ёмон кўради. «Деворнинг тагида қоляпсанми, қани юр!» деб ғашига тегади. У туфайли совхознинг ярми шахматчи! Энг авж олган тўгарак ҳам шу. Доминони-ку совхозда у расм қилди. Совхозга директор бўлиб тайинланган қуниёқ ўзи билан иккита домино олиб келди. Бундоқ қараса, дардкаш йўқ. Дарров бир-иккита ишқибозни ишга солди. Бу ёғи ўзи болалаб кетди. Лекин барибир, доминода унга тенг келадигани кам.

— Хилватда бир-бирингнинг пайингни қирқкандан, ошкор мана буни ўйна. Газета ўқи, радио

тингла, — деди у. Бу билан «мен келгунча бўлган тарафкашликларинг энди кетмайди» демоқчи эди. Ўзи эса, майда гапни ёмон кўрадиган, юрагида кири йўқ очиқ одам. Ҳазил-мутойибага мойил. Баъзан энг қийин ишларни ҳам қизиқчилик билан биткизисб кетади. У ана шу ширин сўз ва очиқлиги билан ютди. Оёғига ел тушган отдек оқсаб қолган совхозни ҳадемай оёққа қўйди. Бугун илғорлар саналса, букилган бармоқлар ҳисобига киради. Ўзи ҳам тунни тун, кунни кун демай ишлайди. Бўлимма-бўлим юргани-юрган. Ҳар масалани ўша ернинг ўзида шартта ҳал қилиб кетаверади. Унар-унмасга одам тўплашни иқи севмайди. Дуч келган ерда жиндай овқат қилиб, бир жуфт шахмат ёки домино билан ҳордигини чиқаради, шунда ҳам баъзан иш юзасидан гаплашаверади. Ҳар совхоз ишчисининг тўйида маслаҳатдоши бўлгандай азасида ҳам у ҳозир-нозир. Каттадир-кичикдир кўтаришиб мозорга боради.

— Бизнинг директоримиз асил чиқди, — деб бирортаси ҳазил аралаш хушомад билан оёғи остига ғишт қўймоқчи бўлса, дарров буриб кетади:

— Асил бўлганда қандоқ! Бу ёғим Опоқхўжага, у ёғи Туркистон бувага бориб тақалади, Саноий шажараси аниқ, ҳатто сурати бор хўжаларданман.

Шу билан хушомадгўй ўлади. У уч нарсани ўлгудай ёмон кўради: ёлғончилик, дангасалик, хушомад? «Умр доно учун жуда қисқа, танбал учун керагидан ортиқ узун! Одам бўлсанг шу қисқасини танла!» деб матал ўқийди.

У совхозга келганда, «Сояга ўт, деса, соянинг ўзи келсин!» дейдиган кишилар ўртасида «Обер-танбал» лақабини олган биттаси бор эди. Шу вақтгача ҳеч ким уни ишга сололмас эди. Нима қилди-ю, шуни Азимхўжаев ўмровидан олди, зағча боласидай қўлига қўндириди. Сал ўтмасдан у: «Фалон ишни бундоқ қилсак, қандоқ бўларкин, биродарлар?» деб

йидиган бўлиб қолди. Буни кўрган бир доно кекса: «Абутанбалники (у «обер» сўзининг маъносига тушунмасди) директор ўз пашшасини ўзи қўрийдигаи қилибди, совхознинг ягринига офтоб тушадиган бўлгани шу!» – деди.

Хайрлашаётиб Умматалига «Бу кишининг этагини маҳкам тутинг!» деган раҳбар Азимхўжаевнинг ана шу ишларидан хабардор эди. Уни трестга кўтаришмоқчи бўлишганда: «Қўйинглар, совхозга ҳам шунаقا Афлотун керак», деб розилик бермади. Азимхўжаев эшитиб, кўнгли олинмасин деган андиша билан унинг ўзини андавалаб қўйди: «Авваламбор, сиз далабогисиз. Онангиз саратонда ўрикнинг тагида туқсан. Қолаверса, шаҳарда шахмат билан доминони соғиниб қоласиз. Ёки сиз ҳам соат беш бўлди, уйга чопиб, янгам билан ўйнайдиган қиласизми?

...Улар кўчага чиқди. Шофёр машинаси ёнида чўп синдириб ўтиради, Азимхўжаевни кўриши билан қўлидаги чўпни улоқтирди.

– Яна эски қилигингга кўчибсан-да! – деди Азимхўжаев «Газ» машинасига ўтираётиб.

Шофёр Нортойнинг чўп синдириш одати бор. Буни Азимхўжаев ёмон кўради. «Машинага битта китоб солиб қўй, бўш қолсанг эрмак қиласан. Лекин бу девона қилигингни қўй!» деб дакки бергани-берган. Тарки одат амри маҳол, дегандек...

Машина еридан қўзғалгач, Азимхўжаев шофёрга юзланди:

- Яна нима ишимиз қолди?
- Туфлини олсангиз, тамом.
- Яхши эсга солдинг. Ўшоққа ҳайда! – кейин у Умматалига қаради, – тўғри чиқиб кетаверамизми? Ёки сизнинг бирор ишингиз борми?
- Ишим йўқ... яна тушарман. Шаҳарга машина бўлиб турар.
- Албатта. Бола-чақа борми?

- Бор, — деди Умматали. Достонини бошлагиси келмади.
- Кўчириб чиқасизми?
- Йўқ.
- Нега? Шаҳарбопми? — фаши келгандек сўради директор.
- Шаҳар эмас, қишлоққа ҳам мос эмас.
- Тушунмадим.
- Умматали кулгига олди:
- Шунақа: тұяқуш. Тұя бўлиб туяmas, қуш бўлиб қуш эмас.
- Кўшмижоз денг!
- Шундай.
- Азимхўжаев ўзини зўрлаб кулаётган суҳбатдошнинг юрагида анча-мунча дарду ҳасратлари борлигига фаҳми етиб, әлбурутдан унинг достонини варақламай қўя қолди. Кишининг оиласвий ҳаётида нималар бўлмайди!
- У боя Умматалининг шахсий делоси билан танишиб чиққан эди. Гарчанд, унда кўзга илинадиган бирор ишқал нарса пайқамаган бўлса ҳам, ҳозир унинг гўшти қочган рангпар юзларига, бевақт оқара бошлаган чакка соchlарига қараб ўтириб, анча нарсани англаган бўлди. Мойли чеълак сиртидан маълум дегандек унинг дарду ҳасрати, орзу армони, ноҳақ әзилган ёш қалби хомуш кўзларида кўзгудек акс этиб турарди. Бу кўзларнинг тубида қанча-қанча бевақт топталган орзунинг аламлари, ноҳақлик тухматининг асло эсдан чиқмас изтироблари, ҳақиқатни айтиб, тушунтиrolмаган онларининг қийиноқлари харсанг тош бўлиб чўкиб ётибди, шу билан бирга дунёда фалокат, даҳшат, балолар нақадар кучли бўлмасин ҳаёт ишқи ундан минг бор қудратлироқ бўлганидек, бу кўзларда яшаш ва яшартиш завқи, ҳақиқат ва истиқболга ишонч кучи, ёрқин уфқларга интилиш иштиёқи, шу ишонч ва иштиёқ билан меҳнат қилиш завқи битмас-ту-

танимас нур манбаидек магрур чақнаб турибди. Бу күзларга ишонган, бу күзларга кенгликлар очиб берган ютади. Бу күзларда бундан кейин ҳасрат-алам учқунлари кўринмаслиги керак. Кўринмаслиги керак эди. Афсус, ҳаётнинг барча заҳар-закқумларига мангубарҳам беришганда дунёга келган бу күзлар аллақандай мудҳиш ўпқонларга дуч келди, унинг изтиробларини тортди, тортишга мажбур бўлди. Ана шунга сабаб бўлган одамлар ҳаёт ва тарих кўзига қандай қилиб қарайдилар, қайси тиллари билан изоҳлаб, қайси қалблари билан яшайдилар?

Азимхўжаевнинг қалбидагана шундай «Дўст бўлиб, душман ишини қилган, қанча-қанча бегуноҳ кўзлардан ёш оқизган кишиларга нисбатан нафрат-ғазаб тўфони жўшиб, уларнинг ноўрин қурбони бўлган, ҳозир ёнида уясидан олинган қуш боласидек маъсум боқиб бораётган Умматалига меҳр-шафқати уйғонди. Демак, у мана шу лаҳзадан бошлаб, бу агроном йигит билан ҳамкорликда совхоз бор-роғини яшнатишгина эмас, балки бу йигитнинг ўзини ардоқлаши, мураккаб ҳаётнинг эгри-буғри кўчаларида адашмасдан, тўғри кенг йўлига чиқиб олишида маслаҳатгўйи, етакчиси бўлиши керак. Бу йигит шундай яшаб, шундай ишлаши керакки, юрагига бевақт, беихтиёр кирган қудратлар ва изтироблардан губор қолмасин! У кунларининг бундан буён асло қайтмаслигига имони комил бўлсин. Бу имони комиллик унинг гайратига гайрат, иштиёқига иштиёқ қўшади, қадамига дадиллик бахш этади.

Азимхўжаев шуларни ўйлаб туриб, юраги сиқилгандек бўлди. Чекишини ташлаб юборганига ўқинди. Қадрдан раҳбар дўстининг бекорга бу йигитни унинг совхозига тавсия этмаганини тушунди. «Демак, у менга яна бир катта мастьулият юклабди. Қаноти қайрилган, лекин учишга молик бургут

боласини парвоз қилдириб бер!» дебди-да. Майли, ишончинг учун ташаккур, дўстим! Адолатсизлик гардларини киши қалбидан ювиб ташламоқ улуғ баҳт!»

Бу маҳал машина гавжум кўчалардан ўтиб, четроқдаги бир дўкон бўсағасида тўхтади. Улар бу ерда бугун бўлишган бўлса керак, сотувчи уларни кўриши билан бошини сал иргаб, ичкарига кириб кетди. Унга эргашиб чиққан киши, қўлида ботинка солинган қофоз қутича билан Азимхўжаевга яқинлашди:

— Кесакдан чақмоқ чиқиб, бизга бир ишингиз туштан экан, биз бўлмабмиз. Узр! Идорага чиқиб кетувдим. Марҳамат, — деди у қофоз қутини очмоқчи бўлиб. Азимхўжаев «Кераги йўқ, очманг!» деган ишорани қилди.

— Жуда далабопини қидириб қолибсиз, хўжайин?

- Қишлоқимиз-да!
- «Аттанбой-саттанбой»ларга бўлаверади денг!
- «Сарпайчанлар»га ҳам ярашади.

Иккиси баробар кулишди. Бу икки сўз улар улғайган маҳаллаларнинг лақаби бўлиб, кўришди дегунча тилга олишар, шу билан беғам болаликларини эслаштан бўлишар эди. Аслида бу маҳаллалардан ҳозир ному нишон қолмаган, аллақачон у ерда институт қад кўтарган.

Умматали уларнинг суҳбатига қулоқ солиб туриб, бу одам шоҳга ҳам, гадога ҳам баробарга ўхшайди. Кулишини қаранг: қандай беғубор! Киройи бошлиқ шунаقا бўлса! Унинг кўнглида Азимхўжаевга нисбатан илк ҳурмат ва муҳаббат уйғонди. Бу муҳаббат унинг кўнглини кўтариб, камерадан камерага кўчаётган маҳбусдек, «У ер қанақа бўларкин? Яна кимларга дуч келаман?» деб келаётган Умматалини ташвишдан халос этгандек бўлди. Қалби яйраб, кўзлари ёришди. Азимхўжаев қофоз қутини

олиб ҳаммаҳалласи «сарпайчан» билан қуюқ хайрлашди.

— Кўришиб турайлик, хўжайин, Николайнинг червонидай гойиб бўлиб кетманг.

— «Керенска»дай² бекадр бўлиб қолмай дейман, ҳадеб келаверсан.

— Хавотир олманг, олтинсиз, дўстим, олтин.

— Раҳмат! Дам олиш кунлари ўзинглар чиқиб боринглар. Дала ҳозир яхши бўлган, — деди ўз навбатида Азимхўжаев ва болалар оёқ кийими бўлимида ботинка кўраётган бўйдоқ шофёрига луқма ташлади, — кал бошингга тароқ харид қиляпсанми? Қани, кетдик!

Энди машина ҳеч қаерда тўхтамади. Шаҳарнинг қоқ ўртасидан ўтадиган трамвай изидан ёқалаб бориб, ўнга бурилди-да, салдан кейин шаҳар чизигидан чиқиб кетди. «Оқ йўл» деган катта ёзув орқада қолди. Йўл текис ва равон. Машина бир текисда елади, ҳатто шофёр папиросининг анчагина узун бўлиб қолган кули қалқиб тўкилмайди. Уфққа бигиз бўлиб қадалган йўлнинг икки ёни кўм-кўк майсазор. Ҳали баҳор нафасини ўзида сақлаб турган бу ўтлоқларга энди бошланган ёзнинг оташ ҳарорати урмаган. Йўл яқинда олиб чиқилган бўлса керак, асфалт йўл ёнидаги қатор ниҳоллар ҳали ўзини тутиб олмаган. Ана, қувалашиб келган бир тўда чумчуқлар улардан биттасига ёпирилған эди, аргимчоқ бўлиб кетди. Узоқлардаги ўрмонга ўхшаб қалин кўринган дараҳтлар бу атрофда боғлар, мевазорлар кўплигидан хабар беради.

Машина бирор соат чамаси кенг ва жуда текис катта йўлдан юргач, икки томони ғуж терак, ҳатто юксак учлари туташаман деб турган дала йўлига бурилди. Бу йўл жуда ҳам кенг эмас, худди туннелга ўхшайди. Лекин колхоз ерининг ўртасидан

² Керенский ҳукумати чиқарган, қадри йўқ сўм. Бир қути гутурт миллион сўм эди.

ўтган бу йўл кўп чўзилмади. Салдан кейин бийдай кенглик бошланди. Унинг әтагидаги тоғларда қор кўринди. Қор тоғда сидирға бўлмай, қатиқ тўкилгандай олачалпоқ.

— Шуердан-ҳаво ўзгаради, — деди Азимхўжаев яйрагандек нафас олиб. — Бу ёги тоғ ҳавоси. Саримойга ўхшайди, жонивор. Суви-чи? Суви — қимиз. Ҳа, айтгандай қимизга қалайсиз?

— Бўлса йўқ демайман, — баҳри очилиб деди Умматали. Айниқса унга бу кўз яйрайдиган кенгликлар ёқиб тушган эди. Ахир бунақа ерларни у жонидан севади. Севганидан агрономликка ўқиган. Баъзи калта ўйлаган ўртоқлари «Бошқа касб танла! Умринг қишлоқда кесак тепиб, тупроқ чангитиб ўтади!» деганда у кулиб: «Ҳа, ақлга дехқонлар! Ҳаётнинг онаси дала бўлади: тўқ едириб, оқ кийинтиради» — деб қулоқ солмаган эди. Кейинчалик унинг содда кийинганини кўрган бойваччароқлари: «Умматали қишлоққа мослашяпти», деб тилига куч берса, у ўқишга куч берди. Мана бу воқеа рўй бермаганда-ку далада яшащ қанақа бўлишини ўшатили узунларга кўрсатиб қўярди-ю... Ҳали ҳам кечэмас...

Мана, Умматали жон-жонидан севган, унинг ишқида ўқиб-ўргантан, унинг ҳаётига умрини багишлимоқчи бўлган далалар. Бу далалардан қор ҳиди келиб турган ариқлар оқади, олам-олам қушлар тонгдан шомгача, шомдан тонггача хониш қилади, ҳаёт кўркини улуғлайди, киши қалбига чексиз ҳузур-ҳаловат бахш әтувчи ранго-ранг чечаклар, минг бир номли гиёҳлар барқ уриб ётади. Баҳорда навбати билан гулга бурканган ранг-баранг мевалар олти ой ёз қуёш нурларида гарқ бўлиб, кузда шарбат тўқадилар, «Мен саломатлик гаровиман, мендан тотимаган одам армонда қолади», деб ҳусни жамолини кўз-кўз қилиб, таъзимда қадларини букиб турадилар. Тонгда қирга кетган подаларнинг

кечда маърашиб, болаларини соғиниб елиб-югуриб қайтишлари қандай гўзал! Бу ерларнинг одамлари-чи? Одамларининг баҳоси йўқ. Меҳнат нонини ширин билганлар бунда яшайди. Улар ўз табиатларига мослаб ҳаётни йилдан-йил ўзгартириб оляптилар. Табиат кўксига ўз ижод муҳрларини босиб, уни жиловлаб, қўлларига оладилар. Шаҳарликлар билмайди, аслида булбул уларнинг мадҳини қилади, юксак тоғларнинг ойна кўзли булоқлари уларни деб қайнайди, уларни деб ўнгирлардан ошиб, тошлардан қўнғироқ чалиб келади. Ҳа, бу ерларнинг гашти бир олам!

Буни жонидан севгангина қадрига етади!

Узоқ-узоқларга сукланиб тикилиб бораётган Умматалини хаёл ўз тотли оғушида эркалаб, қалбини яиратиб, кўзига ёш қалқитди. Бу соғиниш, интизорлик, муштоқлик ёши эди. Ноҳақлик ва бўхтон уни бу жозибабахш дала-қирлардан, боғу роғлардан зўрлик билан юлқиб олиб, маҳрум қилибдики, улар хаёлида яна бир ўзгача ҳусн, ўзгача латофат билан жонланарди. Уларнинг меҳри-хаёли билан яшаб, уларни кўришдан бир дам бўлсин умидини узмади. Мана энди ўша муродига етиб, унинг бағрида қалби гурс-гурс уриб, кўзларидан яшаш завқи тошиб боряпти. Мана энди ўша далалар, ўша кенгликлар, ўша боғу роғ, қорли тоғлар унинг муштоқ кўзи ўнгига мағрур ястаниб ётиби. Яна уларнинг қўйнига зўр иштиёқ, эзгу ният, янги куч-қудрат ва файрат билан қайтиб келяпти. Қандай яхши! Бу ерларда яшаш ва меҳнат қилишининг ўзга завқи, ўзга гашти, ўзга латофати бор.

Умматали кўзидан соғиниш ёшини аста артди. У қанчалик муқаддас бўлмасин кўзини хиралаштирас, кенгликларнинг кўркини яшираётганга ўхшарди. Умматали эса, бу қир-адирларга, ўрмон-сифат гуж бўлиб турган дарахтзорларга кўзини

катта очиб бокмоқчи, бутун тиниклиги билан равшан томоша қилмоқчи.

Худди шу пайт машина асфальтдан чиқиб, қиялаб пастга туша бошлади. Пастдан сувли сойнинг қўнғироқ овози келди. Салдан кейин ўзи кўринди. Тор суви ювган қайроқ тошлар кун нурида йилтиллайди. Юқорида қолган харсанг тошлар шу тиник сувларда юзини юволмаганидан ўкингандек хомуш саргайиб турибди. Улар орасидан ҳаёт иштиёқи билан ёриб чиқиб, қуёшга интилаётган ниҳолу гиёҳлар кўм-кўк. Сой шабадасидан мамнун.

Сойга қиялаб тушиб борган машина, саёз жойдан кечиб ўтиб яна юқорига кўтарила бошлади. У кўтариленг сари табиатнинг яна бошқа кўрки очилди. Сой қиялигига тизилиб ўстган кўм-кўк дарахтлар, улар орқасида, узоқларда турган ола-чалпоқ қорли тоғларга туташиб кетди, иккиси орасидаги қанча масофа йўқолиб, бир бутунлик кашф этди.

Моторига зўр келгандан машина бўғилиб юқорига кўтариленди. Яна паст-баланд кенгликлар бошланди. Узоқларда қишлоқлар кўринди. Сал юргач, Азимхўжаев Умматалига ўгирилди, қўлини машинадан чиқариб кўрсатди:

– Ҳув анави пастликнинг нарёғидан совхоз ери бошланади. Мана шу ердан бошлаб, у ёғига йўл ётқизиш керак. Жуда машинанинг заволи. Келишдик! Машина биздан, ишчи кучи улардан. Яқинда шағал таший бошлайди. Кузгача битказиб оламиз.

– Қанча келади? – қизиқди Умматали.

– Йигирма километрга яқин. Иккита кўприги ҳам бор.

– Тезроқ битказинг, хўжайин, машинанинг рессорига жуда жабр бўлиб кетди, – қувониб қўйди шофёр.

– Сенинг машинант-ку ҳеч гапмас, юк ташийдиганларга жабр: ахир шу йўлдан бу йил икки юз минг тоннадан ортиқ узум олиб ўтиши керак. Бу-

нинг ўзи бўлмайди. Ҳаммадан маҳсулотга увол: эзилади, сифати ўлади, ранги бузилади.

— Нархи тушади, — қўшди Умматали.

— Тўтри. Машиналарнинг ишдан бевақт чиқишини, меваларнинг исроф бўлишини, сифати кетиб, нархи паст урилишини ҳисобласак, юрагим эзилиб кетади! Бақрайиб туриб қанча-қанча жиноятга йўл қўяётган эканмиз. Бу ёғини ҳисобга олмасдан план тўлганига хурсанд бўлиб юраверибмиз. Баъзан ўзимиз ҳам жони ачимасдан иш тутамиз.

— Энди аниқми? — Умматалининг ҳам жони ачи-ди.

— Аниқ, сметаларни кўриб чиқдик.

— Яна чолларнинг дуосини оладиган бўлибсиз, — кулди шофёр.

— Нега «яна».

— Кирқбодомдаги кўприкни янгилаб берганин-гизда қанча хурсанд бўлишди! Бу-ку жуда зўр иш. Бечоралар бозор-ўчарини эшакда қилишмайдими, олдиdan машина ўтса юз-кўзларига қараб бўлмайди.

— Ҳа, бу томони ҳам бор экан, — ўзи бошли-ган ишидан мамнун бўлди Азимхўжаев, кейин Ум-маталига деди: — Бу ернинг одами бозорни яхши кўради, якшанба куни бир тушиб чиқмаса хумори тутади.

— Ўргантан. Бир томони сайил. Кўрмаган ёру биродарини учратади, дардлашади. — Ҳамқишлоқла-рини оқлагандек деди шофёр.

Машина қачонлардир наридан-бери шағал ётқизилиб текисланган, кейинчалик тупроққа ко-ришиб кетган йўлдан борар экан, йўл ёқасидаги новча тераклар, япасқи қайрагоч-садалар чангдан юзларига упа қўйиб олганлари, ҳатто гиёҳларнинг ранги ноаниқ тусга кириб кетгани шундоқ кўриниб турарди. Кейин бирдан бечанг йўл бошлианди.

— Чегарадан ўтдик, бу ёғи ўз мулкимиз, — деди Азимхўжаев гўё «энди бемалол нафас олаверинг, чанг йўқ» дегандек бир йўсинда. Чиндан бу ёқдан баҳор нафаси сезилиб турарди.

Азимхўжаевнинг хаёлига бир тадбир келгандай шоффёрини ўзига қаратди:

— Нортой! «Бой хотин» ҳозир нима иш қилади?

— «Худо» деб ўтирибди!

— Мана бу аканг бизга агроном бўлиб келяпти. Уйига қўйсак рози бўлармикин?

— Бўлганда қандай! Эшиги тиқ этса, бирор бекорчи дардлашгани киравмикин, деб зерикиб ўтиргани-ўтирган, яхши бўлади.

— Агрономнинг иссиқ-совуғи, кир-чиридан хабар олиб турарди. Қолаверса, бир-бирига эрмак бўлади.

«Бой хотин» ким бўлди? «Зерикиб» ўтирган ёш жувонми? Бунинг устига ёлғиз бўлса, боши ғовага қолмайдими?» Умматалининг хаёлидан шундай ташвишли ўйлар ўтар экан, юраги шингиллаб кетди. Кўнглига гулгула тушди. Кўз олдидан Қимматхон ўтди: қўлида туфлиси, ялангоёқ, кўзи бежо, сочи бетартиб, қора терга ботган совхознинг боғ кўчасидан келяпти. Ҳар учраган одамдан «Бой хотинники қайси?» деб сўрайди. Уларга ҳам ишонмай баъзи эшикларни қоқади. «Ростини айтаверинглар, барибир у манжалакини топиб оламан. Сочларини битталаб юламан», деб яниб қўяди. Ўзи эса тўғри уникига келяпти. Эшикни оёғи билан тепиб очиб: «Ҳа, покдомон, энди қўлга тушдингми? Қалайсан? Ўзинг ҳам фирром ишлар қиласкансан-ку. Энди тенг бўлдик», деб кириб келаётгандек. Умматалининг «ҳай-ҳай»ига қулоқ солмай «Бой хотин» билан юмдалашаётгандек, уни итариб чиқариб, эшикни ичидан занжирлаб олаётгандек туюлди. Юраги гуп-гуп уриб, кўзи тиниб кетди.

Унинг бу мудҳиши хаёлини Азимхўжаев сезган-дек изоҳ берди:

— «Бой хотин» деганимиз элагини тешган сичқонга ҳам озор бермайдиган яхши бир кампир. Юмшоқ, оқ кўнгил. Тўғри жаннатта тушади, дейишади.

— Жаннатта ҳам орқасидан итариб киритасиз! — кулгига олди хандон солиб Нортой.

— Шунақа соддами? — ажабланди Умматали.

— Гап-да, биродар! Эринмаганинг тўқигани!

Умматали кўнглида: «Бу директор эмас, лочин. Лочин қўнган ерда зоф нима қиласди! Қурбақа бўлиб, шамол турса сувга шўнгийдиганга кун бермайди бу! Ўзи ҳам ишлайди, бошқани ҳам ишлатади», деб қўйди.

Машина гиштин бинонинг олдида тўхтади.

Азимхўжаев шофёрига «Бой хотин»нинг олдидан ўтишни топшириб, жўнатиб юборди. Ўзи Умматали билан совхоз идораси жойлашган бир қаватли япалоқ бинога бурилди. Бирдан чопиб келаётган болани кўриб, тўхтади. Унинг йўлини тўсиб, кулганича гапга солди:

— Менга қара, ростингни айт, русмисан, ўзбекмисан?

— Рус!

— Нега бўлмаса қорасан?

— Кечаси туғилганман!

Директор уни шу жавобни эҳзитиш учунгина тўхтатган экан шекилли, папирос хумор қилганда оғзига ташлаб юрадиган нордон конфетидан иккитасини, болага тутиб, у юзидан-бу юзидан ўпиб жўнатиб юборди.

— Раҳмат, директор бува! — деганича бола яна чопиб кетди.

— Бир тракторчининг асрраган боласи. Жуда ширин, қисталоқ. Каттанинг эсига келмаган гапларни тўқиб юради. Кино қўйсан, «урушки борми!» дей-

ди. Қайси томон енгса, ўшани «бизниклар» дейди. Воқеа Африками, қаерда кетаётган бўлса ҳам унга барибир, – деди Азимхўжаев мамнун.

– Ўғил боланинг шўхи яхши! – деб қўйди Умматали. Унинг эсига ўз ўғли тушган эди. Соғингандек бўлди. «Дарров-а? Узоқлашганимга шундай бўляпман», ўзини овутди.

Азимхўжаевнинг совхозни «ўзиники» қилиб олгани учраган одамга қилаётган муомаласидан шундоқ кўриниб туарди. Бирига ҳазил билан луқма ташласа, бирини икки оғиз сўз билан кўнглини кўтаради.

Кабинети ҳам оддийгина экан. Аллақачон расмдан қолган жигарранг қўпол стол, унинг устида қопқоқлари вазмин, улкан сиёҳдонлар. Биттаси сиёҳсиз – ичи тоза. Деворнинг икки четига майда стуллар қатор тизилган. Бир бурчакда усти кулранг янасқи сейф. Стол устига ёпилган мовут ҳам бундан олдинги директордан қолган бўлса керак, тузи учган, худди тойчага ёпилган ёпингичдай ерга тегай деб турибди.

Азимхўжаев лапанглаб тўрга ўтиб борар экан, гап қотди:

– Совхознинг бош штаби шу! – кабинетининг оддийгина эканини ўзи ҳам билади шекишли, қўшиб қўйди, – қалай, маъқулми? Министрга ҳам ярашади, а?

– Яхши, – соддаликни севгувчи Умматалига ёқди. Ичиди «кишининг кийим-боши, кабинети ҳам ўзига монанд бўлади» шекилли-да, – деб кўнглидан ўтказди.

– Савлат эмас, кўргазма эмас, иш хонаси бу. Дабдабали кабинетларни кўрсам бир нарса эсимга тушади. Бизнинг маҳаллада Алимат карвон деган бор эди. Ўзи ўлгудай от-аравага ишқибоз. Топганини отига сарфлаб, зеб беради. Отим чиройли кўринсин, деб унга шунача мунчоқлар тақиб

ташлабдики, энди құяверасиз. Бундоқ қараса, 30-40 пуд юк ташиб юрган от, 25-30 пудни зўрға тортармиши. Жон-пони чиқиб кетибди. Арз қилиб кекса бир одамга борибди. Кекса от-аравани кўрибди-ю ўпкаси узилгудек бўлиб кулаверибди. «Да, ота, – дебди у ҳайрон қолиб, – нимага куласиз?» «Ҳа, ука, безакнинг ҳам эви бор-да. Чиройли қиласман деб отнинг ўзига талай юк ортиб қўйибсан-ку» дебди. «Э-ҳа» деб эси ўзига келган карвон зеб-зийнатларни олиб ташласа, оти аввалгидек юк тортиб кетибди. Сиз билмайсиз, Умматали, у вақтларда «эшак мунчоқ» деган ҳар биттаси ёнгоқдай келадиган оқ мунчоқлар бўларди, беш-олтитаси бир қадоқ...

– Кабинет эмас, иш чиройли бўлса...

– Айни кўнглимдагини топдингиз, отангизга балли, Умматали. Ўша карвонга ўхшаб қолмаслик кепрак.

Директор, энди гапим тамом, дегандек телефонни олиб керакли ерларни чақирди. Ишнинг боришини билди, йўл-йўлакай топшириқлар берди. Ҳатто биттасини жеркиб, узиб олди:

– Саксовулга ўхшаб ўн йилда бир гулламасин-да, шошмасдан ишлайверсин. Пойгода ўзиб кетгани эмас, мўмиққа олдин етиб боргани соврин олади.

У трубкани илиб, Умматалига ўгирилди:

– Бир тракторчимиз бор, манманликка қишида сувга тушиб, бод орттириб олган. Тизгинини ушлаб турмасанг фирот бўлиб кетади. Кечаси ҳам ишлайман деб, хархаша қилаётганиши. Бир кеча ишлайди-да, тун шамоли белини олиб, ҳафталаб ётади.

У яна бир неча жойга телефон қоқди. Ўзи йўқлиgidagi совхоз ҳаётидан хотиржам бўлди шекилли, кабинетидан чиқди. Қўшни хоналарга олиб кириб, Умматалини совхоз маъмуриятидаги кишилар билан таништирди, у кириши билан сокин хоналар

унинг шанғиллаган товуши билан тўлар, кулги, ҳазил жонланиб кетарди.

— Қани, юринг, — деди у эшикка чиққач, — энди бизнинг қулбага кирайлик. Зора тишга босадиган бирор нарса тайёр бўлса. Қорин ҳам пиёз пўсти бўлиб кетди. Ё сиз қази-қарта билан нонушта қилганимидингиз? Шу вақтгача қазини ҳам титифи чиқиб кетади.

— Қани, юринг? — ийманаётган Умматалини енгидан тортди, — уяляпсизми?

«Ҳалилдан овқатга кираманми?» деб тортиниб турган Умматали:

— Кирамиз, бундан буёқ шу ердамиш-ку! — деб галга солган эди, директорники тутди:

— Ие, мен сизнинг бунақа киши эканингизни билсан, ҳеч ҳам олиб келмасдим. Менга сизни тавсия этганлар ўрмонда шер, сувда наҳанг, деган эди-ку. Бугдой деб арпани орқалатиб юбориши шекилли. Бизда сеники-меники йўқ. Ҳали, чақириб борсам, ош еб турган қўлингизни артиб, ундан кейин оғриниб эшик очадиганга ўхшайсиз!

Умматали қараса, бўлмайди, гап чалғитди:

— Қачон сиз борсангиз эшигимиз ланг очик, Алихўжа Сайдович. Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин.

— «Олдин кўнглингизни очинг. Кетдик, қани, юринг!

Умматали энди унга эргашди.

Ховлиси идорадан сал нарида экан. Қўшнилариникидан ҳеч нарса билан фарқ қилмайди: чорқирра, деразаларининг ости гир айлантириб қорага бўялган, ўзи кўкиш рангда. Томи шифер, ҳатто четида пешнови ҳам йўқ. Кичкина эшикдан тўғри бинога кирилади. Унинг қаторида, анча нарида машина кирадиган дарвоза. Каттагина мевазор ҳовли, бир четида, супанинг этагида бежиримгина бетон ҳовузча. Бир томонидан сув кириб, бир томонидан чиқиб

кетади. Унга келадиган ариқнинг икки бети қатор олча. Ундан нарида бир туп улкан олма. Меваси шифил. Ҳовлининг этагида турли сабзавот: помидор, кашнич, укроп, шовул, петрушка, баркашдай ерга ўсма ҳам сочилган. Тартиб билан ўтқазилган турли-туман гуллар чаман бўлиб ётибди.

Улар эшикдан кириши билан ўрта бўй, оппоққина, истараси иссиқ, кулиб турган бир хотин очиқ юз билан қарши олди. Салом бериб сўрашгач, эрига:

— Яхши тушиб чиқдингизми? — деди.

— Ёлғиз тушиб, қўшалоқ бўлиб чиқдим, — деб кулди Азимхўжаев ва Умматалини унга таништирди.

— Жуда яхши. Ёлғиз қийналиб кетдингиз. Акука бўлиб ишлайверасизлар, — хотин Умматалига юзланди, — келинни ҳам тезроқ олиб чиқинг. Бу ернинг ҳавоси яхши. Мен ҳам ёлғизман. Ишлайдиларми?

Илк кўрган одамга нима дейишини билмай қолган Умматали:

— Олдин ўзим ўрнашиб олай-чи! — деди.

— Йўқ, галга солманг. Келинни тезроқ кўчириб чиқинг. Эр-хотин айри турса меҳри совийди.

Умматали, «унинг меҳри аллақачон музга айланниб бўлган!» деб юборишига сал қолди. Директор жонига ора кирди. У овқатни суриштирди.

— Тайёр. Сабзини босиб қўйибман. Гуручини солдим, пишади.

Хотин шу гапни айтиб, ошхона томонга ўтиб кетмоқчи бўлган эди, эри кулиб тўхтатди. Қоғоз қутидаги туфлини узатди:

— Зўрини топдим. Ўтириб кийсанг, туриб кетасан.

— Туриб кийиб, чопиб кетадиганини ола қолмаб-сиз-да!

— Янаги галга.

— Раҳмат! — деди хотини туфлини қўлига олиб, лекин очиб кўрмади. Бир четта қўйиб, ошхонага елиб кириб кетди.

Эр-хотин ўртасидаги самимий гап, ҳазил-мутойибага ҳаваси келгани Умматали: «Дунёда мана бунақа орасидан қил ўтмайдиган оиласлар ҳам бор. Бунақа уйда киши совуқ сувдан семиради, ерда ётиб пар тўшак роҳатини кўради», деди кўнглида. «Худо урганда мени икки қўллаб урган экан: на ишга ёлчидим, на хотинга! Лекин «Бахтим олдинда. Муродга қасд қилиб яшаган етади. Ноумид бўлма», деган ички бир нидо қалбидан садо бериб чиқди-ю, нима учундир кўз олдига Нафиса келди. У хомуш бошини эгиб қаршисида турарди.

Унинг хаёlinи яна директор хотини бўлди. У ичкаридан иккита сочиқ олиб чиқиб, шилдираб оқаётган ариқ бўйидаги олчанинг шохига илди. Унинг анчага бориб қолган бўлишига қарамай ҳали тетик ва ёш кўринишини эрига йўйди. Чавандоз отини, яхши эр хотинини қаритмайди деганлари шу.

Улар ювениб, артингунча Нортой ҳам етиб келди. У ювинган, таранганд. Ҳўл сочи ёмғирдан кейинги япроқдай йилтиллаб турибди. Кўйлагини ҳам алмаштиришга улгурган. Директорнинг олдига оппоқ тишларини кўрсатиб, кулиб, ҳарбийларча дадил қадамлар билан юриб келди-да, шарт-шарт гапира бошлиди, гўё рапорт берди:

— Хўжайин! Буйруғингиз бажарилди. «Бой хотин» рози. «Жоним билан хизматларини қиласман!» деди. Мен чиқиб келаётганда супурги олиб, уйга кириб кетаётган эди, ҳозир саранжому саришта қилиб қўйгандир!

— Яша! Сен бору мен бор-да, — деди Азимхўжаев юмшоқ сочиқ билан гўштдор бўйинни, сержун кўжсини арта туриб. Бирдан Нортойнинг кўзига кўзи тушиб қолди. — Ҳе, ўла, жиндай симирибсан-а!

— Худди шундай! Етмиш беш километр у ёққа, яна шунча бу ёққа, бунинг ўртасида шаҳарда жон ҳовучлаб беш-ён километр юришнинг ўзи бўладими, хўжайин. Ҳордикни шунақа қилиб чиқармасак бўлмайди. Ё бугун иш бормиди?

— Йўқ, Нима қилиб хода ютгандек типпа-тиқ турибсан, ўтири, ҳозир овқат қиласиз. — Азимхўжаев шофёрига унинг изоҳидан кейин раҳми келган бўлса ҳам, барибир, ичганига рози бўлмади.

— Ҳозир овқатландим.

— Сени ҳеч ким оч деягани йўқ, ўтири!

Бундан кейинги важ ортиқча эканини билган Нортой индамасдан Умматалининг ёнидаги стулга оғир чўқди.

Ювиниб-тараниб арчилиган тухумдек бўлиб олган Азимхўжаев ҳозиргина хотини жой қилган ҳозвуз бўйига ўтар экан:

— Умматали, қани келинг, овқат пишгунча ақлни жиндай гимнастика қилиб олайлик, — деди.

Умматали: «Ҳали менга ичириб, шарманда қилмаса эди. Тузуккина ишқибоз бўлсам гўрга эди», деб турган эди, Азимхўжаев Нортойга шахматни олиб чиқишини буюрди. «Хайрият! Шахматни айтиётган экан!» деган Умматали Нортойнинг орқасидан уйга кирди. Шахматни унинг қўлидан олаётуб аста сўради:

— Шунақа ишқибозми?

— Бўлганда қандай! Икки киши бўлса, бири билан ўйнаб, бирининг этагидан ушлаб туради.

«Менга тоза худо берибди: қолдиравериб энка-тенкамни қуритаркан!» деган Умматали доналарни терар экан, Азимхўжаев огоҳлантириди:

— Шарти шу: тез юриш!

— Салмоқироқман-ку, — қизарди Умматали. Гапга Нортой аралашибди:

— Унда хўжайинбоп эмас экансиз. Бу кишининг юраги пишиб кетади.

— Атом асрида қанақа қилиб секин ўйнаб бўлади. Секин ўйнаш қолоқлик, — у дона сурди. Ўйин бошланди...

Умматали Азимхўжаев шахматни тез ўйнайди, деса, овқатни ҳам ундан секин емас экан! Жадал иши қолиб кетаётган устадек шошиб еганидан бўлса керак, бирпасда қирилган боши, кенг пешанаси, гўштдор бўйини тер босди. Шошиб овқат еганидек, дарров қўлини ҳам артди. Бу одати ўзига маълум шекилли, қўлини артмоқчи бўлган Умматалидан сочиқни тортиб олди.

— Сиз менга қараманг, олаверинг. Мен самолёт каашф этилган йили туғилганман. Хотини уни қувватлади:

— Бу кишининг одати шунаقا: кулча пишгунча нон куйиб туради. Сиз бу кишига қараманг, олаверинг. Бу кишига қараб қўл артган оч қолади. Қани, Нортой, аканг билан олиш.

Умматали умрида бунақа юз бир хислатли одами энди кўриши эди.

Эртаси у, табиатига ўтириб қолган бу одам билан маслаҳатлашиб, унинг юзини ерга қаратмаслик ниятида ишга астойдил киришди.

Бунинг устига ўзи ҳам ишни тоза соғинган эди.

15

ҚЎРҚОҚ ХОИНГА АЙЛАНДИ

Аъзам Симонани кўзи тиниб, иссиқ қучогига босганича беш-ўн кун майшатдан боши чиқмади. Кейин бирдан Симона йўқ бўлиб қолди. Бир куни майор кириб келди. Ёнида яна бир одам. Майор ҳар галгидек қалбакинамо табассум билан унинг ҳол-аҳволини сўрамади. Қуруққина кўришиб, уни бир хонага таклиф этди. Ўтириб, икки тирсагини столга қўйди-да, кўзини Аъзамга тикди. Бу тики-

лишда: «Биз сени астар-аврангтча текшириб бўлдик. Энди сенга ватанинг эмас, сичқон ҳам ўз уясидан жой бермайди. Сен энди кафтимиздаги данаксан: истасак экиб кўкартирамиз, истасак чақиб, магзингни талқон қилиб еймиз», деган маъно бор эди.

— Қани, энди иш бошлайлик, — деди майор. Қандай иш ҳақида гап бораётганини тўла тасаввур қилолмаса ҳам, бу майшатлар бекорга эмаслигига фаҳми етган Аъзамнинг «Марҳамат!» дейишидан бошқа иложи йўқ эди. У шундай деди. Бу бетўхтов саволдан чеҳраси сал ёришган майор:

— Жуда яхши, биз ҳам тайёр! — деб кулди.

Шу дақиқадан бошлаб Аъзам аввал ватанини тарқ әтиб, муҳожир ҳисобланган бўлса, энди хоинлик йўлига кирди, тўғриси, уни шу йўлга киритиб олдилар. У разведканинг бутун саволларига қўлга тушган қўрқоқ ўғридек шоша-пиша жавоб берарди. Унинг дастидан касбига доир на бирор объект ва унинг характери, на ўзи билган заводлар ва унинг маҳсулоти, кўлами, на аэродромлар ва уларнинг хили, аҳволи, на маҳсус ўқув юртлари ва улардаги машгулотнинг олиб борилиши қолди. Ҳаммасини билганича сайраб берди, ўз билганича таҳлил қилди. Ҳар бир маълумотни баён қиласар экан, гўшт ташлаган кишининг қўлига термилиб, думини ли-киллатган лайчадек сұхбатдошларининг хатти-ҳаракатини кузатар, сўзининг қанчалик маъқул бўлган-бўлмаганини кўзларидан уқиб олмоқчи бўларди. Пихини ёрган майор эса, «фақат шуми? Бу бизга етарли эмас, бисотингдагини чиқаравер, ба-рибир ковлаб топиб оламиз. Сен кўп нарсани била-сан, билишинг керак», дегандек баъзан норозинамо қовоғини солар, баъзан писанд қилмаётган кишидек бепарво сигарета тутатар, кулини ўйин қилиб чертиб туширади. Унга сари Аъзамнинг юраги пўкиллаб, «Бу қандай бўлди? Наҳотки, ёлғон-яшиқ гапиришим керак» деб, кўзи жавдиради. Гарчанд,

унинг жавдирашлари майор ва унинг шеригига айни муддао бўлса-да, улар сир бермасди. Улар шундай тажрибали иш олиб бораардики, бир неча кун ичидаган имга қаноат қилишмаса нима қиламан» деганингма босган, бу ваҳима иштаҳасини бўғиб, уйқусини қочирган эди. Ваҳимаси тўгри чиқди. Суҳбатининг охирги куни яна бошқа бир одам билан келган майор, уни сенсираб, ўдағайлади:

— Берган маълумотинг бир кунлик овқатингга арзимайди. Бу нима найранг! Биламиз, сени қайси мақсад билан бошпана қидирганингни. Бу — найранг! Сен атайин ёвуз ният билан қолгансан!

Аъзамнинг жон-пони чиқиб кетди. Кўз олди қоронфилашиб, ичига муз тўлгандек бўлди.

— Йўқ, ёмон ниятим йўқ! Ўзим қочдим! Сизлардан паноҳ қидириб қочдим. Худо урсин, ёлғон бўлса! — деди у жон ҳолатда.

— Сизда худо борми! — деди янги келган киши, — сиз худони яримта араққа алмашасиз.

— Йўқ, худога ишонаман, ҳар нарса денг, ишонамиз. — У дудуқланиб, «Ло илόҳа иллолло» деди.

— Йўқ, ёлғон гапирияпсан! Қандай ният билан қолганингни яхши биламиз. Айт тўгрисини.

— Ахир мен...

Аъзам у ёгини айтгунча бўлмай, майор столга мушти билан тарсиллатиб уриб, ўрнидан турди. Столни айланиб, шиддат билан унинг ёнига ўтди. Чаққон бир ҳаракат билан энгагидан кўтариб, ўзига қаратди. Унинг кўзларида Аъзам шу вактгача кўрмаган бир ваҳшийлик бор эди:

— Кимни лақиллатяпсан, кимни?

Аъзам тахта бўлиб қотди, бетида қон қолмади. Бу гаплар ўнгига бўлаётганига ишонмади. Чиройли кўзлари хунук пирпираб, танглайигача музлаб кетди. Тили ғўлдираб, нима дейишини билмасди. Унга сари майор авжига чиқарди:

— Айт, қандай ёвуз ният билан қолдинг? Нима ишлар қылмоқчи әдінг?

— Ҳеч қанақа... Ҳеч ким... — ҳамон дудуқланарди Аъзам. Баданини босған муздай тердан ёқаси бўйнига чип-чип ёпишар әди. Энди нима қилди? Нима деса, булар ишонади-ю, тухматдан у қутулади? Ишонтиrolмаса-чи? Наҳотки, жосус, деб отиб ташлашса!

Аъзамнинг кўз олдига кинода кўрган, ўқиган китобларидағи қўлга тушган жосусларнинг тақдиди келди. Бундоқ ўйласа, ҳаммасининг бошига ит куни тушган, кейин отиб ташланган, ҳатто осилганлари ҳам бор. Унинг шу кунгача бўлган, юрса йўлида, ухласа тушида эркалаган ширин орзу-ўйлари эрта ёзга қолган юпқа қордек бир зумда эриб йўқолди. Ўрнини бевақт, даҳшатли ўлимнинг хунук кўланкаси эгаллади. Эгаллади-ю, хўрлиги келди. Иссиқ ўрнини совутиб, она юртини тарк этганидан, тош отмаганга тош отиб, хотини, қизига тухматлар ёфдирганидан, Жемснинг сўзларига учганидан, унга ҳаваси келганидан, унинг ҳаётини орзу қилганидан минг-минг пушаймон этди. Шу лаҳзада она ўлканнинг тупроғини ялаб, тавбасига таяниб, узр сўрашга рози әди-ю, қаршисида қовоғидан қор ёғиб, эркини боғлаб ўтирганлар чангалидан чиқиб кетиш қанчалик мушкул бўлса, асли ҳолига қайтиши ҳам шунчалик даргумон әди. Ахир санамай саккиз деб, шу қисқа вақт ичидагиз озмунча бемаъни гаплар қилдими?!

У икки ўт ўртасида әди. Бир ўт — ортига қайтиш, ҳаёлидан йироқ бўлгани учун, ўзини иккинчи ўтга уришга, ундан шафқат сўрашга мажбур әди. Лекин бу қаршисида ўтирганлар турқида раҳм-шафқат у ёқда турсин, инсонлик учқунлари ҳам кўринмас әди. Ё унга шундай кўриняптими? Уларнинг кўнглини юмшатиш учун Аъзам нималардир

деб дудуқланди. Уларда эса, жиндей ўзгариш күрмади. Аксинча майор янада ўдағайлаң кетди.

— Қани, бўл! Нимани кутяпсан? Пешанангга тўтпонча тираганда жавоб берасанми?

— Нимани айтаман...

— Ниятларингни! Учрашадиган одамингнинг номи нима? Қаерда туради? Парол нима?

Аъзам ҳайратдан елкасини қисган эди, майор тарсиллатиб елкасига солди:

— Елканг жойида турсин! Тилинг билан жавоб бер.

Аъзам яна дудуқланди:

— Ҳеч...

— Қачонгача шу жавобни қиласан?

Гапга майорнинг ҳамроҳи аралашди.

— Қани, айт-чи, Симонага нима дединг?

— Қайси Симонага?

— Нечта Симонани танийсан?

— Ўша муаллимами?

— Ҳа, ўша ўйнашингга. Иссиқ қучогида эриб турганингда нима дединг?

Аъзам учун бу яна кутилмаган гап эди. Бирдан хаёли Симона билан кўришган чоғларга кўчди. Гапирган галларини бир-бир эслашга тиришди, шу лаҳзада ҳаммасини хотирлаш қанчалик қийин бўлмасин ҳаракат қилди. Бирор шубҳа туғдирадиган нарса топмади. Ё кайфи ошган пайтда алжиб қўйдимикин? Ундоқ деса, Симона билан унақа эс йўқотар бўлиб ичишгани йўқ. Тўғри, бир марта сал ҳушини йўқотган эди, шунда бирор гап ўтган эканми? Борди-ю, ўтган бўлса, наҳотки Симона оқизмай-томизмай еткизди. Йўқ, Симона буни қилмайди. Қилиши мумкин эмас! Нега энди? Нима, Аъзамнинг унга ўтқазиб қўйгани борми! Барибир у ҳам шу майор қўйган одам-да!

Аъзамнинг хаёлига келган Симона шу лаҳза кўзига чўлқурбақадек хунук кўриниб, нафратини

қўзғатди. Асли у билан шу ишни бошламаса бўлар экан. Ёқон бўлса хотин зотидан тили куяди. У ёқда Нафиса партбюорога чақиртириб, не кунларни бошига солган эди. Уники ҳам ҳолва экан. Мана бунисиники ёмон бўлди. Бунивидан қон ҳиди кела-ди. Йўқ, Аъзам доим тилига маҳкам эди. Симонага ҳеч нарса демаган. Булар ўзи тўқиятти. Шу ишонч билан:

— Ҳеч нарса деганим йўқ, — деди.

— Эҳтимол, қучоfiga ҳам кирганим йўқ дерсан?

Аъзам бошини қуий туширди.

— Хуш ёқиб тургандан оғзингдан чиқиб кетгандир, яхшилаб ўйла.

Аъзам бошини сал кўтариб, ёнига силкиди.

— Қизиқмисиз, полковник! — деди майор тутақиб, — буларнинг тилини калтак чиқаради. Икки оғиз са-волга булбул бўлиб сайрайдигани бу ёққа ўтадими! Шунақа пишиқки, минг градус иссиқда эриб, Си-бириъ совугида ҳам қотмайди. Анавиларнинг ихти-ёрига топширамиз, икки-уч кундан кейин ўзи қофоз сўраб ёзиб беради.

«Анавилари» ким бўлди? — Аъзамнинг бошига чақин тегди. Бу куни ҳам бир нав шекилли. Наҳотки, кинода кўрганлариdek оғзи-бурни қоп-қора қонга беланиб, тили оғзига сигмай цемент полда ётади. Унинг эти жимиirlаб, шу ўтириши ҳам гани-мат кўринди. Ҳарна қилса ҳам олдини олгани яхши лекин, нима деб ўзини оқлашни билмай, фарёд уриб, «Мен жосус әмасман!!» деганича майорнинг оёғи остига ташланди. У оёғини силтаб тортиб ол-ган эди, шеригининг илигини қучоқлади. У силта-маса-да: «Бетинг қурсин, нари тур, шимимни ифлос қилма», дегандек ўрнидан туриб, уйнинг нариги бурчагига кетди. Аъзам гоҳ унга, гоҳ бунга оёғини арава босиб, судралиб қолган оч итдек боқарди, у шу лаҳзада товуқ бўлиб гўнг титишга, чўчқа бўлиб

балчиққа ағанашга рози эди. Лекин буни ҳам қаршисида турганлар унга раво күрмөқчи эмас эди.

Аъзам «мени бу ёққа ажал қувиб келган экан» деб пушаймонига таяниб турганда эшик бирдан тарсиллаб очилиб, иккита бәрзангидай йигит кириб келди. Улар майорнинг ишораси билан Аъзамнинг қўлига йилтиллаб турган наручник солди. Биттаси «юр!» имосини қилди. Аъзам тиззалиридан дармон қуриб, зўрга ўрнидан турди. Йигитларнинг уни муқкалаб кетишига кўзи етди шекилли иккиси икки қўлтиғидан қўлтиқлаб олди.

Аъзам оstonадан ҳатлаш олдида ёшли кўзини «шафқат қилинг!» дегандек майорга бурди. У парво қилмай, галстугини тузатарди.

Аъзам шу олиб чиқиб кетилганича ери, деворлари цемент, дераза ўрнида кичкинагина туйнуги бор каталакда бир ҳафта ётди. Шиптири ҳиди келиб турган бу хонанинг асли нима бўлганини шунча ўйлаб у тополмади. Қамоқ камераси деса, бу яқинда одам яшаганлик белгиси йўқ. Жилла бўлмаганда, каравотми, тўмбочками туради. Молхона деса, мол зўрга сиғади. Наҳотки, молни шунақа нур тушмас, тор каталакда боқицса! Парранда ўлса турмайди. Унга нима бўлди? Ёки жосусликда айблангандар шунақа бақирса товуш ташқарига чиқмас цемент ҳужрада олиб турилиб, кейин йўқотиб қўя қолинадими? Отиб ташланадиган одамнинг қаерда туришининг нима аҳамияти бор? Демак, менинг ишим адойи тамом бўлди. Мени худо уриб, ажал қувиб келган экан. Аҳмоқ бўлмасам, шу кунларга тушармидим!! Қўп қатори уй-жойим, бола-чақам бор эди. Бирор мени бошинг кал, бурнинг пучуқ, деб пешанамга чертаётгани йўқ эди. Бир одамча топиб-тутиб, бир одамча кириб-чиқиб юрган эдим. Катта бўлмаса кичикроқ еб, юмшоқ ётиб, енгил туриб куним ўтаётган эди. Ким сени йўлдан оздириб, васвасага солди? Кимга, қайси доноға маслаҳат солдингки,

шу йўлни кўрсатди? Жемсми? Жемснинг падарига минг лаънат! Қаёқдан ҳам ўша зулукка ўхшаган совуқни учратдим?! Гап-сўзига ишондим? Нима, у менинг икки туфишиб, бир қолганиммиди? Вақиллади қўйди-да, нега мен ишонишм керак эди?! Ҳа, хўп, сени қадр-қиммат қилмабдилар, сендан ке-йингилар олдингта ўтиб, сен кейинда қолибсан, улар том бошидаги лолақизгалдоқдек кўзга ташланиб, сен гунафшадай панада қолиб кетибсан, шуми ала-минг, гинанг? Шундан кўнглинг олинганми? Шунга коса отиб, лаган синдириш керакмиди? Яна нима? Хотинингдан кўнглинг тўлмаганими? Нимасидан? Бир хотинча ҳусни, ақли-фаросати бор. Айби сен унинг қўйинини пуч ёнгоқча тўлдириб, эшагинг лойдан ўтгандан кейин секингнина ташлаб кетмоқчи бўлганингда этагингдан маҳкам ушлаб қолганими? Нима, номусини барбод бериб, фарёд уриб қолиши керакмиди? Шунда кўнглинг тўлармиди? Ёки ундан яхшироғи бор эди-ю, уйланолмай қолдингми? Барibir шундан аълосини топиш гумон эди. -Яна нима? Шу! Шу бўлса қозикда турмас нарсаларга аччиқ қилиб, аллакимлардан ўпкалаб, топтан еринг шу бўлдими! Бу ёғи-чи? Бу ёғига нима дейсан! Қутурган итдек беному нишон йўқолиб кетаверасанми? Сенинг бу ердалигингни ким билади-ю, ким хабар олади? Сени севиб ардоқлаганларнинг баща-расига ўзинг оёқ тирадинг, сен эъзозлаб, икки бу-килиб хизматини адо этмоқчи бўлган кишиларинг эса, сендан юз ўгириди. Сени синиқ сопол парчаси-дек бекадр қилиб, ит боғласа турмайдиган мана шу каталакка келтириб ташлади. Ҳали олдинда не гап, не сўзлар борлигини худо билади!

Аъзамнинг мана шундай ўй ва тавба-тазарру-лар билан мияси шишиб, идроки тасаввур қилишдан толганда эшик тарақлаб очилиб, бояги барзан-гилардан бири кириб келди. На гап-сўз, на башара-га қарашиб бор. Қўлидаги бордон бўлиб бордон эмас,

шолча бўлиб шолчага ўжшамас бир палосни каталак тўрига «Ана ўша ерда ёт!» дегандек улоқтириб ташлади. Палос шалоплаб ерга тушиши билан оҳак, зах, мотор, чирик, шиптири ҳиди аралаш қандайдир қўланса иси ҳамма ёқни тўтиб кетди. Лекин бу бадхўр ҳидни эс-ҳуши гангиг қолган Аъзам ортиқча пайқамади. Ит олдига ташланган нарсани беихтиёр исказиб кўргандек, у ҳам телбаларча бир-икки қадам қўйиб, уни пайпаслади. Алланима балодан тўқилган палос эканига фаҳми етди-ю, ҳали узоқ ётар эканман-да, деган ваҳима вужудини қақшатиб юборди. Иликларидан дармони қуриб, унинг устига ўтириб қолди. Тунни қанақа қилиб ўтганини билмади. Чўзилса, ёнидан ер ўтади, зах аъзойи баданини эзгилайди. Чор-ночор кўзи илинса, аллақандай даҳшатли, кейинчалик нималигини аниқлаб ололмаган нарсалар босиб келади. Кўзини очиб, тушида кўрдими ёки хаёлидан ўтдими, ажратиб ололмайди. Ҳар иккиси бир-бирига қоришиб кетган эди. Туриб юрай деса, оёқлари титрайди. Бир маҳал яна кўзи илиниб (нечанчи марта!) уйғонса, қорни очиб қолибди. Умри бино бўлиб очлик нималигига иши тушмаганиданми, яна баттар ваҳима босди: Овқат беришмаса-я! Беришмаса қўлидан нима иш келади? Фарёд уриб бақирганда уларнинг жони ачирмиди! Жони ачиса, шу ерга ташлаб қўйишармиди! Ачимайдики, бирортаси эшик очиб, «Аҳволинг қалай?» демайди-да! Одам неча кун оч ётиши мумкин? Мен неча кунга чидаркинман? Очликдан ўлиш жуда қийин бўлса керак. Кишилар ракдан ўлишни даҳшатли дейишади. Очдан ҳалок бўлиш ундан енгил эмасдир. Иккаласида ҳам одам боласи ўлимнинг салмоқлаб вужудингга чанг солишини кўриб туради. Кўриб туради-ю, тақдирга тан беради. Лекин очликдан қутулиш мумкин. Ракдан давоси йўқлигидан ўлса, очликдан давосига имкон берилмагандан ҳалок бўлади. Наҳотки, мен шу

ёшимида бир бурда нонга зор бўлиб, тухмат гирдо-
бига ўлиб кетсан!

Аъзамни оч ўлимнинг даҳшати босди. Унинг
ваҳимасидан ўзини сал тортиб олиб, вақтни бил-
моқчи бўлди. Беихтиёр билагига қаради. Қўлида
соати йўқ. Ҳа, ечиб олишган эди. Ўрнидан қўзғалиб,
турмоқчи бўлган эди, шими тушиб кетгудек паст-
га сидирилди. Камарини тортай деса, у ҳам йўқ.
Липасини икки қайириб, егулик бир нарса сўраш
ниятида эшик олдига борди. Чала рандаланган, қў-
пол эшикка узоқ тикилиб қолди. Тикилган сари кўз
олдидан ширин таомлар бир-бир ўтаверди. Баттар
кўнгли беҳузур бўлиб, оғзи сув очиб, ўрнига ке-
либ ўтириди. Яна эшикка боқди. Эшикдан кўзини
олиб, туйнукка боқди. Қочмоқчи бўлган кишидек,
ўзининг сиғиши-сиғмаслигини чамалади. Сиғиши-
га кўзи етмади. Ҳўш, сиғандан қўлидан нима иш
келади? Ҳамма гап шу каталакдан чиқиб олишда
бўлганда бир йўлини топарди-я! Бу каталаккина
эмас, у ёғи ҳам бегона юрт. Дуч келган: «Бу така
нима қилиб, дайдиб юрибди?» деб ҳиқилдогидан
жиппа бўгиб, полицияга ушлаб беради! Қани энди
шу маҳал қушга айланса-ю, пир этиб учиб чиқиб
кетса! Узоқ-узоқларга бориб тушса! Гўнг қарға бў-
лишга ҳам у рози эди шу топда!

Бунинг мумкин эмаслигини билган Аъзам бў-
шашиб бориб ўрнига ўтириди. Бирдан кўзи туйнук-
дан қарши деворда оби нондек бўлиб тушиб тур-
ган шуълага тикилиб қолди. Худди иссик ноннинг
ўзи-я!

Унинг хаёли тандирга кетди. Тандирдан энди
узилган иссиқ нон қандай ширин бўларди. Ҳозир
қаттиғи бўлса ҳам майли, қорасига, ҳатто куйгани-
га рози.

Унинг фикри-ўйидан овқат кетмай қолди. Кўз
олдига гоҳ тутуни иштаҳани очадиган кабобпазлик
келди, гоҳ эшилаётган чўзма лағмон, гоҳ дамлоғлик

палов. Бориб-бориб барчасидан, хаёлан, умидини узиб, аталага ҳам рози бўлди-ю, у ҳам шу маҳал анқонинг уруғи эканини ўйлаб, хўрлиги келиб, эзилиб кетди.

Бутун умиди шу қаршисидаги қўйол эшикда. Нимаки кирса, шу эшикдан киради. Кўзи шу эшикда бўлиб қолди. Қани уни очадиган мард!

Девордаги кулча шуъла сурилиб бориб, бурчакка ўтди, кейин бир чети майишиб, яримта бўлди. Ундан кейин бутунлай йўқолди. Қўлидаги кулчачасини бирор тортуб олиб қўйган боладек Аъзамнинг кўнгли бузилиб, энди очдан ўлиши муқаррарга ўхшаб кетди. Ўлим даҳшати уни ўрнидан турғазди. Эшикни қоқди, қулоқ тутди. Қулоғини тутди, эшик қоқди.

Бир маҳал эшикнинг қоқ ўртасида сўлкавойдек нур пайдо бўлди, унда орқасидан суреб очиб ёпиладиган қопқоқлик тешик бор экан. Ундан бирор бир қўзи билан қаради. Яна ёпди. Аъзам «Ётиб қолгандан, отиб қол» деган мақолга амал қилиб, яна тақииллатди. Бу гал эшик зарб билан очилиб, осто-нада ўша барзанги кўринди. «Нима дейсан, гапир!» дегандек фўдайиб, Аъзам еб, у қуруқ қолгандай хўмрайиб турди. Бу дабдабадан шошиб қолган Аъзам овқат сўрашга ботинолмай чанқаганини айтди. Эшикни даранглатиб ёрган барзанги анчадан кейин бир кружка сув узатди. Унинг кўзидаги қандайдир жилмайиш «Оч қоринга сассиқ саримсоқми!» деган маънени ифодалаб, масхаралаб турарди.

Шу аҳволда икки кун ўтди.

Аъзам ҳолдан тойиб, йиқилишга етди. «Ўлигим шу каталакдан чиқиши аниқ экан», деб йиграб, энди «ўрнига» чўзилган эди, эшик очилиб, ориқ бир одам икки бурда нон билан бир тарелкада ювиндига ўхшаш бир нима узатди.

Бутун бир хазинани инъомга олган гарифдай энтикиб қолган Аъзам чапиллатиб бирпасда ютиб бўлди.

Умрида бунақа ширин овқат еганига ишонмас эди!

Лекин түймаган қорни баттар таталаб кетди.

Шу хилда бир ҳафта ўтди. Аъзамнинг орзу тиши синиб, умид или узилиб бўлган эди. Чигирткадай озиб кетди. Ит олган тулки аҳволига тушиб ўтирганда эшик шошмасдан очилди. Эшикда пайдо бўлганларнинг бири «Бу ёққа юр!» ишорасини қилди. Тиззалири шиқиллаб ўрнидан аранг турган Аъзам олдига тущди. У аввалги вақтдагидек: «Қаёққа кетяпман? Ўлимгами?» деб ташвишланмасди. У учун ҳаммаси барибир бўлиб қолган эди: идрок ўтмасланган, орзуси қанотидан айрилган!

У гандираклаб, ўша охирги марта бўлган хонасига кириб борди. Қаршидаги ойнага кўзи тушди-ю, вахимада уйқуга кетган одамни тун ярмида тўсатдан уйготгандек кўзи бирдан очилиб кетди. Шу ойнадаги ўзими?! Соқоллари ўсган, қулоқ-бурунларини ҳам жун босганга ўхшайди, афти-башараси кир, кўзи чуқур қудуқ тагидаги сувдек йилтиллаб қолибди. Шундай ориқлаб кетибдики, пешанаси дўмбирага тортилган хом теридек саргайиб, қулоқлари шалпайиб, юпқа тортибди. Кекирдаги ёнғоқдек бўлиб чиқиб ётибди. У қаршисидаги стул сунчигини тутиб қолмаганда даҳшатдан йиқилиб тушарди.

Охирги марта «сұхбатлашган» майор билан полковник дераза олдида ташқарига қараб ниманидир гаплашиб турарди. Аъзамнинг кирганини кўрган бўлишса ҳам, пинагини бузишмади. Гўё унга аҳволини ойнада кўриб, танасига ўйлашга вақт беришиди. Фақат уни олиб кирганлардан бири кетишига ижозат сўрагандагина улар бу ёққа ўгирилишиб, ўртадаги столга қараб юришди. Майорнинг имоси билан ижозат сўраганлар чиқиб кетишиди.

— Хўш, қофоз-қалам ҳам сўрамабсиз? Икror бўлишдан оч ўлишни афзал кўрдингизми? Ихтиёрингиз, — деди майор вазминлик билан.

Аъзамнинг жавоб берадиган аҳволи йўқ эди. Йиқилиб тушишдан қўрқиб ўтиришга рухсат сўради. Майор «ўтиришга рухсат берамизми, а?» дегандек шеригига истеҳзоли қараб, қалин лабининг бир бурчини учирди. У маъқуллаб аста кўз қисди.

— Туриб жавоб берганингиз маъқул эди-ку, майли, ўтиринг. Биз душманимизга нисбатан ҳам золим эмасмиз!

Майорнинг бу «марҳамати»дан кейин Аъзам инқиллаб ўтиб, стулга ўтирди. Ёмон ўгай она қўлидаги етимчадек бўйнини қисиб, кўзини мўлтиллатди. Лекин қархисида ўтирганларнинг ҳеч бирининг кўзида меҳру шафқат учқуни кўринмас эди.

— Ихтиёр сизларда, — деди пичирлагандек Аъзам.

— Яшашни истайсизми? — унга энгашди полковник.

— Шу ёшда ўлиб кетиш увол бўлса керак! — жавоб қилди майор, — Симонага ўхшаганларнинг хипча белидан қучиб айни яшайдиган пайти. Тўгрими? Ёки ҳеч нарса керакмасми, яшашдан тўйдингизми?

Аъзам-ку жон деб яшарди, лекин яшашнинг уддасидан чиқолмай гаранг эди. Шу лаҳзада унинг кўзига бир маҳал шайдоси бўлган Симона ҳам кўринмади. У билан ўтган ширин дақиқалар — туш, ёки бундан бир неча ўн йиллар бурун бўлиб ўтган хотира. Ҳеч ҳам бу яқин орада бўлганига, атиги бир-икки ҳафта ўтганига ишонмас эди. Сўнгги бир ҳафта унинг йиллик куч-қувватини олиб, қаритиб, хаёлини ўтиrlаб, тўмтоқ қилиб кетган эди. У индамади.

— Сизнинг ёвуз ният билан қолганингиз аниқ. Майли... Биз ўзимиз бу чигал ипнинг учини топиб оламиз. Шу гуноҳларингиздан кечсак, иқрор бўласизми?

Полковникнинг бу «олижаноб» лигини майор тўлдирди:

— Бизда лабз битта, ишонаверинг!

Аъзам, «Менинг иқрорим буларга бунчалик жуда зарур экан?» деб ўтиридиган аҳволда эмас эди. Унинг назарида қоп-қоронги уйга эшик тирқишидан нур тушгандек бўлди. Кўзи ни-манидир илгади, баданига қон югарди. Узиқ умид илини уланиб, жон битгандек бошини кўтарди. Кўзи жиққа ёш эди. Бирдан-бир йўл шу деб билди шекилли таваккал билан йўқ гуноҳни бўйнига олишга қарор қилди: ё улар лабзида турмасдан жосусликда айблаб отиб ташлайди-ю, бу азоблардан биратўласига қутулади, ёки сўзида туриб, яшаш имконини беради.

— Майли, нима бўлса мен рози... — деди оҳистагина у.

Иккала сухбатдошнинг юзида шу вақтгача бўлмаган мамнун ўзгариш қалқди. Ҳатто буни полковник тили билан алоҳида таъкидлади:

— Мана бу бошқа гап! Йигит деган бундоқ бўлади!

Улар лабзида турди.

Бу лабзда туриш — Аъзамнинг қачонлардир ижро этиладиган ўз ўлими ҳукмини ўз қўли билан ёзиб беришидан иборат эди!

Аъзам инженер сифатида ёвуз ният билан атайин бу юргда қолганини ёзиб берди, тепасида тўрт кўз бўлиб турган майор «баъзи» тузатишларни эслатиб, тўлдириб борди. Аъзам остига ўз ижтиёри билан иқрор бўлганини алоҳида таъкидлаб имзо чекди. Бу ҳам камлик қилгандек майорнинг таклифи билан микрофонга ўқиб берди. Бунинг охирига «Бу иқроримнинг ўз қўлим билан ёзилгани бор!» деган жумла қўшилди. Кейин бу лентани унга ўқиб эшиттиришди.

— Шу сизнинг ўз товушингиз, шундайми мсье Аъзам? — деди майор. Аъзам тасдиқлади. Майор иқрорномани кўрсатди:

— Шу ўз дастхатингиз, шундайми, мсье Аъзам? Аъзам маъқуллаб бош иргади.

— Ўз ихтиёрингиз билан иқрор бўлдингиз, шундайми?

— Шундай.

— Жуда яхши. Бизга саволингиз йўқми?

— Йўқ.

Майор одам чақириб, улар қўлига Аъзамни топшириди.

У, «Нега булар қўлига яна топширилдим!» деганича ҳайрон чиқиб кетди.

Эшик зич ёпилиши билан арзимаган найрангта илиниб, оёқ-қўлини ўзи чандиб боғлаб берган юраксиз хоинни масхаралаб иккиси бирдан қулиб юборди. Кулгидан аввал полковник тўхтади ва уқтириди:

— Мана бу чинакам қўрқоқ ва тутуруқсиз одам. Бунақаларнинг на ўз юртига, на ўзгага тузук нафи тегади. Ҳукумат бунинг кимлигини яхши билмайди шекилли, бўлмаса битта бебурддан қутулганига шукур қиларди.

— Ундей бўлса... — майор луқма ташламоқчи бўлган эди, ҳамроҳи гапиртиргани қўймади, унинг нима демоқчилигини тушуниб турган эди.

— Лекин бу бебош бизга керак. Бошқа тузуги бўлмагач — иложимиз қанча! Улардан қўлимизга одам тушмаганига ҳам анча вақт бўлиб қолди.

— Ҳа, анча бўлди.

— Демак, араблар айтгандек, сув йўғида таяммум. Лекин доим кўз-қулоқ бўлиб туриш шарт: ўз юртини қадрламаган бизга садоқатли бўлармиди!

— Албаттада!

— Яхвиси шу бўлдики, оёгини ўз юрти тупрогидан узил-кесил узиб олдик. Энди нўхталангандан эшакдек истаган томонга минишимиз мумкин.

— Минамиз ҳам-да? — керилди майор, — қани энди «финг» деб кўрсинг-чи!!

— Бунақалар «финг» деёлмайди: товуқ бўл десанг, гўнг титади, чўчқасан десанг, балчиқда ётади! Хоинда, айниқса, қўрқоқ хоинда гуурур бўлмайди.

— Салдан кейин полковник «бу ёғи энди сизнинг ишингиз» деб, майор билан хайрлашди.

16

ЁМОННИНГ КАСОФАТИ ВА ЯХШИННИНГ ШАРОФАТИ

Номард солган кўприқдан ўтсанг, гарқ бўласан, дегандек касофат Аъзамнинг касри Нафисага тегмай қолмади.

Қийналиб чаққан ёнғогинг пуч чиққанда алам қилгандек Нафиса аввал ўз қадрига йиғлаган бўлса, энди оғзига кучи етмаганларнинг «миш-миши»дан номус қиласди. Бири ачингандек ҳамдардлик билдириб, ярасини тирнаб кетади. Бир хили очиқдан-очиқ: «У-ку, гўнгини чўқираб юргандир, дўсти-душман олдида сизга жабр бўлди. Товонингизни босадиганлар топилиб қолади. Аттанг, текисликдаги дўнгликдай анча кўзга ташланиб қолган эдингиз!» деб юрагига ваҳима солади, меҳнат билан орттирган обрўйига шак келтиради.

Чиндан ҳам унинг «товонини босадиган» ҳадемай топилиб қолди. Кузда ўрин йўқлигидан боласини боғчага олмаган аёллардан бири келиб, «Эрингиз бунақа экан, шунинг учун бизга ўхшаган бева-бечоранинг боласи кўчада тупроқ чангитиб умри ўтаркан», деб ачитиб кетди. Боласининг кийим-бошини кир-чир тутадиган бир жувонни бир маҳал Нафиса кабинетига чақириб, «ўзингиз ёшгина экансиз, болангизнинг турқи-авторига қаранг, қўйлининг кирини иккита ит яласа тўяди», деб қи-

зартирган эди. Шунинг ҳам тили чиқди. Нафисани кўчада тўхтатиб, «Поччам Париждан посилка юбордиларми? У ёқларда яхши ироқи совунлар бўлади дейишади, олқиндисини бўлса ҳам беринг, жияннингизни юз-қўлини ювиб турардим», деди қошларини чимириб, жингалак гажакларини сер-киллатиб.

Булар бари майдаси экан. Гадойнинг рақиби гадой дегандек, бир боғча мудираси маорифдаги бир йиғилишда уни тилга олиб қолди. Очикдан-очик, «хоиннинг хотини ёш авлодни тарбиялашга лойиклими?» демаган бўлса ҳам, шу атрофда тил чайнаб, баъзи бир соясидан ҳадиксирайдиганларнинг юрагига ваҳима уругини сочиб қўйди.

— Маҳмадона бу жувоннинг нега бунчалик куйиб гапиришининг сабабини Нафиса ҳам, бу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги ҳам билади. Биринчидан, бу жувон ўз боғчинининг Нафисанидек ибратли бўлиб, тилга тушмаганидан кўнгли тўлмаса, иккинчидан, кекса тарбиячи бўла туриб, ана шу намунали боғчани унга бермай, ёшгина бир жувонни мудира қилиб қўйганларига чидамайди. Бу ҳақда орқаворатдан сасиб юрганини кўпчилик билади. Энди пайт топиб, энг нозик бир вактда ҳужум қиласпти.

— Нафиса бу «ўзи билармон» жувоннинг гапидан эмас, тинглаб ўтирганлардан хафа бўлди. Мажлис охиригача бирор киши унинг гапига «Ҳай, ундоқ эмас, бундоқ» деб жавоб қайтармади. Бўлмаса, бу ерда ўтирганлар ёш болалар эмас, олди невара кўрган, турмуш аччиқ-чучугини татиганлар. Нафисанинг кимлигини ҳам, эрининг ишига унинг нинанинг учича алоқаси йўқлигини ҳам билишади.

— Ҳатто булар ичида: «Нафиса синглим, хафа бўлмагин-ку, бу сенга эрлик қилмайди, ёғоч қозон битта ош пиширишга ярайди», деб Аъзам билан яшаб турганидаёқ унинг кимлигини баҳолаганлар ҳам бор. Тўғри, битта-яримтаси ялатма гап қилиб,

унинг ёнига тушмоқчи бўлди. Лекин буни билган билди, билмаган йўқ.

— Нафиса ана шунисига чидамас эди. Наҳотки у энди қора қозону, яқин юрганга қораси юқади!

Сал ўтмай бу нарса амалда кўринди. Унинг боғчалик учун буюртирилган болалар стол-стулларини бошқа ёққа бериб юбориши. Нафиса даъво қилиб борган эди, биттаси «оч қорним, тинч қулогим» деб юриб турсангиз-чи, дея унга «мехрибонлик» қилган бўлди. Нафиса билдики, бу ўша маҳмадона жувон гапининг таъсири! Бу нарса ёзги ремонт пайтида яна яққол кўринди. Ибратли боғча — ясли сифатида ҳаммадан олдин ремонт қилинадиган, ремонт вақтида катта-кичик хабар олиб турадиган ер рўйхатнинг этагига қўйилибди. Нафиса бундоқ қараса, ёғин-сочинга қолиб кетадиган. Тўгри лозим идорага кириб борди.

— Бу қандай бўлди? — деди ҳар вақтдагидек дадил.

Бошлиқ ҳамма нарсага ақли етиб турган бўлса ҳам ўзини гўлликка солди:

- Тушунмадим.
- Ёингарчиликка қолиб кетади-ку!
- Қолмайди. Хотиржам бўлинг, қолдирмаймиз.

Лекин унинг ёлғон гапираётгани кўзидан кўриниб турарди. Нафиса унинг сўзининг оҳанги ва безовтароқ бўлиб қарашидан шуни сездики, бу боғчани энди қўллаб-қўлтиқламоқчи эмас. Боғча ёнса-ёнсинки, унга гап-сўз тегмасин, унинг кабоби пишса бас.

Нафисанинг боғчага жони ачиdi. Битта уни деб, шунча болага жабр бўлади. Боғчага, у туфайли, шу хил муносабатда бўлинаверса, ҳадемай этакка тушшиб қолади, жамоанинг шунча меҳнати елга кетади, бориб-бориб яна калтак унинг бошида синади. Оқимнинг бориши шундан далолат бериб турибди.

Эҳтимол, у кетса, бундай бўлмас, боғча ўз ўрнида, ўз мавқеида қолар.

Шу қарорга келган Нафиса курсига ўрнашиброқ ўтириди-да, оғир бир нафас олди.

— Бўлмаса, мени мудираликдан озод-қилинглар,
— деди бошлиқнинг кўзига тик қараб.

— Нега? Нима учун? — гўё ажаблангандек бўлди бошлиқ.

— Энди, — деди ҳаммасига тушуниб турган Нафиса, — сизлар ҳам ўзингларни гўлликка солманглар, мен ҳам қилсиз қийналиб юрмай. Икки ўртада боғчага жабр бўлади.

— Нима деяпсиз, синглим. Сал уйқуга тўймаганга ўхшайсиз. Боринг, дамингизни олинг. Сизни ким бўшатаман деяпти! Бунақа бемаъни гапларни қўйинг. Ҳали бирга узоқ ишлашамиз. Боринг, бугун шаштингиз паст, бошқа вақтда гаплашамиз. Ремонт бўлади. Битта ремонт учун...

— Битта ремонт учун эмас! — уни бўлди шартта Нафиса.

— Нима учун бўлмаса?

— Эрим учун. Бор бўлиб тўрда, ўлиб гўрда бўлмаган эрим учун!

Бошлиқ «Вой, нодон-эй!» дегандек шунақа хандон солиб кулдики, Нафиса эрини тилга олганига уялиб кетди. Бошлиқ кўзларидаги ёшни атир пуркаган рўмолчаси билан атайин узоқ артиб, кейин деди:

— Ёш бола бўлиб қолибсиз, Нафисахон. Сизнинг паспортингиз ўз номингиздами, ёки иккалангларга биттамиди? Алоҳида бўлса нимадан қўрқасиз? Бола ота учун, хотин эр учун жавобгар эмас. Яллангизни қилиб юраверинг. Кишиларнинг соясига қараб тўн бичадиган вақтлар ўтиб кетган. Эрга теккандан кейин бизга келган эмассиз, бизга келгач, турмушга чиққансиз. Гарчанд, тўйга айтмаган бўл-

сангиз ҳам, сизни биз яхши биламиз. Асло хавотир олманг.

— Шундай бўлса ҳам... — бўшашиб гап бошлаган эди Нафиса, бошлиқ илиб кетди. Назарида айни мақсадидаги пайт келган эди.

— Бўлмаса, бундай қилайлик, синглим. Сиз йўқ деяпсиз-ку, аслида қаттиқ чарчабсиз. Отпуска қилинг, бирор дам олиш уйига боринг. Путёвка бор. Айтаман, имтиёзли қилиб тўғрилаб беришади. Келишдикими? Хўпми?

— Хўп! — деди Нафиса ҳаммасига тушуниб.

— Сиз ҳам ёзда бир отпуска қилиб қўйинг! Нафисанинг қўйинини пуч ёнгоққа тўлдириб чиқариб юборган бошлиқ, унинг орқасидан эшикни зичлаб ёпди-да, димиқиб кетган кишидек охори тўкилмаган оқ кўйлагининг кўкрак тугмачаларини ечиб, узоқ елпинди, ҳатто ичидан дардини чиқариб юбораётгандек узоқ «уҳ-ҳ» тортиб қўйди.

Нафиса эса, зийрак Нафиса эса, «одамгарчилик» ва «мехрибонлик» тубида қанақа бўтана ниятлар ётганини фаҳмлаб, башарасига оёғини тираган бетавфиқ эридан эмас, сариқ чақага қиммат, ўзи улуғ, супраси қуруқ бу махлуқнинг шамолидан димоги ачиб, юраги чўчиб юрган «ватанпарвар»лардан хафа бўлди. Наҳотки, бу амалдор шунчалик юраксиз, шунчалик калтафаҳм! Наҳотки, ёмоннинг хотини ёки бола-чақаси ҳам ёмону, уларнинг касри буларнинг обрўйига, амалига, мавқеига путур етказади. Буларнинг оғзидан ошини тўкиб, тагидан машинасини тортиб олади! Кўчасини чангитиб, дабдабали хоналарига гард ўтқизади. Тағин бу мунофиқ ишларини пинҳона, ширинсўз, олтин ўра ваъдаси билан никоблайдилар, елкангга қўл ташлаб, кабинетларидан эшиккача кузатиб, қўлни қаттиқ сиқиб хайрлашиб амалга оширадилар. Кўзларида, хатти-ҳаракатларида ҳаммаси кўзгудек кўриниб турган бўлса ҳам уялишмайди. Ёки билинмайди, деб

ўйлашадими? Ёки ҳеч кимнинг башарасига «Мунодиқлик қилманг! Мен ичингизни кўриб турибман!» демаганидан улар шунаقا сурбетлик қилишадими? Худди шундайдири. Мана, мен ҳаммасини билиб туриб ҳеч нарса демадим, дейишга журъат этмадим-ку! Ваҳоланки, айтишим мумкин эди.

Шундай ўйлар тўфонида гоҳ учиб, гоҳ чўкиб боғча-яслисига қайтган Нафиса кабинетига кириб аччиқ йиглади. Қўли ишга бормай уйига жўнади. Салдан кейин уни сўроқлаб телефон қилган Умматалига зийрак хизматчилари: «Бугун нохушроқ келиб, тоблари қочиб чиқиб кетдилар», деб жавоб қилишди. «Тагин нима бўлди, бечорага? Ҳеч боши ташвишдан чиқмади-чиқмади!» деган Умматали шаҳардаги ишларини битириб, Сурайёга битта қўғирроқ олди-да, уникига кириб борди.

Нафиса «орқадаги гап, охурдаги нишхўрд» деб ўзига далда бериб, телевизор кўриб ўтиради. Телевизорда эса, уч боласи билан бева қолган бир хотиннинг тақдиди ҳикоя қилинарди. Эри борида чиройли кийиниб, яхши еб юрганига маст бўлган хотин, бошига тушган беваликни мардонавор енгиб, неча синов, неча ғовлардан ўтиб, болаларини оёқка тургизади, киши қаторига қўшади.

Умматали эшик қўнғирофини босганда ўша бева биринчи маошига ичиб келган кенжака ўғлиниң бошида: «Сенга қайси номард ичирди, болам? Сенинг ёш жонингта қасд қилган ким!» деб турган эди. Шунинг учун биринчи қўнғироқни Нафиса эшитмади. «Шу маҳалда чақирган ким экан?» деб оғриниб ўрнидан турган бўлса ҳам, Умматалини кўриб, қувониб кетди.

— Нечук? Кимнинг шамоли учирди? — деди кўришаётиб. Унга стул тутди.

— Бугун яна хафа бўлиб юрганимисиз. Тинчликми?

- Тинчлик. Яна ўша ғалва.
 - Яна бир нарса қилибдими?
 - У-ку, ўлганлардек жим бўлиб кетди. Бу ерда баъзи бирорларнинг пайтавасига қурт тушиб қолди.
 - Тушунмадим? — «Очиқроқ гапиринг!» дегандек тикилди Умматали. Унинг вужуди қулоққа айланган эди.
 - Хоиннинг хотини бўлганимдан кейин...
 - Бир нарса дейишяптими?
- Очиқ айтишмаса ҳам...
- Ҳм, — деб қўйди Умматали. Кўнглидан: «Ҳаммаси тушунарли. Бу бизнинг ҳаётда янгилик эмас. Лекин ҳозир бўлмаслиги керак эди. У бағатерак кесилиб, тўнкаси ковлаб олиб ташланган бўлса ҳам, майда илдизлар бор-да, унда-бунда кўзга ташланниб қолади. Афсус!» деган фикр ўтди.
 - Менга қаранг, Нафиса, ғамни ўртоқлашган яхши, бир кишига оғирлик қиласди. Энди нима қилмоқчисиз? — деди Умматали кўнглида бир режа тузилган кишидек.
 - Отпуска беришяпти, дам олишга юборишяпти. Кейин яна бир гап бўлар. Лўлининг эшагини суғориб, пулини олиб турай-чи! Кўчада қолмасман.
 - Ким кўчада қолибдики, сиз қоласиз! Бу тўзон ўтиб кетади. Лекин ўтгунча кўзни ачитгани ёмон. Бундоқ қилсан, Нафиса, қўйинг шу боғчангизни!
 - «Нега энди?» деганича Нафиса тикилиб қолди. Лекин нима учундир, кўнглига қизиқ фикр келиб, кулди:
 - Бадавлат куёв топдингизми?
 - Йўқ, — деди Умматали гўё бу сўроқ жиддийдек, — қўйинг боғчани ҳам, шаҳарни ҳам. Совхозга юринг. Шаҳардан камлиги йўқ. Боғчани кенгайтиряпмиз. Янги бино солдик. Тинчгина ишлайсиз. Кишилари бирам яхши. Ҳавосини айтмайсизми?

Бу гапдан Нафисанинг қоронги кўнглига нур тўлгандек бўлди. Совхозга таклиф этишнинг маъноси бошқа, гўё Умматали уни ўзига турмушга чиқишга таклиф қилаётгандек юраги бир ҳаприқиб, кўзи пиргираб кетди.—Юзига сал қон юргурганини ўзи ҳам сезди шекилли, Умматали олиб келган қўғирчоқ «бала»нинг сочини силаб, гоҳ очилиб, гоҳ юмиладиган кўзини ўйнаб ўтирган Сурайёни энгашиб тиззасига олди. Розилигини кутиб турган Умматалига жавоб қилиш ўрнига, қизига гап қотди:

— Амакингга раҳмат дедингми?

Уялган Сурайё беш марта айтдим, дегандек панжасини ёзib кўрсатди. Унинг бўгин-бўгин бармоқларини кафтига олган Умматали болани гапга солди:

- Кўзини яхши кўрасанми?
- Оқиними? Қорасиними?
- Сен қанақасини яхши кўрасан?
- Мен ҳаммасини. Сигирни ҳам.
- Бузоқни-чи?
- Бузоқни ҳам. Шохи йўғини.
- Соқоли борини-чи?

Гап нима ҳақда кетаётганига тушунмай, Сурайё ойисига қаради.

— Нега менга қарайсан? Амакингга жавоб бер. Ниманинг соқоли бўлади?

— Бувамни.

Кулиб юбориши. «Вой, боласи тушкур-эй!» деган она, боласини бағрига босиб ўпди.

— Ҳа, ростданам, бобой тузалиб кетдиларми?

Нафиса боши билан «йўқ» ишорасини қилиб:

— Чолни йиқитди. Фарзанд доги йиқитди, — деди ачиниб, — у ўлгур отасини кўпда ёқтирмас эди-ку, чол астойдил яхши кўтарар экан. Бўлмаса, олдида азамат ўғиллари бор.

— Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиги, Нафисахон! Оғзидан она сути кетмаган болалар-

га сиз билан биз қанча куйиб-пишамиз-ку. У топар-тутарли эди.

— Топгани ўлсин, томса, отасига ялатмас эди!

— Ҳар ким экканини олади. Бу қилмишининг бир кўргилиги бор ҳали унга. Қилмиш – қидирмиш!

Кўнгилхушлик билан бориб турган суҳбатга Аъзамнинг қилмиши аралашуви чойга пашша тушгандек ҳаммасининг табиатини хира қилди. Бу ҳолатдан уларни яна қизчанинг ўзи чиқарди.

— Сизникида соқолли бузоқ борми?

— Бузоқ эмас, эчки. Соқоли бор эчки бўлади.

— Соқолидан боғлаб қўясизми?

— Нега? Бўйнидан.

— Соқолини нима қиласиз?

— Жойида туради. Сен борсанг ўйнайсан. Борасанми?

Қиз жавоб ўрнида ойисига қаради:

— Борамизми? Адам ўшатдадир.

— Аданг у ерда йўқ. Жуда узоқда. Ҳеч келолмайди.

— Бўлмаса мен, мен кимни ада қиласман?

«Бола бечора, адасини соғинибди», деган Умматали билан Нафисанинг кўзи ногоҳ тўқнашди. Сурайёning саволи ўзининг самимилиги билан онасининг юрагини ўртаб юборган бўлса, ота дийдорига тўймай улгайган Умматалининг ёдига гўдаклигини туширди. Унинг отаси ҳам бирдан йўқ бўлиб қолган эди. Эс-эс билади: ориқ, мўйлови бор, доим кулиб турадиган одам эди. Гузарга опичлаб чиқиб, икки томонида шокиласи бор узун обакидандон олиб берган. Шундан бошқа ҳеч нарсани эсламайди. Эҳтимол, у ҳам шу олдида ўтирган маъсума қиздек отасини сўроқлагандир, ичикиб, ўрнига аганаб йиглагандир. «Даданг Олатоғда, олдига бориб бўлмайди, олабўжилар бор», деганини ҳамон ўқтин-ўқтин хотирлайди. Демак, у ҳам соғинган. Бўлмаса онаси бунақа сўзлар айтиб уни қўрқитмас эди.

Умматалининг гуноҳсиз қизга раҳми келди. Тили билан бир нарса демаса ҳам, юмшоқ ипак сочларини силади, қўғирчоғини тўғрилаб қўлига тутди. Бола ҳамон ўз саволига жавоб кутгандек жавдираб турарди.

— Мени ада қила қол! — деди Умматали охирини ўйламасдан боланинг кўнгли учун. Лекин Нафиса буни ўзича тушуниб, лавлаги бўлиб кетди. Ана шундагина Умматали ўз жавоби билан қош қўяман деб, кўз чиқарганини фаҳмлади, баданини муздай тер қоплади. Ўзини ўнглаб олмасдан қиз яна савол берди: — Сиз кетиб қолмайсизми? Умматали «бўлар иш бўлди» дегандек:

— Йўқ! — деди.

Қизининг саволларидан хижолат терига ботган Нафиса, уни бағрига босиб, оғзини беркитди. Бу билан ҳам кифояланмай, ёлгондакам уриб:

— Саволинг қурмасин! — деди.

Шундан кейин Нафиса, унашилган қиздек уялиб, Умматалининг юзига қаролмади. Чой дамлаб келиб ҳам, пиёла узатиб ҳам, телевизорни гоҳ оқиш, гоҳ қорамтирилганда ҳам у билан кўзини тўқнашишидан олиб қочди. Ҳатто кўнглидан, «Тезроқ кета қолсайди», деган хаёл ҳам ўтди, лекин у қуюқ хайрлашиб кетганда ўрни йўқланиб, уйи ҳувиллаб, қизининг: «Энди қачон келасиз? Яна қўғирчоқ олиб келасизми?» деган бийрон сўзлари жаранглаб, шунинг биттасини ўзи олиб бермаганига ўкингандек бўлди. Наҳотки нияти жиддий? Сурайё билан ҳазиллашиб шекилли.

«Ҳазил! Мени битта болам билан, яна хоиннинг боласи билан бошига урадими? Ўзи кечагина бир тухматдан зўрга қутулиб келган бўлса. Мени олиб, бошини яна ювиндига тиқадими! Қўй, бечора тинчгина яшасин. Ёки икки ёрти бир бутун қилмоқчими? Йўғ-э! Бир ҳазиллашиб-қўйди-да! Ҳали Қимматхон билан топишиб кетадими! Аммо шун-

дай киши Қимматхонга увол! Уни ҳидламаган ит қолмади. Тағин ким билади, ўртага нозик одамлар тушса, у кўз ёши қилиб тавбасига таянса, битишиб кетадими? Йўқ, у билан топишмаслиги керак. Йигитлик ҳамияти бўлса, тупурган тупугини қайтиб оғзига олмайди. Қандай қилиб билиб-кўриб турган ҳолда ирганмасдан яна қўйнига киради».

Бу ўйлар умрида бегона йигитга билагини ушлатмаган Нафисанинг баданини сескантириб юборди, палағда тухум ютгандек кўнгли айниди. Шундай йигитнинг қадрига етмаган Қимматхонга нисбатан хотинлик қаҳри келиб, нафратланиб Умматалини ҳимоя қила бошлади.

Эридан умиди бор экан, яхши кунида нонни ёг билан еган, ёмон кунида шаталоқ отмасдан, сабр қилиб ўтиrmайдими! Аввалам уни севмаган. «Севаман» дегану уни севмаган. Севаман деб ўзини алдаб юрган. Унга эркак керак бўлган. Борида очилиб-сочилиб юрган, кўзидан гойиб бўлгач, ўрнига яна бир эркак ёллаган. Бунаقا хотин Умматали тугул, эркак зотига лойиқ эмас. Ақли бутун бўлса, хотинининг шу қиulgанига уни куйдириб, ўрнига қирчиллама қиз олади. Куйиб ўлсин. Бунаقا хотинларнинг куйиб ўлгани яхши, боридан йўғи. Хотин зотига иснод келтиради. Нега шунақаларга индашмайди? Бироннинг уйидан эски сочиғини бесўроқ олган – ўғри, жиноятчи. Шу уй эгасининг инсонлик номусини букиб, юзтубан иш тутган нега жиноятчи эмас? Бундан зўр жиноят борми? Биринчи навбатда шунақаларни жазолаш керак. Токи софишиларнинг шаънига иснод келтирадиган, унинг умрини бевақт хазон қиласидиган дунёда қолмасин!

Шундай муҳокамалардан кейин Қимматхонга қанча ғаши келган бўлса, унинг қурбони бўлган Умматалига шунча меҳри уйғонди. У аввалгидан ҳам ўзига яқин келгандек туюлди. Унинг гап-сўзида, юриш-туришида одамийлик мавжуд. Бу одা-

мийлик, бундай одамийлик фақат виждони тоза, күнгли оқ одамдагина бўлади.

Нафисанинг хаёлида Умматали бора-бора шундай одамга айландики, ундан кўра яхшисини, ундан кўра соғини умрида учратмаган, унга гард қўнса елпиб, юрса йўлига пойандоз солишга тайёр эди. Унинг ҳар сўзи дардига эм, маслаҳати қонун, йўл-йўриги ўринли.

Шунинг учун бўлса керак, бир ҳафтадан сўнг Нафиса таътилга чиқиб, шаҳар четидаги дам олиш уйига кетадиган бўлганда Умматали машина юбориб, ўзи келмаганда кўзлари аллакимни қидиргандек машина атрофида жавдираб, юраги узилгандек бўлди. Шофёрдан: «Ўзлари нега келмадилар? Тани-жонлари соғми?» деб сўрашига сал қолди. Кейин билса, дам олиш уйи шундоққина совхознинг йўлида экан. Кечқурун: «Яхши ўринашиб олдингизми? Кайфингиз нечук?» деб келди. Совхозда бўлаётган ишлардан қувониб гапириб, ўтган-кетганни эслашди. Щунда «бирдан» Нафиса Қимматхонни тилга олиб:

- Шу ўтиришимизда кўриб қолса-я! – деди.
- Кўрса нима! Ундан ҳеч кимнинг тили қисиқ ери йўқ.
- Минг қилса ҳам никоҳингизда...
- Ростини айтайми, Нафисахон, ҳеч эсимга келмайди-я. Кўнгил қолгандан кейин ёмон бўларкан.
- Қолган кўнгил – чиққан жон, деб бекорга айтишмайди.
- Жуда тўгри. Бўлмаса бир-икки йил эмас, бир неча йил бир ёстиққа бош қўйганмиз.
- У айшини қилиб юрибди, сизнинг ҳам бир кунингиз ўтятти-ку, Масъуджонга қийин бўлди: икки ўртада сарсон. Кўп ичикади. Баъзан ёлғондан бўлса ҳам: «Даданг телефон қилди», деб кўнглини кўтариб турадим. Мана энди мен ҳам...

Умматали, «Ҳали шунақа меҳрибонлик ҳам қи-
либ юрганимидинг», дегандек ҳамсуҳбатидан кўн-
глида миннатдор бўлиб, ўғлининг тақдирини ўйлаб
хомуш тортди.

— Секинроқ айтасизми, Нафисахон, болага жуда
ёмон бўлди. Жон деб ўзимга олардим-ку, онаси
осонлик билан хўп демайди.

— Хўп дейиши ҳам мумкин, ҳозир ўзи билан ўзи
овора, кўзига бола кўринмайди.

— Нима, яна янгисини топибдими? — ижирганиб
сўради у.

— Вой, ҳали эшитмадингизми? Ҳозир битта ёш-
гина йигит билан топишган. Хотини келиб, қиё-
мат-қойим қилиб кетибди.

— Жувонмарг бўлсин, бироннинг турмушини
буzmай!!

— Бунақаларга бало ҳам урмайди, Умматали
ака, чумчуқдек бир силкиниб, учиб кетаверади.

— Тўғри, шармандага шаҳар кенг. — Юрагининг
аллақаери ачишгандек бўлиб деди Умматали. Шун-
дай бебош хотин ҳали ҳам ўз никоҳида турганидан
бўлса керак, ўйланиб салмоқланди:

— Орани очди қилиб қўйиш керак эди, ишдан
қўл тегмаяпти. Ана-мана билан тонг отиб, кун бо-
тиб вақт ўтяпти.

Нафиса индамади. Бир нарса деб маслаҳат бер-
са, ўрнига ўзини рўкач қилаётгандек бўлиб кўрин-
ди. Лекин кўнглиниг бир чети унинг ўшандай «ит
теккан» хотин билан ҳалигача боғлиқлигидан хира
тортди.

Дам олиш уйи совхознинг йўли устидалиги
яхши бўлган экан, шу кундан бошлаб, Умматали
ўтган-кетганида бошини суқиб ўтадиган бўлиб қол-
ди. Баъзан: «Мана бунинг таъмини кўринг! Ўзи-
мизнинг совхоздан» деб мева-чева ташлаб ўтади.
«Зерикаётганингиз йўқми?» деб тегишади. Бир
кирганда волейбол ўйнаётган йигитларни кўрсатиб:

— Ёшлар кўп экан-а! — деб қўйди.

Бу рашк аломати деб, тўғри тушунган Нафиса ҳам бўш келмади, тубли қилиби:

— Бургут тошбақа гўшти емайди! — деди.

Ўзини тошбақага ўхшатиб, бунчалик-ерга урганидан Умматалининг кўнгли зирқираб кетган бўлса-да, унинг тақдирини ўйлаб «Бунинг ҳам аҳволи оғир: этагига ахлат теккан» деб қўйди. Шундай бўлса ҳам, кўнгли учун:

— Гавҳар гўнгга тушгани билан қадрини йўқотмайди, Нафисахон, бунчалик ўзингизни пас тутманг, — деди.

Нафисага ёқиб тушди шекилли қувноқ кулиб, миннатдорлик билдириди:

— Раҳмат, жуда юқорига чиқариб қўйдингиз. Тушишда тойиб кетмасам эди.

— Тойсангиз ўзим ушлаб қоламан.

— Ҳа, шунақами?! — назокат билан эркаланди Нафиса. У шу дақиқада бирдан ёшариб, дўндиқ қизлардек очилиб кетди. Кўнглининг уфқида қачонлардан бери чўкиб ётган қайғу-алам губори тонгти тумандек тарқалди, табиати ёриши. Бу ёришиш унинг тилини бурро қилди.

— Эҳтиёт қилинг, ўша ушлаб олаёттанингизда қўйлингиздан тушиб кетмай.

— Йўқ, тушмайсиз, қўлларим бақувват. Умматали қўлининг кучини кўрсатаётгандек Нафисанинг кафти орқасини қаттиқ сиқиб қўйди. Нафиса қўлини тортиб олмади, фақат кўзларини ерга туширди.

Шундан уч кун ўтгач, «Совхозга келиб-кетинг» деб одам юборди. Сабабини тушунолмаган Нафиса, Умматалининг юзидан ўтолмасдан, индамай машинага ўтирди. «Нима гап?» деб шофёрдан суриштиришга ҳам ботинмади. Ундан кейин, ўзи ҳам уни соғинганга ўхшарди. Йўлда кета туриб: «Севги деганлари шу эмасмикан?» деб кўнглига савол берди-ю: «Ҳа, шу! Яна севгига мубталосан. Бу оташ-

дан бир тилинг куйган эди, эндигиси шояд хайрли бўлса!» деб ўзини иқрор этишга ботинмади. Лекин уни кўришга юраги энтикиб, кўзи учиб турганига амин эди.

Умматали уни эски қадрдонлардек кутиб олди. «Яхши келдингизми? Атроф чиройли-а?» дегандан кейин тўғри директор ҳузурига бошлаб кирди. Сўраш йўқ, нетиш йўқ, бирдан:

— Мен боғчамизга таклиф этган киши – шу! – деди.

Иккига бўлинган, икки хил кўрсатадиган кўзойнагининг остки қисмидан қараб, ниманидир жадал билан ёзаётган Азимжўжаев ўзига хос тетиклик билан бошини кўтарди. Кўзойнагининг тепа қисмидан термилиб, қўлини узатди, Нафисанинг қўлини қўйиб юбормаёқ:

— Жуда яхши. Мен рози. Кўрсатинг. Ёқса, иш бошласинлар. Ҳамма шартимизни айтинг. Олтин тон ваъда қилманг! – деди.

Нафиса ҳанг-манг бўлиб қолди. Умматали олдинроқ огоҳлантириб қўймаганидан сал хафа ҳам бўлди. Унга эргашиб директор кабинетидан чиқди. Ўпкалади:

— Киши ҳам шунаقا дангалчи бўладими?
— Менми, директорми?
— Иккингиз ҳам!
— Нима, сизга писмиқ ёқадими? – ҳазилга олди Умматали.

— Гап унда эмас-ку.
— Гап бугдойда дент, – унинг сўзини бўлди кулганича сұхбатдоши, – ҳаммасини тош-тарози қилиб бўлганмиз, сиз ажабланмаслигингиз мумкин.
— Шундай бўлса ҳам...
— Унда айб менда. Мени кечирасиз! Нафисанинг ўпкаллаши ўпкаллашдан кўра эркаланишга ўхшарди. Шунинг учун ҳам Умматали дарров узр сўрай қолди. Унинг бу узр сўраши: «Нафисахон, сизнинг

урганингиз ун оши, сўкканингиз сўк оши. Шу ўпкалашингиз ҳам ўзингизга ярашади», деб турарди. «Бунча ёқимтой бу киши», деган Нафиса янги солинган боғчага қанақа қилиб келиб қолганини билмади. Ўндаги кишилар билан танишиди. Бинони-айланиб чиқди. Тажрибали мураббияларга хос назар билан атрофни кузатди. Ҳатто оппоқ чойшабни кўтариб, тўшакни ҳам ушлаб кўрди. Ёстиқ жилдининг тугмаси етмаганидан лабини тишлаб, «Яхшимас. Тугмача деган нима!» тарзида бош чайқади. Умуман, унга боғча ёқди. Лекин шаҳардаги ўз боғчасига ўхшатиш учун ҳали анча-мунча тер тўкиши, ўша дангалчи директор билан неча бор жанг қилиши керак эди. Шунда ички бир нидо: «Чўчима. Умматали бор-ку!» деб далда берди. Бу нидо уни қаноатлантиради.

— Қалай? — деди Умматали бу ёққа чиқицгач.

— Яхши! Анча иши бор.

— Шунинг учун ҳам шаҳардан сизни таклиф этяпмиз.

Нафиса эса, «фақат шу учунгина мени олиб чиқиб келаётганмикинсиз? Бошқа маъноси йўқми?» деган хаёлга келди. Шубҳага ўхшаган бу хаёл юрагини шифиллатиб юборди; наҳот тунов кунги гаплари ҳазил бўлса! У бу фикрни тезда бир четга куч билан йиғишириб, Умматалидан сўради:

— Айтинг-чи, директорингиз болани яхши кўрадими?

— Билмадим.

— Ўз боласи йўқми?

— Бир қиз, икки ўғли бор экан. Ҳаммаси ўзидан тинчиб кетган. Битта набираси шу ерда, бувиси билан.

— Демак, болани яхши кўради. Бўлмаса, қулогига бола йиғиси ёқмайдиган ёшда набирасини олдида тутмас эди.

Умматали Нафисанинг бу «фалсафаси» маъносини тушуниб, қулиб юборди.

— Нима, болани ёқтирмаса, боғчага қарашмайди, дийсизми? Хотиржам бўлинг. Хомтокда кетган гўрага жони ачиди.

Нафиса шу куни кечгача совхозда бўлди. Умматали совхозни айлантириди. Гоҳ фахрланиб, гоҳ ачиниб қилингандан ва қилинаётган ишлардан сўзлаб берди. Унинг сўзидан бу ерлардаги ҳар бир туп ток, ҳар дона чечак, ҳар туп мева унинг тақдиди бидан боғлиқ, қувончининг боиси, умрининг самараси.

Совхоз ерида бир баландгина тепалик бор. Телевизорда совхоз ҳақида бирон нарса беришмоқчи бўлиб келиб қолишса, уни кўриб операторнинг хазинага йўлиққан сайёҳдек қўзи ёниб кетади. Чопқиллаб устига чиқиб, атрофга назар ташлайди-ю, маҳлиё бўлади қолади. Бир томон узумзор, бир томон олмазору олчазор. Ўртада кунга солинган қилич дамидек ярқираб анҳор оқади. Унга қиялаб тушган майсазор бокилган саман от сиртидек минг товланади. Гуж-ғуж пода кўзга ташланиб, олислар гулхан оловидек жимиirlайди. Қорли тоғларга бориб тақалган бу тўлқинсимон кенглик кўрганинг ҳавасини келтирмай қолмайди.

Умматали Нафисани ана шу тепаликда қўлидан ушлаб, бошлаб чиқди. Усти ясси бўлган бу тепаликда у. ёқ-бу ёққа қараб, шаҳарда ўсган қизнинг кўзлари яшнаб, ичидан ҳаяжони қайнаб-тошди:

— Вой-бўй, бунча чиройли! Ўзинглар ясаганмисизлар бу ерни? Ҳамма ёқ кафтда тургандек кўринади-я!

— Табиат ўз гўзаллигини намойиш қилиш учун шу тепаликни бунёдга келтирган.

Нафиса қўлларини пешанасига соябон қилиб узоқ-узоқларга сукланиб қаради. Тўплаб қўйилган гугурт қутичаларидек бўлиб ғуж кўринган қишлоқларни, қўлга ўхшаб турган кўм-кўк узумзор-

ни, йўл ёқасида саф тортиб кетган мирзатеракларни, унда-бунда садарайҳондек назарга илинаётган якка садақайрагочларни томоша қилди. Ора-сира завқини тили билан таржима қилиб турди. Унга маъқул бўлганидан мамнун Умматали пастга югуриб тушиб, тепалик этагидаги узумзордан икки бош чарос узиб чиқди. Чайладаги сувга чайқади.

— Мана буни еб, томоша қилсангиз яна яхши: кўзингиз ҳуснини, тилингиз таъмини билади.

— Вой овора бўлдингизми! — деган Нафиса бир бошини олиб, бир бошини унинг ўзига қолдирди, шунча қилса ҳам олмади, — ўзингиз ҳам енг, таом эгаси билан ширин.

— Биз кунда шунда. Тўйиб қолганмиз.

— Кўрибми? Ебми?

— Иккисига ҳам. Ичиди юрганингдан кейин кўпда ишинг ҳам бўлмайди. Баъзан бир бош-ярим бошни наҳорга емасам...

— Анави, анойи кишини кўринг. Наҳорда эмиш. Албатта наҳорда еганингиздан куни билан ишингиз бўлмайди-да. Бу чайлада ким туради?

— Бир боғбон чол.

— У киши ҳам ҳеч нарсани билмас экан-а! Бир содда киши қассобнинг олдига бориб, гўштга ақлим етмайди, мана шу еридан кеса қолинг, деб лаҳм сони билан биқинини кўрсатган экан.

— Дилгирликдан чиқиб қолган дейишади.

— Дилгирликдан? — Нафисадаги қувноқлик сув сепилган чўғдек бир зумда ўчди.

— Ҳа. Урушдан учта азамат ўғли қайтмаган экан.

— Бечора!

— Ўзининг бу атрофларга меҳнати сингган одам. Катта боғбон.

— Бошқа болалари борми?

— Бор. Чиқарган қизи ҳув анави қишлоқда туради. — Умматали қўли билан кўм-кўк кўлга ўхшаб

турган дарахтзорни кўрсатди. – Бир ўғли Тошкентда ўқийди. Чолнинг ўзи тили ширин, етмиш ҳунарга омил. Бир иш бўлса маслаҳатнинг бошида: совхозда у кирмаган эшик, унинг оғзи тегмаган қошиқ йўқ. Шу тепа ҳам унинг номида. «Чол тепа» дейишади. Отанинг ўзи ҳам қирга пода чиққандан то кузгача шу ерда.

- Кўринмайдилар-ку.
- Шу атрофда юргандир.

Уларнинг бу гапини эшигтгандек чол токлар орасидан чиқиб келди. Бир қўлида токқайчи, бир қўлида катта бир бош узум.

Юз-кўзини жун босган, серсоқол, киприклари узун кўзи тез-тез пирпираб туради. Эгнида яктак, бошида нурсизгина дўппи, оёғида тикану гиёҳ тирнаб ташлаган, қандай терилити номаълум этик. У кексаларга хос салмоқлаб тепаликка чиқиб келди. Узумни Нафисага тутиб, Умматалига гап ташлади.

– Келин келган экан-да. Сайр қилдириб юрибсизми? Жуда яхши. Сайр қилса кишининг баҳри очилади.

Нафиса қип-қизарib кетди, Умматали хижолат тортиди. Дарров изоҳ берди:

- Богчамизга мудира бўлиб келмоқчилар.
- Ҳм. Мен келинпошшами дебман. Келинни ҳеч бу ёқларга олиб келмадингиз шекиlli? Мевани ўз қўли билан узиб егандан дастурхондагисини яхши кўрадиган шаҳарпарастга ўхшайди. Ҳа, улар дала-га чиқса қорайишдан қўрқади.

Нафиса билан Умматалининг кўзлари тўқнашди. Нафисаникода содда чолнинг сўзларидан уялиш ва шу билан бирга унинг доно гапларидан завқланиш бўлса, Умматалиникода жавобсиз хижолат ва даккидан тортиниши бор эди. Нафиса, нима учундир: «Жавоб бермайсизми?» дегандек кўзининг бир четини чимирди. Умматалининг эса, тили сўзга келмас, ростини айтиб, чолнинг табиатини хира қи-

лишни истамагандек, ёлғон гапириб алдагиси ҳам келмади. Ундан кейин тарихини ҳаммага айтиши шартми!

Чол жавобға унчалик муҳтож әмас экан шекили, кутиб ўтирмади. Ток қайчисини чиқиллатганича чайласига кириб кетди. Ичкаридан уларни ўз ҳузурига таклиф этди. Кўнишмаганидан кейин битта нон билан термосда чой кўтариб чиқди.

— Эй, нимага овора бўляпсиз? — югуриб қўлидан олди Умматали.

— Чақирсан кирмасанглар. Бир пиёла чой ичмасдан кетасизларми? Узумнинг шираси ахир томоғингларни олгандир.

Умматали чой қўйиб, одоб юзасидан чолга узатди. Чол: «Ўзинглар ичаверинглар!» деб олмади:

— Меҳмонга беринг, — деди у Нафисани кўзи билан кўрсатиб.

— Вой, сиздан олдин ичаманми, — деган Нафиса олишга мажбур бўлди.

— Агроном болам, — гап бошлади чол, — тунов куни янги токзор ҳақида гап очдингиз. Мен хурсанд бўлдим. Юрган йўлимда қаердан қанча қаламча олишни мўлжаллаб қўйяпман.

Умматали бирдан жонланиб кетди.

— Жуда яхши-да, отахон. Сизга ўргаттулиги йўқ. Бутун токзорларни айланиб чиқсан, ўзимизнинг дастурхонбоп яхши узумларимиз кам.

— Йўқ деяверинг, — уни бўлди чол ўкингандек, — ҳозир винобогига куч беришяпти.

— Вино учун ҳам керак. Лекин ўзимизнинг соҳиби, шивирғони, эчкиэмар, каттакўргон, даройи, ҳасайнинг ўхшаган ажойиб навларимиз йўқолиб кетмаслиги лозим. Янги токзорга худди шулардан экамиз.

— Балли, ўғлим, отангизга раҳмат! Бу жуда савоб иш. Сиз жойни бошлиқлар билан гаплашаве-

ринг, ҳар қанча кўчату қаламча бўлса мен етказиб бераман.

— Раҳмат! Богбонлигини ҳам ўзингиз қиласиз.

— Йўқ, йўқ, болам! Мени бу ердан қўзгатма. Исломни еримни совутдинг — бўлмайди.

«Шу ер» деганда тепаликни тушунган Нафиса, отанинг ёнини олди:

— Отамнинг ишқлари шу тепаликка тушган экан, безовта қилманг.

— Бу ер менга дафъи савдо. Пастга тушдим сиқилиб кетаман, бирор сандиққа солиб қулфлаб қўяётганга ўхшайди. Ундан кейин менинг шартим кетиб партим қолган. Ёшроқни қўй! — Чол «энди бу ҳақда гап очма!» дегандек Нафисага юзини бурди.

— Сиз ҳам шаҳарданми? Жуда яхши. Шаҳар нафасини олиб чиқиб қориштирумасанглар, қишлоқнинг қад кўтариб кетиши оғир. Иккиси оға-ини. Оғасининг меҳрибон бўлгани яхши. Келинг, келсангиз зиён қилмайсиз. Бу ерларнинг ҳавоси ўзгача. Баҳрингиз очилади.

«Баҳрингиз очилади» жумласи Нафисанинг қулогига «баҳтингиз очилади» бўлиб эшлилди. Юраги қандайдир тотли шувиллаб, нафаси тиқилгандек энтикли. Шу билан бир вақтда ваҳима босди. Бу ниманинг ваҳимаси — билолмади. Бу ҳолатдан бехабар чол яна гапга кирди.

— Яна битта қиладиган ишингиз бор, Умматали.

Умматали «Хўш? Хўш?» дегандек унинг соқол-муйлов босган оғзига қаради.

— Кўксултон, қизил султон, нашвати, тош нок, мағзи қизил жайнақи олма, шотут, тарам-тарам Самарқанд олмасига ўхшаш талай мевалар ҳам камайиб кетяпти. Шу бепарволик бўлса, беш-үн йилдан кейин дорига қидириб қоламиз. Шуни ҳам бир ўйлаб қўринглар.

— Яхши эсга солдингиз, ота! — деди Умматали мамнун хаёлга чўмиб. — Чиндан ҳам кўп нарса ка-

майиб кетяпти. Нега бундай? Бепарволик оқибатими ёки табиати нозик мевалар бўлганидан меҳнатидан қочиляптими? Эл ундан юз ўгириб емай қўйганийўқ. Тош нокни кузда димлаб, қишининг қоқ ўртасида, ташқарида совуқ чирсиллаб турганда дастурхонга қўйиш, эл оғзига тутиш қандай гаштли. Атири димоғингни очади. Кўксултон-чи? Қон босими ошганинг давоси. Шотутнинг ҳикматини Абу Али иби Сино «Алқонун»да етти жойда тилга олади. Хўш, нега булар йўқ бўлиб кетиши керак? Асло мумкин эмас! Индамай кўзни лўқ қилиб туриш – жиноят. Жиноят бўлганда ҳам кечирилмас жиноят. Аксинча! Уларни айни кўпайтирадиган давр: сув сероб, ерлар кенг, ўфиту дори-дармон мўл, киши етади. Демак ташаббус керак. Ота яхши эсга солди. Йўлга чиқсанг кексаларнинг маслаҳатига қулоқ сол, қайтгач, уйдаги ишни болалардан билиб оласан, дегани шу. Доно кексанинг йўталида ҳам ҳикмат бор. Улар билганини пари билмайди. Арчани ўтга солсанг иси чиққандай, булар билан суҳбатлашиб турсанг анча нарса ўрганасан, деган Умматали, отанинг кўнглини тинчитди.

– Буни ҳам қиласиз! Сиз бундоқ синчиклаб кўз солинг-чи, яна қанақа мевалар йўқ бўлиб кетяпти. Яна янгилардан нималарни ер кўтаради.

– Ҳа, болам, бу ерми? Бу ерга чўян эксан, трактор бўлиб чиқади! Бу ерда тош кўмиб, қайроқ қилиб сотганлар бор.

Ёшларнинг юзига бирдан кулги сочилди. Ҳатто Нафиса қиқиллаб кулди. Чол, гўё бу фикрига қарши чиқадиган кишилар бору, улар Умматалини йўлдан урадигандек безовталик билан янада жиддийроқ тасдиқлади:

– Сиз, болам, бозорга олиб чиқса, ўттиз иккита тиши бор деб, сариқ чаҳага олмайдиганларнинг гапига қулоқ солманг. Бу ерларда ҳикмат кўп. Худога шукур, мана эндиғи йил олтинчи мучалим келади.

Шу ердаман. Бирордан камлигим йўқ: кўп қатори элга дастурхон ёзиб, эл қатори обрў топиб келяпман. Ҳаммаси шу ер туфайли. Бу ерга меҳнат қилган кам бўлмайди. Баҳорда лой кечган, кузда мой ичади. Куч-қувватингиз, ақлингиз бор, яхшиликка ишлатинг. Яхшилик эккан эсонлик ўради, ҳа, эсонлик ўради.

Умматали отага қараб туриб, кекса гапирса, тагидан қўш маъно қидиравер, улар илми билан эмас, турмуш тажрибаси билан доно бўлиб кетган деган фикрга келди.

— Йўқ, ота, буни албатта рўёбга чиқарамиз, — яна чолни ишонтириди Умматали. — Нимаки фикрингиз, маслаҳатингиз бўлса, тортинмай айтаверинг, жону дилим билан эшитаман.

— Ҳа, балли. Бизлар ҳам ғанимат. Кузги япроқдай гап — сал ел турди ширт узилиб кетамиз. — Чол қовжираб кетган нурсиз кўзларига ёш олди. — Сизлар бор — юрибмиз. Одамнинг жони темирдан қаттиқ экан, бўлмаса...

— Ана шуниси ортиқча, отахон. Унақа деманг. Сизларсиз бу ҳаёт бургути кетган уядай ҳувиллаб колади. Бу ерларга файз киритиб турган сизлар. Сизларсиз биз сопи йўқ кетмон.

— Ҳа, болам, ишқилиб омон бўлинглар. Бизни иззат-икром қилсанглар, сизларни ўзи азизу мукаррам тутсин, — деди чол ва боягидан кўра чўкиб кетган, мункиллаб қолгандек дўмбиллаб, чайласига кириб кетди.

Тепаликдан хомуш тушиб келишар экан, Нафиса сой ёқасини кўрсатиб, у ердаги кишилар нима қилишаётганини сўради.

— Бу ёққа келаётганингизда йўл ётқизаётгандарни кўргандирсиз? Шагални шу ердан олишяпти. Ўрнини сал эпақага келтириб, кўл қилиш ниятидамиз. Балиқ урчитамиз.

— Режанглар катта! — деди Нафиса ишонқира-
май. Умматали эса, ҳазилга бурди:

— Бизлар ишга киргандан кейин ё арава сина-
ди, ё от ишдан чиқади. Ўзимиз ҳам кўйлакдан ёқа,
иштондан липа қолгунча олишамиз. Мабодо сиз-
га ўхшаган. «Қани, кўрсат қучингни!» деб қолса
борми, эллик йилдан бери ётган тўнкани қўпориб
ташлаб, ўринига ўсма экиб берамиз.

— Бугун мунча бийронсиз! Яхши туш кўрганми-
сиз? — балогатга етиб, бутун ҳусни-латофати барқ
уриб турган ёш қизлардек нозланиш билан деди
Нафиса. Умматали ҳам шарт кесди:

— Сиз келгансиз!!

— Ҳали сени яхши кўриб қолдим ҳам дерсиз.

— Десам арзимабдими?

Бу гал Нафиса чурқ этолмай қолди...

Нафиса шу куни кечгача совхозда бўлди. Уни
машинагача кузатиб чиққан директорнинг хотини
тапни яна ишга бурди:

— Вой, айланай, хўп деб келаверинг. Узукка
зумрад кўздек ярашиб турибсиз. Нима кўмак бўлса
биз бор. Бу ёқда енгини шимариб Умматали акан-
гиз турибди.

Нафисанинг қулогига кейинги жумла ғалати
эшитилди. «Умматали ниятидан уларни хабар-
дор қилган шекилли», деган фикр кўнглидан ўтди.
Юрагига иссиқ меҳр нури оқди.

ШОХГАДО

Аъзам каталакка бошқа қайтиб кирмади...

Бир соатдан сўнг ҳаммомга тушган, соқоллари
олинган, тўйиб овқатланган Аъзам юмшоқ тўшакда
ухлаб ётарди. Ориқ томоғидаги ёнғоқдек кекирдаги
туртиб чиқиб турарди.

Шу кундан бошлаб у бурнидан ип ўтказилган ювош туяга айланди. Хўжайини қаёқда етакласа шу ёққа юради. У яна бир оз вақт ўзига келгумдек сўриб, ичидаги ўзларига керак бор гапни тортиб олдилар. Кейин бошқа шаҳарга жўнатиб юбордилар. Уқтиришларига кўра, у шу ерда ишлайди. Кетиш олдидан Симонани кўриш нияти борлигини майорга имо-ишора қилган эди, майор қалин лабларини бир нарсадан ирганган кишидек бужмайтириб:

— Нима қиласиз у шилимшиқ ҳуртни! — деди бепарвогина, — нишхўрд қорин тўйғизмайди.

Бечора Аъзам майор томонидан Симонанинг бу ёққа келиши ман қилиб қўйилганини, Симонанинг кузатув остида юрганини билмас эди. Ахир, ҳатто Симона Аъзамнинг бошига тушган кейинги ҳангамалардан хабардор бўлиши мумкин эмас!

Эрки чандиб боғланган, ортиқча ҳаракатга ҳаққи-ҳуқуқи йўқ Аъзам ўша биринчи кунлари атрофида гиргиттон бўлиб юрган ёшгина лейтенант билан тайинланган ерга тунда етиб келди. Аэропортда икки киши кутиб олди. Машинада шаҳардан чиқиб кетишли. Анча юришли. Шаҳар аломатлари борган сари йўқолиб, қишлоқ туси кўзга ташланди. Қоронгига курк товуқдек ҳурпайиб турган дараҳтлар, гоҳ-гоҳ кулдаги чўфдек йилтиллаб қоладиган чироқлар, кишиларнинг деярли учрамаслиги бу ерлар алоҳида бир зона эканидан далолат бериб турарди. Чиндан ҳам шундай бўлиб чиқди. Бу ер алоҳида кичкина шаҳарча эди. Бу ерда қандайдир ҳарбий қисм ҳам туради. Лекин кўпчилик кишилар ҳарбийча кийинмаган бўлса ҳам хатти-ҳаракатларида, гап-сўзларида ҳарбийларга хос кескинлик, интизом бор эди.

Уни аэропортда кутиб олганларнинг бири — сичқонникига ўхшаган майда ва сийрак тишлиқ киши ўша куниёқ унинг турадиган ерини, қила-

диган ишини айтиб берди. Бир хонага олиб кириб, бу ерда кўрган-билганинни ҳеч қачон, ҳеч кимга оғзидан гулламаслиги ҳақида тилхат олди. У ердан чиқиб келишар экан, сичқонтиш:

— Бахтингиз бор экан-бу-ерга тушибиз! —
Машингиз ҳам чакки эмас. Истаган мадемуазелга қармоқ ташласангиз ҳидлайди, — деб эски қадр-донлардек кулиб қўйди. Кейин бирдан яна жонланди: — ҳа, айтгандек бу ерда сизнинг томондан ҳам кишилар бор. Дардлашиб турасиз.

Чиндан ҳам бу ерда «унинг томони»дан бўлган бир йигит бор экан. У тожик, собиқ солдат эди. Исми Шоҳгадо бўлган бу йигит уруш йили фронтга тушди. Уруш машқини олгунича ярадор бўлиб, майдонда қолиб кетди. Кейин ҳарбий асирикнинг машаққати бошланди. Ундан кейин немис ҳарбий заводида ишлади. Уруш тугашига яқин у ердан қочди. Қочишига сабаб совет аскарлари қўлига тушса, «ҳа, бу ерда бизга қарши отиладиган ўқ-дорини сен тайёрлаб бераётган эдингми?» деб айб қўйилишидан қўрқкан эди. У қўлга тушди, яна лагерь, яна азоб... Уни америкаликлар озод қилди. Тикан симлар олиб ташланди. Овқатга маза кирди. Касалларга дори-дармон пайдо бўлди. Ўлик умидлар тирилди. Олди одамлар юртларига кета бошлади. Совет асиридан ҳам бир қисмини юритидан кишилар келиб олиб кетди. Шоҳгадонинг ҳам юрагидан офтоб чиқиб, «Худога шукур, юртимга қайтадиган бўлдим. Ҳамма сарсон-саргардонлик энди орқада» деб турганда лагерь атрофига яна тикан сим тортилди. «Москва асириларни тан олмасдан қириб ташлаётган эмиш. Асири ватан хоини эмиш. Жуда раҳми келганига она шаҳар — қишлоғининг сувини ҳам ҳўяплатмасдан тўғри Сибирга борса-келмас қилиб ҳайдаётган эмиш», деган мишиш-мишлар тарқалди. Хатто, «Мен зўриға қочиб қолдим!» деган биттаси ҳам пайдо бўлди. Яна ал-

ланима ваҳималарни оғзини кўпиртириб гапириб, асирларнинг юрагини така-пука қилиди. Юртга қайтмоқчи бўлиб турганлар секин-секин ўзини четта олди. Бир хиллари «Таваккал, пешанамдан кўрдим. Бир бошга бир ўлим!» деб жўнайверди. Улар кетидан яна миш-миш қелди. Бўйнида айби борнинг оёғи қалтирас, дегандек Шоҳгадонинг кўз олдига завод қелди-ю, босган қадами олдига босмай қўйди. Немис лагерида тортган азоб-уқубатлари, нима учундир, кўз олдида гир-гир айланаверди. Юриб хаёличувалди, ётиб уйқуси қочди. Бунинг устига: «Ҳарбий асирларнинг оиласаларига ҳам кун йўқ эмиш. Хотинини сургун қилиб, бола-чақасини етимхоналарга олиб кетармиш», деган яна бир даҳшат хабари тарқалди. Бу миш-мishлар шунаقا авжга чиқиб кетдикки, вакил сухбатлашгани келса, одам тўпланмайдиган бўлди. Йиғилганлар ҳам қўрқа-писа сиқилишиб ўтирга. Сухбатга келган одамнинг гап-сўзига шубҳа билан қараб, орқасидан хўмрайишиди. Шундай қилиб, «Юртимга қайтишни истамайман» деган рўйхат кундан-кун узун бўлди. Бу рўйхатда Шоҳгадо ҳам бор эди. Шу рўйхатта тиркалганича ҳамон бегона юртда дайдиб юради. Унинг эркини «ҳимоя» қилганлар унга заводдан иш топиб беришиди. Лагердаги гапларга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай, «Ўзим ҳар жойдаман, кўнглим сенда-дир» бўлиб, болалиги ўтган юртини, севиб уйланган хотинини, унинг қорнида олти ойлик қолган, ҳали ўзи дийдорини бирон марта кўрмаган фарзандини (қизми-ўғиллигини ҳам билмайди) соғиниб, гоҳ ҳуд, гоҳ ноҳуд кун кечириб юрди. Баъзан хат ёзмоқчи бўлди-ю, яна ботинмади, тинч ётган илонни қўзғатишдан қўрқди. Борди-ю, уйдагилар унинг асир тушганидан бехабар, ҳалок бўлган деб куйиб-ёнса ҳам иссиқ ўрнида яшаб турган бўлса, бунинг хати бориши билан бу ҳаётлари ҳам ҳолва бўлиб қолмасин! Жилла бўлмаса, улар тинч бўлсин, деган

ақида билан ҳамма оғирликни ўзига олди. Кимга маслаҳат солса: «Ўзинг биласан. Тағин бир нарса бўлса уволингга қолмай!» дейди. Ёнидаги станокда ишлайдиган йигитдан:

— Сенингча қандай? — деган эди, у ёшлик қувноқлиги билан:

— Уйлан. Уйлансанг бунақа безовта бўлиб, тушингга хотининг киравермайди, — деди елкасига уриб.

Шоҳгадонинг умиди ўз хотинида. Бу ерда бола-чақа қилиб, қайтиб боргач унинг юзига қанақа қилиб қарайди!

«Мен сенга бино қўйиб кутиб ўтирсам, сендан келгани шуми!.. «То қабргача севганим-севган, деганинг қани? Мен, нодон, сўзингга ишониб гулдек ёшлигимни хазон қилиб ўтирибманми?» деса, нима деб жавоб қиласди! Бундан ўлгани яхшимасми?

Шоҳгадо шундай ақида билан яшаб, «яхши кунлар» келишидан умидвор бўлиб юрганда бирдан завод конторасига чақириб қолишиди. Чиқса, шу заводда айланишиб юрадиган, лекин нима иш қилишини билмайдиган бир одам ўтирибди.

— Сал кам олий маълумотли эканингизни нега яшириб юрибсиз? — деди дабдурустдан.

— Кимдан?

— Ҳаммадан. Яхшимас!

Шоҳгадонинг хаёлидан, «Кимдан билибди? Бирор ерда ёзилмаган-ку!» деган фикр ўтди. Лекин ким биландир шу ҳақда гап бўлганини элас-элас эслайди. Парво қилмай:

— Станок учун нима фарқи бор? — деди.

— Биз учун фарқи бор. Инсофдан эмас. Замбарак билан қуён овланмайди.

«Бунча бу жаноб меҳрибон! Охири хайрли бўлсин» деб Шоҳгадонинг қўнгли жижил тортди.

Бирор ҳафта ўтгач, у одам яна учрашди. Ундан кейин яна бир одам билан келди. Хуллас, у

қилди-бу қилди, юртини соғиниб, оғир меҳнатдан қобирғаси қайишиб юрган йигитни француз разведкаси қўлга илинтириди.

Мана бир неча йилки, у мана шу шаҳарчада мониторлик вазифасини ўтайди, яъни.форс ва тожик тилида бериладиган барча чет эл радио эшиттиришларини мунтазам кузатади, лентага ёзид олади, кейин таржима қилиб, якун ясади. Бу ҳужжатлар юқорига кетади.

Аъзам келганда унинг феъли айниб юрган эди. Сталин вафотидан кейин қаттиқ музлар әриб, ҳаётда янги қоидалар қайта ҳаётбахш нурларини соча бошлаганидан хабар топган Шоҳгадо бағрига шабада теккандек бўлди. Енгил нафас олиб, ўзича режа тузиб юрди. Таваккал қилиб уйига яширин хат ёзди. Сал ўтмасдан жавоби келди. Яна ёзди, яна жавоб. Ундан кейин хотини билан ўғлининг, ҳали бирон марта дийдорини кўрмаган ўғлининг сурати келди. Ўғли ҳам ўз қўли билан ёзибди! Хотини ҳали кутиб ўтирибди... Хотин бир хатида Шоҳгадонинг шунча ҳаяллаб юриши бекор эканини, ҳеч кимни ҳеч қаёққа ҳеч қачон юборилмаганини, асирда бўлган қанча одамлар қайтиб келиб тирикчилигини қилиб юрганини, ҳатто асирлик урушнинг бошидан бўлган кичик тогасининг кечаги ҳафта катта орзу-ҳаваслар билан келин туширганини, аввалгидан ҳам ишлари ривож топиб, ўзи саломатланиб (фронт ярасидан) кетганини эринмасдан ёзган эди. Бу хабардан ўзининг шунча вақтлақма бўлиб, аллакимларнинг гапига ишонганидан, шунча умрини ватангадоликда минг бир изтироб билан ўтказганидан ўртаниб кетди. Пешаналарига муштлаб урди: «Бу бош әмас, қовоқ, бўш қовоқ» деди. Энди ҳеч кимнинг гапига кирмасликка, нима бўлса бўлсин юртига қайтишга қасд қилди. Лекин ҳандай қилиб? Бу ердагилар ўнғайлик билан чиқариб юбора қолмайди!

Бу эзгу ниятини ўз бошлиғига қандай маълум қилишни билмай, маълум қилса оладиган жавобидан юраги пўкиллаб юрганда ўша Аъзамни кутиб олган бўлинма-бошлиғи сичқонницидай майда ва сийрак тиш капитан ўз ҳузурига чақириб қолди. Капитан ўз ходимининг хатти-ҳаракатидан бехабар эмас эди, албатта! Шундай бўлса ҳам гапни томдан тараша тушгандай қилиб бошламасдан олисдан айлантириб келди:

– Соғликларингиз яхшими, Шоҳ?

– Раҳмат, ёмонмас! – Шоҳгадо бу меҳрибонлик остида бир бало борлигини дарров пайқади. Демак, сичқонтиш ҳамма нарсадан хабардор. У ҳам шунга ўзини мослади.

– Сўнгги вақтда жуда хаёлчан бўлиб қолдингиз. Маданий дам олиш оқшомларида кам кўринасиз.

– Нега, бўлиб тураман.

– Ё четдан топдингизми? – мамнун кулди капитан.

Бу ерда маданий дам олиш оқшоми деб, радиостанция ходимларининг кечалари бўладиган шовқин-суронли айш-ишратларини аталарди. Шоҳгадо авваллари бу ерда қўп қатори бўлиб турарди. Уйи билан ёзишадиган бўлгандан кейин бу кечаларнинг ёшлиқ қонини кўпиртирадиган қийчув, ўйин-кулгилари ҳам қулогига кирмай қолди. Бутун хаёли уйида. Зерикса, худди ўзига ўхшаган сал пучукроқ ўғли ва ёшлиги гулсафсалари ғам-андуҳда бемаҳал сўлинқираган хотинининг суратларига соатлаб қараб ўтиарди. Бу сурат уни томма-том қувлашиб ўйнаган, каптар учирган, мушук қувлаган, хўroz уриштирган, анҳорида чўмилган – болалиги ўтган ерларга, бўлажак хотинини илк кўргандаёқ севиб қолиб, муҳаббатини қанақа қилиб изҳор этишини билмасдан, кўrsa тилдан қолиб, орқасидан бийрон бўлиб юрган азамат йигитлик йилларига, кейинчалик муроди мақсудига етиб,

у билан қовушган тенги йўқ тотли кунларга етаклаб кетди. Қандай ажойиб эди ўша қун, ўша йиллар! Ҳамма, ҳаммаси тушдек хаёлидан ўча бошлаган, эскиган суратдек хиралашиб, тусини йўқотиб, танимас ҳолга кела бошлаган эди. Мана барчаси яна жон пайдо қилди, тилга кирди, уста санъаткор қайта тиклаган ажойиб суратдек асл жозибасини касб этиб турибди.

Шунинг учун ҳам капитаннинг кейинги саволи ҳазил аралаш қочириқ билан айтилган бўлса ҳам, Шоҳгадога малол келди. Пешанасини тириштириб, энсасини қотирди. Лекин бошлиғи ҳузурида ўтирганини унутмасдан боши билан рад жавобини қилди. Унинг совуқ жавоби суҳбатдошнинг малла юзига сочилиб, сичқон тишларини кўрсатиб турган табассумни бир зумда сидириб олди. Аслида бу табассум бир ниқоб эди. Бу ниқобни тезроқ олиб ташлашга Шоҳгадонинг жавоби кўмак берди, холос.

Сичқонтиш ўрнашиб ўтираёттандек қимиirlаб, жиддий тус олди:

— Билишимча, юртингиздан хат олаёттанишилиз, — деди у ва ҳамроҳининг жавобини тилидан олдин кўзидан уқиб олмоқчи бўлгандек унга икки кўзлаб тикилди. Шоҳгадо бундай сўроқ бўлишини аллақачон кутганидан хотиржамлик билан:

— Шундай. Хотинимдан хат келяпти. Менинг бунга ҳаққим бўлса керак?

— Албатта! Албатта! — шошиб қолгандек дарроров жавоб қайтарди у ва учли әнгагини уч бармоғи орасига олиб, асабий қашиди. Бу эндиги саволнинг дебочаси эканини синашта бўлиб қолган Шоҳгадо дарров пайқади. Ҳадис олган полвондек ҳозирлик кўриб турди. Чиндан шундай бўлиб чиқди:

— Сиз билан биз бир мақсад кишилари. Ўртамизда ортиқча сир бўлмаслиги керак. Мумкин бўл-

са ўша хатларни менга таржима қилиб берсангиз. Имкон борича аслига яқин бўлсин.

— Оилавий, шахсий хатлар-ку, сизга унинг қизиги йўқ. Таржима-қилишга арзимайди. Шундок ҳам айтиб беришим мумкин.

— Йўқ, таржима қилаверинг. Озгина вақтингизни мен учун аяманг, азизим!

Шоҳгадо оёғини қаттиқ тираб олишга ботинмади. Ҳозирча кириб-чиқиб турган эшигини қандай қилиб дарров беркитиб ташлайди. Гўё рози бўлгандек сичқонтиш олдидан чиқди. Тенги йўқ ўтмиши барқ уриб турган хатларни яна бир бор ўқиётиб, бирдан ғазаби қўзғаб кетди: нега энди унинг шахсий хатига бу жаноблар бурнини суқиши керак. Нега бу муқаддас ҳис-туйгулар тўла мўъжизакор хатлар воллейбол тўпидек қўлма-қўл ўтиши керак? Нега? Нима мақсадда буни таржима қилдирияпти? Оддийгина қизиқиш бўлса, мазмунини сўраб қўя қолмайдими! Бунинг остида бошқа сир бор. Яъни унинг оёғига болта бўлиб уриладиган, қўлига ечилмас занжир бўлиб тушадиган сир бор. Акс ҳолда бу магрур жаноб алоҳида вақт ажратиб, алоҳида тоишириқ йўсинида уни мажбур этмас эди. Демак, нияти бузук.

Шоҳгадо хатни қайта-қайта ўқиб, ундан янги маънолар топди. Бу хатлар, яна бошқача маъно ва қадр-қиммат касб этгандек бўлди; қўзига чиройли кўриниб, шу билан бир вақтда ҳаётига хавф солувчи ёвуз нарсага ҳам ўхшаб кетди. Бу ҳис-туйгулар аралashi уни эҳтиёт билан ҳаракат қилишга, хатларни четроқда, бегона кўздан йироқда сақлашни таъкидларди. Ҳонасида қолдиришни лозим топмай, яхшилаб юмшоқ қоғозга ўради-да, ёнига солиб олди.

Эртасига капитанни учратиб, таржима қилол-маслигини очиқ-ойдин айтди. Бундай жавобни хаёлига келтирмай, таржимани бугун-эрта кутиб тур-

ган сичқонтиш бирдан жар олдиdan чиқиб келган одамдек қотиб қолди. Бу оддийгина жавоб әмас. Шоҳгадонинг феъли айниб, нияти бузилганини кўрсатарди. Гарчанд, капитан ундаги ўзгаришни ўз кишилари орқали анчадан бери кузатиб, билиб юрган бўлса ҳам унинг топширигини рад этарли даражада бунчалик ўзгариб қолганидан бехабар эди. Билдики, Шоҳгадонинг бу жавоби оддийгина жавоб әмас, бунинг тагида янада зўрроқ гаплар бўлиши керак. Ахир Шоҳгадони у энди кўраётгани йўқ. Бир неча йиллардан бери қўйдек ювош, баррадек юмшоқ ходим эди. Ҳеч қачон унинг гапини иккита қилган әмас. Аксинча, ундан доим хотиржам эди. У ҳеч қачон баъзи бирорларга ўхшаб маҳмадоналик қиласвермас, енгил-елпи ҳаракатлардан ўзини тияр эди. Ҳозир қаршисида турган йигит асти у әмас, унга ўхшамас эди. Кишининг бундай ўзгариб қолиши учун жуда зўр сабаблар бўлиши керак. Бу катта сабаб хатларгина әмас, албатта. Бунда ёт қўл йўқми? Бу бехабар бўлиб, унга «бегона» тузоқ қўймадими? Унинг бу хатти-ҳаракатини дабдурустдан қайириб, йўқотиб бўлмайди. Олдин тубига етиши керак. Тўғри, у Шоҳгадодан хатларини сўраганда унинг узоқни кўзлаган режаси бор эди. У Шоҳгадонинг хотинидан келадиган хатларни ҳам разведка йўли билан фойдаланмоқчи эди. Шу мақсадда у ёқقا юбориладиган хатларнинг махсус матнларини тайёрлаб, уларни керакли даражада ишлаб чиқиш учун мутахассисларни жалб этиш мўлжалланган эди. Модомики, Шоҳгадо ҳалитдан келган хатларни таржима қилиб кўрсатишдан бош тортаётган экан, бунга алоҳида тадбир керак.

У ўз касбига хос вазминлик билан ходимини кўздан кечирди. Гўё ортиқча бир нарса эшитмаган кишидек хотиржамлик билан сўради:

– Сабаб? Ичида бирор гап бор эканми?

- Йўқ.
- Бўлмаса нега рад этяпсиз?
- Лозим топмадим.
- Қизиқ. Сиз бунақа эмас эдингиз, Шоҳ, ўзгариб қолибсиз.
- Эҳтимол, - елкасини қисди Шоҳгадо. - Вақт ўтапти, кишининг ўзгариши турган гап.

Шоҳгадонинг бепарво жавобигина эмас, туриш-турмуши ҳам ҳар вақтдагидан ўзгача эди. Сичқонтиш ичидა ҳайрон бўлса-да, ташига чиқармади. Кўнглида: «Faflatda қолибмиз шекилли, бунинг қаноти чиқиб қолибди», деб қўйди. Ҳозир, шу дақиқада, гапни чўзмасликни лозим топди.

- Ихтиёрингиз, Шоҳ. Лекин у ёқдан келадиган ёлғон-яшиқ гапларга ортиқча аҳамият бермаслигинизни илтимос қиласадим. Унда совет разведкасининг қўли йўқ дейсизми? Яна қон қақшаб, кейин пушаймон еб юрманг. Сиздан олдинроқ алдангандарнинг суюги Сибирда чириб битди. Бола-чақаси беватан бўлиб аллақаерларда дайдиб юрибди.

- Ёлғон! Ёлғон! - деб юборганини Шоҳгадонинг ўзи ҳам билмай қолди. Буни капитан ҳеч ҳам кутмаган эди.

- Нима, қайтмоқчимисиз?

Шоҳгадо энди ниятини очиқ-ойдин қилди:

- Шундай! Қайтмоқчиман. Ватангандолик жонга тегди. Бахтимдан кўрдим.

Сичқонтиш дарров тўнини ўзгартириди:

- Шуни айтмайсизми, биродар! Мен бирор нарсадан кўнглингиз олинибдими, кам маош тўлаётган эканмизми, деб хаёл суриб юрибман. Бундай денг! Бу бошқа гап. Биз бўйнингиздан боғлаб ишлатмаётганимиздек, олдингизга ғов босиб, йўлингизни ҳам тўсмаймиз. Бир оз сабр қилинг. Маслаҳатлашайлик. Шундайми? Вокзалда ўтирганимиз йўқки, дуч келган поездга солиб юборсак.

Аъзам келганда ана шу сухбатнинг бўлиб ўтганига энди бир ҳафта бўлган. Шоҳгадо ишга қўли бормай, фикри-хаёли уйида, бола-чақасида кезиб юрган вақт эди. Шунинг учун Аъзамни у билан таништирмоқчи бўлган сичқонтиш:

— Шу кунда уни шайтон йўлдан уриб юрибди, васвасага тушиб қолган. Ҳамма гапига ишонаверманг, — деб огоҳлантириши унутмади. Ҳужжатлари билан танишиб чиққач, ҳатто унга топшириқ беришга киришди.

— Сиз советдан қочиб келдингиз, шундай масми? Жонингиздан зулм ўтганки, қочгансиз, шундайми?

— Аъзамнинг тасдиқлашига кўзи етганидан жавобини кутиб ўтирумади, давом этаверди, — шундай бўлгач, айтинг бу нодонга, сиз қочган тузоққа у тушмасин. Сибирни кўрмаган бўлса, кўрсатишади. Биз гапирсак, албатта, ишонмайди. Сиз ўз оғзингиз билан айтинг, тушунтириинг. Жиндай қўшиб-чатсангиз ҳам ҳеч нарса қилмайди. Яхшилик йўлида ёлғон гапириш гуноҳ эмас.

Сўнгги кунларда етти ухлаб тушига кирмаган воқеаларга дуч келаётган, дуч келган сари кўзи очилиб бораётган Аъзам бу топшириқнинг нималигини дарров фахмлади. Бир томондан ўзига ишониб, шундай масъулиятли топшириқни берилаётганидан ичиди: «Бу ерда ишим тузук бўладиган кўринади, ҳалитдан менга суюняпти», деб керилди. Ўша бир ҳафталик каталак унинг юрагини олиб қўйган, эсига тушган сари тирногигача муз югуради. Кейинги «расмиятлар»дан сўнгра ўзининг оёқ-қўли француз разведкаси томонидан чийратма иш билан чандиб ташланганини, бундан қутулиш иложи асло йўқлиги, энди бирдан-бир йўл мутелик билан хизмат қилиш эканини у яхши тушунарди. Шунинг учун сичқонтишнинг уқтиришларини одатдаги гапдек эшитди ва қўлидан келганича уриниб кўражагини билдириди. Шоҳгадо билан мамнун кишилардек

танишиб, сертакаллуф бўлди. Илк сухбатларданоқ фаҳмладики, юртини, бола-чақасини соғинган, ватангдолик жонига теккан бу йигит йўлида тош келса кемириб, сув келса симириб бўлса ҳам ўз нијтига етмоқчи. Кечқурун бирга нонушта-қилишар экан, Шоҳгадо Аъзам қутган саволни берди:

- Юртдан чиққанингизга қанча бўлди, жўро!
- Яқинда.

– Нима жиноят қилиб қочдингиз? – дангал сўради Шоҳгадо. Унинг наздида ўз юртидан, айниқса, Ўзбекистондек жойдан бир катта жиноят қилган, унинг охири ўлим билан тугайдиган бўлсагина, жон талвасасида қочиш мумкин эди. Аъзам сичқонтиш берган қўлланма билан жавоб қайтарган эди, Шоҳгадонинг жони-пони чиқиб кетди. Гарчанд, тили билан ножӯя гапириб, қалтис бир ҳаракат қилмаган бўлса ҳам, қараши, ўзини тутиши: «Бу кунингдан ит бўлиб, п... есанг бўлмайдими! Сендан балчиқда ётган чўчқа яхши, кўрнамак! Садқайи одам кет! Шу аҳволда яна бош кўтариб юрибсанми?! Ҳайф! Ҳайф!» деган маънени англатиб турарди. Аъзамга бу ҳақорат қанчалик оғир бўлмасин, сурбетларча чидам берди. Бошқа қандай илож бор!

– Мана қидирган жаннатингиз шу ерда, маза қилиб бундан буён яшайверасиз. Вино сероб. Қизлар келиб туради. Француз қизларининг таннозлигини эшитгансиз, албатта! Менга ўз қишлоғимнинг чанги маъқул. Мушуги – шер, гиёҳи – чечак. Ҳаммаси ўғлимнинг «Дада, дадажон!» деб бўйнимдан бир қучоқлаганидан ўтиб кетаверсин. Ёмон бўлса ҳам ўз юртим яхши. Пешанамдан кўрдим.

Шоҳгадонинг пичингли бу ҳақ гапига Аъзам ичидан берса ҳам, зоҳиран билдиришни истамади. Кўз олдига юртида юрган кезлари келиб, юрагининг аллақаери «шув» этгандек бўлди! Наҳотки, бу соғиниш! Ҳалитдан-а?! Лекин кўнгли қурум босган мўридек қоп-қора эди!

Аъзам Шоҳгадо билан бўлган бу сухбатини оқизмай-томизмай сичқонтишга еткизган эди, нишли энгагини чўққайтириб лабларини чирт қисди, оғир ўйланиб қолди. Унинг юрагида аллақандай ёвуз кучлар ғалаён қилаётгани қисиқ қўзларидан кўриниб турса ҳам, сир бой бермади. Ахир у ҳамма нарсани бу қархисида турган йигитга ишонавермайди: у бугун қўзилик ювош, ким билади эртага нима қилиқ чиқариб, тулкига айланадими, шергами! Буларнинг тилини қисиб, бошида калтак ўйнатиб турмаган ютқизади. Мана биттаси, шунча йилдан бери тўтидек нима десанг, шуни қайтарар эди, бугун калхат бўлиб кўзингни чўқимоқчи! «Юртимга кетаман!» дейди. Кетса кетаверсин, ундан нарига ўтиб кетмайдими! Лекин у ҳазилакам сиримизни билмайди. Уларнинг разведкаси қўлига тушса борми, жиққа ёғ-а! Аслида ўша бошлаб хат олишида қайириб ташласа бўлар экан! Ундан фойдаланамиз, деб гафлатда қолди-да! Оқибати мана бунақа ишқал бўлиб ўтирибди. Барибир ҳали ҳам кеч эмас. Ахир уларнинг розилигисиз қуш бўлиб осмонга учиб кетмайди-ку!

Сичқонтиш янги келган Аъзамнинг кўнглига ғулфула солмаслик, қолаверса, унга ишонмаганидан юпатиб қўя қолди:

— Зоримиз бор, зўримиз йўқ, биродар! Текинга ишлаётгани йўқки, энди нима қиласмиз десак. Ҳафтада кафтини тўлатиб пул санаб турибди. Бу пул у ёқда қаёқда! Майли кетса, кетаверсин. Ўрнига одам топилади. Ҳали бу кунларини эслаб, шунақа ўқинадики... тушиммиди деб юради. Майли, кетаверсин. Хўш, сизнинг ишларингиз қалай? Кўнишиб қолдингизми? Ҳеч шошманг, бизнинг ишда шошма-шошарлик айниқса кетмайди.

Аъзамнинг иши ҳам Шоҳгадоникига ўхшаган мониторлик – оператив таржимонлик. Фарқи ўзини у Тошкент, Боку, Олмаста, Ашхабодни эшитади.

Плёнкаларни тартибга солади, яна бир киши билан бирликда жуда керакли ерларини алоҳида ажратиб, бошлиғига хабар қилади. Иши жуда ҳам оғир бўлмаса-да, ҳарбий интизом жуда кучли эди.

Сичқонтиш юрагидаги галаённи яширадиган бир сохта табассум билан Аъзамнинг ишларига муваффақият тилаб, қўлинни олар экан, ўсмоқчилагандек тегишли.

— Сиз ҳам энди иш ўрганганингизда юртингизни соғиниб қолмасангиз эди, — деди у, лекин жавобни кутмасдан Аъзамни тинчтди, — аминманки, сиз бу тентакликни қилмайсиз!

* * *

Шоҳгадо юртига қайтишга узил-кесил розилик олди. Ҳатто унинг шунча йиллик хизматларини тақдирлаб, то чегарагача бўлган харажатни кўтадиган бўлишди. Кичиккина йигинда оқ йўл тишаши. Шоҳгадонинг оғзи қулоғида. Ҳар кўрганда Аъзамга «Хом ўйлагансиз» деб қўяди. Аъзамга жони ачиётгани яққол кўриниб турарди.

Шоҳгадонинг жўнаш куни етди. Баъзи бирор «Хотинингга, ўглингга тузукроқ совға ол, бу ёқники тансиқ!» деса ҳам, «Улар учун ўзимнинг боришимдан зўр совға йўқ» деб рози бўлмади. Ундан бахтли одам йўқ эди!

Лекин сафар олдидан ювиниб олмоқчи бўлиб, ваннага ўз оёғи билан кирди-ю, у ердан ўлигини замбилда олиб чиқиши! Ваннада «юрак касали» тутиб, ҳалок бўлибди...

Бирор ишонди, бирор ишонмади. Аммо «ҳурмати» ни келтириб кўмиши. Қабри устида сичқонтиш:

— Ажойиб ходим эди! Афсус, оиласи билан дийдор кўришолмади! — деди. Бироқ унинг кўзими, пирпираб турган лабими, ишқилиб, аллақаери «Ои-

ласи билан дийдор күришгани қўймадинг-ку!» деб унга имо қилаётганга ўхшарди.

Аъзам эса, ҳеч нарса тушунмай, «Бунинг ўлими қизиқ бўлди-ку!» деб бақрайиб турарди. Лекин кўзидা ёш бор эди.

18

АВРААШ

Қоплонбекнинг фикрича, Таманно совуқ сув эмас, қайноқ сув. Симириб ичаман деганинг тили куяди. Шунинг учун у шошмасдан, аста-аста ҳўплай бошлайди. Севдирадиган ҳам тил, бездира-диган ҳам тил, деб кўнглидан ўтказган Қоплонбек Таманно кириши ва отаси ёнига ўтириши биланоқ отчакак юзидан табассумини аритмади, бир луқумини маза қилиб ютиб, кейингисидан умидвор бўлган лайчадек бит кўзини гоҳ ундан, гоҳ Ҳожидан узмади. Улар оғзидан чиққан ҳар сўзни коптоқдек эпчиллик билан илиб, билимдонларча жавоб қайтаришга, шу билан ўз фикринигина эмас, ақлини, кўпни кўрганини, тадбиркорлиги ва уқувини на-мойиш қилмоқчи бўларди.

Стол устидан шоколад олиб, бир четини ирими-гагина чимтиб тишилаган Таманно, оппоқ тишилари-ни кўз-кўз қилаётгандек кулиб сўради:

— Яна бир-икки кунгами?

Тухум қилмайдиган товуққа дон бермайдиган Қоплонбек уни кўриш ва суҳбатлашишдан ўта миннатдор кишидек мамнуният билан дон сочди:

— Агар сиз қаршилик қилмасангиз беш кун турмоқчиман.

— Марҳамат, жаноб! Истаганингизча туришин-гиз мумкин. Бу шаҳру оламга ҳамма сигади. Фақат баъзи давлат арбобларигагина торлик қиласиди.

— Йўқ, йўқ, хоним, янглишасиз, — деб қаршилик билдириди Қоплонбек ва самолётда бўлган суҳбат-

ни эслади ва шу билан бир вақтда суҳбатдошининг муҳофазасига қойил қолди. Қоплонбек ўша вақтда гидек ўз фикрини қувватлашга киришиди.

— Шуни унумтмангки, хоним, тўқай устида айланиб юрган она лайлакнинг хаёли бола-чақасида бўлгандай у буюк арбоблар доим халқини, халқларни ўйлади.

— Демак, Гитлер ҳам шундай эди, демоқчисиз.

— Ҳеч шубҳасиз! Ҳатто у ғояси йўлида уйланмай ўтди.

— Ева Браун ким эди, унда?

— Биласизми, хоним, мени кечирингу, эркакда баъзан хотин киши билан суҳбатлашиш, унинг ёнида ўтириш, хотин-қизларгагина хос иффат ва назокатни ҳис қилишга руҳий муҳтожлик бўлади. Ева фюрер ҳаётидаги ана шу бўшлиқни тўлдирувчи хилқат эгаси эди, холос. Ёлғиз умрининг сўнгги кунинигина у ўзига бағишлаб, никоҳга кирди.

Таманно унинг фикрига қўшилмаса ҳам, тузялаган тузлигининг ҳурматини қиляпти, деб ўйлади-да, меҳмонлик ҳурмати юзасидан қайд этди:

— Ҳар ҳолда сиз у тўғрида ўзгача фикрдасиз.

— Бу фақат менинг фикрим эмас...

Ҳожи унинг сўзини бўлди:

— Сизга ўхшаш фикрдагилар кўпми?

— Кўп! — қатъий деди Қоплонбек. У кўп эмаслигини билса ҳам аламзадалигидан тан олмасди. — Ҳар ўлкада топилади.

— Бу гапингиз тўғри, ҳар мамлакатда топилади, лекин кўп эмас.

Киши астойдил меҳр қўйган ва унга хизмат қилган ғоясини доим энг тўғри ва кенг тарқалган, жилла бўлмаса, тарқаладиган деб ҳис қиласди. Худди шундай Қоплонбек ҳам гитлеризмнинг ҳалок бўлганини ўз кўзи билан кўрган бўлса ҳам, тан олмас, устига мушт тушган симобдай сочилиб туйнукларга кириб кетган, вақти келса, яна бир бутун ҳолга келадиган

куч деб тушунади. Унинг истиқболи ҳақидаги гап, қайси шаклда бўлмасин, доим унга қандайдир ҳузур бахш этади. Шу йўлгина ватанимнинг мен учун бекитиб, тамбалаб ташланган эшигини очади, деб ўйлади. Бу эса, унинг олий нияти.

Суҳбатнинг чуқурлашиб, мезбонларнинг ихлосини қайтариб қўйишдан чўчиган Қоплонбек, гарчанд бу ҳақда ётиб тортишишга тайёр бўлса ҳам, ўзини қўлга олди, ҳазилга кўчди:

— Аниқ маълумот олиш учун Америка жамоат фикрини билиш институтларига мурожаат этмоқ лозим бўлади.

— О, катта кетдингиз, мсье, — юзига кулги сочилди Таманнонинг, — бусиз ҳам аниқ. Сизга қолса, бунақалар юртингизда ҳам бор, ҳатто.

— Топилади! — отдан тушса ҳам эгардан туўшмади Қоплонбек.

— Тўғри, топиш мумкин, лекин юрт тупроғидан ташқарида.

Қоплонбек Таманнонинг қочиригини тўғри туўшунди, отчакак юzlари маъноли жилмайди.

Ўзи қачонлардир тарқ этиб чиққан ватанига доир сиёсат билан кўпроқ шуғулланган Ҳожи, икки ёшнинг сўзларига қаҳрабо тасбеҳини ўгириб, қулоқ солиб ўтирди-да, мийигида кулиб якун ясаган бўлди.

— Йигирманчи аср шунақаки, сиёсат билан эркак-хотин баробар шуғулланади. Шунинг учун ҳам дунё иотинчми дейман-да!

— Фақат шу учунгина бўлса биз хотин-қизлар асли сиёсатга аралашмасликка сўз берардик. Афусски... Шуни унумтсангки, дада, бизнинг қалбимиз юмшоқ. Юмшоқ қалб урушқоқ бўлмайди.

— Ундей бўлса, аксинча, сенларга топшириш керак экан!

— Ҳа, нима! Уйда бола йиғласа она тез овутадими, ота? Дунё ҳам катта оилада. Тўғрими, Қоплонбек?

— Тўғриликка тўғри-ю, — ҳазилга олди у, — элакка чиққан хотиннинг әллик оғиз сўзи бор, дегандек, иккита давлат бошлиғи хотин учрашиб қолса, сухбату музокара бир йилга кетди денг!

— Музокаранинг охири ҳам модага бориб тақалиб, тамом бўлса керак! — Ҳожи ҳам тасбеҳ ўтиришдан бир зум тўхтаб чертди.

— Бомбадан мода ҳақидаги гап минг марта яхши,
— деди Таманно.

— Давлат бошлиқлари мода ҳақида сўзлашса уятда, қизим.

— Бомба ҳақида, битта бомба билан қанақа қилиб кўпроқ одамни қириб ташлаш ҳақида, қайси халқ қайси халқнинг елкасида кўпроқ миниб ўтириши ҳақида гапиришса уят эмас-ку, мода ҳақида... Қўйинглар-эй, минг қилса ҳам эркакларсиз-да, хотин аҳлини тан олгинглар келмайди. Шуни билингларки, хотин гапига қулоқ солган эркак ютқизмайди!

Кейинги жумла Таманнонинг ўз шахси ҳақида здики, буни Ҳожигина тушунди. Бу унга таъна эди. Ҳожининг қалби зирқираб кетди. «Наҳотки, у ҳали ҳам ўша французини унутмаган! Мендан норози бўлса!» деб кўнглидан ўтказди. Қўлидаги тасбеҳининг бир донасини икки бармоғи орасида ушлаганча тўхтаб қолди.

— Ақли-ҳуши бутун хотиннинг гапига дегин, қизим, — деди Ҳожи. Бу билан у «сен ёшсан, ҳали эсингни таниб олганинг йўқ, шунинг учун мен терагаб туришим, йўлга солиб туришим шарт. Измимдан чиқсанг нодонлик, ўзбошимчалик бўлади, сен мендан хафа бўлма!» демоқчи эди. Таманнонинг қараashi эса, бу маънони тушунмаганидан, ҳатто тушуниш нияти йўқлигидан кафиллик бериб турар эди.

Хайрлашаётуб Ҳожи деди:

— Бек, биз ҳам мусоғир. Атайлаб бўлмаса ҳам, йўлингиз тушганда кириб туринг. Сиёsat бўлма-

са, соғинган юртимиз, боғи-роғи, мева-чеваси, ўт-ган-кетгандан гаплашиб туралы.

— Раҳмат, Ҳожи ота! Сизлар билан танишганимдан бениҳоя мамнунман.

— Биз ҳам! Сизни кўришга доим муштоқмиз.

— Мен бўлсам, энди сизнинг ғацингизга тегадиган гаплардан сўзламасликка сўз бераман. — Таманнонинг бу нозу карашмали сўзини ўзига отилган гулдек дарров илиб олган Қоплонбек, бўш келмади:

— Шубҳасиз, дунёда қанча қизиқ гаплар бор. Ҳар одам ҳақидаги миш-мишларнинг ўзи бир ҳафтага етади.

— Ҳали ўғлимиз Абулбарака билан танишганингиз йўқ. У ҳам ўз ўрнини сотиб оладиган йигит.

Ҳожининг бу гапи Таманнонинг ер остидан отасига қарашта мажбур қилди, чунки ота-бала ўртасидаи ўтиб турадиган гармселлардан унинг хабари бор эди, албатта.

— Бизнинг акага ўхшаган бу атрофда йўқ, — деб аксинча уни улувлаб қўйди.

Ҳожининг туришида эса, сен иккала ака-сингили мени бот қаритяпсанлар. Соқолимдаги кейинги оқлар сен туфайли, деган маъно бор эди.

Бу илтифотлардан кўнгли ёзилган Қоплонбек бу хонадонга серқатнов бўлиб қолди. Бунинг учун баҳона доим топилади: радиодан эшитган бирон янгилик, айниқса, Туркистонга доир янгилик жони-дили. Оёғи ерга тегмайди, чунки бундай янгиликлар биринчидан бойнинг табиатига мос тушса, иккинчидан ўзининг баҳрини очади. Албатта, бу янгилик ёки хабарга дарров «ўз таҳрирни» киритади, сухбатга лойик қилиб олади, қўшиб-чатади. Ҳар борганде Ҳожининг кўнглини овлашта уринади, унинг юрагига қармоқ солиб боқади. Баъзан ниятидан учқунлар чақнатиб қўяди. Лекин нима учундир Ҳожи парво қилмайди. Ҳатто Қоплон-

бек ниятига яқинлаштириб қўйган сухбатни кичик бир ҳаракат билан узоқларга улоқтириб ташлайди. Шунда ҳам у бўш келмайди, суркалиб бораверади. У худди чўзиб турилган резинага ўхшарди, Ҳожи сал-бўш қўйди яна -у-ҳолга-қайтмоқчи бўларди. Ҳожи эса, ё билиб, ёки билмасдан доим уни чўзишга уринарди. «Қари билганни пари билмайди» деган қарорга келган Қоплонбек Ҳожининг нозик ҳисларини эркалашга киришди. У бир келишида кафтдаккина Қуръон ола келди.

— Бу мендан сизга мукофот, Ҳожи ота, — деди кибрланиб у ва китобга бўлган ҳурматини билдириш учун икки кафти устида икки букчайиб узатди. Худди шундай иззату икром билан Ҳожи қаҳрабо тасбехи устига икки қўллаб олар экан, яшнаб кетди, лаби билан ўпид, пешанасига суртди. У бу нусхани кўрмаган эди. Чиндан ҳам у курсанд бўлди:

— Раҳмат, азизим, бошимни осмонга етказдингиз, бу инъом эмас, газнайи каромат.

Ҳожи Қуръоннинг ихчамлигини, безагини, салмогини кўздан кечирди, кейин унга бириктирилган жажжи лупа билан дуч келган ерига кўз ташлади. Бир маҳаллар ҳижжалаган, қироатини келтираман деб, неча тунларнинг баҳридан ўтган таниш сатрларни шариллатиб ўқиб кетди.

— Жуда яхши! Бемалол ўқиса бўлади! — деб маъқуллаб қўйди. Кейин унинг тарихини суриштириди. Ўз тадбиридан такаббурона мамнун қулиб турган Қоплонбек бутун тафсилоти билан, ҳатто шу ернинг ўзидаёқ эсига келиб қолганини ҳам қўшиб-чатиб ҳикоя қилиб берди. У бу ёлғонларни шунчалик ҳунар билан баён қилдики, Ҳожи қўлида оддий Қуръон эмас, тенги йўқ мўъжиза тургандек яна бир сидра кўз югуртириб чиқишга мажбур бўлди. Қоплонбек ҳикоясини шундай якунлади.

— Уруш охир бўлиб қолган Совет босиб келяпти. Ўзимнинг легиондалигим етмагандек, қўйнимда

ушбу каломууллойи шариф. Кўплар формасини ечиб ташлаб қочяпти-ку, мен Қуръонни ўйлайман. «Кел, нима бўлса, бўлди», дедиму, олло таолонинг ўзига ёлвордим. Сув ўтмас қофозга ўраб, қўлтиқ тумор қилиб ичимдан тақиб олдим. Сифинганим олло таолонинг ўзига маъқул тушдими, шунча қирғин-тўполондан гард юқмай ўтсам-а!

— Сизнинг бу олижаноблигингизга худонинг раҳми келган, азизим. Худо азиз тутган қулини бандаси хор қилолмайди. Астойдил сифингансиз-да.

— Ҳеч шубҳасиз, тақсир! — деди Қоплонбек кўксига қўлини қўйиб. У тадбирининг бунчалик самара беришини ўзи ҳам кутмаган эди. Энг нозик еридан олдим, деган Қоплонбек яна отини суриб кетди.

— Ўзи ҳам Истанбул нашри, тақсир! Отахонимиз Вали Қаюмхон олиб келган эканлар, беш-ўнтағина художўй, покиза йигитга инъом қилган эдилар.

— Мана кўриб турибмизки, адашмаган экан у киши. Ҳам у киши савобда, ҳам сиз. Қолаверса бу ёғидан биз манфаатдор.

Бу мақтovлардан кейин китобча Ҳожига жуда ёқиб кетди шекилли, энди нашр қилган юртни мақтаб қолди:

— Офарин! Офарин, Усмонли туркларига! Ислом юрти, деб шуни айтадилар. Каломуулло шариф нашрига шунча диққат қилиб, ҳаммавақтбоп чиқаридими, бу имони пухталигидан далолат, дўстим.

Ўтган ҳафта бир танишиникида кўзига яхши кўриниб, секингина чўнтағига солган, кейин Ҳожига инъом қилиш хаёлига келган бир китобчадан шунча даромад кўрган Қоплонбек, эшилиб кетди, завқи ошиб, Ҳожининг кўнглига чуқурроқ ўринашиб олиш пайига тушди.

— Мұхаммад Мустафонинг суратлари ҳам бор-а, кўрганмисиз?

— Йўғ-э! — ажабланди Ҳожи Қуръонда суратга тушиш ман этилганини эслаб. Лекин Қуръонни

шунча қийинчиликлардан ҳам тишида тишлиб ўтган одамнинг ёлғон гапиришига қатъий шак келтиролмади.

Қоплонбек эса, бир-маҳал қаердадир қулогига кирган гапни айтиб қўйганидан, бунинг устига Ҳожи очиқ рад этмаса ҳам шубҳа остига олганидан шошгандек бўлди. Сиртлон сиртидан сирини бермас маталига амал қилиб, бўш келмади:

— Тушган эканлар. Ёки кейин олишганмикин? Ҳар ҳолда расмлари бор. Муборак соchlари елкаларига тушиб турибди. Ўзлари ҳам худди сизга ўхшайдилар, Сизни илк кўрганимдаёқ ўша сурат эсимга тушган эди.

— Йўғ-э, ундоқ эмасдир, — Ҳожига хуш ёққандек бўлди, — у киши ҳеч кимга ўхшамасалар керак, ўхшамасликлари лозим.

Ўзининг пайғамбарга ўхшашлигидан Ҳожи ич-ичида мамнун бўлса ҳам, сал қаршилик билдириши яна сухбатдошини чўчитиб қўйди. «Йўқ, сизга ўхшайди» деб қатъий айтмоқчи бўлиб турганда, яна Ҳожидан тап тортди:

— Эҳтимол, мен адашарман.

— Адашасиз, бўтам, адашасиз! У кишига олло таолонинг назари тушган, у кишига ҳеч ким ўхшамайди.

Қоплонбек энди нафасини ичига ютди, сукуутга кетди. Кутмаганда Ҳожининг ўзи:

— Лекин бир кўриб, тавоб қилсак, савобдан холи бўлмас эди! — деб қолди.

Қоплонбек эгаридан тушган йўрғасига дарров минди:

— Бемалол! Бемалол, Ҳожи ота. Мен ўша ўртоғимдан бир суриштириб кўрай, шояд бегона қўлга ўтиб кетмаган бўлса!

— Яхши бўларди. Мабодо, ўзига жудаям... бизга ўтқизсин, рози қиламиз.

— Хўп бўлади. Албатта суриштираман.

Шу баҳона бўлди-ю, Қоплонбек яна бир куни Ҳожига учрашиди. Бу гал уни пойабзал магазинидан топди. Ҳожи улкан магазиннинг бир четидаги ойнаванд кабинетида катта-кичик дафтар, қоғоз, қўш телефон орасида уддабуро кишиларга хос тийраклик билан ўтиради. Қоплонбек уйида кўриб юрган юмшоқ, майин, содда, художўй Ҳожига сира ҳам ўхшамас эди. Қоплонбек пайғамбарнинг сурати бегона қўлга ўтиб кетганини, яъни ҳаждан қайтаётган бир одам қўймасдан фалон пулга олиб кетганини ачиниш билан эшилтирганда Ҳожи «чакки бўлибди» деб қўя қолди, ортиқча қизиқмади ҳам. Бу Қоплонбекни ҳайрон қолдирди. Бу тўқиган ёлғонининг этагига яна ваъда уруфини сепмоқчи, шу билан учрашиб туришга хамиртуруш ташлаб кетмоқчи эди, Ҳожи ишдан бўшамади.

Қўлида бир неча рангли йўғон шарик ручка. Гоҳ у рангини, гоҳ бу рангини чиқариб, олдидаги даста қоғозларга алланималар ёзади, белги қўяди, имзо чекади. Олдига кирганлар билан гапи жуда қисқа. Бирдан бир нима эсига тушгандек бурама шнурли, пардозланган файл суюгидек оппоқ телефон трубкасини олиб, ким биландир йўлга чиқсан молининг ҳалигача етиб келмаганини зарда билан гаплашди. Ҳатто:

— Огоҳлантириб қўяй, икки-уч кундан кейин модадан қолиши мумкин. Нархи тушиб кетади. Қабул қилмайман! — деб таҳдид ҳам қилди трубкани илаётиб, яна ўзича пўнғиллаб қўйди. Шу кайфияти сабаб бўлдими, қоғоз титишдан тўхтади. Бирдан телефон жиринглаб қолди: «Лаббай!» дейиш билан бояги тундлик юзидан пардадек бир зумда сидирилди. Юз-кўзига табассум зарралари сочилди. Ҳатто трубкани қандайдир бошқача ушлади.

— Жоним билан, хоним. Сизга манзур бўлади-ку, курсанд бўлмаймизми? Ҳозир етқизади.

Ҳожи трубкани қўяр-қўймас гумашталаридан бирини кнопкa босиб чақирди. У кириши билан:

— Кеча очилган молдан бир нусха олиб кел! — деди. Зинғиллаб чиқиб кетган гумашта, бирпасда қўлида бир қофоз қути олиб кирди. Ҳожининг очишини кутмасдан, ўзи эпчилик билан ичидан юмшоқ хитой қофозга ўралган бигиз пошна, чиндан ҳам эринмаган устанинг ҳунари бўлган оппоқ туфлини олиб, хўжайинининг қўлига такаллуф билан тутди.

Ҳожи уни энди кўраётгандек сукланиб боқди, кафтига қўйиб гулчини орқали ингичка учига назар ташлади. Нима учундир, салмоқлаб кўрди. Остини ағдариб, чармидаги «Андре» тамғасини ўқиб туриб, ўқинди:

— Асли ўшанда ҳаммасини олиб қўя қолсам бўлар экан. Харидор инжиқ, таъби нозик. Нимани ёқтириб, нима иқига ўтираслигини олдиндан билиб бўлмайди. Бўлмаса-ку... Яхши кетди-а?

Гумашта бош иргади.

— Аттанг! Хўш, майли! Ҳозир Париж билан боғланишаман. Мабодо қўллик бўлиб кетмаган бўлса, у қолганини ҳам ўзим оламан. Сен буни ҳозир Адлия саройига етқиз. Йўқ, яхшиси уйларига элтиб бер. Адлия министрининг кенжа келинларига ёқиб қолибди. У кишининг кийгани, бутун шаҳарга расм бўлгани!

Гумашта туфлини аслидан ҳам қелиштириб қуттичага солди. Ип билан боғлаётган эди, Ҳожи қўлини силтади:

— Ипак лента бор-ку! Қачон сенларга ақл киради.

Гумашта чиқиб кетиши билан типпа-тик турган Қоплонбекни энди кўриб қолгандек:

— Келинг, ўтиринг! — деди. Унинг ўтириш-ўтираслигига аҳамият бермасдан «ишқилиб, лаънати бетовфиқ, сотиб қўймаган бўлсин-да» деб трубкага қўйл чўзди.

Қоплонбек билдики, Ҳожининг иши тугаб, у билан гаплашадиган эмас. Шунинг учун бояги баҳонасини яна тақрорлаган эди, худди боягидек бепарвоник билан Ҳожи:

— Аттанг! — деди холос. Аввалги қизиқишидан асар ҳам йўқ эди. Ўсал бўлган Қоплонбек «ўзи нима гап, орқамдан бирортаси латта тутатдими?» деганича чиқиб кетди.

Ҳозир Сайдакбар ҳожининг имони пул бўлиб турганини Қоплонбек тушуниб етмас эди!

19

«БОЙ ХОТИН»НИНГ САРГУЗАШТИ

Нафиса йўқолган ўтмас тангадек Аъзамни эсдан чиқариб, сирдош ўртоқлари учрашганда «Эрингдан дарак йўқми?» деса, «Эрим сариги иккита тухум қидириб кетган. Топмагунча-келмайди», деб хандон солиб, дардининг яралари битиб кетган кез эди. Азимхўжаев катта кўчанинг оғзида турса, тўқими бошқачароқ бир жувон келаверди. Аввалига, бирортасининг меҳмонидир, деб ортиқча эътибор бермади. Лекин бунақа меҳмон кимникига келиши мумкинлиги хаёлинни банд қилди. Ҳар ҳолда бу атрофнинг кишиси эмас, шаҳардан чиққан. Шаҳарда ҳам булар бурундаги холдек ажralиб туради, кўзга ташланади: Қошга қалин тортилган ўсма, бесўнақайлиги билан эркак диққатини тортса, жингалак гажак ва қийшиқ очилган парқ шу диққатини бузуқ ўйларга олиб боради.

Атрофда киши бўлмаганидан жувон тўғри Азимхўжаевнинг қаршисига қараб йўл тутди. Сал нарида бепарвогина тўхтаб, аввал Умматалини сўради. Уни тоққа, моллар олдига кетганини, бугун-эрта қайтмаслигини билгач:

— Бөғчанглар қаерда? — деди.

Кишилар билан муомала қиласвериб, одамларнинг миридан-сиригача биладиган бўлиб кетган Азимхўжаев дарров фахмлади: бу сатанг Умматалининг хотини. Бу чиқиб келиши яхшиликка эмас. Турқи бузук. Жуда бўлмаганда оғзи шалоқ битта-яримта хотинга маза-бемаза гапларни айтиб, бир йилга эрмак ташлаб кетади. Энди қаддини кўтариб, боғчани анча йўлга қўйиб олган Нафисани эса, қон йиглатиб, дилини сиёҳ қилиб кетади. Ўттиз икки тишли оғиздан чиққан гап, қирқ элатли юрга тарқалгандек, Умматалий билан Нафиса ўртасидағи муносабат ҳам, албатта, бунинг қулогига етган. Етгану хотинлик нафсониятига тегиб: «Тўхтаб тур, сенларни бир шарманда қилиб, этагингни бошингга ёпиб келмайманми!» деб келгани бу. Бўлмаса шу вақтгача бир чиқмасмиди! Худди шундай!

Қимматхон қовоғидан қор ёғиб, қасд қилган одами қўлига тушса, ғижимлаб ташлайдиган бир алфозда яниб турарди. Азимхўжаев бир кўнгли, ўзини танитиб, яхшилик билан насиҳат қилиб жўнатиб юбормоқчи бўлди. Лекин уни бошдан-оёқ кузатиб туриб, турқи-авторини кўриб, бундан яхшилик чиқишига кўзи етмади. Икки ўртада шарманда бўлиб қолиши мумкин: «Хизматчиларинг бузук, ўзинг қўшмачисан!» дейиш ҳам бу маҳлуқка ҳеч нарса эмас. Яхшиси...

— Ҳозир, — деди Азимхўжаев директорлик салобати билан. Тезгина магазинга бурилди. У ерда ким биландир чақчақлашиб турган шофёри Нортойни чақириб, йўл-йўлакай унга бир нима шивирлади. — Мана, синглим, бу йигит бошлаб боради. Машинага ўтиринг! — деди.

— Узоқми? — бир сирни сезгандек ажабланди жувон.

— Ҳа, анча йўл. Уриниб қоласиз.

— Вой, менга шу атрофда дейишган эди-ку.

— Билмаганлар айтган, — пинагини бузмади Азимхўжаев.

Жувон оғриниб машинага ўтирди. Нортой машинани елдириб кетди. Қимматхоннинг юраги бир кўнгилсизликни сезаётгандек атрофга жавдираб қаарди. Машина салда совхоз марказидан чиқиб, сойликка тушиб кета бошлади.

— Қаёққа олиб кетяпсиз мени, иним? — хавотирсиради Қимматхон, — совхоз у ёқда қолиб кетди-ку.

— Совхоз қаёқда қолади! Совхознинг у бошидан, бу бошигача бир кунлик йўл. Хавотирланманг, бўрига талатмайман.

— Ахир менга...

Нортой гапиртиргани қўймади:

— Биламан. Худди айтган ерингизни остонасига олиб бориб тушираман. Оёғингизни чалиштириб ўтираверинг.

— Шунақа узоқми?

— Узоқ бўлганда қандоқ! Нариги қишлоқда.

Болаларни ҳар куни автобусда олиб бориб, автобусда олиб келамиз.

Қимматхон, албаттa, бу гапга ишонмади. Унинг бу ҳаракатида бир сир бор. Шофёрга назар сўлди: сал асабий, ҳаракатлари шошинқираган. Машинани ҳам учирив кетяпти. Қимматхоннинг юрагига ваҳима тушди. Йигитнинг нияти бузуқ бўлиб кўринди. Агар йўлдан сал четта чиқса, ёрдамга одам чақиришни мўлжаллаб, юраги така-пука бўлганича бораверди. «Ўзим рози бўлмасам, битта ўзи нима ҳам қиласарди», деди воқеани ўз газида ўлчаб. Лекин енги шимарилган азамат йигитнинг бақувват билагига ҳасад қилгандек бўлди, тотли бир дақиқа хаёлидан ўтди.

Шу вақт машина таққа тўхтади. Бехос ўтирган Қимматхон қалқиб кетди. Шофёр шиддат билан машинадан чиқиб, Қимматхон ўтирган томоннинг эшигини зарб билан очди:

— Келдик! Қани, түшинг!

Нортойнинг кўзи қинидан чиқиб кетай дерди. Вужудида асабий титроқ бор. Қимматхон буни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди. Суриштиришга ҳам ботинмай машинадан чиқди: «Ё тавба!» Атроф байдай дала. Кимсасиз йўл усти. Осмонида доги йўқ.

Нортой тарсиллатиб машина эшигини ёпди. Ҳайратдан кўзи ола-кула бўлиб турган Қимматхонга йўлни шиддат билан кўрсатиб, титраганича деди:

— Қани, туёғингизни шиқиллатиб қолинг! Совхоз территориясида иккинчи марта башарангизни кўрмай!! Ҳе, ўша...

У ана шундай шиддат билан жойига ўтирди-да, машинада ҳам алами бордай жаҳл билан ҳайдаб кетди.

Қимматхон ганграганича йўл ўртасида қолди.

Шу куни кечқурун иш билан тоғдан тушган Умматалини Азимхўжаев енгидан ушлаб, бир четта олди. Бўлган воқеани қисқагина қилиб айтиб берди.

— Унингиз ёмон китобнинг чиройли муқовасига ўхшайди. Жуда турқи бузук, — деди хотиржамлик билан. — Энди, иним, ўладиган касалнинг ўлгани, қолганларнинг тингани яхши. Бунақа узиб-улаб юрганингизнинг нафи йўқ. Бир ёқлий қилинг.

Умматали: «Ишдан қўл тегмаяпти, бўлмаса эта-гимга ёпишган хасдек, жоним билан қоқиб ташлардим», деганга ўхшаган гап қилган эди, Азимхўжаев меҳрибонларча койиб берди:

— Бу иш эмасми? Инсоннинг ҳаётига доир нарсадан кўра зўр иш борми! Йўқ, чўзманг, охири яхши бўлмайди. Ёки...

Умматали бу ёғини тушуниб, дарров жавоб қилиди:

— Бе! Сўз битта!

— Үндоқ бўлса, тезлатинг! Қейин, — деди ғалати бир кулиб, — бу ёғи энди куз, ундан у ёғи қиши. Бу

ерларнинг қиши қаттиқ бўлади, ёлғиз ётган совқо-
тади. Ҳа, ўзингиздан ўтар гап йўқ. Бу ёғини ҳам
кетга силташнинг ҳожати бўлмаса керак. Ёки На-
фиса бир нарса деяптими? Чигали бўлса, айтинг,
кўплашиб ечамиш.

— Нима дерди. У ҳам шуни.. орангизни очиб
олинг олдин дейди.

— Бўлти! Тўғри айтади, ҳалиги келиш турқи
бўлса, унингиз иштонини ечиб дорга осишдан той-
майди. Заҳари чак-чак томиб турибди.

Кечаси билан шунинг хаёлини сурган Умматали
тоғдаги ишини битказиб, бир ҳафтадан кейин Қим-
матхон билан орани расмий очди қилгани шаҳарга
тушиб кетди. Олдин унинг ўзига учраб, мақсадини
ётиғи билан айтди.

— Ёшроғини топдингизми? — деди Қимматхон
дабдурустдан ўшшайиб.

— Сен топганингдай, менга ҳам насиб қилгани
бордир. Ҳар ким ўз кўнгли тортган ошни ичади.

— Ҳо-о, — деди Қимматхон чўзиб, — энди мен
«пуф» сассиқ бўлдимми? Ширинини кўнглингиз
тусаб қолдими?

Умматали уни шартта бўлди:

— Бу гаплар бари бефойда, Қиммат! Бўладиган
бозорни қилайлик. Барибир мен билан яшамоқчи-
массан, шундайми?

— Нега яшамас әканман, — ялтоқланди у, — қай-
тангга илгаригидан яхши эркалашларни биламан.
Бир кеча қолинг, эртасига ўзингизнинг ҳам кетгин-
гиз келмайди.

У шундай гапларни гапирав әкан, жиндай бўл-
син, уялиш у ёқда турсин, ранги ҳам ўзгармас эди.
Аксинча, завқланаётган кишидек тоҳ қошини учира-
рар, тоҳ кўзини қичиқ билан чимирав эди. Умматали
билдики, унинг олдидан ҳаё-ю, уят юзини беки-
тиб ўтади. Гап чўзиб ўтириш бефойда. Ишни судга
оширди.

Қимматхон судга пардоз-андоз, таманно билан келди. Уни бир күрган одам кимлигини аниқлаб олса бўлади.

— Суд икки томонни тинглаб, Қимматхонга Умматали устидан чиққан бадбахт кечани эслатган эди:

— Ёлғон!! — деб тонди.

— Ё тавба! — деди содда Умматали ёқасини ушлаб. — «Айб менда!» деб, оёқларим остига ташланиб ийлаган сен эмасмидинг?

— Йўқ, мен эмас! Бу — тухмат, бўҳтон? Хотин-қизлар тенглигини кўролмаслик. Минг қилса ҳам чет элга қочиб кетганинг боласи-да, бизга юрагида кеки бор.

Шу ери Умматалига оғир ботди. Қони бошига тепди.

— Бас, манжалақи!

— Ўзинг бузуқ!! Ҳалқ душмани!!

Судья икки томонни босди. Умматали, «Ҳалқ дўстининг аҳволини қаранг», деганича нафасини ичига ютди. Орага ҳалқ маслаҳатчиси аёл тушди. Бошлиб Қимматхонга насиҳатомуз гап қилди:

— Шу ифлосга булғаётган эрингиз билан яна яшаши ниятингиз бор бўлса, нега унга раҳмингиз келмайди? Нега «ҳалқ душмани» деб битган ярасини тирнайсиз? Юз-кўзига ахлат сочиб, яна қайси юзингиз билан қўйнига кирасиз? Совиган кўнгил иситилган ошдек бадҳазм бўлишини биласизми! Қайтиб кирадиган одам чиққан эшигини қаттиқ ёпмайди? Тилим бор, ҳуқуқим teng, деб ҳар нарсанни галиравермайди, киши. Суйдирадиган ҳам тил, куйдирадиган ҳам тил. Минг қилганда ҳам у киши зрак, сиз хотин. Эркак — подшо, хотин — вазир. Ундан кўра сиздан айб ўтган бўлса, узр сўранг. У киши кечирсин.

— Узр сўранг? — унинг сўзини оғзидан юлиб олди Қимматхон, — ундан кейин ўларканман, гинг деса оёғини ялаб!

- Ҳеч шунақа қиласиз бўлса рози бўлинг, ажралинг, нима қиласиз бунақа ёмон эрни! – деди гўё пайт пойлаёт-гандек қулоқ солиб ўтирган судья.

Қимматхон қурбақадай сапчиб тушди:

- Ҳо, нега ажралар эканман! Ўзим эгиб оламан!

Судья билан маслаҳатчилари шунча қилди, ба-рибир у тилини бермади. Бидиллайвериб жонига тегди. Судья охирги тадбир тариқасида Умматалидан сўради:

- Ўша кеча акт тузганмисиз!
- Йўқ.
- Гувоҳингиз борми?

Умматалининг эсига Аъзам тушди. Уни рўкач қилишнинг аҳамиятийи йўқ, ҳам узоқда, ҳам этаги булғанган. Ночор қолиб:

- Йўқ, – деди.

Судья афсуслангандек кўзини сузиб қўйди.

– Бор эди-ку, – деди пичинг билан керилиб Қимматхон, уни тилга ололмаслигига кўзи етиб, – айтинг, чақиритиринг!

– Ростдан борми? – жонланди судья, – ким бўлса ҳам айтаверинг. Қонун олдидা ҳамма тенг.

Қимматхон «Яна битта нозик еридан ушладим. Айтиб бўлибди!» деб ич-ичидан кибрланса, Умматали Аъзамни чет элда кўрнамаклик қилиб қолиб кетгани учун эмас, гувоҳликка арзигудек одам бўлмаганидан тилга олишни лозим топмас эди. «Тилинг шунақа гапларга қичиыйди сенинг, бузук!» дегандек кўз қирини унга ташлаб:

- Йўқ! Гувоҳим йўқ! – деди.

Қимматхон мамнун керилиб, ишшайди. Бу ишшайишда «Ўла, тилга ололмадинг-ку!» деган таъна бор эди.

Суд ажрим чиқаролмади.

Жұда әзилиб кетган Умматали кейинда қолиб, судьяга: — Бу қандай бўлди, ҳаммаси кўриниб турган бўлса... — деган эди, судья:

— «Кўриниб турган нарсани делога тиколмаймизда. Факт керак, акт керак, гувоҳлар тасдиқлаши лозим, биродар! — дея тор елкасини қисди. — Ҳатто, у «мени бузуқ деб ҳақорат қиляпти» дея сизнинг устингиздан жиноят иши қўзгаш мумкин. Бу жуда қалтис нарса.

— Қизиқ!.. — ажабланди Умматали.

— Хўш, қўлингизда нима далилингиз бор? Ким кўрган, кимга арз қилгансиз. Қонун далилга суюнади.

— Ахир...

Бунақа «қўйди-чиқди»нинг сон мингтасини кўрган судья билдики, йигит бечора ўринсиз қийналяпти. Қийналишининг сабаби аниқ. Буни судьянинг ўзи ҳам тушуниб турибди. Бундай хотин билан муросага боргандан хотинсиз армонда ўтган яхши! Лекин у ҳам иложсиз! Ажрим чиқариши учун икки томон рози бўлиши, ҳеч бўлмаганда, бир томоннинг қўлида сувга тушса чўкмайдиган, ўтга ташласа ёнмайдиган далилу гувоҳлар мавжудлиги шарт. Бу ҳолда ажратиб юборса, юқори тасдиқламайди. Демак, бу унинг иш фаолияти учун нуқсон. Нуқсонли иш тутишни ким истайди? Шундай бўлса ҳам капитари қўлидан учтан боладек хомуш турган Умматалига раҳми келди. Чиндан ҳам унга жабр: хотини бўлиб яшолмайди, хотинсиз бўлиб уйланолмайди!

Судья Умматалини бошлаб кабинетига олиб кирди. Ўтиришга таклиф этди. Папирос тутди. У олмагач, ўзи чекиб, тутун бурқсатди.

— Бирорта турмуш қурмоқчи бўлган кишингиз борми? — деди меҳрибон бир овозда. Олдинига иккиланиб турган Умматали таваккал қилиб:

- Бор! – деди.
- Ҳозир бирга турасизми?
- Йўқ.
- ЗАГС сиз туришга рози бўладими? Рози бўлса, яшайверинг. Фарқи шуки, бола тугилса, унинг номида бўлади.
- Кейин-чи?
- Кейин... кейин нима бўларди? Вақт ўтиши билан бу ёғи ҳам тўғриланиб кетади. Сиз учун бирдан-бир йўл шу. Бунақалар ҳозир кўп.

Умматалининг кўнгли сув ичгандек бўлиб, ёришиб, кўчага чиқса, муюлишда улама сочининг учини ўйнаб Қимматхон турибди. Йўлни чап солган эди, у кувиб етди. Бўйдоқларнинг ҳирсини уйғотадиган бир тарзда гап бошлади:

– Ҳа, мунча тескари қарайсиз, арпангизни хом ўрдимми! Юринг, анави ҳовлида яхши лағмон қиласди. Кейин ўзим орқаларингизни яхшилаб уқалаб қўяман. Соғингандирсиз. Ё соғинмадингизми? Шунча вақтгача соғинмай бўпсиз! Уйларингизни бирам чиройли қилиб, молларга тўлдириб ясатиб қўйганман... Кирсангиз чиққингиз келмайди. Юринг, бўлмаса тўғри уйга бора қолайлик. Қўймоқ солиб бераман. Юринг!

Умматали чурқ этмади. У бачканалик қилган сари, бунинг ғаши келарди. Бир-икки аччиқ сўз билан силтаб ташлаб кетай деса, йўл усти, кўча. Дамини ичига ютиб, қадамини тезлатди. Бунга ҳам, ҳамроҳи гап топди:

– Бунча чопасиз! Ўн саккиз яшар палов дамлаб, эшикда қирқ қокилини ёйиб кутиб турган бўлса ҳам.

Умматали яна индамади. Охири бўлмагач, ўзини босиб:

– Худо хайрингни берсин, мени тинч қўй, – деди.

— Ҳали шунақами! — деди Қимматхон титраб-қақшаб. Югуриб Умматалининг олдига ўтди, йўлини тўсди. — Ҳой, менга қара, ўша манжалақи-га сени уйлантириб бўлман. Истасанг, истамассанг менинг эримсан. Балиқ бўлиб сувга кириб кетсанг топиб чиқаман. Хўп, десанг деганинг, бўлмаса шу юришим юриш. Шалтоғим сенинг ҳовузингга оққани оққан. Яхшиси, уйга юр. Епик қозон ёнифича қолсин!

— У қозонга қопқоқ топилмас энди! — ачитиб олди Умматали.

— Ҳали шунақами! Гап шуми! Бўпти! Сен ҳали тўхтаб тур, кўзингни мошдек очиб қўймасам! Бола ташлаган биядай бўлиб ўзинг қайтиб келасан! Ҳали тўхтаб тур!

У титраб-қақшаб, асабий бир ҳолда Умматалининг ёнидан ўтиб кетди.

Қимматхоннинг бунақа бўлиб кетганини тушуниб етмаган Умматали бақрайиб қолди. Анчадан кейин «шарманда» деганича лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қилди.

* * *

Умматали ҳориб-толиб, бурнидан чертса йиқилгудай бўлиб, кўрган-эшитганлари мудҳиш тушдай хаёлидан кўтарилимай, совхозга чиқиб келса, ҳовлида бир уй хотин-халаж, ёш-яланг. Ўртада «Бой хотин». Уни ўз ҳолига қўймай ниманидир ҳикоя қилдиришаётган бўлишса керак. Умматали кириши билан ноқулай жимлик чўкди. Буни биттаси шаддодлик билан бўзди:

— Бо, хола, нимадан тортинасиз. Умматали акам ўзингизни болангиз. У киши ҳам жон деб эшитадилар. Эшитасизми, Умматали ака? Холам қанақа қилиб «Бой хотин» бўлганларини айтиб бераётган эдилар.

— Албатта, эшитадилар, — деди яна биттаси Умматали учун, — қизиқ бўлади-ю, эшитмайдиларми!

Умматали ноқулай аҳволда қолди: чиқиб кетай деса, ўтирганларга малол келади. Йиғилишлари бузилиши мумкин. Бунинг устига ўзи ҳам ўлгудек чарчаган. Бирор ерга чиқиб кетгудай аҳволи йўқ.

— Сизлар bemалол ўтираверинглар, — деди у узр сўрагандек, — мен шаҳардан чарчаб чиқдим, уйга кириб бир оз дам оламан.

У уйга ўтиб кетди. Қизлар: «Яхши бўлди. Келинларнинг янгаси, қизларнинг аммаси бўлиб ичимиизда нима қиласди», дегандек бир-бирига кўз қисишиб қўйишиди. Фақат «Бой хотин»: Бирор нарса ермидингиз? — деди унинг орқасидан.

— Йўқ, қорним тўқ. — Ўзи очик, пардаси тушириқлик уйдан Умматалининг товуши келди.

— Оҳ, содда холам-э, — деди бояги шаддод жувон, — эркак зоти шаҳар тушди-ю, оғзида тили, чўнтағида пули бўлиб, оч чиқадими? Умматали акамдай сўққабош-ку, доим ўз гамини ўзи еб юради.

Баъзилар кулди, Нафиса эса, қизарив, ерга қаради.

— Шундай қилиб, сойда улоқ бўлармиш деганишиш-миш тарқалди, — дея ҳикоясини давом эттириди «Бой хотин», — у вақтда радио йўқ, телевизор йўқ, катта-кичик ҳамма томошага чанқоқ пайт. Мен ўлгур ҳам, ўша вақтда ҳавасга ўсма қўйиб, сочими майда ўриб юрадиган вақтим. Оғзимдан сақич тушмайди. “Чанг” чалиб ҳаммани маҳлиё қиласдим, айниқса «биёв-биёви»га уста эдим. Уч-тўртта бўлиб биз ёш-яланг ҳам улоққа бордик. Шаҳардан одам чиққан. Зарбоф тўнли улус қозисидан тортиб, чоркарж духоба дўппи, жужунча камзул кийган бойваччаларгача ўша ерда, чопонининг пахтасини осилтириб бева-бечора ҳам турибди. Хотин-халаж ҳам бир томонда. Узоқдан келган деҳқонлар аравасининг шотисини лайлак қилиб, остида ўтирибди.

Чавандозлар отини совутиш билан овора. Қанақа совринлар берилиши оғиздан тушмайды.

— Ким улоқ бераётган экан, хола? — бояги шаддод жувон-сўради.

— Бир бой. Эллик ёшида фарзанд кўрган экан. Отиям бир нарса эди, шу вақт эсимдан чиқди.

— Ҳа, оти ўлсин, ҳикояни айтаверинг!

Хола бирпас эслаб туриб тополмагач, «ҳозир тилимнинг учидаги турувди-я!» деганича ҳикоясига тушиб кетди:

...Қий-чув билан улоқ бошланди. Йигитнинг сараси майдонда. Йиқијтан қайда-ю, ютурган қайда. Улоқ қизигандан-қизиб кетди. Бир вақт менинг акам улоқни олиб, тақимиға босганича отнинг бошини қўйиб қолди. Қани унга тенг келадиган! Елдириб бориб, манзилда турган мурсак тўнли кишининг оёғи тагига улоқтириди. Ана қийқириқ — мана қийқириш! Совринга бир жуфт бекасам олибди: отини йўрттириб биз қизларнинг қошига келиб қолди, менга улоқтириб, «олиб қўй!» деди. Албатта, ҳамманинг кўзи унда. У тўхтаган ер, у гаплашган одамда. Мен ўлгур, юзимни бекитиш хаёлимдан кўтарилиб, рўмолни елкамга тушириб, талтайиб ўтирибман. Узоқдан бир шаҳарлик ўлгур кузатиб турган экан. «Ким у?» деб сўрабди қўшнисидан. «Чавандознинг синглиси» дебди биладиганлардан бири. Шаҳарлик оғир хўрсениб, мўйловини маъноли бураб қўйибди. Улоқ охир бўлгунча ҳам мендан кўзини узмабди. Мен бўлсам, ҳеч нарсадан хабарим йўқ, очилиб-сочилиб ўтираверибман. Бир ҳафта ўтгандан кейин ойим билан дадам алланимани пичир-пичир қилишадиган бўлиб қолди. Бу орада қишлоқ оқсоқоли бир-икки эшик тақиллатиб келиб-кетди. Кейин билсан, менинг савдом бўлаётган экан. Бир куни кечаси онам раҳматлик гапни узоқдан айлантириб келиб: «Ҳар кимнинг пешанаси. Бирор тенгига, бирор ёши улуғроққа тегади. Тақ-

дири азалдан қочиб бўлмайди», деб қолди. Дарров билдимки, (ўзим ҳам зийраккина қиз эдим) мени ёши катта одамга беришмоқчи. Йигладим-сиқтадим. Илож қанча! Дабдабали тўй келди, қўни-қўшини ёғлиқ ошни еб, мўйловини бураб, кекира-кекира чиқиб кетди. Мен бўлсам уйда қон йиглаб, зардоб ютиб ўтирибман. Томогимдан на иссиқ ўтади, на совук. Раҳматлик аммам атрофимда гирдикапалак.

— Нега энди? — қизиқиб қолди бир ёш қиз.

— Бир нарса қилиб қўймасин, деб мендан қўрқарди. У вақтда ўзини бунақа қилиб қўйтганлар озмиди! Симоб, заҳар ичган қанча-ю, жарга ўзини ташлаган қанча!

— Гапнинг белига тепмай тур, — деди бояги шаддод жувон, яна нимадир сўрамоқчи бўлган қизга. Уни бошқаси илиб кетди:

— Саволлар ёзма берилсин, каршилик йўқми? Йўқ! Қани, хола, бу ёғини давом этинг.

— Сақиҷу чангларим қишлоқда ордона қолиб, шаҳарга келин бўлиб тушдим, бойвучча келин. Эрим Сайдакбар деган кўнчи бой экан. Мендан олдин икки уйланиб, биридан фарзанд кўрмаган, иккинчисининг болалари турмаган экан. Биринчиси: «Қўш хотинли эрдан чол яхши», деб бошини олиб кетган. Кейингиси бир кечадаёқ ўлиб қолган. Сабабини ҳеч ким билмайди. Аллақайси юртлик бир мусоғир экан. Қўшнилари: «Ойдек жувон эди. Шу уйга келин бўлиб тушибдики, юртини соғиниб, кўзидан ёши тинмади, на егани ичига тушди, на кийгани татиди», деб ҳикоя қилишарди. Эрим жудаям — ёмон киши эмас эди. Баъзи эркаклар сингари салга оғзидан ади кириб, бади чиқавермас эди. Лекин ўлтгудай қув. Ернинг остида илон қимирласа биларди. Ўша маҳалда ўрисча гаплашиб, Маскопдан газета олиб ўқирди. Бойвачча юришни ўшанга чиқарган эди. Отта минса, эгарга духоба ёпилғи ташлаб ўтиради. Қошиқда овқат еб, ялангоч хотинларнинг су-

ратини бир даста қилиб йигиб юрарди. Петербургда тушган чақмоқ телпакли сурати уйнинг тўрида осиглиқ турарди.

— Жуда культурний экан-ку! — деди кимдир тўдадан қулиб.

— Культурний бўлмай ўлсин! Ҳаром ишга кўп юрарди. Бир куни тушлик овқатни еб туриб, қу-дуқдан сув тортгандек нимчасининг чўнтағидан занжирли кумуш соатини олди. Хаёл суриб қараб турди-да, шақ этиб қолқоғини ёпди. «Уч кунлик ишим бор. Тутилиб қолсам хавотир олма», деди-да камзулини билагига солганча чиқиб кетди. Икки кун ўтмай, бир кўзи боғлиқ келиб қолди. «Ҳа, нима қилди?» десам, «чўп кириб кетди!» дейди. Лекин бир ҳафта ўтди ечмайди, ўн кун ўтди ечмайди. Кейин билсан, ўша кетишида икки-учта бўлиб ёмон хотинлар билан боғ сайлига чиқишиган экан. Ўшалардан биттаси ичишиб ўтириб, нима бўлибди-ю, кўзига кабобнинг сихини тиқиб олибди. Кўр бўлишига сал қолди. Ўзиям у нарса овоза бўлиб кетмасин» деб, гинг деганинг оғзига пул тиқди. Пулнинг зўри билан босиб кетди. Шу сабаб бўлди-ю, менинг ҳам сал кўзим очилди. «Нега тугмайсан?» деса, »Сизга боланинг нима кераги бор? Кўчадаги хотинлар бўлса бўлди!» деб оғзига урдим. Лекин ўзимдан ўтгани ўзим билардим. Холи қолдим:

Қўлимдаги кўш узукнинг
Ўзи бору кўзи йўқ.
Толеимни бор дейдилар,
Оти бору ўзи йўқ! —

деб нолиш қиласдим. Беш йил бола кўрмадим. Мен бормаган фолбину азайимхон қолмади. Жўжахўроз қучоқлаб ўқитищдан тортиб, Шоҳимардон пири-му Ўш бувамга жонлик атадик. Бўлмади. Эримнинг тили чиқа бошлади: «Устингта хотин оламан»,

«Менинг жавобимни бериб, кейин хотин оласиз. Ўлсам устимга хотин келтирмайман. Оч қорним, тинч қулоғим!» деб туриб олдим. Бу орада инқи-лоб бўлиб қолди. Ўзи билан ўзи овора бўлиб кетди. Ётиб уйқуси келмайди, ўнга ағдарилади «ух!» дейди, чапга ағдарилади «ух» дейди. Егани ботмай қолди. Уй-жой кўзига хунук кўриниб, жони ташви-шига тушди. Бир оз давлатини бева-бечорага инъ-ом қилган бўлди. Ёши ўтиб колса ҳам, уйланиш у ёқда турсин, қарздан боши чиқмаган хизматкори Қурбоналига «оталик» қилиб, уйлантириди, ташқа-ридаги путурдан кетган бир уй бир айвонни нари-дан бери тузатиб, уларга берди. «Бугундан бошлаб сиз хизматкор әмас, мен хўжайин әмас. Оға-ини биродармиз», деди. Ҳатто уринган жужунча кам-зулини олиб чиқиб, кийгизди. Оёғига кавуш-маҳси қилиб берди. Ўзи тугул, хотинини ҳам сизлаб га-пирадиган бўлди. Шу тўс-тўполонда бўйимда бў-либ, қиз тугдим. Лекин эримнинг кўнгли ёришмади. «Боланг шумқадам келди. Кундан-кун омадим ке-тятти», деб анча вақт қўлига олмай юрди. «Дав-латинг ўлсин, одамдан азиз бўлмай!» деб ичимда қарғадим, баъзан хўрлигим келиб йигладим. «Фар-занд доғига учра, кетингда «отам,вой отам!» деб йиглайдиган туёғинг қолмасин!!» деб дуойи бад қилдим. Йўқ, салдан кейин яна иши юришиб, гул-дурос кекирадиган, дадил ва шиддат билан гапи-радиган бўлиб қолди. Мен бу маҳалда учинчи бо-ламга оғироёқ әдим. Пайт топди: «Ҳой, хотин, агар бу гал ҳам қиз тугадиган бўлсанг, қишлоғингта-эл-тиб ташлайман», деб бигизини тиқарди. Йўқ, бу гал ҳам қора босгурнинг айтгани бўлмади, қиз туғилди. Ана шунда унинг ўдағайлашларини кўрсангиз: мен ажал билан жон талашиб ётибман-у, тепамга ке-либ, у гапларни қиласди, бу гапларни қиласди, асти қўяверинг, бу жинни бўлиб қолганми, дедим. На доянинг, на опасининг сўзига қулоқ солади. Зўрга

ташқарига итариб чиқаришди, у ёғига Қурбонали бечора: «Қўйинг, бой ота, қиз берган худо ўғилни ҳам ўзи беради», деганича олиб кетди.

— Қурбонали... Умматали аканинг фамилияси-я! Ўхшашлигини қаранг! — деди холанинг ёнида ўтирган пучуқ жувон.

— Ҳа, Қурбонали. Умматалининг фамилияси Қурбоналиевми? Билмас эканман. Қурбонали бечора яхши одам эди. Ҳалол. Мехнаткаш. Кўчадан танга топса эгасини излаб қўлига бермагунча кўнгли тинчимайдиган, ҳаромдан ҳазар қиласидиган покдомон эди... Йўқ, кейин ўғил ҳам туғиб бердим, тўқлидай ўғил. Лекин бу ўғил менга армон бўлди.

— Нима қилиб? — шошиб сўради бир хотин. Хола дока рўмолининг учига ёш қалқиган мижжасини артди, димогини тортиб, узоқ «уҳ»лади.

— Бу маҳалда увоги тўкилса увол бўлмайдиган булка нон энди чиққан эди, — ҳикоясида давом этди хола, — яна савдо-сотиқ авжида. Эримнинг теридан бит семириб юрган пайт. «Ўғил кўрдим» деб элга ош берди. «Давлатимнинг баракаси ўчмасин!» деб ўғлига Абулбарака деган ном қўйди. Уч қизини унинг бир мўйига олмасди. Кўчадан келди, қўлида. Қўлида ухлаб қолса ҳамки, ерга қўймас эди.

— Кечикиб кўрган фарзанд шунаقا ширин бўлади, — деди ўрта ёш хотин холага изоҳ берган бир йўсинда.

— Эҳтимол, — унга қўшилди хола, — лекин болам тушкур жуда йиглоқи, узун қиши кечалари кўзини юммас эди. Тепасида ўтириб чиқардим. Ҳадеганда бўйини тутмади. Шунда бўйин гўшти еганларим!

— Вой, шунаقا одат борми? — худди шу азоб бошига тушиб тургандай деди бир ёш жувон.

— Ҳа, айланай, ўша вақтда шунаقا дейишарди: боласи вақтида бўйини тутмаса, онасига бўйин гўшти беришарди. Кўп йигласа қўзи қора бўлади, дейишарди. Эндиgilарнинг бунақалар билан иши

Йўқ. Бола «инг» деса, духтирга югуришади: текин духтири, арzon дори-дармон. Бизлар бечора битта болани катта қилгунча она сутимиз оғзимиздан келарди: фолбинга югур, кинначига чоп, домлага ўқит, исириқ сол, кўзмунчоқ тақ, «ис» чиқариб юбор, у пиrimга ата, бу пиrimга ата... эҳ-ҳе, бунақа оворагарчиликларнинг сони йўқ эди. Ҳозир-чи? Кичик бўлса яслига, каттароқ бўлса боғчага бер. Ўзи ювиб-тараб ўзи катта қилиб, мактабга узатади. Тунов куни кўрсам Нафисахон анави маҳалла-да юрибди. «Ҳа?» десам, «Битта болам боғчага икки кундан бери бормайди. Ҳабар олгани келяпман!» дейди. Кечак иккитасини бошлаб кетяпти. Ота-онаси ning вақтида олиб кетгани «қўли тегмаган» эмиш. Орқасидан: «Уйидаги ошини ҳам пишириб бериб келинг», деб кулдим. Бунинг устига духтиrlарнинг меҳрибонлиги! Бола сал иситма чиқарса, беминнат дастёр-телефонда чақирдинг, барака топкур, ўзи машинада учиб келади. Ёнида ёрдамчилари ҳам бор. Сизлар нолимасанглар ҳам бўлади.

— Буларнинг гапини қўяверинг, хола, қайнатса кўпикка чиқиб кетади! Кейин нима бўлди? Ҳикояни олинг, сухбатни изига буриб қўйди бояги шаддод жувон.

— Ҳа, айтгандай, эрим шу аҳволига мушукдан қўрқарди.

— Вой, эркак киши-я! — деб юборди бири.

— Ҳа. Болалигига бир нарса бўлиб, юрагини олдириб қўйганми, томда мушук миёвласа, уйда кўзи ола-кесак терарди. Буни маҳалланинг болалари билишар экан. Янги тушган йилим рўзада рамазон айтиб келиб қолишибди. Мен ўлгур, билмасдан битта кулча чиқариб юборибман. Сал ўтмасдан биттаси деразадан мушук ташлаб қочса бўладими! Эримнинг оғзидаги оғзида, бўғзидаги бўғзида қолди. Тахта бўлди-қолди, қани тили сўзга келса! Мушук ўлгур ҳам одамга ўрганган экан шекилли, шунча

«пишт» дейман, қани қочиб кета қолса! Қайтангга миёв-миёв деб эримга қарайди, қўл кўтарсам пиҳиллайди. Унга сари эримни безгак тутади, юзини яктағи билан ёпиб олди. Охири мушукни бўйнидан ушлаб, ҳовлига улоқтирибман. Кейин бўйсам, маҳалланинг шўх болалари бу уйдан пул чиқишига ўрганиб қолишган экан, мени нон берганим алам қилибди, мушук шунга ташланган экан. Сув сепиб, эримни зўрға ўзига келтириб олибман. Шу-шу ўттиз кун рўза кеч кирди майда тайёрлаб қўядиган бўлди. Болалар ҳам канда қилмайди. Баъзи кун икки-уч сафи келади. Эрим «оғзига ур!» деб ёнини ковлагани-ковлаган. Майдаси бўлмаса, ўзи чиқиб эртага қўшиб беришини ватъда қилади. Бўйимда бўлмай юрган йиллари:

Рамазон айтиб келдим эшигиннга,
Кўчкордай ўғил берсин бешигиннга,
деганда танга ҳам бериб юборарди. Бир куни, — деб пиқ этиб кулиб қўйди «Бой хотин», — нима бўлди-ю, жаҳл устида «кўрпангга мушук кирсин!» деб қолмасманми! Қолдим балога, қолдим балога! «Сен менга ёмон кўрганим мушукнираво кўрдингми? деб, оёғинг сингур, биқинимга бир тепса бўладими? Бир ҳафта, ўн кун нафас ололмай юрдим. Бундоқ ойнага солиб қарасам, кавушининг изи тақадай бўлиб турибди.

— Ростакамига ўрнига мушук қамаб қўймаб-сиз-да, хола, жони чиқиб ўларди, — «Бой хотин»га ўтирганлардан кимнингдир раҳми келди.

— Ҳа, болам, сизлар ҳозир шунаقا дейсизлар. У маҳалда хотин мушфиқу бенаво эди. Эшикдан товуши келса, ичкарида икки букчайиб турардик. Эшикдан кирди салом бериб, елкасидан тўнини олмай кўрчи, ўша туни тонгинг отмайди. Маҳси-сини тортиб, пайтавасини ичига солиб, бир четга артиб-суртиб олиб қўйиш, оёғига сув қуйиб туриш, сочиқ олиб дарров қўлига тутиш — ҳар куни кан-

да бўлмас эди. Ижозатисиз остона ҳатлаб, эшикка чиқиб бўпсан. Нақ бошларингда ёнғоқ чақади! Бир йили ўша чавандоз акам билан гап-сўзга бориб ота-онамнинг олдига олти ой ёз юбормади. Отам бечора мункиллаб келиб-кетиб турса ҳам, онам бечора етиб келолмайди. Тиқ этса эшикка қараб, ҳар кўринганга арз қилиб йиглаб ўтирибди, деб эшитдим, шунча худонинг зорини қиласман, қани, қаҳри қаттиқ, тош юракнинг раҳми келса! Йиглаб боқдим, ялиниб боқдим, миқ этмайди. Охир бир куни рухсат олдим. Энди йўлга чиқай деб, арава қўштириб турсам, Қурбонали бир йигит билан кириб қолди: онам вафот этибди! Ўлиги устига кириб бордим. Шунақа қилиб, онам раҳматлик билан видолашмай қолганман.

— Вой, замонинглар қурсин! — бояги шаддод хотиннинг астойдил қаҳри келди.

— Во, болам, сизлар нимани биласизлар: кўзи ни очиб, гулзорни кўрган капалакдай эркинсизлар. Нимаки хўрлик бўлса, биз кўрдик, нимаки заҳарзакқум бўлса биз ютдик. Ҳали ҳам туриб-туриб хўрлигим келади. Биз учун осмон йироқ, ер қаттиқ эди. Одам боши — сойнинг тоши, не тўлқинлар ўтмас устидан!

— Эрингизни ҳаж қилган дейишади-ку, наҳотки «ҳожи» шунақа ноинсоф бўлса?

— Ҳа, болам, силаган билан мушукнинг думи тўгри бўладими! Ҳожилиги ҳам бир найранг. Маккатиллога бормаган. Ўрнига одам юборган, бадалҳожи!

— Вой, шунақаси ҳам бўладими? — ажабланди Нафиса.

— Бўлади. Киши бир сабаб билан ўзи бормай, харажатини кўтариб ўрнига одам юборса, ҳожига борган савобини топади, ҳожи номини олади. Буни касалманд, ёши ўтиб қолган бадавлат одамлар қилгувчи эди. Менинг эримга бало ҳам урмаган, «хўп!»

де, яна бир уйланай деб, айғирдек кишинаң юрган чөги әди. Савдо-сотигини қизғанды, пул күзига яхши күрінди. Лекин ҳожи сүзини дарров исми охирига құышыб олди. Құшалоқ қилиб айтмаганға хұмрайиб, ҳадди сиғадиганға «құш айтишға тилинг келмаса «Ҳожи ота» десант бўлади» деб танбеҳ берил ту-затди. Ҳожисини айтмасдан тўйхати келса, камси-тилгандай бормай юрди. Тулки думини мақтаган-дай, ҳожилити билан кибрлангани кибрланган әди. Бу довруғи ҳам узоққа чўзилмади. Кейинчалик, «Бой-камбағал тенг бўлади», деган кезлари ўзига эриш ҳам күриниб қолди. Бирор «ҳожи»сини құышыб айтганидан, аввал фахрланса, энди дашном эши-таёттандек, ютиб бўлмас нарсани оғзига солиб қў-йиб, нима қилишини билмаётган одамдек лоҳасла-нарди. Инқилобдан кейин савдо-сотикқа рухсат берилған йиилари мой қуийилған гулхандай яна уч-тourt йил гуриллаб юрди. Билдики, барибир охи-ри вой. Шўро чалиб кетади, қўлидаги бор-йўғини қоқиб олади, боши ўлимда, мулки талонда. Бунақа одамларга мол-дунёдан ажралиш жон беришдан қийин. Дарров эвини қилди. Бор-йўғини йиғишти-риб чет элга қочди-кетди. Мен содда ҳамма нарсани қўлига йигиб берил, «сени одам келиб олиб кетади» деса ишонибман. «Нега энди ўғлингни олиб, мени учта қиз билан ташлаб кетяпсан?» ҳам демабман. Кейин одам юбориш қаёқда, тирикмисанлар деб хат-хабар ҳам келмади. Шундай қилиб, тузлиқда тузсиз бева қолғанман. Ҳаммаси ҳам майли, бош омон бўлса дўпписиз қолмайди, қараб туриб, як-ка-ю ёлғиз ўғлимни берил юборганимга ҳали чида-майман. «Ташлаб кет ўғлимни, ўзим билан боради!» демайманми, ўзи-ку кузги япроқдай қалтираб тур-ған пайти, ҳеч нарса дёйлмасди, ўзи қаёққа борса бораверсин. Менга деса, у дунёга ўтиб кетмайди-ми! Мен лақма қараб туриб, ўғлимдан ажралиб, ҳалигача кўз ёшим аримайди. Тушларимга кира-

ди, – «Бой хотин»нинг хўрлиги келиб, кўзи ёшланди. Жим туриб қолди. Тингловчилар ҳам сукутга чўмган, гўё холанинг аламини бирга ўртоқлашарди. Хола димогини бир-икки кетма-кет тортиб, артинди-да, деди: – Мурғаклигига йиғлаб эмадиган бола улғайса гапдон бўлади, дейишади. Абулбарақам ҳам йиғлоқироқ эди. Ким билади, қайси юртларда йигитларнинг мирзоси бўлиб юрибди. Ишқилиб, омон бўлса бас! Елкасига кўзмунчоқлик уҳфа таққан беқасам тўнча кийиб, амиркон этикчаларини дўқиллатиб юрганлари шундоқ кечагидек кўз олдимда турибди. Тушимга ҳам бола бўлиб киради. Ҳозир бола-чақалик бўлиб кетгандир. Тушимда шунча қиласман, қани бир оғиз товушини эшитсан! Болам бечора кўзини мўлтиллатиб тургани-турган. У ҳам мени соғинар-а? Ё эсидан чиқиб кетганим-канман? Пишиққина эди, «Ойижон»лаб бўйнимдан қучоқлагани-қучоқлаган эди. Бир марта яна бўйи-бастини кўрсам, армоним йўқ эди, гўримда оёғимни узатиб тинчгина ётардим.

Яна хола сукутга кетди. Ҳамма жим. Ҳовлида чарх уриб юрган қалдирғочнинг учиси эшитиларди. Қаердадир сигир маъради. Товуқ қақиллади. Патиллаб кўчадан мотоцикл ўтди. Яна жимлик.

– Туянинг териси бир эшакка юқ бўлади, дегандай ундан кейинги азобларимни айтмайсизларми! Эрим ўлгур-ку, шернинг оғзидан ҳақини тортиб олиб ейдиган эди, йўлини топиб кетгандир. Бу ёқда унинг касрига мен қолдим. «Бойнинг хотини, қонимизни сўрганинг бойвуччаси» деб ўтган ҳам, кетган ҳам тош отади. Ўзимнинг аламим ўзимга етмагандек буларникига ҳам куяман. Бойвучча бўлиб, бундоқ бир рўшнолик кўрган, яйраб-яшина булсан ҳам гўрга! Ёғ ичидаги буйракдай сиқилиб умрим ўтган.

Бир куни ўша чавандоз акам тушиб-бориб қолди. Бўлган воқеани айтдим. «Қайтага зулмдан қу-

тулибсан», деди. Бу вактда у щуро фаолларидан бўлиб, қишлоқма-қишлоқ юарди. Раҳматликни шу фаоллиги бошига етди: муштумзўрлар сойда чопиб-кетди. Ўша ўлдирилишидан сал олдин, мени шаҳарда «Бой хотин» деб бетинч қилишаётганини эшитган бўлса керак, кечқурун кириб келиб қолди. Суриштирди. Айтдим. Индамасдан чиқиб кетди. Маҳалланинг казо-казоларини бошлаб келди.

— Эй менинг синглим, — деди. — Бир камбагалнинг қизи эди, замонанинг зайди билан бойга тегиб қолган. Ўзингларга маълум, бой қочоқда. Сувники сувга, ўтники ўтга кетди, қатиқнинг пули қолди, дегандай, ўша камбагалнинг қизи. Мен қишлоққа олиб кетаман. Бойдан қолган уй-жой сизларга. Бофча очасизларми, мактаб қиласизларми, ихтиёр сизларда. Мол-мулки ҳам сизларга. Инсоф қилсанглар учта етими учун унча-бунча беринглар, бўлмаса бунга ҳам даъвоси йўқ. Хўш нима дейсизлар? — деди.

Кирганлар бир-бирига қараб қолишиди, бирорта сидан нидо чиқмайди. «Бўпти бўлмаса, — деди оч уйда тўқ ўсган акам, — биз кетдик. Омон бўлинглар. Қани, синглим, кўчага чиқдик, булар эшикни қулфлаб олсин!» Келганлар бирдан типирлашиб қолди. Биттаси «ундоқ эмас, йигит, шаҳарликлардан ҳали инсоф кетгани йўқ. Жудаям юзимизга тупуриб кетманг. Тун ўтсин, тонг отсин. Битта-яримта арава қилинг. Синглим ўзига кераклигини олсин» деди. Акам раҳмат айтиб, қўлини кўкрагига қўйди. Эрталаб йўлга чиқдик, учта қизим бағримда. Уй-жой қолганига эмас, ўша ҳовлида худди биттаю битта ўғлим, кўзимнинг оқу қораси Абулбарака қолаётгандек кела-келгунча йигладим. Ўшанда оққан кўз ёшларим ҳали тинмайди, азизлар, ҳали-бери тинадиган кўринмайди. Ишқилиб, дийдор кўришмоқ қиёматга қолмаган бўлсин!!

— Қизларингиз қаёқда, холажон? — кизиқиб қолди Нафиса.

— Биттаси отасига ичикиб, салдан кейин касал бўлиб қолди. Қизим бечора шунаقا ичикдики, чўп бўлиб озиб кетди. Кечалари «ада»лаб алаҳлайди. Уйғониб йиғлайди. Қўни-қўшнилар, «оғзига туплатиб қолмаган экансиз-да», дейишади. Ўша пайтда дадасининг кўзига фарзанд кўринибдими? Унинг бунаقا дом-дараксиз бўлиб кетишини туш билиб-мизми! Ҳали-ҳали эсимда: қизим бечора, ўляптику кўчадан эркак товуши келса, «Ада! Ана адам!» деб талпинади. Қани туришга кучи етса! Аламига чидолмай, ётган ерида ўзини кўтариб-кўтариб ташлайди. Болам раҳматлик ёмон қийналиб жон берди. Уволи дадасини тутмаса асти рози эмасман! Норастанинг кўз ёши имонни куйдиради! Биттасини қизамиқ еди. Биттаси, худога шукур, уйли-жойли бўлиб кетган эди, иккита болалик бўлганда эри: «Чет элга қочиб кетган кулакнинг қизи экансан, менга касринг тегади», деб қўйиб юборди. Ҳозир шаҳарда, текстилкомбинатда ишлайди. Ишлари яхши, ўзини тутиб олган. Болалари катта бўлиб қолди. Аввалига тиши йўқ одамга қаттиқ нон бергандай хафа бўлиб юрди, йўқ, ҳозир кўнишиб кетди. Одам боласи ўлимдан бошқа ҳамма нарсага ўргана-ди, ўрганиб кетди. Беш бармоқ бир вақтда туғилгани билан баробар бўлмас экан! Мана бирордан олдин, бирордан кейин бўлиб, оҳ-воҳ билан умрим ўтиб келяпти. «Бой хотин»лик тарихим шу, холанг ўргилсинлар.

«Пошшо»сини ўраган боларилардек «Бой хотин»ни қуршаб ўтирган қиз-жуонлар азадан тарқаган хотинлардай гап-сўёзсиз туриб-туриб кетишиди. Уларни холанинг аччиқ саргузаشتни оғир тош бўлиб елкаларидан босарди, тилларини боғлаб қўйганди. Биттаси «бечора холам!» деса, бошқа бири нидосиз бошини силкиб, унга ич-ичидан ачи-

нарди. Фақат бояги шаддод жувон ҳаммасини эсидан дарров чиқариб, ёки қувноқ кўнглига яқин олмаганми, ўрнидан қўзгалаётиб, кулиб гап ташлади:
— Холамда гап кўп. Ҳар думалатганингда бир достон тўкилади.

— Ҳа, болам, холангнинг достони узун. Ҳар бетига кўз ёши тўкилган. Ҳеч кимники кўнгли вайрон, кўзи тирён холангникига ўхшамасин, асти ўхшамасин!

Холанинг кўзи ёшдан хира. Осмонда эса, қора бахмалга қадалган гавҳар доналариdek юлдузлар чарақлайди. Чигирткалар чийиллаши авжиди. Узоқ-узоқда бойқушга ўхшаган бир қуш нидо беради. Кимнингдир уйидаги радиодан бўғиқ куй таралади. Кўчанинг икки бетидаги қатор тераклар учи шамолдан шивирлашади. Хола саргузаشتининг таъсирида бошқаларга эргашиб кўчага чиқиб қолган Нафиса, муюлишга борганда, Умматали эсига тушиб, орқасига қайтди: ахир у жуда қалтис иш билан шаҳарга тушиб кетган эди-ку!

Нафиса юзига ёпиқ қолган эшикни аста очиб кириб борса, Умматали, холани қучоқлаб, ҳўнгхўнг йигларди. Хола эса, энтикиб:

— Вой, сен ўша, барака топгур, Қурбоналининг ўғлимисан? «Абулбаракамнинг жўраси», деб сени неча марта кўтарганман. Қувноққина бола эдинг, «таж» деса, захча боласидай оғзингни очиб турардинг. Вой, бўйи-бастингдан холанг айлансин, тирик етимгинам! — деб қоқиндиқ бўлар, кўз ёши дарё эди.

Нафиса ҳанг-манг бўлганича турган ерида қотиб қолди.

ЖАННАТ ҚИДИРГАН ЙИГИТ

Нафиса «эр деган бундоқ бўлар экан-ку, эсиз-эсиз анави усти ялтироқ, ичи қалтироқ билан ўтган

умрим!» деб бир сирдош ўртогига юрагини ёрганда, у Умматали билан яшай бошлаганига бир қовун пишиги бўлган эди.

Тўғри, илон чаққан киши ола арқондан чўчийди, дегандай у ҳам бу масалага аввал юраги бетламай қаради. Умматали одам қўйиб, кетидан ўзи учраб, «Нафисахон, аҳвол шу, хўп десангиз, бутун совхоз гувоҳ, бирга яшайверамиз, йўқ десангиз яна ўзингиз биласиз. Зорим бор, зўрим йўқ. Лекин умрнинг зое ўтмагани яхши!» деганда иккиланниб қолди. Нима дейишини билмади. Бир оз вақтга ижозат сўради. Уйга келиб ўйга чўмди. Тунлари хаёл, олаговур тушлар билан ўтди. Юрагига бундок қулоқ солса, рад этишга мажоли етмайди. Шунда баъзи бир оғзига кучи етмаганинг: «Дафтардан ўтмасдан хотинлик эр билан яшаяпти. Ўзи шаҳардан эр деб чиққан экан шекилли!» дейишлари ҳам эсига келмай қолди. Шаҳар дарвозасини ёпиб бўлади, аммо эл оғзини ёпиб бўлмайди, деди-ю, севиб, севилганидан мамнун бошини кўтарди: бас, шунча чеккан азобларим ҳам етади! Севгим – бахтим, севгим – дардим! Унинг севгиси карвондай ўткинчи, селдай кўчкинчи эмас. У бечоранинг ҳам ҳаётида ҳаловат йўқ, мендан бошқа на дардкаши, на меҳрибони бор. Эрта-ю кеч ишим дейди, совхозим дейди. Ишим деган одам, албатта оилани ҳам дейди. Бир йигит бўлса шунча бўлади. Менга бундан ортиги чиқмайди, бундан ортигининг кераги ҳам йўқ. Ёшимизда сал кўпроқ фарқ бўлса ҳеч нарса қилмайди. Ҳар ким кўнгли тортган ошни ичади. Кўнглим шуни дебди, бас, шуни деганим деган. Муҳаббатсиз умрнинг на нури бор, на шодлиги!

Нафиса узил-кесил бир фикрга келган бўлса ҳам, қайнатаси Тешабой олдидан ўтишни лозим топди. Бир дам олиш куни Сурайёни етаклаб тушиб борди. Бутун куч-қувватини ноқобил ўглининг гам-алами илик-илигидан сўриб олган Тешабой:

— Биз нима гуноҳ қилувдик, келин, бунча унутиб юбормасангиз! — деб гинахонлик билан қарши олди. Бўйи чўзилиб қолган неварасини бағрига бошиб, юз-кўзидан ўпди. Кўзидан ёшини тиёлмас эди.

— Бува, нимага йиглаяпсиз? — деди дунё ташвишларидан ҳали бехабар нораста невара.

— Бувангнинг кўзи шунаقا серёш бўлиб қолган, болам, — деди Тешабой ва уни яна бағрига босди.

— Қўйинг, йигламанг. Мен сизга шоколадли конфетлар олиб келдим.

— Хо-о, баракалла! Кат-то қиз бўл, умринг дард кўрмасин, — бобо невараси тутган қофоз тўрвадаги совгани олиб, ёнига қўйди, — ўзинг ҳам едингми?

— Ҳа, уйимизда тагин бор. Соб бўлса тагин олиб келиб бераман, еяверинг!

— Ҳимматингга балли, қизим!

Ҳиммати баланд неварасининг дадасиникига ўхшаган қўзларининг болалик завқ-шавқи билан тўлиб яшнаши Тешабой бағрини эзив юборди. Шунда Аъзамнинг умри бино бўлиб, бирон марта совфа-салом олиб келмагани отанинг кўнглидан ўтди. Лекин барibir жони жиз-жиз ачир эди.

Сурайё болаларга қўшилиб, ўйнаб кетгач, Тешабой сўради:

— Дарак йўқми?

— Йўқ.

— Энди бурнига сув кириб қолгандир?

— Билмадим.

— Мусофириликнинг ўзи бўладими, келин. «Уҳ» деб боши ёстиққа текканда билади. У ҳали чучварани хом санаб юрибди. Ўзингизнинг ишлиарингиз дурустми?

— Шукур, ёмонмас.

— Ҳали ҳам ўша совхоздамисиз ё шаҳарга қайтиб тушибингизми?

— Ўша ерда. Лекин сизлардан узоқлашиб кетдим.

— Қаерда бўлсанглар ҳам омон бўлинглар. Ора узоқлашса ҳам, ўзинглар узоқлашманглар.

Нафисанинг кўнглидан: «Умматали билан бўлган муносабатимдан отанинг хабари бор», шекилли деган фикр ўтиб, ичидан зил кетди. Унинг бу мушкулини яна Тешабойнинг ўзи енгил қилди. У салмоқлади:

— Асли шаҳардан дала яхши. Кишининг баҳри дили очилади. Сурайё сизни қийнамаяптими?

— Йўқ. Авваллари сал ичикди-ку, кейин эсидан чиқарип юборди.

— Бир томондан шуниси ҳам яхши. Ўқсиб ўсган бола қасалманд бўлади. Лекин дадасининг қилмиши ёмон бўлди. Анор сувининг доғи ювган билан кетмайди. Итнинг божаси, қулнинг хўжаси кўп, дегандек бошини етимчадек ҳар кўринганга бир эгиб юргандир! Фариднинг кунидан туни узун бўлади.

Нафиса индамади. Унинг айтадиган сўзи йўқ эди: яраси битиб, унча-бунча тирнаганга оғримайдиган бўлиб қолган.

Нафиса куни билан боғда бўлди. Гап орасида турмуш қилиш нияти борлигини қайнанасига имо-ишора билан билдириди, отадан розилик олиб беришни ўтинди. Мехмон ҳурматига тайёрланган овқат охир бўлиб, дастурхон йиғилиш олдида қайнана бу сир-асрордан Тешабойни хабардор қилди. Ота бир неча дақиқа бошини қўйи согнанича сукутга кетди. Оппоқ соқолини тутамлаб, кетма-кет силади. Кейин бошини кўтариб:

— Майли, келин, инон-ижтиёрингиз ўзингизда, — деди у синиқ товуш билан. Унинг қийналиб гапираётгани шундоқ билиниб турарди, — одатда кафан кийган қайтмас эди. Бу ҳам шулар қаторида. Ўзидан кўрсин. Шунчалик бизни ҳурмат қилиб, олдимиздан ўтибсиз, раҳмат. Қани қўлингни оч, — бирдан ота сенсираб, фотиҳага қўлини кўтарди, —

умрингдан барака топ. Тупроқ олсанг, олтин бўлсин, хор-зорлик кўрма! О-омин!

Тешабойнинг юзига тортган қўли кетидан, булоқ кўзи очилгандай дув ёш тўкилди. Қайнана ҳам кўз ёшини рўмолининг учини қайириб артди. Нафисанинг боши қўйида эди. Орага чўккан лоҳас жимликини яна отанинг ўзи бузди:

— Келин, қайтадиган бўлсанг, тур энди, кеч қолма бола билан.

Тешабой кўча эшиккача кузатиб чиқди. Неварасининг пешанасидан ўпа туриб деди:

— Нафиса, аввал келиним эдинг, энди қизимсан. Узоқлашиб кетма, тез-тез келиб тур. Тақдирга наchora! Орада ёмонимдан бўлган мана бу яхшим бор. Согинамиз. Кўнглингга олма-ю, бир нарсани айтиб қўяй: мабодо бола ортиқчалик қилиб қолса, асти тортинма, бизга келтириб ташла.

Уни болажонликкина хотини тўлдирди:

— Ҳа, рост! У учун алоҳида қозон осармидим! — Нафиса кутилмаган бу гаплардан сесканиб кетди.

— Йўғ-э! — деб юборганини ўзи билмай қолди.

— Ҳозир-ку, албатта йўқ дейсан. Ким билади қанақа одамга турмуш қурасан. Бир хил эркак ўганини чиқишитирмайди.

Тешабойнинг бу гапи, нима учундир Нафисага кутилмаган журъат бахш этди:

— Битта-ю битта боламни ёқтирмаса, мен ҳам унинг ўзини ёқтирмай қўя қоламан!

Нафиса йўлда қайтар экан, «Наҳотки Умматали ўшанақа эркак бўлса?» деган фикр миясида бир оз вақт чарх уриб юрди. Бу ёвуз саволни, «Йўқ, Умматали ундей кишилардан эмас!» деган ишонч тўлқини таг-туги билан ювиб кетди.

Нафиса енгил тортиб, совхозга қайтди.

Шундай хуштабиат ва ишонч билан Умматалини учратган Нафиса, аввалгидек бирор кўриб қола-

ди, демасдан қувонч билан унинг кўксига бошини қўйди:

— Мен сизникиман! Сиз меники! — деди. Лекин нима учундир кўзидан ёш тирқираб чиқди. Бунчалик хайрли оқибатдан шошиб қолган Умматали:

— Нега йиглайсиз, Нафисахон? — деганини билади. Бундоқ қараса, Нафиса анча нарида ёш қизчалардай хандон чопиб кетяпти.

Бу қувонч, севги ёши эди албатта!

Бир ҳафтадан кейин улар ёру биродарларга кичкинагина ўтириш қилиб беришди. Буни эшитган Қимматхон шаҳардан туриб, бир-икки муштини кўрсатди-ю, чиқиб келишга юраги дов бермади. Нортойнинг гапи қулоғида турган бўлса керак! Беш ойлар чамаси ўтгач, Умматалини бирдан прокурор чақириб қолди. «Лаънати арз қилган шекилли!» деб энсаси қотиб тушиб борса, прокурор йўқ. Бир айланаб келса, яна йўқ. Шунда ўша ерда ўтирганлардан бирига мурожаат этди. У одам прокурорнинг райком бюросидалигини айтиб, нима иш билан келганини сўради.

— Ҳм, сизми Қурбоналиев, — деди у одам Умматалини эшитиб, — ўтириング. Ишингиз менда.

«Ишингиз» сўзини эшитган Умматли юраги дукиллаб, у кўрсатган ерга омонатгина чўкди.

— Қимматхон Қурбоналиева ким бўлади сизга?

— деди у одам бир дело очиб, варақлаб кўздан кечиргач. Дело анча қаппайиб қолган эди. Бу яна Умматалига таъсир қилди.

— Хотиним. Лекин бирга турмаймиз.

— Ҳозир қаерда?

— Билмайман.

— Хабарингиз ҳам йўқми?

— Нимадан? — юраги шувиллаб кетди Умматалининг.

— Хотинингиздан, ўғлингиздан.

- Ўглим бөгчада. Онасини ким биландир бир ёққа кетган деб эшитгандим.
 - Келган. Шу ерда. Уни шу бир ҳафта ичи күрганмидингиз?
 - Йўқ.
 - Кимлар билан алоқаси борини билармидингиз?
 - Йўқ. Қизиқмадим.
 - Афсус!
 - Менинг афсусланадиган ерим йўқ. Бирга яшаш ниятим бўлмаганидан кейин қизиқиб нима қиламан.
 - Шу вақт бизга фойдангиз тегарди-да.
 - Унда огоҳлантириб қўйиш керак эди, — деди кулгансимон Умматали ўрнашиб ўтириб, — ўзи тинчликми?
 - Тинчлик бўлса, сизни чақиравмидик, биродар. Ҳеч нарсадан хабарингиз йўққа ўхшайди.
 - Йўқ! — энтикди Умматали ва суҳбатдошининг оғзига ҳаяжон билан тикилди.
 - Уч кун бурун уйида бўғиб кетишибди. Ичкилик бўлган, ичкиликтан кейин шунақа қилиб кетишибди.
- Умматали ачинишини ҳам, «баттар бўлсин!» дейишини ҳам билмай қолди. Кўз олдига суддан кейинги учрашув келди. У ҳамон ўша ерда жилпанглаб тургандек, салдан кейин муштини кўрсатиб «хап, сеними, тўхтаб тур ҳали», деяётгандек бўлди. Умматали тунда қўлини шилимшиғ нарсага ногоҳ уриб олган одамдек ижирганиб, юзини буруштириди. Шу онда Қимматхонга раҳми эмас, нафрati келди: одам бўлиб, одамдек яшай билмаганинг нимасига ачинади! Расмият учун сўради у:
- Жиноятчилар ушланганми?
 - Ҳозирча йўқ. Лекин ушланади, қаёққа боради, дейсиз, — ишонч билан жавоб қилди терговчи.

— Шунга ёрдамингиз тегармикин, деб чақыртирган эдик, «билмайман»дан нарига ўтмаяпсиз!

Терговчининг сўз оҳангидаги гумонсирашни сезган Умматали дарров жавобини қайтарди:

— Билсам жоним билан эди!

— Наҳотки, никоҳингизда турган одам нима қиляпти, кимлар билан учрашяпти, қизиқмасангиз!

Умматали бутун тарихини айтиб беришга мажбур бўлди.

— Бундан хабаримиз бор. Ҳар ҳолда... — салмоқлади терговчи ва ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа юрди. Бурчакка бориб тўхтади-да, орқаси билан турганича: — Очигини айтиш керак, ҳатто сиздан гумонимиз бор: талоқ сўрасангиз, бермаган. Уйланмоқчи бўлгансиз, монелик қилган! — деди ва бирдан ўтирилиб, Умматалининг кўзига кўзини қадади. Ундаги ўзгаришни синчилаб қузатаётгани шундай билиниб турарди. Умматалида ҳеч нарса сезмади шекилли, жойига ўтиб ўтирди: — Бунга нима дейсиз?

Ҳақ кишиларда бўладиган хотиржамлик билан Умматали деди:

— Тўғри, ҳар нарса дейишга ҳақингиз бор. Лекин вақт кўрсатади. Мен ўзимни оқлаб, сизнинг гашингизга тегмайман.

— Ёрдам ҳам бермайсиз?

— Қўлимдан келса, марҳамат! Сиз сўраётганингиз йўқ, айб қўйяпсиз.

Умматалининг овозидаги норозиликни терговчи сезди. Шундан кейин баъзи бир нарсаларни аниқлади. «Чақирсак, келиб туринг», деб чиқариб юборди.

Умматалига терговчининг гапи кела-келгунча алам қилди. Бу ит билан яшаб бир рўшнолик кўрган бўлсам ҳам майли эди. Бошимга энг мушкул иш тушганда бошвоғини узиб, ўзимнинг дардим ўзимга етмагандек, не-не иснодга қўйди-ку, тагин бирор

ўлдириб кетганда тухмати бўйнимга тушиши ортиқ! Тавба! Бошим ҳеч ташвишдан чиқмас экан-да!

Унинг кўнгли хотиржам бўлса ҳам, бу тухматнамо гапнинг ўртада ўтиши табиатини анча вакт ғаш қилди, қонини қайнатиб, ўйини бузди. «Ўлмай ўлгур қора қозон. Узоқ юрганга ҳам қораси юқмоқчи-я!» деганича уйига етиб келди. Бўлган гапни Нафисага айтиб берди. Олдинига «Вой, бечора-ей!» деб шошиб қолган Нафиса, тезда ким ва нимага ўлганини ўйлаб: «Хотин зотига иснод келтириб, тўнғиз қавмида кетибди», деди. Салдан кейин у эсидан чиқиб, кўз олдидан Масъуд ўтди. Ана унга раҳми келди.

— Мана шунаقا экан, боғчага ўтиб, Масъуджонни олиб келавермадингизми?

— Яна уларнинг гумони ошмасин дедим.

— Гумон! Гумонини ер ютсин! Гумонига бало борми! Эрта-ю кеч орқасида илиқиб юрганлардан гумон қилсан! — деди Нафиса ғазабидан титраб ва ўша куниёқ директордан машина сўраб, шаҳар тушиб кетди. Шом қоронғисига қолмасданоқ Масъуджонни олиб чиқди. Эшикдан гапириб кирди:

— Ўлганимнинг кунидан индамай юрган эдим. Энди бир кун қолса уят! Эшикдан қулоққа хунук, — кейин Масъудга қаради:

— Шу ер яхши, а Масъуджон? Ўзимнинг олдимда бўласан. Ўзим сенга уч филдиракли велосипед олиб бераман.

Йўлда чарчаб келган бола, велосипеднинг номини эшитиб, бирдан очилиб кетди. Галвирак ёнгоқдек тишининг оқи кўринди:

— Қачон?

— Қачон десанг, ўша куни.

— Эртага, хўпми? Йўқ, ҳозир.

— Ҳозир дўкон бекилди, ўғлим!

— Майли, бўлмаса, эртага, — бола чекинди, лекин таъкидлашни унутмади. — Албатта эртага олиб берасиз.

Бола рухини яхши билган Нафиса уни бағрига олиб құчоқлаб ўпди-да, күнглини тинчитди:

— Албатта, ўғлим, албатта. Менинг озгина пулым бор, даданг ҳам құшса, етади.

Энди ҳамма гап дадасида қолғандек бола Умматалига илтижо билан қаради. Лекин нима учундир «пулингиз борми, құшсасизми?» дейишша ботинмади. Буни унинг мунчоқ күзларидан уқиб турган Нафиса, бола узоқ қийналиб қолаётгандек ёнига тушди:

— Нега индамайсиз. Масъуджон сизга қараб турибди, — деди хаёлга кеттан эрига. Ана шунда Умматали бир катта хато қилиб қўйган кишидек дарров эсини йигиб олди:

— Албатта эртага велосипед оламиз. Пулим бор. Пул бераман. Учаламиз бирга борамиз. Ўзим мишишни ўргатиб қўяман.

Масъуд мана шу кейинги жумлага дарров жавоб қилди:

— Хо, ўзим биламан. Богчада минганиман.

— Бўпти! Бўлмаса бу ёги ҳам яхши экан.

Хотиржам бўлган бола, ўйинга овора бўлиб кетди. Умматали унга эшиттирмасдан, гўё ўзининг олиб чиқмаганига баҳона излаган бир тарзда хотинини синамоқчи бўлди.

— Айни шўх пайти, шўх бола чаққоннинг бир қўлини, ношуднинг икки қўлини боғлайди, дейишади...

Нафиса охиригача гапиртирмади:

— Ўсмоқчиламай қўя қолинг, ҳаммасини билиб, тилингиз тагидаги тилингизни кўриб турибман. Мен сизга шу болани деб текканман.

— Мени деб эмасми?

— Йўқ!! — кулди хотин. — Сизнинг нимангизни яхши кўраман, сочингиз оқ бўлса, чўнтагингиз қоқ бўлса, яхши кўрганингиз ёндоқ бўлса, тағин нима?..

— Нафиса у ёғига қофия қидириб, шошиб қолди. Умматали тўлдирди:

– Юртингиз қири туғ бўлса!

– Топдингиз, жуда топдингиз!!! Юр, Масъуджон ўғлим, дадангнинг гапини қўявер! – деди гўё у эшитаётгандек, ваҳоланки, Масъуд Сурайёнинг қўғирчовини томоша қиласди. Шундай бўлса ҳам, Нафиса унга гапираверди. – Бу кишим шунаقا, ўғлим, мени синаганлари синаган. Синаш ўлсин, шу вақтгача адо бўлмаса! Яқинда фарзанд кўрадилару ҳали ҳам синаш... – гапнинг бу ёғи гинага айланаб кетди. Умматали бундай назар ташласа, хотини ўқсийдиган. Яна ҳазилга олиб, гапни бурди:

– Хотинжон, одам умрнинг ҳар қуни бир синов, имтиҳон. Ўқишиники бўлади-ю, турмушники бўлмайдими! Сенга тегищмасам, кимга тегишаман, барака топкур! Сен бору мен бор. Сен бўлмасанг бу дунёнинг менга қизиги йўқ.

Эрининг самимийлигига ҳеч қачон шак келтирмаган Нафисанинг юзига яна мамнуният нурлари сочилиди. Қўзлари чараклаб, садаф тишлари шомдан олдин ёқилган чироқдек оппоқ кўринди:

– Шунаقا денг! Жуда сўзга устасиз-ей, авлодингиздан шоир чиққанми?

– Эҳтимол. Лекин энди чиқишига аминман.

– Нега энди?

– Чунки шоирлар туғиладиган замон энди келди, беармон куйладиди. Шу вақтгача ўтганларининг кўзидан ёш аримади.

Нафиса эрининг бу жавобига парво қилмай, унинг бояги тегишувини эслаб кетиб, эркаланди:

– Сиз менга унаقا турли сўзлар қилманг. Менга мумкин эмас. Билиб қўйинг, кичкинангизга ёмон бўлади.

Умматали «шуни олдинроқ айтиб қўймайсанми, жонидан!» деган маънода қўксига қўлини қўйди. Нафиса эса, «ҳа шунаقا!» деб бир бармоғини силкитганича таҳдид қиласди.

Бир оздан кейин иккаласи Масъуднинг икки қўлидан ушлаб, кинога чиқиб кетишиди. Сурайё эса, «Бой хотин»нинг олдида қолди. Унга буваси қизиқ-қизиқ чўпчаклар айтиб беради!

Эртасига Умматалини яна бир хабар кутиб турган эди.

Кузнинг яхши келганидан мамнун, планини бутун кўрсаткичлари билан дўндириб қўйган Азимхўжаев трестдан чиқиб келаётса, бошлиқ ўз кабинетидан чақириб қолди. Уни йилни яхши якунлаши билан табриклаб, энди нима қилаётганини суриштирди. Директор тоғ томоннинг токларини ёпиб бўлганини, пастдагиларнинг кесиш ҳам охирлаб қолганини айтди.

— Совуқقا қолмайдими?

— Йўқ. Илгаригидек қўл билан кўмармилик, машина шундоқ юриб, устига тупроқ тортиб кетади. Бизнинг иш ҳам енгиллашиб қолди.

— Яхши, — деди бошлиқ, лекин унинг хаёлида бошқа нарса бўлса керак, бир нуқтага тикилиб қолди, кейин Азимхўжаевнинг икки бўлак ости бошқа, усти бошқа кўрсатадиган қўзойнагига қаради.

— Биласизми, Азимхўжаев, — деди у бирдан, — биз сизни чет әлга юбормоқчимиз.

— Нима гап? Кўп вақтгами?

— Йўқ! Қишлоқ хўжалик мутахассисларидан делегация тузиляпти. Боғдорчиликдан ҳам бир одам сўрашган. Шунга сизни тавсия этмоқчимиз.

Бошлиқ унинг фикрини сўрагунича, стол устида турган учта телефондан биттаси жиринглаб қолди. У сўзи оғзида қолиб, трубкани олди:

— Лаббай! Ҳа, сизми? Жуда яхши, телефон қилдингиз. Ҳозир ўзим чақирсанмикин деб турувдим. Менинг олдимга киринг. Қўшнингизни ҳам ола келинг.

Сал ўтмай атайнин олдинма кейин қўйилгандай бир новча ва ориқ одам билан пакана ва йўғон одам

кириб келди. Азимхўжаев уларнинг истиқболига турди. Бошлиқ аввал қўришган бўлса керак, киришларини маъқуллагандек сал бош қимирлатиб, ўтирган ерида жой қўрсатди.

— Мана, ўртоқ Азимхўжаевнинг ўзлари келиб қолдилар. Мен кечаги гапни айтдим, — деди бошлиқ киргандарга қараб. Келганларнинг бири — новчаси партбюро аъзоларидан бири, семизи бош агроном эди.

— Хўш, ўзингиз нима дейсиз, Алихўжа Сайдович?

Азимхўжаев бу гап бошланганидан буён бошқа бир номзодни ўйлади: Умматалини тавсия этса нима қиласди? Ёш, куч-қувватли, илми ҳам яхши. Отган нишонига ўқи тегади.

Шундай бўлса ҳам у қаёққа эканини суриштирди. Иссиқ ўлкага эканини билиб, хаёлига икки нарса келди: ўз юрагининг тез-тез бетинч қилиб туриши ва Умматалининг сўнгги вақтда цитрус меваларга қизиқиб юргани. «Қизиқ, деб қўйди кўнглида, ёшлиқ ва тиниб-тинчимаслик яхши-да. Сал вақт ичида нави йўқолиб кетаётган узумлар боғи барпо этди. Тоғнинг этагини ёнгоқзор қиласпти. Бу ёғига боғбон чол билан келишиб, кечагина кўксултон, тошнок, жайдари олхўри, мағзи қизил жайнақи олмага ўхшаган талай тансиқ мевалар кўчати ўтқазди. Энди, «бу ерларда цитрус мевалар ўсармикин?» деб китоб титиб, кексалардан сўраб юрибди. Ақли бутун, диди ўткир. Шу борса айни муддао бўларди».

— Менинг номзодимни тилга олганинглар учун хурсандман, албатта. Раҳмат! — деди Азимхўжаев кўксига қўлинни қўйиб, — лекин тупроғига тухум кўмса пишадиган иссиқ ўлкани менинг юрагим кўтаролмайди. Бунинг устига анча олис экан. Хўп десанглар, ўрнимга бошқа одамни тавсия этардим. Истиқболи жуда порлоқ, ҳаракатига яраша ақ-

ли-идрохи ҳам бор. Сал пилигини күтариб қўйсак, янада чараклаб кетади.

— Ким бўлди у? — деди ажабланиб бошлиқ. Унинг сўзида «мен билмаган бу одам ким экан?» деган фикр бор эди. Бошқалар ҳам ҳайрон: кўзлари учрашди.

— Мендаги агроном.

— Ўтган йил борганми?

— Ўтган йил эмас, шунга ҳам уч йил бўляпти.

Бошлиқ бошини туширди. Семиз «анави...» деб гап бошлади-ю, у ёгини айттолмади. Айтганда, «Анави қамоқдан келганми?» деган бўларди. Қушнинг қанот қоқишидан қаерга тушишини биладиган Азимхўжаев, унинг нима демоқчи эканини фаҳмлади. Уйфур қовоғи уюлиб тушди. Кўзойнагининг устидан ғалати бир қарааш қилди.

— Ҳа, ўша, қамоқдан келган! — деди у таъкидлаб, кейин ёзғирди, — оғзимиздаги сақич чириб кетса ҳам чайнайверар эканмиз-да! Менимча, уни аллақачон туфлаб ташлаш пайти келди.

Бошлиқ яхши биладики, Азимхўжаев, аввалам бекорга бир нарсани тилга олмайди: айтадиган сўзининг қимматини яхши англайди. Ушлаганни узади, отганини ёпиштиради: шундай бўлса ҳам унга ер остидан кўзининг қирини ташлади: ҳар вақтдагидан кўра зол ўтирибди. Демак, ишончи комил.

— Яхши, ўйлашиб кўрамиз, — деди у.

— Агар савлатга бориб келмасин, наф олсин, десанглар шуни юборасизлар. Цитрус билан қизиқиб юрибди, — бўш келмади Азимхўжаев ўрнидан қўзгалар экан. Эшикдан чиқиб кета туриб, семиз бош агрономга «сенинг ҳаром этинг кўп, озишинг керак, сени оздириш керак» деган маънода ўқрайиб қўйди. «Темирни иссиғида ур» деган ўй миясига келди-ю, тўғри ундан юқорига чиқиб борди. Бошлаб Умматалини унга тавсия этган раҳбарнинг

хұзурига кирди. Бүлгап воқеани оқизмай-томизмай ҳаммасини айтиб берди.

— Орқага қарайвериб, бүйніміз оғриб кетмагани! — деди у семизни әслаб, — лочин бўлиб узоққа ҳам боқсанг-чи! Йўқ, булар туя миниб олисга-эмас, эшак миниб оёгининг остига қарайди. Бир киши ҳунарини севса шунчалик севади, шунчалик жон фидо қилади-да.

Кейинги жумла Умматали ҳақида эканини билган раҳбар уни тўлдирди:

— Мен ҳам уни танимас эдим. Бундоқ қарасам нимасидир ўзгача, бунақа одамларни «мехригиёси бор» дейди халқ. Кейин сизга тавсия қилдим. Адашмадик шекилли.

— Қайтага ютдим. Кутганимдан аъло. Очигини айтами: ўрнимга мўлжаллаб юрибман.

— Яна ўзига айтиб, талтайтириб қўйманг.

— Талтаядиган хилидан эмас. Сувга солсанг бўкмайди. Менга ишонаверинг!

— Ундоқ бўлса, яхши! Катта йигинларга қўшиб туринг, кўрсин, бијисин, чиниқсин.

— Бориб туради. Эринмайди. Туну кун жаннат қидирадиганлардан.

— Шу сафарга ҳам бориб келса, ёмон бўлмайди. Цитруслар билан қизиқиб юрган бўлса тагин яхши. У томонлар — кони. Эҳтимол, бизбоп бирор навини топиб келар.

Раҳбар шу сўзларни айта туриб, трестга телефон қилди, ўз фикрини билдириди. У ёқ ҳам маъқуллади шекилли, трубкани мамнун қўйиб:

— Бўлди! — деди.

Азимхўжаев бу хабарни топиб келганда Умматали тўпигидан лой кечиб, уч-тўртта одам билан парникларга жой тайёrlаётган эди.

— Қишида эрмак қиламиз! — деди Азимхўжаевни кўриб. Директор кишилар олдида топиб келган янгилигини айтгиси келмай, шахматни баҳона қилди:

— Азаматлар қолганини ўзлигиси тутатиб қўя қолса. Сиз билан биз бир ақлни гимнастика қилдирсак.

— Анчадан бери чўқишганимиз йўқ. Тўғрими, йигитлар?

Йигитлардан бири жавоб қилди:

— Бу кишининг қиласидаган ишиям қолгани йўқ.
— Унда яна яхши.

Бу кутилмаган янгиликдан Умматалининг оғзи қулогига етди.

Лекин бу беғубор севинчта лой сачратувчи ҳам топилиб қолди.

Азимхўжаев билан бўлган ўша суҳбатда ўз сўзини ўтказолмаганиданми, ёки унинг учиригига чидолмаганиданми, трест бош агрономи бир ҳафта ўтгач, совхозга чиқиб келиб қолди. Умматалини ёнига олиб:

— Қани, агроном, далангизни кўрсатинг, ўзгаришлар катта әмиш, деб қолди. Унинг юпқа лаби асабий пирпирашидан бехабар Умматали, «Бизнинг иш билан ҳам қизиқадиган бор экан-ку», деб олдига тушди:

— Жоним билан, марҳамат! Биз томонларга ҳеч чиқмайсиз ҳам.

Газик машинанинг орқа томонига Умматалини ўтқазиб юбориб, ўзи шофёр ёнига ўрнашиб ўтираётган бош агрономга шу оддий гинахонлик ҳам малол келди, қайириб ташлади:

— Республикада битта сизнинг совхоз менга қарамайди-да. Бунинг устига сиздек агроном бор ерда биз нима ҳам қиласдик.

Умматали ана шундагина бош агрономнинг юрагида қандайдир кудурат борлигини пайқади. Лекин бу кудурат нимадан ва қачон пайдо бўлганини билолмай бир оз боши қотди. Бош агрономнинг келишидан фойдаланиб, маслаҳатлашиб оладиган анча-

гина режалари бор эди, унинг ёмонлаган отдек бу турқини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди.

Йўлга чиқиш олдида бошланган бу кўнгил хи-
ралик совхознинг биринчи-иккинчи бўлимларини
айланганда ҳам ёзилмади. Иккинчи бўлимдан чи-
қаверишдаги Умматали обод қилган ёш ёнгоқзорга
келганда яна баттар авж олди.

— Бу нима? — кўриб туриб жўрттага жеркиди
бош агроном.

— Ёнгоқзор, — беларвогина жавоб қилди Умма-
тали.

— Ёнгоқзор?! Энди бир ками болаларнинг кўчада
ёнгоқ ўйнаши қолувди!

Ўсмирлигидан юрагига меҳри тушган севимли
ёнгогини кутилмаганда бундай ерга урилиши Ум-
маталининг аъзойи баданини титратиб юборди. Гўё
биров уни ноҳақ кўнглини оғритган, билиб туриб
оғритган эди. Шундай бўлса ҳам у ўзини босиб,
ётиғи билан жавоб қилди:

— Ёнгоқни болалар ўйнаши эсингизга келади-ю,
нега инсонга, инсон организми учун бўлган нафиини
унутасиз, ўртоқ бош агроном.

— Эҳтимол, ҳали дорихоналарда сотилишини
ҳам таклиф этарсиз?

— Хўш, сотса нима қилибди! Биласизми, Мичу-
рин ёнгоқ ҳақида нима деган? — Умматали узил-ке-
сил унинг оғзига урмоқчи бўлди.

— Деса, Россия шароитини кўзда тутиб деган.

— Йўқ, кечирасиз. Мичурин фақат ўз қишлоғи,
ўз ўлкаси учунгина қайфурганида бунчалик машҳур
бўлиб кетмас эди. Буюк кишилар доим инсоният
учун қайфуради, унинг ташвишида яшайди.

— Лекция ўқиманг, у ёшдан ўтганман, — бош
агрономнинг энсаси қотди, бир кўзи ижирғаниб қи-
слиди.

— Тўғри, лекцияга муҳтож эмассиз, мен фақат
ёдингизга солиб қўйдим, холос. Яна шуни қўш-

МОГИМ МУМКИНКИ, ёНГОҚ БУТУН БИР КОМБИНАТ ДАРАХТ. БИР КИЛОСИДА УЧ КИЛО НОН, ЕТТИ КИЛО КАРТОШКА, ТҮРТ КИЛО ГҮШТ, ЎН БЕШ КИЛО СУТНИНГ ҚУВВАТИ БОР.

БОШ АГРОНОМ ИСТЕҲЗО БИЛАН КУЛДИ:

- ОТАНГИЗ ВАҲИМАЧИ ЎТГАНМИ?
- БУ ВАҲИМА ЭМАС, ФАКТ!
- ФАКТ, ФАКТ! ҲАЛИ ШУНАҚА ДОНОЛИК ҚИЛИБ ВИ-НОБОП УЗУМЛАР ЎРНИГА ЖАЙДАРИЛАРИНИ КЎПАЙТИРИБ ЁТИБМАН ДЕНГ.

УММАТАЛИ БИЛДИКИ, ЎЗ ТАШАББУСИ БИЛАН НАВИ КАМАЙИБ КЕТАЁТГАН ЕМИШБОП УЗУМЛАРДАН ИБОРАТ ТОКЗОРДАН ҲАМ БОШ АГРОНОМНИНГ ХАБАРИ БОР ВА БУНДАН У ХУРСАНД ЭМАС. ДЕМАК, ОРТИҚЧА ГАПГА ЎРИН ЙЎҚ. ЧЎЗМАСДАН:

— ШУНДАЙ! — ДЕБ ҚЎЯ ҚОЛДИ.

БУ БЕПАРВО ЖАВОБ БОШ АГРОНОМНИНГ ЖОНИДАН ЎТИБ КЕТДИ, ЯЛТ ЭТИБ УНГА ЎГИРИЛДИ:

— ҲОЙ, МЕНГА ҚАРАНГ, АГРОНОМ! — У УММАТАЛИ-НИНГ ИСМИНИ АЙТИШНИ ҲАМ ЎЗИГА ЭП КЎРМАЙ ҚОЛДИ. БИР ЛИТР ШАМПАНСКОЕ НЕЧА ПУЛ ТУРАДИ, БИЛАСИЗМИ?

- БИЛАМАН, ЖУДА ЯХШИ БИЛАМАН.
- СИЗ ОБОД ҚИЛГАН БОҒ УЗУМИНИНГ КИЛОСИ-ЧИ?
- БУНИ ҲАМ БИЛАМАН. ШАМПАНСКОЕДАН АРЗОН.
- ШУНДАЙ ЭКАН, НЕГА ДАВЛАТГА ЗИЁН ЕТКАЗАДИГАН ИШГА КУЧ БЕРАСИЗ?

БОШ АГРОНОМНИНГ БАЛАНДДАН КЕЛИШИ УММАТАЛИ-НИНГ НОЗИК ЕРИГА ТЕККАН ЭДИ. ШУНДАЙ БЎЛСА ҲАМ ЎЗИНИ БОСДИ:

— ҚЎРҚИТЯПСИЗМИ ЁКИ ТУШУНТИРЯПСИЗМИ? АГАР ҚЎРҚИТМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, КЕЧИҚДИНГИЗ, У ВАҚТЛАР ЎТИБ КЕТГАН. ТУШУНТИРИШ НИЯТИДА АЙТАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ, МЕН ТУШУНИБ ШУ ИШЛАРНИ ҚИЛЯПМАН.

— НЕГА? — ЯНА СИЛТАДИ БОШ АГРОНОМ. УММАТАЛИ КУЛГИГА ОЛМОҚЧИ БЎЛДИ:

- ЧУНКИ ҲАММА ШАМПАНСКОЕ ИЧМАЙДИ.
- ҚИЗИҚЧИЛИК ҚИЛМАНГ!

— Қизиқчилик қилмасам, фойда деб кишиларни ажайиб нав узумлардан маҳрум қилишга ҳақимиз йўқ. Бу узумларнинг киши организми учун фойда-си шампан-виносидан пул шаклида келадиган фойдадан кам эмас. Инсондан азиз нарса йўқ — буни яхши биласиз. Яна шуни эслатиб қўяйки, мен вино-боп узумзор ўрнита эмас, балки иккисини тенг кўрганим ҳолда, кишилар хаёлидан кўтарилаётган ана шу навларга куч беряпман, янги боғлар тузяпман, янги боғчалар очяпмиз. Бундан кейин ҳам шундай қилиш фикридамиз.

— Йўқ, қилмайсиз. Бундан кейин биздан беижозат бир туп ҳам ўшанақа ток экмайсиз.

— Нега бунчалик қаттиққўллик?

— Чунки давлат биздан винобоп узум талаб этади, шу юзасидан план беради. Давлат плани — муқаддас. Тушунарликми?

— Киши соғлиғи, майшати давлат аҳамиятига эга эмасми? — қарши савол қўйди Умматали.

— Мени давлат берган план қизиқтиради.

— Мен учун иккаласи ҳам муқаддас.

— Менимча, сиз учун иккинчиси муҳимроқ кўринади.

— Янглишасиз! Аслини олганда иккаласининг негизида ҳам битта манфаат ётади.

— Энди шу томонга ўтиб олдингизми?! — Ночор қолган бош агроном атайин чертди. Бу жумлани, кеча душман эдинг, энди бу томон бўлиб олдингми деб тўғри тушунган Умматалининг тирногигача зирқираб кетди.

— Ҳой, менга қаранг, бош агроном, мени ҳақорат қилиш учун ким сизга рухсат берди? Сиз шуни қулогингизга қуйиб олингки, мен ҳар вақт шундай бўлганман ва шундайлигимча қоламан. Нимаки иш қилаётган бўлсан имоним бутунлигидан, ишончим комиллигидан. Қилининг қийиғича ҳам ҳадиксирайдиган еrim йўқ! — Умматали сал нафасини ростлаб

олди, кейин яна қўшиб қўйди: — Очигини айтганда, ўртоқ бош агроном, бунақа чирик гаплардан воз ке-чиш пайти аллақачон етган — ўзингизга ортиқча юқ қилиб олиб юрманг.

Бош агроном кўрдики, Умматали сал букса әги-либ келадиган самбит эмас, худди ўзи яхши кўр-ган сербутоқ ёнғоқ: эгилмайди, чарсиллаб синади. Фақат кўринишдангина мўртга ўхшайди.

Умматалини ўз измига солиб ололмаган бош агроном шаҳарга қайтиш олдидан Азимхўжаевга тил чайнади:

— Агрономингиз жуда ўзбошимча. Панд бериши мумкин.

Унинг нимага имо-ишора қилаётганини фаҳмла-ган Азимхўжаев мийигида кулиб:

— Менга шунақаси ёқади! — деб қўя қолди.

21

НОШУД АРТИСТ ВА КЎР БОЛА

Қоплонбекнинг назарида бу хонадонга яқинла-шувнинг икки йўли бор: бири оила калони Сайдак-бар ҳожи билан хушмуомала ва бири унинг ўғли Абулбарака билан иноқлашиш. Икки кишини бир-дан қучоқлаган бирини бағридан чиқариб юборади. Биридан бошлаш керак, тўғриси, якка-якка кўнг-лига қўл солиб, замин тайёрлаш керак. Ҳожи билан муомаласи ёмон эмас. Игна тутса, ип бўлиб теши-гидан ўтиб турибди. Хонадан чиқса букилиб, кир-са таъзимини канда қилмайди. Ҳожатхонага ўтса кўзи олазарак.

Қани энди тезроқ чиқа колса-ю, қўлига сув қўйса, елкасидаги сочигини тутса! Шунда Ҳожи-нинг улуғворлик билан: «Баракалло, раҳмат, иним! Сувдек сероб бўлинг!» дегани ҳам унга бошқача эшитилади. Ҳатто бир куни унинг Таманинга: Қўп

боодоб йигит экан. Туркистоннинг асл йигитлари шунақа сертакаллуф, фидоий жон бўлади, қизим! Сен уларни кўрмагансан, билмайсан, қадрламайсан деганини ўз қулоғи билан эшитди. Шундан кейин, гарчанд Ҳожи уни дўконида совуқроқ қарши олган бўлса ҳам, ҳечқиси йўқ. Иш билан банд эди. Ёки бошқа сабаби бор эди-ю, бу пайқамадими? Нима сабаби ҳам бўлиши мумкин. Ишлик одам! Уни қойилмақом қилиб, авраб қўйибди. Энди Абулбараканинг юрагига қўйл солиб кўриш керак. Бунинг учун тадбир керак. Кларк бекорга бу ҳақда алоҳида таъкидлагани йўқ! Шундай қилиши керакки, вақти келиб, Таманнога оғиз солганда иккиси баравардан «Айни муддао!» деб юборсин. Кейин ўз хўжайнларининг ҳам кўнгли тўлиши шарт! Лекин Абулбарака қаттиқ нарса эмаски уқаласа, юмшоқ эмаски эзса, худди жўн олмос қаршисидаги қалин ойнага ўхшайди, унча-мунчага кесилиб бўпти! Ахир бекорга Парижда ўқиб, оқ-қорани таниб, доктор бўлиб қайтмаган. Бунинг устига ўзи жуда зийрак, паст-ландин билади. Ҳатто отаси унинг баъзи ишларидан хурсанд эмас, деб эшитади. Касаба ишларида фаол. Бева-бечорага мойил. Уларни ҳимоя қилиб, баъзан газеталарда ҳам мақоласи чиқиб турармиш. Касалхонасида доим уч-тўртта камбагал бепул даволанишини ўзи аниқ билади. Бундан отасининг норизолигини Қоплонбек бир неча марта эшитган. Ҳожи: «Бизнинг ўғил фуқаропарвар!» деб кулган эди. Қоплонбекнинг бу ердаги ўз кишилари ҳам: «Қўли очиқ йигит! Қани энди бизга мойил бўлса, анча иш берарди. Афсус...» дейишади.

«Эй, азамат, деб қўйди ичида шуларни ўйлаб Қоплонбек, биз ҳам сув кўриб, иштонни пуфак қилгандардан. Не-не кўчалардан баримизга лой сачратмасдан ўтиб келяпмиз».

Чиндан ҳам Қоплонбек ҳазилакаш киши эмас эди. У ўзига тузук оилада дунёга келди. Дадаси маҳал-

лада биринчи бўлиб галстук таққан, учи тўмтоқ ботинка кийиб, шимини устига туширганлардан эди. Бир оз Қозонда таълим олиб, ўша ердан соч қўйиб келган экан! Ҳа, айтгандек унинг нўғой дўппи кийиб, оёғини чалиштириб тушган чиройли суратини Қоплонбекнинг онаси у қамалиб кетгандан кейин ҳам ардоқлаб-асраб юрарди. Бу маҳалда Қоплонбек ўсмир йигит эди. Албатта, отасининг касри унга тегмай қолмади: бир йилча ўқишдан четланиб қолди. Бошлиб дадасининг қамалиши, кейин ўзининг у туфайли эшитган гап-сўзлари ёш йигитнинг юрагини заха қилди. У жоҳил ўтай она қўлидаги етим боладек бўйинни қисиб юрди. Нимадандир камситилиб, кимдандин дакки эшитаётгандек кўринди. Эсини таниб, мустақил ҳаёт йўлига кирган сари бу алам кекка айланди. Бу кекини қанақа қилиб, кимдан олишни билмаса ҳам бағрида оғир тош, ўчмас доф бўлиб ётди. Уруш бошланганидан бутун эл-юрт ларзага келиб, газабдан қўллар муштга тугилган, кўзларида босқинчи ёвга нисбатан нафрат чақнаган бўлса, Қоплонбек енгил нафас олди. Франциядек мамлакатни икки ойга етқизмай икки буклаб ташлаган Гитлернинг ҳадемай бу ергача етиб келиб қолишига шакшубҳа қилмади. Лекин тилини маҳкам тутиб, севинчини яшириб юрди. Сафарбар қилиниб, онаси билан хайрлашар экан: «Йифлама, она, яхши кунларда кўришамиз!» деб ўзининг кўнглидаги ниятини акс эттирадиган маънени билдириди, мағрур чиқиб кетди. Душманнинг вақтгача бўлган шиддатини кўриб, голиб келишига сира ҳам шак келтирмади. «Отамнинг бошини еганлар, мени қувгин қилганлар учун қон тўкиб, эсимни еганим йўқ!» деди-ю, асир тушиб кетди. Лагерда ҳам узоқ ётмади. Туркистон легионига биринчилар қатори ёзилди. Ҳатто бошқаларга: «Юрларинг, бекорга пашшадек қирилиб кетасанлар. Барибир ҳеч ким бу садоқатларинг учун раҳмат айтмайди», деб дакки берди. Унинг ташаббускорлиги

Туркистон легиони бошлиқларига маъқул тушди. Уни дарров сафарбарчилар гуруҳига қўшиб олишди. У лагерма-лагерь юриб, ёлғон-яшиқдан оғиз кўпиртириб, одам тўплади. Бу йўллар билан легион иши ривож топавермагач, уни яна «асир» қилиб лагерларга ташладилар. Қоплонбек у ерда ичдан иш олиб борди. Лекин бир куни оғзидан қони келишига ҳам оз қолди. У беш-ўнтасини атрофига йифиб, «қолип»-га солаётган эди. Биттаси тарс этиб қулоқ-чаккасиға қўйиб қолди. «Нимага урасан?» деган эди, «Нега кишиларни ҳаром йўлга бошлайсан?» деди. «Рости шу-да!» деб баланддан келган эди: «Мана бу ҳам калтаклашнинг ростаками!» деди-ю, ағанатиб дўйп-послаб кетди. Бир кексароқ асир: «Қўйинглар, бу ер уришадиган жойми, тавба деб ўтиргинглар», дея ажратиб қўйди. Калтаклаган асир «Тавбани биладими бу ватанфуруш! Ўз қўлимиз ўзимизга етмaganдай, хоинликни тавсия этади-я!» деганича пеша насидан терини артди. «Яна шу қилиқни қилсанг, кўрасан!» деб Қоплонбекка таҳдид этди. Қоплонбек эса, кечаги ҳафта хўжайинлар атайин кийгизиб киритган эски қизил аскар кўйлагининг йиртилган ёқасини эпакага келтириш билан овора. Пешанаси гурра, оғзи қон...

У Туркистон легионида астойдил хизмат қилди. Айниқса, легионга адашиб келиб қолган, бу ердаги ишларнинг турган-биттани жиққа ёлгон эканини тушуниб, партизанларга қочмоқчи бўлган битта ҳамшаҳарини ушлаб бериб, кўзга қўринди. Қочоқни ибрат бўлсин учун саф олдига қўйиб отиб ташладилар, Қоплонбекни эса, бир баҳя кўтардилар, “Чигатой” деган тилда чиқадиган “Миллий Туркстон” газетасида Н. Абдулла деганинг унга бағищланган очеркнамо бир нарсаси ҳам босилиб чиқди. Очеркда дадасини НКВД қамоққа олаётганда Қоплонбек пичоқ билан биттасига ташланганини алоҳида бўрттириб кўрсатилади. Қоплонбекнинг

тушига ҳам кирмаган бу воқеа ўзига маъқул бўлди. Кейинчалик ўзи ҳам гапириб юрди...

Прага қўзголонини қон қақшатган Туркистон полкида Қоплонбек ҳам бор эди. Анча кўтарилиб қолган Қоплонбек бу ерда шунаقا жонбозлик кўрсатдики, гитлерчи командирнинг кўзи ўнгидага, «Сен қўзголончиларнинг қуролини уйингда асраб бергансан», деб ой-куни яқин ҳомиладор хотинни чавақлаб ташлади. Унинг бу «қаҳрамон»лиги беиз қолмади. Уни СС гурӯҳига ўтказдилар, унвон бердилар. Варшава қўзголонини қонга белаща яна иш кўрсатди. Ундан «крест» ордени олиб, рота командири бўлиб қайтди. У қутуриб кетди. Бир немис қизига уйланиб ҳам олди. Аслида «олий ирқ» немис қизига уйланишга ҳақи йўқ. У бунинг йўлини топди. Қўмондонликка: «Отам туркистонлик, онам Волга бўйилик немис. Отам инқилобдан қочиб, шу ерга келиб турган. Шунда уйланишган» – деди. Бунинг тасдиги учун иккита «гувоҳ» ҳам топди. Улар «крест» орденли бурро, айтгани-айтган, дегани-деган бўлиб турган командирини куйиб-пишиб ҳимоя қилдилар. Буни қарангки, унинг қонини текширишган эди, «олий ирқ»га мансуб чиқди. Шундай қилиб, у машшатни ҳам унутмади. Беш-ён кун, «Мен Гитлерга куёв бўламан», дегандек босар-тусарини билмай кариллаб юрди. «Озод» Туркистонга йирик арбоб бўлиб боришига имони комил эди. Борганда нима ишлар қилишини, кимнинг бошида ёнғоқ чақиб, кимнинг бурнига чертишни мўлжаллаб қўйди. Айниқса уни «халқ душманининг ўғли» деб оғзидан ошини тортиб олганларни, уни камситиб, умрига таҳдид қилганларнинг она сутини оғзидан келтириб, ўзининг кимлигини кўрсатади! Бундан бошқа ҳам унинг қизиқ-қизиқ режалари бор. Ҳозир санаб ўтириш зарур әмас. Ахир Гитлер ҳоким бўлган ерда унинг ошиғи олчи бўлмай иложи қан-

ча. Ҳали у анча ишлар кўрсатиб яна юқорилайди. Эҳтимол, қўш-қўш орденлар олар.

Қоплонбекнинг иштаҳаси катта эди. Лекин у қанчалик куч бермасин, кечалари уйқуси қочиб афсонавор режалар тузмасин, «Туркистонга арбоб-халоскор бўлиб кириб бориш» иштиёқида ёнмасин, у бино қўйган «Ғолиб немис армияси» кундан-кун шалаги чиқиб, чекинмоқда эди. У аввалига бунга ишонмади. Гитлернинг дабдабали нутқларига жон-дили билан ишониб, фронтда аҳвол бугун-эрта ўнгланиб кетишига умид кўзини тикди. Лекин нима учундир фюрерининг бащорати ижобат топмасди. Сабабини билмай гарант эди. Карта олиб фол очарди. Фоли кўнглидагидек чиқса хандон солиб, ўнг келмаса ерга уриб, қуфрланиб жигибийрони чиқарди. Бўғилиб кетган ёқасини ечиб, хуноб бўларди. «Наҳотки, ўша мен уруш бошида кўрган, соясидан хуркиб тумтароқ қочиб юрган қизил аскарлар шунақа кучга тўлиб, уддабуро бўлиб кетган. Бу ерда киши ақли етмайдиган бир сир бор, жуда қизиқ сир бор! Бу тасодиф. Вақтинчалик. Узоққа чўзилмайди. Не-не бели бақувват давлатларни бир-икки ҳамлада букиб ташлаган Гитлердек одам келиб-келиб Москва олдида тиз чўкса! Бундай бўлиши мумкин эмас, мумкин эмас!»

Қоплонбек кўқсидаги «крест»ни жиринглатиб қанчалик куйиб-пишмасин, дуо қилмасин, куч бермасин унинг ниятинн чаппасидан келтирмоқда эди. «Ҳаш-паш» дегунча ғолиб қўшин Пруссияга кирди. Замбаракларнинг овози Қоплонбек турган ердан ҳам эштилиб қолди. Тарвузи қўлтиғидан тушган Қоплонбек бир куни сёғи ерга тёғмай елиб келиб қолди. Ҳовлида гулхан қилиб, бор-йўқ қофозларини куйдирди, кулини сочиб ташлади. Уйга кириб, шу кунгача мағрур кийиб юрган, ёқасига «Олло, Туркистон биз билан» деб ёзиб қўйилган формасини олиб бир чеккага улоқтирди. Аллакимнинг етти

пуштини ағдариб сўқди. Шу қора кунга эҳтиётдан олиб қўйган жўнгина костюмини кийди. Кичкина чамадон билан кўчага отилди. Хотини билан хайрлашмади ҳам. Оёғи остида ўралашиб юрган тетапоя қизчасини йиқитиб ўтиб кетди. Бигиллаб йиғлаганига ҳам қулоқ солмади. Лекин хотинига «крест»ни тайинроқ жойга кўм» дейишни унутмади.

Унинг тухуми оғзига келиб қолган эди. У шу қочганича Америка қўшинлари паноҳига ўтиб олди. Беш-ён кун қўрасини йўқотган итдек дайдиб юрди. Ким кўринганга ишшайиб, чақирса «лаббай!» деб, ўтиrsa ўрни, юрса йўли куйиб, безовталаниб кун ўтказди. Унинг умид косаси чил-чил синган, унга «Гўзал Туркистон»нинг суви бир умрга ҳаром бўлган эди. Қўлга тушиб, пешанасига тўғпонча тирадмаганидан шукроналик қилиб юрганида тим сиёҳ уфқида ялт этган нур пайдо бўлиб қолди. Бу Черчиллинг Фултонда сўзлаган нутқи эди. Бу соvuқ муносабатлар урушининг бошланиши эди. «Будаҳанаки жанг нечук ростакамига айланмасин!» деган Қоплонбек, ўша кунданоқ ҳафтада бир эсига келмайдиган соқолини кунда қирадиган бўлди. Сочини силлиқ тараб, шимининг дазмолини жойига келтирди.

Кечаги иттифоқдошига бугун муштини кўрсатган, унга энди гумон билан қараётган Америка разведкасига яна «rossияшунослар» керак эди. Гитлер архивлари материаллари кўздан кечирилиб, тажрибали кишилар оёқка турғизилди. Булар орасида аламзада Қоплонбеклар ҳам бор эди. Бошига кийса, оёғига етқизолмай юрган бу афандилар биринчи имодаёқ қўлларини қовуштириб, таъзим қилдилар...

Коплонбек дарров думини ликиллатиб, янги хўжайинининг олдига тушди. У янги хўжайиннинг оғзидағи чучмал резина: истаса шимиб шарбатини ютади, истамаса тупуриб ташлайди. Бу хўжайнини

аввалгисидек маҳмадона эмас. Унар-унмасга минбарга чиқиб, оғзини кўпиртиравермайди. Лекин у хатти-ҳаракатининг заминида Қоплонбекка хуш ёқадиган, унинг айни муддаоси – «ўша эзгу ният» ётади. Демак, у элбурундан тавбасига таяниб, қасос қиличини қинига солмаса бўлади. Ҳатто аввалгисидан бу анча тадбиркор ва бадавлат. Давлатмандлик нималарга қодир эканига унинг фаҳми етади. У аминки, Гитлернинг умуртқасини синдиришда бу янги хўжайини асосий роль ўйнади. Модомики шундай экан, нега бу галги тўқнашувда ҳам голиб чиқмасин. Иттифоқ урушдан ҳориб-толиб чиқди, хазинаси совурилди, қарзга ботди. Элнинг бел-қуввати йигитлари – асосан қирилиб кетди. Ўзини тиклаб олиши ўнгайми!..

Янги хўжайинига садоқат билан хизмат қилаётган Қоплонбек бир нарсадан хафа! Нега бу тезроқ тўқнаша қолмайди! Айни пайти-ку! Гитлерчасига тарсиллатиб олмайдими: куч-қуввати бўлса бор, давлати керагидан ортиқ. Яна нима керак?! Даҳанаки жанг қилиб, чакагини оғритиб ўтирадими!!

Қоплонбек мана шу хунобгарчиликда бир неча йилни ўтказди.

«Дунё тинчлигининг кафилини олган Америка» араб ўлкаларига мундоқ назар солса, елкасига кун тушиб, қимирлаб қолибди. Мустақиллик дардидা бош кўтаряпти. Ўзига ибрат қилиб Иттифоқни оляпти. Шу хилда бориши бўлса, эрта-индин ўз ҳуқуқини ўзи жиловлаб, «Социалзим қурамиз, шу тўғри йўл шу!» деб туриб олиши мумкин. Бу, албатта, Американинг манфаатларига зид. Майли, улар мустақиллик олсин, лекин Вашингтоннинг паноҳида, унинг «кўмаги», «маслаҳатлари» билан қаддини кўтарсин. Бунинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун бу ерларда унинг қулоги, кўзи бўлсин. Бу қўз ва қулоқлар ҳокимиятни қўлга олишга интилаётган фирмалар, қабилалар, оқимларнинг ишини кузатиб

боради, раҳбарлари ҳақида маълумотлар йигади, керак бўлса йўлга солади, сиёсий ифво чиқаради, лозим бўлган пайтда маблағ ажратиб, давлат тўнтиришларини ташдан туриб бошқаради.

Қоплонбек пухта ишланган узун занжирнинг бир ҳалқаси сифатида яқинда бу ёқда ташланди. Унинг бошлиғи Кларк оқ йўл тилар экан: «Бек, сизни катта баҳт кутяпти. Бўш келманг! деди. Нима ишлар қилишини, кимнинг раҳбарлиги остида ишланиши таъкидлади. У илк топшириқни кўнгилдагидек бажариб қайтди. Шу орада ўзининг Таманно билан бўлган учрашувини ҳам билдириди. Шаҳарнинг бообрў кишиси бўлган Сайдакбар ҳожи ҳақидаги суриштириш Кларкни қанотлантириди. Бу хонадонга ўз кишиси кириб борса айни муддао. Ҳожи анча-мунча қулфга тушадиган калит. Шунинг учун Қоплонбек Таманно ҳақида гап очганда елкасига қоқди: «Мана бу қўшалоқ баҳт! Қўлингизни бемалол узатаверинг, етмаса биз бор!»

Мана унинг маслаҳати билан бугун бу хонадонга у кириб келяпти. Кеча бу ердаги ҳамкасаблари билан яна бир келишиб олди. Улар кўпроқ тинчликпарвар ўғлидан, яъни Абулбаракадан ҳадиксирашарди.

— Бу тишда чақиб бўлмайдиган ёнғоқ, — деса бири, бошқаси:

— Тош ҳам олмайди, чўян болға керак, — деди, учинчиси:

— Уни чақаман деб уринманг, бефойда. Яхшиси ийлаш, юмшоқ силаб ийлаш. Ўзи раҳмдил. Ана шу торни чертиш керак. Шер бўлиб ўкириб эмас, мушук бўлиб қўйнига юмшоқ кириш керак, — дейди.

Шу кейингиси Қоплонбекка ҳам маъқул тушди.

Мана, у кеча шу ниятда олган сезилар-сезилмас йўл-йўли бор қимматбаҳо оқ нейлон кўйлагани кийди, товланадиган қора галстугини ихчам тутун қилиб тақди. Қосибнинг кўвасидек шундоқ ҳам

йилтиллаб турган учи ингичка ботинкасини деразанинг юмшоқ шторига наридан-бери артди. Ўзини ойнага солиб, чакка сочларини назокат билан орқасига силаб қайирди. Мехмонхона навбатчисига ўзининг кечроқ қайтишини айтиб, ресторонга ўтди. Бир жуфт «Наполеон» конъягини антиқа қофозга ўраб, тўгри Абулбарака ҳузурига кириб борди. Унинг бу маҳалда уйида бўлишини биларди. Соғиниб қолган эски қадрдонлардек унинг қўлинни олиб, ҳол-аҳволини сўради. Ҳурмат юзасидан, тўғриси, ўзининг алоҳида муносабатда эканини таъкидлаш учун отасини узоқ суриштириди. Яна кўнглига бир нарса келмасин, деб, «Таманнохон албатта соғ-саломат бўлсалар керак», дейиш билан чегараланди.

— Мехмонхонада ўтириб зерикдим. Бундоқ ўйласам, сизнинг бўш вақтингиз. Бир отамлашиб келмайманми, дедиму, мана бу антиқани қўлтиққа қисиб келавердим. Парижда бирон қадрдон билан майдалашарман, деб олувдим. Буни қаранг, сизга насиб қилган экан-ку. Бусоадада бир танишим ҳирслик қилиб юрибди! Жилла бўлмаса, пўкагидан ҳидлат, анчадан бери бунақасини тотиганим йўқ дейди. — Бу ишидан у магрур кулди. — Барibir кўнмадим, ҳидласа ҳам таъми кетади-да! Ундан кейин ўзингиз биласиз, суқи кириши мумкин. Биз ўзбеклар иримчи, табиати нозик халқ. Баъзилар сингари қўл ювмасдан дастурхонга ўтирмаймиз. Тўгрими?

— Ҳар халқнинг ўз одати ўзига аъло, — деди унинг фикрига қўшилмаган Абулбарака, — ундан кейин сиз айтган ўша «баъзилар» овқатни қўл билан емайди.

Дарров қаршиликка учраганидан шошинқира-ган Қоплонбек бўш келмади:

— Барibir кишининг табиати хира бўлиб туради.

— Бу ҳам ўрганишдан. Бусоадада нима қилиб юрибсиз?

— Саҳройи Кабирни бир кўргим келиб қолди. Талабалигимда муаллимимиз жуда қизиқ қилиб гапириб берган эди.

— Хўш, қалай? — унинг ёлғонига ишонди Абулбарака. Ваҳоланки, Қоплонбек у ёққа бошлиқлари томонидан юборилган эди: ўша томонда француз атом бомбасини синаш учун майдон тайёрланаётганидан хабар топишган эди. Қоплонбек икки киши бўлиб «турист сафари»га чиқкан, баъзи нарсаларни исказ келган эди.

Тажрибали тулки Қоплонбек турқини ўзгартирумасдан сафарини мақтаб кетди:

— Айтганларича бор: олло таолло шунча ипак қумни бир ерга тўплаб, нима қилмоқчи бўлган экан? Қуёш тандирининг оғзи шу томонга қаратиб қурилган эканми, дeng, қуми тошқўмирнинг қўридек бозиллаб турибди. Французларга ҳам балли, шу оловнинг орасидан йўл ётқизиб чиқибди, худди думига ип боғлаб, уфққа отилган ёй ўқига ўхшайди. Мехмонхонасига кирсанг муздай, дengиз ҳавоси димоғингни яйратади. Ёнидаги ҳовузини айтмайсизми, бир шўнгидинг, ҳордигинг тубида қолади. Ўзини ҳам рисоладагидек қилиб ишлаган — аллақаёқдан эринмай сув тортиб келибди. Қойил!

— Французга эмас, пулга қойил қолинг! Минг кўйга солиб, минг мақомга йўргалатадиган ундан келаётган даромад. Дунёда сизга ўхшаган ишқибозлар озми? Ясатиб қўйилган туяларни кўрдингизми? Миниб саҳрого кириб-чиқишингизга эмас, чўктириб, тургизишга ҳам ҳақ олади. Экзотика учун унинг устида суратта тушадиганлар ундан кўп. Бу туяларнинг қумалоги — олтин, ҳойнаҳой сиз ҳам қатордан қолмагандирсиз?

Абулбарака кулиб ҳамсухбатига қараб туради: «мени чақирдингизми?» дегандек оқсоч хотин

кўриниш берди. У меҳмонга ишора қилди. Дастурхон кирди. Табиати очилиб турган Қоплонбек:

— Биратўласи иккита рюмка ҳам бера қолинг,
— деди. Оқсоч рюмка билан унга керак бўладиган закуска ҳам олиб келди: япроқланиб, бетига шакар сепилган лимон, қовурилган хурмо мағзи, манго шарбати.

— Ижозат берасиз-да, азизим, — деган Қоплонбек чаққонлик билан конъякни очиб, яна бир қойил қолгандек қофозини ҳижжалади. Қадаҳларга қўйди:

— Қани, дўстим, эрмак-да. Бирор бунинг кетидан қувиб ичади, дейсизми? Бир кўнглим тортиб қолди. Қани, соғлиқ бўлсин, дўстлигимиз йўқолмасин.

Умуман, Абулбарака ичкиликини ёмон кўрмас эди. То Парижга ўқишига кетгунича отасининг таъқибида бўлиб, ичса ҳам ўгринча қилиб юрди. Парижга боргандан кейин оқимга тушиб кетди. Барibir отаси ҳар хатида «бу нопок шайтон сувидан» ўзини тийишни таъкидлаб турди. Лекин ўғлининг ҳамма ичиб турган улкан бир шаҳарда товуқ очган ўрдак боласи бўлиб юришига, албатта, ақли етмас эди. Шундай бўлса ҳам ўз муносабатини билдириб турди. Тўғри, Абулбарака «кордонруж» шампанини хуш кўрар, ора-сира «Сотерн», «Бужоло», «Бардо» каби енгил виноларни ҳам тотиб турарди. «Оғиз куйганда иссиқ чой ҳўплагандек бўлади» деб конъякни кўпда ёқтираса. Шундай бўлса ҳам бу оиласа ўзини яқин тутиб юрган кишининг қўлийни қайтаргиси келмади, рюмканинг нозик белидан қўш бармоқлаб ушлади:

— Қани, олдик бўлмаса. Менинг уйимда сизнинг қуишиб беришингиз қизиқ бўлди.

— Сизники, менини борми, азизим, — хуш ёқди Қоплонбекка, — бу гал биздан, нариги гал сиздан-да! Бу дунёда бир-бировга қилган одамгарчилик қолади. Яхшиям Таманнохон курортга борган экан, бўлмаса сиз қаёқда-ю, мен қаёқда эдим.

Қоплонбек мамнун симириб, лимон закуска қилди, Абулбарака эса, манго шарбатидан ҳўплади.

— Тузатиб сўрамадим, Таманнонинг соғлиқлари яхши бўлиб кетдими? — яна гап бошлади Қоплонбек.

— Раҳмат, яхши, ёшликнинг жароҳати тез битади. Таманнонинг касали сабаби Қоплонбекнинг қулогига чалинган эди, лекин мукаммалроқ билишга ҳаваси бўлса ҳам, ботинмади, акасидан сўрашга уялди. Кейин бундоқ ўйлаб қараса, билди нима-ю, билмади нима! Бир француз йигити билан юргани учун Ҳожи берса, мана бу қаршисида ўтирган йигит рози бўлса, Қоплонбек йўқ дермиди!

Гапнинг буғдой хамиридай қовушиб бораётганидан хурсанд Қоплонбек гапни бояги мавзуга бурди. Енидан сурат чиқариб, ҳамроҳига узатди:

— Бусоадада биз ҳам четда қолганимиз йўқ. Ҳой, мен сизга айтсам, киши она юртининг ҳайвонини ҳам соғинар экан. Туя кўзимга оловдек иссиқ кўринса бўладими!

— Қишлоқда туармидингиз?

— Шаҳарда-ку, қозоқлар кўмир, саксовул олиб келиб турмайдими. Шаҳардан четга чиқсанг, кўзинг тушади.

— Ўзбекистоннинг шаҳарлари жуда ободдир.

— Унақаси ҳам бор, бунақаси ҳам бор.

Қоплонбекнинг ичидаги ғайирлик қуртлари қанчалик ғимирлаб, тухмат ёғдиришга тайёр бўлса ҳам, бегона сухбатдоши қошида ўзини холис тутмоқчи бўлди.

— Уруш дамини анча қайтариб қўйди, бўлмаса... Ҳа, айтгандек, сиз урушдан кейин кўрмагансиз...

— Йўқ. Насиб қилмади.

— Бекор қилибсиз-да, қайтиш керак эди. Кўп асирда бўлганлар қайтиши шекилли.

— Қолганлари ҳам анча, — гапни чуватмади Қоплонбек.

— Думалаттанингизда билардингиз. Иттифоқдошлар уруш очганда Москва катта харсанг тош бўлиб Гитлернинг бошига ағдарилиб келаётган, йўл-йўлакай унга бошқалари қўшилиб қайтариб бўлмас суръат ва куч пайдо қилган пайт эди. Нима учундир баъзилар шуни энди тан олмаяпти. Яхши эмас. Душман бўлганингда ҳам ҳақиқатдан кўз юмаслик керак. Бу инсоний бурч.

Кейинги гаплар Қоплонбекка қаратилгандек, у қизариб кетди. Буни пайқаган Абулбарака уни бу хижолатдан чиқарди:

— Буни сизга тегизиб айтиётганим йўқ. Сиз ким? Сиз оддий бир, кечирасиз, ватангадо. Ватанингизни соғинганингиздан, қайтишга ўша тузумдан қўрққанингиздан ҳам холис бўлмаслигингиз мумкин. Мен сиёsat даргаларини кўзда тутяпман. Кечаги гапини бугун ёлғонга чиқариб, тонаётганларни айтяпман.

Қоплонбек билдики, Абулбарака пухта тўқилган мато. Унча-мунчага йиртилмайди. Маслакдошларининг айтганидан ҳам пишиқ. Ичида: «Ажабо, бу одамлар сиёsatни, айниқса, Иттифоқни қаёқдан бунақа пухта билади. Худди Кремлдан ҳозир келганга ўхшайди-я! Ёки буларнинг Москва билан боғланган яшарин ташкилоти борми? Кларк: «Син-чиклаб қаранг, остида бир нарса бўлиши керак», деган эди, бир нарсани билган экан, хумпар. Тўғри, у ёлғиз бизнинг канал билан ишлайдими! Биз билмаган қанча йўллари бор. Демак, эҳтиёт шарт: икки қулогу бир бурун кифоя эмас, бутун вужуд билан кузатиш керак. Бунинг юрагига анча қўл солиб олдим. Бу оиласа кирсам яна яхши. Мана шу нозик жойидан ушлаб. Ҳожи кўзига ёмон кўрсатишими, ёмон кўрсатишгина эмас, бир амаллаб орадан кўтариб ташлашим мумкин. Ана унда бу хонадоннинг ёлғиз эркатои ўзим бўлиб қоламан. Ҳўжайнларим олдида ҳам юзим ёруг!» — деб ўйларди.

Ўз мушоҳадасидан қувониб кетган Қоплонбек қадаҳини олиб, уриштиришга узатди, ўзини холис қилиб кўрсатди:

— Келинг, азизим, ҳамманинг гуноҳи ўз бўйнига, эчкини ҳам, қўйни ҳам ўз оёғидан осади. Бизга нима?

— Йўқ-йўқ! — қаршилик билдири Абулбарака, — сиёsat ҳалқ учун. Ҳалқ ўз муносабатини билдириши шарт. Сиёsatни беш-ўнта одам олиб боргани билан қалтак юрт-элнинг бошида синади, унинг бели қайишади. Ҳалқа ростни айтиб турмоқ керак. Ҳалқ ҳукумат учун эмас, ҳукумат ҳалқ учун. Кечаги ҳафтадаги «Алмужоҳид» газетасига кўзингиз тушдими? Аттанг! У ерда Зейтунийнинг яхши мақоласи бор.

— Зейтуний ким?

— Шу газетанинг ношири ва муҳаррири. Ҳушёр йигит. Ундан олдинроқ бу ҳақда клубда бепул лекция ҳам қилиб берган эди. Яна янги далиллар билан тўлдирибди.

— Мустақиллик даъво қиласими?

— Нега даъво қиласди? Даъво эмас, талаб этади, — шартта кесди Абулбарака. — Аксинча, Франция «мустақилсиз, яна нима керак» деб даъво қиляпти. Қизиқ, бўйнига занглаған занжир солиб қўйиб, маржон демоқчи бўлди. Кишиларнинг кўзи очилиб қолган: қатиқ билан қаймоқнинг фарқига боради. Қани, олдик, гапга тушиб кетиб, сизни маҳтал қилиб қўйдим. Шунаقا гаплар, биродар, ухлагандан бошқа пайтда кўз очиқ туриши керак.

«Буларнинг иши каттага ўхшайди. Қларкнинг типирчилаганича бор. Мустақиллик бўлиб, давлат бошига шу сиёsatдагилар чиқиб колса борми... Йўқ. Чиқмаслиги керак. Биз ҳам кўзимизни каттароқ очишимиз керак», деган Қоплонбек қўлидаги конъякни битта отди. Ундан кейин яна ичишди.

Қоплонбекнинг ичига тушган ҳар қадаҳ коњяк сўз бўлиб қайнаса ҳам, у ўзини тизгинлаб турарди. Ахир унинг кўнглида гадой топмас ҳазилакам ҳужралари борми! Абулбарака билиб қолса борми, бу хонадоннинг ёшиги у учун орқасидан шунаقا тамбаланадики, итариб тугул, тепиб очолмайди. Мабодо, тепиб очгудек бўлса, у ёғи яна маълум. Демак, қаршисидаги одам билан жуда эҳтиёт муомалада бўлиши лозим. Унинг илк вазифаси сиёsat талашиш эмас, унинг кўнглига яқин киши бўлиб кириш, яъни кўнглига сўқмоқ очиш. Шу сўқмоқдан ичкари кириб бориб, ўрнашиб олиши лозим.

Абулбаракага коњяк таъсир қилдими, эснаб, кўзига ёш чиқди. Қоплонбек дарров меҳрибонлик қилди:

— Чарчабсиз, азизим.

— Кечирасиз. Чарчаганим рост. Менда узок ётган бир бола бор. Бироннинг арзандаси, беш боладан тирик қолгани. Сиз билмайсиз, бу юртда бола кўп нобуд бўлади. Шу денг, бола бечора, аяган кўзга чўп тушар дегандек, кўр бўлиб қолган. Анча ҳаракат қилдик, тўғрисини айтиш керак, уддалолмадик. Дадасининг йиглашиний кўрсанг, юрагинг эзилади. Давоси бизнинг қўлда-ю, ҳаракат қилмаётганимиздек, шўрлик: «Садағанг кетай, бир иложини қил. Ўла-ўлгунча дуо қиласман. Мен эмас, бола-чақам билан чўринг бўлай!» деб йиглайди. Бола эсини таниб қолган.

— Энди нима қилмоқчисиз? — қизиқиб қолди Қоплонбек.

— Иттифоқида яхши мутахассислар бор деб эшитаман.

«Бунда ҳам кўзига Иттифоқ яхши қўринибди-я», деб энсаси қотган Қоплонбек, ботинмай:

— Парижга юбориб кўрмадингизми? — деди.

— Йўқ. Ўша ерлик бир доктор ўртоғим билан таплашсам, бу ёққа юборишнинг фойдаси йўқ дей-

ди. Ана шу иш юзасидан бир одам келмоқчи эди, маслаҳатлашсам девдим, кечадан бери дараги йўқ. Кечаси билан хаёлим телефонда бўлиб, тинч ухломадим. Касалхонада ҳам кўзим тўрт бўлди. Нечта болангиз бор, Қоплонбек?

Қоплонбек айни шуни кутиб турган эди, жон кирди:

— Оҳ, азизим, бу нарсада сиз сўраманг, мен жароҳатимни очмай, юрагим тўла зардоб. Ўзим ўлгудек болани яхши кўраман.

— Болани ёмон кўрадиган одам ҳам бўладими ўзи! — шак келтирмади Абулбарака. Унинг назарида бола шундай бир чиройли ва ширин қўғирчоқки, уни яхши кўрмаслик, у билан қувонмаслик мумкин эмас. Шунинг учун бўлса керак, касалхонасида каттадан кўра бола доим кўп бўлади.

— Билмадим. Лекин боланинг гадосиман. Қани энди, тинчгина оиласа бўлса-ю, болаларингнинг пешанасини силаб яшасанг. Бола йифисини эшитсан, кўзимга ёш чиқади. Болани урганларни кўрсам бўғиб ташлагим келади.

— Унда немисда қандай хизмат қилдингиз? Болаларнинг вабоси эди-ку.

— Биз фронт тушиблизми! Қайтангга бизни боқаман, кийинтираман деб немис ютқазди.

— Миллий легионлардан фойдаланяпти, деб бир шов-шув бўлган эди-ку.

— Эҳтимол бошқалардир. Бизни Туркистонга киришда соламан, деб панд еди шекилли.

Лекин Қоплонбекнинг: «Бизнинг ҳаракатлардан ҳам хабари бор шекилли бу олғирнинг», дегандек юраги орқасига тортиб кетди. Унинг кўзига боқди. Йўқ, унинг кўзи ҳеч нарсани ўсмоқчилиб кузатаётганга ўхшамайди. Хотиржам бўлган Қоплонбек яна ўша ўз нишонини мўлжаллаб ўқ ота бошлади:

— Бу лаънати уруш бизни ватандан эмас, бола-чақадан ҳам маҳрум қилди. Уруш бошланиб-

дики, жиблажибондек лик-лик қилиб, у ёқдан-бу ёққа сакраганимиз сакраган. Бизда тузук қўним йўқ. Қўним бўлганда ҳам кимга уйланасан!

- У ёқда уйланган бўлсангиз керак?
- Олий ирқ немис бизга қиз берадими! Бир томонимиз асир...
- Йўқ, йўқ. Ўзбекистонда демоқчиман.
- Ҳа, у ёқдами? Йўқ. Студентлик, етимлик бўлиб...

- Онам бор девдингиз шекилли.
- Ҳа, онам бор. Отадан тирик етим эдим.
- Тушунмадим.
- Ўлик-тириги номаълум.
- Тащлаб кетганми?
- Йўқ. Бизни ташлаттиришган.
- Тушунмадим, — яна елкасини қисди бу жимжима жавобдан Абулбарака.

— Қамашган! — деди хўрлиги келиб турган одамдек бошини қуи солиб. Унинг мўлжалича, чарчаб, эснаб турган одамнинг кўнгли бўш бўлади. Унинг бу ҳаракати Абулбаракада меҳру шафқат уйғотиши, тили билан: «Эҳ, аттанг, сизга жабр бўлган экан-ку», деб қўлига дастрўмол олмаса ҳам, жилла бўлмагандага, ўкиниб қараши керак, раҳми келиб, кўнгли юмшаси лозим. Лекин бу нарса унда ортиқча сезилмади.

- Нима гуноҳ қилган эди?
- Билмасак. Ҳар ким ҳар нарса деди. Лекин ўзи қўлидаги гўштини ҳидлаган мушукка «пишт!» дейдиган одам эмас эди.
- Наҳотки, сабабини билмадингиз. Бутун бошлиқ бир одам дом-дараксиз кетади-ю... Қизиқ.
- Буни сизга тушунтириш қийин, жуда қийин! Ўша ўттиз еттинчи йилни кўрмаган одам бунга ишонмайди, худо ҳақи, ишонмайди.

Абулбарака чиндан ҳам ишонмади. «Жудаям ундей әмасдир. Шўро, ҳар дарахтнинг япрогини

қуритса, тамаки бўлади, деб ўйлайдиган анойилардан эмас. Сенинг шахсий аламинг қўргон тепа қилиб кўрсатяпти. Сабаби бўлиши керак, бўлмаслиги мумкин эмас», деб ўйлади. Жомуш тортди. Буни ҳамроҳи: «Ҳа, раҳминг келмас экан! Тош кўнглингни эритдимми? Сен меҳр қўйган шўронинг шунаقا битмас яралари бор. Яхши билмайсанки, узоқдан жон фидо қилиб юрибсан. Ичида беш кун муроса қилолмайсан, тентак!» деган хаёл билан гўё аламдан ўтиргани жой тополмай қолган одамдек зуд бир ҳаракат билан қадаҳига конъяк тўлдирди. Шеригини таклиф ҳам этмасдан битта ташлади. Кўнгил коcаси хўрлигидан лиммо-лим тўлиб турган, ортиқча бир оғиз сўз тошириб, кўз ёшини тийиб ололмайдиган кишидек ирғиб ўрнидан турди. Ҳамроҳига ўлик қўйникидек кўзи билан маъюс боқиб, хомуш бош иргаб чиқиб кетди. Қаршисидан келаётган кишини ҳам кўриб, кўрмасликка солиб ўтиб кетди.

У ўз ролини қойил қилолмаётган ношуд артистга ўхшарди.

Унинг қаршисидан келаётган боя Абулбарака тилга олган Зейтуний эди. Уни кўриб, яшнаб кетган Абулбараканинг кўнглидан Қоплонбек «пуф» этиб ўчирилган шамдек бир бурқсаб, сўнг сўнди.

— Бу ким? — деди Зейтуний дўсти билан қўл сиқишиб кўришар экан, Қоплонбек кетган томонга ишора қилиб.

— Ўша сенга айтганим ватанфуруш. Мен билан отамлашгани келибди. Жиндай тузлаб юбордим.

— Бўлажак куёвни-я! Яхшимас! — тегиши Зейтуний.

— Бе! Таманнонинг бир тола сочига арзимайди.

— Ҳозир ҳам бекорга келмагандир.

— Албатта. Бунаقا одамлар кузда ҳосил берадиган дарахтга баҳордан салом қиласди, — Абулбарака дўстини ўтиришга таклиф этди. У Қоплонбек ўтирган стулни сураётган эди:

– Буни қўй, мана бунга ўтири! – деб ҳазар қилгандек бошқа стул тутди.

– Стулидан ҳазар қиласан, ўзи билан ичишасан – бу қандай бўлди?

– Юз амри ширин! Ундан кейин жиндай юрагини ҳам титишим керак эди.

– Хўш, қандай?

– Бижғиб кетган. Минг жойидан бекитади, барibir ҳиди чиқиб турибди.

– Демак, эҳтиёт бўлиш керак.

– Хотиржам бўлишинг мумкин. Хўш, ўзингнинг ишларинг қалай? Қандай бориб қайтдинг?

– Раҳмат, яхши! – Зейтуний Париждан қайтган эди, – дўстлар салом айтди. Рене сени яхши кўриб қолибди. Сендан хурсанд, «Тушунган йигит, Таманнодан маҳрум этилган бўлсам ҳам у билан танишганимдан мамнунман», дейди.

– Кайфияти қалай?

– Яхши. Бир оз аламзада. Муҳаббатимни ҳам шу менинг иқим севмаган тузум бевақт ҳазон қилди. Муҳаббатим ҳақи бу зўравон тузумни асти кечирмайман ва кечиролмайман. Унда энди шахсий қасосим ҳам бор, дейди.

– Зийрак йигит, – таъкидлами Абулбарака.

– Ёниб ётибди. Фикри бирдан очилган донишмандга ўхшайди. Мен борган куни студентлар клубида «Муҳаббат ва оила» деган мавзуда бепул лекцияси бор әкан. Буржуя тузумининг тоза пўстагини қоқди. Савол ҳам дўлдай ёғилди.

– Хўш, қалай, шошиб қолмадими? – бирдан энтиклиди Абулбарака. Унинг назарида Ренени буржуя маҳмадоналари чалиш пайига тушгандек туюлган эди.

– Йўқ, бўш келмади. Фикри тўқ. Узоққа кетади.

– Таманнони сўрамадими?

– Сўради, – деди Зейтуний калта қилиб, лекин қарашида: «Гап кўп, дўстим!» деган маъно англашилиб турарди.

— Очигини айтсам, сенга Зейтуний, иккаласига ҳам жабр бўлди. Дадам хато қиляпти. У газ билан ўлчайди, ваҳоланки ҳозир ҳамма ерда метр. Рене ҳам менга ёқди. Ундан кейин бизнинг издаги одам экан. Иккаласини қўшиб, қочириб юборар эдим-ку, қариганда дадамнинг уволига қолмай дейман.

— Ҳаёт шунаقا мураккабки, дўстим Абул, бальзан ён босиш зарур бўлади. Мана механика заводини ол. Иш ташлашди. Талаб қўйдик. Хўжайин бир-икки кун миқ этмади. Қарасак, янги одам олиб, булар ишсиз чирқиллаб қоладиган. Яна ишга тушшиб кетишди. Кўрдингми? Нима кўп, ишсиз. «Фалончини ўрни-ку, мен кирсам, у беиш қолади-ку, деб ўйламайди. Ваҳоланки, шундай дейишса керак, дейиш эмас, ўша иш ташлаганинг сафига ўтиши лозим. Бунинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун кишиларнинг онгини ўстириш керак.

— Бу эса анчагина вақт талаб этади! — уни тўлдирди Абулбарака.

— Вақт-ку топамиз, ўртоқларнинг ҳаракати яхши, лекин анави ола кўзлар имкон бермаяпти. Сал иродаси бўш кишини қоқиб кетяпти.

— Газетани кўпроқ чиқадиган қилиш керак.

— Имкон қани! Айни муддао эди-ку! Ўтган йил жаримага йўлиқмаганимда бу йилга мўлжалим бошқача эди. Ҳозир ҳам полициянинг тўрт кўзи менинг газетамда. Кейинги сонни кўрдингми? Ўша сондаги фактларни қанақа қилиб таҳлил қиласа бўлади, эҳтиёт шарт, пардалашга мажбурмиз, шунда ҳам цензура икки соат тутиб қолди.

— Йилдан-йил сенга қийин бўляпти, дўстим.

— Раҳми келди Абулбараканинг ва Зейтунийнинг ёлғиз газета соҳасидаги ишини эмас, умуман, юртини француз мустамлакачилар чангалидан тезроқ ажратиб олиш учун курашдаги фаолиятини эслади. Тиниб-тинчимайди. Гоҳ кўрсанг, ишчилар орасида, гоҳ кўрсанг, бир-икки ўртоқни олиб дехқонлар ора-

сига чиқиб кетади. Сұхбатлашади, лекция ўқийди, газета тарқатади. Асли касби адвокатлик.

Зейтунийнинг яхшилаб текисланган, ҳозир дे-раздан түшгән нурда ёмғир ювған арчадек мойи йилтиллаб турган сочининг қошига түшгән бир ту-тамини қўли билан қулоғи орқасига сидириб, дўстининг гапидан думалоқ қора мағиз юзига қулги ёйилди.

— Битта менга оғирми, дўстим! Бу табиий ахир! Французнинг бу тўкин юртдан чиқиб кетиши, жон беришининг ўзи бўладими! Тирноқни эт билан суғургандай гап. Бир куни бўлса ҳам умрини чўзгиси келади.

— Барibir чиқиб кетади.

— Мажбур! Биз шуни бир кун, бир соат бўлса ҳам тезлатишга ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз керак. Ҳар бир араб ватанпарварининг шу кунги олий ва-зиғаси бу. Шу йўлга бағишлимаган кунимиз увол.

Абулбарака комил ишонч билан гапираётган заҳматкаш, полициянинг не-не дўқларига бардош беролган қадрдон дўстининг ёниқ кўзига, ирова ва ишонч бахш этиб турган вужудига фахрланиб тикилиб қолди. Чиндан ҳам у ўзи айтган одам: юрти-нинг, халқининг тақдирини ўйлаб кечқурун ёстиққа бош қўйса, яна шуни ўйлаб эрталаб ундан бошини кўтаради. У, унинг дўстлари туфайли мамлакатда миллий ҳаракат кучайиб, эркинлик нурлари фуқароларнинг елкасини қиздиряпти. Ишчи хўжайининг кўзига тикилиб қараб, дехқон заминдордан ҳуқуқини талаб этяпти.

— Энди Париждан эшил! Асосий иш юзасидан ўртоқлар билан тўпланишда батафсил гаплашамиз. Қисқаси шуки, парижлик ўртоқлар бизнинг режа-мизни маъқуллашди. Энди сенинг илтимосингга келсак, Иттифоқ. элчихонасида бўлдим. Гаплашдим. Ҳозирча ҳеч нарса дейишгани йўқ. Жавобини

беришади. Унгача боланинг номиданми, отасининг илтимосномасиними юбориш керак экан.

— Яхши, мен докторлар фикрини ёзиб беришим мумкин.

— Бу ҳам маъқул. Ҳозир бола қаерда?

— Менда.

— Кел, бугунги ишни эртага қўймайлик. Овқатни ўша ерда қиласиз. Менинг қорним жуда ҳам очмас. Ё сеники пиёз пўстими?

Оқсочдан овқатни ҳалигина суриштирган ва кириб қолишини кутиб турган Абулбарака сал иккиланиб тургач:

— Майли, юр! — деди. Унинг қорнини манго шарбати ҳўплаб ичилган бояги конъяқ мушук бўлиб тирнаётган эди. Ҳовлига чиқишилари билан Абулбараканинг кўзи олма соясида ҳассасига энгагини қўйиб, хаёлга толиб ўтирган Қурбоналига тушди. Дўстига «ҳозир» деб уни дарвозага йўллади-да, ўзи чол томонга юрди. Қурбонали сўнгги кунларда тез-тез касал бўлиб турагар, айниқса шу уч-тўрт кундан бери мазаси йўқ эди. Абулбаракани кўриши билан ўрнидан қўзғалган эди, у:

— Ўтираверинг, ота! Қалай, яхшимисиз? — деб қўмирлатмади.

— Шукур. Кечаги дорингиз кор қилдими, бугун дурустман.

— Доридан борми?

— Бор.

— Тамом бўлса яна келтириб бераман. Бемалол истеъмол қиласаверинг. Шу дори сизга ёқиши керак.

— Раҳмат, болам, раҳмат! Бу яхшилигинг мендан қайтмаса, худодан қайтсин!

— Ана, холос! — деди Абулбарака отанинг кўзидаги ёшни кўриб, — ҳали отек бўлиб кетасиз. Абулбарака отанинг томирини кўрди. Тилини чиқартириб қаради.

— Иштаҳа қалай?

— Бир нави.

— Бўлмаса бугун иштача дори келтираман. Лекин унақа хафа бўлманг. Яхши бўлиб кетасиз.

Ота ёшли кўзини енгига артиб, Абулбаракага маъюс боқди:

— Энди, Абулбарака ўғлим, худонинг санаб берган куни, ўлчаб берган ризқи тугагунча, бу хона-дондан нони насибамни тотиб тураман. Ажал ҳақ, қочиб қутулиб бўлмайди. Ватанин кўриш насиб қилмади. Манглайим шўр экан. Мабодо, имкон бўлиб қолса, майли, бир йилдан кейинми, ўн йил ўтадими, хокимни юртимга жўнатинг. Бегона тупроқда чирқиллаб ёлғиз ётмасин!

Қурбоналининг хира кўзлари жиққа ёшга тўлди. Артиб тугатолмас эди. Оппоқ соқоли қалтираб, қўллари титрарди. Бир-икки димофини бўғиқ тортди. Абулбараканинг далда беришига қулоқ солмай, ҳассасини дўқиллатганича қўранинг бир четидаги қулбачага йўл олди. Салдан кейин йўрга бўлиб қолган кулба эшигининг «ғийқ» этиб очилгани эшитилди.

«Бечора чол, ўлишдан эмас, хоки бегона юртда қолиб кетишидан қўрқади!» деб орқасидан ўксисбтурган Абулбарака, унинг ҳаётини эслади. Эслади-ю, «Нима кўрди, бечора, дунёга келиб?» деди. Абулбарака эсини танибдики, унинг ташвишли кўзини кўради. Юртимда бола-чақам бор, деб бу ерда шунча қилишса ҳам уйланмади. «Юртимни эслатиб туради, деб қўранинг ҳовлисига аллақаёқдан топиб келиб зогора ўрик, жайлаки олма экди, ток ўтқазди. Ватанимдан бирга келган, бу жонвор!» деб «Қоплон» итини ёнидан қўймади. Ана у ҳам эгасидек қариб, юнглари тўкилиб, девор тагида ётибди. Ҳатто ўзини талаган пашшалар билан ҳам иши йўқ.

Абулбарака отасининг ҳаётини ўйлаб, юраги ачиганича машинада кутиб ўтирган дўстининг ёнига хомуш чиқиб борди.

- Ҳаяллаб қолдинг? Тинчликми? Хомушсан?
- Чол бечора васият қилди, — деди Абулбарака қисқагина.
- Касали оғирми?
- Касалидан ҳам армони оғир. Уни касал әмас, армон, юртими соғиниш күпроқ қийнаяпти. Айникса кейинги вақтда ўтирса ҳам «ватаним» дейди, турса ҳам.

— Тўғри, ватангдоликдан оғир дард йўқ, дўстим. Бир доно айтган экан: менга ўнта жаннатдан бола-чақам билан юртимда ўтган бир кун аъло. Ватан! Ватансиз ўтган умр умрми, бир тирикчилик, холос. Ҳатто тилсиз, онгсиз ҳайвон ўзи ўсган чўлу ўрманини соғиниб ўкиради, уф тортади, фарёд солади, чийиллади. Ахир бу одам-ку. Табиатнинг энг олий мўъжизаси! — Зейтуний катта йўлга чиқиши билан машинанинг юришини тезлатди. Бир-икки қисқа-қисқа сигнал ҳам берди. Кейин яна ёнида ўтирган дўстига сал ўгирилди, — Ватан меҳри жуда қизик, туйғу. Мана мен. Парижга борсам дарров зерикаман, қайтгим келиб қолади. Бўлмаса ўзинг биласан, иккаламиз ҳам ўша ерда ўқитанмиз. У ерда ажойиб ўртоқларимиз бор. Бирор: «Сен ким?» деб йўлимни тўсмайди. Йўқ, барибир, бу ерни соғиниб қоламан. Самолётдан тушишим билан кўзимга оловдек иссиқ кўринади. Бўлмаса Париж қандай чиройли! Йўқ, ватан ўзи ажойиб жой, унинг меҳригиёси бор. Еш улғайган сари янада қаттиқ тортаркан. Мен авваллари унча билмасдим.

— Аввал сен унинг оддий ўғли эдинг, энди унинг халоскорисан, унинг шаъни-шукуҳи учун курашашётган заҳматкашисан.

— Бўлди! Бўлди! Ошириб юбординг! — Зейтуний ҳамроҳини гапиртиргани қўймади. Унинг араблардагина бўладиган ўт чақнаб турган думалоқ, қораси катта кўзи мағрур порларди.

Абулбарака сўзини якунлади:

— Мехнат тўкилган она ернинг меҳри алоҳида бўлади, дўстим. Унинг нархи ва ўлчайдиган ўлчови йўқ. Ишонки, бўлмайди ҳам!

— Унда қадри тушиб кетади.

— Албатта. Ниманини пулга сотиб олиб, тарозида тортиб, метрда ўлчанар экан, билки у арzon нарса!

— Менимча, бегона юртда, бола-чақангдан узоқда, туғилиб ўсган ватанингни соғиниб ўлиш жуда оғир бўлса керак.

— Қийин ҳам гапми!!

Иккала ўртоқ жим қолди. Уларнинг учқур хаёлини ватангадо Қурбонали олиб қочтан эди.

Улар касалхонага яқинлашар экан, Абулбарака бирдан олдинга энгалиб, майдончада кўр ўғли билан ўтирган кишини кўрди.

— Ана ота-бола ўтиришибди. Ишимиз ўнгидан келди. Бечора, бўш қолди, топганини тишида тишлаб ўғлининг олдига югуради.

— Бутун умиди шу ўғли бўлгандан кейин қаёққа боради ҳам! Исми нима?

— Зилол.

Машина тўхташи билан Абулбаракани кўриб, ўрнидан иргиб турган Зилол унинг ёнида бегона одамни кўриб, сал тисарилди, уялган бўлди. Кейин у одамни таниб қолди шекилли юзига бирдан қувонч нури сочилиб, қадамини тезлатди, уларга пешвоз чиқди, эгилиб салом берди. У эгилар экан, қулоғининг орқасида турган кир оқ салласининг пеши чаккасидан осилиб, энгагигача тушди. Қўёшда қотиб кетгандек ингичка, пишиқ ва узун бўйининг томири бўртди.

— Мен ҳамроҳингиз ким экан дебман. Ўзимизнинг Зейтуний экан-ку, — деди у юзи қоралигидан янада оппоқ бўлиб кўринаётган тищларини йилтиллатиб. Унинг йирик ва бақувват тищларидан

соқоли мошгуруч бўлса ҳам ҳали ўзи бақувватлиги, ҳаракатчанлиги кўриниб турарди.

Абулбарака унинг кафтлари тош битиб кетган қўлини олди.

— Мана, энди Зейтунийни дуо қиладиган бўлдингиз. Ишни ўша биз маслаҳатлашгандай тўғрилаб келибди.

— Шундайми! — Зилолнинг араблардагина бўладиган қорачиги катта юмалоқ кўзи яшиаб кетди. — Умрларидан барака топсинлар. Ҳизр доим йўлдошлари бўлсин! Сиз ҳам кам бўлманг! Бу яхшилигингларни асло унутмайман, баракалла!

Зилол севинчдан ўзини қаерга қўйишни, бу меҳрибон кишиларга қандай қилиб миннатдорлик билдиришини билмай нуқул дуо қиласади. Кўзидан тирқираб чиққан ёшини енгига артарди. Барларини олиб ўпарди. Икки ўртоқ эса, хижолат тортиб, унинг қўлидан барларини олиб «қўйинг, керакмас» дейишганича нарироқда отаси ёнидан узоқлашгандан бери нима гап бўлаётганига тушунмай тип-па-тик турган, соchlари ажриқдек қалин ва чатишиб кетган кўзи ожиз бола олдига юришди. Ўн икки-ўн уч ёшлардаги миқтидеккина бола кишиларнинг қадами яқинлашганини сезиб, ҳеч нарсани кўрмайдиган кўзларини тез-тез пирпиратди-да, салом берди. Унга алик олган Зейтуний елкасига бармоқлари жалта қўлини қўйди.

— Катта докторга юборсак, борасанми?

— Ҳа, дадам биланми? Дадам айтдилар. Қачон?

— Яқинда.

— Бўлти. Жон амаки, тезроқ юборинг.

— Хўп-хўп, жиян!

Боланинг тийраклиги Зейтунийни мот қилган эди. У боланинг попукдек қош-кўзларига, чиройли бурнига, отасиникидек узун бўйнига караб туриб, жуда раҳми келди, ҳатто шу ишга аралашиб катта савобга қолаётганидан фахрлангандек бўлди: Итти-

фоқдан кўзи очилиб қайтса қандай яхши бўларди! Боланинг она қорнидан қайта туғилгандек бўлиши бу ерда турган гап. Лекин ўзи ва ўртоқларининг олиб бораётган ишига қанча нафи тегарди. Бундан зўр ташвиқот борми! Худди шундай бўлади! Болани етаклаб борган отаси, олдига солиб ўйнатиб келади. Қўзичоқдай ўйнатиб келади. Бунга менинг ишончим комил.

Худди шундай ишонч билан ожиз кўзи жавдираб турган болани юпатди:

— Кўзларинг, албатта, очилади, жиян! Фам ема!

Боланинг ажинсиз силлиқ ва қорача юзига қувонч нурлари тарқалди, ожиз кўзи ёруг дунёни кўришга орзиқаётгандек парпираб кетди. Зейтунийнинг гапларини жон қулоги билан тинглаб турган отаси:

— Оҳ, қани эди, азизларим! — деди титраб, — худдан кеча-ю кундуз сўраганим шу-ку! Айтганингиз келсин. Фаришта «омин!» деган бўлсин.

Зилолнинг ҳадеб дуо қиласверишидан хижолат тортгандек бўлган Абулбарака, ўғлини палатасига ётқизиб, ўзини кабинетига киришга таклиф этди.

Зилол хурсандликдан юzlари ёниб турган ўғлини етаклаб, йироқлашар экан, Зейтуний ҳамроҳига деди:

— Қизиқ, бундоқ қарасанг кўзи очиқ, лекин кўрмайди! Тумами?

— Кейин бўлтан.

Улар Абулбараканинг қандайдир дори ҳиди сал анқиб турган бежиримгина кабинетига кириб боришиди. Энди ўтиришлари билан Зилол ҳам эшикда пайдо бўлди, унинг бутун ҳаракатидан, «Қани яна нима маслаҳат бор? Қулоғим билангина эмас, бутун вужудим билан тинглашга тайёрман, гапираверинглар», деган маъно бор эди. У шошибгина ерга чўққайди.

— Стулга ўтириңг, бу нимаси! — деди Абулбара-
ка күнгли оғриб.

— Хўп! Хўп! — Зилол гуноҳини тузатаётган
одамдек иргиб ўрнидан турди, ёнидаги стулга омо-
натгина чўкди.

— Шунақа қилиб, Зейтунийни ҳам танир экан-
сиз-да, амаки! — деб Абулбарака тегишган эди, Зи-
лолнинг гап хазинаси очилиб кетди:

— Нега танимас эканман! Бизнинг заводдагилар-
нинг ҳаммаси яхши билади. Бориб ваъз айтганлар.
Рост гапни айтганлар. Кишиларнинг кўнглидагини
топиб гапирганлар.

— Шундайми! — Абулбараканинг товушида хур-
сандлик билан бирга фахрланиш оҳангি бор эди.

— Бу киши кетганидан кейин завод хўжайини
бирам жиғибийрон бўлди, нақ бошқарувчисини ти-
риклайнин ютиб юборай деди. Бунақа жаҳли чиқи-
шини энди кўришим. Дир-дир титрайди, кўзи қи-
нидан чиқиб кетай дейди.

Унинг бу гапи Абулбаракага яна ёқди.

— Ишқилиб, ишчилар хурсанд бўлиб қолишди-
ми? Шуниси бизга керак.

— Хурсанд ҳам гапми? Яна қачон келадилар,
деб кунда кутишади.

— Бу ҳам яхши, — деди Абулбарака ва дўстига:
«Ишларинг шунақа яхши, қадрдоним, сен бўлсанг
нуқул кўнглинг тўлмай юради. Эшитяпсанми бу
одамнинг гапини? Мен жуда мамнунман», деган-
дек кўзининг қирини ташлади. Сўнгра яна Зилол-
га юзланди. — Ана шу сизга маъқул бўлган одам
ўғлингизнинг кўзини очмоқчи, шунинг ҳаракатида
юрибди.

— Баракалло. Асти давлатлари кам бўлмасин,
обрўйлари бундан ҳам баланд бўлсин.

Зейтуний: «Қўй энди, мени ҳадеб мақтатавер-
ма!» деган маънода Абулбаракага қаради, Зилолга
деди:

— Энди сиздан элчихонага битта илтимоснома керак бўлади.

Боядан бери булбулдек сайраб турган Зилол, бирдан хомуш тортиб, бўшашибди. Етимчадек бўйни қисди, кафтини ёзди:

— Менда завод қаёқда!

— Бу ёғидан ташвишланманг. Шундай хат ёзишига розимисиз?

— Розилигимни сўраб нима қиласиз, сизлар нима десанглар шу-да. Сизлардан бошқа меҳрибоним борми? Ўғлим учун ўқириб турган шернинг оғзига кириб чиқ десанглар кириб чиқаман. Худо хайрингларни берсин, нима керак бўлса қилаверинглар. Мен хизматингларга тайёрман. Тупроқ олсанглар олтин бўлсин. Муроди мақсадингларга етинглар.

— Муроди мақсадуга бирга етамиш, амаки! — деди унинг сўзини бўлиб Зейтуний.

— Иншоолло!

Зейтуний элчихонада айтганлариdek қилиб шу ернинг ўзидаёқ ёзив чиқди. «Сен ҳам ўқиб кўрчи», деб Абулбаракага кўрсатди. Маъқул топди. Ҳамон дуодан оғзи бўшамаётган Зилолга ўқиб эшиттиришди. У меҳнатда қотиб кетган бармоқлари билан ручкани нўноқ ушлаб, ҳар ҳарфни битталаб ҳижжалаганча зўрга имзо чекди. Ўз заводсизлигидан хижолат тортиб, узр сўрар экан:

— Шу имзом ўтармикин? Масхара қилишса-я!

— деди.

— Кимни? Сизнimi? Масхара қилишса сизни шу кунга солган жанобларни масхара қилишади. Сизда нима айб! Мактаб бўлиб, ўқимабсизми?

— Тўгри айтасиз! Бизнинг вақтда мактаб ҳечам йўқ эди. Китоб билан бир полён ўтилнинг биз учун фарқи йўқ. Китоб бизга гапирмайди.

— Йўқ, ҳали ҳам ўрганинг. Кеч эмас.

— Ўрганаман. Мана шу ўғлимнинг дардига бир даво топиб олай. уни ҳам ўқитаман, ўзим ҳам ўқий-

ман. Ўша куни ваъзингизда ҳам айтдингиз. Эсимда турибди. Қирори тўқилган пичоқдек шарт-шарт кесиб гапирдингиз. Кейин бундоқ ўйлаб қарасам, саводсизлик кўзи очилмаган кучукка ўхшаган нарса экан. Қим етакласа эргашиб кетаверади.

— Тўғри тушунибсиз. Бошқалар ҳам шундай тушундими, ишқилиб? — кулимсиради Зейтуний, — ёки «эсиз кетган вақт!» деб юришдими?

— Ана, холос. Пўлатга сув бергандек бўлди. Вино заводига борган экансиз. Буни ҳам эшидик. Улар ҳам хурсанд. Яқинда вакиллари келиб бизникилар билан ниманидир маслаҳатлашиб кетишиди. Энди бизникилар бормоқчи бўлиб юришибди.

— Жуда тўғри қилишади. Бир фикрдаги кишиларнинг кўп бўлишининг ўзи кифоя эмас. Бир бутун бўлиши ҳам шарт. Шу бутунлик енгади.

— Беш бармоқ бир мушт эмас-да, — лўнда қилиб тўлдирди Зилол.

— Балли! Топдингиз! Ана шуни ҳар ишчи билиши керак.

— Билиб қолди. Сизга ўхшаганлар тез-тез бориб турса, қулоғига қуийиб турса, ишчилар йўлини топиб олади.

Бу самимий суҳбатдан завқланган Абулбарака:

— Амаки доно! — деб юборди.

— Буларни ҳаётнинг ўзи мулла қилиб қўйган. Ҳар гапида қўш маъно бўлади.

Ўзи сергап бўлса ҳам мақтовни ёқтирумаган Зилол, дикқатини гапдан ҳозиргина қўл қўйган қоғозга бурди.

— Энди бу нима бўлди? Ўзим юбораманми?

— Барибир. Биз юборсак ҳам бўлаверади. Сиз овора бўлмай қўя қолинг. Ишчиларга биздан салом айтинг.

— Жоним билан! Ўзингиз яна бир заводга келинг. Тами оғзимизда.

— Раҳмат. Бораман, албатта, бораман! Жим бўлиб кетманг, қўришиб турайлик. Мана, танишиб олдик.

— Энди сизлардан ажралиб қаёққа борардим! Этагинглардан ушлаганим, ушлаган. Агар қўлимдан чиқиб кетмасанглар...

— Сиз қўйиб юбормасангиз бўлди.

— Менми? Хотиржам бўлинг. Биз қаттиқ ушлаганимиз. Ўн қўшчига бир бошчи деган гап бор...

Зилол бу учрашувдан қанот чиқариб, мамнун қўзгалар экан, Абулбарака тегишиди:

— Иттифоққа жўнасангиз, пулдан борми?

— Топаман. Ўлмилигимни сотсам ҳам топаман. Ёру дўстларим бор. Қарз кўтарсам ҳам топаман. Ундан кейин шу кунда хотинимдан қолган уйни ижарага қўйяпман. Ўзимизнинг заводга яқинда келган бир ёш инженер ўтирмақчи. Уч-тўрт ойлигини олдидан сўрасам йўқ демас. Ҳа, айтгандай уни сизнинг юртингиз томондан дейишади. Чиройликкина йигит. Танимайсизми?

— Исми нима экан? — гўё ўзи туғилган юртида-гиларнинг ҳаммасининг исмини биладигандек сўради Абулбарака.

Зилол ўйлаб қолди.

— Ҳа, нима ҳам эди. Ҳозир тилимнинг учидаги турвиди-я! — у топиб айттолмади. Абулбарака: «Сен танийсанми?» дегандек Зейтунийга қаради. У ҳам елкасини қисди.

Бу ёш инженер Аъзам эди.

КЕНГ УФҚЛАР

Азимхўжаев Умматалининг кабинети эшигига янги пайдо бўлган «Агроном маслаҳати уйи» ёзувини қўриб, мийифида кулди, эшикни қия очиб тегишиди:

— Маслаҳатга кириш мумкинми, ўртоқ агроном?

— Бемалол, bemalol! — деди очиқ юз билан Умматали ва директорнинг истиқболига турди. — Шунақа қилмасак бўлмай қолди, Алихўжа Сайдович. Ёшларда, иштиёқ зўр. Лекциялар кифоя қилмаяпти. Ҳатто нарироқ бориб агрономия янгиликларини ўзлаштириш ва жорий қилиш курси очамиз шекилли-да. Аввалгидек битта бўлим бошлиғи ёки бригадирнинг билиши кифоя эмас, ҳар ишчи, ҳар боғбон ўзи билса қандай яхши. Ташиббус ошади.

— Бу-ку тўғри, — кулгига олди одати бўйича Азимхўжаев, — билими ошиб, кетмонга қўли бормай қолмасмикин?

— Йўқ, йўқ, Алихўжа Сайдович, киши қанча билимли бўлса, меҳнатга шунча ҳурмат билан муносабатда бўлади.

Азимхўжаев тегишган эди, лекин ақлли жавоб олиб мамнун бўлди. У қилганларини яхши билади, уларга ана шу Умматалидек бир агроном керак эди. Айни муддао бўляпти. Бунақаси кам бўлади. Тиниб-тинчимайди. Бутун вужуди, ўй-хаёли билан дала кишиси — онаси адашиб шаҳарда туғиб қўйган. Мана бундан аввалги йили бунёд қилган янги бοғи сонга кириб қолди. Унда аллақачон баъзи бирорвларнинг ёдидан кўтарилиб кетган узум навлари бор.

Ишқилиб, мияси доим нима биландир банд. Нимадир ташкил қилади, ниманидир маслаҳатга тайёрлаб юради. Шунақа одамларни зўрлаб, шаҳарга ишга қўйсанг, юраги сиқилиб, тарс ёрилиб кетади. Даланинг ҳар гиёҳи уни бир фикрга келтиради, ташаббусини қўзғайди.

Умматали гўё директорнинг хаёлидан ўтган шу фикрларни тасдиқламоқчи бўлгандек уни бир неча дақиқа ўтиришга илтимос қилди ва гап бошлади:

— Кеча Бешёнгоқ томондан ўтиб келаётib, бир фикрга келдим. Нега ўша ерлар бўш ётибди?

- Сув юқорига оқмагани учун! — Азимхўжаев у ерларга сув чиқмаслигини яхши билса ҳам, жўрттага унинг қитиғига тегиб қўйди.
- Тўгри, сув чиқмайди. Борди-ю, қудук қазисак-чи? Ахир ўша ерда юз гектардан ортиқ ер бор.
- Яхши маслаҳат. Ўйлашиб кўриш керак.
- Бўлмаса шу ишни менга топширсангиз, инженерни ёнимга олсам, аниқлаб, чамалаб чиқсам,
- қувониб кетди Умматали.
- Маъқул. Лекин анча машмашаси бор. Хўш, кейин нима экамиз?

Бу ҳақда ҳам бир фикрга келиб қўйган Умматали директорни куттириб қўймади.

— Тут.

— Тут? — ажаблангандек бўлди Азимхўжаев.

— Ҳа, тут. Пилла қурти учун тут. Ахир қачонгача етмаган баргни шаҳардан ташиймиз? Үятмасми?

Азимхўжаевнинг ёдига бир лавҳа ялт этиб тушди. У мўйсафид дадасини кўргани шаҳар тушган эди. Бир маҳал қариндошнамо қўшниси бифиллаб чиқиб қолди. «Айтинг, кесмасин, ҳовлимга соя солиб турган биттаю битта дарахт шу! Жон Алихўжа ака, айтинг. Менга қулоқ солишмаяпти», деди. Азимхўжаев нима гаплигини тўла фаҳмламаса ҳам, у хотин билан чиқди. Эшиги тагида юк машинаси. Уч киши ҳовлида. Биттаси тутнинг устида, икки-учта шохини кесиб ерга тушириб ҳам бўлибди. Азимхўжаев тушунтириб, илтимос қилди. Ҳовлида турганинг биттаси ёнидан қўлга олинавериб зийлари ейилиб кетган тўрт букланган қофозни аста очиб, унга узатди. Бу қофоз Шаҳар кенгашининг қарори эканини Азимхўжаев яхши билса ҳам, узатувчининг ҳурмати учун олиб, қўздан кечирди. Кейин мустасно сифатида яна илтимос қилди. Тузук кишилар экан, «хўп, майли деб чиқиб кетишиди. Лекин барибир уч кундан сўнг бошқа бири кесиб кетибди.

Умматалининг бу галги ташаббуси, шу хаёлдан кейин, жуда маъқул тушиб, Азимхўжаевнинг кўнглини ёриширди: Ҳа, рост-да! Қачонгача шаҳарликлар ўстиради-ю, биз ташиб қуртимизга соламиз. Йўлни, харажатини, кишиларнинг оварагарчилигини айтмайсизми! Жуда соз-да! Нега шу вақттача ўзимнинг эсимга келмабди? Йўқ, қурт пайтида: «Шу барг масаласини бир ёқлиқ қилиш керак», деб кўнглидан ўтказар эди-ю, плани тўлгач, бутун заҳматлар эсдан чиқиб, шу кун учун зарур бошқа ишлар билан банд бўлиб қоларди, эндиги йил ўша пайтда ёдига тушарди. Умматали буни ўйлаб яхши қилибди. Жойини ҳам топибди. Лекин ер кўп-ку?

— Ҳаммасини тутзор қиласизми? — аниқламоқчи бўлди Азимхўжаев.

— Йўғ-э! — Умматалининг юзига кулги маржонлари сочилди, — шунча тутзорнинг нима кераги бор! Ё қўшниларга барг сотамизми? Олишармикан?

Бу кутилмаган «савдо» ишидан Азимхўжаев ҳам кулиб юборди. Умматали бошқа режаларини айтди:

— Бир қисмини олчазор, оралатиб гиолос эксак. Қишлоқ нокимиз йўқ. Дўнгнинг орқасига эллик-олтмиш туп тошнок ўтқизсан. Тепани қиялаб ёнгоқзор қиласиз. Ҳам тог этагини нурашдан ушлаб туради, ҳам ўша ер ёнгоқбоп.

Азимхўжаев агрономининг бунчалик пухта ўйлаб қўйганидан мамнун бўлиб, энди ташкилий томонларини хаёлидан кечириб турар экан. Умматали қўшимча қилди:

— Ҳа, айтганча, тутзорнинг бир ёнида бир озрок шотут ҳам бўлади.

Бу қўшимча директорнинг лабига кулги чиқарди:

— Яна нима? Бирортаси эсингиздан чиқмадими?

— Йўқ, ҳаммаси шу! — деди Умматали директорнидек табассум билан. Лекин ёнидаги даф-

тарчасини олиб, кўздан кечиришни унутмади. Очган бетининг орқа варагини ҳам кўриб чиққач, яна бир «ҳаммаси шу» деб қўйди.

— Маъқул, ишга киришаверинг. Нимаки кўмак керак бўлса мен тайёр! — деди Азимхўжаев юкининг бир томонини ўз ташаббуси билан елкасига олаётган Умматалининг сочи оқаринқираган чаккасига қараб туриб. Шу лаҳзада у Умматалини совхозга тавсия этган ўша раҳбар ўртоғидан хурсанд бўлиб қўйди, гойибона миннатдорлик билдириди.

...Бу ишнинг Азимхўжаев айтганидек анча машмашаси бор экан. Буни Умматали шуғуллана бошлигандан билди. Бошлаб у қудуқ қазиб берадиган трестга борди. Улар йўқ демади. Лекин вазирлик розилиги кераклигини айтди. У ўз вазирлигига чиқиб, ўша Қурилиш вазирлигига алоқа хати ёзиш пайтида сал ишқал чиқди. Капитал қурилишлар бўлими: «Бу йилги режада бу иш йўқ», деб туриб олди. Зўрга вазир орқали тўғрилаб чиқди. «Булар қизиқ, харажатга пулимиз бор-ку, планни пеш қилиб, розилик бергиси йўғ-а!» деб Қурилиш вазирлигига кириб келди.

— Марҳамат, биз қарши эмасмиз. Қувулингиз борми? — деди қора кўзойнакли бўлим бошлифи.

— Йўқ, — бўшашди Умматали.

— Бизда ҳам танқис.

— Агар ҳақини тўласак...

Қора кўзойнакли чиройли йигит уни гапиртирмади:

— Бизда сотилмайди, ҳаммаси планли.

Бўшашиб тушган Умматали илтижонамо деди:

— Бўлмаса бир йўл кўрсатинг. Шу иккита қудуқ бизга жуда зарур.

— Бунинг йўли битта, — деди қора кўзойнакли мағрур тикилиб, — қофозингизни қолдиринг. Эндиғи йил планига қиритамиз. Эндиғи йилнинг биринчи

кварталига ваъда беришм мумкин – шу ҳам жуда зарурлиги учун.

Умматали нима дейишини билмай қолди. «Маслаҳатлашиб кўрамиз» деганича қора кўзий-наклиниг кабинетидан хомуш чиқди. Энди нима қилди? Бунақа ташкилий ишларга директорнинг ўзи уста. Асти бу ёғини унинг ўзига қўйиб берса бўлар экан. Аттанг! Қўлтигидан тарвузи тушган Умматали зинадан пастга энди бир қадам қўйган ҳам эди, кимдир уни чақиргандек бўлди. Гумонсираб орқасига ўгирилиб қаради. Қоронгироқ йўлакдан кимдир у томон қадамини тезлатиб келарди.

– Яхшимисиз, Умматали? Саломат бормисиз? Қаёқларда юрибсиз, ўртоқ? – деди у киши етиб келиб ва Умматалининг қўлини олиб қаттиқ сиқди. Умматали уни таниса ҳам, эслаб ололмай турган эди, қўлини қаттиқ сиқиши ёдига солди.

Унинг бутун танишлари ичida биттаси шунақа қўл сиқиб кўришади. Бу – Зариф. Институтнинг икки курсигача бирга ўқишган. Кейин бирдан ўқиши ташлаб кетди. Бир қизни яхши кўриб қолибди. Бир-бираига шунақа ошиқ-маъшук бўлишибдики, турмуш қурмаса асти иложи йўқ. Қизнинг бойвачча ота-онаси уни иқи севмай «зорা шу баҳона билан қизимизни ташлаб кетса», деган ниятда тўй шарт-шароитини катта қўйибди. «Қарз узилиб кетади, хотин ёнга қолади», деган ақидага амал қилган Зариф бир ўртоғидан қарз кўтаради. Лекин тўй ўтиб, қони бир оз совиб, дўппини ерга қўйиб фикр юритса, бу қарздан қутулиши амримаҳол. Муддати ҳам яқинлашиб келяпти. Ўқиши шартта йигиштириб, ишга кириб кетади – «сал кейинроқ мулла бўлиш»га қарор қилади. Бу қарори рӯёбга чиқмайди, «ҳадемай» ишдан қайтса, «дада, қақа олиб келдингизми?» дейдиган тили ширинлар кўпайиб қолади. «Ҳа, майли, энди биз ўқимасак, болаларимиз олий маълумотли бўлар», деб ўқишдан умидини узади.

Ана шу умидини узиб юрган кезларда Умматалини учратиб қолган, Умматали уни қамалгунча ишлаган совхозига олиб чиқиб кетган эди. Бир оз вақт ишлаб турган, кейин: «Рўзгор иккига бўлиниб қолди, болаларга онасининг икки кўзи камлик қилиб қолди», деб бўшаб кетган эди. Мана энди яна учратиб турибди. Бу орада қанча сувлар оқиб, не-не бақатераклар кесилиб кетди.

Зариф Умматалининг кўнгилсиз саргузаштларидан хабардор бўлса керак, уни бошдан-оёқ кўздан кечириб, кейин маъноли бир тарзда деди:

– Хўш, энди ишлар қалай? Ҳаммаси тўғри бўлиб кетдими?

– Раҳмат!

– Об-бо, Умматалий, кўргулик-да, ўртоқ, – деди яна тасалли бериб ва қаерда ишлаётганини, нима зарурат билан бу ерда юрганини сўради. Умматалидан эшитиб, дарров унинг кўнглини кўтарди:

– Ҳозир тўғрилаймиз-да, дўстим. Битмайдиган иш борми дунёда! Худо ёрлақаб, бизнинг томонларга бир келиб қолибсиз, қайтиб кетсангиз уят бўлади.

Ишнинг битишини бунчалик нақд қилиб қўйганидан шошинқираб қолган Умматали, «Ўзингиз бу ерда нима хизматдасиз!» дейишга ултурмади. Зариф «Ҳозир!» деганича орқасига қайтиб кетди. Нарироқдаги бир хонага кириб, кўздан ғойиб бўлди. Салдан кейин яна шошинқираб чиқди. Умматалининг қўлидаги қофозни олиб, наридан-бери кўздан кечирган бўлди-да, яна кириб кетди. Бир оздан кейин ўша кириб кетган эшикдан бошини чиқариб, Умматалини чақирди. Ҳамон ишининг битишига гумони бор Умматали ҳадиксираб кириб борди. Зариф уни хона бурчагидаги савлатсизгина бир столда ўтирган чуваккина киши билан таништирди. У

киргунча ҳамма гапни айтиб бўлган шекилли, якун ясагандек таъкидлади:

— Бизнинг ноҳақ жафо чеккан қадрдон дўстимиз, тўгрилаб бермасангиз бўлмайди.

Чуваккина киши вақтидан аввал оқара бошлиган Умматалининг соchlарига қараб қўйди:

— Ҳойнаҳой, ўшоқда оқаргандир? — у жавобни кутмасдан яна сўради, — ҳозир ишларингиз яхшими!

— Дуруст.

Уни Зариф тўлдирди: — Шу ишини тўғрилаб берсангиз, иши яна яхши бўлади-да.

— Тўғрилаймиз. Бундай ўртоқларнинг тезда оёққа туриб кетишига кўмаклашиш ҳар инсофли кишининг бурчи, — деди чуваккина киши Умматалининг алоқа қоғозини кўздан кечираётib. Кейин тегишиди:

— Бунинг устига виноларнинг асили шуларда бўлса керак.

Умматалининг кўнглидан: «Бизда фақат узуми етиширилади», деган фикр ўтган бўлса ҳам, чўзиб ўтиrmади.

— Топилади, — деб қўя қолди.

Чуваккина киши телефонни олиб қаернидир чақирди. Совхознинг илтимосини қисқагина тушунтириди, кейин ўз фикрини айтди.

— Ҳурматли бир ўртоқ илтимос қилияпти, йўқ десак бўлмас. Бе, уларда қувур нима қиласди! Улардан узумнинг хилини сўрайсиз. Майли, шундай қила қолинг, — чуваккина киши Умматалига ўгирилди, — мана, иш битди, биродар. Лекин битта шарти бор: қувурни кейинги кварталда қайтариб берасиз.

— Бизда қувур бўлмайди-ку, — Умматалини яна ташвиш босди.

— Эй, биродар, ўшоқда юрганларингизнинг таъсири урибди, орқада қолибсиз. Хўп, деяверсан-

гиз-чи. Йўқ бўлса қайтармайсиз-да. Пулини олади. Шахсий боғчангизга жимжима фонтан қуряпсизми, хавотир оласиз!

— Чуваккина киши шу гапларни ҳазиломуз айта туриб, қоғозга резолюция қўйди, Умматалига узатди.

— Марҳамат! Ишни бошлайверинг. Муваффақият тилайман!

«Шунчалик иш экан-ку, қора кўзойнакли жуда бўй етмас ерга олиб чиқиб қўйган эди», деган хаёл билан Умматали чуваккина кишининг қўлини сикди:

— Биз томонларнинг ҳам ҳавоси яхши. Чиқиб боринглар, — дея ташаккур билдириди. Кабинетдан чиқишгач, Зариф тегищи:

— Бир яхшилаб эрийдиган бўлдингиз, Умматали.

— Марҳамат! Қачон бўлса биз тайёр, чиқиб боринглар.

— Раҳмат! Шуларни битказиб олинг, кейин. Мен доим шу ердаман, келиб туринг. Анави кабинетим!

Умматали кўз ташлаб кабинет эшигидаги ёзуви ўқиди: АХО³.

Зариф уни кабинетига таклиф этди:

— Қанд солса ботмайдиган чойим бор!

— Раҳмат, дўстим, қўй сўйгандан аъло иш қилдингиз, — деди Умматали кўксига қўлини қўйиб, — бошқа бир гал.

— Марҳамат, қачон бўлса бемалол!

Зариф уни вазирликнинг кўча эшигигача кузатиб чиқди ва ўз одатича унинг қўлини олиб каттиқсиқди, қуюқ хайрлашиб қолди.

Бу қўл сиқиши Умматалининг ёдига беғубор стуентлик йилларини солди. Ўн кунлардан кейин Бешёғочдаги илк қудуқдан кўкка отилиб чиқсан бутана сув эса, кенг истиқболи уфқини бирдан чароқлатиб юборгандек бўлди.

³ АХО – маъмурий хўжалик бўлими

Сув унча чукӯрда эмас экан: юз метрга етмай «ер остида жуда ҳам сиқилиб ётган эдим, эркинликка чиқадиган кун ҳам бор экан-ку, отангларга раҳмат!» дегандек қарсиллатиб чапак чалганича кўкка отилди, борадиган ерини қидириб шошиб қолгандек қақроқ ер бетида илон изи солиб кетди.

Умматалининг оғзи қулоғида, қистаб юрган қўғирчогини дадаси олиб келиб берган боладек юзидан табассум аrimайди, кўзи ёнади. Ер остидан чиқадиган сув бошқача бўладигандек бир-икки ҳовуч олиб, термилиб қаради, ҳатто, нима учундир, салмоқлади ҳам. Унинг бу лаҳзадаги кайфиятини оддийгина сўз билан «севинди» дейиш инсофдан бўлмас эди, бунинг номи бошқа, бунга сўз топиш керак!

Биринчи қудуқнинг «мазаси» Умматалининг оғзida қолдими, иккинчисини кутиб, қудуқ қазувчилар билан бирга шу ерда тунади. Лекин барибир иккинчисининг гаштини сурисхунга насиб бўлмади: шофёр келиб олиб кетди. Район ижроия комитетидан директорни ёки уни зудлик билан йўқлатишибди. Азимхўжаевнинг бундан уч кун аввал тўсатдан қон босими ошиб кетиб, касалхонага ётгани учун Умматалининг бориши зарур бўлиб қолди.

Умматалини туман ер бўлнимининг мудири йўқлатган экан.

Умматали бу дағал одамни яхши танийди. Қачон кўрсанг бир нарсадан фифони осмонга чиқиб, бўлар-бўлмасга бақириб-чақириб юрадиган бу одамни районда унча хуш кўришмайди. Лекин ўзи шу ернинг туб аҳолисидан бўлгани, кўпдан бери ишлаб келаётгани, паст-баланд лавозимни кўргани учун «бу касал унинг қонида» деб парво қилишмайди. Бир куни Умматали Азимхўжаевга: «Ҳаммадан ҳам унинг бечора хотинига раҳмим келади», деб кулган эди, директор: «Шу аҳволига хотинидан

қүрқади: эшикдан кулиб кириб боради», дея бир қанча латифанамо лавҳалар айтиб берди.

Умматали кириб борганда мудир қовоғидан қор ёғиб, кўйлагининг тугмаларини майкаси кўрингунча ечиб, ниманидир кўчирмоқда эди. Умматалининг саломига тузуккина алик ҳам олмади, кўришишга қўл учини узатди. «Об-бо, тоза пайтига келибман-ку» деган Умматали унинг оғзини пойлаб турди. У куттирмади:

— Бу қанақа саботаж?

Гап нима ҳақида боришини жон қулоги билан кутиб турган Умматали дарров тушунди. Лекин бу оддий нарса юзасидан бунчалик дағдаға әшитишини кутмаган эди.

Хафта бошида Умматали директор ҳузурига кирса, у хомуш ўтирибди. Буни соғлигига йўйиб, кайфиятини сўради. Азимхўжаев жавоб ўрнига унинг олдига бир варақ қоғоз сурди. Умматали кўз юритди. Бу буғдой ўримига тушиш ҳақидаги район фармойиши эди.

— Ҳали яхши етилгани йўқ-ку! — деди Умматали. Азимхўжаев чурқ этмади. Нохушлик билан фармойиши олиб, столи тортмасига солиб қўйди... Шу туфайли ўрим-терим ҳали совхозда бошланмаган эди. Гарчанд, бу «ўзбошимчалик»ни баъзи бирорвлар ёқтирмаслигини Умматали билса ҳам, лекин унинг «саботаж» деб баҳоланишини кутмаган эди. Бу ибора қанчалик даҳшатли бўлмасин, бундай дўқ уришларнинг вақти ўтгани, ўз ишининг тўғрилигига имони комил Умматали директорга айтган ўша сўзини вазминлик билан такрорлади ва яна қўшди:

— Ҳали яна уч-тўрт кунлиги бор.

— Йўқ, сиз менга тушунтируманг, — деди унинг оғзидан сўзини юлқиб олиб мудир, — мен кеча келган киши эмасман. Шу ерда туғилганман, кўчасида ёнгоқ думалатиб, даласида сигир боққанман. Са-

волга түгри жавоб қилинг: нета фармойишни бажармадингиз.

– Айтялман-ку...

Мудир гапиргани қўймади:

– Директор каёқда?

– Шифохонада.

– Даволанадиган вақтини топибди! Шу бугунок одам юборинг, эртадан ишга чиқсин, кейин даволанаверади.

– Афсус, бу фармойишингизни ҳам бажара олмайман. Ахир касал маслаҳатлашиб келмайди.

Ётиги билан айтилган бу жавоб ҳам мудирнинг ярасига туз сепгандек бўлди.

– Бу нимаси!! Қасддан районни орқага судра-япсизларми! Район учун сизларнинг ҳам жиндай жонинглар ачийдими ўзи?

– Сиз биргина районни ўйламанг-да.

– Хўш, ўргатинг, нимани ўйлай тағин! – киноя қилди мудир. – Биз район раҳбаримиз – районни ўйлаймиз. Областга кўтарилилганда, областнинг ғармини еймиз.

Умматали: «Шу аҳволинг билан областта кўтарилиб бўпсан. Шу ерда ҳам эскиб қолганга ўхшайсан», деб кўнглидан ўтказди. Ўша фикрини ойдинлаштириди:

– «Биздан кетгунча, эгасига етгунча» қилмасдан эл-юртни сал ўйлаш керак.

Мудир: «Тентак, шу оддий ҳақиқатни ҳам фаҳмига етмайсанми?» деган бир йўсинда илжайди:

– Шу эл-юртни ўйлаганимиз-да. Ахир буғдой менинг шахсий омборимга тушмайди.

– Йўқ, бу – фақат районни, район планини ўйлаганингиз, агар эл-юртни ўйлаганингизда, етилмаган буғдойни нега ўрмадинг, деб икки оёғингизни бир қўнжга тиқиб ўтирмас эдингиз. Ётиги билан сабабини сўрадингиз, бизни ҳам, ўзингизни ҳам бекорга хит қилмас эдингиз.

Мудирга бу гап жуда малол келди, наҳот қўл остидаги, кечагина келган агроном шу тилда у билан гаплашса! Бу оғриган тиши қолиб, соғини сувуриб олгандек алам қилди, бургадек сакраб тушди:

— Ҳой, мейға қаранг, агроном, мен насиҳат эшистадиган ёшдан ўтганман. Тушундингизми? Биринчи йил ишлашим эмас, ақл тишим шу ерда чиққан!

— Тўғри, сизга ўргатгулиги йўқ. Лекин бу йилги об-ҳавони ҳисобга олинг-да. Баҳор совуқ келди. Кейин бизнинг ерлар тоғ этаги, салқинроқ.

— Биламан! Биламан!

— Қани, юринг, ер бошига чиқайлик, ҳаммаси маълум бўлади-кўяди.

— Отангиз темирчими? Гапни кўп чўзманг. Эртага қолдирмай ўрим-теримга тушинг. Йўқ, дейдиган бўлсангиз, мана қоғоз, ёзинг!

— Майли, ёзиб беришим мумкин. — Умматалининг назарида мудир бирдан жуда паст тушиб кетган эди.

— Ёзинг! — мудир шиддат билан қоғоз узатди.

Ичида «ёзиб бўпсан!» деб турган бўлса керак, Умматалининг қоғозни бамайлихотир олиб, ёзишга ўтиришидан кўзи косасидан чиқиб кетгудек бўлди.

Унга ҳаммадан кечагина келган муштумдек агрономни ўз раъийга сололмагани алам қиласиди!

Умматали мудир талаб этган қоғозни ёзиб бўлгач, яна бир қайта кўздан кечириб, кейин унга узатди:

— Марҳамат!

— Имзо чекдингизми? — ҳамма гап ёлғиз имзода бўлганидек алоҳида таъкидлади мудир. Буни таъкидлашдан кўра, дўқ уриш эканини яхши фаҳмлаган Умматали мулоим кулиб:

— Чекдим, ведомостта қўядиган қилиб чекдим,

— деди.

— Биласизми, бу хатти-ҳаракатингизнинг номи нима? Бу «тўрачилик кайфияти» дейилади. Бундан тили куйганлар бор. Ҳали кўп ўкинасиз!

Шундай дўқ билан ҳам Умматалини ўз қўндоғига қўндиrolмаган ва қачонлардир қўндира олишига кўзи етмаган мудир, у ёзиб берган қоғозни чимирилиб туриб ўқиб чиқди. Хона бурчагидаги сейфни даранглатиб очиб, намойишкорона бир тусда унга қоғозни ташлади. Гўё бу билан: «Кўриб қўй, сенинг жонинг шу ерда!» демоқчи бўларди. Шу билан бир вактда Умматалининг: «Келинг, бу ёққа беринг. Ҳозир бориб ўроққа одам тушираман», дейишини кутаётган бўлса керак, сейфни ёпишга шошмади. Умматалидан нидо чиқавермагач, зарб билан қопқоғини ташлаб, калитини буар экан, пўнғиллади:

— Ватанfurушнинг хотинига уйланганингиз бежиз эмасга ўхшайди!

Унинг бу гаразомуз гапидан Умматалининг айтадиган сўзи қолмаган эди. У қисқагина хайллашиб хонадан чиқди. Лекин чиқиш олдида бигизини санчиб олишни унутмади:

— Эй, аттанг, бу гапни менга айтиб чакки қилдингиз. Тўгри керакли идорага ёзиб беришингиз лозим эди.

— Керак бўлса ёзиб ҳам берамиз!

— Мард бўлсангиз ёзасиз!

«Бу одамнинг қўлидан ҳар қандай пасткашлиқ келиши мумкин», деб ўйлаган Умматали ер бўлимидан чиққач, тўгри раҳбариятга кириб борди. Бахтига секретарь бўш экан. Бўлган воқеани батафсил айтиб берди:

— Ахир ҳали буғдой яхши етилгани йўқ, ўртоқ секретарь, бўлмаса у одам билан ади-бади айтишиб ўтиришга кимнинг тоқати бор. Ахир буғдойдан қанча олдин қутулсак, ўзимизга шунча яхши эмасми. Ўзингиз биласиз, биз асосан боғдорчилик совхозимиз. Боргнинг иши эса, бир йил-ўн икки ой тутамайди.

Секретарь уни хотиржам қилди:

— Етилмаган бўлса, ўроққа тушишнинг кераги йўқ.

— Раҳмат-эй, бормисиз! — қувониб кетди Умматали, — у одам кишини қон қилиб юборди. Қачонга-ча ўзимизни ўзимиз алдаймиз. План сал кейинроқ тўлса ҳеч нарса қилмас.

— Албатта. Хўш, қудуқ ишлари нима бўляпти? Сув чиқдими?

— Чиқди. Кечакчи чиқди.

— Кучи қалай?

— Яхши.

— Бу катта иш бўлди. Ҳа, айтгандай, ўша ерга бир оз полиз ҳам қилинглар. Лекин дори солмаслик шарти билан! Бир намуна кўрсатинг. Дори билан сув эмдирилган қовун-тарвуз элнинг жонига тегди: на мазаси бор, на матраси! Келишдикми?

— Келишдик, — секретарь кўнглидагини топиб гапирганидан Умматали яшнаб кетди. Ахир унинг ўзини ҳам кўчатлар етилгунча, орасига қовун-тарвуз ташлаш нияти бор эди. Айни муддао бўлди. Буни у жони дилидан рўёбга чиқаради.

Секретарь кабинетидан мамнун чиққан Умматали совхозга қайтаётиб, ер бўлими мудири билан бўлган «суҳбат»ни яна эслаб қолди. Кўнгли хира тортди. Шу мудирга ўхшаган одам ҳақ-ноҳақлигидан қатъий назар ўзиникини ўтказишни яхши кўради, баъзан ноҳақ бўлгани ҳолда фолиб чиқиб юради. Модомики, шундай экан, олдини олиб, тадбирини кўриб қўйиш керак.

Умматали худди шундай қилди: йўл усти уруғнав лабораториясига кириб одам ола кетди. Унинг иштирокида бугдойнинг аҳволи ҳақида кичик бир акт туздириб, таҳлил учун керагича бериб юборди. У одам билан хайрлашар экан, таъкидлади:

— Мумкин бўлса, дафтардан ўтказиб, лозим то-
пилгандан справка оладиган қилиб қўйинг.

— Хотиржам бўлинг, бизнинг ишимиз доим ҳи-
соб-китобли!

Умматалининг ҳадиксираганича бор экан. Му-
дир бирдан шов-шув кўтариб, масалани бюрга
қўймоқчи бўлиб қолди. Ана шунда Умматалининг
ўша тадбири мудирнинг нафасини ичига тусириб
юборди.

Бундан хабар топган райком секретари Азимхў-
жаевга:

— Агрономингиз чийратма-ку! — деб кулди. Айт-
ганингиздек, истиқболи порлоқ кўринади.

— Порлоқ. Мени анча тинчтиб қўйди. Имони
комил бўлмаган ишга қўл урмайди, қўл урдими,
бошига қилич келса, қайтмайди. Пахтавон дабдаба-
ларни жинидан ёмон кўради.

— Бу яхши хислат, — деди одамларни баҳолашда
жуда оғир тош қўядиган кекса секретарь. — Ёшли-
римиз бақувват. Шунақаларини кўрганимда те-
римга симай қувонаман. Ёшим қайтиб қолганидан
ўкинмайман.

— Мен ҳам худди шундай бўламан-а, бир нуқта-
дан чиқиб келишимизни қаранг! — мамнун таъкид-
лади Азимхўжаев.

— Бир авлод кишиларимиз-да, дўстим, сиз би-
лан биз эккан кўчат бир кунда гуллайди. Билган
ёшларга сиз билан бизнинг умр, дўстим, каттакон
бир ҳаёт мактаби, такрорланмас ҳаёт мактаби!

Ёши улуг икки раҳбар кемаларини не-не тўфон-
лардан ақлу идрок ва сабот билан омон-эсон олиб
ўтиб, қирғоқча чиққан капитанлардек бир-бирла-
рига ҳаёт ва яшаш мазмуни тўла кўзларини тикиб
қолишиди.

Иккиси икки чинордек магрут эди.

СИПО ЙИГИТ ВА ҚУРБОНАЛИНИНГ АРМОНИ

Ҳожи ўз дўконида Қоплонбекни совуқроқ кутиб олишининг яна бир сабаби бор эди.

У кечаги жума бир француз дўстиникида зиёфатда бўлди. Янги келган кезлари унинг қўлтиғига кириб, йўлга соглан бу французнинг бу шаҳарда бир нечта мундайроқ вино заводи бор. Ҳожи билан борди-келдиси яхши. Ҳожининг ичмаслигини билиб, у келадиган куни антиқа шарбатлар топиб қўяди. Баъзан аъло нав виноларни мақтаб: «Бир тотиб қўринг, Ҳожи, бутун гуноҳларингизни ювиб кетадиган хилидан», деб тегишади. Ўзи ичиб, унинг ҳавасини келтирмоқчи бўлади. Барibir Ҳожи кўнмайди. Шунда ҳам француз уни ичимлик бўладиган зиёфатларда эсдан чиқармади. Бундан анча йил аввал уни Парижга бошлаб бориб, чиройли қизларга оёгини уқалатган ҳам шу заводчи бўлади. Ҳали-ҳали Ҳожига «Парижга борамизми?» деб ўша кунни эсига солиб тегишади.

Шу заводчини обрули француз маъмурларидан биттаси кечаси чақириб қолди. Бой хавотирсираб кириб борса, маъмур очиқ юз билан кутиб олиб: «Бир маслаҳатли иш чиқиб қолди!» деди. Қейин ишининг нималигини лўнда қилиб айтиб қўя қолмасдан, мамлакатда ерли халқнинг кўзи очилиб, миллий мустақиллик талаб эта бошлаганини, касаба уюшмаларнинг қучайиб қетаётганини, шу хилда бораверса, унинг заводидан келадиган даромадга путур етишини, ҳатто унинг заводларидан бирида шубҳали кишилар пайдо бўлганини зерикмасдан айтиб чиқди.

— Бу сиз учун яхши бўлмаса керак? — деди охира ида ўсмоқчилаб.

— Албатта. Баъзан мен ҳам ҳайрон бўлиб қўяман.

— Модомики, сиз ҳам бу нарсадан хабардор экансиз, бу жуда яхши. Бирлашиб тадбирини кўрамиз. Гап бундай: Париждан бир инженер келяпти. Тўғриси, тегишли идора юборяпти. Унинг ўз топшириқлари бор. Шунга ёрдам керак.

— Яъни қандай? — ўз ҳозирлигини билдириди бой.

— Шуни ўз заводингизга олсангиз. Яхши бўларди ўша шубҳали кишилар пайдо бўлган ерда ишласа.

Заводчи қаршилик билдирамади.

— Унинг кимлиги албатта сир сақланиши шарт. Кейин унинг елкасига қоқиб ҳам юрманг. Кўп қатори юраверади.

— Албатта.

— Қисқа қилиб айтганда, у ишчилар орасида сиз билан бизнинг манфаатимизга ишловчи кўз-қулоқ.

— Тушуниб турибман.

Маъмур бу ёғини пишишиб олганидан мамнун бўлиб, зарли сигара тутатди. Чекмайдиган ҳамроҳининг ҳавасини келтириб, турк тамакисини мақтаб кетди:

— Мойдек юмшоқ. Бунинг ҳидини қаранг димоғинг яйрайди. Чекмайсиз — билмайсиз. Сиз қизларнинг фарқига яхши борасиз. Бу ҳам ўшанга ўхшаган нарса!

Заводчи таниш бўлса ҳам, унча сирдош бўлмаган маъмурнинг гапига жилмайиб қўя қолди. Ваҳоланки, маъмур эндиғи бошлайдиган сўзига замин ҳозирлаб, унинг кўнглига қўлини солмоқда, унинг майлини ўзига тортаётган эди. У сигарани жуда маза қилаётган кишидек яна бир узун сўриб, оғзида тутунини қамаб турди-да, кейин булоқ қилиб чиқарди, гап бошлади:

— Яна бир илтимос: Сиз анави Сайдакбар ҳожи билан қалинсиз. Борди-келдингиз бор. Шу билан иккисини бир амаллаб таништирангиз.

Бу гапга заводчи тушунмади: энди келаётган инженерга Ҳожининг нима алоқаси бор? Буни пайқаган маъмур дарров әвини қилди:

— Парижнинг илтимоси шу. Ўзи ҳам ўшоқ томондан бўлса керак.

Маъмур, гарчанд келаётган Аъзамнинг разведка юбораётганидан, унинг вазифаси Ҳожининг хонадонига яқинлашиб, Абулбарака ва унинг дўстларининг хатти-ҳаракатидан воқиф бўлиб туриш эканини билса ҳам сермаишат, оғзи бўш бойга айтгиси келмади. Иши тушиб турадиган идоранинг раъйини қайтаролмаган заводчи:

— Яхшиликка бўлса қаршилигим йўқ, — деди.

— Хотиржам бўлинг. Биз сизга ёмонлик кўзламаймиз. Сизларнинг манфаатингизни деб шу ерда ўтирибмиз. Ёмонликнинг қопқофи — биз.

Ана шундан кейин заводчи француз янги ишга келган инженерининг ўзини Ҳожи билан шундоққина таништириб, сирни бой беришдан чўчиdi. Аввалига у билан учрашганларида Аъзамнинг йўқ фазилатларини ошириб, «Инженерга ёлчиб қолдим деб юрди. Кейин унинг Ҳожи келган томондан эканини айтиб, қизиқтириди. Ҳожи: «Бир кўришадиган эканмиз!!» дегандан кейин бошқа бир нарсани баҳона қилиб, бир жума уйида дастурхон тузди. Одатдаги меҳмонлардан анча-мунча кишиларни таклиф этди. Шу зиёфатда Ҳожи билан Аъзамни қамти қилди. Кейинги йилларда разведка таълими ни олиб, ўзини тутиб қолган Аъзам сиполик билан суҳбатлашиб, бойнинг ҳавасини келтирди, меҳрини товлади. Аъзам папирос чеккани ташқарига чиқиб кетганда Ҳожи француз дўстидан уни суриштириди.

— Оиласи билан келганми?

— Йўқ. Бўйдоқ экан. Бир-икки йил Парижда заводда ишлабди. Ўзи етим бола экан.

— Етим бўлса қийин. Вақтида уйланана олмаган бўлиши мумкин.

— Қари деяпсизми! Энди йигирма саккизга кирибди. Ҳужжатини күргандим.

— Етим бўлса қийналиб ўстган. Қийинчилик кишини кекса кўрсатади. Тағин ҳам пишиқ экан, илмини бир ерга етқизибди.

Бой уни қувватлади:

— Ишига пухта. Сал кунда қаддини кўтариб кетади. Бунақалар жиндай кўмакка муҳтоҷ бўлади. Мисоли кўчат.

Ҳожининг хаёлидан ўзининг янги кўчиб (тўгриси, қочиб) келган йиллари ўтди. Чўнтағида шунча маблаги билан гармселга учраган ниҳолдек ҳазилакам заҳмат чекдими! Шу французга ўхшаган бир-икки киши тирговуч қўймаганда бунчалик илдиз отиб ололмасди. Бу йигитниг нимаси ҳам бўлган ёнида! Тағин ҳам уддабуро экан, шунчалик қаддини кўтариб, катта-кичик орасида ўз обрўйи билан юрибди. Бир нарсага кўзи етиб, ишонганки, юртини ташлаб чиққан.

Ҳожи шундай мулоҳазада экан, шу араб ўлкасида эсини таниб, мусулмон урф-одатларини яхши биладиган, қачон бўлса, мусулмонларнинг сабрлилигини, қанча жабр тортса ҳам худодан кўриб, қаноат билан яшашини маъқуллаб юрадиган француз бойи яна қистириб қўйди:

— Асли хўжа ҳам бўлса керак, замона зайли билан шўро сиёсатига қурбон қилганми, исмидан олиб ташлабди.

Бу ҳам Ҳожига ёқди: таги асл экан! Советдан дакки еган Ҳожининг хаёлидан ўзининг кўрган-билганилари ўтди: ахир у ҳам «ҳожи»сини қанақа қилиб йўқотишни билмай қолмаганми! Унинг назаридада Аъзам катта, бадавлат, тагли-тахтли одамнинг фарзанди. Қўй кўрмаса ҳам қий кўрган. Назари баланд. Уни ўша асл хўжа ўтган аждодларининг арвоҳи ёр бўлиб, баҳт етаклаб юрибди. Лекин баҳт булогининг кўзи қаердалигини билмайди. Шуни би-

пор одам сал имо-ишора қилиб юборса борми, дар-ров у ёгини ўзи жилдиллатиб оқизиб кетади, нега шуни Ҳожи қилмайди. Бир томони ватандоши, са-воб-бўлади. Бир томони... Йўқ, куёв қилишни ҳалит-дан мўлжаллаш яхшимас. Эҳтимол, хотини бордир, хотини бўлмаганда кишиси (ўйнаши, дейишга тили бормади) бордир. Йўқ, бу томонини ҳали қўя турай. Лекин ўзи келишган йигит экан. Биттаси илиб ке-тиб қолмасмикин?

Шу вақт Ҳожининг кўнглига Аъзамни эмас, қизи Таманнони бирор илиб кетаётгандек туюлди. У – олғир Қоплонбекка ўхшайди.

Шу куни у зиёфатдан уйига келгунча гоҳ Аъ-замни, гоҳ Қоплонбекни ўйлади. Иккисини тарозига солди, ўлчади. Қоплонбек чаққонлиги, сўзамоллиги, тажрибалиги билан тарози палласини босмоқчи бўлса, Аъзам инженерлиги, ёшлиги, чиройи ва сиполиги билан бўш келмас эди. Бориб-бориб Ҳо-жининг хаёлида Аъзам Қоплонбек турган паллани лайлак қилиб юборди. Қоплонбек ким? Ақли би-лан эмас, олғирлиги туфайли, тажрибаси туфайли чаққон. Сочига оқ тушиб қолган. Ўлдими шу ёшгача чилла ўтирган одамдек ўзини тийиб, уйланмай юр-ган бўлса! Ким билади, қаерда нечта ҳаромбачча-си чирқиллаб ётибди. Шу табиати билан тинчгина юроладими? Ундан кейин ёши ҳам ўтинқираб қол-ган. Юрт-эл кўрган, дайди. Худо кўрсатмасин, Та-маннога уйланса-ю, сал кўнгли бўлмаса, дунёning қайси бурчагидан топиб оласан уни. Аъзамхўжа бу бошқа гап. Ҳали ёш, ҳам тайин бир касби бор. Қа-ерга борса хор бўлмайди. Ўзи ҳам кўркамгина. Та-маннога ҳам, албатта, шу маъқул бўлади. Асалари ҳам сўлган гулдан бол эммайди. Касбига ҳам омил кўринади. Бу қув француз бекорга мақтамайди. Шу маҳалгача бирорта одамни бунчалик маъқул-лаб, тилга олмаган эди. Демак, йигитнинг ўзи эп-чили. Ҳаммадан яхши томони шуки, унинг Қоплон-

бекнигига ўхшаган таниш-билиши кўп эмас, Ҳожининг давлатини талон-тарож қилавермайди. Аксинча ёнига қўшади, болалатади, тишида тишлаб шу хонадонга олиб келади. Бу ёғини Ҳожининг ўзи билади. Ҳар ҳолда Аъзамнинг таги асл. Ҳўжа. Бир қон, бир табақа. Бу томони ҳам маъқул.

Ўйлаган сари Аъзамдан фазилат, Қоплонбекдан нуқсон топган Ҳожи шу кундан бошлаб, қизидан қутулиш ташвишига тушиб қолди. Ташвишга тушмай ҳам иложи йўқ эди. Бир томондан қизининг ёши ўтиб боряпти. Шу бир-икки йил ичидаги узатиб қолмаса, қари қиз бўлиб, ўтириб қолиши мумкин. Кейин Ҳожи истамаган, рад жавобини берган бу ерлик баъзи бир хонадонлар эмас, ундан пастроғи ҳам қарамай қўяди. Бора-бориб хотини ўлиб, бир-икки болаликками ёки хотин қўйгангами беришга мажбур бўлиши мумкин. Ахир қиз бола ҳам чучмўмага ўхшаган нарса, фасли дарров ўтади. Ундан кейин Ҳожининг қизини бу ерликларга узатиш раъийи йўқ. «Замони саодат» келиб юртига қайтса, кўзининг оқу қораси ёлғиз қизи бегона юртда қолиб кетадими? Ўз ватандошига берса, қачон бўлса ўзи билан бирга.

Шу ўйлар билан бир неча кун боши қотиб юрган Ҳожи, Қоплонбек жилпанглаб дўконига келгандаги ундан меҳри совиб, Аъзам кўзига иссиқ кўрининг пайт эди. Шунинг учун ҳам уни қизи илинжида юрганини билиб, сал кўкрагидан итариб қўйган эди.

Бу орада Саидакбар ҳожи беш-үн кун ётиб қолди. Докторлар бирор нарса демаган бўлса ҳам Ҳожининг ўзини ваҳима босди: худо кўрсатмасин, шу ётишида бу дунёдан иону насибаси узилса борми, топган-тутгани ўлда-жўлда қолиб кетади. Абулбраканинг табиати ўзига маълум. Молу дунё билан иши йўқ. Унинг иши бошқа. Ота уни чақириб: «Ўғлим, мана бундоқ ётиб қолдим...» деб гап бошланган эди: «Туриб кетасиз, ташвишланманг», деди-ю,

ёнида узокроқ ҳам ўтиrmади: ўртоқлари кутиб турғанмиш, йигинлари бор әкан. Бўлмаса Ҳожи уни инсофга чақириб: «Ўғлим, иссиқ жонман. Ютганим ўзимники, оғзимдаги омонат. Бирон ҳодиса бўлса «ундоқ қил, бундоқ қил», «фалон жойда фалоним бор», демоқчи эди. Йўқ, яхши кийдириб, ширин едириб бино қўйган ўғли парво қилмади. Шу аҳволи бўладиган бўлса, унинг мисқоллаб топганини қадоқлаб совуриб ташлайди.

Ана шу касаллик ҳам ибрат бўлди. Биринчи навбатда бироннинг хасми бўлган қизидан қутулиш керак. Ўзидан кейин бирон коғир билан топишиб кетиши ҳеч гапмас. (Ҳожининг хаёлига қизи ошигу шайдо бўлган францууз йигит келди). Ундан кейин Таманнони ким бу йўлдан қайтаради. Ўғлига қолса-ку, ким бўлса барибир. Ҳар ким кўнгли тортган ошни ичармиш. Тавба. Ҳожи ўз ҳалол пуштидан бўлган ўғлининг шунақа чиққанига туриб-туриб ишонмайди. Ўзига инсоф бермаса қийин! Бўйи бўйингта тенг бўлгандан кейин уриб бўлмаса, сўкиб бўлмаса! Жуда, жуда қийин!

Сайдакбар ҳожи ҳаммасини обдан муҳокама қилди, ўлчаб тортиб, қирқиб шу қарорга келди: Аъзамхўжани куёв қилади! Кўзи очиғида уни ўз йўл-йўригига солади, тобига келтириб пишитади, паст-баландни қўрсатади, ўз доирасига олиб киради. Вақтики битиб, кўзини юмса, хумдаги хумда, сандиқдаги сандиқда тураверади.

Ишни Аъзамни кузатишдан бошлади. Турли баҳоналар билан францууз дўстидан суриштириди. Унинг: «Ўзи тинчликми, жуда эслаб қолдингиз?» деганига лабини сирли қисиб, «Кейин айтаман!» деди. Бир-икки учрашиб сухбатлашди. Дўконига таклиф этиб, ишлари билан таништирган, унинг бу ишларга муносабатини синаган бўлди. Кетишида энди расм бўлган бир жуфт чиройли туфлини «Қадамингиз хайрли бўлсин. Мана қадрдон

бўлиб қолдик, Сиз қаёқда-ю, биз қаёқда эдик!» деб қўлтиғига қистирди. Орқасига одам қўйиб яна юриш-туришини суриштирди: рисоладаги йигит. Лекин сал шўҳроқ эмиш. Бу ҳам Ҳожига фазилат бўлиб кўринди: ёшлигига ким шўх бўлмабди! Йигитнинг латтасидан ўзи асрасин! «Дастурхонга қаранг!» деса, «Нимадан еяйин!» деб ўтирса бундан хунуги йўқ. Ундан кейин қизига шунақаси ёқади. Вақт ўтиши билан ҳовридан тушиб қолади.

Мана бугун Ҳожи Аъзамни уйига таклиф этган. Азиз меҳмон келадигандек бетинч. Сўнгги кунларда тез-тез тоби қочиб, кайфияти бузуқ Қурбонали бандига ёғоч ўрнатилган «эркак» супургисини судраб қулбасидан чиқиб келар экан, Ҳожи ҳовлининг ҳали ҳам супурилмаганидан нолиб қолди. Қурбонали сўнгги кунлардаги одатини қилиб, бир узиб олай деди-ю, яна: «Меҳмон келадиган куни яхшимас. Меҳмон атойи худо», деб бу шахтидан қайтди:

— Ҳовлини ҳадеб қиртишлайвериш яхши эмас. Давлат хас-чўрга ўралишиб киради, Ҳожим.

Ҳожи «ҳа, ҳув!» деганича кўнглини топганидан хурсанд ичкарига кириб кетди. Тошойнанинг олдига ўтириб, мўйчинак билан соқол-мўйловининг ҳаромзада тукларини юлди. Ачишган ўрнини қўли билан силаб, соқолини жиндай хиналаб ҳам қўйди. Таманно отасидаги бу ўзгаришни кўриб, тегищи:

— Ёшарив кетибсиз, дада. Шу маҳал ойим кўрганларида эди... Ё уйланасизми?

— Оҳ, қизим, онанг раҳматликка ўхшаган хотин қаёқда энди! Биз ўтдик, энди навбат сенларники. Сендан ҳам қутулиб олсан, ўлсан армоним йўқ эди: қабримда оёғимни узатиб ётардим.

— Менинг ташвишим шунақа зўрми, билмабман-а! — яна кулгига олмоқчи бўлган эди қизи, Ҳожи жиддий салмоқлади:

— Ота бўлмагунча ота қадрини, она бўлмагунча она қадрини билмайди киши, қизим. Ўз вақтида ўғил уйлантириб, қиз чиқармоқ ота-онанинг олло таоло олдидаги қарзи. Бу қарзни қандоқ қилиб у дунёга олиб кетаман? Худо олдида нима деб жавоб бераман? Сен бўлсанг, тушунмайсан, қизим, қари отангни кулгига оласан. Менинг сену акангдан бошқа кимим бор. Сенларни деб, сенларнинг эртангни ўйлаб ўтга кириб, сувга шўнгийман. Бўлмаса менинг битта бошимга ҳеч нарса керакмас. Мен қўрадиганимни кўрдим, ейдиганимни едим. Худога шукур, бир одамча обрў орттиридим, давлат топдим. Энди сенлар тинч бўл дейман. Акангнинг ҳам баъзи ишларидан хурсанд эмасман. Майли, ишқилиб, омон бўлсин, орқамда қолсин. Бир куни эси киради, ота боласи эмасми! Сен ҳам, қизим, жамалак соч эмассан, катта бўлиб қолдинг, оқ-корани айирдинг. Энди мен бир нарса десам, «хўп!» де. Наҳотки сенга бир тиканини раво кўрсам! Ким ўз кўзига чўп ташлабди!

Таманнонинг эсига отасининг кейинги кунларда шу ҳақда кўп гапириши, қандайдир ҳамشاҳар йигитини бот-бот тилга олиши тушди. Бир куни бир ўтиришдан: «Ёшгина бир ҳамюртимни учратдим!» деб қувониб келди. Бир оз вақт ўтгач: «Эс-хуши ҳам жойида. Инженер. Бу шаҳарда нечта мусулмон инженер бор!» деб чертиб қўйди. Бир ойчадан кейин: «Гал-сўзлари бир маъноли, мурда эшитса тирилади, худо бераркан деса, ҳеч гап эмас экан», деб ҳаваси келди. «Сен танимайсан-а, қизим, ўт-бўтда кўзинг тушгани йўқми?» деб уни қизиқтириди. Кечаги жума: «Ўша ҳамюрт йигитни меҳмонга чақирсан, сен нима дейсан қизим?» деди. Мана бугун у келяпти. Демак, отасининг бугунги гапларини мана шуларга қўшиб ўйлаганда чиқадиган маъно кундай равшан. Отаси бу гапу, бугунги ўтиришни бекорга қилаётгани йўқ.

Ҳаммасини фаҳмлаган Таманно ҳозиргина юрагини очиб ташлаган отасининг хиналанган соқолига, у дунёга келмасдан олдин нима бўлибдири чандиқ бўлиб қолган чап кўзининг жияигига қаради. Мўйчинакдан ўрни қизариб турган юзларда, хомуш кўзларда, маъсум туришда кишининг раҳмини келтирадиган нимадир бор эди. Ундан кейин Таманнонинг ўзи ҳам аввалги, Парижда очилиб-сочилиб, муҳаббати билан яшнаб юрган қиз эмас. Илк муҳаббати хазон бўлган, аччиқ аламлари унутилган. Энди унинг кимга тегишининг фарқи йўқ. У ким бўлмасин, барибир Ренедай севолмайди, Рене бўлолмайди. Бошқа бир муҳаббатни кутиши амримаҳол, бўлмайди ҳам. Модомики, шундай экан, жилла бўлмаса, отасининг кўнглидаги иш бўлсин, отаси хурсанд бўлсин. Акасидан норозилигининг ўзи ҳам қариганда унга етади. Буники ортиқча. Гуноҳи оталигими!

Муҳаббати сўниб, ақли билан иш тутадиган бўлиб қолган Таманно, совуққина қилиб отасига ён босди:

— Сизга қарши бир нарса деяпманми, дадажон! Кафтиңгиздаги бир ҳовуч сувман, истасангиз тупроққа сочинг, истасангиз гулга қуйинг.

— Баракалло, қизим. Бошинг олтин бўлсин. Сенинг шундай дейишишнинг билардим. Ўғидан кўра қиз ота-онага меҳрибон бўлади. Меҳрибонимсан. Тобутим тепасида сочини юлиб йиглайдиганим — сен! Давлатимнинг ярми сеники. Мен сени шундай бахтли қилайки, дўст-душман кўриб, ичидан куйсин. Баракалло, қизим. — Ҳожи кўзида ёши билан қизининг икки чаккасидан ушлаб, аъло нав атир бурқиб турган бошидан ўпди. Таманно ўз хонасига чиқиб кетар экан, Ҳожи:

— Шу ерда бўл, хўпми, қизим! — деб қолди. «Хўп!» жавобини эшлитиб яна хотиржам бўлди.

Айтилган вақтга соат-минутини түғрилаб Аъзам келганда Таманно ўз хонасида хазон бўлган муҳабатига жиндай аза тутиб, тақдирга тан берган эди. Шунинг учун оқсоч хотин меҳмон келганини хабар берганда у ясаниб-тусаниб, аъло нав атирларни бурқситиб чиқиб борди.

Бу хонадонда шундай бир қиз борлигини Парижда ўз хўжайинларидан эшитган, ҳатто бу ҳақда маълум йўл-йўриқ олган Аъзам бутун билган одобу ифратини ишга солиб Таманнога пешвоз чиқди, иззат-икром билан сўрашди. У ўтиргагунча ҳурматини сақлаб тик турди. Қизнинг:

— Хуш келибсиз? — деганига бошини одатдагидан кўра қўйироқ эгиб ташаккур билди. Суҳбат турли мавзуларда чалгиб турди. Баъзан Ҳожи ниманидир баҳона қилиб, уларни ёлғиз қўйиб чиқиб кетди. Ташқарида иши бор кишидек ҳовлини айланиб келди. Хизматчига зарур бўлмаган топшириқлар берди. Ўз қўли билан Қурбоналига овқат олиб чиқди. У билан ўтган-кетганлардан эзмаланди. Унинг сўнгти вақтларда феъли айниб қолганини ишора қилиб:

— Бандасига шукроналик керак. Суюқ лойга ўхшаб бетга сачрайвериш яхши эмас. Шамни пуфласа ўчади, чўғни пуфласа ёнади. Сабр таги раҳмон, — деди. Қурбонали ҳам тўлиб турган экан, тўкиб солди:

— Сабр бундан ортиқ бўлмайди. Сабр билан ерга тушганни еб, эски кийиб, шу кунга келдим.

— Ана шу гап ҳам инсофдан эмас, — уни қайирди бой ранжиб.

— Тўгри, бой, пули борнинг иши ўнг, пули йўқнинг гапи тўнг. Бизнинг гап албатта сизга малол келади, яхмалакдаги хирпи ошиқдай сирғанмайди.

— Гап бойу камбағалликда эмас, пешанада. Ҳар ким ўз пешанасида ёзилганни кўради. Гап инсофда. Инсоф — ярим имон.

— Очифини айтайми, Ҳожи? Менинг имоним ўша бола-чақам, ўша туғилиб ўсган юртим. Дарду армоним ҳам шу, фикру имоним ҳам шу! Дармоним етса пиёда бўлса ҳам жўнаб кетардим. Бу ватангадолик жуда жонга тегди. Нима кўрдим дунёга келиб?

— Бу дунёда кўрмасангиз, у дунё бор, ношукур бўлманг. Худоё худовандо у дунёсидан маҳрум қилмасин!

Олдига ўпка ташлаб, қўли етмас тогдаги қуйруқни ваъда қилаётган хўжайинидан куфури қайнаган Қурбоналининг тепа сочи тикка бўлди. Унинг кўнглида интизорликнинг олови сўниб, кули қолган эди, баралла сочди:

— Менга минг кунлик жаннатдан бола-чақам билан ўз юртимда ўтган бир куним яхши! Жаннат ўша бола-чақам фарёд уриб қолган юрт, киндик қоним тўкилган, ота-онамнинг арвоҳи чарх уриб юрган юрт.

— Бўлмаса, кетинг! — ачитди Ҳожи.

— Йўлни билсам, кучим етса қани эди!

— Юртингиздагилар ошиб-тошиб кетмаётган-дир! Сиз кўрган у омборларда сичқон ҳасса таяниб юрганиши.

— Қора нонга қорни тўқ бўлса ҳам, ўз уйи — ўлан тўшагида. Уруг-айморининг олдида. Мен-чи? Мен нима-ю, дайди ит нима!

Бугун кайфияти яхши бўлган Ҳожи хизматкорини вазминлик билан енгмоқчи бўлди.

— Куфур гапирманг, Қурбонали, бирор эшитса уят бўлади.

— Нега уят бўлади? Ватанфурушлик уят, гарлик, ўғирлик уят. Юртини соғиниш айб бўлибди-ми? Қачондан бери? Йўқ! Кўр кўз ёши қонимни кўргунча, гаранг фарёдимни эшитгунча йиглайман. Токи бу нодон йўлга бирор кирмасин. Аҳмоқнинг зўри бир ерга икки қоқиласи, худога шукур, мен

аҳмоқ эмасман! Кўр кўзим очилди, соқов эдим тил битди.

Сайдакбар ҳожи билдики, ҳозир Қурбоналига сўз уқтириб бўлмайди, имони сачраб турибди. Ичида: «Шаҳар кўрган эчкидан қўрқ!» деганича аста чиқиб кетди. Нафратидан титраб турган Қурбонали унинг орқасидан ғарип кулбасининг эшигини зарда билан ёпган эди, «йўрга» бўлиб қолган эшик яна очилиб кетди. У аламидан Ҳожига титраб-қақшаб қаргади.

— Бу дунёга у дунё қўлим сенинг ёқангда! Мени ватангадо қилмай бекафан кет. Ўликларингни ит есин! Кўз ёшларимнинг уволи тутсин. Ўтган ҳақларимга асти розимасман!

У ҳўнграб йиғлаб юборди. Илиқ кўз ёшлари оппоқ соқолига дув тўкилди.

Унинг қарғишини эшитмаса ҳам, сухбатдан табиати хира бўлган Ҳожи кириб боргандা Таманно билан Аъзамнинг сухбати чортанг эди...

Сертақаллуп Ҳожининг сўзини «ерга ташлолмаган» Аъзам эртасига ҳам келди. Индинига ҳам... Бир ҳафта ўтгач ҳам... Бир келса, Таманнонинг ўзи ёлғиз. Худди бир маҳал Симонада кўрганидай баданга сириб тикилган шим ва кофтада. Бутун қадди-қомати: «Кўр, ҳавасинг келсин, мен шунақа чиройлиман», деб турибди. Ўзини зўрлаб, тўғриси, бошқаларнинг маслаҳати ва уқтириши билан сипо тутиб юрган енгилтабиат Аъзамнинг кўзи тиниб кетди. Оғзига ширин нарса олгандек тамшанди. Ҳаёли қочиб, салом-аликни ҳам яримта қилди.

— Кечирасиз, — деди Таманно ўзининг шу ҳолатдалигидан уялгандек, — бир ўртогим келган эди, теннис ўйнагани чиққан эдим.

Лекин у кириб кетмади, кийимини алмаштирмади. Аъзамнинг ёнида юриб сухбатлашди. Уй-жойларини кўрсатди. Унинг гапига эмас, ўзига маҳлиё бўлиб юрган Аъзамнинг хаёлидан бошлигининг

кеча берган йўл-йўриғи ўтди. «Бошланиши яхши. Энди темирни қизигида босинг. Модомики, қиз сал мойиллик билдирган экан, бутун ихтиёрини тортиб олиш керак. Ҳожининг нияти бизга маълум. Қани бўшашибманг!»

Аъзамнинг бир нарсадан сал кўнгли тўлмас эди: Таманно у кутгандай чиройли эмас! Лекин бошлигининг уқтириши, ўз жони кўзига ширин кўриниб дарров бу фикридан қайтди: чиройли қадди-қомати билан яхши кийим ҳуснининг нуқсонини ёпиб кетади!

Аъзамнинг кўзи бир маҳал айвоннинг нақшдор устунига чиройли қилиб боғлаб қўйилган бир боғ исириққа тушиб қолди. Замона услубида солинган дабдабали бинога у ярашмаётгандек кўриниб, Таманнодан сўради:

- Бу нима?
- Исириқ.
- Сиз боғлаб қўйибсизми?
- Йўқ. Дадамлар. У киши шунаقا ирим-чирими ни яхши кўрадилар.
- Сиз-чи? – тегишгандек деди Аъзам.
- Дадамнинг қизи бўлганимдан кейин мен ҳам яхши кўраман-да.
- Демак, ким сизни яхши кўрса, у ҳам буни ёқтириши керак экан-да.

- Бўлмасам-чи – жилпанглади қиз.
- Унда бугундан бошлаб мен ҳам яхши кўрдим.
- Авваллари ёмон кўрармидингиз?
- Бунисини билмадим. Яхши кўрмаган бўлсан керак. – Икки жуфт кўз бир-бирига тикилиб қолди. Ҳар бири ўзгасининг кўнглини уқиб туради...

Кечқурун Ҳожи: «Бугун Аъзам келибдими?» деб Таманнодан жўрттага сўраган эди, у қизарип кетди. Шундан билдики, у ният қилган ва йўлга солган иш пишибди. Шу кундан тўй тайёрлигини бошлаб юборди.

Лекин күнгли хижил. Бир бахтсизликни кутаёт-
ган одамдек күнглига чироқ ёқса ёнмайди.

Нега? Сабаби бор эди. Бу сабабни ҳали Ҳожи
билимасди, холос.

24

ФОЖИА

Қоплонбек ўзининг Сайдакбар ҳожи томонидан дўконида совуқ кутиб олинганини иши кўплиги ва қисталанглигига йўйиб юрган эди. Ундан кейин уйида ҳам унчалик ройиш бермаганидан ҳайрон бўлди. Яна бир учрашди. Яна ўша аҳвол. Буни бирга ишлаётган дўстларидан яширолмади. Биттаси мийигида кулиб:

- Анави инженер йигитни танийсанми? Элating, – деди.
- Аъзамми? Хўш? – бир хунук хабарни сезаётгандек энтиклиди у.
- Сенинг йўлингга тош ташлаб юрган ўша.
- Йўғ-э!
- Ана холос. Бир нияти бўлмаса, кунда Ҳожиникида без терадими?

Қоплонбекнинг устидан бир чеълак совуқ сув қўйгандек бўлди. Ҳожини бўралаб сўкиб, ўзини шундан бехабар, гўл бўлиб юрганидан ажабланди. Яна аниқлаб кетди:

- Таманнога уйланмоқчими?
- Буни энди ўзидан сўрайсан, дўстим. Бизга маслаҳат солгани йўқ.
- Бошлиганингдан кейин охиригача, айт-да, но-мард.

Қоплонбекнинг жаҳли чиққанидан бир ўртоғи кулди.

- Қизиқсан, Бек! Қизидан умидвор бўлмаса, ёш йигит у хонадонда Ҳожи билан фол очишадими?

Қоплонбекнинг ҳуши ўзига келди: рост-да, Аъзам у ерда нима қилади; Ҳожига тенг бўлмаса, Абулбарақа билан ўртоқлиги бўлмаса... Албатта Таманнинг илинжида елиб-югуради-да!

Бу фикр уни ўтмас пичоқ билан сўйгандай алам қилди. Унда рашқ олови ёнди. Фақат рашқ эмас! Ахир уни бу шаҳарга юборар эканлар, унга юклатилган вазифалардан бири Ҳожига яқинлашиш эмасмиди! У бу шаҳардаги кўп қулфларнинг калити-ку! Аъзам Таманнога уйланса, у учун бу хонадоннинг әшиги аввалгидек вақт-бевақт очилавермайди. Демак, бир томондан топшириқни бажармасдан полковник Кларкдан гап эшитса, обрўйига, қолаверса, чўнтағига путур етса, иккинчи томондан кечагина кўзига нақд бўлиб кўриниб турган давлатдан, яъни Ҳожига куёв бўлиш, шу туфайли қўлига кирадиган давлатдан маҳрум бўлади. Унинг ҳазилакам режалари бормиди! Наҳотки, ҳаммаси елга учади? Ким туфайли? Бир мишиқи, кечагина юртидан қочиб келган енгилтак туфайли! Йўқ, бунга йўл қўёлмайди! Қараб, кўриб тўриб, наҳотки шу боладан тарсаки еб қолаверса! Иштондан липа, кўйлакдан ёқа қолгунча олишади! Ё у, ё ўзигина бу тупроқда юриши керак!

Қоплонбек қанчалик қуийб-ёниб, ўз ёғига ўзи қовурилмасин, бу ердаги бошлигининг:

— Папиросни лабга қистирмасдан гутурт чақманг! — деган маслаҳатига қулоқ солишга мажбур бўлди. Бу суриштирди, улар ҳам кузатди. Қоплонбекнинг шубҳаси тўғри чиқди: иш пишиб қолган Ҳожиникида тўй тайёрлиги кетяпти. Аъзам ҳам бир сирдош ўртоғига: «Бу дайди юришлар якинда барҳам ейди. Хўроз бўлиб, тухум босамиз», дебди.

Демак, Қоплонбекнинг совуқ кутишларининг сабаби аниқ. Унинг ёнганича бор! У ўтириши лозим бўлган тўрда Аъзам ўтирибди. Унга сузилган ошни Аъзам еяпти. Унга аталган давлат, обрўй унинг қў-

лига ўтиб кетяпти. Бунга шунча вақт илҳақ бўлган Қоплонбек асти чидамайди, чидолмайди!

У режа тузди. Аъзамнинг ўзи билан гаплашиши бефойда. У ҳам оғзидаги ошини бирорга бериб бўпти! Битта йўл бор: орадан уни кўтариб ташлаш! Қандай қилиб? Энди шунинг режасини тузди. Бир-икки кун боши қотиб юрди. Ҳадди сифадиган дўст-ёрига маслаҳат солди, фикрини айтди.

— Аъзамнинг бу ерда кими бор? — деди бир ўртоғи.

— Ҳеч кими бўлмаса керак. Шу йил пайдо бўлиб қолди ўзи.

— Йўқ, аниқ билиш шарт.

— Сабаб? — ҳайрон бўлди Қоплонбек.

— «Қўшниси бақувватга тегиб бўлмайди!» деган гапни эшитганмисан. Эшитган бўлсанг, бўпти!

Қоплонбек дарров суриштириди: бирга ишлашадиган таниш-билишидан бошқа ҳеч кими йўқ.

— Мана бу бошқа гап, — деди ўша ўртоғи буни эшитиб ва Қоплонбекнинг кўнглига умид учқуни ташлади. — Энди бемалол киришсак бўлади.

Қоплонбек шу сирдош ўртоғининг маслаҳати ва бу ишдан манфаатдор полковник Кларкнинг розилиги билан бир куни икки-уч ўртоғига яхшигина, эриди. Шу уч-тўрт киши унинг бағрига кириб, Аъзам масаласи шу куни узил-кесил ҳал бўлди.

Бир ҳафтадан кейин полиция қоп-қора қонига беланган беҳуш Аъзамни шаҳар четидаги жарликдан топди...

«Лаънати, таги паст, бола-чақаси бор экан шекилли гумдон бўлди», деб номусдан ёниб юрган Ҳожи, бу ҳодисани эшитиб, ёқасини ушлади. Фириллаб у ётган касалхонага борди. Докторларга учрашди. «Умид йўқ. Яна ким билади... Ёш... Аъзойи бадани дабдала бўлиб кетган» деган жавоб олди. Ҳеч ким нима бўлганини билмайди. Ҳар ким ўзича

бичиб-түқийди, фараз қилади. Полиция искаш билан овора.

«Яхшиям шошиб фотиҳа қилиб қўймаганим. Ана унда шармандаликни кўрардим», деб ўз ақлига ҳасанот ўқиган Ҳожи, куйгани ҳам, қуймагани ҳам номаълум қизига: «Ўзини саёкроқ, бетартиб юрарди, деб эшитгандим. Қилмишидан топди шекилли!» дея кўнглини кўтарди. Таманно шундоқ ҳам ортиқча ташвишланётгани йўқ эди.

Шундай қилиб, ёпиқ қозон ёпигича қолди...

...Энди Ҳожининг умиди кечагина кўзига ўтиrsa ўпоқ, турса сўпоқ кўринган Қоплонбекдан эди.

Ҳожининг худди шу ниятини билгандай Қоплонбек ясаниб-тусаниб, оғзи тўла кулги билан ҳеч нарсадан хабари йўқ кишидек кириб келди.

— Яхши ўтирибсизларми, Ҳожи ота? — деб икки буқчайганча қўлини олиб, олтин узукли бармоқларини сиқди. Таманнога арзимас совға олиб келганини айтиб, бир зонтик узатди.

— Янги чиққан: ҳам ёмғирдан асрайди, ҳам ёмғир сувини ўзига йигади.

— Ие, қандай қилиб? — қизиқди Таманно.

Худди шундай саволни кутган Қоплонбекда жон борми! Дарров очиб кўрсатди, мақтовини қилди.

— Сув дастасида тўпланади.

— Вой, қандай яхши! Сувни нима қилинади?

— Ана холос! — деди Қоплонбек Таманнонинг жуда муҳим бир нарсадан бехабар кишидек ҳисоблаб. — Ёмғир сувининг фойдасини билмайсизми? Мўъжиза-ку. Ҳамма билади, айниқса, япон хотин-қизлари жуда қадрига етишади. Бу кашфиёт уларники.

Қоплонбек ҳайрат билан ўзига термилиб турган, кечагина шундай сұхбатидан маҳрумдек туюлган қизнинг жамолига тўймоқчи бўлгандай сўзининг якунини атайин чўзди, қизиқтириб борди. Охири:

- Ёмғир сувига ҳеч бош ювмаганмисиз? — деди.
- Йўқ.
- Аттанг. Жуда яхши бўлади.
- Сиз эркак одам буни қаёқдан биласиз? — ноз қилгандек бўлди Таманно. Худди шу йўсинда у ҳам жавоб қилди:
- Буни билиш учун хотин киши бўлиш шарт эмас!

Қоплонбек ўз антиқа совғасининг фазилатини тўла-тўқис намойиш қилиш учун қиздан душнинг қаердалигини сўради.

- Ҳаммомнинг ёнида.
- Юринг синааб кўрамиз. Қани, қанча сув йигаркин?

Зерикиб ўтирган Таманно унинг олдига тушди.

Улар душхонага кириши билан Таманно шўхлик қилиб, бирдан кранни бураб юборди. Чирсиллаб отилган сув ҳамма ёққа сочилиди. Қоплонбек ҳозиржавоблик билан зонтикни очиб, остида қулиб тураверди:

- Ана, ўзингиз ивийдиган бўлдингиз, — деди қизга тегишиб.
- Мен уйимдаман. Ивисам бошқа кийимни...
- Мен ҳам уйимдаман! — деди Қоплонбек алоҳида маъно бериб ва сув зарралари орасидан қизни кузатди: қани нима деркин? Тушунармикин?

Таманно тушунди. Сал қизарди. Бўш келмади.

- Қачондан бери?
- Сиз рози бўлгандан бери!
- Мен рози бўлибманми?
- Рози бўласиз деган умиддаман. Наҳотки менинг нима илинжида остоңангизни сийқа қилиб юборганимни билмасангиз! — у дарров душни тўхтатди. Таманнога яқинлашди. — Уволимга қоласиз, Таманнохон! Мен сизни жонимдан ҳам ортиқ яхши кўраман. Оғзингиздаги бир қултум сувман, иста-

сангиз, қулт әтиб ютиб юборасиз, истасангиз тупуриб ташлайсиз. Лекин менга жабр қилманг.

— Шунча дардингиз бор әкан, шу вақтгача қаерда әдингиз?

— Нима, кечикдимми? — жүрттага гумонсиради Қоплонбек.

— Кечикишингиз мумкин әди.

Иккиси ҳам гап нима ҳақида бораётганини тушунди. Лекин на Таманно изоҳ берди, на Қоплонбек суриштириди.

— Йүғ-ә!

— Ҳа. Аъзам бундоқ бўлиб кетмагандан...

— Унга нима қилди? Сизга уйланаётганмиди? — энди эшигаётган одамдек безовталанди.

— Эшигмадингизми? Бутун шаҳар билади-ку.

— Йўқ.

— Жардан беҳуш топиб келишибди. Докторлар умид йўқ дейди.

Ҳамма гапдан хабари бор Қоплонбек тириклигидан хавотир олмасди. Ўлмасдан қолганда ҳам, барабир Аъзам ўзини ким жарга ўласи қилиб ташлаганини билмайди. Пухта ишланган. Шундай бўлса ҳам, унга раҳми келгандек ачинди:

— Ким қилибди, ушландими?

— Йўқ. Ҳушига келиб ўзи айтиб бермаса.

«Айтиб бериб бўпти», деб кўнглидан ўтказган Қоплонбек, — бечора, яхши йигит әди, — деди ўқиниб.

— Сиз уни танирмидингиз?

— Бир жойда бир кўзим тушувди. Ўзи бизнинг томондан шекилли? — бамайлихотир деди Қоплонбек. Лекин юрагида ҳаяжон бор, уни эҳтиёт билан босиб туарди.

Қоплонбек бундоқ қараса, орага жимлик тушиб, унинг юрагидаги мудҳиш тўлқин юзига тепиши, Таманно кўнглига соя ташлаб қўйиши мумкин. Одат-

даги эпчиллигини қилиб, гапни уйғур лағмонидай эшиб кетди. Айлантириб яна зонтика олиб келди:

— Ҳа, айтгандай буни очиб құрайлик, қани қанча сув түпланганикин?

— Вой, бир талай бўларкан-ку! — деди Таманно жомдаги сувни кўриб.

— Ахир бир бош ювишга етиши керак-да! — уни қувватлади Қоплонбек.

— Во, меникидан ортиб ҳам қолади! — Таманно калта кесилган мўмдек қоп-қора сочини кўрсатди.

— Ортиб қолса, мен бор-ку.

— Сиз ҳам ювасизми?

— Ювма десангиз, ювмайман. Сиз нима десангиз — шу. Сочимни эмас, бошимнинг ҳам ихтиёри сизда. Турган-битганим сизники!

— Мунча сахийсиз!

— Бу сахийлик эмас, Таманнохон, муҳаббат, бутун вужудимни жаҳаннам ўтига солиб ётган муҳаббат. Ишонинг!

Бечора қиз ишонди.

Бунинг устига бир ҳафта кейин содир бўлған бир воқеа Қоплонбекнинг мавқеини Ҳожининг кўзи олдида жуда кўйка кўтариб юборди.

Ҳожининг анча ерга гап-сўзи ўтадиган, бообру, маслаҳатгўй қадрдон дўсти тўсатдан вафот этиб қолди. Иккисининг муносабатидан яхши хабардор Қоплонбек у одамнига Ҳожидан аввал кириб борди. Кўзida ёш билан қўл қовуштириб турди. Ҳожи кўриниши билан унга икки букчайиб салом бериб, кетидан эргашди, ўлик ётган уйга кирди. Қадрдон дўсти билан куйиб видолашаётган Ҳожининг ёнида: «Ажойиб одам эдилар. Бунақа покдомон одам, бунақа жаннати одам дунёга кам келади», деб пиқ-пиқ йиглаб туриб, бирдан ҳушидан кетди. Уни зўрға суюб қолишиди. Эшикка олиб чиқиб, яласқи олма тагидаги каравотга ётқизишиди. Югур-югур бўлиб қолди. Докторларга: «Яхшилаб қаранг. Бе-

чора жуда куйиб кетди. Мархумни астайдил яхши кўрар экан», деб тепасида турган Ҳожи, шу лаҳзадан бошлаб унга жуда меҳри ошди. Ўзининг шу вақтгача яхши одам танимаганидан ичиди ўкинди.

Қоплонбек атрофида гиргиттон бўлаётган бечора тиббий ходимлар унда ҳушдан кетгудек бир белги тополмай гаранг эди!

Чиндан ҳам улар ҳақ эди. У йўлини қилди. Қоплонбек билдики, ўлик эртага, жумага чиқарилади. Бугун тушдан кейин эса, унинг қўшни шаҳарга зарур иш билан учиб кетиши шарт. Шунча «жон куидириб» турган одамнинг жанозада кўринмай қолиши яхшимас. Айниқса, Ҳожи олдида. Айни унинг қўйнига кириб, қўнглини оладиган пайт...

Бу уйдан ўлиқдан олдин Қоплонбек чиқди: Ҳожи бошлиқ икки тиббий ходим: «Ўзига келса ҳам, жуда дармонсиз» Қоплонбекни қўлтиқлаб чиқиб, машинага ўтқазди...

Бир соатлардан кейин у бир стакан конъякни безакуска уриб, самолётга чиқди.

Шу кундан бошлаб Ҳожи икки тил билан гапирди: Аъзамни билган, унга тўй бўлишидан хабардорларга «Не чора! Кўргилик экан!» деди, бехабарларга ўша тўй тайёрлиги шу Қоплонбекка эканини айтиб, баъзи бир сабаб билан тутилиб қолганини изоҳлади.

Тўйнинг Аъзамга бўлаётганидан феъли ўзига маълум отасининг раъиига қарши боролмай гижиниб юрган Абулбарака, Қоплонбекни эшитиб жигибийрон бўлди. Энди бардош беролмади. Тўғри отасининг хонасига кириб борди.

– Ўзи нима гап? Яна тўй ҳозирлигими?

– Хўш, нима қилибди? – пинагини бузмади Ҳожи.

– Биттасининг бошини единглар. Яна биттасини...

— Нега биз еймиз? — унинг сўзини бўлди ота.

— Шу фожиага Таманно сабаб эмас деб ўйлай-
сизми?

— Албатта. Унда нима айб. Ўз қилмишига яраша
топди.

— Йўқ. Очиқ айттолмайман-ку, лекин қандайдир
боғланиш бўлиши керак. Бунинг тўй арафасида бў-
лиши бежиз эмас.

Ҳожининг хаёли Абулбарака йўллаган томон-
га сал чайқалди-ю, оқмади. Унинг кўзига қизининг
тақдири қўринди.

— Аъзамга раҳминг келяптими? — деди ўғлига
қочириқ қилиб.

— Нимасига раҳмим келади! У ватанфурӯш билан
ҳамтоворқидим! Дунёда битта ифлюс камай-
са камайипти-да! Мана бу кейингисидан жоним
чиқяпти. Бир ватанфурӯш, тузлук булгарнинг изи
йўқолмасдан иккинчисини уйнинг тўрига чиқа-
ряпсиз. Наҳотки Таманнога тузук бир одам топил-
маса!

— Нима, ўша француз яхшимиди? — жеркиди
Ҳожи.

— Албатта. Бу муттаҳам ялоқилардан унинг
ўлса ўлиги ортиқ! Бошини силаган, ювиб-тара-
ган элу юртини билмаган ватанфурӯш вафоли эр,
мехрибон куёв бўлармиди. Ҳеч ҳам! Ошингизни еб,
товоғингизни бошингизга уриб синдириб кетмаса
дайман.

— Шунча ақлинг билан ўзингнинг қилиб юрган
ишингни биламан, ўғлим. Баланддан келаверма.
Бир хотинни эплаб, йўлга солиб ололмадинг.

— Меники бошқа гап. Севмаганин зўрлаб ушлаб
туролмайман.

— Иккита болалик бўлганда-я!

— Ҳа.

Ҳожининг нафаси ичига тушиб кетди.

Абулбарака бир маҳал отаси араб, онаси француз бир қизга уйланган эди. Мұхаббат билан бошланғандек бүлгап турмуш бўзчининг ишидай таранг тортилиб-тортилиб охири узилиб кетди. Иккита болалик бўлганда хотин уни севолмаслигини айтди, онасининг олдига, Парижга жўнаб кетди. Абулбарака зўрлаб унинг йўлини тўсиб, қўлини тутмади. Аэропортга олиб чиқиб кузатиб қўйди. Мана шунга ҳам анча йил бўлди. На у билан ярашади, на бошқага уйланади. Унинг дарди ичида эди: у, ўша хотинни ҳамон севарди!

— Хўш, энди нима демоқчисан менга? — Ҳожи бу гапни «ўзингга эн бўлмаган, бирорга бўй бўласанми» деган бир тарзда айтди. У кафтини кафтига ишқалар экан, сўл қўли бармогидаги олтин узути йилтиллаб кетди. Бу узукнинг кўзи ўрнига чиройли қилиб «Ростин рустий»⁴ деб ёзиб қўйилган эди. Ҳожи бу хатни энди кўраётгандек боқиб қолди. Абулбарака писанд қилмасди. Ниятини очиб солди:

— Хоҳ хафа бўлинг, дада, хоҳ хафа бўлманг, шу қилаётган ишингиз яхшимас. Қоплонбек Таманнинг тенги әмас. Қон қакшатиб кетади. Қўйинг, ихтиёрини ўзига беринг.

— Ҳалиям мен зўрлаётганим йўқ. Ўзи рози.

— Ўзи билан гаплашдим.

— Хўш нима дейди?

— Боши қотиб қолган. Сизни ранжитишдан қўрқади.

— Сенга шунаقا деган. Қиз бола нарса қанака қилиб «фалончига тегяпман» дейди.

— Дада, Таманнони энди кўраётганим йўқ-ку!

— Минг қилса ҳам ўтгайлигингга боряпсан, болам. Унга жонинг меникидай ачимайди.

— Ҳали шундайми! Мен унинг ўтай акаси эканимни энди билдим, дада! Раҳмат! Билганингиз-

⁴ «Ростин рустий» – «куч ҳақиқатда» демак.

ни қилинг! Мен ҳаммасини айтиб, бошимдан сокит қилдим.

Абулбарака кўзида ёш қалқиганича чиқиб кетди.

Бир ойчалардан кейин Қоплонбек билан Таманнонинг тўйи бўлди. Лекин «бир иш» билан қўшни шаҳарга зуд кетган Абулбарака тўйга «етиб келолмади».

Никоҳнинг эртасига ёқ «Қоплон! Қоплон!» деб итини чақираётган Қурбоналини кўриб, Ҳожининг капалаги учиб кетди: куёви эшитиб қолса нима бўлади! «Менинг қадрим шуми ҳали!» – демайдими! «Энди, худога шукур, бундан ҳам қутулдим», деб турганда қизидан балога қолмайдими?

Чопқи қаламтараши билан ниманидир кесиб турган чолни кескин бир ҳаракат билан олдига чақирди:

– Итга бошқа ном қўйинг! – деди амиrona. Ҳожининг нимага ишора қилаётганини дарров фахмлаган зийрак Қурбонали:

- У киши «бек»-ку, – деди осойишта.
- Гапни чўзманг. Айтганимни қилинг.

Қурбонали Ҳожининг сўзини ерда қолдирмади. Бошқа ном қўйди, лекин ит чақирса қарамади. «Қоплон!» десагина кесик думини ликиллатиб югуриб келади.

Куёвнинг эса, чол атайин унга ўчакишиб итига «Қоплон» номини бергандай Қурбоналини кўргани кўзи йўқ. Чол итини ҳар чақирганда бир ижирғаниб, тишини фижирлатади. Йўқотиш йўлини билмайди, кеча ичкуёв бўлиб келиб, бугун уйнинг каттаси Ҳожини менсимагандай фармойиш бергани ботинмайди. Итнинг тарихидан хабардор. Кейин Қурбоналининг тили ҳам бир ханжарнинг дамича бор: бирига икки қўндириши мумкин. Шундай бўлса ҳам: «Ит жуда хунук бўлиб кетибди!» – деб тил

тегизди. Лекин бунга, нима учундир, ортиқча парво құлувчи бўлмади.

Йўқ, ахир бир куни у ниятига етди. Нима бўлди-ю, Қоплон уни танимай вовиллаб қолди. Ҳазондай қовжираб, бир дона гугуртга муҳтож бўлиб юрган Қоплонбекка жуда-жуда малол келди. Уни тўё бу уйда бегона кўриб «сен нима қилиб юрибсан!» дегандай туюлди. Гарчанд, ит кейин таниб, оёғи остига кесик думини ликиллатиб келган бўлса ҳам Қоплонбек кечирмади, жон-жаҳди билан тарсиллатиб тепиб юборди. Кутилмаган бу бешафқатликдан икки думалаб кетган қари ит ангиллаганича эгасининг кулбасига қараб қочди. Эшикдан югуриб чиққан Қурбонали кўринди. Воқеага тушунди. Сўкиниб турган Қоплонбекка бир хўмрайиб қўйди, оёғи остида паноҳ қидириб турган итнинг бошини силади.

— Сен тилсиз махлуқقا ким озор берди? Бўлди!
Бўлди! — у боладек уни овутарди.

Узоқдан Қоплонбекнинг товуши келди:

— Йўқотинг итни дедим-ку! Неча марта айтиш керак!

— Куёв бола, менга ўшқирманг. Мен отангиз тенги одамман. Итни сиз эмас, мен боқаман. Бу менинг юртимни кўрган дардкашим. Мен бор, бу шу ерда юради.

— Ҳали шунақами!

Қоплонбек юрганича уйга кириб кетди. Ов милтиқ билан чиқиб, итга ташланди. Қуролни кўрган «Қоплон» кесик думини қисиб эгасининг орқасига ўтди.

— Қочинг! — деди у бақириб Қурбоналига.

— Йўқ, қизишманг, куёв! Бу уйга «Қоплон» сиздан олдин келган. Хизмати синган. Уят бўлади.

— Итни тўсиб тураверди чол.

— Қочинг деяпман! — яна ўдагайлари Қоплонбек милтиқни ўқталиб.

— Отавер! Бир йўлени иккимиздан қутулласан!
— деди жаҳли чиққан чол сенсираб. Жойидан қимирламади. Бу куёвга жуда алам қилди. Шиддат билан чопиб бориб, Қурбоналини итариб ташлади, қочған итнинг кетидан варанглатиб ўқ узди. Умба-лоқ ошиб кетган бечора ит бир ерда бир неча лаҳза ангиллаб чир айланиб, кейин гурс этиб йиқилди.

— Ҳа, бераҳм, итни единг! — деганича Қурбонали унга югурди. У етиб боргунча «Қоплон» ўлиб бўлган, фақат оёқларигина титраб турарди. Унинг оламдан ўтганига ачинган чол, куёвга заҳрини сочди:

— Мана энди кенг қўрада ёлғиз ўзинг яшайверасан! Қутулдинг!

Қоплонбек ўзини эшитмаганга солиб, уйга кириб кетди. Чол орқасидан қарғаб қолди:

— Илоҳим шу итдан баттар бўлиб ўл! Ниятинга етма!

Чолнинг кўзидан тирқираб ёш оқарди.

Итни кулбасининг орқасига ерни чуқур ўйиб кўмгандан кейин Қурбонали унинг азасини тутгандек ҳеч ким билан гаплашмай юрди. Чиқарилган овқатга қайрилиб қарамади. Ўтдаги чўпни бўтга олиб қўймади. Унинг феълини билган Ҳожи куёвига бир нарса деёлмаса ҳам, у қўрқадиган мушукларни қўрага йўлатмай юрганини эслаб, қизига: «Итни отиб яхши қилмабди!» деди. Буни эшитган Абулбарака сасиди:

— Тўғри қилган куёвингиз: бир қўрага икки қоплоннинг нима кераги бор?

Бу гап куни билан Ҳожининг еганини ичига туширмай юрди. Пешин намозида икки марта адасиб кетди. Ҳалитдан шунаقا бўлса, сал кунда ўғли билан куёви юз кўрмасга айланади. Ўйлаб-ўйлаб ўғли билан гаплашиб, унга насиҳат қилмоқчи бўлди. Шомдан кейин қўлига қаҳрабо тасбеҳини ол-

ди-да, «менга чойни Абулбараканинг олдига кири-
тинглар» деганича ўғлининг хонасига йўл тутди.

Абулбарака мук тушиб, китоб мутолаа қиласади.
Стол устидаги қофоз, газета-журналлар айқаш-уй-
қаш. Фақат жавондаги китоблардагина тартиб бор.
Абулбарака отасини кўриб, ўрнидан турди. Салом
бериб, жой кўрсатди:

— Келинг, дада!

— Келдим, ўғлим. — Ҳожи юмшоқ духоба стулга
огир чўкди. Каҳрабо тасбеҳни кафтида ушлаб ту-
риб, фотиҳага қўл очди: — Тинчлик-хотиржамлик
бўлсин, оқибат кўтарилилмасин!

Ҳожи гапирадиган гапларини қироат килиб
кирган бўлса ҳам яна бир кўнглидан ўтказиб олди.
Узоқдан гап етаклади:

— Ишларинг яхшими? Анчадан бери бундоқ ёзи-
либ гаплашолмаймиз. Сенга ҳам қийин. Ёлгизсан.

— Раҳмат, дада! Қўп қатори кесак тегиб, кўча
чангитиб юрибмиз. — Абулбарака отасининг ўта
сило ҳаракатига ҳазил туси бермоқчи бўлди. Чол
ҳам маъқуллаб қўя қолди:

— Яхши, болам, яхши! Кўпнинг назаридан қол-
ма! Мана, сенинг ҳам, менинг ҳам юким анча енгил
тортди. Фарзандинг улғайгандада биласан, ўғлим, қиз
масаласи жуда оғир. Шукур, синглингни омон-эсон
эгасига топшириб олдик. Қўша қарисин, ували-жу-
вали бўлсин.

«Шу олғир билан синглим ҳеч маҳал ували-жу-
вали бўлиб кетмас. Қўзим етмайди. Турқи бузуқ»,
деган фикр Абулбараканинг хаёлидан ўтди. Лекин
отасининг кайфиятини бузгиси келмади. Ундан
кейин ҳали отасининг айтадиган гапи қўплигини,
бу ҳали муқаддимаси эканини кўзидан уқиб ту-
парди. Қўйиб берди. Шу орада оқсоқ хотин нақши-
ли кумуш баркашчада чой олиб кирди. Пиёланинг
биттаси четларига шеър ёзилган отасиники эди.
Отасининг: «Туғилиб ўсган юртимдан ёдгор», деб

эъзозлаб юрадиган бу пиёлани авайлаб чайқаган Абулбарака, ҳурмат билан унга чой қўйиб, отасига узатди. Чойдан бир ҳўплаб, Ҳожи гап бошлади. Энди унинг юзида рўшнолик бор эди.

— Бир бообрўй одам зиёфатда ўтирса, юпунгина кийинган бир киши эшикдан кириб қолибди. Ҳалиги бообрўй мулла одам ўрнидан иргиб туриб, унга ўзидан юқоридан жой кўрсатибди. То у ўтирмагунча қўлини қовуштириб турибди. Ҳамма ҳайронмиш. Зиёфат тугаб, тарқалиш олдида сомеълардан бири қизиқиб қолиб:

«У ким эди, тақсир, жуда иззат-ҳурматини ба-ланд тутдингиз, авлиёми?» — деса:

«Авлиё қаёқда! Қизим тушган маҳалланинг қо-ровули!» — деб кулган экан.

Абулбарака отасининг ҳикояси нимага имо-ишора эканини фаҳмлаб, одоб юзасидан бошини қўйи туширди. Буни тушунган Ҳожи тўзиб ўтирмасдан, якунини қилди:

— Шунақа, ўғлим, куёвларни пайғамбарлар сийлаган.

Отасининг гапига умуман қарши бўлмаса ҳам, Абулбарака юрагидагини ҳазил аралаш айтишни лозим топди:

— Яхши куёвлар ҳақидадир-да афсона, дада!

— Оҳ, ўғлим, ёшсан, тилинг тез, ўнг-терсига қа-рамай гапираверасан. Беш бармоқ бир кунда туғилган билан баробарми? Калтасан, деб чинчилоқни кесиб ташлаш керакми? — Ҳожи очигига кўча бошлади: — Куёв сенга нима ёмонлик қилдики, кўргани кўзинг йўқ. Эрталабки гапингни эшитса нима бўла-ди? Оғирлиги синглингнинг елкасига тушади. Синглинг қон йигласа яхшими? Жилла бўлмаса, унга раҳминг келсин. Шу битта итни деб...

— Гап итдамас, — гапни бўлишга мажбур бўлди ўғил.

— Ҳа, бўлмаса, нимада? Отамнинг давлатини эгаллаб кетади, деб қўрқяпсанми? Хотиржам бўл, мен ҳали эсимни еб, алжиб қолганим йўқ.

Давлат масаласи хаёлига келмаган ўғил кулиб юборди.

— Сен кулма, — деди ота уни қайириб. — Бўлмаса нима қасдинг бор? Айт! Эшитай, билай!

— Айтганман! — деди Абулбарака тўй олдидаги сухбатларига ишора қилиб.

— Биласанми, ўғлим, бу тақдирнинг иши. Тақдир илоҳга нима деб бўлади: бирор ватанидан кетади, бирор қочади, бошқа бири ёмонлаб юради, бири йиглаб ўтади.

— Бири ватанфуруушлик қилади, шундайми? — норозилик билдириди ўғил.

— Нега ватанфурууш бўлади? Пешанаси экан, тириклилигини қилиб шу ёқда юрибди. Мана уй-жойлик бўлди. Ҳали мени ҳам...

— Сизнинг йўлингиз бошқа, — гапиртирмади ўғил.

— Қўй, ўғлим, бунақа терс гапларингни ташла. Аввал бегона эди, энди қариндош. Бирор эшитса, кулади. Фойдали ишни қил. Ўзингни ўйла. Умринг куйиб кетяпти.

Ҳожи шундай гаплар билан пиёлани столга қўяётуб бу атрофникига ўхшамаган конвертта кўзи тушиб қолди:

— Қаерники? Кимдан?

— Сиз танимасангиз керак. Зилол деган одамдан. Йўқ, танийсиз, ўғли бизнинг касалхонада ётган. Икки кўзи кўр.

— Ҳа, ҳа, бир гапирудинг.

— Ўшандан.

— У қаёқда?

— Ўғлининг кўзи бу ерда бўлмаганидан Иттифоққа юборган эдик.

— Хўш-хўш! Шифо топибдими?

- Ҳозирча хурсанд. Операциядан чиқибди.
- Ё тавба! Москвадами?
- Йўқ. Тошкентда.

— Тошкентда шунақа зўр доктор борми? — Ҳожи ҳайратдан ёқасини ушлаб туради. Унинг кўз олдига тор-тор кўчалар, лолақизғалдоқ очилган томлар, рўдапо чопонда юрган кишилар келди. Қўқон араванинг чийиллаб тепаликка кўтарилиши, отнинг кишинаши эшитилди. Нима учундир, шулар орасида алдаб ташлаб келган хотини билан қизлари ҳам кўриниб кетди. Лекин вақт ўтиб, меҳри совиб кетганиданми уларнинг тақдири нима бўлганини хаёлида суриштириб ҳам ўтирмади: лип этди, ўтди-кетди.

— Бор әканки, мана хурсанд бўлиб ёзяпти, — деди Абулбарака. У отасига узоқ изоҳ бериб ўтиришни лозим топмади, барибир ишонмайди, ишонганида ҳам тан олмайди.

Эшикда оқсоч хотин кўринди.

— Чой янгилақ берайми? — деди у ва чиқиб кета туриб, Абулбаракага уни Қурбонали йўқлатганини айтди.

— Нима гап? Тинчликми? — Ҳожи оқсоч хотиндан эмас, ўғлидан сўради. У Қурбоналининг касал ётганини биларди.

— Касал-ку, — деган ўғил: «Бошқа гапимиз бўлмаса, мен хабар олай, ғарифнинг аҳволи нима кечяпти?» дегандек бир маънода ўрнидан қўзғалди. Унга эргашиб, ўрнидан турган Ҳожи ўғлининг бу ишини маъқуллаб қўйди.

— Савоб бўлади. Тузатиб қара.

Қурбоналининг касалига сабаб итининг ўлими бўлгандек Абулбарака елкасига пиджагини ташлай туриб, тўнғиллади:

— Шу ити юраверганда бировга зарари тегаётганмиди?

Ҳожи еб тұрган данак мағзи орасидан тахири чиқиб қолгандек «Яна шу ғапми?» деб юзини буруштируди.

Чиндан ҳам Құрбонали-ұша итини күмган кунидан бери үзига келмайды. Бир-икки кун силласи қуриб юрди. Кейин құрпа-ёстиқ қилиб олди. Мана, бир неча кунки, остана босиб ҳовли юзини құргани йўқ. Боя ишдан қайтганда Абулбарака бир кириб чиқкан эди. Яна бир нарса бўлди шекилли-да!

Абулбарака кириб борганды Құрбонали шифтга боқиб ётарди. Олдида кўзи ўшли араб хизматкор. Унинг кирганини пайқаб қимирламоқчи бўлди, қурби етмади. Абулбарака:

— Ётаверинг! Ётаверинг! — деб пешанасига қўлини қўйди. У жizzә кабоб бўлиб ёнарди, кейин томирини ўлчади. У ўзгариб қолган эди. Бор дори-дармонни қилиб касалхонасига олиб кетмоқчи бўлди. Лекин чол унамади:

— Фойдаси йўқ, Абулбаракажон. Менинг ишим битди. Үша васиятимни яна эсингга солиб қўяй деб чақиртидим.

— Эсимда бор. Унақа деманг, ҳали узоқ яшайсиз.

— Ҳа, болам, мен энди яшадим нима-ю, яшамадим нима: бола-чақам бор эдимки, орзу ҳавасини қўраманми? Дунёнинг қанча жабри-ситами бўлса, тортдим. Қўй энди мени, үша муздай маконимга бориб тинчгина ётай. Айтгин-айтгин, узоқ ётиб қолиб, сизларга оғирлигим тушмасин.

У ўзи ният қијлганидек узоқ ётмади. Эртасига тушдан кейин айнаб, хотинини, ўглини чақирди, улар билан «ғаплашди», йиғлади. Кимнидир қарғади, узоқ-узоқ хўрсинди. Гоҳ одам таниб, гоҳ танимай ётганинг устига Ҳожи билан Қоплонбек кириб келди. Ҳожи рози-ризолик сўраб, ғап бошлиши билан уни таниб, юзини тескари ўгириб олди. Шу юзини ўгирганича оламдан ўтди.

Бир ойчадан кейин кўзи очилган ўғлини диинглатиб олдига солиб, Қурбоналининг она юртидан қайтган Зилолга тенг келадиган бахтли одам ер юзида йўқ эди!

У: «Яхши бориб келдингми?» деган одамга достонини бошидан бошларди. Тошкентни, доктор, докторхонани таърифлаб адо қилолмасди.

— Туғишганинг бунақа меҳрибон бўлмайди! Ё, тавба, шунақаям аҳил эл-юрт бўладими дунёда! Ана ҳаёту мана ҳаёт!

У жўнаши олдида бир хонага ижарага ўтирган Аъзамдан анча ғалати гаплар эшитган, юраги бир оз ғаш бўлиб кетган эди. Энди бу гапларнинг фирт ёлғонлигига амин. У қайтибдики, икки кўзи эшикда. Аъзамни кутади...

У ҳадеганда келавермади. Тоқати тоқ бўлди. Аъзам ўтирган хонанинг эшигини очиб кириб, бутун лаш-лушини ҳовлининг ўртасига чиқариб қўйди. Ўша ҳодисадан кейин бир кўзи кўр, иккинчи-си хира, ўзи чўлоқ бўлиб, ҳассага суюниб қолган Аъзам эшикдан кириб келиши билан саломига ҳам алик олмасдан:

— Қани, кўтар дўкон-дастгоҳингни! Шундай юртнинг қадрига етмаган сендек кўрнамакка уйимда ижара қўядиган жой йўқ. Йўқол! — деди.

Ўша «фалокат»дан кейин Аъзамнинг ишга яроқсиз бўлиб қолганини билган хўжайинлари аллақачон унинг думини туккан, унинг «обрўйи» қамишнинг тўзғоғидек тўзиб кетган, чўнтагини ис босганига анча бўлиб қолган эди.

У ёлворишга тушди:

— Тўхтанг, бошқа бир жой топай!

Зилол унинг гапига қулоқ солмади, сабри чидамади. Ҳовли ўртасидаги лаш-лушини кўчага чиқариб ташлаб, ўзини қўтириб итдек хор қилиб қувди.

Орқасидан кўча эшикни тарсиллатиб ёпди. Жаҳлига чидолмай қўйул гудирлади.

Аъзам бир кўзини шиграйтирганича бақрайиб кўчада қолди.

Беватан, беиш, бошпанасиз қолган Аъзам учтўрт кун кўчада бош ургани жой тополмай, эгасини йўқотган итдай ҳар ўтганга бир кўз тутиб, дайдиб юргач, шаҳар четидаги кўримсизгина бир масжид қоровулининг мол боғласа турмас ҳужрасига бориб тиқилди...

У энди шу масжидни супуриб-сидириб, қўни-қўшнидан чиққан бир коса, ярим коса оби-равонни тамадди қилиб юрибди.

25

ОТАСИДАН УЗОҚЛАШГАН ЎГИЛ

Қоплонбек куч билан уддалолмаса, ҳийла билан енгадиганлардан эди.

У Таманнога уйланиб ният нарвонининг почалариға оёқ қўя бошлаган эди. Бундоқ қараса, олдида катта тўсиқ кўндаланг ётиби. Бу Абулбарака эди. Унинг тўйида бўлмаслигига олдин унча аҳамият бермай: «Отаси билан ундайроқ Шунинг учун келмагандир», деб юрди. Бундан, ҳатто, мамнун ҳам эди. Чунки Ҳожи қанча Абулбаракадан узоклашса, бунга шунча яқинлашади. Бу унинг асл нияти. Лекин кейин билиб қолдики, Абулбараканинг уни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ. Кучук воқеаси ва Қурбоналининг вафотидан кейин тўнини жуда ҳам тескари кийиб олди. Абулбараканинг: «Бир қўрага икки қоплоннинг нима кераги бор», деганини у эшитган, чолнинг ўлимини ундан кўриб юрганини сезган эди. Демак, Абулбарака бор экан, бу уйда унинг кўчати кўкариб, илдиз отмайди. Тўйга ҳам атайин келмаган!

Қоплонбек аввал Абулбараканинг отаси билан чиқишилмаслигидан фойдаланиб, Ҳожининг бағрига кириб, бора-бора бу хонадоннинг тўла ҳуқуқли хўжайинига айланмоқчи бўлган бўлса, энди уни йўқотиб, йўлини очиб олмоқчи.

Узоқ кузатди. Қўлга илингудек бир нарса кўзга тушмади. Тўгри, Зейтунийга ўхшаган, Америка разведкаси қизиққан кишилар келиб-кетиб туради. Унинг хонасида ўтиришади. Лекин у ёқقا бу киромлайди. Бу ҳаммаси, албатта Абулбарака туфайли. Шундай бўлса ҳам Қоплонбекнинг қулоги доим динг, кўзи саккизта. Абулбарака ҳақида нимани пайқаса ёки ёшитса қофозга олади, таҳлил қиласи, ўз тахминлари билан кенгайтириб, хулоса чиқарди ва хўжайинига икки қўллаб тутади. Унинг дастидан Абулбараканинг олдига келиб-кетиб турган кишилар ҳам қолмайди. Битта соддарогини кўз остига олиб, у билан иноқлашиб, булар орасига кирмоқчи бўлди. Гапга солган эди: «Бир хонадондан битта дўстнинг ўзи кифоя», деб Абулбаракага ишора қилганича, чап бериб кетди. Бошқа бир куни йўлини пойлаб қаршисига чиққан эди: «Менинг йўлим сизники билан тескари бўлса керак», деб икки маъноли сўз қилди-да, ёнидан ўтиб кетди. Шундан Қоплонбек билдики, бу доирата унинг кириб бориши амримаҳол. Демак, улар ҳид олган. Ҳид олмагандан ҳам бегона кишига муҳтоҷлиги йўқ. Энди унга бошқа йўл билан иш кўриш қолди. «Бу бошқа йўл» эса, Қоплонбекнинг хўжайнинларини қаноатлантирумаяпти. Кечаги бир учрашувда бу шаҳарда катта коммерсант никобида юрадиган бир бошлиғи (Қоплонбек гўё унинг савдо агенти): «Бек, ўзингиздан тинчид қолдингиз. Кўзингизни ёғ босиб, қулогингиз том битганми?» деб ачитиб қўйди. Демак, улар Қоплонбекнинг ишидан норози. Қоплонбек уларнинг кўнглини овламаса иложи йўқ. Оёқ-қўлидан киши билмас тизимча билан қаттиқ боғлиқ. Бу тизимча-

ни у ҳеч қачон узиб ташлолмайди, узиб ташлашга қурби ҳам етмайди. Лекин Қоплонбек уларнинг ҳеч қачон миннатдор бўлмаслигини ҳам яхши билади. Шундай бўлса ҳам ҳадеб дакки эшишавериш яхши эмас, бу хонадондан унинг оёғини узиб қўйишлари мумкин. Уларнинг қўлидан нималар келмайди: истаса, тошни толқон қилиб ютқизиб, харсанг қилиб чиқариб олишади.

Буларнинг барчасини ўйлаб, иссиқ жойини со-вутгиси келмаган ва келажакдан катта умидла-ри бўлган Қоплонбек ишга қаттиқ киришди. Бир куни бундоқ қараса, уйда битта оқсоч хотин ивир-сиб юрибди. Уни авраб, иш билан кўчага чиқариб юборди. Ўзини Абулбараканинг хонасига урди. Қоғоз титди, суратга олди. Қўлига мўмай бар нарса тушмаган бўлса ҳам, хонадан мамнун чиқиб келар экан, йўлак бошида турган Қурбоналини кўрди (у маҳалда Қурбонали ҳаёт эди). Гарчанд, Қурбона-ли бир нима демаган бўлса ҳам Қоплонбекнинг ичи зир кетди. Қурбоналини эсдан чиқариб, хатога йўл қўйганидан ўзини роса койиди. Бир-икки кун чўғ босиб олгандек типирчилаб юрди. Абулбарака бир нарса дермикан, деб жавобини тайёрлаб, оғзини пойлади. Лекин Абулбаракадан садо чиқмади. Кўнгли жойига тушди, тўйиб нафас олди.

Лекин Қурбонали ўша куниёқ Абулбаракани бир четга имлаб, воқеадан хабардор қилган, «Куёвнинг оёқ олиши чакки!» деб таъкидлаган эди. Абулбарака эса, бу воқеа туфайли яна отаси билан тўқнашиб қолишдан чўчиб, ичига ютди. Аммо куёвнинг бирор ёвуз ният билан юрганига ишонқирамади. Ҳар эҳтимолга қарши ишини эҳтиёт тутди.

Бу ҳолдан Қоплонбекнинг ўз тўни ўзига тор ке-либ, диққинафас бўлиб юрар экан, шаҳарда бир-ик-ки завод ишчиларининг намойиши бўлди. Намойиш иш ҳақини ошириш, ишсизликни йўқотиш ҳақида бошланиб, милллий мустақиллик талаб этиш, фран-

цуз маъмуриятидан норозиликка айланиб кетди. Орага полиция тушди, резина калтак бир-икки одамнинг бошини гурра қилди, елкасини кўкартириди. Ишчилар ҳам қараб турмай қўлига тушган тоши, кесакми полициячиларга улоқтириб қолди. Бир полициячининг юзи ёрилиб, бирининг кўзи чиқди. Тўқнашув жиддийлашиб, полиция машинаси пайдо бўлди, дуч келган одамни ушлаб унга босдилар.

Намойиш тарқалиб, ушланганлар тергов қилинди-ю, лекин унинг ташкилотчиларини топиш мумкин бўлмади. Ё машинага босилганларнинг ичида чиндан ҳам ташкилотчи раҳбарлари йўқ эди, ёки иқрор бўлмади. Шундай бўлса ҳам уларни қўйиб юбормай, ушлаб турдилар. Атрофни исказ, тўрт кўз бўлиб қузатдилар. Ана шу пайтда Қоплонбек намойишчилардан икки киши Абулбараканинг касалхонасида яшириниб ётганини эшишиб қолди. Ана шулар раҳбари бўлса керак, акс ҳолда нега яширинади? Демак, Абулбараканинг ҳам қўли бор. Оқсоқ хўрзга йўлиқкан тулкидек кўзи ёниб кетган Қоплонбек дарров эвини қилди: тўғри полицияга бориб айтишга юраги бетламай, юраги бетлаганда ҳам маслаҳат бериб турадиган хўжайинларининг рози бўлмаслигига кўзи етиб бир имзосиз хат ёзиб полицияга ташлади. Хати тезда етиб бормадими, ёки йўлда йўқолдими, ё унча аҳамият беришмадими тадбирини кўрмади. Қоплонбекнинг режасича, касалхонада тинтуб бўлиши, Абулбарака жавобгарликка тортилиши керак эди. Йўқ, уч-тўрт кун ўтди ҳам ҳеч нарса бўлмади. Аксинча, Абулбарака кеча кечаси иккита ўртоги билан келиб ўз хонасида алламаҳалгача ниманидир маслаҳатини қилди. Лекин илгаригидан хомушроқ Қоплонбекка унинг хомушлиги эмас, қон йифлагани керак. У ярасини ногоҳ уриб олган одамдек, ўтиргани жой тополмай қолди. Шалвирлаган полицияни дўндириб сўкди. Яна хат ташласа, вақт ўтади. Ўйлаб йўлини топди:

күчага чиқиб холи бир автоматдан телефон қилди. Хатдагидан ҳам ошириб тушунтирди. Полиция ўзининг кимлигини суриштирди шекилли, у: «Йўқ, афсус, кўриниш беролмайман. Факт аниқ!» деганича трубкани илди.

Бу телефони беиз қолмади.

Шу куниёқ касалхонани полиция босди. Лекин мўлжалдаги одамларнинг касаллик тарихи бору ўзи йўқ эди: кеча чиқиб кетибди. Полиция, албатта, бу фактга бефарқ қаролмади. Абулбаракани олиб кетишиди. «Сизда жиндай гапимиз бор», деган полиция расмият учун бирпас гаплашиб, камерага киритиб юборди. Ҳаммасига фаҳми етиб турса ҳам, сиртидан сирини бермаган Абулбарака:

— Хўш, нима гап ўзи? — деган эди:

— Сабр қилинг, тушуниб қоласиз, — деб камеранинг эшигини ёпиб, устидан қулфладилар. У ёлғиз қолди.

Абулбарака ўз хатти-ҳаракатининг нозиклигини билган, бу йўлга виждони амри билан кирган, бу йўлнинг шонли ва қалтислигига кўзи етган, бир куни қамалиши мумкинлигини тушуниб юрган бўлса-да, бугун, худди шу дақиқада қўлга тушишини кутмаган эди. Шунинг учун бир оз энтикан бўлди. Камеранинг паст ҳавоси, мудҳиш, қора кўриниши, ис босган панжарали туйнукдан тушиб турган, чанг бурқсаганга ўхшаган саргимтири шуъла юрагини сиқди. Занг босган темир каравот олдиаги табуреткани олиб, ёруғлик тушиб турган томонга қўйиб ўтиromoқчи бўлган эди, жойидан қўзғамади. Эгилиб қараса, у цемент полга михлаб ташланган экан! «Нима учун!» бирдан бошида сўроқ туғилди. Кунга тескари томонга — табуреткага ўтиргиси келмай, туйнукнинг қаршисида тик туриб, қўлинни орқасига қилганича деворга суюнди: бир неча соат ичидәёқ нур тушиб турган ташқари кўзига жуда яхши кўриниб, ўша ерларда эркин юриш иштиёқи-

да юраги гурс-гурс урди. Шу эркин юриш ниятида энди нималар қилиш кераклигини бир-бир ўйлади, бериладиган сўроққа жавобларини ҳозирлади. Бунинг учун дўстлари билан биргаликда босиб ўтган йўлини хаёлидан элаб чиқди. Йўқ унинг ўкинадиган ери йўқ. Ҳалол яшабди, ҳалол курашибди. Лекин кураш энди қизиб келаётган пайтда бу ерга тушиб қолиши, албатта, яхши бўлмади. Орада айғоқчи бор экан. Бироқ, ўша айғоқчи киму қанчалик хабардор! Шу уни қизиқтиради.

Полиция қўлида қанчалик ҳужжат борлигидан қатъий назар, у қаттиқ туришга қарор қилди. Шу қарор унга куч, голиб чиқишига ишонч туғдирди.

Икки кун ўтгач терговга чақирдилар.

«Улар ҳозирлигини кўриб бўлибди, мен ҳам тайёрман!» деган Абулбарака қўлини орқасига қилиб, у еб бу қуруқ қолгандай хўмрайиб турган полициячининг олдига тушди.

* * *

Ўғлининг қамалишини кутмаган Сайдакбар ҳожи гангид қолди. Ўша куни кечаси мижжа қоқмади, ҳовлида юриб чиқди. Таманно икки марта чиқиб: «Ухланг, дада, ҳеч нарса қилмайди. Эртага чиқиб қолади», деб олиб кириб кетди. Барibir Ҳожи ухламади, ёстиққа бош қўйди, мудҳиш хаёллар босиб келарди. Тушми, ўнглигини ажратолмай мияси қотиб, ўрнидан туриб ўтирди. Француз полициясининг хулқи-авторини яхши билганидан баттар ваҳима босарди. Ўғлини вақтида бу ножўя йўлдан қайириб олмаганидан ўкинди. Парижга ўқишига юбориб нима қиласр экан? Ўша ердан бузилиб келди. Қачон кўрсанг, қўлида «Юманите». Касби билан ўралашиб кетармикин, деб касалхона ҳам очиб берди. Йўқ, бўлмади. Қайтанга мана шу касалхона панд бериб турибди.

Хожи эрталаб боши ғовлаб, кеча ичиб келиб ҳамон ёстиқ билан сұхбатлашиб ётган күёвини күрмөңчи бўлди. Қизидан суриштириди. Таманно уялинқираб, ҳали ётганини айтди.

— Уйготайми?

— «Шу вақтгача ётадими, гафлат босиб. Қишининг бир куни ўтди-ку», деб жеркиб бермоқчи бўлса ҳам қорнини дўппайтириб турган қизига раҳми келди: бунда нима айб?

Отасининг феълини билган Таманно бир-икки кундан бери ичкиликка ҳирс қўйган эрини туртиб уйғотди:

— Туринг-э, уят бўлиб кетди.

Анчадан бери ўғринча кириб юрган «Тунги репторан»га кеча яна бирор таниб қолишидан хавотирланиб, қора кўзойнакда резина шимиб борган, унда салгина авратини бекитган яланроҷ хотинларнинг чиройли қомати ва ундан ҳам чиройли рақсларини кўзи ўйнаб томоша қилган Қоплонбек, кўп ичиб қўйганини билмади. У учиб қолиб, ноzзанин бир жувоннинг эркалашидан кўзини очгандা, деразадан кўриниб турган улкан масжиднинг юксак минорасига сўфи аzon айтгани чиқсан эди. Қайнатаси таҳоратга тургунча аранг уйга етиб олган Қоплонбек, мана бирор дўппослаб ташлагандек шол-шол бўлиб ётибди. Қовоғига ботмон юқ бостириб қўйгандек зўрга кўзини очиб, тепасида боласини калхатга олдирган товуқдек безовта турган хотинини кўрди, ёлворишга тушди:

— Бирпас қўй, хотин, уйқум пишсин. Бошим ёрилиб кетай деяпти.

— Сизга бирор шунақа ичинг дебдими! Туринг! Дадам йўқлаягтилар.

Хожидан ҳайиқкан Қоплонбек дарров кўзини очди, бошини кўтарди. Миясининг лўқиллашига чидолмай яна ўзини ёстиққа ташлади. Яна Ҳожи эсига тушиб, ўрнидан турди.

— Бошни ремонт қилишга жиндай бир нарса борми? — деди ҳамон қошида ўшшайиб турган хотинига.

— Бизнинг уйда бунақа нарса бўлмаслигини билмайсизми? Боринг, муздай душга тушсангиз тузалиб кетасиз.

«Нима қилиб мен девонадан ойбоши сўраб юрибман», дегандек ўзидан койиниб, елкасига сочиқ ташлаган Қоплонбек душга чиқиб кетди. То ҳушёр тортиб, фикри тиниқлагунча унинг остида турди. Бу орада икки стакан муздай сув ҳам ичди. Ана шундагина Ҳожининг нимага йўқлаётганига фахми етди. «Албатта ўғли хақидадир-да», деб ўйлади, хонасига кириб яхшилаб кийинди, ичкилик ҳидини босгудек қилиб ўзига атир пуркади, кийимиға сепди. Ҳожи уни емакхонада кутиб ўтирарди. Одоб билан салом бериб қарписига ўтирди.

— Олло таолло бандасининг насибасини барвақт улашади. Эрта туриңг. Эрта турганда ҳикмат кўп. — Ҳожи оғир гапирди. Унинг уйқудан қолган кўзлари қисилиб борарди.

— Кечирасиз, ота, кеча...

Ҳожи гапиртирмади:

— Ҳаммасидан хабарим бор. Шайтоннинг сўзига кириб, мана қайнагангиз нима аҳволга тушди? Саёқ юрган таёқ ейди. Бу замонда тилини тийиб, эҳтиёт билан яшаган киши ўз ажали билан ўлади. Қариганимда менга шу ташвиш бормиди! — Ҳожи оппоқ, юмшоқ дастрўмоли билан пиҳиллаб димогини артди, бармогидаги зумрад кўз олтин узуги йилтиллаб кетди. Шундан кейин у асл мақсадга ўтди: — Энди нима қилдик, куёв? Бирор чораси борми, ёки худо деб ўтираверамизми?

Қоплонбек, Ҳожининг ўзига иши тушиб, маслаҳатига муҳтожлигидан фахрланса ҳам, унча-мунча йўл-йўриқ қўлидан келса ҳам, ёрдам бергиси келмади. Ахир бу ниятда Абулбараканинг

бўйнига сиртмоқ солган эмас-да! Унга қолса, ўшанақаси йўқ бўлиб кетгани маъқул! Шундай бўлса ҳам қайнатаси олдида шумшайиб, оғзига сўк солиб ўтириши лозим кўрмади. Баҳона топди:

— Ҳар ўрмоннинг ўз тозиси бор, дегандай мен бу ерларнинг паст-баландини билмасам. Бирорта бошидан кечирган...

Куёванинг гапидан тутун ҳиди келаётганини сезган Ҳожининг энсаси қотди, юзи бурушди. «Суянган тогим сен бўлсанг, кўрган куним нима бўларди!» дегандек гапирмай қўя қолди. Бирпас жим ўтириб туриб кетди. Тўғри Зейтунийнинг адвокатхонасига борди. Уни, ўғлини йўлдан урганлардан бири ҳисоблаб, иқи севмай юрса-да, ҳозир очиқ юз билан мурожаат этишга мажбур! Ахир киши шифо бўлсин учун лайлакнинг қусигини ютади-ку!

Зейтуний уни ўрнидан иргиб туриб қарши олди. Стул тутди. Ҳол-аҳволини сўради.

— Аҳволим мана шу кўриб турганингиз! — деди Ҳожи. У Зейтунийнинг воқеадан хабардорлигига шубҳа қилмасди.

— Эшитдим. Бу туҳмат! Қуруқ туҳмат! — ишонч билан деди Зейтуний. Бу гапдан Ҳожининг баданига иссиқ югурди. Шу вақтгача иқига ўтирмай юрган одам бирдан қўзига яхши кўриниб, меҳрини товлади. Руҳига жон бағишлади.

— Туҳмат бўлса туҳматдир-ку... — яна гап бошлиди Ҳожи, — жим ўтирганимиз яхши эмасдир.

— Албатта! — шарт кесди адвокат, — баъзан туҳмат ҳам устига олтин суви юритилган жездек кишини алдаб, ғафлатда қолдиради. Айниқса, бизнинг замонда.

«Сен ҳам ўшанинг бирисан-да, тилингдан замон тушмайди», деб Ҳожи ўйлаган бўлса-да, гапни чалғитмади. Ҳозир лўлининг эшагини суғориб, пулени оладиган пайт:

— Энди нима қил дейсиз?

— Мен бир адвокат берай, иш билан танишсинг. Ўзим ҳам олардим-ку... бўлмайди. Барибир хабардор бўлиб тураман.

«Бу жуда-эпчил-ку! Минг-қилса ҳам адвокат да, унинг устига ўртоги», деб кўнгли кўтарилиган Ҳожи ўғлининг иши тўғри бўлишига ишониб қўйди.

Зейтуний қўшни хонадан бир одамни чақириб, Ҳожи билан таништириди.

— Ҳалиги иш юзасидан. Бу киши отаси, — деди у одамга Зейтуний. Ҳожини Абулбараканинг дадаси эканини билган адвокат чуқур ҳурмат билан сўрашди. Ҳожи Зейтунийнинг ундан олдиноқ иш бошлаб қўйганига сал ҳайрон бўлди. «Ўғлим ёлғиз эмас. Улар бир талай. Бир талай бўлганда ҳам жуда аҳил, туғишгандан аҳил. Бири учун бири ўтга киради», бу фикр уни ҳайронликдан олиб чиқди.

Адвокат суҳбатлашиб бўлгач, Ҳожи қўзгалар экан, Зейтуний уни кузатиб кўчага чиқди. Уни тирсагидан ушлаб ўзига қаратди:

— Бизга ишониб, жудаям бепарво бўлманг. Баъзи бир ҳаддингиз сиққан амалдорга учрашиб қўйсангиз ёмон бўлмасди. Беш-ўн танга сарф қилишга тўғри келадими...

Олдинги жумласидан яна ваҳима босган Ҳожи пулнинг дарагини эшитиб, жонланди:

— Қанча керак бўлади? Мен рози. Пул билан битадиган бўлса енгил экан-ку.

Зейтуний иирик тишлирини кўрсатиб кулди:

— Бу ўлкада пул нималарга қодир эмас: тошни эритиб, денгизни қуритади.

Ҳожи пулнинг кучини жуда яхши билади: тилларни бурро қиласидиган ҳам, қарини ёш кўрсатадиган ҳам, сакратиб юргизиб, ётқизиб тургизадиган ҳам ўша. Унинг дами қиличдан ўткир, елдан тез...

Ҳожи бугун тушлик ҳам қилмади, пешин намозига ҳам бормади. Куни билан ўғлининг кетида юрди. Тўғри, дўконга «савдо қалай?» деб бирров

кириб ўтди. Мана ҳозир бир амалдор араб ўртоги-нинг олдида ўтирибди. Воқеани айтиб чиқиб, эзилиб кетган кишидек юмшоқ эгилди:

— Ёшлардан қусур, катталардан узр. Марҳаматингиз офтобидан бизнинг кулбага ҳам ёруғ тушсин, жаноб.

Амалдор кинояли жилмайиб, шифтни қўрсатди:

— Анави нима?

— Қандил.

— Мен офтоб эмас, худди ўша қандил чироқман.

— Шу қандил чироқнинг ёруғи ҳам бизга етади, жаноб. — Ҳожи ҳазил тушуниб ҳазилнамо жавоб қилди. Лекин амалдор жиддий давом этди:

— Уни бирор ҳув анави ердан ёқади, — деди у включателни қўрсатиб. — Тушунарлими, Ҳожи?

Ҳожи буни: «Иш битта мен билан битмайди, мендан юқорига ҳам муомала керак. Мен унинг қўлидаман», деб тўғри тушунди ва эртасига шунга яраша муомала қилди, ичида: «Ўзингники ўзагингни узади», деб нолиди.

Амалдор Ҳожи билан хайрлашар экан, чехраси очилиб тегиши:

— Ўглим шунаقا шўхлик қилиб юрибди денг, Ҳожи. Отасининг боласи-да. Майли. Сут берадиган сигир сузса малол келмайди кишига.

«Пул ўлсин-а, тилингни ширин қилиб, чехрангни очмай», деганча Ҳожи амалдорнинг дабдабали кабинетидан чиқди.

Лекин бир ҳафта ўтса ҳам пулнинг кучи кўринмас эди. Бу орада қоқмаган эшиги, пул тиқмаган тешиги қолмади. Кўча-кўйда дув-дув гап, бу шум хабар кўршапалакдан ҳам тез учиб, шаҳарга ёйилиб бўлган эди. Оғзи мойланган кишилар галга солса, Зейтуний билан адвокат «иш яхши кетяпти» деб қўнглини тинчитмоқчи бўларди. Лекин Ҳожи бу дардга бардош беролмади. Бир куни кўчадан ит олган тулкидай фижиниб:

— Исподга ўлдим! Ўз ўчогимнинг кули кўзимга сочилди! — деганича фарёд уриб кириб келди ва ётиб қолди. Шу ётганича бир неча кун кўзини очмади. Ўз юки ўзига оғирлик қилиб, қорнини дўппайтириб юрган ҳомиладор Таманно отаси тепасидан кетмади, кўзидан ёш аримади. Чакирмаган таниш доктори қолмади. Буюрган дорисини канда қизлмай ичириб, уколини вақтидан ўтказмади. Лекин Ҳожи орқасига қайтмас эди.

Бу эса, Қоплонбекнинг хаёлига мудҳиш бир фикр келтирди: Абулбаракадан қутулди ҳисоб. Полициянинг темир чангалидан чиқиб бўлти! Ҳожидан ҳам қутулиб, бир йўласи бу хонадонда ўзи хон, кўланкаси майдон бўла колса нима қиласди?

Шу ниятда у келиб-кетиб турган докторлардан биттасининг бағрига кириб, қўйнига қўл солди: ҳар келишига ортиқ-ортиқ ҳақ тўлади, бир-икки машинага солиб юборди. Ҳатто бир куни шаҳарнинг дабдабали ресторанларидан бирига таклиф этиб, энг яхши винолар билан зиёфат қиласди. Гап орасида Ҳожининг «ошини ошаб, ёшини яшаб» бўлганини айтиб:

— Мен шунча шунаقا яшасам жон дердим. Ё нотўрими? — деди ўсмоқчилаб.

— Одам боласи юз йил яшаса ҳам ўлгиси келмайди. Ҳаёт шунаقا ширин нарса.

— Жуда қийналиб кетди: на ўзига тинчлик бор, на бизга.

— Касалнинг дардини хастанинг ўзи эмас, бутун оила тортади — ажабланадиган ери йўқ.

— Бу азобдан уни озод қилиш керак. Қайтангга савоб бўлади, доктор.

Папирос чекиши билан овора бўлган врач унинг гапини эшитмади. Қоплонбек буни врачнинг розилиги белгисини тушуниб, очиқ савдога ўтди.

— Неча пул десангиз олинг! Жон доктор, бизни шу азобдан қутқаринг. Хотиним бу аҳволда, ой-куни яқин...

- Нима деяпсиз? – доктор җүшёр тортди.
- Жон доктор, йўқ деманг! Ким билиб ўтирибди! Оғир ётган касал бўлса!

Энди фаҳмлаган доктор кайфи қочиб, ўрнидан турди. Қўлидаги папиросни титраганича кулдонга босиб эзди:

- Ифлос! Мени ким деб ўйладинг?! – орқасига қарамасдан чиқиб кетди.

Қоплонбек ўтирган ерида калтакесакдек қотиб қолди. Салдан кейин эса ўзига келиб кетидан югурди. – Жон доктор, кайфчилик, оғзимдан чиқиб кетибди, кечирасиз.

Доктор индамай қадамини тезлатди. Қоплонбекни баттар ваҳима босди: «Ҳожига айтса-я!» Яна унинг кетидан чопиб, йўлини тўсди.

- Жон доктор, ўтиниб сўрайман! Бировга айтиб юрманг. Нима десангиз, бераман. Неча пул бўлса олинг. Бировга айтманг! Ўтиниб сўрайман!

Доктор унинг башарасига жирканган кишидек хунук қараб, қўлини силтади:

- Йўқол, муттаҳам!!!

Қоплонбек ялиниб-ялиниб, кейин муштини қисганча қолаверди. У энди нима қилди?!

* * *

Худди шу пайтда кийим-боши гижимланган, ранги синиққан Абулбарака сиёсий полиция терговчининг ҳузурида: «Синсам синаману эгилмайман! Эгиб бўлибсан», дегандек комил ишонч билан ўтиради. Бу унинг биринчи тергови эмас, албатта. Уни кимлар тергамади, қай вақтларда чақирмади. Икки кун уйқудан ҳам маҳрум этдилар. Бир кечаси «хизмат вазифасини ўтаб турган киши»га қўйполлиқ қилгани, саволларга мулоҳимлик билан жавоб қайтармагани учун карцерга ташладилар. «Баъзан» айни ширин уйқу пайтида камерадан камера-га кўчирдилар.

Бу ҳаракатларнинг тубида нима мақсад ётганини яхши билган Абулбарака ортиқча асабийлашмади ҳам, сабабини сўраб ҳеч кимни безовта ҳам қилимади. Тўғри, бу иш билан Зейтуний танлаган адвокат шуғулланиб, унинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб турди. Терговида қатнашди.

Мана бугун унинг ўзи ёлғиз. Адвокати йўқ пайтини пойлаб сўроқ қиляпти.

— Шундай қилиб, касалхонангизда исёнчилар яширганини тан олмайсиз?

— Йўқ, ёлғон!

Терговчи столи тортмасидан сурат олиб кўрсатди: икки киши. Касалхона кийимида ҳовлида гаплашиб турибди.

— Буларни танийсизми?

— Танийман. Менда ётган касаллар.

— Касаллар эмас, исёнчилар.

— Йўқ, касаллар. Истасангиз текширишингиз мумкин: касаллик варақаси бор.

— Бунақаларни тўқиши сизнинг қўлингиздан келади!

— Бу ҳам сизнинг қўлингизда жонсиз сурат. Тили бўлса ўзи гапирсинг.

— Ҳозир булар қаерда?

— Билмадим. Касалхонадан тузалиб чиқиб кетган.

Терговчи заҳрини сочди:

— Шунақа тез даволайсизми?

— Биласизми, мсье, менинг касалхонам пуллик. Пулига чидаган истаганича ётади. Эҳтимол, имкони бўлмагандир.

— Ахир сиз фуқаропарварсиз-ку!

— Янглишмадингиз, мсье! Лекин улар топиш-тутшишли одамлар эди.

Олдидағи көғозларни варақлаётган терговчи бирдан лаби пичирлаб ниманидир ўқиб қолди. Бошини вазмин кўтариб сўзни бурди:

— Эҳтимол, Зилолнинг ўғлини Иттифоққа юборган ташаббускор эканингиздан ҳам тонарсиз?

— Йўқ. Аксинча, хурсандман. Дунёда битта баҳтсиз камайди. Ўзи даволашни уддасидан чиқолмаган беморга йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳат бериш ҳар бир вижданли врачнинг муқаддас бурчи. У буни қилиши шарт.

Боланинг Иттифоққа юборишнинг тагида бошқа маъно ётганини гумон қилтан терговчи:

— Парижга юборинг эди! — деди.

— Афсус, Парижда ундан мутахассис йўқ.

— Бўлмаса нега Америкага юбормадингиз?

— Тўғри, мумкин эди. Лекин сиз бир нарсани унутяпсизки, у ёққа жуда катта пул керак. Иттифоқда эса бепул.

— Йўл харажатини нима қилди?

— Ўзи топди, ошна-оғайниси қарашиди.

— «Мен ёрдам бердим», шундайми? — Абулбраканинг сўзини унинг тилидан қилиб тўлдирди терговчи.

— Тўғри, топдингиз. Имконим бор экан, нега савобдан қуруқ қолишим керак!

— Унинг бориб-келиши ташвиқот учун ҳам бизга керак эди, деб қўя қолмайсизми? Нима қиласиз циркчига ўхшатиб от ўйнатиб! — очигига кўчди терговчи.

— Гапингизга тушунмадим: нима учун мени кимларгадир қўшиб, кўлчиликка айлантиряпсиз?

— Ахир сиз ёлғиз эмассиз-да!

— Агар касалхонамдаги врачларимни ҳисобга қўшмасангиз, асосан уни мен юборганман. Мен врачман, бу менинг бурчим эди. Сиз қандай тушунсангиз тушунаверинг!

Терговчи бу соҳадаги гапни ҳозирчачуватгиси келмади. Гапни яна аниқлади:

— Зилолнинг у ёқни мақтаб, оғзини кўпиртириб юрганига нима дейсиз?

— Мен эшитганим йўқ. Кейин бу унинг иши. Ёлғон гапиряптими? Кўрган-билганини гапирса нима қилибди!

— Ахир бу ташвиқот!

— Ундаи бўлса, четга чиқадиган одамларнинг қулогига пахта тиқиб, кўзини боғлаб қўйиш керак.

Бу қочириқ терговчига малол келди.

— Ҳар бир эсли одам нима гапиришини билиши керак.

— Демак маълум бўлдики, Зилол эси кам одам экан. Шундай бўлгач, нега унинг гапига бунчалик эътибор бериш лозим! — нозик еридан ушлади Абулбарака, — эси камнинг сўзига ким ишонади!

Терговчи тилидан боғланди. Отган ўқи нишонга тегмаган эди. Сир бой бермасдан, Абулбараканинг иззат-нафсига тегмоқчи бўлди:

— Минг қилганда ҳам сиз бу ўлканинг кишиси эмассиз, туғилган ерингиз бошқа. Бу ўлканинг манфаатлари сизга ёт.

— Кечирасиз, мсье! Мен бу ўлкани жонимдан яхши кўраман: чумчуғи кўзимга ғоз, товуғи бургут бўлиб кўринади.

— Бу — шиор!

— Йўқ, эътиқодим!

Хўш айтинг-чи, сиз бу ўлкада нима қилиб юрибсиз? Бу тупроқда нима ҳаққингиз бор? Бу ўлка учун нега бунчалик жонингиз ачийди?

Мен-ку, тўғри, бу ерда туғилмаган бўлсам ҳам, унинг нон-тузини тотиб эсимни танидим. Уни ватаним деб, ёнимда паспортини ардоқлаб юрибман. Сиз-чи? Сизда бу йўқ-ку! Шундай бўлгач, айтинг-чи, мсье, қайси биримиз: сизми, менми унинг патриоти?

Терговчи кутилмаган бу ҳужумдан ганgrab, бақирди:

— Саволни мен бераман, сиз эмас. Сиз терговда-сиз.

Абулбарака билдики, пичоқ сүякка тақалди. Эндиғи ҳар битта гап ортиқча. «Супурги ҳам икки хил бўлади: ҳожатхонаники билан уй супурилмайди», деб кўнглидан ўтказди. Булар мисоли бу ўлкага ўрмалаб келган чумоли. Чумолининг зўр инъоми чигиртканинг кет оёғи бўлади! Ҳақиқатни айтдим. Ҳақиқат – аччик, ёлгон – ширин. Энди бас.

Абулбарака ўзини оғирликка олиб, унинг навбатдаги саволини кутди. Терговчи: «Бу ёпишқоқ ёнгоқ чиқди. Дарров чақилиб, мағзи кафтиимга тушидиган кўринмайди», дегандек ўйланиб турар экан, телефон жиринглаб қолди. У оҳисталик билан трубкани олиб, бирдан типирчилаб қолди. Узр сўради, трубканинг оғзини кафти билан бекитиб туриб, одам чақирди. Абулбаракани бериб юборди. Эшик ташқарисидан Абулбараканинг қулогига: «Эшитаман, жаноб полковник... жоним билан... Албатта етқизаман...» деган узуқ-юлуқ сўзлар эшилди.

У кечаки кўчирилган уч-тўрт кишилик дим камерасига тушса, яна икки одам янги келибди. Бири уни таниб, олдин салом берди, ёнидан жой кўрсатди. Унинг товуши гавдасига нисбатан жуда йўғон бўлиб, ўзини кўриб турмаган киши жиккаккина одамнинг шунаقا гапиришига сира ишонмайди. Абулбарака маҳбусларгагина хос бўлган камера зийраклиги билан тушундики, бу одам уни яхши танийди. Танийди эмас, ҳатто дардлашмоқчи ҳам. Чиндан шундай бўлиб чиқди. Тушки ухлашга ҳуштак чалиниши билан уйқусизлик ва тергов гурбатлари чарчатган кишилар дарров ўринларига кирдилар. Ҳалиги киши эса, бир кўзини қисиб, Абулбаракага: «Сиз ётмай туринг!» ишорасини қилди. Бир четга олиб ўтди. Дўриллаган товушини аранг босиб, тўсатдан:

– Бир сирдан сизни воқиф қилиб қўймоқчиман. Агар кўнглингизга оғир олмасангиз, айтаман. Ўзи сизга жуда яқин одам.

— Бемалол. Ишончингиз учун раҳмат!
— Мен сизни жуда яхши биламан.
— Афсус, мен сизни танимай турибман.
— Бунинг ҳозир-аҳамияти йўқ. Кейин танишиб оламиз. Назаримда мени адашиб бу камерага киритиб қолдилар. Бошқага кўчирсалар керак. — У: «Гапимни бошқа одам эшиштаётгани йўқми?» дегандек ётганларга оҳиста кўз қирини ташлади. — Қуёвингиз Қоплонбекни яхши биласизми?

— Сал-пал. Нима қилди?

Абулбараканинг юраги кутилмаган хабарни кутгандек зирқираб кетгани түғри чиқди.

— У Америка разведкасининг одами. Сизнинг хонадонга бежиз суқилиб киргани йўқ. Эҳтиёт бўлинг, эҳтиёт бўлинглар. Бирдан камера эшигининг туйнуги тарсиллаb очилди. Кузатувчи полиция ходимининг бит кўзи билан бўғирсоқ бурни қўринди. Ириллаган итдек тишини кўрсатиб, ўшқирди:

— Ётмасдан нима қилиб ўтирибсанлар! Ётларинг! Ётгиларинг келмаётган бўлса, типпа-тик турдиган ерга чиқариб қўйишим мумкин.

«Кейин гаплашамиз» деб кўз уриштирган сұхбатдошлар ўз ўринларига ўтиб ёнбошлишди.

Уйқу қаёқда! Абулбараканинг фикри-ёди Қоплонбек бўлиб қолган әди. Қонлонбекни аввал у яхши кўрган ва ҳурматини доим бажо келтирган юртнинг сотқини сифатида ёқтирмаса, энди жосус сифатида, бу муқаддас ўлкани ҳам пулдор оёғи остига поёндоз қилиб солиб бермоқчи бўлган бир паст одам сифатида жирканч билан тилга олди. Бу ифлос иш унинг қўлидан келади, у бунга қодир. Ўз юртининг қадрига етмаган ўзганикини эъзозлайдими! Муттаҳам! Демак, унинг хонасига ҳам бекорга кирмаган экан. Тузук аҳамият бермай яхши қилмабди. Қани энди шу маҳал олдида бўлса-ю, тарс-тарс тортиб юборса: «Мана сенларга қора кун кўзлаганларнинг бири», деб ўртага ташласа. Қоп-

токдек оёқлар остида думалашини кўрса! Иложи йўқ. У турган қўра билан бу камера оралиғи унча олис бўлмаса ҳам, ўртада қалин цемент девор, темир панжара, тиканли сим, милтиқли кишилар бор, адолатсизликни байроқ қилган мудҳиши қонун ва бу қонуннинг малайлари бор. Бу қонунлар кўринишдан қанчалик пухта кўринмасин, ичи сасиган олмадек бир куни ириб тушади! Ундан путур кетган, у адолат мерганлари томонидан аллақачон нишонга олинган.

Шундай ўйлар билан бўлиб, мижжа қоқмаган Абулбарака тушлик уйқу соатини қандай ўтганини билмади. У тугаши билан чақириб қолишибди. Бу гал терговчи эмас, қамоқ маъмурияти чақирган экан. Уни рўза тутмаётганида айблаб оппоқ соқолли, малла саллали чол таъна қилди:

– Ҳожи одамнинг фарзанди уялмайсизми?

Абулбарака ҳозир рўза кирганини, камерадаги-ларнинг баъзилари тутаётганини эслади. Лекин у гапни бошқа ёқдан олди:

– Ҳожининг ўғли қамоқда бегуноҳ ётса майли-ю, рўза тутмаса айбми!

– Биз у ёғини билмаймиз! Рўза тутишингиз керак.

Абулбарака бу кекса одамнинг рўдаполигидан мийигида кулди:

– Бизни савобга дахлдор қилиб, оллога яхши кўринмоқчи бўлсангиз, майли, биз рози. Лекин овқатни тузатинг.

– Киши қанча азият чекиб тутса, шунча савоби баланд.

Чол бу кўхна афсонани қанчалик самимият билан жиддий гапирмасин, Абулбарака кулгидан ўзини тутиб туролмади.

– Келинг, савоби камроқ бўлса ҳам, тузатиб овқат беринг.

Маъмур, албатта, бунга рози бўлолмайди,

тўгриси, унинг ҳақи йўқ. Унинг вазифаси «шайтон сўзига учган гумроҳ бандани ҳақ йўлига солиш».

— Гожлик қилманг, мана шу улуг айёмда буюрган ўттиз кун рўзасини тутинг, ўзига сифиниб, ишингизга кушойиш сўранг. Шояд...

— Қани эди! — уни бўлди Абулбарака истеҳзо билан, — французнинг милтиги кучликка ўхшайди.

— Куфур гапирманг, бўтам. Тавба қилмоқ ҳеч қачон кеч эмас. Бандасининг изми унинг қўлида.

Чол овқатни яхшилашга рози бўлмаганидек, Абулбарака ҳам рўза тутишга ваъда бермади. Лекин у камерага тушиб, чолдан жуда ҳам хафа бўлди: у суҳбатини тугатмаган бояги киши йўқ эди. Уни чақириб олибдилар. Абулбарака уни қанча илҳақ бўлиб пойламасин, у қайтмади. Суҳбат чала қолганига жуда ачинди. Афтидан, анча нарса биладиган кўринади. Ўзи ким экан? Исмини ҳам сўрамабди! Эҳ, аттанг!

Адвокат Абулбарака билан учрашиб «Ишнинг бориши яхши. Бўшашманг!» деганига бир ҳафта бўлмасдан уни озод қилишибди. Кечагина қовоғидан қор ёғиб, отгани ўқ тополмай тажанг юрган полиция ходими, бугун «Ҳаммаси шунчаки ҳазил эди дегандек ишшайиб, юмшоқ гапириб, унинг кўнглини олмоқчи бўларди, Абулбараканинг сал қийшиқ турган галстугини узр сўраб тузатар экан, ҳатто:

— Доктор, баъзи бир илтимосим тушса йўқ демайсиз! — деб тилёғламалик қилди.

Абулбарака кулиб, бигизини тиқиб олди:

— Кимнинг юраги билан менга энди ўзингизни боқтирасиз!

— Мен сизни бунчалик кекчи деб ўйламаган эдим, доктор.

— Аввалам мен сиз ўйлаганча кекчи эмасман. Сизда нима айбки, сиздан ўч олсан. Сиз бир хивич холос. Ушлаб турган қўл бошқа!

«Бунинг тили қилич!» деб иложсиз кўнгли кетган полиция ходими, гапни чўзиши ортиқча биллиб, ёзиб турган қоғозини тезда тутатди. «Ҳақим бўлганда сенга кўча юзини кўрсатмас эдим-ку, мажбурман» дегандек, бир қарашда Абулбаракага узатди.

— Қўл қўйсангиз.

— Ҳали шунақаси ҳам борми! — деди Абулбара-ка кўздан кечириб лабида истеҳзо билан.

— Расмият учун.

— Марҳамат, сиз хурсанд бўлинг! — худди ўша оҳангда у шарт имзо чекди. Бу «қамоқда кўрган-билганингни сир сақтайман» деган тилхат эди. Шунда Абулбараканинг ёдига Зилол тўғрисида терговчи билан бўлган сұхбати тушди.

— Эҳ аттанг, Зилолни ҳам чақириб ўнданай бир қоғозга тавба қилдириб олмаган экансизлар-да.

Бу аччиқ пичингнинг маъносини фаҳмлаган ходим ўзини эшитмаганга солди. Эшикни кўрсатди:

— Марҳамат, кетаверишингиз мумкин.

Уни эшикда бир тўда одам қутиб турарди. Булар ичиди у бепул даволаган кишилар, «Механика» заводининг ишчилари, Зилол ва Ҳожи бор эди. Кечагина касалдан турган Ҳожи кунда қолган мирзойи сабзидек сўлиб тушган, хомуш эди.

— Ҳа, нодон болам, — деганича ўғлининг елкасига ўзини ташлади.

Абулбараканинг кўзига ҳаммадан ҳам Зилол жуда ўзгача кўриниб кетди. У билан қучоқлашиб кўришар экан, терговда бир неча марта тилга олинганига ишора қилиб:

— Тушингизга кирганим йўқми? — деди.

— Кирдингиз! Ҳар куни неча марта эсладим! Ўғлим ҳам шу ерда эди-я, қаёқча кетди, боласи тушкур! — бирдан уни кўриб қолиб, чақирди, — амакинг билан кўришмайсанми, тентак, қаёқда юрибсан.

Думалоқ бошидаги сочи ажириқни эслатган қорачагина бола тортиниб келиб, Абулбараканинг бағрига кирди. Абулбарака уни ўзидан узоқроқ қўйиб, юз-кўзига боқди:

– Жуда чиройли бола бўлиб кетибсан-ку! Кўзинг оғриётгани йўқми?

– Йўқ – боши билан ҳам тасдиқлади бола.

– Ўқиётганингни айтмайсанми амакингга, – уни тўлдирди отаси. Боладан олдин Абулбарака танбех берди:

– Бекор қилибсиз. Кўзи толиқиб қолиши мумкин.

Бу гап, барибир севинчидан терисига сифмай турган Зилолга таъсир қилмади, ўзиникини гапирди:

– Тезроқ саводини чиқариб, ўша юртга бориб ўқимоқчи-да, амакиси! Ҳали сизнинг бу гапдан хабарингиз йўқ. Шундайми, ўғлим?

Бола уялиб, боши билан маъқуллади.

Қош қорайганда ҳаммадан кўра кўпроқ қувониб, кириб келган Зейтуний узоқ ўтириб қолди. Энди у Ҳожининг кўзига аввалгидек совуқ кўринмайди, унинг кетишини аввалгидек бетоқат кутмасдан, тўрга ўтқазиб, «қилган жонбозлиги» учун ташаккур ҳам билдириб қўйди.

– Асил дўстинг экан бу одам! – деди ўғлига алоҳида таъкидлаб. У ҳам керилиб қўйди:

– Бизнинг ўртоқлар шунаقا!

Ҳожи чарчаганини айтиб, ётгани чиқиб кетгач, Зейтуний дўстига тегишиди:

– Хўш, бизнинг полиция қалай? Эшигининг тагига одам тўплай бериб, ўзини ҳам энка-тенкаси ни чиқариб юбордик. Зилол-ку ўғли билан «Бугун чиқмайди» десак ҳам, «йўқ, чиқади. Юрагим сезиб турибди» деб туни билан қамоқнинг эшигида қолиб кетди. Сендан жуда миннатдор. Юбориб жуда яхши қилган эканмиз, шу кунда иш беряпти. Хотирасини

тилидан қилиб, газетанинг бир бетида босдик. Редакцияга хат ёзиб, «ўзи келиб оғзи билан гапириб берсинг» деган жойлар ҳам бор.

— Юбориш керак, — деди Абулбарака ва терговда унинг тилга олинганини айтиб берди. Кетидан қўшди. — Ярага туз сепгандек полицияга алам қиляпти.

— Шундайми? Яхши-да! Хўш, умуман, бизнинг полиция қалай?

— Яхши. Билагон. Лекин бефаҳмрок. Шундай бир латифа эшийтдим: археологлар кўхна бир вайронадан ғалати бир бош суюгини топишибди. Не-не мутахассислар қўлдан-қўлга олиб, қайси даврга оидлигини аниқлолмабди. Шунда полиция: «Бизнинг ихтиёрга юборинг, билиб берамиз!» дебди. «Хўп!» дейишибди. Бир ҳафтадан кейин натижасини полиция маълум қилибди: «Бундан фалон миллион йил аввал ўтган, фалон куни туғилган одам экан!»

— «Қаёқдан билдингиз?» — қизиқиб сўрашибди археологлар.

— «Ўзи иқрор бўлди!» — дебди полиция.

Абулбарака хандон солиб қулиб, сўзига якун қилди:

— Бизнинг полиция шунаقا, суюкни гапиртиради.

— Лекин сизни эмас.

Абулбарака дўстининг мақтовига жавоб қайтармади.

Ўглининг ғамида ётиб турган Ҳожи эрталаб ноштадан кейин Абулбараканинг олдига каҳрабо тасбехини санаб кириб келди. У ўғли билан бир гаплашиб олмоқчи. Буни у ўтгандаёқ қасд қилиб қўйган.

— Нимадан камлигинг бор, ўғлим? — дея гап бошлади Ҳожи.

— Ҳеч нарсадан. Нима қилди? — Абулбарака отасининг сўрори остида анча гап борлигини аввал пайқамади.

— Шундай экан, бу ташвишларнинг нима ҳожати бор. Тинчгина юрсанг бўлмайдими?

Ана энди ўғил тушунди, ўзини ўнглади. Ўз ишида бир айб кўрмас эди:

— Нима қилибман?

— Йўқ, ўғлим, сен мени чоригини судраб юрган гўл деб ўйлама. Ҳаммасидан хабарим бор. Қўй энди бу ишингни! Сенга ярашмайди!

Абулбарака билдики, отаси очиқ гаплашмоқчи. У ҳам очиғига кўчди:

— Ўзингизнинг яхши бир гапингиз ҳали эсимда, дада, яраланган қуш кўрсанг, бир қўлингда сув, бир қўлингда дон олиб бор. Шу қийналиб ётган бева-бечоранинг қадри бир қушча йўқми? Ахир улар худога нима ёзибди!

— Оҳ, болам, нодон болам! Беш бармоқ оға-ини бўлгани билан тенг эмас. Наҳотки, шуни тушунмасанг.

— Тенг бўлган жойлар бор-ку.

Иккиси ҳам гап қайси мамлакат тўғрисида кетаётганини тушунарди.

— Узоқдан сенга шунақа кўринади. — Уни қайтарди Ҳожи.

— Йўқ! Эҳтимол, жуда ҳам бир текисда эмасдир, лекин биздагига ўхшаб, бирор олтин жомда шарбат ичиб, бошқалари ҳўплашга зор эмас.

— Ана шу-да, на қошиқда турасан, на чўмичда. Катта бир нарса деганда ишон-да. Маза-бемаза нарсага бошингни тўлдириб, ғовлатиб юргандан, ёшсан, куч-қувватинг бор, ўйна-кул, майшатингни қил.

— Қора нонга қорни тўймаганлар-чи!

Бу гап Ҳожига жуда кор қилди. У кесатди:

— Бўлмаса давлатингни бўлиб бер.

— Етмайди, — кулгандек бўлди Абулбарака. — Ундан кейин улар садақамга зор эмас.

- Инқилоб бўлиши керак дегин!
- Эҳтимол. Лекин биринчи галда мустақиллик олиш керак. Мен бир халқнинг, у қанчалик катта ва маданиятли бўлмасин, иккинчи бир халққа нажот бахш этишига, уни бахтини очишига ишонмайман. Ҳар халқ каттадир, кичикдир ўзи алоҳида бўлиши, ўз аравасини ўзи тортиши керак. Бири иккинчи-сининг елкасига миниб олиб «жаннатга кетяпмиз» дейиши бекор.
- Шу гапинг тўғримас. Ҳеч ким бир-бирининг елкасига миниб юргани йўқ.
- Ана холос. Бўлмаса француз жаноблари бу ерда нима қилиб юрибди? Нега усули идора улар тилида?
- Кўриб турибсанки, халқ оми. Шу халққа ҳозир усул-идорани бериб бўладими? Бир-бирини гажиб ташлайди-ку. Сал эсини танисину оқ-қорани айрсин.
- Мана шу гирт ёлғон. Парижлик корчалонларнинг фикри. Ваҳоланки, улар ионини түя қилиб еяётган бу ўлкада бир маҳаллар шунаقا маданиятлар яратилиб, шунаقا усули идора бўлганки, ҳозир ҳавас қиласа арзиди. Ҳаммасини тупроққа қориштириб бўлдилар. Энди ўзлариникини рўкач қилиб, «шу йўлдан борсанг маъқул деб ҳиқилдогидан бўғиб турибдилар. Барибир бу узоққа бормайди. Ўз халқининг миллий манфаатини кўзлайдиган, бу йўлда ҳатто жонидан кечадиган кишилар доим бўлган, ҳозир ҳам бор, кундан-кун кўпайяпти. Зулм қаттиқ, нафаси ичида. Самоварга ўхшаб, ичидан қайнаб, бир тошиши бор.
- Демак, мустақиллик бермагунча Париж сизлардан қутулмайди, шундайми? — Ҳожи ўғлининг «ўшалар» билан биргалигига шубҳа қилмай қўйди. Шунинг учун кўпчилик қилиб галирди. Абулбарака ҳам худди шу оҳангда жавоб қилди:

— Йўқ! Халқнинг интилиши булоқ, жуда кучли булоқ, минг устига тупроқ тортсин, кўзига кигиз тиқсин, барибир, бир куни отилиб чиқади.

— Ўзинг-ку щу инқилобдан қочиб келган бўлсанг... — Ҳожининг гали оғзида қолди. Қизиб турған Абулбарака гапиртирмади:

— Мен эмас, сиз қочгансиз. Мен марҳум «қоплон»дек эргашиб келганман, холос.

— Келиб хато қилибсанми? — отага малол келди.

— Албатта! Қолганлар ўз юртларида ўйнаб-кулиб юрибди.

— Бўлмаса қайтиб кет! — ачитди Ҳожи.

— Тайёрига боргани уяламан. Қошиқ ушлагани қўлим титрайди...

Бу гап уни ўқитган, ҳунар берган, айтганидек қилиб касалхона очиб берган, узатса қўлига, очса оғзига тутиб турған Ҳожига жуда-жуда алам қилди. У ўғлининг бунчалик ўзидан узоқлашиб кетганини, у истамаган кўчага кириб олганини билмаган экан. «Ёшлиқ ғурури, әрта-индин қайтиб колади», деб хато қилганини энди тушунди. Уни қайириб олишига кўзи етмади. «Нега бунчалик аламзада?» деган ўйга бориб:

— Хўш, айт-чи, ўғлим, ўша юртингдагилардан нима камлигинг бор? — деди.

— Дадажон, сиз тушунинг, гап фақат менинг ҳақимда эмас. Мен бўрсиқнинг боласидайман: ёнимда жиринг-жиринг пул, оёғимда зулукдек янги машина, деганим деган, айтганим айтган.

— Тағин нима керак сенга? Ўзингни бил, ўзга билан...

— Менга, ўзимга ҳеч нарса керак эмас. Ахир мен семиришга боқилаётган сўқим эмасманки, ўз коримни билсам. Менинг ёру дўстим, қўни-қўшним, қўйингки, бутун бир халқим бор.

Ҳожи ўғлининг нияти қатъий эканини англади. Бу англаш унинг юрагига ваҳима солди: яна қамалса, қийналса...

— Шуни унутмаки, Абулбарака, синган қўлнинг оғирлиги бўйинга тушади. Менинг бўйним сенинг дардингни энди кўтаролмайди.

Абулбарака отасининг ташвишини дарров тушунди:

— Сиз хавотирланманг. Тўшагингизни қалин солиб ётаверинг.

— Сен ҳам энди бола әмассан...

— Кураш мардни ёшартиради, қўрқоқни қаритади, — мақтаниб қўйди жўрттага Абулбарака, — қарғанинг юз йиллик умридан бургутнинг ўн йили яхши. Кишининг кучи паровознинг буғи бўлса, уни қичқиришга эмас, юргизишга бериш керак.

— Ўғлим, қийшиқ арава йўлни, ёмон элни бузади, дегандек номинг қорага чиқиб қолмаса эди.

— Йўқ, чиқмайди. Йўл бўлса, аллақачон бузилган. Энди уни тузатиш керак.

Хожи ўйлаб туриб, ўғлини инсофга чақирмоқчи бўлди:

— «Уйимда йўқ гўжалик, кўнглим истар хўжалик», деганларнинг гапини сен қўй, ўғлим. Сенга уят! Тилингга эрк берма. Тил яхши бўлса, тошдан қаттиқ тишлилардан девор қилиб, ичига қамаб қўярмиди!

— Тўғри, тил суюксизу, лекин суюкни синдиради... мен индамасам, у индамаса, сиз индамасангиз, бу темир занжир бўйинни қийиб юборади-да, дада,

— деди Абулбарака шошмасдан дона-дона қилиб.

— Биласизми, дада, ҳаёт — велосипед. Олдинга юргизиш учун унинг гилдирагини айлантириб туриш керак.

— Олдинга юрмай ўлсин, турган-битгани ташвиш... Битта фарзандим бўлсанг...

Абулбарака яна файласуфлик қилиб, бутун юрагини очиб солди:

— Бола туғилганда у оила фарзанди бўлади, эл-юртга фидойилик билан хизмат этса, халқ фарзанди, барча халқларнинг манфаатини кўзласа, йўл-йўриқ кўрсатса башарият фарзандига айланади. Мен шу йўлдаги кишиларнинг муҳлисиман.

Отага ҳаммаси аён бўлди.

Ўғлиниң ўзидан бегона бўлиб қолганини билган Сайдакбар ҳожи, юраги эгаси кўчиб кетган ҳовлидай ҳувиллаб: Оҳ, болам, йўлинг қалтис, жуда қалтис! деганича, тасбех ўгириш ҳам ёдидан кўтарилиб, маҳзун чиқиб кетди.

Ўғил эса: «Энг муқаддас нарса миллий озодлик учун тўкилган қондир», деди ўзича унинг орқасидан.

* * *

Қоплонбекнинг кўзига Ҳожини боқиб турган доктор лақقا қатиқ кўриниб, ичмоқчи бўлганда қайноқ сут чиқиб қолиб, тили қуйгандан буён юраги пўкиллаб юрган бўлса, Абулбараканинг қамоқдан чиқиб келиши уни хонадонда омонат қилиб қўйди: Абулбарака ўзининг қамалишида унинг қўли борлигини билиб қолса борми! Ҳожи-чи? Ҳожига доктор айтса-я! Ана унда Қоплонбекнинг ҳолига маймунлар йиглайди!

Дўл урган дарахтдай хунук бўлиб, чироқ ёқса кўнгли ёришмай юрар экан, ногоҳ у бир кечаси Абулбараканинг Ҳожи билан гаплашаётганини эшитиб қолди. Тўғриси, унинг қулоги бу хонадоннинг ҳар бир шивиридан динг эди.

«Жосуслиги рост», — деди Абулбарака.

«Йўғ-э!» — ажабланди Ҳожи.

«Менга аниқ одам айтди. Ишонаверинг».

Иштонсизнинг ҳадиги чўпдан дегандек, Қоплонбек юрак ўйноқилаб гап ким тўғрисида бораётганини аниқ билмоқчи бўлиб, бутун вужуди билан қулоқ солди. Бирдан унинг номи тилга олиниб қолди. Шундоқ ҳам тиззаси титраб юрган Қоплонбек турган ерида қотди. Лекин неча бор тегирмонга тушиб, бутун чиққанидан тезда ўзини ўнглаб олди: демак, бу хонадонда унинг ойи ўттиз бўлди. Вақтида этағини ёпиб қолмаса шармандаси чиқади!

У шу кечасиёқ Таманнонинг хизматчи хотин билан нариги уйда ётганидан фойдаланиб қочди.

Шунда ҳам Таманнонинг қимматбаҳо безакларини ёнига солиб олишни унутмади. Бунинг ичида ҳомиладор хотинининг докторлар маслаҳати билан тақмай юрган, бир маҳал отаси «хазон бўлган муҳаббати эвазига» инъом қилган гавҳар кўзли нодир узук ҳам бор эди.

Пихини ёрган тулки кетидан қидириб қолишларидан чўчиб, стол устида: «Зарур иш билан бир ҳафтага кетдим. Тинчлик, хавотирланманглар. Сизларни безовта қилишга ботинмадим. Хайр...» деган хат қолдирди.

Эрталаб кутилмаган бу хатга кўзи тушган Таманно ҳайрон бўлиб, кўтариб чиқди.

Юраги ёмон бир нарсани сезаётгандек бўлган Ҳожи Абулбаракага қаради.

— Бу нима бўлди?

Абулбарака ҳам елкасини ҳайрон қисди.

Икки ҳафта ўтди... Уч ҳафта ўтди...

Лекин Қоплонбекнинг бир ҳафтаси ҳамон тамом бўлмас эди. ·

26

ИККИ ХИЛ ОТАНИНГ БИР ХИЛ ЎҒЛИ

Абулбарака қамоқдан чиққан кунининг эртасигаёқ ўз касалхонасига келса, иккита яхши доктори: «Эгаси йўқ. Касалхона ўлди», деб бўшаб кетибди. Кўп ходимларнинг тарвузи қўлтигидан тушган. Ҳамма ёқ бетартиб. Кетган докторнинг биттасини: «Мен йўғимда ташлаб кетишинг уят эмасми? Беморларга раҳминг келмадими?» деб қайтариб келди. Ходимларни йигиб касалхонани аввалгидан ҳам яхшиланганини билдириди. Боши билан ишга шўнғиб кетди. Ўғлининг барвақт кетиб, кеч келишини кўрган Ҳожи: «Ўғлимнинг уйдан кўнгли қолган, бош олиб кетиб қолмаса гўрга эди», деб юраги пўкиллаб, ўзидан сўрагани ботинмай юрди.

Ана шундай кунларнинг бирида Зейтуний касалхонага қўнгироқ қилиб қолди:

— Ҳа, дўстим, нодир араб қўлёзмасидай сизни кўриш жуда қийин бўлиб қолди, тинчликми? — Тинчлик.

— Ё чўчиб қолдингизми? — Зейтунийнинг кулгиси эштилди.

— Билмадим. Қуён йилида туғилмаганман шекилли!

— Шунга ҳайронман. Бугун бизга келасизми?

— Нима гап?

— Ана холос! Турмушдан орқа этакдай кетда келиб кетибсиз. Бугун бизда матбуот конференцияси-ку.

Абулбарака касалхонасининг иши ўзи йўғида ўлда-жўлда бўлиб кетганини айтиб, нима билан бандлигини дўстидан узр сўрагандек санаб чиқди. Чунки дўстининг ҳазил билан қилған таънаси ҳам уни анча лоҳас торттирган эди.

Ўзининг бехабарлигини яширмаган Абулбарака сўради:

— Кимлар бўлади?

— Ҳали бу ёғини ҳам билмайсиз шекилли. Иттифоқдан келган...

— Ундан хабарим бор: қишлоқ хўжалик мутахассисларими? — унинг сўзини бўлди Абулбарака.

— Худди ўзи! Ӯшалар бугун матбуот конференцияси беради.

— Бўпти, бораман.

Абулбарака конференция ўtkaziladigan бу мўъжазгина залга кириб келганда анчагина одам тўплланган, Зейтуний бир четда қандайдир журнал варақлаб ўтиради. Уни кўриши билан қаршисига пешвоз юрди.

— Кишини жуда соғинтириб қўйдингиз-ку! Жилла бўлмаса, қўнгироқ ҳам қилмайсиз! Мен-ку, цензура билан жиққа-мушт бўлиб ётибман. — Зейтуний у билан қўл сиқиб кўришиб, қўлтиқлаб олди, бир четга бошлади.

— Тағин нима гап? — қизиқди Абулбарака.

— Бизнинг мутахассислар латта. Мехмонлар тоза боплайти. Бекор ётган ерларга жони ачий-

ди. Бир қишлоқдаги сұхбатларини газетада берган әдим, цензуранинг меъдасига ботмади. Ўрни оппоқ бўлиб чиқди, кўргандирсиз?

— Кўрдим. Қанақа материал экан, девдим.

— Ўша! — Зейтуний бир четга ўтиб тўхтади. Дўстига дераза ёнида турган кул ранг костюмлик, тепакал, сепкилли кишини кўзининг қири билан кўрсатди. — Ўша жанобни танийсизми?

— Йўқ.

— Сиз ётиб чиқкан идорадан. Ундан учта нариги дўнг пешана ҳам. Кираверишда ҳам иккитаси турибди.

— Мунча кўп! Бир нарсанинг ҳидини билганми?

— Буларнинг бутун кучи шунда-да! Учтаси мутахассисларга аралашиб, меҳмонларни ҳам олиб юрибди.

— Бечоралар! — кесатди Абулбарака, — шунақа қилишмаса, куни ўтмайди-да! Буларнинг уялмагани!

— Буларнинг олдидан уят оёгини осмонга қилиб ўтади. Булар, ўзларича, бизни ҳеч ким пайқамайди, деб ўйлашади. Ваҳоланки, товуқ очган ўрдак боласидек ажralиб туришади.

Зейтуний сўзини тугатмасдан залдагилар дув этиб эшикка қараашди. Меҳмонлар келишган эди.

— Ҳа, ростданам анави қорачаси сизнинг томондан Абулбарака, — деди Зейтуний меҳмонлар ичida ўз чуст дўпписи билан ажralиб турган йигитни кўрсатиб. Йигит камоли ишонч билан тўрга ўтиб борарди. У Абулбараканинг кўзига иссиқ кўринди. Уни кузатиб туриб: «Эли қувватлининг бели ҳам бақувват бўлади», деб қўйди кўнглида.

Матбуот конференцияси жуда кўнгилли ўтди. Мамлакатни айланиб тарихий обидалар, қишлоқ хўжалиги билан яқиндан танишган меҳмонлар ўз таассуротларини бир-бир гапириб бердилар. Уларнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир табассумидан бу ўлкага қизиқишилари, муносабатлари, меҳру муҳаббатлари яққол кўриниб турарди. Ўша чуст дўппили йигитнинг:

— Апельсин, лимон, хурмо ўстиришда биз сизларга шогирд тушмоқчимиз. Марҳамат қилиб устозлик қилинг, ўргатинг, ўрганайлик. Биздан ниманики ўрганмоқчи бўлсанглар бизга келинглар, дўст учун эшигимизгина эмас, кўнглимиш-уи-ҳам-очик. Ўйимишнинг тўри, фикримизнинг зўри сизларники. Сизларда ўрикнинг нави кам экан, бизда ажойиблари бор. Биздаги емишбоп узумлардан ҳам ўстириб кўринглар. Келинг, агрономларча, боғбонларча мусобақа қиласийлик. Токи ҳар бир одам табиатнинг ажойиб нозу неъматидан баҳраманд бўлсин! — дегани залга маъқул тушди.

Шундан кейин савол-жавоблар бошланиб кетди. Ҳатто бир чет эл муҳбири: «Сизда теракка уч хил мева пайванд қилинган эмиш, шу тўғрими? Тўғри бўлса нима мақсадда», деб савол берган эди, делегация бошлиғи, йўғон кўзойнакли, сочи жайраники сингари орқасига ётмаган ҳазилкаш профессор: «Баландда пишган мева ширин бўлади», деб кулди. Залда кулги кўтарилиди.

Конференция тугаб, меҳмонлар ўзлари шаънига бериладиган кичиккина концертни кутиб, залда айланиб юришар экан, ҳалиги чуст дўппили қорача йигит таржимон орқали бир кишидан сўраб қолди:

— Шаҳарда ўзбеклар бор, деб эшигдим. Сайдакбар ҳожи деганин ҳеч ким танимайдими?

Нарироқда турган Абулбараканинг қулогига отасининг исми иссиқ эшитилди. У чуст дўппили йигитта яқинлашди, саломлашди.

— Нима эди! — деди кейин. Юраги кутилмаган хабарни кутаётгандек ғалати бўлиб кетди.

— Сиз биласизми?

— Да. Менинг отам.

Меҳмон бирдан жонланиб, уни бошдан-оёқ кўздан кечирди. У ҳам кутилмаган бу учрашувдан шошиб қолган эди. Шундай бўлса ҳам, ўзини тутиб, аниқлашга ўтди:

— Сизнинг исмингиз Абулбарака эмасми?

— Абулбарака. Сиз мени қаёқдан танийсиз?

— Жуда яхши танийман. Тошкентда туғилгансиз. Онангизни учта қизи билан ташлаб келгансизлар. Қурбонали деган хизматкоринглар бор.

Кетма-кет қалаштириб ташланган далиллардан Абулбарака ҳанг-манг бўлиб қолди. Тушимми, ўнгимми? Бу одам ким? Бизнинг оилани қаёқдан бунчалик батафсил билади?

У сўрашга мажбур бўлди:

— Сиз ўзингиз ким бўласиз?

Чуст дўппили юз-кўзини йилтиллатиб мамнун кулди:

— Менми? Мен... мен хизматкорингизнинг ўғли.

— Қурбонали отанингми?

— Худди шундай!

Бу чуст дўппили йигит муҳтарам китобхонга таниш Умматали эди, албатта. У йўлга чиққандан буён бу армонни белига туккан, имкон бўлган ерда суриштириб келарди. Мана бу жумбоқнинг энди учини топиб энтикиб қолди: эртакда ҳам бунақаси бўлмайди! Унинг қаршисида савлат тўкиб турган бойвачча йигит Сайдакбар ҳожининг бир хотин, уч қизга алмаштирган арзандаси. Гўдаклигига кўриб, меҳрига тўймаган отаси Қурбонали шу афандини кўтариб катта қилган, йиқилса кийимини қоқиб, лой қилса ботинкасини ювган. Чакирса, «лаббай!» деб хизматида бўлган.

Абулбарака унинг кўзига жуда хунук кўриниб кетди. Шу ота-бала жанобнинг қўлида отаси ватангадо бўлгани етмагандек, у ўзи озмунча жабрини тортдими!

— Айтинг-чи, жаноб, — деди у Абулбаракага қасоскор қараб, — отам ҳаётми?

— Афсус йўқ. Ўтган йил вафот эттилар... Афсус сўзи Умматалининг диққатини тортди: нега бунинг ўз хизматкорига раҳми келяпти? Менинг олдимда шундай қиляптими? Жанобларнинг нимаси кўп — найранги!

— Истасангиз қабрига бошлаб боришим мумкин,
— деди Абулбарака хаёл огушида турган Умматлига. Бир мамлакатнинг вакили сифатида виқор

билин ҳалигина сўзлаган йигит, унинг назарида, чўкиб кетганга ўшарди.

Абулбарака ундан кўп нарсани сўраб билмоқчи, биринчи навбатда онаси тақдири билан кизиқар эди. Лекин йигитдаги ўзгариш-унинг тилини-боғлаб қўйди. Умматали унга отасининг баҳтини қаро қилганлардан бири сифатида нафратланиб қараб турганини сезмоқда эди. Бу бир томондан Абулбарака-нинг виждонини қийнаса, иккинчи томондан Қурбоналига нисбатан бўлган ҳурматига туҳмат эди. Уни бу қийноқдан Умматалининг:

— Қачон вақтингиз бор? — деган саволи озод қилди.

— Истасангиз, ҳозир.

— Кетдик.

Абулбарака йўлда ҳамма гапни батафсил гапириб берди. Умматали унга ноҳақ совуқ муносабатда бўлганидан хижолат тортди:

— Мен сизни ўша бойнинг ўғли деб...

— Санамай саккиз деманг-да! — кўнглига олмаганини билдириди кулги билан Абулбарака.

Ана шундан кейин сұхбатдошининг юрагига йўл очганига ишониб, ўз дардига кўчди. У, онасининг уч қизи билан: «Чет элга қочган бойнинг хотини, деб аллақаёққа совет ҳукумати томонидан сургун қилинганини, ўшоқда ўлиб кетганини отасидан эшитган. Отаси буни уларни олиб келиш учун юборган одамидан билган. Шундай ишончда юрган Абулбараканинг онасини астойдил суриштириши нияти йўқ. Кўпроқ Умматалининг ўзи билан қизиқар, унинг, оддий бир хизматкорнинг тирик етим ўғлининг шундай кўзга кўринган агроном бўлиб етишгани мафтун қилиб қўйган эди.

Машинадан тушиб, қабристон томон бурилишар экан, Абулбарака сўраб қолди:

— Бизнинг хақимиздаги гапни онангиздан эшитган бўлсангиз керак, албатта.

— Йўқ. Сизнинг онангиздан билдим.

— Менинг онамдан?!?

— Ҳа, сизнинг онангиздан!

- Менинг онам тирикми?!
- Бўлмасам-чи! Бирор бир нарса девдими?
- Абулбарака лабини тишлаб олди. Кўз олдига отаси келди, унинг гаплари қулоги остида жаранглаб кетди. Гапничуватмади:
 - Мен бўлсам... биз бўлсак... — деганича нафаси ичига тушиб, аъзойи бадани зирқиради. Қўйган қадами олдига босмади: наҳотки дадаси алдаган бўлса!
 - Роҳтдан айтяпсизми, Умматали, ё... — ҳайрон сўради у.
 - Бундай нарсада ҳазиллашиб бўлмас, менимча. Биз бир ҳовлида турамиз.
 - Ростданми? Кишининг ишонгиси келмайди. Соғлиқлари яхшими, ўзлари тетикми?
 - Яхшилар, бардамлар.
 - Биз бу ёқда... — Абулбарака отасидан эшитганини айтиб берди.
 - Бўлмаган гап. Ҳеч ким у кишининг супургини у ердан олиб, бу ерга қўйгани йўқ. Ҳеч ким йўқлаб ҳам бормаган.

Абулбарака совуқ сувга бирдан ўйниган кишидек кўзи чарақлаб кетди: тушиби, ўнги? Эшитаётган ўзининг қулогими? Ким ҳақ: отасими, бу йигитми? Бу йигитга ёлғондан нима манфаат бор?

Абулбарака Қурбоналининг қабрини ўғли Умматалига кўрсатди-ю, ўз ташвиши билан ўзи овора бўлиб қолди. Кейин билса, ўртаниб-ёниб йиглаётган ҳамроҳининг кўнглини ҳам сўрамабди.

Умматали эса, отасининг дийдорига тўймаган бўлса-да, узоқ йиллар меҳрини юрагида ардоқлаб юрган мусофири отасининг ўт босган фарид қабри тепасида бир лаҳзагина титраб турди-да, сўнгра хўнграб йиглаб юборди. Чўккан қабрини жони-жаҳди билан қучоқлаб йиглади. Тирик етим ўтган болалиги учун, ўғлим деган биргина сўзга зор бўлиб ўтган ўсмирлиги учун йиглади. Ёлғиз ўғлини алданиб сағир қолдиргани етмаганидек ўзининг ҳам етимдан беш баттар қийналиб ўтган мусофири кунлари учун, бегона юртда унинг тортган ғам-алам, ҳасрати учун,

ватангадолиги учун йиглади. Тириклигига чеккан қайгулари етмагандек қабрининг чўкиб, ўт босиб оёқ ости бўлиб ётгани учун ўксисиб йиглади, юрак-бағри ўртаниб йиглади. Она юртида бўлса, қабрини ёввойи гиёҳ шундай-босиб ётармиди?! Устига гуллар экиб, атрофига панжара тутмасмиди?! Бошига мармартош қўймасмиди? Кунда бўлмаса ҳам ҳафтада хабар олиб, зиёрат қилиб турмасмиди!

«Эй тақдир, отани бунда зор, фарзандни унда интизор этмасанг нима қиласарди! Бизда нима қасдинг бор эди!»

Умматали шу куниёқ отасининг бошига тувакларда ранг-баранг гуллар келтириб қўйди. Эрталаб яна зиёратга келди. Бу гал унинг ёнида сафардош ҳамроҳлари ҳам бор эди.

Эртасига бу воқеани бутун газеталар ёзди. Айниқса, Зейтунийнинг газетаси кенг ёритди.

Бир ҳафтадан кейин, бу ўлкада иши битгач, Умматали отасининг хокини унинг киндик қони тўкилган, тириклигига яна бир бор кўришга илҳақ бўлган она ватанига олиб кетди.

Абулбарака интизор онасига кўпдан-кўп салом айтиб «албатта бораман, Умматали», деганича кўзидা ёш билан хайрлашди.

Абулбарака онаси ва опалари хақидаги аччиқ ҳақиқатни Умматалидан эшигандан кейин ўтиргани жой тополмай қолди. Ўтирса ўрни, юрса йўли куйди. Наҳотки ширин гапириб, юмшоқ эркалаб юрган отасининг қалби шунчалик метин тош бўлса! Таманнонинг муҳаббати ва эрга беришдаги «тадбир»ларни эслаганда отасининг сирли фордек қора кўнглини нур тушиб ёритгандек бўлди. Юмшоқ супургидан чанг, қаттигидан товуш чиқади, деди-ю, отаси билан очиқ гаплашишга қарор қилди.

Қабристондан қайтгач, Умматали ўзлари тушган меҳмонхонага шунча таклиф этса ҳам, кирмади. Унинг бирор билан бошқа бир мавзуда гапиришадиган ҳоли йўқ эди. Унга зарур иши борлигини баҳона қилиб уйига чопди. Эшикдан кириши билан отасини суриштирди. Ўз хонасида эканини айтиш-

ди. Ҳатто унинг авзойини кўрган Таманно: «Тинчликми, ака?» деб кўзи ола-кула бўлди. Ҳомиладорлик «ёқмаган» Таманно анча сўлиб тушган, маъюс кўзлари билан акасининг орқасидан боқиб қолди.

Абулбарака отасининг хонасига кириб борганда Ҳожи гилам жойнамоз устида намоздан кейин каҳрабо тасбеҳ ўтириб ўтиради. Ўғли кирганини кўрган бўлса ҳам тиловатини маълум ерга етказиб қўймагунча унга қарамади. Кейин юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди. Авзойи бузуқ ўғлига қараб юраётиб, юраги орқасига тортиб кетди. Ўғлини ҳеч маҳал бунаقا кўрмаган эди: на салом бор, на алик. Бир кўзи пирпираб учади, лабида ҳам сезилар-сезилмас титроқ бор.

— Нима гап, ўғлим? Ўзи тинчликми? Абулбара-ка чўзиб ўтирмасдан бирдан бошлади:

— Ростини айтинг-чи, дада, ойимнинг ўлгани чинми?

Ҳожи ҳеч қачон берилишини кутмаган бу мушкул савол унга нима гаплигини дарров англатган бўлса ҳам, турмуш аччиқ-чучугуни кўравериб писиб кетган одамдек зумда ўзини босиб, оғир жавоб қилди:

— Биз йўлга чиққанда, эсингда бўлса керак, уйда қолган эди. Соғ-саломат эди. То мендан одам боргунча ГПУ қамоққа олиб, аллақаёққа сургун қилиб юборибди. Ўша ерда қазоси етибди.

— Ўша юборган одамингиз шу гапни топиб келдими?

— У ҳам, кейин ишончли бир одамдан ҳам эшигдим. Тўғри, у қазосини айтгани йўқ.

— Ҳаммаси ёлғон!

— Қанақа қилиб ёлғон бўлади. Кап-катта одамлар имонини ютадими? — вазминлик билан рад этди Ҳожи.

— Ёлғон бўлса-чи?

— Унда ўзига жабр, имони куяди. Мунча суриштириб қолдинг? Нима гап ўзи? Бир нарса эшигдингми?

— Ҳа. Аниқ одамдан эшитдим. Керак бўлса юзма-юз қиласан. Шунча қилдим бу ёқса келмади. Тўғриси, зўрлаб олиб келгани уялдим: дадасининг яшаган — жон берган кулбасини кўрса, бизга раҳмат айтмайди.

— Қурбоналининг ўғлини кўрдингми? — дарров топди Ҳожи. Нима учундир ранги қув ўчиб кетди.

— Бу ёқда нима қилиб адашиб юрибди?

— Адашиб эмас, сиз баширасига қора суртиб келган мамлакатнинг вакили бўлиб юрибди.

Ҳожи яхши тушунмасдан: «Чоригини судраб юрган бу қашшоқ боласи қанақа қилиб ароб бўлиб қолди, дегандек елкасини қисган эди, Абулбарака икки оғиз сўз билан уни хотиржам қилди.

— Ҳа, ажабланишингиз мумкин! «Фақат мен ўғлимни Парижга юбориб ўқитдим» демай қўя қолинг. У ердагилар ҳам кесак тепиб, тупроқ чангитиб юргани йўқ. Битта тирик етимчанинг шундай маълумот олгандан кейин у ёғини билишингиз қийин эмас... Мен энди ҳаммасини биламан: онам ҳаёт, уни ҳеч ким йўқлаб бормаган. Унинг кўзи ҳамон йўлда.

— Йўғ-э, Абулбарака, — ўз ёлғони очилганидан энди шошинқиради Ҳожи. Лекин дарров андавалади, — одам юборганим рост. Тепамда худо турибди!!!

— Қасам ичманг, фойдаси йўқ! Қасам билангина иш битса, яхши эди. Афсус... Айтинг-чи, нима учун битта мени ўзингиз билан бирга олиб, онам ва учта опамни ташлаб келдингиз, тўғриси, алдаб қочдингиз? Қиз одаммасми! Онам ортиқчамиди?

Ҳожининг боши хам бўлди. Тили гапдан қолди. Анчадан кейин синиқ овоз билан шу ғазални ўқиди:

Атодан хато келса, кўрма хато,
Савоб бил хато қиласа доги ато.

Атонгнинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодан кутаргай худо!

Бу Ҳожининг ўқинчи ва узри эди.

Абулбарака бундай насиҳатлар билан овунадиган кайфиятда әмас әди. Ўридан туриб эшикка қараб юрди. Ҳожи шу лаҳзадан бошлаб ўзидан узоқлашиб бораётган ўғлидан бутунлай ажралганига ишонди, кўзига ёш чиқди.

Уч кун ўтгач, бу хонадонда содир бўлган қонли фожиа уни ер тишлатди.

Таманнони бирдан дард тутди. Бутун хонадон оёққа турди. Мўлжалдаги доктор олиб келинди. Вактдан аввал тугилган бола ўлик тушди. Таманнонинг аҳволи оғир әди.

Бу кутилмаган ҳолдан гирдикапалак бўлиб қолган Ҳожи ҳозиргина қўлини ювиб, энди оппоқ сочиққа ғамгин артаётган докторга:

— Нима гап ўзи, доктор? — деди.

Кечадан бери Таманно бошида қийналиб кетган доктор аввалига нима дейишини билмаган кишидек хижолат тортиб турди, кейин аста жавоб қилди:

— Айтишга мажбурман, Ҳожи. Бола тугилгани йўқ, бола ириб тушди.

— Нима?

— Ҳа, шундай, — доктор яна такрорлади. — Бола заҳмдан ириб тушди. Она организми ҳам шикастланган.

— Ё, тавба! Бу не бало! Қаёқдан?

Доктор жавоб беришдан ийманиб турар экан, Абулбарака лўнда қилди-қўйди:

— Қаёқдан бўларди, арзанда куёвингиздан ўтади-да!!

Аввал Сайдакбар ҳожининг қўлидаги четига ғазал ёзилган пиёла ерга тушиб чил-чил синди, кейин ўзи беҳуш йиқилди.

Докторлар кўриб инфаркт, оғир инфаркт дейишиди.

**Абдулла Қодирий
Ўткан кунлар – 476 б**

Абдулла Қодирийнинг айтишича: «Бу китобни бир марта эмас, беш марта ўқиши керак. Шунда сиз турмушни, тарихни, сиёсатни, одобни ва тилни ўрганасиз». Ҳурматли ўқувчи, мана, қўлингизга яна «Ўткан кунлар» асарини олдингиз, бу сафар ҳам ушбу китобни бир олам таассурот билан ўқиб чиқишингизга аминмиз.

**Ойбек
Болалик хотираларим – 272 б**

Ойбек сингари улуғ алломаларнинг болалик ва ёшлик кезлари, уларнинг кўча чангитиб юрган оддий боладан халқнинг мутафаккир сиймоларидан бирига айланиши айниқса сиз ёш авлодлар учун ҳамиша ибратлидир.

**Жонатан Свифт
Гулливернинг саёҳатлари – 296 б**

Жонатан Свифт жаҳон адабиётининг таниқли намояндаларидаидир. Ушбу тўпламга сўз санъаткорининг энг қизиқарли асари киритилган. Ёш китобхонларимиз «Гулливернинг саёҳатлари»да миттивойлар ўлкасига сайр этиб, Гулливернинг қизиқарли саргузаштларида хаёлан ҳамроҳ бўладилар.

Пиримқул Қодиров
Авлодлар довони – 724 б

Сизга тақдим қилаётган ушбу китобимизда ёзувчи П. Қодировнинг тарихий асари икки бобурийзода ҳақида. Ҳумоюн ва унинг ўғли Акбар хукмронлиги даврида ички ва ташқи сиёсий вазиятлар, фарзанднинг ота-онага бўлган муносабатлари, меҳр-муҳаббат туйғулари ифодаланган ушбу асарни катта қизиқиши билан ўқийисиз деган умиддамиз.

Одил Ёқубов
Улугбек хазинаси – 432 б

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг “Улугбекхазинаси” номли асари сиз ўқувчиларга яхши таниш. Асарда бобокалонимиз Муҳаммад Тарагай Улугбекнинг шахсий ҳаёти, фожиавий қисмати ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилинади.

Рабиндренат Тагор
Нур ва соялар – 152 б

Кўлингиздаги ушбу мажмууга Ҳиндистоннинг буюк адаби Рабиндренат Тагорнинг бир жуфт ҳикояси, рус шоири Сергей Есениннинг туркум шеърлари, шунингдек, атоқли ўзбек ижодкорлари – Тўра Сулаймон, Муҳаммад Юсуф шеърларидан намуналар жамланди. Инсон, уни англаш, унинг қалбини қозоғда акс эттириш мазкур сўз санъаткорларнинг бош мавзуси, асосий фоясиdir.

Чингиз Айтматов
Асрни қаритган кун – 428 б

Ёзувчи Чингиз Айтматов барча асарларида бўлгани каби, мазкур асарида ҳам ўз ўсул-анъана сига содик ҳолда муайян ҳаётий воқеалар тасвирини ривоятлар фонида тасвирлаганки, асарни ўқиганимизда, ҳаёт турмуш тасвири қаердан бошланади-ю, ҳайратомуз тахайюл рамzlari, фантастика қаерда тугашини билмай қоламиз.

Адиднинг “Асрни қаритган кун” романи маънавий-рухий покланиш палласида инсонга ўз-ўзини англаш дарсидан сабоқ бериши, шубҳасиз.

Роман қаҳрамонлари сизу биз, воқеалар эса ўтмисимиз ва бугунимиздир.

Эрнест Сетон-Томпсон
Ёввойи йўрга – 348 б

Канадалик адид Сетон Томпсоннинг «Ёввойи йўрга» китобида мушуклар, қуёnlар, тулкилар, бўрилар, айиқлар, отлар... деярли барча - барча жониворлар образи бор.

Китоб етти яшар китобхон учун ҳам, етмиш яшар китобхон учун ҳам бирдай суюкли, бирдай ардоқли.

Абдулла Қодирий
Мехробдан чаён – 320 б

Адабиёт – характерлар, образлар хазинасиdir. Абдулла Қодирий ўзбек адабиёти образлар дунёсини характерлар галерияси билан бойитди. Адиднинг “Мехробдан чаён” романидаги характерларнинг ҳар бири ўз қиёфаси, ўз тақдири, ўз тирикчилиги, ўз майшати билан билишга арзигулик сиймолардир.

Абдулла Қодирий китобхон учун сеҳргар санъаткор, адиллар учун ижодий мезон муаллифидир.

Жонатан Свифт
Гулливернинг саёҳатлари – 296 б

Жонатан Свифт жаҳон адабиётининг таниқли намояндаларидандир. Ушбу тўпламга сўз санъаткорининг энг қизиқарли асари киритилган. Ёш китобхонларимиз «Гулливернинг саёҳатлари»да миттивойлар ўлкасига сайд этиб, Гулливернинг қизиқарли саргузаштларида хаёлан ҳамроҳ бўладилар.

Чингиз Айтматов
Оқкема – 172 б

Ушбу асар сўз заргари Чингиз Айтматовнинг ижод намунасидан таркиб топди. Яна бир қўнгилга яқин китобнинг дунёга келиши ва уни мириқиб ўқиш имкони Сизга муборак бўлсин, азиз ўқувчи.

Ўткир Ҳошимов
Дафтар ҳошиясидаги битиклар – 296 б

Ушбу китоб муаллифнинг синчков кузатувлари, ўй-кечинмалари, армонлари, истеҳзоли ва табассумли хуносалари асосида дунё юзини кўрган бўлиб, унда фалсафий фикрлар билан бирга Ватанимиз бошига тушган оғир кулфат – «ўзбек иши», «пахта иши» деган қатагон йиллари тўғрисидаги маълумотлар гўзал лавҳаларда тасвирланган. Сиз азиз ўқувчилар китобдан ўрин олган лавҳалар билан танишар экансиз, шўро замонининг баъзи ҳунарларидан нафратланиб, бугунги мустақиллик кунларимиз қадрини ҳис этасиз деб умид қиласиз.

Адабий-бадиий нашр

ШУХРАТ

**ЖАННАТ
ҚИДИРГАНЛАР**

Муҳаррир Илҳом Зойиров

Бадиий муҳаррир Шухрат Одилов

Техник муҳаррир Ҳосият Ҳасанова

Мусаҳҳих Оромижсон Тошпўлатова

Компьютерда саҳифаловчи Бобур Тухтаров

Нашриёт литеңзия рақами АI № 290. 04.11.2016.

2018 йил 1 августда босишига руҳсат этилди.

Бичими 84x108¹/₃₂. Times New Roman гарнитураси.

Офсет босма. 24,36 шартли босма тобоқ.

21,7 нашр тобоги. Адади 5000 нусха.

371-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

Faғfur Fулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп етилди.

100128, Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29

Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz

info@gglit.uz

Шұхрат

**ЖАННАТ
ҚИДИРГАНЛАР**



ISBN 978-9943-5295-7-1

9 789943 529571